



ISSN 2181-39-65

2023-YIL, 3-SON

VOLUME 4

MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR

ILMIY ELEKTRON JURNALI

TOSHKENT 2023

“MOLIYAVIY TEXNOLOGIYALAR” ILMIY ELEKTRON JURNALI TAHRIRIYAT KENGASHI RAISI

To‘lqin Zakirovich Teshabayev – tahririyat kengashi raisi. Toshkent moliya instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

TAHRIRIYAT KENGASHI

Oblomuradov Narzullo Naimovich – Toshkent moliya instituti ilmiy ishlar va innovatsiyalar bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Mehmonov Sultonali Umaraliyevich – Toshkent moliya instituti o‘quv ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori

Islamkulov Alimnazar Xudjamuratovich – Toshkent moliya instituti Xalqaro hamkorlik bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Sindarov Sherzod Egamberdiyevich – Toshkent moliya instituti moliya-iqtisod ishlari bo‘yicha prorektori, iqtisodiyot fanlari doktori, dotsent

Pardayev Abdunabi Xoliqovich – iqtisodiyot fanlari doktori, professor

Kuziyev Islomjon Ne‘matovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Baymuratov Tursunbay Maxkambayevich – iqtisod fanlari nomzodi, professor

Omonov Akrom Abdinazarovich – iqtisod fanlari doktori, professor

Sharipov Qongratbay Avezimbetovich – tahririyat kengashi raisi o‘rinbosari. Toshkent davlat iqtisodiyot universiteti rektori, texnika fanlari doktori, professor

Jumayev Nodir Xosiyatovich – iqtisod fanlari doktori, professor, O‘zbekiston Respublikasi Oliy Kengashi deputati

Haydarov Nizomiddin Hamroyevich – iqtisod fanlari doktori, professor

Raviprakash G. Dani – Xalqaro ta‘lim konsultanti, professor (AQSH)

Bagautdinova Nailya Gumerovna – Qozon federal universiteti Boshqaruv, iqtisodiyot va moliya instituti direktori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Rossiya Federatsiyasi)

Sharifzoda Mu‘min Mashokir – Tojik davlat huquq, biznes va siyosat instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor (Tojikiston Respublikasi)

Maley Elena Borisovna – Polotsk davlat universiteti rektori, iqtisodiyot fanlari nomzodi, dotsent (Belarus Respublikasi)

Asif Mahbub Karim – Malayziya Menejment va tadbirkorlik universiteti professori (Malayziya qirolligi)

Piter Xayk – Yevropa amaliy fanlar va menejment instituti ilmiy ishlar bo‘yicha prorektori (Chexiya Respublikasi)

Yavuz Demirel – Kastamonu universiteti professori (Turkiya Respublikasi)
Jo‘rayev Abdug‘affor Safarovich – Termez agrotexnologiyalar va innovatsion rivojlanish instituti rektori, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Ismanov Ibroxim Nabiyeovich – Farg‘ona politexnika instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Xayriddinov Azamat Botirovich – Qarshi muhandislik-iqtisodiyot instituti prorektori iqtisod fanlari nomzodi, dosent
Tashnazarov Samiddin Nizamovich – Samarqand iqtisodiyot va servis instituti kafedra mudiri, iqtisodiyot fanlari doktori, professor

JURNAL TAHRIRIYATI

Saparov Aktam Jo‘rayevich – bosh muharrir, filologiya fanlari doktori, dotsent
Avlokulov Anvar Ziyadullayevich – ilmiy muharrir, iqtisodiyot fanlari doktori, professor
Aliqulov Mehmonali Salohiddin o‘g‘li – mas‘ul muharrir, iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD)
Buxorova Moxira Samandarovna – ma‘sul kotib


O‘zbekiston Respublikasi OAK Rayosatining 2023-yil 3-iyundagi 364-son qarori bilan “Moliyaviy texnologiyalar” jurnali iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori (PhD) va fan doktori (DSc) ilmiy darajasiga talabgorlarning dissertatsiyalari yuzasidan assosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan.

MUNDARIJA			
МОЛИЯ			
1.	Бахриддинов Камолиддин Бахриддин ўғли	Акциядорлик жамиятларида молиявий стратегияларни шакллантириш масалалари.	7
2.	Абдубоқиев Мухаммад Шарофитдинович	Акциядорлик жамиятлари молиявий таъминотини мустаҳкамлашнинг илмий-назарий асослари	17
3.	Ибрагимов Сирожиддин Баходирович	Корхона молиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқариш	28
БАНК ИШИ			
4.	Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич	Ўзбекистон банк тизимини ривожлантиришнинг замонавий муаммолари	40
5.	Шомуродов Равшан Турсункулович	Ретроспективный аспект монетарной политики зарубежных стран	50
6.	Куллиев Истам Янгимуродович	Тижорат банкларининг ипотека кредитлаш билан боғлиқ рискларни минималлаштириш масалалари	64
7.	Razzaqov Jasur Xamraboevich	Biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklari ishtiroki	79
8.	Тожибоева Нилуфар Баходиржон кизи	Вопросы формирования капитала коммерческих банков	90
9.	Ибодуллаев Шохбоз Тўлкин ўғли	Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлашнинг долзарб масалалари	99
10.	Xolmamatov Farhodjon Kubaevich	Bank tizimi moliyaviy barqarorligini ta'minlashda ilg'or xorij tajribasidan o'zbekiston amaliyotida foydalanish imkoniyatlari	111
11.	Ибодуллаева Маърифат Тўлкин кизи	Корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятига банк хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш	125
12.	Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна	Ўзбекистонда банклар молиявий барқарорлигини баҳолаш методологиясининг меъёрий-ҳуқуқий асослари	136
13.	Хатамов Адхам Собирович	Қишлоқ хўжалиги тузилмаларини субсидиялашнинг хориж тажрибаси	148
14.	Тугалов Бобур Қаршибой ўғли	Тижорат банклари кредит рискини бошқариш	163

15.	Баймуратова Мадина Турсунбой қизи	Банк трансформацияси парадигмаси	171
16.	Избосаров Бобуржон Бахриддинович	Ўзбекистонда тижорат банклари активлари ликвидлилигини ошириш масалалари	187
17.	Одилов Бобуржон Фурқатович	Банк пассиви барқарорлигини таъминлаш имкониятлари	201
СОЛИҚЛАР			
18.	Уразалиев Камолиддин Тажикулович	Хорижий компаниялар кўрсатаётган электрон хизматларни солиққа тортиш амалиёти	212
19.	Artikov Ne'matulla Abdusalomovich	Raqamli iqtisodiyotda xalqaro soliqqa tortish	220
20.	Berdiyeva Uguloy Abdurakhmanovna	Some issues of improving the methodology for increasing tax collection	227
ИНВЕСТИЦИЯЛАР			
21.	Ниязметов Мансур Рузматович, Маматов Баходир Сафаралиевич	Инвестициявий жозибадорлик хусусидаги илмий-назарий қарашлар талқини	240
22.	Наврўзов Икром Абдуллаевич	Хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизми	251
23.	Hoshimov Jahongir Ravshanbek o'g'li	Global indekslar – xorijiy investitsiyalarni jalb qilishning muhim omili	260
24.	Хошимов Собир Муртазаевич	Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг назарий-ҳуқуқий асослари	272
25.	Alikulov Mekhmonali Salokhiddin ugli	The role of economic indices in assessing the investment climate in Uzbekistan	284
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ			
26.	Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич	Хусусий капитал аудитида таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари	296
27.	Калонов Шоҳижаҳон Нормахмад ўғли	Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобининг назарий жиҳатлари	311
28.	Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли	Аудиторлик текширувларида баҳоланган қийматлар тўғрилигини аниқлаш	321
29.	Хамидова Зарифа Урол қизи	Замонавий ахборот технологиялар асосида ички аудитни такомиллаштириш	331

30.	Норматова Гулмира Хайруллаевна	Жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобидаги аҳамияти	344
31.	Тошпулатов Фаррух Бахтиёрович	Корпоратив бошқарув тизимида ички назорат функциясини такомиллаштириш	353
МЕНЕЖМЕНТ			
32.	Akhmedov Sayfullo Normatovich	Methodology for efficiency of water management	366
СУҒУРТА ИШИ			
33.	Исламов Шухратжон Туйчибаевич	Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари	375
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР			
34.	Боев Бекзоджон Жўракул ўғли	Акцияларни оммавий жойлаштиришнинг ташкилий-иқтисодий механизми масалалари	386
35.	Olimjon Davronovich Alimov	Key development factors of the securities market in the republic of Uzbekistan	398
СТАТИСТИКА			
36.	Илёсова Дилбар Исмоил қизи	Аҳоли даромадлари таснифланишининг статистик методлари масалалари	409
37.	Mustafakulov O'ktam Ungboyevich	Statistika tizimidagi raqamli platformalar	416
АҲОЛИ БАНДЛИГИ			
38.	Shakirova Nigora Axralovna	Aholi bandligi masalalari	425
39.	Xomitov Komiljon Zoitovich	Noqishloq xo'jaligi sektorida qishloq yoshlari bandligini oshirish yo'nalishlari	431
40.	Холиков Сулаймон Уткир угли	Социально-экономические аспекты женской занятости в Узбекистане	442
ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ			
41.	Кўчқаров Файзулло Абдужабборович	Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда аграр соҳанинг ўрни ва аҳамияти	454
42.	Хасанхонова Нодира Исаметдиновна	Анализ институционального формирования экономики знаний	464
43.	Исхакова Наргиза Патхиллаевна	Хўжалик субъектларида асосий воситалар ҳисобини юритишнинг амалий жиҳатлари	474

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ СТРАТЕГИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Бахриддинов Камолиддин Бахриддин ўғли

*Агробанк АТБ Сув лойиҳалари
маркази гуруҳ раҳбари*

E-mail: fin.management945@gmail.com

ORCID: 0009-0007-5193-4662

Аннотация

Мақолада акциядорлик жамиятларида молиявий стратегияларни ишлаб чиқишнинг аҳамияти ва долзарблиги асослаб берилган. Мавзуга доир мамлакатимиз ва хорижий иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ўрганилган ҳамда хулосалар шакллантирилган. Шунингдек акциядорлик жамиятларида молиявий стратегияларни ишлаб чиқишнинг асосий хусусиятлари, элементлари ва муносабатларни ташкил этишнинг илмий-назарий жиҳатлари очиб берилган. Молиявий механизм ва молиявий стратегияларнинг ўзаро боғлиқлиги асосланган. Акциядорлик жамиятларида молиявий стратегияларни ишлаб чиқиш механизмини такомиллаштиришга доир таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: молия, стратегия, инвестицион стратегия, молиявий барқарорлик, инқироз, самарадорлик, бизнесни бошқариш, молиявий инструментлар, корпоратив бошқарув, капитал қиймати.

ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ ФИНАНСОВЫХ СТРАТЕГИЙ В АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВАХ

Бахриддинов Камолиддин Бахриддин оглы

*руководитель группы Центра
водных проектов АК Агробанк*

E-mail: fin.management945@gmail.com

ORCID: 0009-0007-5193-4662

Аннотация

В статье обоснована важность и актуальность разработки финансовой стратегии в акционерных обществах. Изучены научно-исследовательские работы отечественных и зарубежных экономистов по данной теме и сделаны выводы. Также раскрываются основные характеристики, элементы и научно-теоретические аспекты разработки финансовой стратегии в акционерных обществах. Обосновывается связь между финансовым механизмом и

финансовыми стратегиями. Разработаны предложения по совершенствованию механизма разработки финансовой стратегии в акционерных обществах.

Ключевые слова: финансы, стратегия, инвестиционная стратегия, финансовая устойчивость, кризис, эффективность, управление бизнесом, финансовые инструменты, корпоративное управление, стоимость капитала.

ISSUES OF FORMATION OF FINANCIAL STRATEGIES IN JOINT STOCK COMPANIES

Bakhriddinov Kamoliddin Bakhriddin ugli

*Head of the group of the Center
for Water Projects, Commercial Bank «Agrobank»*

E-mail: fin.management945@gmail.com

ORCID: 0009-0007-5193-4662

Abstract

The article substantiates the importance and relevance of developing a financial strategy in joint-stock companies. The research works of domestic and foreign economists on this topic have been studied and conclusions have been drawn. The main characteristics, elements and scientific and theoretical aspects of developing a financial strategy in joint-stock companies and organizing relations are also disclosed. The connection between the financial mechanism and financial strategies is substantiated. Proposals have been developed to improve the mechanism for developing a financial strategy in joint-stock companies.

Keywords: finance, strategy, investment strategy, financial stability, crisis, efficiency, business management, financial instruments, corporate governance, cost of capital.

Кириш

Акциядорлик жамиятларида истиқболли лойиҳаларни молиялаштириш, инвестицион имкониятларни аниқлаш, келгусида ташқи омиллар ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда турли молиявий инқирозлар ва уларни молиявий-инвестицион фаолиятига таъсирини баҳолаш ҳамда молиявий рисклар даражасини минималлаштиришда молиявий стратегиянинг ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши долзарб аҳамият касб этади. Кейинги йилларда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув тизимини босқичма-босқич ривожлантириш орқали

молиявий стратегияларни шакллантириш ва корпоратив ошкораликни таъминлаш мақсадида тегишли корпоратив ахборот портали, акциядорлик жамиятларининг расмий сайтлари орқали инвесторлар ва кенг оммага эълон қилиш тартиби жорий этилмоқда.

2021-2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастурида “Корпоратив ахборот ягона портали ва «Тошкент» Республика фонд биржаси веб-сайтининг тегишли бўлимлари базасида листинг компаниялари ва акциядорлари томонидан ахборотни ошкор қилиш бўйича корпоратив ва бозор маълумотларини ошкор қилишнинг ягона платформасини яратиш” [1] алоҳида устувор вазифа сифатида белгиланган.

Акциядорлик жамиятларида молиявий стратегиялар умумий фаолият стратегиясининг ажралмас қисми сифатида бевосита бошқарув органлари ва ижро органлари олдида турган муҳим йўналишлардан бири саналади. Бугунги кунда мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида молиявий стратегияларни самарали ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этишда халқаро амалиёт тажрибаларидан кенг фойдаланиш хусусан молиявий қарорлар қабул қилишда эконометрик инструментлардан фойдаланиш, ташқи ва ички омилларни тизимли таҳлил қилиш амалиётини йўлга қўйиш, стратегик қарорлар қабул қилишда мустақил кузатув кенгашлари институтини ривожлантириш каби вазифаларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ушбу йўналиш бўйича илмий тадқиқотларни олиб бориш, соҳага доир муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этишга қаратилган илмий таклифларни ишлаб чиқиш зарур.

Адабиётлар шарҳи

Молиявий стратегияларни ишлаб чиқишнинг назарий-фундаментал асослари, истиқболли инвестицион стратегияларни акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлигига таъсири каби илмий масалалар мамлакатимиз ва етакчи хорижий олимлар томонидан тадқиқ этилган.

Молиявий стратегия механизми компаниянинг бозор баҳосини оширишда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга молиявий фаолиятни тизимли таҳлил қилиш учун фойдаланилади. Молиявий стратегияда белгиланган устувор вазифаларнинг реал ҳолатдаги (ҳақиқатдаги) ижросини таъминланиши асосида компаниянинг истиқболли ривожланиш тенденцияларига баҳо бериш мумкин [2]. Молиявий стратегия бизнесни рақобатбардошлигига эришиш ва уни қўллаб-қувватлаш ҳамда компанияни халқаро миқёсидаги ташкилот сифатида ривожлантириш йўлини ифодалайди. Молиявий стратегиялар – бу корпоратив натижаларга эришиш

учун молиявий менежментни янада яхшилаш ва оптималлаштиришга қаратилган мақсадлар, моделлар ёки муқобил танловлардир [3]. Бланкнинг фикрига кўра, молиявий стратегия “... узоқ муддатли молиявий мақсадларни шакллантириш, уларга эришишнинг энг самарали усулларини танлаш орқали унинг молиявий фаолияти ва молиявий муносабатларини ривожлантиришнинг барча асосий йўналишларини белгилаш, ташқи омилларни ўзгариб бориши шароитида молиявий ресурсларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш йўналишларини етарли даражада мослаштиришни таъминловчи корхона функционал стратегиясининг энг муҳим турларидан бири ҳисобланади” [4]. Корпоратив стратегия бутун компаниянинг умумий фаолиятини назарда тутаяди, функционал стратегия эса, умумий стратегия доирасидаги компаниянинг ўзига хос функциясини аниқлатади. Ўз навбатида, молиявий стратегия функционалдир. Шунинг учун унинг асосий мақсади капитал жалб қилиш орқали, самарадорликни оширишга йўналтирилган фаолият ҳисобланади [5]. О.В. Борисованинг фикрига кўра, молиявий стратегия мазмунан иккита компонентни ўз ичига олиши мумкин: мақсадли молиявий стратегия ва капиталдан фойдаланиш бўйича молиявий стратегияси. Ушбу стратегияларнинг ҳар бири ўз мазмуни ва хусусиятларига эга. Хусусан, мақсадли молиявий стратегияни компания бозор қийматини ошириш стратегияси, (маҳсулот) сотув ҳажмини ошириш стратегияси, фойдани максималлаштириш стратегияси сифатида ёндашиш мумкин. Ўз навбатида, капиталдан фойдаланиш бўйича молиявий стратегия ўз-ўзини молиялаштириш стратегияси ва молиявий инвестициялар стратегияси сифатида қаралади [6].

Юқорида олимлар томонидан берилган таърифларга асосланган ҳолда айтиш мумкинки, молиявий стратегия компанияни истиқболли ривожлантириш, инвестицион жозибадорлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш, юзага келиши мумкин бўлган молиявий рискларни олдини олишда долзарб аҳамият касб этади.

Таҳлил ва натижалар

“Молиявий стратегия” тушунчасини ёритишга доир амалга оширилган тадқиқотлар бўйича хулосаларни давом эттирган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин:

биринчидан, мазкур иқтисодий категория бўйича ягона таърифнинг мавжуд эмаслиги, барча муаллифлар “молиявий стратегия” тушунчасининг мазмунини турли позициялардан изоҳлайдилар;

иккинчидан, барча муаллифлар, у ёки бу даражада, молиявий стратегия

компаниянинг молиявий ва бошқа ресурсларини бошқаришнинг бир вақтнинг ўзида восита ва/ёки усул деб ҳисоблайди;

учинчидан, молиявий менежментнинг асосий мақсади – молиявий активлар ва капиталдан самарали фойдаланиш орқали компания фойдасини максимал даражада оширишдир.

Молиявий стратегиянинг моҳиятини таҳлил қилиш асосида, молиявий стратегия молиявий ва стратегик менежментнинг “қесишиши” ва ихтисослашган интеграция соҳаси деган хулосани тасдиқлашга имкон берди. Фикримизча, молиявий стратегия икки томонлама хусусиятга эга: асосий ва функционал. Асосийси, у бошқа функционал стратегияларни амалга оширишнинг базисини ташкил қилади ва унинг икки томонламалиги бошқа функционал стратегияларга нисбатан устуворлигида намоён бўлади, лекин унинг ўзи функционал бўлиб қолади. Мазкур хулосага асосланиб, молиявий стратегиянинг қуйидаги хусусиятларини ажратиш мумкин:

1) молиявий омил сифатида – ҳар қандай бизнеснинг ҳам тактик, ҳам стратегик жиҳатларида энг муҳим ҳал қилувчи омил ҳисобланади;

2) молиявий ҳисоблагич сифатида – ҳар қандай бизнеснинг барча асосий нуқталарининг ягона, ҳисоблагичи; молиявий барқарорлик ҳолати ҳар қандай стратегияга хосдир ва уларнинг барчаси учун муҳим, шунинг учун барча функционал стратегиялар, жумладан молиявий стратегия ягона умумий стратегия тизимининг таркибий жиҳатлари ҳисобланади. Шунга асосланиб айтиш мумкинки, молиявий стратегия бу кенг маънода универсал стратегиядир;

3) молиявий стратегияни ишлаб чиқиш ва уни амалга оширилишини назорат қилиш механизми ҳам назария ҳам амалиётда энг долзарб фаолиятдан биридир.

Халқаро интеграциялашув жараёнларининг жорий босқичида кўплаб хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан берилаётган тарифларга мувофиқ, молиявий стратегия аниқ мақсадларга эришиш учун хатти-ҳаракатлар тизими ёки молиялаштириш ва капитални жалб қилишга қаратилган бошқарув қарорларини қабул қилиш механизми сифатида стратегик, молиявий менежментнинг муҳим элементи сифатида қаралади. Бошқача айтганда, молиявий стратегия – функционал стратегияларнинг энг муҳим турларидан бири, у молиявий фаолиятнинг узок муддатли мақсадларига эришиш бўйича ҳаракатлар тизими бўлиб, унинг асосида капитал жалб қилиш ва улардан фойдаланиш сиёсати ишлаб чиқилади. Ушбу сиёсат турли манбалар ва усуллар орқали молиялаштиришнинг оптимал миқдорини шакллантиришнинг ўзига хос механизмини шунингдек, ташқи

муҳитнинг ўзгариш тенденцияларини эътиборга олган ҳолда ва молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида жалб қилинган молиявий ресурсларни компаниянинг активларига самарали инвестиция қилиш механизмини ўз ичига олади.

Айтиш мумкинки, молиявий стратегия икки томонлама функцияни бажаради, бир томондан молиявий механизмнинг асосий элементи ролини бажаради, иккинчи томондан молиявий механизм элементларини ўзаро муносабатларини белгилайди, бу эса унинг зарурати ва аҳамиятини очиқ беради. Молиявий стратегия компаниянинг кўпроқ ташқи муҳит таъсири билан боғлиқ хусусиятларини инобатга олган ҳолда фаолият йўналишлари ишлаб чиқилишини ҳисобга олсак, унинг таркибий қисмларини икки гуруҳга бўлиш мумкин, яъни: молиявий стратегиянинг элементлари ва улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тизими (1- chizma).

1- chizma.

**Молиявий механизм ва молиявий стратегия
элементларининг ўзаро боғлиқлиги***




*Муаллиф ишланмаси.

Шу билан бирга, молиявий левераж молиявий стратегиянинг таркибий қисми сифатида капиталдан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий рискларни бартараф этишда муҳим ўрин тутаяди. Молиявий стратегия элементлари ўртасидаги муносабатлар давлат томонидан компаниялар фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари ва ички меъёрий ҳужжатларни амалиётга тадбиқ этишни таъминлайди. Молиявий стратегиянинг таркибий қисмлари компаниянинг ташкилий ҳуқуқий шакли, фаолият кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми ва ш.к. дан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади (2-chizma).

2-чизма.

Молиявий стратегиянинг таркибий тузилиши ва муосабатларини ташкил этиш механизми*



*Муаллиф ишланмаси.

Расм маълумотларидан кўринадикки, молиявий методлар ўз ичига компаниянинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланишга доир асосий сиёсат турларини қамраб олади. Ўз навбатида мазкур элементларни ўзаро узвий боғлиқликда ташкил этилиши молиявий барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Молиявий стратегиянинг элементларини, ўз навбатида, молиявий усуллари ва воситаларига бўлиш мумкин. Молиявий методлар дейилганда молиявий стратегиянинг белгиланган мақсадига эришишда фойдаланиладиган усуллар ва услублар мажмуи тушунилади. Молиявий стратегия инструментлар эса, ўз навбатида, молиявий воситалар, молиявий левераж ва молиявий стратегиянинг самарадорлигини акс эттирувчи кўрсаткичларга бўлинади.

Маълум маънода, молиявий режалаштириш барча элементларнинг бошланғич “нуқтаси” бўлиб, деярли барча босқичларни қамраб олади. Молиявий стратегиянинг инструментлари бевосита молиявий воситалар орқали амалга оширилади ва тегишли тартибда назорат қилиб борилади. Юқорида таъкидлаб ўтканимиздек, молиявий стратегияни амалиётга тадбиқ этиш ва фаолият самарадорлигини таъминлашда муносабатларни танлаш алоҳида ёндашувни ташкил этгани ҳолда, компания фаолиятининг қонуний асосларини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Хулоса

Акциядорлик жамиятлари молиявий стратегиясини ишлаб чиқиш бугунги кунда улар олдида турган молиявий ресурсларни шакллаштириш ва манбаларни оптималлаштириш, инвестицион имкониятларни ошириш, корпоратив баҳолаш амалиётини такомиллаштириш сингари муҳим илмий-амалий йўналишларда ижобий ечимларни ҳал қилишда муҳим аҳамият касб этади. Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда мамлатимизда фаолият юритаётган аксарият акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлик даражасини паст даражада сақланиб қолаётганлиги, молиявий хисоботнинг халқаро стандартларини жорий этиш билан боғлиқ кечикишлар, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандартларини жорий этиш билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги айнан тадқиқот мавзусини долзарб эканлигини намоён этиш билан бир қаторда мазкур йўналишдаги халқаро амалиёт тажрибаларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Акциядорлик жамиятларида инвестицион стратегияларни

такомиллаштиришда йўл харитаси (road-mapping) усулини кенг жорий этиш лозим. Мазкур модулли тизимни ишлаб чиқиши асосида инвестицион қарорлар қабул қилишда барча босқичлардаги ўзаро (лойиҳавий) боғлиқликни тизимли таҳлил қилиш, мавжуд камчиликларни аниқлаш, режалаштирилган кўрсаткичлар билан ҳақиқатдаги кўрсаткичларни КРІ тизими орқали баҳолаш имконини беради. Шунингдек мазкур усул орқали инқирозли вазиятлар юзага келиши мумкин бўлган сценарийлари ишлаб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилиш бўйича прогноз тенденциялар таклиф этилади.

Акциядорлик жамиятларида асосий воситаларни модернизация қилишга қаратилган инвестиция жараёнининг мақсадларига эришиш учун инвестиция ва инновацион фаолиятнинг батафсил режаси ҳамда унинг молиявий таъминлаш тизими бўлиши зарур. Инвестицион ва молиявий стратегияларни ягона стратегияга бирлаштириб, ишлаб чиқариш фондларини модернизация қилиш ва маҳсулот турларини диверсификация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш, шунингдек маҳсулотлар реализация хажмини оширишга қаратилган юқори сифатли стратегияни ишлаб чиқиши рақобатбардош устунликка эга бўлиш билан бирга компаниянинг бозор қийматини оширишда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-6207-сон Фармони.
2. Shibata T. and Nishihara M. Optimal financing and investment strategies under asymmetric information on liquidation value. *Journal of Banking & Finance* Volume 146, January, 2023 106709, <https://doi.org/10.1016/j.jbankfin.2022.106709>.
3. López Salazar, Alejandra and Contreras Soto, Ricardo and Espinosa Mosqueda, Rafael The Impact of Financial Decisions and Strategy on Small Business Competitiveness, *Global Journal of Business Research*, Vol. 6, No. 2, pp. 93-103, 2012. Available at SSRN: <https://ssrn.com/abstract=1945906>
4. Бланк, И.А. Финансовая стратегия предприятия / И.А. Бланк – К. : Ника-Центр – 2006 – 520 с.
5. Михель В. С. Определение и выбор финансовой стратегии корпорации // МИР (Модернизация. Инновации. Развитие). 2015. № 1(21). – С. 112 - 11.

6. Борисова О.В. Методы оценки риска снижения финансовой устойчивости организации // Аудит и финансовый анализ. – 2015 г. № 6 . – С.296-304.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИ МОЛИЯВИЙ ТАЪМИНОТИНИ МУСТАҲКАМЛАШНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Абдубоқиев Мухаммад Шарофитдинович



*ТДИУ таянч докторанти
E-mail: abduboiyev@mail.ru
ORCID: 0009-0002-2752-769X*

Аннотация

Мақолада акциядорлик жамиятларида молиявий ресурслар жалб қилишнинг иқтисодий аҳамияти, хусусийлаштириш жараёнларини жорий босқичида капитал жалб қилиш борасида замонавий инструментларни амалиётга кенгроқ тадбиқ қилиш орқали нобанк моделини ривожлантириш имкониятлари ёритилган. Шунингдек акциядорлик жамиятлари молиявий таъминот манбаларини оптималлаштириш йўналишларига доир тадқиқотлар олиб борилган. Капитал жалб қилиш механизмини такомиллаштириш орқали молиявий таъминотни мустаҳкамлаш йўлларига доир таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корпоратив молия, молия стратегияси, капитал, облигация, молиявий таъминот, акция, хусусийлаштириш, инвестицион стратегия, корпоратив бошқарув, молиявий механизм.

НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ УКРЕПЛЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ ОБЕСПЕЧЕННОСТИ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

Абдубоқиев Мухаммад Шарафитдинович

*докторант ТГЭУ
E-mail: abduboiyev@mail.ru
ORCID: 0009-0002-2752-769X*

Аннотация

В статье анализируются экономическая значимость привлечения финансовых ресурсов в акционерные общества, возможность развития небанковской модели за счет более широкого применения современных инструментов привлечения капитала на современном этапе приватизационных процессов. Также были проведены исследования по оптимизации источников финансовой обеспеченности акционерных обществ.

Разработаны предложения по усилению финансовой обеспеченности за счет совершенствования механизма привлечения капитала.

Ключевые слова: корпоративные финансы, финансовая стратегия, капитал, облигация, финансовое обеспечение, акция, приватизация, инвестиционная стратегия, корпоративное управление, финансовый механизм.

SCIENTIFIC AND THEORETICAL FOUNDATIONS FOR STRENGTHENING THE FINANCIAL SECURITY OF JOINT STOCK COMPANIES

Abdubokiev Muhammad Sharofitdinovich

doctoral student of TSUE

E-mail: abduboiyev@mail.ru

ORCID: 0009-0002-2752-769X

Abstract

The article describes the economic importance of attracting financial resources to joint-stock companies, the possibility of developing a non-banking model through the wider use of modern tools for attracting capital at the present stage of privatization processes. Research was also carried out on ways to optimize the sources of financial support for joint-stock companies. Proposals have been developed on ways to strengthen financial support by improving the mechanism for attracting capital.

Keywords: corporate finance, financial strategy, capital, bonds, financial security, share, privatization, investment strategy, corporate governance, financial mechanism.

Кириш

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг жорий босқичида акциядорлик жамиятлари томонидан халқаро ва маҳаллий капитал бозоридан молиявий ресурсларни жалб қилиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Қолаверса, юқори рентабелликка эга бўлмаган йирик акциядорлик жамиятларини хорижий инвесторларга қулай шароитларда сотиш ва хусусийлаштириш асосида эркин рақобат асосида фаолият юритилиши бевосита қўшимча капитал жалб қилиш масаласида муҳим бошқарув қарорларини қабул қилишни тақозо этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни

жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чоратадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6096-сонли фармонида [1] давлат иштирокидаги корхоналарда истеъмолчига йўналтирилган замонавий бошқарув усуллари, очиклик, шаффофлик ва бозор тамойилларини жадал жорий этиш, таннархни пасайтириш орқали даромадларни ошириш, ислохотлар жараёнида хусусий капитал иштироки учун кенгрок имкониятлар яратиш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида қатор устувор вазифалар белгиланиб амалиётга тадбиқ этиб келинмоқда.

Айтиб ўтиш жоизки, кейинги йилларда акциядорлик жамиятларида замонавий молиявий бошқарув механизмини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар натижасида қатор ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Бироқ халқаро амалиёт билан солиштирадиган бўлсак, молия бозоридаги мавжуд молиявий инструментларнинг миллий амалиётга етарлича тадбиқ этилмаганлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги йирик акциядорлик жамиятлари томонидан молиялаштириш бўйича ҳанузгача асосан банк моделига таяниб қолаётганлигини кузатиш мумкин. Юқоридагилар асосида таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятлари томонидан капитал жалб қилишнинг замонавий инструментларини миллий амалиётга жорий этиш, хусусан иқтисодий-ҳуқуқий асосларини яратиш ва такомиллаштириш, соҳадаги кадрлар масаласини ижобий ечимини топиш, йирик молиявий муассасаларни мазкур инструментлардан фойдаланишга бўлган қизқишини ошириш кабилар мазкур йўналишдаги тадқиқотларнинг долзарблигини ўзида намоён этади.

Адабиётлар шарҳи

Акциядорлик жамиятларининг молиявий таъминоти масаласи, мазкур жараёнда замонавий молиявий инструментлардан фойдаланиш ва уларнинг самарадорлигини аниқлаш, компаниялар фаолиятида замонавий қарз инструментларини жорий этиш истикболларига доир мамлакатимиз ва етакчи хорижий иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқотлар амалга оширилган.

Аксарият иқтисодчиларда банклар ва капитал бозори иқтисодий ривожланиш динамикаси ўзгаришини макроиқтисодий барқарорликка таъсири юқори деган консенсус мавжуд, айрим иқтисодчилар эса ҳар икки йирик соҳани макроиқтисодий барқарорликка таъсири аҳамиятли эмас деган ёндашувлар ҳам учрайди. Мазкур консенсус асосан банклар ва капитал бозори йирик компанияларнинг асосий молиявий таъминотчиси эканлигидан

шаклланган. Шунинг учун мамлакат макроиктисодий барқарорлигини таъминлашда иқтисодиёт тармоқларида фаолият юритаётган компанияларнинг молиявий таъминотини мустаҳкамлаш ва мўътадиллигини таъминлаш долзарб аҳамиятга эга [2].

П.И. Гребенников, Л.С. Тарасевичлар молиялаштириш манбаларини “... корпоратив тузилма эгалари ёндашувига кўра ўзига тегишли ва четдан жалб қилинган, менежерлар ёндашувига кўра ички ва ташқи манбаларга ажаратади” [3]. О.В. Борисова ва бошқалар тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришнинг барча манбаларини қуйидаги тўртта гуруҳга бўлади [4]: корпорацияларнинг ўз маблағлари; қарз маблағлари; жалб қилинган маблағлар; давлат бюджети маблағлари. Бунда давлат бюджети маблағларининг ҳам корпоратив тузилмаларни молиялаштиришда иштирок этиши келтирилганлигини бошқалардан фарқли хусусият сифатида келтиришимиз мумкин. Шунингдек корпоратив молиявий таъминотда давлат бюджети маблағлари аниқ бир шартлар асосида ажратилишини қайд этиш шарт. Яъни корпоратив тузилмага давлат ўзининг улушини киритиш жараёнида, давлат кредитор сифатида ёки бошқа шартлар аниқ белгиланган ҳолда бюджет маблағлари йўналтирилиши мумкин. И.Я. Лукасевич молиялаштириш манбаларини мулкчилик муносабатларига кўра молиялаштиришнинг ўз ва қарз манбаларига; мулкдор турига қараб давлат, юридик ва жисмоний шахс (шу жумладан, норезидент) молиявий ресурслари; объектига кўра ички ва ташқи (жалб қилинган) манбалар; вақт тавсифига кўра қисқа муддатли (бир йилгача), узоқ муддатли ва муддатсиз манбалар сифатида таснифлайди. Бунда ҳар бир таснифдаги молиялаштириш манбаси ўзининг алоҳида тавсифига кўра ўз ёки қарз маблағларига тенглаштирилишини кўришимиз мумкин. Шунингдек молиялаштиришнинг ташкилий шакллари сифатида “... ўзини ўзи молиялаштириш (тақсимланмаган фойда, амортизация, активларни сотиш ва бошқалар), акциядорлик ёки улушли молиялаштириш (устав капиталида иштирок этиш, акцияларни сотиб олиш ва бошқалар), қарзли молиялаштириш (банк кредитлари жалб қилиш, облигациялар жойлаштириш, лизинг ва бошқалар), бюджетдан молиялаштириш (қайтариш шarti билан бюджетдан кредитлар, текинлик асосидаги бюджетдан ажратмалар, мақсадли давлат инвестицион дастурлари, инвестицион солиқ кредити, грантлар ва бошқалар), молиялаштиришнинг алоҳида шакллари (венчурли, лойиҳавий ва бошқалар), хорижий капитал жалб қилиш кабилар келтирилади” [5].

Ҳақиқатдан ҳам бошқа муаллифлардан фарқли равишда И.Я.

Лукасевич бюджетдан молиялаштириш, хорижий капитал жалб қилиш ва венчурли молиялаштиришларни ажратиб кўрсатади. Бунда бюджетдан молиялаштириш бозор иқтисодиёти шароитида ривожланган мамлакатларда ҳар доим ҳам қўлланилавермаслигини, бошқа томондан ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида бу амалиёт нисбатан мавжудлигини алоҳида таъкидлашимиз лозим. Шунингдек, хорижий капитал жалб қилиш амалиётини алоҳида кўрсатиш шарт эмаслигини ҳам қайд этиш керак. Чунки хорижий капитал қарз ёки улуш муносабатлари асосида корпоратив тузилмаларга киритилиши маълум ҳолат. А.Н. Гаврилова бошчилигидаги муаллифлар жамоаси томонидан чоп этилган “Молиявий менежмент” ўқув қўлланмасида корпоратив тузилмаларни молиялаштиришнинг ташқи манбаларига алоҳида эътибор қаратилган ҳолда ташкилот фаолиятини ташқи молиялаштиришнинг энг муҳим ва истиқболли манбалари сифатида “ ... акция ва облигациялар эмиссияси, банк кредитлари, молиявий лизинг, факторинг, форфейтинг кабилар келтирилади” [6]. Корпоратив тузилмаларда молиявий таъминотни ташкил этишда фақат ўз маблағлари ва банк кредитларига таяниш фаолиятни кенгайтириш бўйича янги лойиҳаларни молиялаштириш билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлмоқда. Бунда қимматли қоғозлар бозорининг турли инструментларидан фойдаланишга ва халқаро молия бозоридан капитал жалб қилишга жиддий эътибор қаратиш талаб этилади. Бунинг натижасида, маҳаллий корпоратив тузилмалар халқаро молия бозорига чиқиш орқали нисбатан арзон капитал жалб қилишига эришилади [7].


Таҳлил ва натижалар

Акциядорлик жамиятларида фаолият давомийлиги ва узлуксизлиги молиявий таъминот ҳолати билан бевосита боғлиқ. Молиявий таъминот аввало фаолиятни бошлаш ҳамда юритиш учун талаб этиладиган молиявий ресурсларнинг жалб этилганлиги билан изоҳланади. Бунда корпоратив тузилма томонидан молиявий муносабатларга киришиладиган субъектлар белгилаб олинishi талаб этилади. Чунки ҳар бир молиявий муносабат пул маблағлари кирими ёки мажбурият туфайли чиқиб кетишини назарда тутати. Акциядорлик жамиятлари бошқа субъектлар билан аниқ мақсадлар асосида молиявий муносабатларга киришади. Бунда акциядорлар, давлат, юқори турувчи ташкилотлар, тижорат банклари, суғурта компаниялари, лизинг компаниялари, фонд биржалари, инвестиция институтлари билан молиявий ресурслар жалб қилиш орқали молиявий таъминотни яхшилаш мақсадида молиявий муносабатлар ўрнатилишини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим. Бунда

“ ... молиявий ресурслар – жорий ва капитални кўпайтириш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш, молиявий мажбуриятларни бажариш учун олдиндан белгиланган ўз маблағлари ва қарз маблағлари ҳамда жалб қилинган маблағлар тушумлари йиғиндисидир” [8]. Акциядорлик жамиятларида молиявий ресурслари ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган жараёнлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, олимлар томонидан амалга оширилган изланишлардан келиб чиққан ҳолда молиявий ресурсларнинг таркибий тузилишини куйидагича ифодалаш мумкин (1-чизма).

1-чизма.

Акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларининг таркибий тузилиши



*Муаллиф ишланмаси.

Мазкур чизмада акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларининг таркибий тузилиши акс эттирилган бўлиб, у молиялаштириш манбасига кўра икки турга бўлиниб, улардан биринчиси ички манбалар ҳисобига молиялаштирилса қолган қисми эса ташқи манбалар ҳисобига

шакллантирилади. Тадқиқотлардан маълумки, акциядорлик жамиятлари капиталининг молиялаштириш ички манбалари эвазига шакллантириш икки хил йўл билан амалга оширилса, ташқи манбалар сифатида молиялаштириш тўрт хил усулда амалга оширилади. Хусусан, акциядорлик жамиятлари капиталини молиялаштиришнинг ички манбалари кредитор инвесторларнинг маблағлари ва бизнес шерикларнинг маблағлари орқали шакллантирилса, капитални молиялаштиришнинг ташқи манбалари эгаллик қилувчи инвесторларнинг маблағлари, компания фойдаси, амортизация ажратмалари ва бўш турган ресурслар эвазига шакллантирилади. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари қарз ва ўз маблағларини шакллантириш амалиётига доир халқаро даражада кўплаб тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, улардан самарали фойдаланиш асосида акциядорлик жамиятлари капитал самарадорлиги барқарор ўсиб боришига эришилади.


Акциядорлик жамиятлари молиявий таъминотини самарали бошқариш ва уни самарали ташкил этишда устав капиталини ошириш усуллари ва уларни шакллантириш манбалари билан бир қаторда, акцияларни жойлаштириш усуллари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Устав капиталини ошириш муомаладаги акциялар сонини кўпайиши ва жойлаштирилган акцияларнинг номинал қийматини ошириш эвазига шакллантирилади. Устав капиталини ошириш манбалари икки турга, яъни ташқи ва ички манбалар орқали амалга оширилади. Ташқи манба сифатида компания акциядорлари ва бошқа шахсларнинг қўшимча инвестициялари назарда тутилса, ички манба бўлиб эса акциядорлик жамиятининг тақсимланмаган фойдаси, қўшилган капитал, махсус фондлар ва бошқалар бўлиши мумкин. Ўз ўрнида ташқи манбаларнинг эвазига қўшимча акциялар чиқарилиши натижасида акциядорлик жамиятига акциялар жойлаштирилса, ички манбалар сабабли номинал қиймати юқори бўлган янги акциялар чиқарилиши кўзда тутилади.

Акциядорлик жамиятлари капитали ва унинг таркибини оптималлаштириш жамият учун ҳам иқтисодий ҳам молиявий жиҳатдан муҳим аҳамият касб этиб, унинг натижасида ўз капитали ва қарз капиталидан самарали фойдаланиш имконияти ошиши билан бирга, барқарорлик даражаси ҳам юқори бўлади. Хусусан, иқтисодчи олим Т.В. Теплованинг фикрича, капиталнинг оптимал тузилмаси акциядорлик жамиятлари учун бир вақтнинг ўзида оптимал вақт сарфини кўрсатибгина қолмасдан, бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнини ҳам тезлаштириш хусусиятига эга бўлади [8]. Бугунги кундаги амалиётдан кўринадикки, ўз капитали ва қарз капитали билан биргаликда амалга оширилаётган жараёнлар компания

муваффақиятининг асосий қисми сифатида акс эттирилибгина қолмай, инвестицион жараёнларни жадаллаштириш ҳамда инвестицион жозибadorликни оширишда муҳим ўрин эгаллайди. Юқоридаги капитал билан боғлиқ бўлган жараёнларни таҳлил этган ҳолда унинг таркибини оптималлаштириш бўйича бир қанча омилларни қуйидаги жадвалда келтириб ўтамиз (2-чизма).

2-чизма.

Молиявий таъминот манбаларини самарали бошқариш йўллари*



*Муаллиф ишланмаси.

Капитал таркибини оптималлаштиришга боғлиқ бўлган жараён мураккаб бўлиб, уни амалга ошириш икки қисмга бўлинган тарзда амалга

оширилади. Улардан биринчиси, компания капиталининг таҳлили орқали мос равишда оптимал капитал тузилмасини танлаш, иккинчидан, капитал тузилишини оптималлаштиришга қаратилган қарорларга таъсир қилувчи омилларни баҳолаш капитал самарадорлигини бошқаришда муҳим ричаг сифатида хизмат қилади.

Компаниялар капиталини комплекс ёндашув ёрдамида таҳлил этиш, биринчидан, компания капитали тузилишини ва айланишини таҳлил қилиш имконини берибгина қолмасдан, балки уни тизимли таҳлил этиш имкониятини яратади. Шу билан бирга, компания хусусий капитали ва қарз капитали таркибини баҳолаш билан бирга, компания капитали ҳаракати кўрсаткичларини таҳлили кўриб чиқилади.

Иккинчидан, комплекс ёндашув натижасида компания капиталидан фойдаланиш самарадорлигини таҳлил қилиниб, бу орқали компания хусусий ва қарз капитали айланишини кузатиш билан бирга, унинг хусусий ва қарз капитали рентабеллигини таҳлили амалга оширилади.

Учинчидан, компания капитали таркиби ва тузилишининг молиявий барқарорлигига таъсири ўрганилади ва баҳоланади.

Тўртинчидан, компанияга зарур бўлган қўшимча миқдорда капитални шакллантириш тартиби аниқланади.

Бешинчидан эса, капиталдан фойдаланиш самарадорлиги кўрсаткичларини ўсиш захиралари ва имкониятларини аниқлаш ҳисобланади. Хусусан, юқоридаги ёндашув орқали компания капиталини бошқариш жараёнини самарали ташкил этиш билан бирга, компания ўз молиявий ресурсларидан оқилона фойдаланган ҳолда молиявий барқарорлигини ҳам таъминлайди.

Хулоса

Акциядорлик жамиятларининг ўзини ўзи молиялаштириш амалиёти кўп жиҳатдан ўз фаолияти давомида амалга ошириладиган амортизация ва дивиденд сиёсатларига боғлиқ ҳисобланишини таъкидлашимиз лозим. Ўзини ўзи молиялаштириш қатор афзалликларига эга эканлигига қарамасдан, улар миқдор жиҳатдан акциядорлик жамияти молиявий фаолиятини кенгайтириш, истиқболда инвестицион лойиҳаларни амалиётга жорий этиш, янги молиявий технологияларни фаолиятга тадбиқ этиш кабилар учун етмайди. Шу боисдан молия бозори ҳолатидан келиб чиққан ҳолда бошқа ташқи манбалардан молиявий ресурслар жалб қилиш амалиётига эътибор қаратиш ҳар бир корпоратив тузилманинг олдидаги муҳим масалалардан биридир.

Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини оширишда, хусусий ва қарз капиталини мутаносиб баҳолаш ва бу билан капитал самарадорлигини оширишнинг замонавий усулларидадан фойдаланиш натижасида акциядорлик жамиятларида капитал самарадорлигини ошириш имкониятини беради. Шунингдек акциядорлик жамиятлари хусусий ва қарз капиталига таъсир қилувчи омиллар таъсири даражасини ўрганиш ва баҳолаш, шу билан бир қаторда, капитал тузилишининг оқилона таркибини аниқлашга хизмат қилади.

Акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан бир-қанча тадқиқотлар олиб борилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятлари капиталини бошқариш самарадорлигини оширишда, молиявий рискларни инобатга олган ҳолда хусусий ва қарз капитали самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, унга таъсир этувчи омилларни аниқлашни ҳисобга олиш лозим эканлиги тадқиқ этилган.

Акциядорлик жамиятларида молиявий таъминотини мустаҳкамлашда турли моделлар ва алгоритмлардан фойдаланилмаётганлиги бугунги кундаги асосий муаммолардан бири саналади. Таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилаётган бўлса-да, бироқ мазкур услубиятдан акциядорлик жамиятларида фойдаланилмаётганлиги хорижий инвесторларни жалб қилишдаги асосий камчилик сифатида қараш мумкин. Чунки халқаро инвесторларни капиталдан фойдаланиш бўйича самарадорлик кўрсаткичларининг жорий ҳолатидан ташқари, уни истиқболда келтириши мумкин бўлган фойдалалилик даражаси муҳим ҳисобланиб, шу сабабли ҳам инвестицион жозибадорлик ортиши натижасида, капитал самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 октябрдаги “Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6096-сон Фармони. www.lex.uz.

2. Dmitri Vinogradov, Yousef Makhoul Two faces of financial systems: Provision of services versus shock-smoothing, *Journal of International Financial Markets, Institutions and Money*, Volume 75, 101456, 2021, ISSN 1042-4431, <https://doi.org/10.1016/j.intfin.2021.101456>.

3. Гребенников П.И., Тарасевич Л.С. Корпоративные финансы: учебник. – М.: Юрайт, 2016. – С. 10.
4. Борисова О.В. и др. Корпоративные финансы: учебник и практикум. – М.: Юрайт, 2015. – С. 75.
5. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент: учебник. – М. Эксмо, 2010. – С. 561-562.
6. Гаврилова А.Н. и др. Финансовый менеджмент: учебное пособие. – М.: Кнорус, 2008. – С. 318.
7. Турсунова Н.Р. Корпоратив молияни бошқаришда молиявий таъминотни самарали ташкил этиш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати – ТМИ.: Тошкент – 2019, 21 б.
8. Теплова, Т.В. Инвестиции: теория и практика: учебник для бакалавров / Т. В. Теплова. – 2-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2014. – 782 с.

КОРХОНА МОЛИЯВИЙ РЕСУРСЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА БОШҚАРИШ

Ибрагимов Сирожиддин Баходирович



мустақил тадқиқотчи

Ўзбекистон Республикаси

Президенти ҳузуридаги

Давлат бошқаруви академияси

E-mail: sirojiddinbakhadirovich@mail.ru

ORCID: 0009-0006-3354-0339

Аннотация

Мақолада Ўзбекистон Республикасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар доирасида реал секторда фаолият кўрсатаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан самарали фойдаланиш амалиётини бошқаришнинг концептуал асослари ва иқтисодий самарадорлиги мезонлари тадқиқ этилган. Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланиш истиқболларида корхона молиявий ресурсларини шакллантиришнинг концептуал асослари масалалари кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикаси молия тизимида корхоналар молиявий ресурсларини шакллантириш ва самарали фойдаланиш механизмини такомиллаштириш имкониятлари тадқиқ этилган ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: корхона, иқтисодиётнинг реал сектори, молиявий ресурслар, молиявий ресурсларни шакллантириш, бошқариш ва тизимлаштириш, молиявий назорат, режалаштириш, жойлаштириш, пул оқими, молиявий рисклар, рискларни суғурталаш.

ФОРМИРОВАНИЕ И УПРАВЛЕНИЕ ФИНАНСОВЫМИ РЕСУРСАМИ ПРЕДПРИЯТИЯ

Ибрагимов Сирожиддин Баходирович

независимый исследователь

Академия государственного

управления при Президенте

Республики Узбекистан

E-mail: sirojiddinbakhadirovich@mail.ru

ORCID: 0009-0006-3354-0339

Аннотация

В статье рассматриваются концептуальные основы и критерии экономической эффективности управления практикой формирования и эффективного использования финансовых ресурсов хозяйствующих субъектов, осуществляющих деятельность в реальном секторе в рамках масштабных реформ, проводимых в Республике Узбекистан. Рассмотрены вопросы концептуальной основы формирования финансовых ресурсов компании в перспективах социально-экономического развития страны. Изучены возможности совершенствования механизма формирования и эффективного использования финансовых ресурсов предприятий финансовой системы Республики Узбекистан и разработаны рекомендации.

Ключевые слова: предприятие, реальный сектор экономики, финансовые ресурсы, формирование, управление и систематизация финансовых ресурсов, финансовый контроль, планирование, размещение, движение денежных средств, финансовые риски, страхование рисков.

FORMATION AND MANAGEMENT OF FINANCIAL RESOURCES OF THE ENTERPRISE

Ibragimov Sirojiddin Baxodirovich

*Independent researcher at the
Academy of Public Administration
under the leadership of the president
of the republic Uzbekistan*

*E-mail: sirojiddinbakhadirovich@mail.ru
ORCID: 0009-0006-3354-0339*

Abstract

The article examines the conceptual basis and criteria of economic efficiency of managing the practice of forming and effectively using financial resources of economic entities operating in the real sector within the framework of large-scale reforms being carried out in the Republic of Uzbekistan. The issues of the conceptual foundations of the formation of the company's financial resources were considered in the perspectives of the country's socio-economic development. Possibilities of improving the mechanism of formation and efficient use of financial resources of enterprises in the financial system of the Republic of Uzbekistan were studied and recommendations were developed.

Keywords: enterprise, real sector of the economy, financial resources, formation, management and systematization of financial resources, financial

control, planning, placement, cash flow, financial risks, risk insurance.

Кириш

Маълумки, ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект рақобатбардошлигига унинг молиявий ресурслари ҳаракатини самарали бошқариш орқали эришилади. Молиявий ресурсларнинг шаклланиши ва ишлатилиши механизми уларнинг моҳиятини тушуниб олишни, амалиётда молиявий менежмент услублари ва кўрсатмаларидан, шу жумладан молиявий таҳлил, таҳминлар тузиш ва режалаштириш каби воситалардан фойдаланишни талаб этади.

«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» [1] да муҳим устувор йўналиш сифатида «реал сектор корхоналаримолиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқаришнинг самарали усул ва воситаларини такомиллаштириш сиёсатини давом эттириш, корпоратив молиявий бошқарувни такомиллаштириш ва тегишли рағбатлантирувчи дастак ва чораларни кенгайтириш» қайд этилган. Мазкур вазифалар “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси” [2] да ҳам янада қатъий ва кенг қамровли тарзда қўйилди. Бу масалаларни ҳал қилиш республикамизда реал сектор корхоналарининг молиявий имкониятларини ошириш, улар молиясини самарали бошқариш асосида корпоратив молиявий менежмент амалиётини такомиллаштиришни тақозо этади.

Молиявий менежмент тамойилларини ҳисобга олган ҳолда корхоналар молиясини ташкил этиш ва бошқаришнинг долзарблиги ҳозирги шароитда қуйидагилар, яъни кичик бизнес корхоналарида ресурслар ва капиталнинг мутаносиб ҳаракатига молиявий таъсир этиш ягона тизимини яратишнинг зарурлиги; корхона пул айланмасини бошқариш ва молиялаштириш мақсадли фондлари шаклланиши жараёнига янги, бозор қонунчилигининг татбиқ этилиши; корхонада ишчан фаоллиқ иқтисодий ўсиш ва капитал жамғарилиши сифатларининг рағбатлантирилиши орқали аниқланади.

Молиявий менежмент нафақат пул маблағлари айланишини нормаллаштириш ва тиклаш муаммосини, балки бозор шароитида ўз-ўзини молиялаштириш тамойили амал қилишини таъминлаш масаласини ҳам ҳал этишга қаратилган. Буларнинг ҳаммаси реал сектор корхоналарида молиявий менежмент муаммоларини тадқиқ этишнинг зарурлигини белгилайди. Бунда биз молиявий соҳадаги ўзгаришларнинг яхлитлиги ва ўзаро боғлиқлигини,

уларнинг умумий ва мақсадли йўналишини, реал сектор корхоналари истиқболлари учун молиявий менежментнинг аҳамиятини, иқтисодийнинг эркинлашуви шароитида Ўзбекистон Республикаси хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда уни такомиллаштириш йўналишларини илмий асослашни муҳим мақсад қилиб қўйдик.

Умуман, реал сектор корхоналарида молиявий ресурсларни шакллантириш ва бошқаришни ташкил этишни илмий асослаш муаммоси ҳозирги кунда энг долзарб масалалардандир. Айнан мана шунинг учун, реал сектор корхоналарида молиявий менежментни ташкил этиш ва такомиллаштириш масаласи чуқур англашни ва тадқиқ қилишни талаб этади.

Адабиётлар таҳлили

Реал сектор корхоналарининг молиявий ресурсларини шакллантириш ва бошқаришнинг айрим жиҳатлари хорижий олимлардан Дж.К.Ван Хорн, Дж.М. Вахович, С. Парамасиван, Ю. Бригхем, В.В. Ковалева, М.Г. Лапуста, Л.Г. Скамай, А.Д. Шеремет, Р.С. Сайфулин, А.М. Ковалев, И.А. Бланк, Я.М. Миркин, Б.Б. Рубцовларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган [3].

Махаллий иқтисодчи-олимлардан Б.Э. Тошмуродова, Ш.Ш. Шоҳаъзамий, И.Л. Бутиков, М.Б. Хамидуллин, С.Э. Элмирзаев, Ж.Ж. Қурбонов, А.А. Шомировларнинг ишларида реал сектор корхоналари таркибида акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини бошқариш масалалари ва бугунги кунда ушбу соҳада юзага келаётган муаммолар ҳақида атрофлича сўз юритилган [3].

Корхоналар молиявий ресурсларини фақат қиймат категорияси сифатида тушуниш самарали тадбиркорлик фаолияти учун уларнинг аҳамиятини тўла акс эттирмайди. Шунга кўра, корхоналар молиявий ресурслари мазмунини уларнинг ўз мажбуриятлари бўйича вақтида ҳисоб-китоб қилишларига ҳамда такрор ишлаб чиқаришни ташкил этишга имкон берувчи пул маблағларининг йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин.

Бу ўринда И.Т. Балабановнинг "хўжалик юритувчи субъект молиявий ресурсларини унинг ихтиёрида мавжуд бўлган пул маблағлари ташкил этади" [4] деган фикрига қўшилиш мумкин. Молиявий ресурслар моҳиятини шундай талқин этишнинг яна бир ёрқин мисолини Э.А. Козловская бошлиқ муаллифлар фикрида кўриш мумкин: "корхонанинг молиявий ресурслари – унинг ихтиёрида бўлган ва турли молиявий мажбуриятларни бажариш, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш бўйича ва ходимларни иқтисодий рағбатлантириш бўйича ҳаражатларни амалга

оширишга қаратилган пул даромадлари ва тушумларидир" [5]. Бироқ, шунга алоҳида эътибор бериш лозимки, ривожланган бозор иқтисодиёти мамлакатларида "пул маблағлари" тушунчаси остида корхонанинг бевосита унинг кассаси ва банкдаги ҳисоб рақамларидаги пул маблағлари ҳамда қимматли қоғозларда ифодаланувчи қисқа муддатли юқори ликвидли сармоялар сифатидаги пул эквивалентлари тушунилади.

Таҳлил ва натижалар

Молиявий ресурсларнинг шаклланиши корхонанинг ўз ва унга тенглаштирилган маблағлари ҳисобига, молия бозорида ресурсларни жалб этиш ҳисобига ва молия-банк тизимидан қайта тақсимлаш тартибидаги маблағларнинг тушиши ҳисобига амалга оширилади [6].

Молиявий ресурсларнинг дастлабки шаклланиши корхона таъсисчилар томонидан унинг низом жамғармаси ташкил этилаётган вақтга тўғри келади.

Корхона низом жамғармасининг ташкил топиш манбаига хўжалик юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларига кўра қуйидагилар киради: шахсий (оилавий) жамғармалар (хусусий корхона учун); ҳиссадорлик капитали; ширкатлар ёки масъулияти чекланган жамиятлар аъзоларининг пай бадаллари; бюджет маблағлари; узоқ муддатли кредит.

Корхонанинг низом жамғармаси корхона бошланғич активларининг (асосий фондлар ва оборот маблағлари) шаклланишига қандай маблағлар ишлатилишини ва ишлаб чиқаришга сармоялар жалб қилинишини кўрсатади.

Молиявий ресурсларнинг асосий қисми, айниқса, янги ташкил этилаётган корхонада молия бозоридан жалб қилиниши мумкин.

Молия бозоридан маблағларнинг жалб қилиниш шаклларига корхона чиқарган акциялар, облигациялар, векселлар ва қимматли қоғозларнинг бошқа турларини сотиш киради.

Фаолият кўрсатаётган корхонада молиявий ресурслар такрор ишлаб чиқариш жараёнида ташкил топади ва маҳсулот сотишдан келган тушум ёки тақсимот жараёнида пул даромадлари ва жамғармалари шаклини оладиган сотишдан олинган даромад сифатида майдонга чиқади.

Молиявий ресурслар кўпроқ асосий ва асосий бўлмаган фаолият турларидан олинган фойда ҳисобига ҳамда амортизация ажратмалари ҳисобига шаклланади.

Молиявий ресурсларнинг таркибий элементлари бошқариш билан

чекланмай, у молиявий режалаштириш ва молиявий назоратни ҳам ўзида акс эттиради. Шунинг учун, режалаштириш орқали акциядорлик жамиятлари ресурсларни бошқаришнинг назорат қилиш йўллари аниқ тавсиф қилиш ва унинг назарий қирраларини асослаб бериш муҳим ҳисобланади. Ушбу режалаштиришда корхоналар аввало мақсадни тўғри белгилаб олиш баробарида унга эришиш йўллари, ресурсларни жалб этиш, уларни тақсимлаш усуллари орқали жойлантириш билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш, вақти ва ундан кутиладиган молиявий натижалар аниқ белгилаб берилади.

Реал сектор корхоналари ичида асосий масштабга эга давлат корхоналарини трансформация қилишни жадаллаштириш, хусусийлаштириш, шунингдек иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш таркибий тузилмаларни қайта ташкил этишнинг устувор йўналишлари ҳисобланади.

Бу борада 2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида»ги 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон ҳамда «Давлат иштирокидаги корхоналарни ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда давлат активларини хусусийлаштиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 27 октябрдаги ПФ-6096-сон Фармонлари ижросини таъминлаш, шунингдек, устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналари фаолиятининг самарадорлигини янада ошириш, иқтисодиётда давлат иштирокини асосланган даражагача қисқартириш ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарори қабул қилинди. Унга кўра:

-2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича «йўл харитаси»ни тузиш;

-2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини амалга ошириш бўйича мақсадли кўрсаткичларни белгилаш;

-давлат мулкни бошқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини оптималлаштириш, тизимлаштириш ва

бирхиллаштириш орқали тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунларга жамлашни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш;

-устав капиталида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат унитар корхоналарининг (кейинги ўринларда - давлат иштирокидаги корхоналар) етарли даражада асослантирмасдан ташкил этилишига, шунингдек, тегишли тармоқ ва соҳалардаги бошқа корхоналарга нисбатан эксклюзив имтиёз ва афзалликларга эга бўлишига йўл қўймаслик;

-хусусий сектор муваффақиятли фаолият кўрсатаётган ва рақобат ривожланган соҳаларда давлат иштирокини чеклаш, «сот ёки тушунтир» тамойилини амалиётга кенг жорий этиш;

-давлат иштирокидаги корхоналарнинг бозор шароитларига тўлиқ ўтишини таъминлаш, уларнинг фаолиятига корпоратив бошқарувнинг замонавий услубларини тўлақонли татбиқ этиш;

-ижро этувчи орган фаолиятини самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари асосида, кузатув кенгаши фаолиятини эса корпоратив бошқарув тамойилларининг жорий этилиши даражасига қараб баҳолашга ўтиш;

-давлат иштирокидаги корхоналар фаолияти тўғрисидаги ахборотларни ошқор этиш, корхоналарни бошқаришда шаффофлик ва маълумотларнинг ошқор этилишини таъминлаш;

-илғор хорижий тажриба ва хорижий таълим муассасалари билан корпоратив бошқарув ҳамда капитал бозори соҳасида ҳамкорлик асосида аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш каби устувор вазифалар белгиланган.

2025 йилга қадар босқичма-босқич давлат корхоналари сонининг 75%и қисқартирилади. Реал секторда давлатнинг иштироки ҳозирда 55%ни ташкил этади. Масалан, Жанубий Кореяда ушбу кўрсаткич 22%ни, Германияда 18%ни, АҚШда 11%ни ва Японияда 5%ни ташкил этади.

Мустақиллик йилларида 33,0 мингдан зиёд давлат корхоналари ва объектлари хусусийлаштирилди. Бугунги кунда республикамизда 2 692 та давлат иштирокидаги тижорат ташкилотлари, шундан 1 133 та давлат унитар корхонаси, 1 124 та масъулияти чекланган жамият ва 241 та акциядорлик жамияти иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият кўрсатади. Республикадаги мавжуд 599 та акциядорлик жамиятларидан 42 фоизида давлат улуши бўлиб, жами акцияларнинг 84 фоизи давлатга тегишли,

аҳолининг атиги 2 фоизидан ортиғи акцияларга эғалик қилади¹.

Корхонанинг молиявий ресурслари – корхона ихтиёридаги пул маблағлари бўлиб, улар жорий ҳаражатлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун хизмат қилувчи корхона ихтиёридаги пулга тенглаштириладиган даромадлар ва тушумлардир. Корхонанинг молиявий ресурсларининг моҳияти шундан иборатки, улар нафақат корхонанинг иқтисодий ривожлантиришга, балки корхонада ишлайдиган ишчиларнинг иқтисодий аҳволи ва социал барқарорлигини таъминлаш учун ҳам ишлатилади. Ҳақиқатдан ҳам молиявий ресурсларни миллий иқтисодиётнинг барча тармоқларининг жадал суръатлар билан ривожлантиришдаги ўрни ва аҳамияти жуда улкан ҳисобланади, чунки ҳозирги шароитда хомашё ресурсларини тақчиллиги ва нархи мунтазам ошиб бораётганлиги молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш корхоналар олдига жуда катта маъсулятли талабларни қўйилишига сабаб бўлмокда. Бу талаблар эса корхонага нодир ва тикланмайдиган ресурсларимизга нисбатан хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳуқуқини бермайди, чунки корхона ўзидаги мавжуд молиявий ресурслардан фойдаланиб, табиат инъом этган табиий ресурсларни қайта ишлаб, инсонларнинг эҳтиёжига мослаб ишлаб чиқарилган товар маҳсулотини истеъмол қилиш учун бозорга чиқаради, бозорда улар мавжуд шакллантирилган нархларда айрибошланади. Шу асосда корхона ўзининг фаолиятини янада қайта жонлантиради, бу эса қилинган ҳаражат ва топилган даромад ўртасидаги фарқ, яъни молиявий ресурслар эвазига амалга оширилади. Шундан ҳам билишимиз мумкинки, жамиятдаги барча иқтисодий муносабатларнинг асоси бўлиб молиявий ресурслар майдонга чиқади.

Молиявий ресурслар иқтисодий йўналтирилиши нуктаи-назаридан қўйидагича, яъни:

- асосий фаолиятни таъминловчи;
- асосий фондларни такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи;
- айланма маблағларни шакллантиришини таъминловчи;
- кадрларни тайёрлаш тадбирларни таъминловчи;
- ишчи ҳодимларни моддий рағбатлантиришни таъминловчи;
- ижтимоий-маиший ва бошқа эҳтиёжларни қондиришни таъминловчи;
- молиявий эҳтиёт заҳира сифатида тавсифланади [7].

¹ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва ракобатни ривожлантириш давлат қўмитаси маълумотлари

Корхоналарнинг молиявий ресурслари*



*Муаллиф ишланмаси (интернет сайтлари маълумотлари асосида).

Молиявий менежмент корхонанинг молиявий ресурслари ҳаракати ва молиявий муносабатларини бошқариш тизимини, молияни бошқариш мақсадини ишлаб чиқиш ва унга молия механизмининг дастак ва усуллари ёрдамида таъсир этиш жараёнини ифодалайди. Бу жараёнда бошқариш объекти сифатида, биринчидан, хўжалик субъектлари ва уларнинг бўлинмалари ўртасида пул оборотини, қийматнинг доиравий айланишини, молиявий ресурсларнинг ҳаракатини амалга оширишни таъминловчи шароитлар йиғиндиси, иккинчидан эса, молиявий ресурслар ва тадбиркорлик капитал майдонга чиқади. Корхона молиявий ресурслари биринчи ҳолатда бошқарув қуроли сифатида, иккинчи ҳолатда эса бевосита бошқарув объекти сифатида қўлланилади [8].

Хулоса

Корхона молиявий ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганиб чиқиб, бу соҳада уни такомиллаштиришнинг қуйидаги йўллари кўрсатиб ўтиш лозим:

1. Молиявий ресурсларнинг кўзда тутилган даромадлилиги даражасида ундан фойдаланиш билан боғлиқ молиявий рискни минималлаштирилишини таъминлаш. Агар шаклланаётган капиталнинг рентабеллик даражаси олдиндан белгиланган ёки режалаштирилган бўлса, муҳим вазифа бўлиб рентабелликка эришишни таъминлайдиган операцияларнинг молиявий риск даражасини пасайтириш ҳисобланади. Рисклар даражасини бундай минималлаштириш жалб қилинган капитал шакллари диверсификация қилиш, уни шакллантириш манбаларининг таркибини оптималлаштириш, айрим молиявий рисклардан қочиш ва уларни ички ва ташқи суғурталанишнинг самарали шакллари орқали таъминланиши мумкин.

2. Корхонанинг ривожланиш жараёнида унинг доимий молиявий мувозанатини таъминлаш. Бундай мувозанат корхона ривожланишининг барча босқичларида юқори даражадаги молиявий барқарорлик ва тўлов қобилияти билан тавсифланади ва капиталнинг оптимал тузилмасини шакллантириш ва унинг юқори ликвидли активлар турларига керакли миқдорда аванслаштириш билан таъминланади. Бундан ташқари, молиявий мувозанатни уни жалб қилиш даврида шаклланган капитал таркибини рационаллаштириш, хусусан, доимий капитал улушини кўпайтириш орқали таъминлаш мумкин.

3. Корхона таъсисчилари томонидан етарли даражадаги корхона молиявий назоратини таъминлаш. Корхонани ривожлантириш жараёнида кейинги капитални шакллантириш босқичида, ўз капиталини ташқи манбалардан жалб қилиш молиявий назоратни йўқотилишига ва корхонани бошқа инвесторлар томонидан ютиб юборилишига олиб келмаслигини назардан қочирмаслик керак.

4. Корхоналарнинг етарлича молиявий мослашувчанлигини таъминлаш. Бу бизнес субъектининг қутилмаганда юқори самарали инвестицион таклифлар ёки иқтисодий ўсишни тезлаштириш учун янги имкониятлар пайдо бўлган тақдирда молиявий капитал учун зарур бўлган қўшимча капитални тезда шакллантириш қобилиятини тавсифлайди. Зарур молиявий мослашувчанлик капитални шакллантириш жараёнида ўз ва қарзга олинган капитал турларнинг нисбати молиявий рисклар даражасини пасайтириш, инвесторлар ва кредиторлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш орқали таъминланади.

5. Ўз вақтида капитални қайта инвестициялашни таъминлаш. Ташқи иқтисодий муҳит шароитлари ёки корхона иқтисодий фаолиятининг ички параметрлари ўзгариши туфайли капиталдан фойдаланишнинг бир қатор

йўналишлари ва шакллари унинг рентабеллигини кўзда тутилган даражасини таъминлай олмаслиги мумкин. Шу сабабли капитални, умуман, унинг самарадорлигининг зарур даражасини таъминловчи энг фойдали актив ва операцияларга ўз вақтида қайта инвестициялаш муҳим аҳамият касб этади.

Оқибатда, корхоналарининг молиявий ресурсларини самарали шакллантириш ва улардан фойдаланиш ҳозирги шароитда ишлаб чиқаришни кенгайтиришда, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш лойиҳаларини қўллаб-қувватлашда муҳим омил сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги №ПФ-60-сонли Фармони. – <https://lex.uz/docs/5841063>

3. Ван Хорн Дж.К., Вахович Дж.М. Основы финансового менеджмента. 14-е издание. – Москва – Санкт-Петербург – Киев. Издательский дом «Вильямс». 2019 – 988 с.

4. Ковалев В.В. Введение в финансовый менеджмент. 5-изд. – М.: Финансы и статистика, 2019. – 639 с.

5. Шеремет А. Д., Сайфулин Р. С. Финансы предприятий. 4-изд. – М.: ИНФРА-М, 2017. – 549 с.

6. Ковалева А.М., Лапуста М.Г., Скамай Л.Г. Финансы фирмы: учебник. – 7-изд.М.: ИНФРА-М, 2018. – 423 с.

7. Бланк И.А. Концептуальные основы финансового менеджмента. – Киев: Эльга, 2017. – 448 с.

8. Миркин Я.М. Ценные бумаги и фондовый рынок. – М.: Перспектива, 1995. – 532 с.

9. Рубцов Б.Б. Мировые рынки ценных бумаг. 4-изд. – М.: Экзамен, 2016. – 448 с.

10. Тошмуродова Б.Э. “Analysis And Directions Of Development Of The Practice Of Attracting Capital From The Financial Market Of Joint-Stock Companies. Evidence From Uzbekistan”. The American Journal of Applied sciences, 2020.12 – P.136-143.

11. Шохазамий Ш.Ш. Основы финансового инжиниринга. – Т.: Iqtisod-moliya, 2005.

12. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори: дарслик. – Т.:

Консаудитинформ, 2001.

13. Хамидулин М.Б. Развитие финансового механизма корпоративного управления. Автореф. дис. ... докт. экон. наук. –Т.: БМА, 2008. – 37 с.

14. Элмирзаев С.Э. Вопросы обеспечения инвестиционной привлекательности акционерных обществ в Узбекистане. – Т.: Актуальные вопросы экономических наук, 2018.

15. Курбанов Ж.Ж. Давлат ва корпоратив тузилмалар ўртасидаги ўзаро молиявий муносабатларни самарали ташкил этиш истиқболлари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореферати – Т.: БМА, 2019. – 50 б.

16. Шомиров А.А. Акциядорлик жамиятлари молиявий ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш йўллари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дис. автореферати – Т.: ТМИ, 2019. – 60 б.

17. Балабанов И. Т. Основы финансового менеджмента: учебное пособие. 5-е изд. – М.: ФиС, 2017. – 648 с.

18. Козловская Э.А. и др. Экономика и управление инновациями. М., 2012.

19. Жамолов Х.Н. Финансовый менеджмент в предприятиях малого бизнеса: монография. – СПб.: Изд. Гос. Унив. экон. и фин., 1996. – 106 с.

20. Жамолов Х.Н. Кичик бизнес молиясининг ҳозирги замон муаммолари. Т.: 1997. – 108 б. Монография кўлёмаси – Ўзбекистон Республикаси ФТАДқнинг, ФТАДФда 26.06.97 да депонент қилинган, № 2659-ўз 97.

21. Жамолов Х.Н. Кичик бизнес тараққиётининг зиддиятлари ва ҳозирги замон молиявий муаммолари. – Т.: 1997. – 92б. Монография кўлёмаси. – Ўзбекистон Республикаси ФТАДқнинг, ФТАДФда 26.06.97 да депонент қилинган, № 2658-ўз 97.

ЎЗБЕКИСТОН БАНК ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ



Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич

иқтисодиёт фанлари доктори

Бизнес ва тадбиркорлик олий

мактаби профессори

E-mail: t-bobakulov@mail.ru

ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Аннотация

Банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Тижорат банкларининг кредитлари хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий ва инвестицион харажатларини молиялаштиришнинг муҳим манбаи бўлгани ҳолда, иқтисодиётдаги тўловларни амалга оширишнинг узлуксизлигини таъминлашнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади.

Мақолада Ўзбекистон банк тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: банк, банк тизими, кредит, муаммоли кредит, инвестиция, қимматли қоғоз, инфляция, девальвация, ликвидлилик, баланслашмаган ликвидлилик, фоиз ставкаси.

СОВРЕМЕННЫЕ ПРОБЛЕМЫ РАЗВИТИЯ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ УЗБЕКИСТАНА

Бобакулов Тулкин Ибодуллаевич

доктор экономических наук

профессор Высшей школы бизнеса

и предпринимательства

E-mail: t-bobakulov@mail.ru

ORCID: 0000-0002-8965-497 X

Аннотация

Обеспечение стабильности банковской системы является одним из

обязательных условий стабильного роста национальной экономики. Кредиты коммерческих банков, являясь важным источником финансирования текущих и инвестиционных расходов хозяйствующих субъектов, представляют собой одним из обязательных условий обеспечения бесперебойности платежей в экономике.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанные с развитием банковской системы Узбекистана, а также рекомендованы предложения, направленные на решение этих проблем.

Ключевые слова: банк, банковская система, кредит, проблемный кредит, инвестиция, ценная бумага, инфляция, девальвация, ликвидность, несбалансированная ликвидность, процентная ставка.

MODERN PROBLEMS OF DEVELOPMENT OF THE BANKING SYSTEM OF UZBEKISTAN

Bobakulov Tulkin Ibodullaevich

*Doctor of Economic Sciences
Professor of the Graduate School
of Business and Entrepreneurship
E-mail: t-bobakulov@mail.ru
ORCID: 0000-0002-8965-497 X*

Abstract

Ensuring the stability of the banking system is one of the prerequisites for ensuring the stable development of the national economy. Commercial bank loans, being an important source of financing current and investment expenses of business entities, are also one of the prerequisites for ensuring the continuity of payments in the economy.

The article identifies urgent problems associated with the development of the banking system of Uzbekistan and developed scientific proposals aimed at solving these problems.

Key words: bank, banking system, credit, problem loan, investment, security, inflation, devaluation, liquidity, unbalanced liquidity, interest rate.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган

Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, банклар фаолиятига хос бўлмаган функцияларни босқичма-босқич бекор қилиш, кредит портфели ва таваккалчиликларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, мувозанатлашган макроиқтисодий сиёсат юритиш, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб қилиш, молиявий таваккалчиликларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари қилиб белгиланди [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига тизимли асосда тижорат банклари фаолиятига умумэътироф этилган замонавий нормалар, стандартлар ва баҳолаш кўрсаткичларини жорий этиш, банк-молия тизими кўрсаткичларини халқаро рейтинг баҳолаш ташкилотлари ҳамда миллий мустақил рейтинг баҳолаш тизимига мувофиқ ҳолисона баҳолашни янада такомиллаштириш, халқаро банк назорати тамойиллари талаблари доирасида тижорат банкларининг капиталлашуви етарлилиги, ликвидлик ва барқарорлиги бўйича талабларни бажаришни таъминлаш, банклардаги риск-менежмент тизимини банк назорати бўйича Базель кўмитасининг тавсияномаларини ҳисобга олган ҳолда такомиллаштиришни таъминлаш вазифаси юклатилди [2].

Юқорида қайд этилган ҳолатлар мамлакат банк тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

В. Усоскиннинг хулосасига кўра, капитал бозорларида беқарорликнинг кучайиши банкларнинг молиявий ҳолатига ва ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради ва ушбу беқарорлик ишлаб чиқариш ҳажмининг қисқариши, нефть маҳсулотлари баҳоларининг ошиши, мамлакатларнинг тўлов балансларининг инқирози, ташқи қар, инфляция каби сабаблар билан изоҳланади [3].

Н. Сеторелли ва Л. Голдбергнинг хулосасига кўра, мураккаб

аффилиланган компаниялар тармоғига эга бўлган тижорат банклари иқтисодиётнинг турли секторларида фаолият юритаётган шўъба компаниялар ўртасида ахборотларни айирбошлаш билан боғлиқ бўлган юқори операцион чиқимларга эга бўлиши мумкин ва ушбу юқори чиқимлар тижорат банклари фаолиятининг натижаларига салбий таъсир қилади [4].

Р. Корреа ва Л. Голдбергнинг фикрича, тижорат банклари фаолиятининг географик диверсификацияси ижобий омил ҳисоблангани ҳолда, бозор rischi даражасини оширади [5].

Банклар томонидан легитим бўлмаган усуллардан фойдаланган ҳолда рақобатчиларни сиқиб чиқаришга қаратилган агрессив рақобат сиёсатини амалга оширилиши нисбатан рентабелли, табиийки, рисккли молиявий операцияларга устувор йўналтирилганлик билан боғлиқ бўлиб, капиталнинг етарлилигини камайтириш ҳисобига капиталга тўғри келадиган фойда меъёрини оширишнинг иложи йўқ, чунки, кучли рақобат ва кредит ресурсларининг қимматлиги капиталнинг активларга нисбатан оптимал даражасини таъминлашга тўсқинлик қилади [6].

Ж. Синкининг хулосасига кўра, тижорат банки фойдасининг қисқа муддатли ўзгаришига таъсир қилувчи асосий омиллар бўлиб, портфелли риск ва операцион риск ҳисобланади ва, одатда, портфелли рисклардан кредит rischi, фоиз rischi, ликвидлилик rischi, муддатидан олдин сўндириш rischi ва валюта rischi тижорат банкларининг фойдасига сезиларли таъсир кўрсатади [7].

А. Омоновнинг хулосасига кўра, “тижорат банклари узоқ муддатга мўлжалланган субординар қимматли қоғозларини муомалага чиқариши зарур. Уларнинг сўндириш муддатини камида 10-15 йил қилиб белгилаб, фоиз ставкалари ҳам нисбатан паст даражада бўлиши лозим. Субординар қимматли қоғозларнинг 80-90 фоизини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тижорат банкларининг мажбурий захиралари ва бошқа маблағлари ҳисобидан сотиб олиши мақсадга мувофиқ. Бунда шакллантирилаётган маблағлар тижорат банкларининг қўшимча капиталини оширишга йўналтирилиши лозим. Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши республикада монетизация коэффицентини ошириш ва банкларга нисбатан арзон манбалар ҳисобидан капиталлашув даражасини ошириш имкониятини беради” [8].

Б. Бердияровнинг хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган асосий омиллар бўлиб, банклар активлари ва капитали рентабеллиги


кўрсаткичларининг нисбатан паст эканлиги, тижорат банклари томонидан соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти бўйича меъерий талабларни бажарилмаётганлиги ҳисобланади [9].

Таҳлил ва натижалар

Республикамиз банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири – бу тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муаммоли қарздорлик миқдорининг катта эканлигидир.

1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг салмоғи, фоизда (ҳар бир молиявий йилнинг 31 декабрь санасига)*



*Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари (www.cbu.uz) асосида тузилган.

1-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2019-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муаммоли қарздорлик миқдори катта бўлган. Айниқса, 2021 йилда ушбу кўрсаткичнинг даражаси жуда юқори бўлган.

Кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги банк тизимини ривожлантириш билан боғлиқ бўлган муаммолардан яна бири ҳисобланади.

1-жадвал.

**Ўзбекистон Республикасида Марказий банк қайта молиялаш
ставкасининг йиллик даражаси ва инфляциянинг йиллик даражаси,
фоизда***

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Тижорат банкларининг миллий валютада берган кредитларининг ўртача йиллик фоиз ставкаси	21,1	23,7	22,3	20,8	21,9
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0	14,0	16,0
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3

*Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, республикада тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2018-2022 йилларда сезиларли даражада юқори бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадикки, республикада Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга ошган. Бу эса, ушбу даврда инфляцияни сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

Мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолардан бири – бу тижорат банкларида соф фойданинг даражасини паст эканлигидир.

2- диаграмма.

**Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат “Асакабанк” ва
Саноатқурилишбанкда соф фойданинг активларнинг рискка тортилган
суммасига нисбатан даражаси, фоизда***



*Расм муаллиф томонидан Асакабанк ва Саноатқурилишбанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

2-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Асакабанкда 2020-2022 йилларда соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган меъерий даражасидан (2,0 %) паст бўлган.

2-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Саноатқурилишбанкда 2020-2022 йилларда соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Юқорида қайд этилган ҳолатлар тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Республикамик банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган яна бир муаммо-банкларнинг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион ва эмиссион операцияларининг ривожланмаганлигидир.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион ва эмиссион операцияларининг даражаси, фоизда*

Кўрсаткичлар	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи	2,6	4,4	5,7
Қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг брутто мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи	3,1	2,8	2,3

*Расм муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари (www.cbu.uz) асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамик тижорат банкларининг қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларининг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи 2020-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган, бироқ, мазкур даврда ушбу кўрсаткичнинг даражаси нисбатан паст бўлган.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикамик тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг брутто мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи 2020-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу даврда мазкур кўрсаткичнинг даражаси нисбатан паст бўлган.

Этироф этиш жоизки, миллий валюта-сўмнинг девальвация суръатининг юқори эканлиги банк тизимининг барқарорлигига нисбатан

салбий таъсирни юзага келтирмоқда (2015 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда сўмнинг АҚШ долларига нисбатан қадрсизланиш суръати 399,5 фоизни ташкил этди). Мазкур салбий таъсир қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

*миллий валютанинг қадрсизланиши импортнинг қимматлашишига олиб келмоқда ва бунинг натижасида корхоналарнинг тўловга қобиллиги пасаймоқда;

* миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида корхоналарнинг хорижий валюталарда олинган кредитларни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларининг миқдори ошмоқда. Бунинг натижасида, банклар томонидан хорижий валюталарда берилган кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорлик миқдори ортмоқда,

Хулоса

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорида мамлакат банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш бўйича аниқ вазифаларнинг қўйилганлиги

банк тизимини барқарор ривожланишини таъминлаш масаласини илмий асосда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг барқарор ривожланишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар бўлиб, қуйидагилар ҳисобланади:

* республикада тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича муаммоли қарздорлик миқдорининг катта эканлиги;

* тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг фоиз ставкаларининг юқори эканлиги;

*инфляция даражасининг юқори эканлиги;

* республикада Марказий банкининг қайта молиялаш ставкасини юқори эканлиги;

*тижорат банкларида соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражасининг паст эканлиги;

*тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга

ошириладиган инвестицион ва эмиссион операцияларининг ривожланмаганлиги.

Фикримизча, республикамиз банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Инфляциянинг мақсадли кўрсаткичига эришиш учун, биринчидан, табиий монополиялар маҳсулотлари ва хизматлари баҳолари ўсишининг юқори чегарасини белгилаш керак; иккинчидан, давлат бюджети дефицитини ЯИМнинг 3 фоизидан ошмайлиган даражасини таъминлаган ҳолда, уни ноинфляцион манбалар ҳисобидан молиялаштирилишини таъминлаш лозим; учинчидан, асосий ташқи савдо ҳамкор мамлакатлардан инфляцияни импорт қилинишига йўл қўймаслик зарур.

Сўнгги йилларда давлат бюджети дефицитини ташқи қарз ҳисобига молиялаштириладиганлиги миллий валютадаги пул массасининг ўсиш суръатини юқори бўлишига сабаб бўлмоқда. 2022 йилда пул массасининг йиллик ўсиш суръати республикамизда 30,2 фоизни ташкил этди [10].

2. Тижорат банкларида берилган кредитлар бўйича муаммоли қарздорликнинг миқдорини камайтириш мақсадида, биринчидан, хорижий валюталарни қайтариш билан боғлиқ бўлган харажатларнинг миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида ортган қисмини давлат ва Марказий банкка тегишли бўлган пул маблағлари ҳисобидан копенсация қилиш механизмини жорий қилиш керак; иккинчидан, давлат кафолати остида берилган ва қайтмаган кредитларни тижорат банкларига тўлиқ қайтарилишини таъминлаш лозим; учинчидан, банкларда кредит рискин баҳолаш тизимини такомиллаштириш ва кредит рискин хеджирлаш амалиётини жорий қилиш керак; тўртинчидан, суғурта компаниялари томонидан кредит маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган тадбиркорлик рискин суғурталаш амалиётини такомиллаштириш зарур.

3. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган инвестицион ва эмиссион операцияларини ривожлантириш мақсадида, биринчидан, Марказий банк мажбурий захира талабномаси суммасини тижорат банкларининг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларида қолдириш ва хорижий валюталардаги депозитларга нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкасини пасайтириш йўли билан банкларнинг қимматли қоғозларга инвестиция қилиш имкониятини ошириш керак; иккинчидан, тўловга қобиллик даражаси юқори бўлган тижорат банклари ва компанияларнинг депозит сертификатлари ва облигацияларини Марказий банк

очиқ бозор операцияларининг объектларига айлантирган ҳолда, Марказий банк ва тижорат банклари ўртасида амалга ошириладиган тўғри РЕПО ва тескари РЕПО операцияларининг ҳажмини ошириш лозим; учинчидан, давлат томонидан молиявий имтиёзлар бериш орқали тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозларнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга кўмаклашиш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони//ҚХММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори//Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.09.2017 й., 07/17/3270/0004; 06.03.2018 й., 06/20/5370/0975-сон; 23.07.2019 й., 07/19/4400/3468-сон; 27.02.2021 й., 06/21/6179/0165-сон.

3. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.: ЛЕНАНД, 2019. – С. 65-67.

4. Cetorelli, N. and Goldberg, L. (2014). Measures of Global Bank Complexity. Federal Reserve Bank of New York Economic Policy Review, 2014. – №20 (2). – pp. 107–126.

5. Correa R. and Goldberg L. S. Bank Complexity, Governance, and Risk. NBER Working Papers, 2020. – N 27547. – 43 p.

6. Дорофеев, В. Д. Стратегическое планирование коммерческого банка//Известия высших учебных заведений. Поволжский регион. Общественные науки. – 2013. – № 2 (26) – С. 168.; Кумок С.И. Анализ деятельности коммерческих банков. – М. : Вече, 1996. – С. 153.

7. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 210.

8. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. илм. дар. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 32 б.

9. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – Б. 29.

10. Пул агрегатлари//www.cbu.uz.

РЕТРОСПЕКТИВНЫЙ АСПЕКТ МОНЕТАРНОЙ ПОЛИТИКИ ЗАРУБЕЖНЫХ СТРАН



Шомуродов Равшан Турсункулович

*кандидат экономических наук
доцент, заведующей кафедрой
экономико-математического моделирования
Совместного белорусско-узбекского
межотраслевого института
прикладных технических квалификаций
E-mail: r.shomurodov@mail.ru
ORCID:0000-0002-9087-104X*

Аннотация

В данной статье проанализированы взгляды ученых экономистов на экономическую сущность монетарной политики, особенности, недостатки и преимущества, проблемы прямых и косвенных инструментов монетарной политики в зарубежных странах. Также на основе официальных данных сайта Центрального банка Республики Узбекистан рассмотрены актуальные проблемы монетарной политики, приведены тренды темпов роста денежных агрегатов в Узбекистане, сформулированы научные выводы, предложения и рекомендации автора.

Ключевые слова: монетарная политика, инфляция, денежные агрегаты, денежная масса, резервные деньги, спрос на деньги, предложение денег, ставка рефинансирования, прямые инструменты, косвенные инструменты, валютный курс, политика обязательных резервов, операции на открытом рынке, стабильность цен, Центральный банк, дефицит бюджета, экономический рост, макроэкономическая стабильность.

ХОРИЖИЙ МАМЛАКТЛАР МОНЕТАР СИЁСАТИНИНГ РЕТРОСПЕКТИВ ЖИҲАТЛАРИ

Шомуродов Равшан Турсункулович

*иқтисодиёт фанлари номзоди
доцент, иқтисодий математик
моделлаштириш кафедраси мудири
Белорус-ўзбек қўшма тармоқлараро амалий
техник квалификациялар институти
E-mail: r.shomurodov@mail.ru
ORCID:0000-0002-9087-104X*

Аннотация

Мақолада иқтисодчи олимлар томонидан монетар сиёсатнинг иқтисодий моҳияти, хусусиятлари, камчиликлари ва устувор жиҳатлари, хорижий мамлакатларда бевосита ва билвосита монетар сиёсат воситаларининг муаммоларига оид таҳлили амалга оширилган. Шунингдек монетар сиёсатнинг долзарб масалалари таҳлил қилинган, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида пул агрегатлари ўсиш суръатларининг тренди ва таҳлили келтирилган, муаллифнинг илмий хулосалари, таклиф ва тавсиялари шакллантирилган.

Калит сўзлар: монетар сиёсат, инфляция, пул агрегатлари, пул массаси, резерв пуллар, пулларга бўлган талаб, пуллар таклифи, қайта молиялаштириш сиёсати, бевосита воситалар, билвосита воситалар, валюта курси, захира сиёсати, очик бозордаги операциялар, нархлар барқарорлиги, Марказий банк, бюджет тақчиллиги, иқтисодий ўсиш, макроиқтисодий барқарорлик.

RETROSPECTIVE ASPECT OF MONETARY POLICIES OF FOREIGN COUNTRIES

Shomurodov Ravshan Tursunkulovich

*Head of the department
“Economic and mathematical modeling”,
Doctor of Philosophy (PhD) in Economics,
associate professor,
Joint Belarusian-uzbek Intersectoral Institute
of Applied Technical Qualifications
E-mail: r.shomurodov@mail.ru
ORCID:0000-0002-9087-104X*

Abstract

The article analyzes the views of academic economists on the economic essence of monetary policy, features, disadvantages and advantages, problems of direct and indirect instruments of monetary policy in foreign countries. Also, actual problems monetary policy are considered, the trends and analyzes in the growth rates of monetary aggregates in Uzbekistan are given on the basis of official data from the website of the Central Bank of the Republic of Uzbekistan, scientific conclusions, proposals and recommendations of the author are formulated.

Keywords: monetary policy, inflation, monetary aggregates, broad money,
“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali **3-son** **2023-yil** **51**

monetary base, money demand, money supply, interest rate, direct instruments, indirect instruments, exchange rate, reserve requirement policy, open market operations, price stability, Central Bank, budget deficit, economic growth, macroeconomic stability.

Введение

Монетарная политика – совокупность методов, инструментов и мер, направленная на обеспечение стабильности национальной валюты, платежного баланса, цен, предложения денег, финансового рынка, экономического роста, инвестиционной активности, макроэкономической и финансовой стабильности.

Необходимо отметить, что в истории мировой экономики наблюдались различные макроэкономические и финансовые проблемы, а также отдельные кризисы экономического и финансового характера. Для решения этих проблем государствами были разработаны и осуществлены программы макроэкономической стабилизации национальных экономик.

Также монетарная политика способствовала и играла важную ключевую роль в решении сложных макроэкономических и финансовых проблем, связанных с возникновением различных кризисов экономического, финансового, политического, социального и системного характера, различного рода эпидемий и пандемий. По этой причине регулярно совершенствуются модели, методология, методы, механизмы и инструменты монетарной политики.

Развитые страны, такие как США, Япония, Германия имеют огромный теоретический и практический опыт по разработке, прогнозированию, осуществлению и совершенствованию методов, инструментов и рыночных механизмов монетарной политики. Кроме того, анализ передового опыта развитых стран показывает, что монетарная политика совершенствовалась под влиянием инновационных идей.

Глобализация мировой экономики кардинальным образом изменила процессы развития экономики, банковской системы, финансового рынка, в том числе валютного и рынка ценных бумаг, инструментов, методов монетарной политики, в частности, придав им инновационную направленность. В международной банковской практике прослеживаются коренные изменения в финансово-банковской системе, в монетарной политике с учетом цифровых технологий.

Совершенствование методов и монетарных инструментов является

обязательным условием повышения эффективности монетарной политики. Поскольку хранение денежных средств в качестве установленной нормы банковского резервирования приводит к уменьшению денежной массы, а при проведении политики снижения ставки рефинансирования кредит становится более дешевым и доступным для всех, в результате этого увеличиваются объемы инвестиционных кредитов коммерческих банков.

Поэтому в настоящее время в мировой экономической практике широко используются косвенные инструменты монетарной политики. К ним можно отнести операции на открытом рынке, дисконтную политику, обязательные резервные требования, операции по РЕПО, рефинансирование коммерческих банков, ломбардный механизм, валютные свопы, кредиты овернайт, кредитный аукцион и другие. Эти инструменты позволяют центральным банкам проводить эффективную монетарную политику, которая способствует обеспечению устойчивости цен и экономическому росту, укреплению макроэкономической и финансовой стабильности.

В настоящее время во всех странах усилился ряд макроэкономических и монетарных проблем. В частности, спад производства, снижение экспортного потенциала, рост уровня безработицы, внешнего долга, дефицита государственного бюджета и дефицита платёжного баланса. Решение этих сложных взаимосвязанных проблем зависит от разработанных конкретных мер и программы стабилизации экономики правительств всех стран.

Обзор литературы

По заключению М. Фридмана, Центральный банк имеет достаточные возможности для регулирования предложения денег, и при этом инфляция не является многофакторным процессом [1].

Данное заключение основывается на том, что Центральный банк, используя политику открытого рынка и дисконтных операций, может управлять денежной массой и процентными ставками.

Ф. Мишкин утверждает, что, “операции открытого рынка – самый важный инструмент монетарной политики, так как они позволяют управлять процентными ставками и монетарной базой, определяющими объем денежной массы” [2].

Действительно, покупка ценных бумаг Центральным банком на открытом рынке увеличивает резервы банковской системы и монетарную базу, что ведет к росту предложения денег и снижению краткосрочных процентных ставок.

По мнению В. Юровицкого, в условиях отсутствия обязательного резервирования все исходные, эмиссионные деньги являются активными, следовательно, кредитная деятельность коммерческих банков приведет к росту депозитов [3].

МакКаллум утверждает, что спрос на деньги является нестабильным, поэтому основным инструментом денежно-кредитной политики является процентная ставка Центрального банка [4].

Вопросы совершенствования монетарной политики были исследованы, и сформулированы соответствующие выводы в научных трудах таких зарубежных ученых-экономистов, как: М. Фридман, О. Лаврушин, Итаи Агур, Мартин Боденштейн, У. Мишкин.

Например, С. Моисеев в своих научных трудах анализировал такие актуальные вопросы монетарной политики, как обеспечение стабильности национальной валюты, таргетирование предложения денег и целевой показатель инфляции и сформулировал соответствующие выводы [6].

Отдельные теоретические и практические аспекты монетарной политики нашли свои отражения в научных трудах узбекских ученых-экономистов А. Вахабова, А. Омонова, Т. Коралиева, О. Намозова, Т. Бобакулова, Р. Шомуродова.

Например О. Намозов в качестве обязательного условия укрепления денежной системы предлагает внедрение инфляционного таргетирования [7]. Р. Шомуродов впервые среди ученых экономистов Узбекистана изучил инструменты монетарной политики, выделив их на прямые и косвенные инструменты. А также раскрыл их сущность, особенности, преимущества и недостатки [8].

Анализ и результаты

Исследование экономики, монетарной и фискальной политики, финансовой системы развитых стран показывает, что проблемы финансового и макроэкономического характера в мировой экономике имели циклический характер. На наш взгляд, эти проблемы будут появляться в различной степени в зависимости от изменения мировой конъюнктуры, ослабления и нарушения финансовой дисциплины в отношениях между странами, а также с возникновением неожиданных для человечества различного рода новых природных и социальных катаклизмов, влияющих на рост мировой экономики.

Анализ экономики развитых стран показывает, что монетарная политика играет важную роль в обеспечении стабильности цен, национальной валюты,

экономического роста, макроэкономической и финансовой стабильности. Обеспечивая стабильность цен, монетарная политика создает условия, способствующие экономическому росту, укреплению ликвидности банковской системы, макроэкономической и финансовой стабильности в стране.

Традиционным инструментом монетарной политики является политика обязательных резервов Центрального банка. Через изменение резервной нормы можно менять размер денежной массы страны. Однако политика обязательных резервов является административным инструментом, сила воздействия которого через мультипликатор значительна.

Необходимо подчеркнуть, что изменение учетной ставки Центрального банка рассматривается как сигнал об изменении вида монетарной политики. При этом повышение учетной ставки сигнализирует о начале проведения рестрикционной монетарной политики.

Третьим инструментом монетарной политики является политика открытого рынка. Данный инструмент предполагает куплю-продажу Центральным банком государственных ценных бумаг.

Опыт зарубежных стран показывает, что активные операции на открытом рынке с целью регулирования ликвидности коммерческих банков невозможны при отсутствии у коммерческих банков заинтересованности в приобретении государственных ценных бумаг. Для формирования этой заинтересованности, уровень дохода по ним не должен быть ниже дохода по основным активным операциям.

В научных трудах известных ученых-экономистов часто встречается мнение о том, что не менее важным инструментом монетарной политики является валютная политика. В рамках валютной политики Центральные банки выполняют три вида валютных операций: валютную интервенцию, обслуживание внешнего долга Правительства, управление официальными золотовалютными резервами.


Совершенствование методов и инструментов монетарной политики позволяет обеспечить стабильность цен, национальной валюты, процентных ставок, ликвидности банковской системы и денежного рынка, экономического роста и тем самым способствует повышению стабильности макроэкономической и финансовой стабильности.

Необходимо отметить, что в большинстве стран Западной Европы процесс перехода на полное использование косвенных инструментов в рамках монетарной политики был постепенным. Канада отказалась от прямых инструментов в 1967 году. США также уже давно используют в

основном косвенные инструменты, хотя некоторые прямые ограничения кредита использовались до конца 80-х годов. В экономике промышленно развитых стран постепенный переход от использования прямых – административных методов и инструментов монетарной политики к рыночным механизмам, методам и инструментам имело свои причины. Первая причина – экономическая ситуация в этих странах особенно ухудшалась в 1976 году, когда дефицит госбюджета в некоторых странах составило более 10% по отношению к ВВП. Например, в Италии –11,3%, Португалии –10,5, Ирландии –10,1%, Великобритании – 5,7%, Японии – 5,5%, США и Новой Зеландии свыше 4,4%, Австрии и Австралии более 4,7%, Канаде – 3,1 и в Германии –2,8%. Несмотря проводимые меры, эти страны сразу не смогли уменьшить дефицит бюджета к 1990 году, который составил в среднем 4,7% за 1976-1990 гг.

Диаграмма 1.

**Динамика дефицита бюджета в развитых странах,
в% к ВВП за 1976-1990гг***



*Разработана автором на основе официальных данных МВФ. www.imf.org.


Из диаграммы видно, что ситуация в бюджетной сфере на протяжении более 14 лет, начиная с 1976 года по 1990 год заметно ухудшалась. Это оказало давление на монетарную политику, создавая дисбаланс между спросом и предложением денег, появившегося за счет покрытия бюджетного

дефицита кредитами Центрального банка.

Огромный дефицит государственного бюджета, нехватка финансовых ресурсов на покрытие государственных расходов, рост давление на денежно-кредитную политику Центральными банками Правительством, рост внешнего государственного долга, снижение экономической активности и экспортного потенциала, а также неравномерность темпов роста денежной массы вызвало высокую инфляцию и нестабильность экономического роста, как в развитых, так и в развивающихся странах Темпы роста денежной массы в развитых странах в начале 1976 года составила в среднем 14,9%, и к концу 1990 года она снизилась до 10,4%.

Диаграмма 2.

**Темпы роста денежной массы в развитых странах,
в%, с 1975 по 1990 гг.***



* Диаграмма создана автором на основе официальных данных МВФ. www.imf.org.


Из диаграммы видно, что в 1976 году темпы роста денежной массы составили в Италии 22,4%, во Франции –14,1%, в США – 13%, в Канаде – 18,4%, в Японии –15,2%, в Германии –10,6%, в Великобритании – 9%.

Необходимо отметить, что неравномерный рост денежной массы вызвал рост макроэкономического спроса в развитых странах на товары и услуги, а инфляция заметно усилилась. Так, начиная с 1972 года по 1984 года, в Японии и Великобритании темпы роста инфляции составили свыше

10 % и достигали до 25%. Особенно это сильно было заметно в 1973-1978 годы. Кроме того, во Франции и Австралии темп роста инфляции резко увеличился и составил в среднем более 12 % с 1972 по 1984 годы. В Австрии и Германии уровень инфляции колебался в пределах 8 % (Диаграмма 3.).

Диаграмма 3.

Динамика инфляции в развитых странах, в %*



*Диаграмма создана автором на основе официальных данных МВФ. www.imf.org.

Из диаграммы прослеживается, что ближе к 1990 году практически во всех промышленно развитых странах уровень инфляции снижался. Это было результатом использования косвенных методов и инструментов монетарной политики.

Необходимо отметить, что для выхода из сложной макроэкономической и финансовой ситуации эти страны разработали и осуществляли ряд программ по макроэкономической и монетарной стабилизации. Следует отметить, что для стабилизации экономики потребовалось от 15 до 20 лет. В основном эти страны недавно достигли макроэкономической и монетарной стабилизации.

Использование промышленно развитыми странами рыночных методов и инструментов монетарной политики позволили повысить эффективность денежно-кредитной политики и стабилизации экономики.

Необходимо отметить, что прямые инструменты позволили резко

снизить темпы роста денежной массы и объемы кредитования. В частности, прямые инструменты в виде кредитных лимитов используются в основном в отношении балансов коммерческих банков, а большинство косвенных инструментов используется в целях улучшения состояния баланса центрального банка. Ниже в таблице 1 приведены прямые и косвенные инструменты монетарной политики.

Таблица 1.

Методы проведения монетарной политики*

Прямые инструменты	Косвенные инструменты
<i>Ограничение процентных ставок</i>	<i>Операции на открытом рынке</i>
<i>Целевые кредиты</i>	<i>Обязательные резервы</i>
<i>Ограничение лимита кредитования для каждого банка</i>	<i>Валютные свопы и операции по покупке и продаже</i>
<i>Установление норм учета для каждого банка и прочие</i>	<i>Механизм краткосрочных депозитов</i>
	<i>Кредитные аукционы</i>
	<i>Механизмы ломбарда и овердрафта</i>

* Разработка автора по результатам исследования.

Из таблицы видно, что прямые инструменты являются мерами административного характера, они предназначены для установления или ограничения цен (процентные ставки) или количества (кредит), а косвенные инструменты воздействуют через рынок и влияют на спрос и предложение.

Необходимо отметить, что в большинстве стран Западной Европы процесс перехода на полное использование косвенных инструментов в рамках денежно-кредитной политики был постепенным. Канада отказалась от прямых инструментов. США также уже давно используют в основном косвенные инструменты, хотя некоторые прямые ограничения кредита использовались до конца 80-х годов.

В экономике зарубежных стран используют исключительно рыночные методы и инструменты денежно-кредитной политики. Страны СНГ и другие с переходной экономикой также используют косвенные инструменты при осуществлении монетарной политики.

Косвенные инструменты называют также рыночными инструментами, поскольку они, как правило, используются для того, чтобы менять уровень банковских резервов в ходе проведения операций с банками и небанковскими учреждениями по рыночным ценам и на добровольной основе. Выбор тех или иных рыночных инструментов зависит от конкретных условий рынка, на

котором проводится денежно-кредитные операции.

Также, косвенные инструменты монетарной политики обладают определёнными преимуществами:

- ✓ они позволяют гораздо более гибко проводить монетарную политику;
- ✓ освобождают процесс распределения финансовых ресурсов от государственного вмешательства;
- ✓ способствуют развитию финансовых рынков и эффективному выполнению посреднической роли финансовыми учреждениями;
- ✓ служат повышению эффективности капиталовложений и увеличению объема финансовых сбережений.

Необходимо отметить, что косвенные инструменты монетарной политики позволяют Центральным банкам повышать эффективность монетарной политики. Это прослеживается в обеспечении стабильности национальной валюты и цен, достижении экономического роста, макроэкономической и финансовой стабильности.

По результатам исследования теоретических основ и зарубежного опыта использования инструментов монетарной политики сформулировали следующие выводы:

1. Монетарная политика способствовала и играла важную ключевую роль в решение сложных макроэкономических и финансовых проблем, связанных с возникновением различных кризисов экономического, финансового, политического социального и системного характера. Поэтому регулярно совершенствуются модели, методология, методы, механизмы и инструменты монетарной политики.

2. Развитые страны имеют огромный теоретический, методологический и практический опыт разработке, прогнозированию, осуществлению и совершенствованию методов, инструментов и рыночных механизмов монетарной политике. Кроме того, ретроспективный анализ передового опыта развитых стран показывает, что монетарная политика совершенствовалась под влиянием инновационных идей.

3. Модели макроэкономического равновесия описывают рынки товаров и услуг или “реальный” сектор экономики без учета денежных факторов. Включение в анализ общее равновесие денежного рынка с использованием модели IS – LM, которая хотя и несколько усложняет анализ, но одновременно дает большие возможности для исследования взаимодействия рынков товаров и денег.

4. Из мировой экономической практики известно, что на спрос и

предложение денег влияют в основном два фактора: номинальный объем ВВП и процентная ставка. По этим факторам были проведены различные монетарные и макроэкономические анализы учеными экономистами всех стран и сделаны соответствующие выводы, а также предложения.

По данным Агентства статистики Республики Узбекистан реальный рост ВВП Узбекистана в 2022 году составил 5,7%, а номинальный объем 888,34 трлн сумов или 80,4 млрд долларов США. А ВВП на душу населения вырос до 2255 долларов США.

Таблица 2.

Темпы роста денежной массы, наличных денег и основной ставки в Республике Узбекистан, в % *

Годы	Денежная масса (денежный агрегат М3)	Наличные деньги (денежный агрегат М0)	Основная ставка
2013	20,3	28,7	12,0
2014	15,7	22,0	10,0
2015	24,3	17,6	14,0
2016	23,5	24,0	9,0
2017	40,2	47,	14,0
2018	14,1	14,0	16,0
2019	13,9	9,4	16,0
2020	17,7	2,8	14,0
2021	29,7	15,0	16,0
2022	30,2	47,3	15,0

* Разработка автора на основе официальных данных Центрального банка Республики Узбекистан. www.cbu.uz

Из динамики монетарных показателей видно, что темп роста денежной массы и наличных денег выше, чем ставка рефинансирования. Но ЦБ параллельно использовал и другие инструменты денежно-кредитной политики для регулирования темпов роста денежных агрегатов. Например, политику обязательных резервов, валютную политику и операции на открытом рынке.

Значительный темп роста денежной массы и наличных денег связан с либерализацией денежно-кредитной политики, проведенной Правительством Узбекистана совместно с Центральным банком в 2017 году. Что касается значительных темпов роста денежной массы и наличных денег, то он связан с заметным увеличением номинального валового внутреннего продукта при одновременном увеличении реального спроса на деньги и повышении инвестиционной активности в стране.

Таблица 3.

**Структура широкой денежной массы (денежный агрегат М3) в
Республике Узбекистан, в%***

Годы	Наличные деньги (денежный агрегат М0)	Депозиты в национальной валюте	Депозиты в иностранной валюте
2012	23,6	53,8	22,6
2013	25,3	55,1	19,7
2014	26,6	56,2	17,2
2015	25,2	60,5	14,3
2016	25,3	57,9	16,8
2017	26,6	38,3	35,1
2018	26,5	43,2	30,2
2019	25,5	44,6	29,9
2020	22,2	46,9	30,8
2021	19,7	49,0	31,2
2022	22,3	52,6	25,1

*Разработка автора на основе официальных данных Центрального банка Республики Узбекистан. www.cbu.uz

Анализ структуры широкой денежной массы показывает, что с 2017 года при либерализации денежно-кредитной политики доля депозитов в структуре широкой денежной массы значительно увеличилась с 16,8 процента в 2016 году до 35,1 процента в 2017 году. и за 5 лет в среднем составляет более 30 процентов. В результате значительного увеличения депозитов в национальной валюте в структуре широкой денежной массы до 52,6 процента в 2022 году значительно снизилась доля депозитов в иностранной валюте.

По состоянию на 1 января 2023 года показатель обеспеченности экономики Узбекистана денежными средствами составил 21,2%, а уровень инфляция – 2,3 % [17].

Выводы и предложения

На наш взгляд, для использования передового зарубежного опыта в области совершенствования монетарной политики в Узбекистане необходимо принять следующие меры:

1. Для повышения эффективности монетарной политики Центрального банка Узбекистана, необходимо, во-первых, для эффективной реализации мероприятий монетарной политики в системе государственного регулирования целесообразно сопоставлять регулятивные возможности каждого монетарного инструмента со стратегическими целями; во-вторых,

необходимо повысить гибкость монетарной политики в период трансформации экономики; в-третьих, увеличить объем операций открытого рынка Центрального банка за путем увеличения объектов операций открытого рынка за счет корпоративных ценных бумаг (облигации, акции, депозитные сертификаты) резидентов, имеющие высокие рейтинги международных рейтинговых агентств.

2. Для повышения уровня обеспеченности экономики денежными средствами путем совершенствования монетарной политики, необходимо, во-первых, стимулировать кредитную экспансию коммерческих банков путем снижения ставки обязательных резервов по срочным депозитам, повышения объема кредитов рефинансирования; во-вторых, обеспечить эффективность использования денежной массы для кредитования экономики, повысить активность работы банков на внутреннем денежном рынке и степень доверия к банковской системе.

Литература

1. Фридман М. Если бы деньги заговорили... Пер. с англ. – М.: Дело, 1999. – С. 132-134.
2. Мишкин Ф. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых рынков. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д. Вильямс», 2014. – С. 483.
3. Юровицкий В. Эволюция денег: денежное обращение в эпоху изменений. – М.: Гросс Медиа, 2005. – С. 96.
4. McCallum, B.T. Robustness Properties of a Rule for Monetary Policy. - Carnegie-Rochester Conference Series on Public Policy 29, 1988. – P. 173-203.
5. Лаврушин О.И., Банковский менеджмент: учебник. – М.: КНОРУС, 2010. – 560 с.
6. Моисеев С. Р. Инфляционное таргетирование. — М.: Маркет ДС, 2005.
7. Намозов О.Ш. Монетарная политика в переходной экономике: концептуальные подходы и программные направления. Автореф. дисс. ... д.э.н. – Ташкент, 2001. – 39 с.
8. Шомуродов Р.Т. Пути совершенствования монетарных инструментов в банковской системе. Автореф. дисс. ... к.э.н. – Ташкент, 2004. – 19 с.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ ИПОТЕКА КРЕДИТЛАШ БИЛАН БОҒЛИҚ РИСКЛАРНИ МИНИМАЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ



Куллиев Истам Янгимуродович

иқтиқсодиёт фанлари номзоди доцент

Тошкент молия институти

мустақил тадқиқотчиси

email: istamkulliev@gmail.com

ORCID: 0009-0007-8138-127X

Аннотация:

Мақолада банкларнинг ипотека кредитлари билан боғлиқ рисклар, уй-жой нархларининг сунъий ошиши натижасида юзага келадиган нарх пуфагини салбий таъсири ва ипотека учун зарур узок муддатли ресурс манбасини шакллантириш масалалари таҳлил этилган. Тижорат банкларида ипотека кредитларини ажратиш амалиётлари ҳажмининг ошиб бораётганлигини ижобий томони билан бирга салбий жиҳатлари мавжуд. Мазкур мақолада тадқиқот материал ва методларига кўра мавзуга доир бир қатор маҳаллий ва хорижлик иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилган. Шунингдек тижорат банкларининг ипотека кредитлаш амалиётларини такомиллаштириш ва у билан боғлиқ рискларни минималлаштириш ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: ипотека, ипотека кредити, кредит скоринг, кредит тарихи, кредитга лаёқатлилик, қарз юки, кредит риски, кредит портфели, инфляция, ресурс база, стресс-тест, сузувчи фоиз ставка.

ВОПРОСЫ МИНИМИЗАЦИИ РИСКОВ ИПОТЕЧНЫХ КРЕДИТОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Куллиев Истам Янгимуродович

кандидат экономических наук доцент

независимый исследователь

Ташкентского финансового института

email: istamkulliev@gmail.com

ORCID: 0009-0007-8138-127X

Аннотация:

В статье анализируются риски, связанные с ипотечным кредитованием банков, негативное влияние ценового пузыря, вызванного искусственным ростом цен на жилье, а также вопросы формирования необходимого долгосрочного источника ресурсов для ипотеки. Увеличение объемов практики ипотечного кредитования в коммерческих банках имеет как положительные, так и отрицательные стороны. В данной статье по материалам и методам исследования изучены труды ряда отечественных и зарубежных экономистов по данной теме. В статье также рассматриваются совершенствование практики ипотечного кредитования коммерческих банков и минимизация связанных с ними рисков.

Ключевые слова: ипотека, ипотечный кредит, кредитный скоринг, кредитная история, кредитоспособность, долговая нагрузка, кредитный риск, кредитный портфель, инфляция, ресурсная база, стресс-тест, плавающая процентная ставка.

**ISSUES OF MINIMIZING RISKS RELATED TO MORTGAGE
LENDING OF COMMERCIAL BANKS**

Kulliev Istam Yangimurodovich

Doctor of Philosophy (RhD)

in Economic

associate professor

independent researcher of the

Tashkent Institute of Finance

email: istamkulliev@gmail.com

ORCID: 0009-0007-8138-127X

Abstract

The article analyzes the risks associated with mortgage loans of banks, the negative impact of the price bubble caused by the artificial increase in housing prices, and the issues of forming the necessary long-term resource source for mortgages. The increase in the volume of mortgage lending practices in commercial banks has both positive and negative aspects. In this article, according to the research materials and methods, the researches of a number of domestic and foreign economists on the topic are studied. This article discusses the improvement of mortgage lending practices of commercial banks and the minimization of related

risks.

Keywords: mortgage, mortgage loan, credit scoring, credit history, creditworthiness, debt burden, credit risk, loan portfolio, Central Bank, inflation, resource base, stress test, floating interest rate.

Кириш

Ипотека кредитлари аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган, узоқ муддатли кўчмас мулк гарови остида ажратиладиган кредитлар ҳисобланади. 2007-2009 йилларда юз берган жаҳон молия-иқтисодий инқирози дунё мамлакатларининг банк-молия тизимига салбий таъсирини кўрсатиб, кредит ресурсларига бўлган талабни оширди ва ўз навбатида кредитлар баҳосининг сезиларли даражада ошишига сабаб бўлди. Бундан ташқари, ипотека кредитлаш амалиётларида бир қатор муаммоларнинг мавжудлигини кўрсатиб, уларни бартараф этиш ва зарур чораларни кўришни талаб этди.

Мамлакатимизда аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш, уларнинг шинам ва замонавий қулай шарт-шароитлар яратилган, арзон уй-жой қурилиш дастурларини қабул қилиниши қувонарли ҳолат ҳисобланади. Аммо, ипотека кредитларини ажратиш учун тижорат банклари узоқ муддатли ресурс базасига эга бўлиши ҳамда узоқ муддатли ресурсларни жалб қилиш масаласини ҳал этишни тақазо қилади.

Тижорат банклари томонидан аҳолига узоқ муддатли ипотека кредитлари ажратиш учун узоқ муддатли жалб этилган ресурсларга эҳтиёж бўлади ва шу жиҳатдан ҳам банкларда ҳар доим ҳам узоқ муддатли молиявий ресурсларга талабни келтириб чиқаради. Шундай экан, республикамизда ипотека кредитлари учун қайта молиялаштириш тизимини яратиш ҳамда молиявий ресурсларнинг ички ва ташқи манбаларини шакллантириш муҳим ҳисобланади.

Бундан ташқари, банклар томонидан ажартиладиган ипотека кредитлари бўйича муаммоли кредитларнинг ошиши, ҳаракатсиз кредитлар улушининг ортиб бориши ҳамда уй-жой нархларининг сунъий ошиб бориши натижасида нарх пуфакларининг пайдо бўлиши каби салбий ҳолатлар мавжуд бўлиб, уларни олдини олиш чораларини кўришни талаб этади.

Адабиётлар шарҳи

Жаҳон молиявий инқирозидан кейинги даврда ўтказилган тадқиқотларда уй хўжалиқларига ажратилган кредитларнинг макроиқтисодий

кўрсаткичларга салбий таъсирга эга эканлиги бўйича далиллар mavjud. Хусусан, уй хўжалиги кредитлари қолдиғининг ошиши қисқа муддатда ЯИМ ни ўсишини таъминлаши мумкин, лекин узоқ муддатли даврда банклар уй хўжаликлари учун кредит шартларини юмшатиб, кредит рисклари даражаси ва NPL (Non-performing loan – ҳаракатсиз кредитлар) қарздорликни оширади. 2008 йилги молиявий инқироздан сўнг банкларнинг ипотека кредитлаш амалиётларига ҳамда қарз олувчиларнинг кредитга лаёқатлилиги ва таъминотига нисбатан талаблар кучайтирилди.

Тадқиқотчи М. Romazanov тадқиқотларида банкларнинг чакана кредитлаш маҳсулотлари (ипотека, микроқарз, истеъмол ва бошқалар) учун рискларни бошқариш сифати ва самарадорлигини ошириш учун амалда қўлланилиши мумкин бўлган воситалар тўплами таклиф этилган. Россиядаги энг йирик банкларнинг амалиётида ROC таҳлили асосида рискларни баҳолашни кўриб ўтган. Тадқиқот натижаларига кўра кредит олувчи миждларнинг аризаларини рад этиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар асосида умумий кредитлаш жараёнини квази-Жини кўрсаткичи баҳоланган ҳамда рискларни камайтиришда аҳолининг даромадлиги асосий омил эканлиги асосланган [1].

Иқтисодчи олимлар Andreas Fuster, Matthew Plosser, Philipp Schnabl, James Vickery томонидан ўтказилган тадқиқотларда банкларда замонавий FinTech технологиялари ипотека кредитлаш ҳажмини ошириши асослаб берилган. FinTech технологияларнинг жорий этилиши натижасида тижорат банклари ва бошқа ипотека ажратувчи муассасалар (кредиторлар) 2010 йилдан 2016 йилгача бўлган даврда АҚШ ипотека кредитлаш бозоридаги улушини 2 фоиздан 8 фоизга оширди. FinTech кредиторлари ипотека аризаларини бошқа кредиторларга нисбатан 20 фоизга тезроқ кўриб чиқиши аниқланган. Бошқа кредиторларга қараганда аризаларни тезроқ кўриб чиқиш, ишлов бериш ва қисқа вақтда қарор қабул қилинади. FinTech кредиторлари ипотека талабининг ташқи омилларга жавобан таъминотни бошқа кредиторларга қараганда эластикроқ тартибга солади [2].

Тадқиқотчилар Morris A Davis, William D Larson, Stephen D Oliner, Benjamin R Smith томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижаларига кўра, 2000 йилга келиб ипотека кредитлари бўйича риск ошган деган хулоса олинган. Шунингдек, 2000 йилнинг бошида хусусий қимматли қоғозлар бозоридаги (Private-Label Securities – PLS) ва кредиторлар портфелида риск даражаси юқори кредитлар ўртасида ипотека ставкалари спредининг қисқариши ҳисобига кредит таклифи кенгайганлиги далилланган ҳамда

юқори даражадаги DTI (debt-payment to income) ва CLTV (combined loan-to-value) каби омиллар молиявий инқироздан олдин хавфни оширишда асосий рол ўйнаган. Инқироз ва ундан кейинги даврларда белгиланган қаттиқ андеррайтинг стандартлари ипотека рискни камайтиришга хизмат қилди. Шу билан бирга кредит ва қарз олувчининг риск даражаси нисбатан паст бўлса-да, сўнгги ўн йилда уй-жой нархини сезиларли даражада ошиши стрессли вазиятлар учун шароит яратди [3].

Raun van Ooijenc ва Maarten C.J. van Rooijларнинг тадқиқотларида 2007-2008 йиллардаги молиявий инқирознинг бошланиши ипотека шартномалари ва улар билан боғлиқ рисклар ҳақида тушунчалар келиб чиқишида муҳим аҳамият касб этган. Улар томонидан ипотека кредити бўйича қарорлар, молиявий билимлар ва молиявий маслаҳатлар билан боғлиқ ишлаб чиқилган махсус сўровнома натижалари шуни кўрсатадики, уй эгалари ипотека рискларини яхши билишади ҳамда уй-жой қийматига нисбатан катта кредитлар, яъни даромадга нисбатан тўловлари кўп бўлган кредитлар хавфли деб ҳисоблашади. Риск даражаси юқори ипотекага эга бўлган уй-жой мулкдорлари, уй-жой нархида молиявий муаммоларга дуч келиши мумкинлигини таъкидлашади [4].

Иқтисодчилар Manuel Adelino, W.Frame ва Kristopher Gerardнинг тадқиқотларига кўра 2008 йил инқирозидан олдин ипотека кредити билан таъминланган қимматли қоғозларнинг асосий инвесторлари Fannie Mae ва Freddie Mac ушбу бозордаги гаров таркибига сезиларли таъсир кўрсатган. Fannie Mae ва Freddie Mac учун мўлжалланган қимматли қоғозларга киритилган ипотека бир хил битимлар бўйича бошқа қимматли қоғозларни кўллаб-қувватловчиларга қараганда яхшироқ ишлаган ва юзага келиши мумкин бўлган таваккалчиликни ўзгартирган. Бу эса, ипотека кредитлари билан боғлиқ хатарларни кескинлашувига сабаб бўлган [5].

Юқоридаги каби ҳолатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси банкларининг ипотека кредитлаш амалиётларида ҳам кузатилмоқда. Сабаби, уй-жой нархининг ошиб бориши натижасида нарх пуфагининг пайдо бўлаётгани ҳамда банклар томонидан ажратилган ипотека кредитлари қолдиғининг жадаллик билан ўсиши хавотирли ҳолатларни келиб чиқишига сабаб бўлмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Аҳолининг уй-жойга бўлган эҳтиёжларини қондириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан тижорат банкларига ипотека

кредитлари учун ажратиладиган ресурс маблағлари бюджет ссудаларини ажратиш орқали молиялаштириб, тижорат банкларининг ипотека кредитлари ажратиш учун барқарор ресурс манбалари билан таъминланишига хизмат қилмоқда. Бундан ташқари, тижорат банклари ўз ресурслари ҳисобидан бозор шартлари асосида ипотека кредитларини тақдим этмоқда.

Банклар томонидан чакана кредитлар ажратиш бизнес жараёнларида янги технологияларнинг кенг қўлланилиши ва кредитлар учун буюртмаларни автоматлаштирилган ҳолда таҳлил қилиш кредитлаш бўйича операцион харажатларни қисқартириб, кредитлар таклифини оширишга хизмат қилмоқда. Аҳоли сонининг ошаётганлиги келгусида ипотека кредитларига талабнинг ошишига олиб келади ва банкларнинг ипотека кредитларини рақамлаштиришни талаб этади.

1-жадвал.

Тижорат банкларининг ипотека кредитлари шартлари*

Банк номи	Фоизи	Муддати	Сумма	Бошланғич тўлов	Талаб этилган таъминот тури
Қишлоққурилиш банк	14%	20 йил	шартномага асосан	10%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
Саноатқурулишба нк	26,9%	10 йил	80 млн сўмгача	талаб этилмайди	Таъмирланаётган хонадон
Ҳамкорбанк	18,0%	20 йил	416,5 млн сўмгача	15%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови ёки таъмирланаётган уй-жой
Алоқабанк	18,0%	20 йил	416,5 млн сўмгача	15%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
Ўзмиллийбанк	18,0%	20 йил	416,5 млн сўмгача	15%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
Капиталбанк	24,0%	10 йил	2 млрд сўмгача	26%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
Инвест финанс банк	24,99%	10 йил	1,95 млрд сўмгача	26%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови
Ипотека банк	18,0%	20 йил	416,5 млн сўмгача	15%	Кредит ҳисобига сотиб олинадиган уй-жой
Тенге банк	24,9%	10 йил	640 млн сўмгача	35%	Сотиб олинаётган кўчмас мулк гарови

*Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Банклар томонидан ажратиладиган ипотека кредитлари шартлари билан танишиб чиқиб, кредит фоиз ставкаси йиллик 18 фоизда ва 20 йил муддатга банкларга бюджетдан ажратилган ресурслар ҳисобидан ипотека кредитлари манбаси бўлиб хизмат қилмоқда. Хусусий банклар томонидан 10 йил муддатга 24,9 фоиздан 26,9 фоизгача бўлган ставкада тижорат асосида тақдим этилмоқда. Банкларнинг ипотека кредитлари бўйича бошланғич бадалга нисбатан талаблари ҳам турлича эканлигини кўриш мумкин. Хусусий банклар томонидан кредит рискинни камайтириш мақсадида ипотека


кредити миқдорининг 26-35 фоизгача бўлган миқдорда бошланғич бадал шакллантириш талаб этилади. Давлат улуши мавжуд банклар томонидан эса, 15 фоиз миқдорида бошланғич бадал белгиланган.

АҚШнинг Allied Market Research маркетинг тадқиқотлари олиб борувчи компанияси томонидан ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, жаҳонда келгуси ўн йилликда ипотека кредитлари ҳажми 2031 йилда 27,5 млрд АҚШ долларига етиши ва 2021 йилга нисбатан (11,5 млрд АҚШ dollari) қарийб 2,4 баробарга ҳамда ўртача йиллик 9,5 фоиз даражасида ўсиши прогноз қилинган [10].

Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари ҳажми сўнгги 5 йилликда юқори ўсиш суръатларини намоян килди. Хусусан, ипотека кредитлар ҳажми 2021 йилда (28,3 трлн сўм) ўтган 2020 йилга (20,3 трлн сўм) нисбатан 39,2 фоиз ўсиш қайд этилган бўлса, сўнгги тўрт йилликдаги ўртача ўсиш даражаси йиллик 24 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга жами кредит қўйилмалар таркибида аҳолига ажратилган чакана кредитлар улуши ҳам ортиб бориши аҳолининг қарз юкини ҳам ошаётганлигини англатади.

1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи ўзгариши*



*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажратилган ипотека кредитлари қолдиғи 2019-2022 йиллардаги қолдиғи 2,3 баробарга ортган ва 2022 йил якуни бўйича 46 460 млрд сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида 2019-2022 йилларда аҳолининг ажратилган истеъмол кредитлари бўйича ҳисобланган қарзга


хизмат кўрсатиш нисбатида ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Ушбу тенденция истеъмол кредити олувчи жисмоний шахслар даромадларининг тобора кўпроқ қисми асосий қарз ва фоиз тўловларини сўндириш учун йўналтирилаётганидан англатади.

2022 йил якунига кўра истеъмол кредити бўйича қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 24 фоиз бандга ошиб, 56 фоизни қайд этди. Жисмоний шахсларнинг истеъмол кредитлари бўйича қарз юки кўрсаткичидаги ўсиш ҳар бир кредит олувчига тўғри келувчи ўртача кредит ҳажмининг 2 баробарга ошиши билан боғлиқ.

Республика бўйича аҳолига ажратилган кредитлар таркибида 2022 йилда ипотека ва истеъмол кредит олувчиларининг ихтиёридаги даромадларининг 60-70 фоизини қарз мажбуриятларини сўндириш учун йўналтирилганлигини кўрсатади.

2-диаграмма.

Жисмоний шахсларга ажратилган кредит турлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбатлари*, %



*Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Молиявий барқарорлик шарҳи” 2023 йил май.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари томонидан аҳолига ажратиладиган кредитлар таркибида 2022 йил якуни бўйича микроқарзлар бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга ошган ва 12 фоизни ташкил этди. Бунда, микроқарзлар бўйича қарз юки кўрсаткичининг ошиши микроқарз олувчиларнинг даромадлари

ошиши ҳисобига нисбатан ажратилган микроқарзлар ҳажмининг ўсиши юқорилиги ҳамда микроқарзлар фоиз ставкаси (йиллик) ошганлиги натижасида юзага келди.

Шунингдек, аҳолига ажратилган ипотека кредитлари бўйича қарзга хизмат кўрсатиш нисбати 2022 йил якунига кўра 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 4 фоиз бандга ортишига ҳар бир кредит олувчига тўғри келувчи ўртача кредит ҳажми ўсганлиги ҳамда улар фоиз ставкасининг ошганлиги ҳисобига юз берган.

Тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган автокредитлар бўйича 2022 йил якунида қарзга хизмат кўрсатиш кўрсаткичи 65 фоизни ташкил этиб, 2021 йилнинг мос даврига нисбатан 5,7 фоизга ошган.

Тижорат банклари томонидан аҳолига ипотека кредитларини ажратишни кенгайтириб боришининг ижобий жиҳатлари билан биргаликда айрим салбий жиҳатлари мавжуд бўлиб, келгусида банklar фаолиятида турли хатарларни юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жисмоний шахсларга ипотека кредитларини ажратиш амалиётларида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш ва уни камайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Аҳолига ажратилган ипотека кредитлари бўйича юзага келиши мумкин бўлган хавотирли ва муаммоли масалалардан қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш лозим:

1. Уй-жой нархлари аҳолининг кўпайиши ва ипотека кредитлари таклифининг ортиши ҳисобига шиддат билан ошиши натижасида нарх пуфагининг пайдо бўлиши.

2. Банklarни чакана кредит портфелида ипотека кредитлари улушининг ошиб бораётганлиги.

3. Жисмоний шахсларни қарз юки ортиши ҳисобига қарзга хизмат кўрсатиш даражасининг ортиши.

4. Жаҳонда юзага келиши мумкин бўлган иқтисодий инқироз ва турли пандемия кўринишидаги салбий ҳолатларнинг юзага келиши.

Уй-жой нархларининг фундаментал омилларга боғлиқ бўлмаган ҳолда доимий ортиб бориши нарх пуфаги шаклланишига сабаб бўлади. Бунда, фундаментал бўлмаган омиллар ҳисобига кўчмас мулк бозорида талабнинг кескин ортиши ва таклиф томонидан талабни қисқа муддатда қондирилмаслиги нарх пуфагини юзага келтиради [6].


Нарх пуфагининг кенгайтириши жараёнида, аҳоли томонидан уй-жой

нархларининг янада ортишининг кутилиши ҳисобига талаб ошади. Ўз навбатида, кўчмас мулк бозоридаги нархларнинг доимий ортиб бориши келгусида уй-жой нархлари ортиши ҳисобига даромад олишни кўзлаган инвесторларни ҳам ўзига жалб қилади ва нархларнинг фундаментал омилларнинг ўзгаришига боғлиқ бўлмаган ҳолда янада юқори ўсишига сабаб бўлади [7].

1992–1993 йилларда Норвегия ва Швеция тарихида кўчмас мулк бозоридаги нарх пуфаги билан боғлиқ банк инқирозлари юзага келган. Инқироз давридан олдин, ипотека кредитлари ҳажми ва уй-жой нархлари сезиларли даражада ортиб борган. Бироқ, иқтисодий пасайиш, реал фоиз ставкаларининг ортиши ва солиқ тизимидаги ўзгаришлар ҳамда ялпи талабнинг камайиши натижасида уй-жой нархлари кескин пасайиб ажратилган ипотека кредитларининг гаров билан таъминланганлик даражаси пасайиб кетган. Бу эса, ипотека кредитида рискининг ортишига олиб келган [8].

3-диаграмма.

Тошкент шаҳри учун ўртача бир дона уй-жойнинг бозор ва фундаментал нархлари динамикаси, млн сўм*



*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланган “Молиявий барқарорлик шарҳи” 2023 йил.

Ўзбекистон Республикаси кўчмас мулк бозорида Тошкент шаҳри учун ўртача бир дона уй-жойнинг бозор ва фундаментал нархлари динамикасида сўнгги йилларда нарх тафовути ўсиши юқори бўлган ва 2022 йилнинг 4-


чорагида 208 млн. сўмга етган. Бу эса, уй-жой бозорида нархларнинг ипотека кредитлари таклифининг юқорилиги сабабли нарх тафовути юқори ўсаётганлигидан далолат беради.

Таҳлил қилинган даврда 2019 йилнинг якунида ва 2020 йилнинг дастлабки 1-чорагида уй-жой нархлари ўртасидаги тафовут пасайган ҳамда бозор нархи 48 млн. сўмгача тушганлигини кўришимиз мумкин. Пандемиянинг бошланиши аҳоли даромадлари ва банклар фаолиятида юзага келган муаммолар кредитлашни қисқаришига ҳамда уй-жой баҳоларига ўз таъсирини кўрсатган.

Аҳолининг ипотека кредит олиш қобилияти асосида аниқланган кўчмас мулк нархининг фундаментал қиймати ипотека бозоридаги тизимли хатарлар даражаси паст ва кредит қайтара олиш эҳтимолининг юқори ҳолатидаги уй-жой нархларининг барқарор даражасини ифодалайди [9].

4-диаграмма.

Ипотека кредитлари бўйича LTV кўрсаткичининг тақсимланиши
(Уй-жой нархлари пасайиш сценарийларига асосан)* 2022 йил



*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланган “Молиявий барқарорлик шарҳи” 2023 йил.

2022 йил маълумотлари асосида Ўзбекистонда кўчмас мулк бозорида уй-жой нархлари кескин камайишини уч хил сценарий (20, 30 ва 40 фоиз) бўйича таҳлили келтирилган. Бунда, LTV (Loan-to-value ratio) кўрсаткичи,

яъни кредитнинг таъминотга нисбати асос қилиб олиниб, унинг ўзгариши баҳоланди. Уй-жой нархининг кескин тушиши натижасида, кредитлар суммасини гаров суммасига нисбати 120 фоиздан юқори бўлган кредитларнинг қарз олувчилар томонидан қайтарилмаслик эҳтимоли ортиш фарази илгари сурилган. Маҳаллий уй-жой нархларининг 20 фоизга арзонлашиши натижасида 2022 йилда ажратилган ипотека кредитларининг қарийб 40 фоизда LTV кўрсаткичи 100 фоиздан юқори шаклланишини кўрсатмоқда. LTV кўрсаткичи 120 фоиздан юқори ипотека кредитларнинг 2022 йилда ажратилган жами ипотека кредитлардаги улуши 3 фоизни ташкил этаётгани, ипотека кредитларини тўлашдан кўра, гаровдан воз кечиш эҳтимоли мавжуд қарз олувчиларнинг улуши жуда пастлигини англатади. Уй-жой нархларининг 30 ва 40 фоизга пасайиши ҳолатида 2022 йилда ажратилган ипотека кредитларининг мос равишда 85 ҳамда 87 фоизлари учун қўйилган гаров миқдорининг етарлилик (LTV кўрсаткичи 100 фоиздан юқори) муаммоси юзага келади. Шунингдек, уй-жой нархларининг 30 фоизга пасайиши LTV кўрсаткичи 120 фоиздан юқори бўлган ипотека кредитлари улуши 32 фоизни, 40 фоиз пасайишда эса, 84 фоизни ташкил этаётгани ушбу қарз олувчиларда кредит тўлашдан кўра гаровдан воз кечиш эҳтимолининг юқорилигини кўрсатади. Банклар учун ажратилган ипотека кредитлари бўйича йирик йўқотишларни олиб келиши мумкин. Бунда, кредит миқдорининг уй-жой нархидан сезиларли даражада юқори эканлиги кредитларни қайтарилмаслигига асосий сабаб бўлади. Натижада, кредитлар таркибида муаммоли кредитлар улуши ва кредит йўқотишлари ҳажми ортади [9].

Тижорат банкларида ипотека кредитлари билан боғлиқ рискларни минималлаштириш борасида қуйидаги йўналишларда чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Тижорат банкларида ипотека стресс тестини жорий этиш.

Халқаро амалиётда банклар келгусида юзага келиши мумкин бўлган хатарларни олдини олиш ва юқоридаги каби муаммоларни ҳал этиш учун иқтисодиётдаги вазият, кўчмас мулк бозоридаги ҳолат ҳамда аҳолининг даромадлари ва қарз юки даражаси бўйича таҳлилларни амалга ошириб, юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни баҳолаш талаб этилади. Бу борада халқаро амалиётнинг илғор тажрибаларидан фойдаланиш муҳим. Хусусан, ривожланган мамлакатлар тажрибасида мавжуд ипотека кредити стресс - тест таҳлилидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

2008 йилдан кейин Канада ва Буюк Британия ҳукумати ипотека

кредиторларини кредитлаш амалиётини чеклашни талаб қилувчи янги қоидаларни ўрнатди ва бу қоидалардан бири ипотека стресс-тести жорий этилди. Банклар қарз олувчиларни ариза бериш вақтида эмас, балки кредитнинг тўлиқ муддати давомида ипотека кредитини бемалол тўлай олишларига ишонч ҳосил қилиш учун "стресс тести" дан фойдаланиш бошланди.

Ипотека стресс тести - бу банклар ва брокерлар қарздорнинг ипотека кредитини олиш ҳуқуқига эга эканлиги ва унинг тўлаш имкониятларини баҳолаш учун фойдаланадиган қоидалар тўплами ҳисобланади.

Ипотека кредити бўйича юқори фоиз ставкасини синаб кўриш орқали кредитор қарз олувчининг тўловларни тўламаслик хавфини камайтириши мумкин. Бироқ, амалдаги шартнома бўйича ставкадан юқорироқ ставкада стресс-тестдан ўтказилиши натижасида миқдорнинг қарз олиш қобилияти баҳолайди ва шу билан уларнинг уй-жой сотиб олиш имкониятини аниқлайди.

Бундан ташқари, ипотека стресс тести миқдорнинг кредит тўловлари бўйича дефолтларни олдини олиш учун ҳам амалга оширилади. Кредит фоиз ставкалари тарихий паст даражада бўлганлиги ҳамда ҳукумат қарз олувчилар ипотека тўловларини тўлаш имкониятини таъминлаш мақсадида стресс тест ўтказилади.

Миқдор ипотека стресс тестидан ўта олмаса ёки шартлар бажарилмаганда қандай йўл тутилади. Агар миқдорнинг даромадлари ипотека тўловларини юқори стресс тест ставкаси бўйича ўтказиш учун жуда паст бўлса ёки барқарор даромад манбаига эга эканлигини исботлай олмаса, ипотека стресс тестидан ўтмайди ва банк ипотека кредитини ажратмайди.

2. Ипотека кредит рискларини комплекс баҳолаб бориш.

Банклар ҳар бир ипотека шартномаси бўйича мавжуд риск омилларининг ҳар қандай даражаси, хавф омилларининг аҳамияти ва ипотека аризасида мавжуд бўлган умумий рискларни ҳисобга олиб баҳолаши керак. Ипотека кредитлари бўйича мувофиқлик матричасини шакллантириши ва миқдорнинг кредит рискини комплекс баҳолаб бориши талаб этилади. Ушбу матрицада ипотека кредити бўйича қуйидаги кўрсаткичлар келтириб ўтилиши мумкин:

- кредитнинг таъминотга нисбати LTV (Loan-to-value ratio) даражаси;
- миқдорнинг кредит рейтинги;
- миқдорнинг бандлиги;
- кредитни қайтариш тури;

- мулк тури ва сони;
- қарзнинг даромадга нисбати DTI (Debt-to-Income) даражаси;
- яратилган захиралар.

Тижорат банклари ипотека кредит рискларини баҳолаш натижаларини тўлиқ ҳужжатлаштириши ва юқори баҳолашга эришиш учун фойдаланилган маълумотларнинг ҳақиқий, тўғри ва асосли бўлишини таъминлаши керак.

Хулоса

Банк тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан бири регулятор томонидан ипотека кредитлаш рискларининг ошишига таъсир этувчи омилларни камайтириш билан боғлиқ чора-тадбирларни амалга ошириш ҳисобланади. Ипотека кредити рисклари кўпроқ банклар ва инвесторларга хос. Чунки зарур рўйхатга олиш ҳужжатлари бор-йўқлиги қайта-қайта текширилган ва қарз олувчининг кредитни тўлай олмаслигидан суғурталанган уй-жойни сотиб олган қарз олувчига қараганда кредит ташкилоти ўз пулларини тақдим этиш орқали кўпроқ таваккал қилади. Шунингдек қарз олувчилар билан боғлиқ ишдан бўшаши, ойлик даромадларининг қисқариши ва бошқа шу каби салбий омиллар ипотека кредитлари рискинни оширади.

Банклар кўчмас мулкни сотиб олиш учун кредитлар ажратиш бўйича ички кредит сиёсатида амалдаги қонунчилик мувофиқ кредитнинг таъминотга нисбати лимитларини белгилашлари муҳим.

Тижорат банклари ажратилган ипотека кредитлари билан боғлиқ рискларни баҳолаш билан бирга доимий равишда макродаражадаги таҳлилларни ҳам амалга ошириши талаб этилади. Бунда уй-жой бозоридаги ҳолат, нархларнинг ўзгариши ва уй-жойга бўлган талабни комплекс баҳолаш ҳамда мониторинг қилиши лозим бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Mikhail Pomazanov (2022) Risk Management Tools to Improve the Efficiency of Lending to Retail Segments // Published: November 14th, 2022 // doi:10.5772/intechopen.108527

2. Andreas Fuster, Matthew Plosser, Philipp Schnabl, James Vickery (2018) The Role of Technology in Mortgage Lending // The Review of Financial Studies, Volume 32, Issue 5, May 2019, Pages 1854–1899, <https://doi.org/10.1093/rfs/hhz018>

3. Morris A Davis, William D Larson, Stephen D Oliner, Benjamin R Smith A (2023) Quarter Century of Mortgage Risk // Review of Finance, Volume 27,

Issue 2, March 2023, Pages 581–618, <https://doi.org/10.1093/rof/rfac034>

4. Raun van Ooijenc, Maarten C.J. van Rooij (2016) Mortgage risks, debt literacy and financial advice // Journal of Banking & Finance // Volume 72, November 2016, Pages 201-217 // <https://doi.org/10.1016/j.jbankfin.2016.05.001>

5. Manuel Adelino, W Frame, Kristopher Gerardi (2017) The effect of large investors on asset quality: Evidence from subprime mortgage securities // Journal of Monetary Economics, 2017, vol. 87, issue C, 34-51

6. Baily, M., Litan, R., & Johnson, M. (2008). The origins of the financial crisis. Brookings Institution.

7. Case, K.E., Shiller, R.J. (2003). Is there a bubble in the housing market? Brookings Institution.

8. European Central Bank. (2000). Asset prices and banking stability.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Молиявий барқарорлик департаменти томонидан тайёрланган “Молиявий барқарорлик шарҳи” 2023 йил.

10. <https://www.alliedmarketresearch.com/mortgage-lending-market-A17282>

BIZNES LOYIHALARINI MOLIYALASHTIRISHDA TIJORAT BANKLARI ISHTIROKI



Razzaqov Jasur Xamraboevich

*iqtisodiyot fanlari bo'yicha
falsafa doktori (PhD),
moliya kafedrasida dosenti
Toshkent moliya instituti.*

E-mail: razzaqovjasur70@gmail.com

ORCID:0000-0002-7686-8000

Annotatsiya

Maqolada biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklari ishtirokining tashkiliy jihatlari, biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklarining ishtiroki, ahamiyati, o'ri, tashkiliy jihatlari hamda moliyalashtirish shakllari borasidagi mahalliy hamda xorijiy olimlarning qarashlari hamda ularning bu masalaga yondashuvlari yoritilgan. Biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklari ishtirokining tashkiliy jihatlari O'zsanoatqurilishbank ATB misolida tahlil qilingan hamda xorijiy kredit liniyalari asosida moliyalashtirishning shartlari va ko'rsatkichlari tadqiq qilingan. Amalga oshirilgan tahlillar asosida tegishli xulosalar va takliflar shakllantirilgan.

Kalit so'zlar: loyiha, biznes loyihasi, biznes loyihalarini moliyalashtirish, tijorat banklari, kredit, garov, kredit liniyasi, sindikatlashgan kredit.

УЧАСТИЕ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В ФИНАНСИРОВАНИИ БИЗНЕС-ПРОЕКТОВ

Раззаков Жасур Хамрабаевич

*канд. экон. наук
доцент кафедры финансов
Ташкентский финансовый институт
E-mail: razzaqovjasur70@gmail.com
ОРЦИД:0000-0002-7686-8000*

Аннотация

В статье освещены взгляды и подходы отечественных исследователей и зарубежных ученых относительно участия, значения, роли, организационных аспектов и форм финансирования коммерческих банков в финансировании бизнес-проектов. Проанализированы организационные аспекты участия коммерческих банков в финансировании бизнес-проектов на примере АКБ «Узсаноатқурилишбанк», изучены условия и показатели финансирования на

основе иностранных кредитных линий. В результате проведенного анализа сформированы соответствующие выводы и предложения.

Ключевые слова: проект, бизнес-проект, финансирование бизнес-проектов, коммерческие банки, кредит, залог, кредитная линия, синдицированный кредит.

PARTICIPATION OF COMMERCIAL BANKS IN THE FINANCING OF BUSINESS PROJECTS

Razzakov Zhasur Khamraboevich

*Candidate of Economics, Associate
Professor of the Department of Finance
Tashkent institute of Finance*

E-mail: razzaqovjasur70@gmail.com

ORCID:0000-0002-7686-8000

Abstract

In this article, the views and approaches of local researchers and foreign scientists regarding the participation, importance, role, organizational aspects and financing forms of commercial banks in financing business projects are highlighted in the study of the organizational aspects of the participation of commercial banks in financing business projects. The organizational aspects of the participation of commercial banks in financing business projects are analyzed on the example of Uzsanoatqurilishbank JSB and the conditions and indicators of financing based on foreign credit lines are studied. On the basis of the performed analysis, appropriate conclusions and proposals are formed.

Keywords: project, business project, financing business projects, commercial banks, loan, collateral, credit line, syndicated loan.

Kirish

Biznes loyihalarini moliyalashtirish biznes faoliyatini rivojlantirishdagi aosisy jihat sifatida xizmat qilmoqda. Xalqaro amaliyotda biznes vakillarining biznes g'oyani moliyalashtirishda qiyinchiliklarga duch kelishi hamda yetarli kapital jalb qila olmasligi natijasida biznes faoliyatini samarali tashkil eta olmasligi holatlari tez-tez uchraydi. Mazkur masalani ijobiy hal qilish maqsadida so'nggi o'n yilliklarda biznes loyihalarini moliyalashtirishning yangi usullari va shakllari yuzaga keldi. Shunga qaramasdan kompaniyalar biznes loyihalari moliyalashtirishning an'anaviy usullaridan, jumladan, tijorat banklari kreditlaridan hanuzgacha keng miqyosda foydalanib kelmoqda va mazkur holatni xorijiy

mamlakatlar tajribasida ham, milliy amaliyotda ham kuzatish mumkin. Biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklari ishtirokini o‘rganish orqali ta’kidlash lozimki, mazkur moliyalashtirish shaklidan ancha yillardan beri foydalanilayotganligiga qaramasdan turli darajada rivojlanayotgan iqtisodiyotlarda biznes loyihalari moliyalashtirishda tijorat banklarining mablag‘laridan foydalanish shartlari hamda imkoniyatlari turlicha shakllangan. Shu boisdan mamlakatimizda tijorat banklarining biznes loyihalarini moliyalashtirishdagi ishtirokining tashkiliy jihatlarini o‘rganish dolzarblik kasb etadi.

Adabiyotlar sharhi

Tijorat banklari biznes loyihalarini moliyalashtirishda asosiy ishtirokchilardan hisoblanganligi sababli ko‘plab xorijiy va mahalliy iqtisodchi olimlar tomonidan tijorat banklarining biznes loyihalarini moliyalashtirishdagi ahamiyati, roli, mazkur jarayonga ta’sir etuvchi omillar kabilar bo‘yicha tadqiqotlar olib borilmoqda. J. Kensinger va J. Martin o‘z tadqiqotlarida biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklarining ishtirokini yoritgan. Ularning fikricha xalqaro amaliyotda xorijiy tijorat banklari “... faol investorlar bo‘lib kelgan va ular uchun loyihalarni moliyalashtirish mavjud an’anaviy amaliyotni kengaytirish hisoblanadi” [1].

K. Ganbat va boshqalarning fikricha, “... keyingi paytlarda jahon amaliyotidan kelib chiqqan holda tijorat banklarining kapitali ekologik loyihalarini moliyalashtirishning muhim manbai hisoblanadi. Loyihaviy moliyalashtirishning o‘ziga xos xususiyatlaridan biri investitsiya loyihalarini moliyalashtirishning turli manbalari, vositalari va usullaridan, jumladan, bank kreditlari, aksiyalar emissiyasi, obligatsiyalar, lizing, o‘z mablag‘lari va hokazolardan keng foydalanish imkoniyatidir. Loyihaviy moliyalashtirish uchun qarz mablag‘lari ikki asosiy manba: tijorat banklari va obligatsiyalar investorlari tomonidan taqdim etiladi” [2]. Ta’kidlash lozimki, uzoq yillardan beri tijorat banklari loyihalarni moliyalashtirishning an’anaviy va ishonchli manbalaridan biri sifatida keng foydalanilmoqda.

Ta’kidlash kerakki, “Biznes loyihalarini moliyalashtirishda mablag‘lar, asosan, tijorat banklari va boshqa moliya institutlari tomonidan beriladi hamda mazkur mablag‘lar, odatda, loyihaning asosiy aktivlari hisobiga sekyuritizatsiya qilinadi. Kapital jalb qiluvchilar quyidagilarga harakat qilishadi: xavfsiz daromad chegarasi bilan qarz to‘lashni moliyalashtirishi mumkin bo‘lgan taxminiy pul oqimlari, majburiyatni bajarish uchun investorlardan yetarli miqdorda aksiya ulushi orqali kapital jalb qilish, xarajatlarning oshib ketishi kabi muayyan

muammolar yuzaga kelganda investorlarga murojaat qilish va mablag‘lardan foydalanish va loyihani boshqarishni ta‘minlash uchun shartlarni belgilash. Qisqa muddatli moliyalashtirish manbalariga tayanadigan tijorat banklari uzoq muddatga qat‘iy foiz stavkalari bo‘yicha kredit berishni istamasalar-da, ular suzib yuruvchi va qat‘iy belgilangan foiz stavkalari kombinatsiyasi orqali moliyalashtirishni tashkil qilishlari mumkin. Mazkur holat loyihaning foiz riskini kamaytiradi” [3]. Biznes loyihalarini moliyalashtirishdagi yuqorida ta‘kidlab o‘tilgan o‘ziga xosliklar mazkur jarayonning murakkabligini aks ettirish bilan bir qatorda yirik tijorat banklari uchun qiziqarli investitsion jarayon bo‘lib qolayotganligini ko‘rsatmoqda.

E. Yescombe biznes loyihalarini moliyalashtiruvchilar orasida mahalliy tijorat banklari ishtirok etishining ahamiyatiga to‘xtab o‘tgan. Uning fikricha, “... ma‘lum bir davlatdagi loyiha o‘z mablag‘larini mazkur mamlakatda faoliyat yurituvchi banklardan jalb qilgani ma‘qul. Birinchidan, ular mahalliy sharoitni yaxshi tushunadi. Ikkinchidan, moliyalashtirish mamlakat valyutasida taqdim etilishi natijasida valyuta risklarining oldi olinadi. Shu sababli rivojlangan mamlakatlarda loyihalar, odatda, mahalliy banklar yoki tegishli mamlakatda filiallari yoki sho‘ba korxonalarini bo‘lgan xorijiy banklar tomonidan moliyalashtiriladi. Bu jarayon loyihalarni moliyalashtirish bozorining eng katta qismini tashkil qiladi” [4]. Demak, mahalliy tijorat banklarining biznes loyahasini moliyalashtirishda ishtirok etishi xorijiy tijorat banklari va boshqa moliyalashtiruvchi moliyaviy institutlar tomonidan e‘tiborga olinadi.

Bosqa bir manbada shunday deyiladi: “Ko‘pgina loyihalarning keng ko‘lamligi ularni bitta bank (qarz beruvchi) tomonidan moliyalashtirilmasligini taqozo qiladi va shuning uchun ko‘p hollarda loyihalarni moliyalashtirish uchun banklar (qarz beruvchilar) sindikatlari tuziladi. Xalqaro miqyosga ega bo‘lgan loyihada banklar (qarz beruvchilar) guruhi turli mamlakatlardan bo‘lishi mumkin. Moliyalashtirishda ishtirok etuvchilar orasida mahalliy banklar bo‘lishi deyarli aniq bo‘ladi. Bu xorijiy banklar manfaati hamda mahalliy banklarning ishtirok etish istagidan kelib chiqadi. Odatda, yirik sindikatlangan kreditlarda bo‘lgani kabi loyiha krediti kichikroq tashkilotchi banklar guruhi tomonidan tartibga solinadi. Ko‘pincha tashkillashtiruvchi banklar kredit shartnomasining dastlabki imzolovchilari bo‘lib, keyinroq sindikatlangan kreditlar bilan ishtirok etishi mumkin” [5].

B. Holmgren va K. Lindhining ta‘kidlashicha, “... tijorat banklari 1930-yillardan boshlab loyihalarni moliyalashtirishda faol rol o‘ynadi. Muddati 10 yildan kam bo‘lgan davrni qamrab oluvchi loyihalarda hozirda bank kreditlari loyihalarni moliyalashtirishning eng yirik manbai hisoblanadi. Loyiha

tashkilotchilari, odatda, tijorat banklaridan qurilishni moliyalashtirish va doimiy moliyalashtirishni so‘rashadi. Xalqaro tijorat banklarining sindikatlari ko‘pincha katta hajmdagi kreditlarni beradi, bunda bir qator banklar mijozga bir xil shartlarda kredit berish majburiyatini oladi. Kreditni sindikatlashning afzalligi shundaki, katta miqdordagi mablag‘ni jalb qilish mumkin. Kamchiligi esa sindikatlangan kreditlar, odatda, obligatsiyalarning qat‘iy stavkali foizlaridan ko‘ra yuqori o‘zgaruvchan stavkali foizlarda taqdim etiladi” [6]. Bugungi kunda tijorat banklari tomonidan biznes loyihalarini moliyalashtirishda sindikatlashgan kreditlardan foydalanish tijorat banklarining risklarini diversifikatsiyalashga imkon yaratadi.

B. Mamatov va boshqalarning fikricha, “... loyihaviy moliyalashtirishda turli investor va kreditorlarning mablag‘lari ishtirok etib, mablag‘larning sindikatlashuvi ro‘y beradi. Shu jihatdan ham loyihaviy moliyalashtirishni sindikatlashgan kreditlashtirish, deb atashimiz ham mumkin. Hozirda yevrokredit bozorida harakat qiluvchi bank sindikati va konsorsiumlarining loyihalarni moliyalashtirishdagi roli kundan kunga o‘sib bormoqda. Mamlakatimizda investitsiya loyihalarini moliyalashtirishda ham yevrokreditlar va boshqa rivojlangan xorij banklarining kreditlari, xorijiy mablag‘lari, respublika aksiyadorlik tijorat va xususiy banklarining kreditlari ishtirok etmoqda” [7].

L. Sabirova va N. Xanova o‘z tadqiqotlarida biznes loyahasini moliyalashtirishdagi ayrim jihatlarga to‘xtab, kuyidgilarni ta’kidlaydi: “Investitsion loyihalarni moliyalashtirishni tashkil etish kompaniya va loyiha rahbari uchun anchagina keng ko‘lamli, mehnat talab qiladigan, uzoq va mas’uliyatli jarayondir. Bu jarayon, ayniqsa, investitsiya loyihalarini amalga oshirish tajribasiga ega bo‘lmagan korxonalar uchun qiyin. Shu bilan birga, loyiha tashabbuskorlari oldida turgan dolzarb masalalardan biri optimal moliyalashtirish sxemalarini ishlab chiqish hisoblanadi. Bu loyihaning har bir bosqichida ijobiy sof pul oqimi va mablag‘lar qoldig‘ini olish imkonini beradi, natijada investitsiya loyihaning maqsadga muvofiqligini ta’minlaydi. Bu yerda professional maslahatchilarning yordami, ayniqsa, muhimdir” [8].

Yuqoridagi tadqiqotchilarning fikrlarini inobatga olgan holda ta’kidlash mumkinki, biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklarining ishtiroki muhim ahamiyat kasb etadi. Mazkur jarayonda tijorat banklari sindikatlashgan kreditlardan foydalanishga e’tibor qaratish lozim, chunki bu orqali tijorat banklari risklarni diversifikatsiyalash imkoniyatiga ega bo‘ladi.


Tahlil va natijalar

Biznes loyahasini moliyalashtirishda tijorat banklari ishtirokini tahlil

qiladigan bo‘lsak, mamlakatimizda tijorat banklari tomonidan loyihalarni moliyalashtirish bo‘yicha kreditlar ajratilayotganligi kuzatish mumkin. Tijorat banklarining biznes loyihasini moliyalashtirishdagi ishtirokini tahlil qilishda ko‘rish mumkinki, biznes loyihalarini ko‘rib chiqish uchun bir qator hujjatlar talab etiladi (1- chizma).

1-chizma.

O‘zsanoatqurilishbank ATBda biznes loyihalarini ko‘rib chiqish uchun zarur bo‘lgan hujjatlar*



*O‘zsanoatqurilishbank ATBning rasmiy sayti ma’lumotlari

<https://sqb.uz/uz/business/investitsion-loyihalarni-moliyalashtirish/>

Chizma ma’lumotlaridan ko‘rish mumkinki, O‘zsanoatqurilishbank ATBda biznes loyihalarini ko‘rib chiqish uchun zarur bo‘lgan hujjatlarga kredit olish uchun ariza, ustav va ta’sis shartnomasi nusxasi, pul oqimi tahlili ko‘rsatilgan biznes-reja, korxonaning so‘nggi uch yil uchun choraklar bo‘yicha soliq inspeksiyasi tomonidan tasdiqlangan buxgalterlik hisobotlari, ta’minot bo‘yicha shartnoma, ishlab chiqarishga mo‘ljallangan ko‘chmas mulkni tasdiqlovchi hujjat yoki ijara shartnomasi, xarid qilinayotgan jihozlarning texnik pasportlari va raqobat varag‘i kabi hujjatlar kiradi.

Biznes loyihalarini moliyalashtirishda har bir tijorat banki tomonidan moliyalashtirishning o‘ziga xos shartlari ishlab chiqiladi. Milliy amaliyotimizda ham tijorat banklari faoliyatida loyihalarni moliyalashtirish uchun kredit

berilishining shartlari mavjud bo‘lib, mazkur shartlarni O‘zsanoatqurilishbank ATB misolida tahlil qilamiz (2- chizma).

2- chizma.

O‘zsanoatqurilishbank ATBda investitsiyaviy loyihalarni moliyalashtirish uchun kredit berilishining asosiy shartlari*

Investitsiyaviy loyihalarni moliyalash uchun kredit berilishi qarzlarni qoplash vositasi sifatida asosan pul oqimini va loyiha daromadlarini nazarda tutadi

Investitsiyaviy loyihalarni moliyalash uchun kreditlar milliy va xorijiy valyutada naqd pulsiz shaklda beriladi

Investitsiyaviy loyihalarni moliyalash faqat O‘zbekiston Respublikasi rezidentlariga taqdim etiladi

Kredit hisobidan xarid qilinadigan mulk, u likvid bo‘lgani taqdirda ushbu kredit bo‘yicha garov predmeti hisoblanadi

Kreditdan foydalanish muddati loyihaning qoplanishidan kelib chiqib belgilanadi

Foiz stavkasi hajmi kredit shartomasi asosida o‘zaro kelishilgan holda belgilanadi

Kreditning va u bo‘yicha foizlarning to‘lanishi prognoz qilinayotgan pul oqimini hisobga olgan holda to‘lov jadvali asosida amalga oshiriladi.

*O‘zsanoatqurilishbank ATBning rasmiy sayti ma’lumotlari.

<https://sqb.uz/uz/business/investitsion-loyihalarni-moliyalashtirish/>


O‘zsanoatqurilishbank ATBda investitsiyaviy loyihalarni moliyalashtirish uchun kredit berilishining asosiy shartlariga investitsiyaviy loyihalarni moliyalash uchun kredit berilishi qarzlarni qoplash vositasi sifatida asosan pul oqimini va loyiha daromadlarini nazarda tutishi, investitsiyaviy loyihalarni moliyalash uchun kreditlar milliy va xorijiy valyutada naqd pulsiz shaklda berilishi, investitsiyaviy loyihalarni moliyalash faqat O‘zbekiston Respublikasi rezidentlariga taqdim etilishi, kredit hisobidan xarid qilinadigan mulk, u likvid bo‘lgan taqdirda ushbu kredit bo‘yicha garov predmeti hisoblanishi, kreditdan foydalanish muddati loyihaning qoplanishidan kelib chiqib belgilanishi, foiz stavkasi hajmi kredit shartomasi asosida o‘zaro kelishilgan holda belgilanishi, kreditning va u bo‘yicha foizlarning to‘lanishi prognoz qilinayotgan pul oqimini hisobga olgan holda to‘lov jadvali asosida amalga oshirilishi kabilarni kiritish mumkin.

Biznes loyihalarini moliyalashtirishda kredit berish shartlari tijorat banklari tomonidan jalb qilingan kredit liniyalarining xususiyatlari va ko‘rsatkichlariga ham

bog‘liq. O‘zsanoatqurilishbank ATBga Kommersbank (Germaniya)dan jalb qilingan kredit liniyasini tahlil qilish orqali mazkur tijorat banki misolida mamlakatimizda biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklari ishtirokini kuzatish mumkin (3-chizma).

3-chizma.

O‘zsanoatqurilishbank ATB tomonidan jalb qilingan Kommersbank (Germaniya) kredit liniyasi ko‘rsatkichlari (xorijiy valyutada)*




*O‘zsanoatqurilishbank ATBning rasmiy sayti ma’lumotlari asosida muallif tomonidan shakllantirilgan.

O‘zsanoatqurilishbank ATB tomonidan jalb qilingan Kommersbank (Germaniya) kredit liniyasi ko‘rsatkichlari quyidagilarni qamrab olgan: moliyalashtirish sohasi kichik biznes subyektlarini va sanoat tarmog‘idagi

korxonalarni moliyalashtirishni qamrab oladi; kredit mablag‘lari asbob-uskunalarni sotib olish maqsadida yo‘naltiriladi; har bir loyiha bo‘yicha ajratiladigan kredit summasi jami 1 mln. yevrodan yuqori bo‘ladi; mazkur liniya hisobidan ajratiladigan kredit muddati 5 yilgacha belgilangan; ta‘minot kredit summasining 125 foizidan kam bo‘lmasligi shart; ajratiladigan kredit uchun mijoz tomonidan yillik foiz to‘lovlari foiz stavkasi yillik EURIBOR+chet el bankining marjasi+bank marjasi ($\approx 7-8\%$) hajmida belgilanadi; kredit bo‘yicha beriladigan imtiyozli davr 12 oygacha belgilanadi hamda boshqalar.

4-chizma.

O‘zsanoatqurilishbank ATB tomonidan jalb qilingan Rayffayzenbank (Avstriya) kredit liniyasining moliyalashtirish shartlari (xorijiy valyutada)*



*O‘zsanoatqurilishbank ATBning rasmiy sayti ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan shakllantirilgan.

O‘zsanoatqurilishbank ATB tomonidan jalb qilingan Rayffayzenbank (Avstriya) kredit liniyasining moliyalashtirish shartlari ham Kommersbank (Germaniya) kredit liniyasi shartlariga o‘xshash bo‘lib, asosiy farqi ajratiladigan

kredit uchun mijoz tomonidan yillik foiz to'lovlari foiz stavkasi yillik EVRIBOR+chet el banking marjasi+bank marjasi ($\approx 8-9\%$) hajmida va kredit bo'yicha beriladigan imtiyozli davr 6 oygacha ekanligida ekanligini kuzatish mumkin (4-rasm). Boshqa shartlar Kommersbank (Germaniya) kredit liniyasi shartlari bilan deyarli bir xil ekanligini berilgan ma'lumotlardan ko'rish mumkin.

Xulosa

Biznes loyihalarini moliyalashtirishda tijorat banklarining ishtirokini o'rganish asosida quyidagi xulosalar shakllantirilgan.

1. Biznes loyihalarini moliyalashtirishda mablag'lar, asosan, tijorat banklari tomonidan taqdim etiladi. Mazkur jarayonda jalb qilingan mablag'lar loyihaning aktivlari hisobiga sekyuritizatsiya qilinadi. Qisqa muddatli moliyalashtirish manbalariga tayanadigan tijorat banklari uzoq muddatga qat'iy foiz stavkalari bo'yicha kredit berishni istamasalar-da, ular suzib yuruvchi va qat'iy belgilangan foiz stavkalari kombinatsiyasi orqali moliyalashtirishni tashkil qilishlari mumkin. Natijada mazkur holat loyihaning foiz riskini kamaytiradi.

2. Aksariyat biznes loyihalarining keng ko'lamliligi ularni bitta bank (qarz beruvchi) tomonidan moliyalashtirish imkoniyatini pasaytiradi. Shu sababli aksariyat hollarda loyihalarni moliyalashtirish uchun banklar (qarz beruvchilar) sindikatlari tuziladi. Xalqaro miqyosdagi loyihalarda banklar (qarz beruvchilar) guruhi turli mamlakatlardan bo'lishi mumkin hamda moliyalashtirishda mahalliy banklar ishtiroki deyarli aniq bo'ladi. Mazkur holat xorijiy banklar uchun ishonchlilikni ham ta'minlashga xizmat qiladi.

3. Xalqaro tajribadan kelib chiqqan holda aytish mumkinki, biznes loyihalarini moliyalashtirishda sindikatlashgan kreditlardan foydalanish amaliyotda tez-tez uchraydi. Sindikatlashgan kreditlash amaliyoti katta miqdordagi mablag'ni jalb qilish imkoniyatini taqdim etadi. Natijada, biznes loyihasini amalga oshirish jarayonida kapital yetishmovchiligi bilan bog'liq muammolarni bartaraf etish mumkin bo'ladi.

4. Milliy amaliyotni o'rganish natijasida ta'kidlash mumkinki, tijorat banklarida biznes loyihalarini moliyalashtirish maqsadida xorijiy kredit liniyalari asosida taqdim etilayotgan xorijiy valyutadagi kreditlar foiz stavkalari xalqaro amaliyotdagiga nisbatan yuqori deyishimiz mumkin. mazkur holat xorijiy banklarning milliy bozorga qiziqishini oshirishga xizmat qilsa, mahalliy biznes vakillari uchun valyuta riskining yuzaga kelishiga sabab bo'ladi, deyish mumkin. Shu boisdan xorijiy kredit liniyalari asosida xorijiy valyutada kredit olishda kapital bahosini hamda biznes loyihalarining daromadliligini to'g'ri prognoz qilish lozim.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. John W. Kensinger, John D. Martin. Project Finance: Raising Money the Old-Fashioned Way. // Journal of Applied Corporate Finance 1(3), April 2005. – p. 69.
2. Khaliun Ganbat, Inessa Popova, Ivan Potravnyy. Impact Investment of Project Financing: Opportunity for Banks to Participate in Supporting Green Economy. // Baltic Journal of Real Estate Economics and Construction Management, № 4, November 2016. – p. 72.
3. Project finance in developing countries: IFC’s lessons of experience // International Finance Corporation, Washington, D.C., 1999. – p. 9.
4. E. R. Yescombe. Principles Project Finance. // An Imprint of Elsevier, 525 B Street, Suite 1900, San Diego, California, USA, 2002. – p. 24.
5. A Guide to Project Finance // Dentons, 2013. – 18 p.
<https://www.dentons.com/~media/6a199894417f4877adea73a76caac1a5.ashx>
6. Björn Holmgren, Karin Lindh. Project Finance - Finding the right sources of funding. // Avdelning, Institution Division, Department Ekonomiska Institutionen, Linköping, 2002. – p. 32.
7. B.Mamatov, D.Xujamkulov, O.Nurbekov. Investitsiyalarni tashkil etish va moliyalashtirish. // Darslik. T.: Iqtisod-Moliya, 2014. – 456-457 bb.
8. Sabirova L., Xanova N. Investitsion konsaltingni rivojlantirish – muvaffaqiyatli investitsion loyihalaririni jadallashtirish omili sifatida // Экономика и финансы (Узбекистан). 2023. №2 (162). URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/investitsion-konsaltingni-rivojlantirish-muvaffaqiyatli-investitsion-loyihalaririni-jadallashtirish-omili-sifatida> (дата обращения: 24.07.2023).
9. O‘zsanoatqurilishbank ATBning rasmiy sayti ma’lumotlari.
<https://sqb.uz/uz/business/investitsion-loyihalarni-moliyalashtirish/>

ВОПРОСЫ ФОРМИРОВАНИЯ КАПИТАЛА КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ



Тожибоева Нилуфар Баходиржон кизи

базовый докторант,

Ташкентского Финансового Института

e-mail: nilu.2208@mail.ru

ORCID 0009-0003-1752-9912

Аннотация

В статье анализируется порядок формирования капитала коммерческих банков Республики Узбекистан, выявляются некоторые проблемы, связанные с формированием капитала и даются рекомендации для решения данных проблем. В ходе анализа было выявлено, что в структуре капитала коммерческих банков Республики Узбекистан основная доля приходится на уставный капитал, это говорит о том, что собственный капитал банка формируется главным образом за счет средств учредителей. Добавленному капиталу, который представляет собой разницу между номинальной и рыночной стоимостью акций, в структуре собственного капитала банков приходится незначительный удельный вес. Такая ситуация в свою очередь указывает на недостаточное развитие рынка ценных бумаг в Республике Узбекистан.

Ключевые слова: коммерческий банк, капитал банка, добавленный капитал, номинальная и рыночная стоимость акций, рынок ценных бумаг.

TIJORAT BANKLARI KAPITALINI SHAKLLANTIRISH MASALALARI

Nilufar Tojiboyeva Baxodirjon qizi

Tashkent moliya institute tayanch doktoranti

E-mail: nilu.2208@mail.ru

ORCID 0009-0003-1752-9912

Annotatsiya

Maqolada O'zbekiston Respublikasi tijorat banklarining kapitalini shakllantirish tartibi tahlil qilinadi, kapitalni shakllantirish bilan bog'liq ba'zi muammolar aniqlanadi va ushbu muammolarni hal qilish bo'yicha tavsiyalar beriladi. Tahlil davomida O'zbekiston Respublikasi tijorat banklari kapitali

tarkibida asosiy ulush ustav kapitaliga to'g'ri kelishi aniqlandi, bu esa bankning o'z kapitali asosan muassislar mablag'lari hisobidan shakllantirilishini ko'rsatadi. Aktsiyalarning nominal qiymati va bozor qiymati o'rtasidagi farq bo'lgan qo'shilgan kapital banklarning o'z kapitali tarkibida ahamiyatsiz ulushga ega. Bu holat, o'z navbatida, O'zbekiston Respublikasida qimmatli qog'ozlar bozorining yetarli darajada rivojlanmaganligidan dalolat beradi.

Kalit so'zlar: tijorat banki, bank kapitali, qo'shilgan kapital, aktsiyalarning nominal va bozor qiymati, qimmatli qog'ozlar bozori.

QUESTION OF CAPITAL FORMATION OF COMMERCIAL BANKS

Nilufar Tojiboyeva Bakhodirjon kizi

*basic doctoral student of
Tashkent Institute Of Finance
e-mail: nilu.2208@mail.ru
ORCID 0009-0003-1752-9912*

Abstract

The article analyzes formation of capital of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, identifies some problems associated with the formation of capital and provides recommendations for solving these problems. During the analysis, it was revealed that in the capital structure of commercial banks of the Republic of Uzbekistan, the main share falls on the authorized capital, which indicates that the bank's own capital is formed mainly from the shares of the founders. The added capital, which represents the difference between the nominal and market value of shares, accounts for an insignificant share in the structure of banks' equity. This situation, in turn, indicates the insufficient development of the stock market in the Republic of Uzbekistan.

Keywords: commercial banks, bank capital, added capital, nominal and market value of shares, stock market.

Введение

Истекший мировой кризис, пандемия и нынешние геополитические и геоэкономические ситуации в мировом обществе показали, что даже крупные банки, обладающие большим капиталом и выполняющие все требования Центрального банка, теряют убытки. Это говорит о том, что наличие достаточного капитала не является строгим показателем надежности банка и защиты интересов его вкладчиков и кредиторов. Следовательно, одной из

самых актуальных задач на современном этапе развития финансовой системы является не только соблюдение нормативов достаточности капитала со стороны коммерческих банков, но и формирование качественного по своей структуре банковского капитала, что является основой выполнения банками своих функций в нормально действующем финансовом пространстве. Таким образом, усиливается внимание к эффективному формированию собственного капитала банков.

В Узбекистане с целью проведения комплексных преобразований в банковской системе, направленных на формирование современной банковской системы, повышения инвестиционной привлекательности банков и внедрения новых стандартов банковского обслуживания, была разработана стратегия реформирования банковской системы, одной из задач которой является обеспечение финансовой стабильности банковской системы[1]. Именно капиталу принадлежит ведущая роль в обеспечении стабильности банка, эффективности его работы, расширении его деятельности, а в конечном итоге - в поддержании экономического роста в стране.

Обзор литературы

Несмотря на то, что проблеме формирования и оценке банковского капитала посвящено большое число научных работ как отечественных так и зарубежных ученых, вопросы, связанные с исследованием сущности капитала банка, его структуры, функций, его оценки, в научной литературе разработаны не в полной мере. Отдельные вопросы экономического содержания капитала банка, его формирования и оценки нашли отражение в трудах отечественных ученых И. Муруговой, Т. Каралиева, Т. Бабакулова, А. Омонова, Б. Бабаева, У. Ортиқова, У. Розукулова и других.

Вопросы формирования и оценки капитала банка так же получили освещение в научных исследованиях зарубежных ученых Г.Н. Белоглазовой, Л.П. Кроливецкой, А.Г. Грязновой, А.М. Косого, Г.Г. Коробовой, В.В. Киселева, И. Лаврушина, Е.Е. Румянцева, К.Р. Тагирбекова, П.С. Роуза, Дж.Ф. Синки, К. Крушвиц.

Однако в них оценка капитала рассмотрена лишь с позиции его достаточности, а комплексное исследование проблем банковского капитала, которое раскрывало бы теоретические аспекты его сущности и порядка формирования отсутствует.

О.И. Лаврушин термин “собственный капитал банка” определяет как систему, состоящую из общего числа фондов, созданных банком для

осуществления деятельности и поддержки прочных деловых отношений с вкладчиками и кредиторами [5].

В.В. Киселев определяет капитал банка как средства, внесенные владельцами банка и состоящие в основном из уставного и других фондов, резервов, а также нераспределенной прибыли [6].

Различные определения капитала, встречающиеся в литературе, можно объединить в две группы:

- к первой группе относятся те, которые определяют капитал более конкретно: деньги, ценности, товар, то есть то, что можно ощутить физически;

- ко второй группе относятся те, которые определяют капитал менее конкретно, как нечто абстрактное. Например, умножающая себя стоимость, производительная сила, источник процента.

Таким образом, суммируя все вышеизложенное, можно сказать, что собственный капитал банка представляет собой совокупную собственность банка, выраженную в стоимостном (денежном) эквиваленте, а также вложения акционеров и денежных средств из различных источников финансирования, составляющую финансовую основу его деятельности.

Особое значение капитала банка определяется его функциями. Защитная функция означает обеспечение экономических интересов вкладчиков и кредиторов, т. е. возможность выплаты им компенсации в случае возникновения убытков или банкротства банка, а также продолжение деятельности банка независимо от убытков банка.

Регулирующая функция проявляется в том, что размер имеющихся у банка собственных средств определяет масштабы его деятельности. По действующему законодательству экономические нормативы, установленные ЦБ и регулирующие деятельность коммерческих банков, в основном исходят из объема собственных средств банка.

Оперативная функция собственного капитала, связана с источником вложений в собственные материальные активы и развитием материальной базы банка.

Анализ и результаты

В условиях нынешней геополитической и геоэкономической ситуации, капитал банка становится важным экономическим элементом, требующим пристального внимания со стороны надзорных органов. Он является своего рода фундаментом для финансовой основы деятельности коммерческих

банков. Наличие достаточного капитала, а также рациональное управление им традиционно рассматривались как залог успешной деятельности любого банка и успеха развития банковской системы в целом.

Банковский капитал обеспечивает ресурсы, необходимые для создания и функционирования банка, защищает банк от банкротства, компенсируя потери от разных рисков, поддерживает доверие клиентов к банку и не дает поводов усомниться в его финансовой устойчивости, является регулятором роста банка и его работы на рынке финансовых услуг, обеспечивает инструменты для расширения деятельности банка и финансирования новых видов услуг и продуктов.

Общая структура собственных средств коммерческого банка предусматривает уставной капитал, резервный фонд, добавочный капитал, фонды по отдельным банковским операциям, текущую и нераспределенную прибыль и др. Уставный фонд создает экономическую основу существования и является обязательным условием образования банка как юридического лица. Порядок формирования капитала коммерческого банка определяется законом Республики Узбекистан “О банках и банковской деятельности” ЗРУ №580 от 06.11.2019 года. Согласно закону, банки создаются в форме акционерного общества и осуществляют свою деятельность на основании лицензии, выданной Центральным Банком [1]. Законом также указано минимальное требование к размеру уставного капитала коммерческих банков. Если до сентября этого года минимальный размер уставного капитала банков составлял 100 млрд сумов, то согласно изменениям внесенным в закон республики Узбекистан “О банках и банковской деятельности” минимальный размер уставного капитала должен поэтапно увеличиваться:

- с 1 сентября 2023 года на двести миллиардов сумов;
- с 1 апреля 2024 года на триста пятьдесят миллиардов сумов;
- с 1 января 2025 года на пятьсот миллиардов сумов [2].

Действительно, увеличение минимального размера уставного капитала коммерческих банков будет способствовать дальнейшему повышению уровня капитализации банков и увеличению их ресурсной базы, расширению их участия в процессах структурных преобразований экономики, привлечению иностранных инвестиций в банковский сектор, а также даст возможность увеличению объема кредитования реального сектора экономики.

Однако, повышение уровня капитализации за счет увеличения

уставного капитала не является выходом из имеющихся проблем, которыми сталкиваются банки на сегодняшний день. Основной проблемой при формировании капитала наших отечественных банков является то, что добавочный капитал в банках до сих пор не составляет основную долю собственных средств. Рассмотрим структуру собственных средств банковской системы Республики Узбекистан (Таблица 1).

Таблица 1.

Структура собственных средств банковской системы Республики Узбекистан (в млрд. сум)*

	2019 г.	Уд. вес %	2020 г.	Уд. вес %	2021 г.	Уд. вес %	2022 г.	Уд. вес %	2023 г.	Уд. вес %
Уставной капитал	19 673,2	73,6	41 877,0	82,1	44 655,8	76,5	54 760,0	77,2	59 856,7	75,2
Добавленный капитал	89,4	0,3	142,7	0,3	434,6	0,7	675,5	1	997,5	1,3
Резервный капитал	2 973,6	11,1	3 844,5	7,5	5 205,9	8,9	8 452,2	11,9	7 320,6	9,2
Нераспределенная прибыль	3 978,8	14,9	5 166,4	10,1	8 055,0	13,8	7 029,9	9,9	11 390,6	14,3
Итого:	26 715,0	100	51 030,7	100	58 351,3	100	70 917,6	100	79 565,4	100

*Разработка автора на основе официального сайта ЦБ Республики Узбекистан. www.cbu.uz

Из таблицы видно, что за последние пять лет общая сумма собственных средств коммерческих банков увеличивается. Это тенденция считается благоприятной и указывает на рост активности банков. Однако, анализируя структуру капитала коммерческих банков, необходимо отметить очень маленький удельный вес добавленного капитала. На долю добавленного капитала приходится всего лишь 1,3% от общего объема капитала по состоянию на 2023 год. В 2019 и 2020 годы добавленный капитал составлял 0,3%, 2021 году – 0,7% и 2022 году 1% от общей суммы собственных средств банка.

Добавленный капитал – это капитал, который формируется за счет:

– средств, полученных от продажи акций их первым держателям по цене выше номинальной стоимости, – «эмиссионный доход». Данные средства увеличивают первоначальный капитал банка и его стабильную часть;

– прироста стоимости имущества, образуемого при переоценке основных фондов. Наличие и величина этого фонда являются отражением уровня инфляции в стране и, следовательно, не выступают качественной

характеристикой его деятельности. По своей экономической сущности и характеру использования средств данной фонд можно рассматривать как резерв на обесценение фиксированных активов (основных фондов);

– стоимости безвозмездно полученного имущества. Объем средств этого фонда указывает на источник прироста материальных активов банка, а правила использования (на покрытие возможных убытков) позволяют отнести его к группе резервных фондов.


Согласно Указу Президента Республики Узбекистан «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан» были разработаны ряд мер, которые направлены на обеспечение комплексной трансформации банков [3].

Наличие проблем развития банковского сектора, связанные с доминирующим положением государства в банковской системе, низкой оценкой в рейтинге Всемирного банка «Ведение бизнеса» (в разделе «Получение кредитов» 67 место), высокой долларизацией активов и пассивов, концентрацией кредитов и депозитов в крупных компаниях и в отдельных секторах экономики напрямую влияют на решение иностранных инвесторов при покупке ценных бумаг коммерческих банков Узбекистана. Поэтому для привлечения дополнительного капитала путем проведения IPO и SPO, банкам важно иметь хорошую репутацию как на внутреннем, так и на внешнем рынках.

Для сравнения рассмотрим структуру капитала одного из российских банков (диаграмма 1).

Диаграмма 1.

Структура собственного капитала Сбербанка РФ*



*Разработка автора на основе официального сайта Сбербанка РФ. www.sberbank.ru

Добавленный капитал Сбербанка составляет 19% от общего объема собственного капитала, тогда как в нашей стране этот показатель не превышает 2%. Также стоит обратить внимание на незначительный удельный вес резервов (2%) в структуре собственных средств банка. На нераспределенную прибыль приходится почти половина собственного капитала – 48%.

Однако, стоит отметить, что причиной низкой доли добавленного капитала в структуре собственного капитала является то, что в нашей стране до сих пор на надлежащем уровне не развит рынок ценных бумаг. Данная проблема отрицательно отражается не только на качестве капитала коммерческих банков, но и влияет на приток иностранных инвестиций. Банк с дешевыми акциями не внушает доверия инвесторам и является непривлекательным объектом инвестирования.

Заключение

Необходимость увеличения объема собственного капитала коммерческих банков не теряет свою актуальность. Следовательно, одним из мер, принятых по повышению уровня капитализации, является недавнее изменение в законе Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности». Данное изменение предусматривают постепенное увеличение уставного капитала коммерческих банков от ста миллиардов сумов до пятисот миллиардов сумов к 2025 году.

В структуре капитала коммерческих банков Республики Узбекистан большая доля приходится на уставный капитал. Однако банки должны увеличивать долю добавленного капитала, так как это позволит банкам усилить заинтересованность местных и иностранных инвесторов, а также сократить расходы по выплате дивидендов.

Теоретические и практические результаты анализа недостатков формирования капитала банков послужили разработке следующий предложений по их устранению:

1. Капитализация банковской системы Республики Узбекистан остается одним из актуальных вопросов дальнейшего укрепления ее стабильности. Увеличение капитальной базы коммерческих банков - это путь к становлению в стране крупных банков, способных эффективно содействовать экономическому развитию. Таким образом, вопросы по повышению капитализации не должны терять свою актуальность.

2. В структуре капитала коммерческих банков следует поэтапно

увеличивать долю добавленного капитала. Для этого банкам следует организовывать публичную продажу своих акций.

3. Недостаточное развитие рынка ценных бумаг является одним из препятствий для коммерческих банков, нацеленных на укрепление своей капитальной базы и привлечения иностранных инвестиций. Следовательно, принятие определенных мер для укрепления рынка ценных бумаг позволило бы банкам укрепить свои позиции.

Несомненно, последовательная и поэтапная реализация этих мер выведет развитие национальной банковской системы на новый уровень, обеспечивающей поэтапное укрепление стабильности экономики страны.

Литература

1. Закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» ЗРУ№580 от 06.11.2019 года.

<https://lex.uz/ru/docs/4581971?ONDATE2=06.11.2019&action=compare>

2. О внесении изменений в закон Республики Узбекистан «О банках и банковской деятельности» ЗРУ№581 от 20.04.2023 года. <https://lex.uz/ru/>

3. Указ президента Республики Узбекистан «О стратегии реформирования банковской системы Республики Узбекистан на 2020 – 2025 годы» УП №5992 от 12.05.2020 г. <https://lex.uz/ru/docs/4811037>

4. Финансово-кредитный энциклопедический словарь. – М.: Финансы и статистика. 2002 г.

5. Банковское дело. Экспресс-курс: учебное пособие. Под ред. О. И. Лаврушина. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2009

6. Киселев, В. В. Управление банковским капиталом: теория и практика – М.: Экономика, 2007.

7. Официальный сайт Центрального Банка Республики Узбекистан. – www.cbu.uz

8. Официальный сайт Сбербанка России. – www.sberbank.ru

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РАҚОБАТБАРДОШЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ



Ибодуллаев Шохбоз Тўлқин ўғли

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
Ташиқи иқтисодий фаолият
миллий банки*

E-mail: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID:0000-0002-3885-711X

Аннотация

Тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш уларнинг молиявий воситачи сифатидаги ролини ошириш ва банклар томонидан кўрсатилаётган молиявий хизматларнинг баҳоларини пасайтиришнинг зарурий шарти ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш банкларнинг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигини ошириш, улар кўрсатаётган молиявий хизматларнинг сифат кўрсаткичларини яхшилаш заруриятини юзага келтиради.

Мақолада мамлака тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, рақобатбардошлик, кредит, депозит, ликвидлилик, молиявий барқарорлик, актив, соф фойда, захира, фоиз ставкаси, фоизли даромад, фоизли харажат.

АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ КОНКУРЕНТОСПОСОБНОСТИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Ибадуллаев Шохбоз Тулқин оглы

*доктор философии (Rhd)
по экономическим наукам
Национальный банк
внешнеэкономической*

деятельности Республики Узбекистан

E-mail: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID:0000-0002-3885-711X

Аннотация

Обеспечение конкурентоспособности коммерческих банков является обязательным условием повышения их роли в качестве финансового посредника и снижения цен финансовых услуг, оказываемые банками. В свою очередь, обеспечение конкурентоспособности коммерческих банков обуславливает необходимость повышения ликвидности и финансовой устойчивости банков, улучшения показателей качества финансовых услуг, оказываемые ими.

В статье выявлены актуальные проблемы, связанных с обеспечением конкурентоспособности коммерческих банков и разработаны научные предложения, направленных на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, конкурентоспособность, кредит, депозит, ликвидность, финансовая устойчивость, актив, чистая прибыль, резерв, процентная ставка, процентный доход, процентный расход.

CURRENT ISSUES OF ENSURING THE COMPETITIVENESS OF COMMERCIAL BANKS

Ibodullaev Shokhboz Tulkin ugli

Doctor of Philosophy (Rhd)

in Economic Sciences

National Bank

foreign economic

activities of the Republic of Uzbekistan

E-mail: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID:0000-0002-3885-711X

Abstract

Ensuring the competitiveness of commercial banks is a prerequisite for increasing their role as a financial intermediary and reducing the prices of financial services provided by banks. In turn, ensuring the competitiveness of commercial banks necessitates increasing the liquidity and financial stability of banks, improving the quality of financial services provided by them.

The article identifies urgent problems related to ensuring the competitiveness of commercial banks and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Keywords: commercial bank, competitiveness, credit, deposit, liquidity, financial stability, asset, net profit, reserve, interest rate, interest income, interest

expense.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12-майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган 2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегиясида банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизмати кўрсатишни модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш ва фаолиятини автоматлаштириш, кредит портфели ва рискларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, банкларда корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва молиявий рискларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилди [1]. Бу эса, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал қилишнинг илмий жиҳатдан асосланган йўллари ишлаб чиқиш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Бугунги кунда банк рақобатбардошлиги билан боғлиқ муаммоларга олимлар томонидан катта эътибор берилмоқда. Н. Казаренкова банкнинг рақобатбардошлигига куйидагича таъриф беради: “Банкнинг рақобатбардошлиги – бу кредит ташкилотининг рақобатбардош маҳсулотлар ва хизматларни яратиш ва бозорга олиб чиқиш, мижозларнинг барча талабларига жавоб бера оладиган ишончли ва замонавий банкнинг ижобий имижини шакллантириш бўйича потенциал ва реал имкониятларидир” [2]. Олимнинг фикрига қўшимча қилиб айтиш мумкинки, агарда банк рақобатбардош ҳисобланса, унинг мижозлар базаси кенгайиб, унинг инвестицион салоҳияти ва ликвидлилиги юқори ҳисобланади. Бу эса банкнинг иқтисодий фаолияти тўғри йўлга қўйилганлигидан далолат беради.

С. Величконинг хулосасига кўра, агар банк ишончли молиявий институт сифатида машҳур бўлиб, бозорда яхши репутацияга эга бўлса, бу унинг кенг географик қамровини таъминлайди ва натижада мижозларни бирламчи жалб қилиш соддалашади: банкнинг интеграл рақобатбардошлигини ошириш филиаллар сонини ўсишига олиб келиши мумкин. Назарий жиҳатдан масофавий банк хизматларини кўрсатиш бунга муқобил бўлиши мумкин, аммо, бундай ёндашув сезиларли чекловлар билан

боғлиқ. Агар мижозни ҳисоб рақамининг ҳолати ёки жорий тўловлари тўғрисида хабардор қилишни масофавий тарзда бемалол амалга ошириш мумкин бўлса, янги мижозга бундай режимда кредит бериш қийин масала ҳисобланади, чунки бунда рискларни баҳолаш қийинлашади ва бунинг оқибатида, фоиз ставкаларини ошириш юз беради [3]. Юқоридаги хулоса бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимида ҳам ўз аҳамиятига эга. “Ўзмиллийбанк” АЖ мамлакат банклари орасида ўзининг иқтисодий кўрсаткичлари билан биринчи ўринда туради ва ишончли банк ҳисобланади. Шунинг натижаси ўлароқ, “Ўзмиллийбанк” АЖнинг Республика бўйлаб 63 та банк хизматлари маркази ва 50 та банк хизматлари офиси самарали фаолият юритиб келмоқда.

А. М. Тавасиев ва Н. Ребельский банклар рақобатчилигини “... кредит ташкилотлари ўртасида ссуда, депозитлар ва бошқа банк маҳсулотлари бозорида, шунингдек, муқобил молия бозорларида юз берадиган курашнинг динамик жараёни” сифатида кўради [4]. Тижорат банклари рақобатбардошлигини таъминлашнинг яна бир шарти сифатида банкнинг инвестицион жозибадорлиги туради. Банк ўзининг инвестицион жозибадорлиги таъминлаш мақсадида иқтисодий кўрсаткичларини доимий равишда яхшилаб боради. Банк активларининг рентабеллиги, кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғини ўсишига йўл қўймаслик ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ю. Эзрох банклар рақобатчилигини “...рақобат курашини олиб боришга рағбатлантирадиган иқтисодий ҳодиса” сифатида талқин қилади [5].

Е.Коликованинг хулосасига кўра, банк рақобатчилиги деганда “...кредит-молия ташкилотларининг бир-бири билан ўзаро ҳамкорликда ва ўзаро алоқадорликда юз берадиган рақиблиги деб тушуниш керак. Бунинг натижасида банк маҳсулотлари ва хизматларини сотишнинг оқилона имкониятлари юзага келади. Улардан фойдаланиш банкнинг фойдасини максималлашувига ва мижозларнинг банк маҳсулотлари ва хизматлари бозорининг хилма-хил секторларида барча даражадаги эҳтиёжларини қондиришга олиб келади [6]. Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизимида ўзаро алоқа ва шаффофликка асосланган рақобат жараёни кузатилмоқда. Банклар ихтисослашувига кўра ўз юналишлари доирасида мижозларга сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда.

Бир гуруҳ иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган кафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келиши

мумкин. Бу эса, уларнинг рақобатбардошлигига салбий таъсир кўрсатади [7].

Ушбу хулоса Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, республикада давлат банклари давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланади; иккинчидан, тижорат банкларини давлат томонидан фаол тарзда молиявий қўллаб-қувватланиши улар томонидан жуда юқори даражадаги рискларни қабул қилишга шароит туғдиради. Фикримизни исботи сифатида Халқ банкининг фаолиятидаги кредит rischi даражасига эътиборни қаратамиз. 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари бўйича муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги улуши 5,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Халқ банкида ушбу кўрсаткич 19,7 фоизни ташкил этди [8].

Б. Бердияровнинг хулосасига кўра, тижорат банклари бирламчи захираларининг ўсиш суръатини депозитларнинг ўсиш суръатидан ортда қолмаслигини таъминлаш, юқори ликвидли активларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг барқарор даражасига эришиш, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг жами активлар ҳажмидаги салмоғининг нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш орқали тижорат банкларининг жорий ликвидлигини таъминлаш лозим [9].

О. Абдурахмонов ва А. Мирсоатовларнинг хулосасига кўра, ўрта муддатли истиқболда Ўзбекистоннинг банк секторини ривожланишини белгиловчи икки асосий стратегик вазифа мавжуд: биринчидан, банкларнинг молиявий барқарорлигини ошириш ва ички бозорда банк хизматлари миқёсини кенгайтириш; иккинчидан, Ўзбекистон банкларининг халқаро капиталлар бозоридаги иштирокини фаоллаштириш [10].

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банкларининг рақобатбардошлиги хусусидаги илмий-назарий қарашларни тадқиқ қилиш натижалари шуни кўрсатдики, банклар кўрсатадиган маҳсулотларнинг сифатини ошириш ва баҳосини пасайтириш, тижорат банкларининг етарли даражада ликвидли ва молиявий барқарор бўлишини таъминлаш банкларнинг рақобатбардошлигини таъминлашнинг муҳим мезонлари ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали Республикада тижорат банкларининг депозит ва кредит маҳсулотларининг баҳоларининг даражаси ва динамикаси баҳо берамиз.

1-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада жалб қилинган муддатли депозитлар ва миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси, фоизда*

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Миллий валютада жалб қилинган муддати 1 йилгача бўлган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	14,9	16,1	16,3	15,5	16,4
Миллий валютада жалб қилинган муддати 1 йилдан ортиқ бўлган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	14,4	17,1	16,8	17,1	19,0
Миллий валютадаги кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси	21,1	23,7	22,3	20,8	21,9

*Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки. www.cbu.uz

Жадвалда келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадикки, республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада 1 йилгача муддатга жалб қилинган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган, 2021 йилда 2020 йилга нисбатан биров пасайган, аммо 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, 2022 йилда инфляция даражасини 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

Шунингдек, 1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, мамлакат тижорат банклари томонидан миллий валютада 1 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Бу эса, мазкур даврда инфляция даражасини ва миллий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкаларини сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадикки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2017-2020 йилларда ошиш тенденциясига, 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан ошган.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республика Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси инфляция даражасига баҳо берамиз

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикасида Марказий банк қайта молиялаш ставкаси ва инфляциянинг йиллик даражаси, %да*

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси	16,0	16,0	14,0	14,0	16,0
Инфляция даражаси	14,3	15,2	11,1	10,0	12,3

* Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг расмий статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2019-2021 йилларда Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасининг пасайиши кузатилган. Бироқ, ушбу ставка 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга оширилган. Бу эса, мазкур даврда инфляция даражасини 2,3 фоизли пунктга ошганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, 2019-2021 йилларда республикамизда инфляция даражаси пасайиш тенденциясига эга бўлган. Лекин, мазкур ставка 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган.

Эътиро этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ҳажмида энг юқори салмоқни кредитлар эгаллайди. 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, кредитларнинг республикамиз тижорат банклари активларининг умумий ҳажмидаги салмоғи 68,1 фоизни ташкил этди [12].


Кредитлар тижорат банклари активларининг ҳажмида энг юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли, банкларнинг ссуда капиталлари бозоридаги рақобатбардошлиги бевосита банкларнинг кредит портфелининг сифатига боғлиқ. Ўз навбатида, тижорат банклари кредит портфелининг муҳим сифат кўрсаткичларидан бири бўлиб, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг даражаси ҳисобланади.

Диаграммада келтирилган маълумотлардан аниқ кўринадик, ТИФ Миллий банкида кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан

даражаси 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

1-диаграмма.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси, %да*



*Жадвал муаллиф томонидан ТИФ Миллий банки ва Асакабанкнинг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021, 2022 молиявий йилларнинг якунлари бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.


Шунингдек, 1-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадикки, Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, 2017-2022 йилларда Асакабанкда ушбу кўрсаткичнинг даражаси мазкур кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (1,0 %) сезиларли даражада юқори бўлган.

Қайд этиш жоизки, тижорат банкларининг рақобатбардошлигини белгиловчи муҳим мезонлардан бири бўлиб, уларнинг молиявий барқарорлиги ҳисобланади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, соф фойданинг даражаси ҳисобланади.

Соф фойданинг даражасини аниқлаш учун соф фойда суммаси банк активларининг рискка тортилган суммасига бўлинади ва олинган натижа 100 фоизга кўпайтирилади. Халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, мазкур кўрсаткичнинг даражаси камида 2,0 фоизга тенг бўлиши керак.

2- диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик-тижорат “Асакабанк”да соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси, %да*



*Диаграмма муаллиф томонидан Асакабанкнинг 2017, 2018, 2019, 2020, 2021 молиявий йилларнинг якунлари бўйича эълон қилинган йиллик ҳисоботларининг маълумотлари асосида тузилган.

Мазкур диаграмма маълумотларидан кўринадикки, биринчидан, 2017-2022 йилларда Асакабанкда соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъерий даражасидан (2,0 %) паст бўлган; иккинчидан, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Бу эса, Асакабанкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Соф фойда тижорат банклари фаолиятининг натижадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Соф фойданинг даражасига баҳо бериш учун уни брутто активларга таққосласа ҳам бўлади. Аммо, тижорат банкларининг брутто активлари таркибида умуман даромад келтирмайдиган ва риск даражаси нолга тенг бўлган активлар (кассадаги нақд пуллар, банкнинг Марказий банкдаги пуллари ва бошқалар) мавжуд.

Хулоса

Иқтисодчи олимларнинг тижорат банки раҳбариятининг давлат томонидан қутқариш бўйича бериладиган қафолатга ишониши ўта юқори даражадаги рискларни қабул қилинишига олиб келиши мумкинлиги хусусидаги хулосаси Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамият

касб этади. Бу эса, республикамизда давлат банклари давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватланаётганлиги ва тижорат банкларини давлат томонидан фаол тарзда молиявий қўллаб-қувватланиши улар томонидан жуда юқори даражадаги рискларни қабул қилишга шароит туғдираётганлиги билан изоҳланади.

Республикамиз тижорат банклари томонидан миллий валютада 1 йилгача муддатга жалб қилинган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги 2022 йилда инфляция даражасини 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

Мамлакат тижорат банклари томонидан миллий валютада 1 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган депозитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкасини 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошганлиги мазкур даврда инфляция даражасини ва миллий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкаларини сезиларли даражада ошганлиги билан изоҳланади.

Республикаси тижорат банклари томонидан миллий валютада берилган кредитларнинг ўртача йиллик фоиз ставкаси 2017-2020 йилларда ошиш тенденциясига, 2019-2021 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Республика Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасини 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 2,0 фоизли пунктга оширилганлиги мазкур даврда инфляция даражасини 2,3 фоизли пунктга ошганлиги билан изоҳланади.

ТИФ Миллий банкида ва Асакабанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси 2019-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

2017-2022 йилларда Асакабанкда соф фойданинг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан даражаси ушбу кўрсаткичнинг меъёрий даражасидан (2,0 %) паст бўлгани ҳолда, мазкур кўрсаткичнинг даражаси 2021 йилда 2020 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Фикримизча, республикамиз тижорат банкларининг рақобатбардошлигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммоларни ҳал қилиш учун куйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкининг ссуда капиталлари бозоридаги рақобатбардошлигини таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд кўрсаткичининг инфляция даражаси ҳисобга олинган ҳолдаги меъёрий даражасини таъминлаш керак; иккинчидан, фоизли даромадларнинг ўсиш

суръати билан фоизли харажатларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, кредитлардан олинган фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғи билан кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғи ўртасидаги монандликни таъминлаш лозим.

2. Тижорат банклари соф фойдасининг активларнинг рискка тортилган суммасига нисбатан юқори ва барқарор даражасини таъминлаш учун, биринчидан, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган меъёрий даражасини (1,0 %) таъминлаш керак; иккинчидан, банкнинг ялпи даромади билан даромад келтирадиган активларнинг ўсиш суръатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш зарур; учинчидан, қимматли қоғозлардан олинган ялпи даромаднинг ўсиш суръати билан қимматли қоғозларга қилинган брутто инвестицияларнинг ўсиш суръати ўртасидаги монандликни таъминлаш лозим; тўртинчидан, риск даражаси паст бўлган кассали активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмоғини муддатсиз депозитлар ва бошқа муддатсиз мажбуриятларнинг брутто мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғига мос равишда бўлишини таъминлаш керак.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Казаренкова Н. П. Конкурентоспособность коммерческого банка на региональном рынке кредитных услуг населению: автореф. дисс ... канд. экон. наук; Орловский государственный технический университет. – Орел, 2006. – С. 11.

3. Величко С.С. Конкурентоспособность банка: теоретический анализ//Финансовый журнал. – Москва, 2013. – С. 135-144.

4. Тавасиев А. М, Ребельский Н. М. Конкуренция в банковском секторе России: учеб. пособие. – М., 2001. – С. 52.

5. Эзрох, Ю. С. Современная теория банковской конкуренции и конгруэнтности банковской среды//Финансы и кредит. – Москва, 2015. – № 6 (630). – С. 27–39.

6. Коликова Е.М. Определение конкурентоспособности банков на мировом рынке: сущность, генезис, факторы//Вестник Ростовского

государственного экономического университета. – Ростов, 2020. – № 3 (71). – С. 158-168.

7. Berger A. N., El Ghouli, S. Guedhami, O. and Roman R. A. (2017). Internationalization and Bank Risk. *Management Science*, 63(7), pp. 2283–2301.

8. Тижорат банкларининг муаммоли кредитлари. 2022 йил 1 январь ҳолатига маълумот//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

9. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 73 б.

10. Абдурахмонов О.К., Мирсоатов А.К. Обеспечение финансовой устойчивости банковской системы Узбекистана//*Norwegian Journal of development of the International Science*, 2019. – № 34. – С. 34-37.

11. Миллий валютадаги депозитларнинг фоиз ставкалари; Миллий валютадаги кредитларнинг фоиз ставкалари; Чет эл валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкалари//www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

12. Тижорат банклари жамланма баланси// www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

BANK TIZIMI MOLIYAVIY BARQARORLIGINI TA’MINLASHDA ILG’OR XORIJ TAJRIBASIDAN O‘ZBEKISTON AMALIYOTIDA FOYDALANISH IMKONIYATLARI



Xolmamatov Farhodjon Kubaevich

iqtisodiyot fanlari bo‘yicha falsafa doktori,

“Bank ishi” kafedrasi kafedrasi professori

Toshkent moliya instituti

E-mail: fkholmamatov@gmail.com

ORCID: 0000-0003-4186-0691

Annotatsiya

Maqolada bank tizimi barqarorligini aniqlash va baholashda qo‘llaniladigan xalqaro modellar va ularni hisoblash, moliyaviy barqarorlikka salbiy ta’sir etuvchi risklarni kamaytirish tizimini takomillashtirish bo‘yicha xorij amaliyoti o‘rganilgan.

Shuningdek, bank tizimi moliyaviy barqarorligini ifodalovchi Z-baho va kutilayotgan tizimli defitsit (Systemic Expected Shortfall-SES) usullari rivojlangan va rivojlanayotgan davlatlar misolida tahlil qilingan.

Kalit so‘zlar: bank tizimi barqarorligi, kredit risklari, bank kapitali, tizimli risklar, bozor kapitalizatsiyasi, tizimli defitsit, standart chetlanish.

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЗОВАНИЯ ПЕРЕДОВОГО ЗАРУБЕЖНОГО ОПЫТА В ПРАКТИКЕ УЗБЕКИСТАНА ПО ОБЕСПЕЧЕНИЮ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ БАНКОВСКОЙ СИСТЕМЫ

Холмаматов Фарходжон Кубаевич

доктор философии по экономике,

Профессор кафедры «Банковское дело».

Ташкентский финансовый институт

E-mail: fkholmamatov@gmail.com

ORCID: 0000-0003-4186-0691

Аннотация

В статье рассматриваются международные модели, используемые при определении и оценке устойчивости банковской системы и их расчета, а

также зарубежная практика совершенствования системы снижения рисков, негативно влияющих на финансовую стабильность.

Также на примере развитых и развивающихся стран были проанализированы методы Z-score и Systemic Expected Shortfall (SES), которые отражают финансовую стабильность банковской системы.

Ключевые слова: стабильность банковской системы, кредитные риски, капитал банка, системные риски, рыночная капитализация, системный дефицит, стандартное отклонение.

POSSIBILITIES OF USING ADVANCED FOREIGN EXPERIENCE IN THE PRACTICE OF UZBEKISTAN IN ENSURING THE FINANCIAL STABILITY OF THE BANKING SYSTEM

Kholmamotov Farkhodjon Kubayevich

*Doctor of Philosophy in Economics,
Professor of the Department of "Banking".*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: fkholmamotov@gmail.com

ORCID: 0000-0003-4186-0691

Abstract

The article examines the international models used in determining and evaluating the stability of the banking system and their calculation, as well as the foreign practice of improving the system of reducing risks that negatively affect financial stability.

Also, the methods of Z-score and Systemic Expected Shortfall (SES), which represent the financial stability of the banking system, were analyzed in the case of developed and developing countries.

Key words: banking system stability, credit risks, bank capital, systemic risks, market capitalization, systemic deficit, standard deviation.

Kirish

«Harakatlar strategiyasidan — Taraqqiyot strategiyasi sari» tamoyiliga asosan ishlab chiqilgan quyidagi ettita ustuvor yoʻnalishdan iborat 2022-2026 yillarga moʻljallangan Yangi Oʻzbekistonning taraqqiyot strategiyasida banklar barqarorligini taʼminlashga alohida urgʻu berib oʻtilgan. Xususan, Xalqaro valyuta

jamgʻarmasi koʻmagida iqtisodiyotda vujudga kelishi mumkin boʻlgan xatarlarni aniqlash, ularning bank tizimi barqarorligiga taʼsirini baholashga qaratilgan stress-test modellarini ishlab chiqish va yuzaga kelishi mumkin boʻlgan moliyaviy yoʻqotishlarga banklarning bardoshlilikini taʼminlash maqsadida makroprudensial buferlar yaratish choralarini koʻrib borish vazifalari qoʻyilgan.[1]

Barqaror moliyaviy tizim resurslarni samarali taqsimlashga, moliyaviy risklarni baholash va boshqarishga, bandlik darajasini iqtisodiyotning tabiiy darajasida ushlab turishga hamda pul barqarorligi va bandlik darajasiga taʼsir etuvchi real va moliyaviy aktivlar narxlarining tebranishini bartaraf etish qobiliyatiga ega. Moliyaviy tizim barqarorlik sharoitida tashqi taʼsir yoki koʻzda tutilmagan holatlar tufayli kelib chiqadigan moliyaviy tebranishlarga bardosh bera oladi. Barqarorlikda boshqa moliyaviy tizimlarga yoki real iqtisodiyotga salbiy taʼsir oʻtkazmaslik uchun moliyaviy tizim oʻz-oʻzini toʻgʻrilovchi (tiklovchi) mexanizmlar orqali tebranishlarga qarshilik koʻrsatadi. Moliyaviy barqarorlik iqtisodiy oʻsishning asosiy oʻzagi hisoblanadi, chunki real iqtisodiyotda ham transaksiyalarning koʻp qismi aynan moliyaviy tizimda amalga oshiriladi.

Adabiyotlar sharhi

Moliyaviy barqarorlikka turli xil taʼriflar berilgan. Koʻpchilik taʼriflarni birlashtiruvchi jihat moliyaviy barqarorlik sharoitida moliyaviy sektorning butun tizimga taʼsir koʻrsatuvchi inqiroz davrlari boʻlmasligidir hamda moliyaviy tizimlarning ogʻir vaziyatlarga bardosh bera olishidir.

AQShning Kolumbiya universiteti professori F.Mishkinning xulosasiga koʻra, “tijorat banklarining barqarorligini taʼminlashda moliyaviy innovatsiyalarga asosiy eʼtiborni qaratish lozim. Foiz stavkalarining sezilarli darajada tebranishi yangi moliyaviy mahsulotlarga boʻlgan talabning oʻzgarishiga bevosita va kuchli taʼsir qiluvchi muhim iqtisodiy omil hisoblanadi”.[2] Fikrimizcha, bugungi kunda moliyaviy barqarorlikning muhim manbai innovatsion bank xizmatlari va mahsulotlarining keng tarmogʻi va sifati hisoblanadi.

AQShlik taniqli iqtisodchi olim Edvin Dj. Dolan “tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini taʼminlashda asosiy eʼtibor yuqori likvidli aktivlar bilan yuqori daromadli aktivlar oʻrtasidagi nisbatning oqilona darajasini taʼminlash lozim”, deb hisoblaydi. [3]

Xalqaro tiklanish va taraqqiyot banki ekspertlarining tavsiyasiga koʻra, “tijorat banklari yalpi daromadlarining umumiy hajmida foizli daromadlarning salmogʻi kamida 70 foiz boʻlishi kerak”.[4]

F.Mishkinning fikriga koʻra, “moliyaviy barqarorlik – bu moliya tizimi,

xususan, moliya bozorlari va moliyaviy institutlar tizimining beqaror iqtisodiy sharoitda asosiy funksiyalarini bajara olish qobiliyatidir”.[5] Mazkur qarashda davlat tomonidan nafaqat, moliya sektori, balki, bank tizimini davlat tomonidan tartibga solish hamda rag‘batlantirish bilan bog‘liq siyosatini ham e‘tibor olish zarurligi inobatga olinmagan.

Professor O.Lavrushinning fikriga ko‘ra, “tijorat banklarining moliyaviy barqarorligini baholashda asosiy e‘tibor guruhlash va tarkibiy tahlilga qaratilishi lozim, shundagina har bir guruh operatsiyalardan olingan foydaning darajasi va barqarorligiga real baho berish mumkin”.[6] Albatta, moliyaviy barqarorlikni baholashda ta‘sir qiluvchi omillarni guruhlash orqali ularning tarkibiy tuzilmaga bog‘liqligini aniqlab olish, umumiy holda faoliyatning tizimlashtirilgan holatini ochib berish hamda ular to‘g‘risida tasavvur hosil qilinishga xizmat qiladi.

Shalpanov P.A. tijorat banklari moliyaviy barqarorligiga “... ichki va tashqi omillarga qarshi turgan holda bank resurslarini transformatsiya qilib hamda risklarni samarali boshqarishda o‘z funksiyalarini amalga oshirishi” ta’kidlangan.[7] Ushbu qarash va mulohazalarda banklarning moliyaviy barqarorligidan ko‘ra, umumiy holda barqarorligi ustuvor masala sifatida qaralgan.

Sh.Abdullaeva “tijorat banklari faoliyatidagi kredit riskini boshqarishni takomillashtirish yo‘li bilan kredit portfelining sifatini oshirish mumkin” deb hisoblaydi.[8] Olima tomonidan tijorat banklarining bevosita moliyaviy barqarorligiga kredit riskining ta‘siriga e‘tibor qaratilgan. Kredit portfelining sifatini yaxshilash orqali kredit riskining pasayishi va moliyaviy barqarorlikni oshirish mumkinligi muhim masala sifatida ochib berilgan.

A.Mahmudalieva “tijorat banklarining moliyaviy barqarorligi-bu bank aktivlari, majburiyatlari, kapitali va moliyaviy natijalari dinamikasining yo‘l qo‘yish mumkin bo‘lgan xatar sharoitida, likvidlikni saqlagan holda, foyda va kapitalni o‘stirish asosidagi bank rivojlanishini aks ettiruvchi ko‘rsatkichlar yig‘indisi”.[9] Ushbu qarashda tijorat banklarining deyarli barcha mablag‘lari yoki mablag‘lar manbalari holati va harakatining moliyaviy barqarorlikka ta‘siri o‘rganilgan.

Mahalliy tadqiqotchilardan R.Bozorov “tijorat banklari barqarorlik turlari istalgan tijorat banklari uchraydi va uni banklar o‘zaro bir-birini bog‘liq holda faoliyatida tahlil etib borish natijasida, barqarorlikning turlari ichida eng asosiy, barqarorlik bazasi bu moliyaviy barqarorlik ekanligi, moliyaviy barqarorlik tijorat banklari faoliyatini birlamchi va asosiy turi ekanligi” aniqlangan.[10] Izlanishlar natijasi sifatida tijorat banklari barqarorligi, moliyaviy barqarorligi, iqtisodiy barqarorligiga uzviy bog‘liq jihatlar atroflicha bayon qilinmagan.

Tahlil va natijalar

Moliyaviy barqarorlikning asl qadri uning yo‘qligi yoki zaiflik davrlarida bilinadi. Ushbu davrlarda, banklar daromad keltiruvchi loyihalarni moliyalashtirishni cheklashadi, aktivlarning narxi ularning asl narxidan(tannarx) keskin farq qiladi hamda to‘lovlar o‘z vaqtida etib kelmaydi yoki yuborilmaydi. Favqulodda beqarorlik inqiroz, giperinflyatsiya va qimmatli qog‘ozlar bozori(fond birjasi) ning qulashiga olib kelishi mumkin. Bu o‘z o‘rnida iqtisodiy va moliyaviy tizimlarga bo‘lgan ishonchga salbiy ta’sir ko‘rsatadi

Individual korxonalar darajasida barqarorlikni baholash keng tarqalgan usuli bu Z-baho usulidir. Bunda bankning beqarorlik riskini baholash uchun buferlar (kapitalizatsiya va qaytimlar) bilan risklar (qaytimlarning o‘zgaruvchanligi) aniq solishtiriladi. Z-baho ushbu ko‘rinishda ifodalanadi:

$$Z \equiv (k+\mu)/\sigma,$$


bu erda, k-xususiy kapitalning aktivlardagi ulushi

μ -qaytimning aktivlarga nisbati

σ -qaytimlarning standart chetlanishi (qaytimning o‘zgaruvchanligining ko‘rsatkichi sifatida).

Ushbu bahoning ommaboligi moliyaviy institutning beqarorligiga teskari proporsionalligidadir, ya’ni aktivlarning qiymati qarzlarning qiymatidan pastga tushishidir.

Z-baho barqarorlikni o‘lchashda bir nechta cheklovlarga ega. Eng muhim cheklov, bahoning faqat buxgalteriya (hisob-kitob) ma’lumotlariga asoslanganligidadir. Shuning uchun baho buxgalteriya va audit qanday tahlil etilganligiga bog‘liqdir. Agar moliyaviy institutlar o‘zlarining hisobotlaridagi ma’lumotlarini o‘zini ijobiy tarafdin ko‘rsatishga moslashtira olsalar, Z-baho moliya institutlari barqarorligi to‘g‘risida asossiz optimistik xulosa berishi mumkin. Shuningdek, Z-baho har bitta moliya institutlarini alohida baholaydi ya’ni bir moliyaviy institutdagi muammolar (bankrotlik, inqiroz) boshqa moliya institutiga ta’sir doirasini hisobga olmaydi. Z-bahoning ustunlik tarafi mukammal, bozorga asoslangan ma’lumotlar mavjud bo‘lmagan institutlarga ham nisbatan ishlatish imkoniyatidir. Shuningdek, Z-baho turli guruhlardagi moliya institutlarining barqarorligiga baho berishi mumkin, ya’ni mol-mulk egalik shakli yoki maqsadlari har xil bo‘lgan, lekin beqarorlik riski mavjud bo‘lgan institutlarga ham.



1-rasm. Rivojlangan davlatlarning Z-baho ko‘rsatkichlari², foizda

Bozor iqtisodiyoti rivojlangan G-7 mamlakatlarida Z-baho ko‘rsatkichlarini tahlil qiladigan bo‘lsak, AQSh ushbu ko‘rsatkich bo‘yicha mutloq etakchilik qilmoqda. Uning oxirgi o‘n yillikdagi holati 30-35 foizli diapozonda o‘zgarib turgan.

Bank tizimi barqarorligining ushbu ko‘rsatkichi bo‘yicha Fransiya bank tizimi 16-20 foizli diapozonda kichik o‘zgarishlar bilan tebranib turibdi.

Buyuk Britaniyada 2012 yilda 8,7 foizni tashil etgan bo‘lsa, 2021 yilga kelib 18,1 foizga qadar oshirishga erishilgan.


Yaponiyada mazkur ko‘rsatkich 16 foizdan 12 foizga qadar pasaygan. Mazkur holat Yaponiya bank tizimining barqarorligi pasayganligidan dalolat beradi.

Italiya, Germaniya va Kanada davlatlarida Z-baho ko‘rsatkichi 13-16 foiz atrofida barqaror tebranib turganligini ko‘rish mumkin.

Braziliya, Hindiston va JAR davlatlarida Z-baho ko‘rsatkichi 15-20 foizli ko‘rsatkichni qayd etganligini ko‘rish mumkin. 2019-2020 yillarda Braziliya va JARda keskin pasayishni qayd etgan. Buning asosiy sababi mamlakatda pul-kredit siyosatidagi kamchiliklar hisoblanadi.

² <https://databank.worldbank.org/metadataglossary/>

Rossiya Federatsiyasida esa tahlil qilingan davrda 5,4-6,9 foizni tashkil etib, mazkur guruhning eng past natijasini ko‘rsatgan. Bank tizimida qator muammolar borligini ifodaydi.



2-rasm. Rivojlanayotgan davlatlarning Z-baho ko‘rsatkichlari³, foizda

BRICS davlatlarida bank tizimi barqarorligini tahlil qiladigan bo‘lsak, Xitoydan tashqari barcha a‘zolarining ko‘rsatkichlari rivojlangan davlatlarnikidan deyarli ikki marta past.


Xitoy bank tizimi barqarorligini oxirgi o‘n yilda 5,2 foiz bandga oshirib, 25 foizni tashkil etgan. Xitoy bank tizimi jahonning eng yirik bank tizimi ekanligini inobatga olsak, mamlakatdan barqarorlikning barcha instrumentlari samarali ishlayotganligini ko‘rish mumkin.

Markaziy Osiyo mamlakatlarida bank tizimi barqarorlik ko‘rsatkichi keskin o‘zgarishlar qayd etganligini ko‘rish mumkin. Xususan, Tojikistonda 2015-2020 yillarda keskin oshish va pasayishni kuzatish mumkin.

Mintaqada eng yirik bank tizimiga ega bo‘lgan Qozog‘iston Respublikasida esa ushbu ko‘rsatkich eng past natijani qayd etgan, ya‘ni o‘rtacha 2,5 foiz. Mazkur holat bank tizimi tashqi resurslarga kuchli bog‘liq ekanligidan dalolat beradi.

O‘zbekiston va Qirg‘iziston Respublikalarida nisbatan barqaror va keskin o‘shish yoki pasayish qayd etilmagan.

³ <https://databank.worldbank.org/metadataglossary/>



3-rasm. Markaziy Osiyo mamlakatlarining Z-baho ko'rsatkichlari⁴, foizda

Bir necha tadqiqotlar tizim barqarorligini o'lchash maqsadida bir necha mavjud usullarni (Distance to default, Z-baho) korxonalarining nisbiy kattaligiga qarab o'rtachalash va tortish orqali metodlarni umumlashtirishga harakat qilishadi, Mazkur umumlashtirilgan metodlarning kamchiligi firmalarning o'zaro bog'liqligi va bitta sub'ektning moliyaviy barqarorligining qulashi boshqa hamkorlarga jiddiy ta'sir qilishi mumkinligi kabi omillarni hisobga olishmagan.

Defoltgacha birinchi (First-to-default) ehtimoli bu tizim barqarorligini baholashda bir necha korxonalar ichida bittasining bankrotligini kuzatish ehtimolligini butun tizim inqiroz ehtimolligini baholashda taklif qilingan metodlardan biri. Ushbu metod kredit defolt svop spreadidan risk neytral ehtimolliklardan foydalanadi. Bu ehtimollik Defoltgacha masofadan farqli o'laroq bitta korxonaning defolti boshqa korxonaga ta'sir doirasini tan oladi. Biroq, defolt ehtimolliklarini o'rganuvchi tadqiqotlar katta korxonalarining kichik korxonalarga nisbatan sezilarli ta'sir doirasiga ega ekanligini inobatga olishmaydi.

Tizim barqarorligini baholashning yana bir usuli bu kutilayotgan tizimli defitsit (Systemic Expected Shortfall-SES), bu uslub har bir korxonaning tizimli defoltga hissasini individual hisoblaydi. SES individual leveraj va risklarni hisobga olib, institutlar bankrotlikka yuz tutganda bank sektorining real iqtisodiyotga tashqi ta'sirini o'lchaydi. Ushbu uslub tizim barqarligi uchun eng muhim firmalarni, ya'ni qulashi katta ta'sir doirasiga ega institutlarni aniqlashda juda muhim o'rin tutadi. SES metodining bitta kamchiligi mazkur muhim insitutlarning qachon

⁴ <https://databank.worldbank.org/metadataglossary/>

bankrotlikka yuz tutishini aniq baholay olmaydi.

$$SRISK = k \cdot DEBT - (1 - k) \cdot EQUITY \cdot (1 - LRMES)$$

Bunda, k-kapital talabi;


LRMES-Uzoq muddatli kutilayotgan marjinal defitsit;

EQUITY-bankning joriy bozor kapitalizatsiyasi;

DEBT- bu qarzning balans qiymati.

DEBT aktivlarning balans qiymatidan kapitalning balans qiymatini chiqarib tashlagan holda hisoblanadi.

Keyingi tadqiqotlarda, retrospektiv SES modeli soddalashtirildi. Soddalashtirilgan o‘lchov bu SRISK (Systemic Risk-SRISK). SRISK inqiroz sodir bo‘lishi sharoitida kutilayotgan kapital defitsitini baholaydi. Sodda tizimli risk o‘lchovini topish uchun, birinchi navbatda Uzoq muddatli kutilayotgan marjinal defitsitni (Long-Run Marginal Expected Shortfal (LRMES)) aniqlash lozim. Bu orqali, korxonaning xususiy kapital qaytimi bilan kengroq bozor qaytimi orasidagi bog‘liqlik o‘lchanadi (assimetrik o‘zgaruvchanlik, korrelyatsiya va bog‘liqlik orqali o‘lchanadi). Inqiroz paytida 8 foizlik kapitalning aktivlarga nisbatiga erishish uchun qancha kapital kerak bo‘lishini aniqlash maqsadida, model yalpi bozor 6 oylik davrda 40 foizdan ko‘proq tushadigan bo‘lsa, bank xususiy kapitali qiymatini tushishini hisoblaydi.



4-rasm. Mamlakatlar bo‘yicha global tizimli risk summasi, 01.01.2023 yil holatiga, mlrd AQSh dollari⁵

SRISK foiz ko‘rsatkichi jami moliyaviy sektor kapital defitsitidagi firmaning ulushini hisoblaydi. Katta SRISK foiz ko‘rsatkichi bir vaqtning o‘zida eng ko‘p yutqizadigan va taxminiy inqirozga eng katta hissa qo‘shadigan korxonani aniqlab

⁵ <https://vlab.stern.nyu.edu/srisk>

beradi. SES ko‘rsatkichining mulohazalaridan biri shundaki, bank “tizimli tavakkalchilik” sababli moliyaviy sektor zaif bo‘lgan sharoitda kapital defitsitiga uchrash ehtimoli katta.

Global tizimli risklar summasida Xitoy yaqqol etakchilik qilmoqda. Mamlakat bank tizimida mavjud tizimli risklarning umumiy summasi 2005,0 mlrd AQSh dollarini tashkil etadi. Buning asosiy sababi Xitoy bank tizimi hozirgi kunda dunyodagi eng yirik bank tizimi hisoblanadi. 2017 yilda Xitoy bank tizimi Yevrohudud bank tizimidan oshib ketdi. 2023 yil holatiga dunyo bo‘yicha Top-10 ta eng yirik banklarning 5 tasi (Industrial and Commercial Bank of China, China Construction Bank Corporation, Agricultural Bank of China, Bank of China va Bank of Communications) Xitoyga tegishli banklardir.

Shuningdek, AQSh va Yaponiya bank tizimida tizimli risklar summasi 800 mlrd AQSh dollari atrofida bo‘lib, oldingi yillarga nisbatan biroz o‘sganligi xavotirli holatdir.

1-jadval.

Yevropada SRISK ko‘rsatkichi yuqori bo‘lgan banklar, 01.01.2023 yil holatiga⁶

Bank nomi	SRISK, %	SRISK, mln AQSh dollari	Marjinal SRISK	LRMES
BNP Paribas SA	9,59	107435,2	29327,46	39.38
Credit Agricole SA	9,33	104618,2	13714,98	38.86
Barclays PLC	7,82	87687,4	11992,77	43.14
Societe Generale SA	7,19	80601,0	9236,79	49.47
Banco Santander SA	5,96	66791,5	24690,48	42.12
Deutsche Bank AG	5,55	62195,1	9551,86	45.45
HSBC Holdings PLC	4,97	55750,7	43698,28	30.20
UBS Group AG	3,65	40957,4	34449,48	42.53
Lloyds Banking Group PLC	3,39	38015,4	11687,65	36.24
Natwest Group PLC	2,88	32334,8	9550,67	40.00

Yevropada SRISK ko‘rsatkichi bo‘yicha Fransiyaning BNP Paribas banki yetakchilik qilmoqda. Bankda SRISK ko‘rsatkichi asosan 2020 yilning ikkinchi choragidan boshlab keskin o‘shishni qayd etgan. 2023 yilda esa biroz pasayganligini ko‘rishimiz mumkin. Buning asosiy sababi boshqa yirik banklarning ulushi ortganligi va bank kapitali bo‘yicha o‘rtanilgan me‘yoriy talablarning qat‘iylashtirilishi hisoblanadi. Mazkur bankda SRISK ko‘rsatkichi 9,59 foiz yoki 107435 mln AQSh dollarini tashkil etmoqda. Shuningdek, marjinal risk darajasi 29327,46 va uzoq muddatli kutilayotgan marjinal defitsit (Long-Run Marginal

⁶ <https://vlab.stern.nyu.edu/srisk/RISK.WORLDFIN-MR.GMES>

Expected Shortfal (LRMES)) koeffitsienti 39,38 ni tashkil etmoqda. Fransiya bank tizimi kapitali yetishmovchiligida bankning ulushi 9,59 foizni tashkil etmoqda. Shuningdek, Fransiyaning yirik banklari Credit Agricole bankining ulushi 9,33 foiz, Societe Generale bankining ulushi 7,19 foizga teng.

Buyuk Britaniyada kapital taqchilligi ko‘rsatkichida Barclays bankning ulushi 7,82 foizni tashkil etgan. Bankning mamlakat bank tizimidagi o‘rnini inobatga olsak, ushbu bankda kapital yetarliligi bilan bog‘liq jiddiy muammolar mavjudligini anglatadi. Mamlakatning eng yirik banki HSBC Holdings bankining ulushi 4,97 foizni tashkil etmoqda. Lloyds Banking ulushi 3,39 foiz bo‘lib, nisbatan barqaror hisoblanadi. Fikrimizcha, bankda samarali emissiya siyosatini amalga oshirish orqali kapital yetishmovchiligini bartaraf etish imkoniyati mavjud.

Yevropada shuningdek, Ispaniyaning Banco Santander banki, Germanining Deutsche Banki, Shveysariyaning UBS banklari ham o‘rin olgan.

Quyidagi rasmda SRISK ko‘rsatkichi bo‘yicha Yevropaning eng yirik banki BNP Paribas bankining oxirgi 5 yillik ko‘rsatkichlari tahlil qilingan.

2-jadval.

Osiyoda SRISK ko‘rsatkichi yuqori bo‘lgan banklar, 01.01.2023 yil holatiga⁷

Bank nomi	SRISK, %	SRISK, mln AQSh dollari	Marjinal SRISK	LRMES
China Construction Bank Corp	9,05	296866,2	38369,96	29,30
Industrial & Commercial Bank of China Ltd	7,78	255108,3	22432,22	10,71
Agricultural Bank of China Ltd	7,53	247116,8	12692,96	8,18
Bank of China Ltd	6,33	207787,7	38295,05	26,58
Mitsubishi UFJ Financial Group Inc	4,11	134727,7	31803,1	31,42
Mizuho Financial Group Inc	3,45	113347,3	11691,42	28,82
Postal Savings Bank of China Co Ltd	3,43	112472,1	14159,55	24,12
Bank of Communications Co Ltd	3,29	107901,6	14950,86	31,27
Sumitomo Mitsui Financial Group Inc	3,25	106655,3	17964,75	29,14
Japan Post Bank Co Ltd	2,98	97884,3	5411,26	18,33

Osiyoda bank tizimi yirikligi va banklar faoliyatining keng qamrovli darajasi bo‘yicha asosan 2 ta davlat, ya’ni Xitoy va Yaponiya yetakchilik qilmoqda. SRISK ko‘rsatkichi bo‘yicha Xitoyning “katta to‘rtlik” banklaridan biri bo‘lgan China Construction Bank yetakchilik qilmoqda va uning ulushi 9,05 foizni yoki 296,9

⁷ <https://vlab.stern.nyu.edu/srisk/RISK.WORLDFIN-MR.GMES>

mlrd AQSh dollarini tashkil etgan. Marjinal SRISK ko‘rsatkichi 38,4 mlrd dollar va LRMES darajasi 29,30 ni tashkil etgan.

Keyingi o‘rinlarda ham Xitoy banklari bo‘lib, Top-10 banklarning 6 tasi Xitoy hissasiga to‘g‘ri kelmoqda.

Fikrimizcha, mazkur holat Xitoy bank tizimi barqarorligiga sezilarli darajada ta‘sir etmaydi, chunki risklarning oshib borish sharoitida bankning boshqa ko‘rsatkichlari ham mos ravishda o‘sib borganligini ko‘rish mumkin. Xususan, yirik banklari aktivlari 2022 yilda 2,6-4,6 foiz miqdorda o‘shirishga erishgan bo‘lsa, bank kapitali mos ravishda 0,7-1,0 foiz miqdorida oshgan. Shuningdek, aktivlar rentabelligi (ROA) 0,8-0,9 foiz, kapital rentabelligi esa (ROE) 9,7-11,40 foizni tashkil etgan.

Yaponiyaning eng yirik banki Mitsubishi UFJ Financial Groupda SRISK ko‘rsatkichi 4,11 foiz yoki 134,7 mlrd AQSh dollarini tashkil etgan bo‘lsa, LRMES darajasi 31,42 dan iborat⁸.

3-jadval.

Shimoliy Amerikada SRISK ko‘rsatkichi yuqori bo‘lgan banklar, 01.01.2023 yil holatiga⁹

Bank nomi	SRISK, %	SRISK, mln AQSh dollari	Marjinal SRISK	LRMES
Citigroup Inc	11,80	131877,1	27728,73	37,99
Bank of America Corp	8,97	100225,2	74516,72	36,98
Goldman Sachs Group Inc	5,47	61088,1	43328,93	43,93
Bank of Nova Scotia	4,27	47766,0	18765,80	36,81
Wells Fargo & Co	4,15	46425,7	48582,81	35,28
Toronto-Dominion Bank	3,99	44536,6	38992,13	38,19
Royal Bank of Canada	3,56	39825,9	40912,93	36,20
Bank of Montreal	3,16	35337,4	20134,48	35,93
Canadian Imperial Bank of Commerce/Canada	2,90	32376,9	10883,41	33,39
JPMorgan Chase & Co	2,78	31033,1	141171,45	35,78

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, Yaponiya bank tizimi uchun mazkur ko‘rsatkichlar salbiy ta‘sir qilishi mumkin. Chunki Yaponiyaning yirik banklari moliyaviy holati va ko‘rsatkichlari oldingi yillarga nisbatan sezilarli darajada pasaygan. 2022 yilda yirik banklari aktivlari 3,8 foiz(Sumitomo Mitsui Financial Group)dan 5,1 foiz(Mitsubishi UFJ Financial Group)gacha kamaygan bo‘lsa, bank kapitali mos ravishda 5,3 foizdan 11,9 foizga qadar pasaygan. Mazkur holat

⁸ <https://www.thebankerdatabase.com/index.cfm/search/ranking>

⁹ <https://vlab.stern.nyu.edu/srisk/RISK.WORLDFIN-MR.GMES>

Yaponiya bank tizimi uchun xavotirli signallarni namoyon qilmoqda.

Shimoliy Amerikada bank bozorining pasayishi uchun tizim kapitalining taxminiy yetishmasligi 1117,5 milliard AQSh dollaridan iborat. Ushbu yetishmovchilikning eng katta ulushi AQShning Citigroupga tegishli bo‘lib, jamiga nisbatan 11,80 foizni yoki 131,9 mlrd AQSh dollarini tashkil etadi. Mamlakatning eng yirik banki hisoblangan JPMorgan Chasening kapital yetishmasligidagi ulushi atigi 2,78 foizni tashkil etadi. Vaholanki bu bank mamlakatning eng yirik banki, jahonning 5-yirik banki hisoblanadi.

Kanada banklarining mazkur ro‘yxatda bo‘lishi va Top-10 ta bankning teng yarmi uning hissasiga to‘g‘ri kelishini hisobga olsak, bank tizimi kapital bazasi va kapital yetarliligi, bank risklarini boshqarish tizimida jiddiy kamchiliklar hamda yetishmovchiliklar mavjudligidan dalolat beradi.

Xulosa

Bank tizimi barqarorligini ta‘minlash bo‘yicha xorij amaliyotini o‘rganish jarayonida quyidagi quyidagi xulosalar shakllantirildi:

bank tizimi barqarorligini ta‘minlashda bank risklarini oldini olish, ularni kamaytirish bo‘yicha chora-tadbirlarni ishlab chiqish eng asosiy vazifalardan biri hisoblanadi;

bank tizimi barqarorligini ta‘minlashda avvalombor bank kapitaliga alohida e‘tibor berish zarur, kapital barqarorlikni aks ettiruvchi va uni ta‘minlovchi eng asosiy ko‘rsatkich hisoblanadi;

xalqaro amaliyotda bank tizimi barqarorligini baholashda Z-baho indeksidan unumli foydalaniladi, bu ko‘rsatkichning qanchalik yuqori bo‘lishi bank tizimining bankrotlikka uchramaslik ehtimolini oshiradi;

rivojlangan davlatlarda yuqoridagi ko‘rsatkichning o‘zgarish diapozoni barqaror bo‘lib, bank tizimining moliyaviy jihatdan holati yaxshi ekanligi bilan izohlanadi;

tizim barqarorligini baholashning yana bir usuli bu kutilayotgan tizimli defitsit (Systemic Expected Shortfall-SES) ko‘rsatkichi bo‘lib, bu uslub har bir bankning tizimli defoltga hissasini individual baholaydi.

Bank tizimi barqarorligini oshirish maqsadida quyidagi takliflarni keltirib o‘tish maqsadga muvofiq:

bank tizimida moliyaviy barqarorlikni ta‘minlash uchun xalqaro amaliyotda keng foydalaniladigan risklarni boshqarish tizimlarini chuqur tahlil qilgan holda bank amaliyotida qo‘llash;

bank tizimini tahlil qilishning matematik modellarini amaliyotga keng tadbiiq

etish orqali moliyaviy barqarorlikka ta’sir etuvchi omillarni aniqlash va ularni oldini olish bo‘yicha ekonometrik modellar ishlab chiqish va prognoz qilishni takomillashtirish;

bank nazorati bo‘yicha xalqaro normalarda aks etgan ko‘rsatkichlarni mamlakat bank tizimiga joriy etish orqali bank faoliyatini sog‘lomlashtirish va ularga qo‘yilgan me‘yorlarga qat’iy amal qilish;

bank tizimi barqarorligining asosiy va qo‘shimcha ko‘rsatkichlari o‘zgarishini tahlil qilib borish, sabablarini aniqlash, rentabellik ko‘rsatkichlarini oshirib borish.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022 yil 28 yanvardagi PF-60-son “2022-2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi Farmoni. – Foydalanish manbai: <https://lex.uz/docs/5841063>

2. Мишкин Ф.С. Экономическая теория денег, банковского дела и финансовых циклов. 7-е изд. Пер. с англ. – М.: ООО «И.Д.Вильямс», 2013. – С.295.

3. Edwin G Dolan. Journal of Comparative Economics, Volume 2, Issue 4, December 1978, Pages 407-408.

4. Макнотон Д. Банковские учреждения в развивающихся стран. Пер. с англ. – Вашингтон: ИЭР, 1994.

5. Frederic S. Mishkin (2016) “The Economics of Money, Banking, and Financial Markets”, page 216, 11th edition.

6. Лаврушин О.И. Банковское дело. – М.: КноРус, 2008. – С. 251.

7. Шальпанов П.А. Управление ликвидностью: механизм прогноза денежных потоков банка. // Банковское дело. -2014.-№9. -56-60 стр.

8. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларининг кредит портфелини диверсификациялаш. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. –Тошкент, 2000.-46 б.

9. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.

10. Бозоров Р.Ҳ. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг назарий ва методологик асослари. // “UzBridge” электрон журнали. – 2019. -№2. -82-90 стр.

11. <https://databank.worldbank.org/metadataglossary/>

12. <https://vlab.stern.nyu.edu/srisk>

КОРХОНАЛАРНИНГ ТАШҚИ САВДО ФАОЛИЯТИГА БАНК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ АМАЛИЁТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Ибодуллаева Маърифат Тўлқин қизи

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD) доцент*

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

m_ibodullayeva@mail.ru

ORCID: 0009-0000-6271-2589

Аннотация

Тижорат банкларининг миқозларнинг экспорт-импорт операцияларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштириш корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришнинг зарурий шартларидан бири ҳисобланади. Банкларнинг мазкур амалиётида кредит ва ҳисоб-китоб хизматлари муҳим ўрин тутди. Жумладан, тижорат банклари томонидан очиладиган ҳужжатлаштирилган аккредитивлар корхоналарнинг импорт операциялари бўйича тўловларни кафолатлаш имконини беради.

Мақолада республика тижорат банкларининг корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятига хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, корхона, ташқи савдо, ҳужжатлаштирилган аккредитив, форвард, хорижий валюта, валюта курси, валюта интервенцияси, кредит, кафолат, фоиз ставкаси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ПРАКТИКИ ПРЕДОСТАВЛЕНИЯ БАНКОВСКИХ УСЛУГ ДЛЯ ВНЕШНЕТОРГОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ

Ибодуллаева Маърифат Тулқин қизи

*Ташкентский Государственный
Университет Экономики доцент, PhD*

E-mail: m_ibodullayeva@mail.ru

ORCID: 0009-0000-6271-2589

Аннотация

Совершенствование практики коммерческих банков по финансированию экспортно-импортных операций является одним из обязательных условий развития внешнеторговой деятельности предприятий. В данной практике банков важное место занимает кредитные и расчетные услуги. В частности, документарные аккредитивы, открываемые банками, позволяет гарантировать платежи по импортным операциям предприятий.

В статье разработаны научные предложения, направленные на совершенствование практики коммерческих банков по обслуживанию внешнеторговой деятельности предприятий.

Ключевые слова: коммерческий банк, предприятие, внешняя торговля, документарный аккредитив, форвард, иностранная валюта, валютный курс, валютная интервенция, кредит, гарантия, процентная ставка.

IMPROVING THE PRACTICE OF PROVIDING BANKING SERVICES FOR FOREIGN TRADE ACTIVITIES OF ENTERPRISES

Ibodullaeva Marifat Tulkin kizi

*Doctor of Philosophy (PhD) in Economics,
Associate Professor of the Department
Tashkent State University of Economics
E-mail: m_ibodullayeva@mail.ru
ORCID: 0009-0000-6271-2589*

Abstract

Improving the practice of commercial banks in financing export-import transactions of clients is one of the prerequisites for the development of foreign trade activities of enterprises. In this practice of banks, an important place is occupied by credit and settlement services. In particular, documentary letters of credit opened by banks make it possible to guarantee payments for import operations of enterprises.

The article developed scientific proposals aimed at improving the practice of commercial banks in servicing the foreign trade activities of enterprises.

Keywords: commercial bank, enterprises, foreign trade, documentary letter of credit, forward, foreign currency, exchange rate, foreign exchange intervention, credit, guarantee, interest rate.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясида мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга солган ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш, ташқи бозорлар ва халқаро талабларга жавоб берадиган стандартларни жорий этиш ва машхур брендларни жалб этиш, хусусий секторнинг экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш, автотранспорт воситалари экспортини 3 бараварга ошириш ва 1 млрд АҚШ долларига етказиш, туризм, транспорт, ахборот-коммуникация, жумладан дастурий таминолар ва бошқа хизматлар экспортини 1,7 бараварга ошириш ёки 4,3 млрд АҚШ долларига етказиш, экспортчи корхоналар сонини ҳозирги 6500 тадан 15000 тага етказиш мамлакатнинг экспорт салоҳиятини оширишнинг устувор йўналишлари сифатида эътироф этилган [1].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги ПФ-5177-сонли “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонида юридик ва жисмоний шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг хоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини рубёбга чиқариш тўлиқ таъминлаш, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда бозор механизмларини қўллаш, давлат қимматли қоғозлари бозорини ривожлантириш вазифалари қўйилган [2].

Мазкур ҳолатлар тижорат банкларининг корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятига хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Ж. Синкининг фикрига кўра, агар банк маълум сабабларга кўра балансни ичида хеджирлашни амалга ошира олмаса, унда хеджирлаш мақсадида балансдан ташқари усуллардан, яъни валютадаги ҳосилавий инструментлардан – фьючерс, форвард, опциондан фойдаланиши мумкин [3].

Ж.Синкининг хулосасидан кўринадикки, хорижий валютадаги ҳосилавий воситалар тижорат банклари фаолиятидаги валюта рискинни бошқаришда муҳим роль ўйнайди. Аммо Ўзбекистон тижорат банклари амалиётида валютавий ҳосилавий инструментлар бўлган валюта опционлари ва валюта фьючерсларининг мавжуд эмаслиги уларнинг валюта рискинни бошқариш имкониятини чеклайди.

А.Бурениннинг хулосасига кўра, форвард валюта курсига форвард

шартномаси объекти бўлган хорижий валюта эмитенти бўлган мамлакатдаги инфляция билан миллий иқтисодиётдаги инфляция ўртасидаги фарк сезиларли даражада таъсир кўрсатади [4].

Ҳақиқатдан ҳам, республикамизда инфляция даражасининг тараққий этган мамлакатлардаги инфляция даражасидан юқори эканлиги миллий валютанинг етакчи хорижий валюталарга нисбатан форвард курсига сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

Бир гуруҳ хорижлик иқтисодчи олимларнинг фикрига кўра, валюта курсларининг барқарорлигини таъминлаш валюта муносабатларини тартибга солишнинг асосий масаласи ҳисобланади [5].

М. Эскиндаров ва Е.Звонованинг хулосасига кўра, тижорат банкларининг спот операцияларини ривожлантиришда очиқ валюта позицияларининг миқдори ва маржанинг минимал миқдори муҳим ўрин тутди [6].

Ҳ. Мендонса ва Б. Тибертолар амалга оширган тадқиқотларнинг натижалари кўрсатдики, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи шarti бўлиб, Марказий банкка бўлган ишонч ҳисобланади, чунки, ушбу ишонч мавжуд бўлгандагина миллий валютанинг алмашув курсининг пасайишини инфляцияга таъсирини нейтраллаштириш мумкин [7].

Ҳақиқатдан ҳам, юридик ва жисмоний шахслар томонидан Марказий банкка нисбатан ишончнинг мавжудлиги инфляцион ва девальвацион кутилмаларнинг ижобий бўлишига олиб келади. Бу эса, ўз навбатида, миллий валютанинг номинал алмашув курсига нисбатан юзага келадиган инфляцион босимнинг олдини олиш имконини беради. Инфляция даражаси таъсирида миллий валютанинг девальвация суръатининг юқори бўлиши юридик шахсларнинг импорт тўлови билан боғлиқ бўлган харажатлари миқдорининг ошишига, жисмоний шахсларнинг даромадлари ва жамғармаларининг реал қийматини пасайишига олиб келади. Бунинг натижасида салбий инфляцион ва девальвацион кутилма юзага келади.

Н. Щеголева ва В. Хабаров валютавий свопларнинг қуйидаги хусусиятларини аниқлаган:

- уларнинг асосида ҳар доим жалб қилинган ресурслар ётади;
- улар форвард операциялари элементларини ўз ичига олади, шунинг учун уларга форвард операциялари мақсадлари хос, айнан, валюта курсларининг тебранишидан (валюта рискларидан) ҳимояланиш мақсадида активларни жойлаштириш ва суғурталаш [8].

Ҳақиқатдан ҳам, своп битимлари спот ва форвард битимларининг уйғунлашувига асосланган бўлиб, уларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсадлардан бири бўлиб, валюта захираларини валюта рискларидан ҳимоя қилиш ҳисобланади. Форвард операциялари эса, экспортчи корхоналар томонидан экспорт тушумини валюта рискларидан ҳимоя қилиш мақсадида амалга оширилади.

Н. Жумаевнинг фикрига кўра, республикамизда сўмдаги депозитлар ва кредитларнинг бозор ставкаларининг беқарорлиги сақланиб қолмоқда. Бу эса, форвард курсларининг барқарорлигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтиради. Депозитлар ва кредитларнинг фоиз ставкалари устама ва дисконтнинг даражасини белгиловчи омил ҳисобланади. Устама ва дисконт эса, форвард курсини спот курсидан фарқлантирувчи ягона омил ҳисобланади [9].

Ҳақиқатдан ҳам, форвард операцияларида дисконт ва устамани аниқлайдиган ягона омил бўлиб, битим валютасидаги кредитларнинг фоиз ставкаси билан баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкаси ўртасидаги фарқ ҳисобланади.

Т. Бобакулов ва У. Абдуллаевнинг хулосасига кўра, банк амалиётида мутлақо амалга оширилмаган ёки муддатида амалга оширилмаган форвард операцияларининг мавжудлиги табиий ҳолат ҳисобланади. Чунки форвард шартномасида иштирок этувчи томонлардан бири шартнома муддати тугаган пайтда тўловга ноқобил бўлиб қолиши мумкин [10].

Таҳлил ва натижалар

Республикамизда валютавий конверсион операциялар Республика валюта биржасида (РВБ) ва биржадан ташқари валюта бозорида амалга оширилади. Миллий валютанинг номинал алмашув курси РВБда, АҚШ долларига бўлган талаб ва таклиф асосида шаклланади. Бунда буюртмали савдо тизими амал қилади ва ҳозирча фақат АҚШ доллари билан евро валюта савдоси объектлари бўлиб турибди.

Ўзбекистон Республикасида 2017 йилнинг 5 сентябридан бошлаб миллий валютани хорижий валюталарга конвертирлаш муаммосининг ҳал бўлганлиги ва миллий валютани хорижий валюталарга нисбатан курсини шакллантиришда фақат бозор механизмидан фойдаланиш талабининг кўйилганлиги тижорат банклари ва уларнинг мижозларининг валюта операцияларини ривожлантиришга кучли туртки берди.

Шунингдек, жисмоний шахсларга хорижий валюталарни тижорат

банкларининг валюта айирбошлаш шохобчалари орқали эркин сотиб олиш ва сотиш имконининг берилганлиги валюта операциялари ҳажмини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.

1-жадвал.

**2018-2022 йилларда юридик шахсларнинг Ўзбекистон
Республикасининг валюта биржаси ва биржадан ташқари валюта
бозоридан чет эл валютаси хариди, млн АҚШ доллари***

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2021 йилда 2018 йилга нисбатан ўзгариши
Юридик шахсларнинг валюта биржасидан хариди	9 533	10 521	11 706	11 188	17,4 %
Юридик шахсларнинг биржадан ташқари бозордан хариди	845	3 203	3 655	20 290	24,0 марта

*Ички валюта бозоридан амалга оширилган операциялар. www.cbu.uz (Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки).

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, республикада юридик шахсларнинг валюта биржасидан чет эл валютасининг хариди миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Аммо ушбу кўрсаткич 2021 йилда 2020 йилга нисбатан кескин камайган. Бу эса, мазкур даврда биржадан ташқари валюта бозоридан юридик шахслар томонидан чет эл валютасини сотиб олиш жараёнини фаоллашганлиги билан изоҳланади.

1-жадвал маълумотларидан кўринадикки, юридик шахсларнинг биржадан ташқари валюта бозоридан чет эл валютасини харид қилиш миқдори 2018-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, биржадан ташқари валюта бозорини ривожланиб бораётганлигидан далolat беради.

2-жадвал.

**Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкининг валюта
операцияларидан олган даромадларининг миқдори ва даражаси***

Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Валюта операцияларидан олинган даромадлар, млрд. сўм.	19,7	130,3	228,8	291,5	2780,4
Валюта операцияларидан олинган даромадларнинг фоизсиз даромадлар ҳажмидаги салмоғи, %	2,3	8,1	13,6	11,1	54,4

Молиявий натижалар тўғрисида ҳисобот. www.nbu.uz (Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки).


Мазкур жадвал маълумотларидан кўринадик, 2018-2022 йилларда ТИФ Миллий банкининг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, Миллий банкнинг валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадик, Миллий банкнинг фойсиз даромадлари ҳажмида валюта операцияларидан олинган даромадларнинг салмоғи 2018-2020 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, мазкур кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан юқори суръатда ўсган.

Тижорат банкларининг валюта операцияларидан олган даромадлари миқдорининг динамикаси ва даражаси валюта операцияларининг самарадорлигини баҳолаш учун етарли эмас. Бунинг учун банкларнинг валюта операцияларидан кўрган зарарлари миқдорининг банкнинг фойсиз харажатлари ҳажмидаги салмоғининг ўзгаришини ҳам таҳлил қилиш зарур бўлади.

1-диаграмма.

ТИФ Миллий банкида валюта операцияларидан кўрилган зарарнинг фойсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи, %да



Диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2018-2020 йилларда ТИФ Миллий банкида валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фойсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан юқори даражада ўсган.

2018-2022 йилларда ТИФ Миллий банки валюта операцияларининг умумий ҳажмида мутлақ асосий ўринни спот операциялари эгаллаган. Бу эса,

унинг форвард ва своп операцияларини ривожланмаганлигидан далолат беради.


Шунингдек ТИФ Миллий банкида 2017, 2019 ва 2021 йилларда форвард ва своп операциялари мавжуд бўлмаган. Бу эса, ушбу банкнинг валюта операцияларини ривожлантириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Форвард ва своп операцияларининг мавжуд эмаслиги ТИФ Миллий банкка очиқ валюта позициялари ҳолатини яхшилаш имконини бермайди ва унинг валютавий ликвидлилигига нисбатан кучли салбий таъсирни юзага келтиради.

Тижорат банкларининг корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятига хизмат кўрсатиш амалиётида кредитлаш хизмати муҳим ўрин тутди.

2-диаграмма.

АЖ “Асакабанк” кредитларининг умумий ҳажмида хорижий валюталарда берилган кредитларнинг салмоғи, %да*



* АЖ “Асакабанк”нинг баланс ҳисоботи маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда Асакабанк кредитларининг умумий ҳажмида хорижий валюталарда берилган кредитларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлган. Бироқ ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Тижорат банкларининг корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятига хизмат кўрсатиш амалиётида ҳисоб-китоб хизмати ҳам муҳим ўрин тутди. Бунда хужжатлаштирилган аккредитивлар орқали амалга ошириладиган тўловлар муҳимдир.

Республикамиз тижорат банклари томонидан корхоналарнинг импорт

тўловлари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларнинг умумий ҳажмида қопланган аккредитивлар нисбатан юқори салмоқни (80 фоиздан ортиқ) эгаллайди. Ушбу аккредитивларнинг асосий камчилиги шундаки, унда корхонага тегишли бўлган валюта маблағларининг бир қисми унинг хўжалик айланмасидан чиқиб қолади.

Хулоса

Ўзбекистон Республикасида юридик шахсларнинг чет эл валютасини эркин сотиб олиш ва сотиш ҳамда ўз маблағларини ўзининг ҳоҳишига кўра эркин тасарруф этиш ҳуқуқларини тўлиқ таъминланганлиги, миллий валютанинг чет эл валютасига нисбатан курсини белгилашда бозор механизмларини қўллашни жорий этилганлиги корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Республикада юридик шахсларнинг валюта биржасидан чет эл валюталарини харид қилиш миқдори 2018-2020 йилларда, биржадан ташқари бозордан чет эл валюталарини харид қилиш миқдори эса, 2018-2022 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган.

ТИФ Миллий банкининг 2018-2022 йилларда валюта операцияларидан олган даромадлари миқдори, 2018-2020 йилларда фоизсиз даромадлар ҳажмида валюта операцияларидан олинган даромадларнинг салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган.

ТИФ Миллий банкида 2018-2020 йилларда валюта операцияларидан кўрилган зарарларнинг фоизсиз харажатлар ҳажмидаги салмоғи ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан юқори даражада ўсган.

ТИФ Миллий банки 2018-2022 йилларда валюта операцияларининг умумий ҳажмида мутлақ асосий ўринни спот операциялари эгаллаганлиги унинг форвард ва своп операцияларини ривожланмаганлигидан далолат беради.

Асакабанк кредитларининг 2018-2022 йилларда умумий ҳажмида хорижий валюталарда берилган кредитларнинг салмоғи нисбатан юқори бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Фикримизча, республикада тижорат банкларининг корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятига хизмат кўрсатиш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банкларининг форвард валюта операцияларини

ривожлантириш учун, биринчидан, миллий валюта номинал алмашув курсининг тебраниш йўлакчасини торайтириш керак; иккинчидан, баҳоловчи валютадаги депозитларнинг фоиз ставкалари барқарорлигини таъминлаш лозим; учинчидан, миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида миллий валютада берилган кредитларнинг қадрсизланган қийматини компенсация қилиш мақсадида кредитларнинг сўндириш суммасини форвард шартномаси бўйича хорижий валютага сотишни йўлга қўйиш зарур; тўртинчидан, форвард операциялари бўйича баҳоловчи валюта битим валютасига нисбатан устама билан котировка қилинаётган шароитда даромад олиш усулини қўллаган ҳолда ушбу операцияларнинг даромадлилик даражасини ошириш керак.

Тижорат банкларининг форвард операцияларини ривожлантиришда баҳоловчи валютадаги, яъни сўмдаги депозитларнинг фоиз ставкаларини барқарорлигини таъминлаш муҳим ўрин тутди. Республикамизда эса, тижорат банклари депозитларининг фоиз ставкаларини беқарорлиги кузатилмоқда. Бу эса, банкларда депозит базанинг етарли эмаслиги, кредитларнинг фоиз ставкаларини юқори эканлиги, банкларнинг хорижий валютадаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкаларининг юқори эканлиги каби омиллар билан изоҳланади.

2. Корхоналарнинг ташқи савдо фаолиятини молиялаштириш мақсадида бериладиган кредитларнинг ҳажмини ошириш учун, биринчидан, доимий валюта тушумига эга бўлган корхоналарнинг импорт тўловлари бўйича очилган ҳужжатлаштирилган аккредитивларни кредит линияси очиш йўли билан кредитлаш кўламини кенгайтириш керак; иккинчидан, халқаро факторинг ва халқаро форфейтингни республикамиз корхоналарининг ташқи савдо фаолиятини кредитлаш амалиётига жорий қилиш лозим; учинчидан, тижорат банкларининг хорижий валюталардаги муддатоли депозитларини Марказий банкнинг мажбурий захира талабномаларидан озод қилиш йўли билан банкларнинг валютавий ликвидлилик даражасини ошириш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тижорат банкларининг хорижий валюталардаги депозитларига нисбатан ўрнатилган мажбурий захира ставкалари даражаси юқоридир (18%). Бунинг устига, мажбурий захира ажратмалари суммаси банкларнинг “Ностро” вакиллик ҳисобрақамларидан олиб қўйилиб, Марказий банкнинг балансида депонент қилинмоқда.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг хорижий валюталар бўйича мажбурий захира талабномасининг базавий ставкасини

LIBOR ning йиллик ставкасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш қолган захира ставкаларининг ҳам даражасини пасайтириш имконини беради. Бунинг натижасида, тижорат банкларининг хорижий валюталарда муддатли депозитлар жалб қилиш имконияти кенгайди ва ташқи савдони кредитлаш учун берилаётган кредитлар ҳажми ошади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли Фармони. Янги Ўзбекистоннинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегияси тўғрисида//www.lex.uz.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 сентябрдаги “Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чоратadbирлар тўғрисида”ги ПФ-5177-сонли Фармони//www.lex.uz.

3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.: Альпина Паблишер, 2017. – С. 807.

4. Буренин А.Н. Форварды, фьючерсы, опционы, экзотические и погодные производные. – М.: ООО «НТО», 2011. – С. 56-57.

5. Friedman M. and Friedman R. Free to Choose. - Penguin: Middlesex, 1980. – P. 60-61, 76-77.; Friedman M. Essays in Positive Economics. - Chicago: University of Chicago Press, 1953. – P. 177-178.; Volcker P. Fortunes: The World’s Money and the Threat to American Leadership. – New York Times, 1992. – 395 p.

6. Эскиндаров М.А., Звонова Е.А. Международные валютные отношения: учебник. – М.: КНОРУС, 2018. – С. 360.

7. Mendonca H., Tiberto B. P (2017). Effect of Credibility and Exchange Rate Pass-Through on Inflation: An Assessment for Developing Countries. International Review of Economics and Finance, 50. – P.196-244.

8. Шеголева Н.Г., Хабаров В.И. Виды операций своп и технология реализации//Финансы и кредит. – Москва, 2012. – №37. – С. 33-42.

9. Жумаев Н.Х. Ўзбекистонда валюта муносабатларини тартибга солиш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илм. дар. ол. уч. тақд. эт. дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – Б. 24.

10. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. Халқаро валюта-кредит муносабатлари: дарслик. – Тошкент: Sano-standart, 2014-Б. – 107-108.

ЎЗБЕКИСТОНДА БАНКЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ МЕТОДОЛОГИЯСИНИНГ МЕЪЁРИЙ-ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна

*иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
банк ҳисоби ва аудит кафедрасининг катта ўқитувчиси*

Тошкент молия институти

E-mail: shani_80@mail.ru

ORCID: 0000-0002-4892-9922

Аннотация

Мақолада банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш методологиясининг норматив-ҳуқуқий асослари ўрганилган. Шунингдек, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда тегишли меъёр чегаралари ўрганилиб, уларнинг ўзгариш динамикаси таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулосалар берилган.

Калит сўзлар: банкларнинг молиявий барқарорлиги, банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш методологияси, қонунчилик ҳужжатлари, капитал етарлилиги, банк фаолияти самарадорлиги кўрсаткичлари, ликвидлилик меъёрлари.

НОРМАТИВНО-ПРАВОВАЯ ОСНОВА МЕТОДОЛОГИИ ОЦЕНКИ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ БАНКОВ УЗБЕКИСТАНА

Шарипова Нилуфар Ҳикматуллаевна

*доктор философии (PhD) по экономическим наукам
старший преподаватель кафедры банковского учета и аудита*

Ташкентский финансовый институт

E-mail: shani_80@mail.ru

ORCID: 0000-0002-4892-9922

Аннотация

В статье исследуется нормативно-правовая база методологии оценки финансовой устойчивости банков. Сформулированы соответствующие выводы на основе анализа динамики изменения соответствующих границ нормативов основных показателей при оценке финансовой устойчивости коммерческих банков.

Ключевые слова: финансовая устойчивость банков, методика оценки финансовой устойчивости банков, законодательные акты, достаточность капитала, показатели эффективности банковской деятельности, нормативы ликвидности.

REGULATORY AND LEGAL FRAMEWORK FOR THE METHODOLOGY FOR ASSESSING THE FINANCIAL STABILITY OF BANKS IN UZBEKISTAN

Sharipova Nilufar Hikmatullayevna

Doctor of Philosophy (PhD) economic sciences

Senior teacher of the department Banking account and audit

Tashkent Institute of Finance

E-mail: shani_80@mail.ru

ORCID: 0000-0002-4892-9922

Abstract

The article examines the regulatory framework of the methodology for assessing the financial stability of banks. It also contains relevant conclusions based on the analysis of the dynamics of changes in the corresponding limits of the standards of the main indicators in assessing the financial stability of commercial banks.

Keywords: financial stability of banks, methodology for assessing the financial stability of banks, legislative acts, capital adequacy, banking performance indicators, liquidity standards.

Кириш.

Кўпгина иқтисодчилар, тадқиқотчилар ва ҳатто назорат қилувчи органлар вакиллари “молиявий барқарорлик” ва “молиявий барқарор банк” атамаларини қўллайдилар, Ўзбекистон қонунчилигида бу тушунчалар ва уларни баҳолашда ягона ёндашув мавжуд эмас. Шу муносабат билан турли хил иқтисодий субъектлар томонидан молиявий барқарорлик ва молиявий барқарор банкларни қўйилган талаблар нуктаи назардан баҳолашда кўплаб услублар мавжуд. Тадқиқот мавзусининг долзарблиги ўзгарувчан шароитларни таҳлил қилиш ва умумлаштиришни ҳисобга олган ҳолда, тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш усуллариининг мазмунини ва энг муҳим таркибий қисмларини аниқлаштириш зарурати билан белгиланади.

Банк тизимининг барқарорлиги масалалари маҳаллий иқтисодий илмий манбаларда бир неча бор кўриб чиқилган. Бироқ макроиқтисодий

шароитларнинг ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш методологиясини комплекс ўрганиш қисман амалга оширилган.

Кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш борасида муносабатларни тартибга солувчи норматив-қонунчилик ҳужжатларини шартли равишда уч гуруҳга бўлиш мумкин: кредит ташкилотининг молиявий барқарорлигини баҳолаш методикасини бевосита белгиловчи қонунчилик ҳужжатлари; банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга таъсир кўрсатувчи нормативлар ҳамда банкларнинг ўз фаолиятини амалга оширишига билвосита таъсир кўрсатувчи бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонунлар.

Адабиётлар шарҳи

Банкларнинг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш механизмларини ўзига хос хусусиятларига оид масалалар қатор иқтисодчи олимларимиз томонидан тадқиқ этилган бўлиб, банк тизими барқарорлигини баҳолашга салмоқли ҳисса қўшган. Жумладан, иқтисодчи олимлардан Лавен ва Майнони фикрича, иқтисодий ўсиш даврида молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш учун етарли резервлар яратадиган банклар иқтисодий таназулнинг салбий оқибатларини минималлаштириши ва кредит таклифини юқори даражада сақлаши мумкин [4]. К.Суровнева ўз изланишлари натижасида шундай хулосага келади: банкнинг молиявий ҳолати унинг қолган барча соҳаларидаги фаолиятига, шунингдек, молиявий барқарорлигига таъсир кўрсатади [5]. Банкнинг молиявий барқарорлиги унинг ликвидлиги билан узвий боғлиқдир

Л. Ю. Питерская ва А. В. Голубь тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва ишончилигини баҳолаш методлари ҳақида тўхталиб, бу йуналишдаги мавжуд масалаларини ўрганиб чиқишган. Уларнинг фикрича, тижорат банкларнинг барқарор фаолиятини баҳолаш банк миқозлари, акцидорлар, давлат, инвесторлар ва, биринчи навбатда, банклар учун муҳим аҳамият касб этади [6]. В. Пухов тижорат банкларнинг барқарорлиги таърифини методологик ёндашув асосида ўрганиб чиққан. Олим ўз тадқиқотида молиявий барқарорликни баҳолаш субъектига қараб тижорат банкларининг баҳолаш объекти ва мезонлари ўзгариб боришини тадқиқ қилган [7].

Мамлакат олимларимиздан Т. Бобоқулов, С. Норқобилов, Ҳ Дадабоева, Ў Жўраев, Н.Шарипова ва бошқалар ўз тадқиқотларида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигининг долзарб жиҳатларига тўхталиб


ўтишган. О.Б. Саттаров, банк тизими барқарорлиги – бу Марказий банк ва тижорат банклари фаолияти давомида ўз функцияларини тўлақонли бажара олишини таъминлаш имконини берадиган даражани сақлаган ҳолатда, ривожланишга қараб интилишдир, деб таъриф берган [8].

Таҳлил ва натижалар

Банк тизимининг замонавий ривожланиш босқичи миллий иқтисодиётларни жаҳон молиявий хўжалигига жадал кириб бориши билан боғлиқ иқтисодий ва молиявий жараёнларнинг муракаблашиб бориши билан таърифланади. Бундай шароитда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун бевосита методология бўлиб хизмат қилувчи норматив-ҳуқуқий асосларга ҳамда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашга таъсир кўрсатувчи нормативларни мустақилликдан кейинги йилларда ўзгариш динамикасини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ўзгариши шкаласини кўриб чиқамиз (1-чизма).

1-чизма.

Ўзбекистонда тижорат банклари молиявий барқарорлигини баҳолаш бўйича муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ўзгариши шкаласи*



*Муаллиф ишланмаси.

Чизма маълумотларидан кўриш мумкинки, 1997 йил 22 августдаги «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари» ҳамда «Тижорат банклари капитали адекватлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги 1998 йил 2 декабрдаги 560-сонли Низом банкларнинг капитал адекватлиги бўйича талабларни аниқлаштиришда, шунга мувофиқ банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда асос бўлувчи меъёрий ҳужжат бўлиб ҳисобланган. Аслида дастлабки иқтисодий меъёрлар 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонун талабларидан келиб чиқиб яратилган бўлиб, кейинчалик такомиллаштирилди.

Республикада барқарор банк тизимини яратиш мақсадида 1992 йил 2 августдаги Марказий банкнинг 10-сонли қоидаси тасдиқланди ва бу қоидага асосан тижорат банклари фаолиятини тартибга солиб туриш учун иқтисодий меъёрлар (нормативлар) белгиланди.

Кейинчалик банк тизимида, хусусан банкларни назорат қилиш борасида янги ҳуқуқий асослар яратилди. 1995 йил 21 декабрда “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида” ҳамда 1996 йил 25 апрелда “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида” ги қонунлар қабул қилинди.

Бундан ташқари, қонун ҳужжатлари асосида Марказий банк томонидан 1996 йилнинг июль ойидан бошлаб банк активлари сифатини таснифлаш тартиби ишлаб чиқилди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 1997 йилнинг август ойидан бошлаб банклар фаолиятини тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжат бўлган 1997 йил 22 августдаги «Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш қоидалари» (МБ 10-сонли йуриқнома) Базель қўмитаси томонидан ўрнатилган андоза ва талабларни инобатга олган ҳолда қайтадан мукамал тарзда ишлаб чиқилди. Мазкур янги қоидага асосан банк капиталига нисбатан қаттиқроқ бўлган талаблар ўрнатилди. Янгиланган ва такомиллашган қонунчилик асосларига биноан банклар фаолияти молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш мақсадида қуйидаги янги нормативлар жорий қилинган:

- янгидан ташкил этилаётган ва фаолият кўрсатаётган банкларнинг энг кам миқдоридаги низом фондини ўрнатиш;
- капиталнинг етарлилик коэффициенти;
- банк капитали билан унинг мажбуриятлари ўртасидаги нисбат кўрсаткичлари;
- банк баланси ликвидлилиги кўрсаткичи;
- бир қарз олувчига тўғри келадиган рискнинг энг катта ҳажми;

- барча «катта» кредитларга тўғри келадиган рискнинг энг юқори хажми;
- бир омонатчига тўғри келадиган рискнинг энг юқори миқдори;
- қимматбаҳо қоғозлар бўйича операцияларда ўз маблағларидан фойдаланиш кўрсаткичи;
- дахлдор шахслар билан банк амалиётини олиб бориш.

Тижорат банкларида капиталнинг етарлилиги, активларнинг сифати, фойдалилиги ва ликвидлилигига қараб уларнинг молиявий аҳволи баҳоланади, ночор банклар аниқланади. Ана шу кўрсаткичларнинг ҳар бири бўйича чекли қийматни аниқлаш банкларнинг молиявий барқарорлик ҳолатини баҳолашга ва унга кўра тегишли чора-тадбирларни амалга оширишга имкон берган.

Қуйида Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг минимал капиталига қўйилган талаблар бўйича маълумот келтирилган (1-жадвал).

1-жадвал.

Тижорат банклари учун ўрнатилган банк устав капиталининг энг кам миқдори*

Саналар	Тошкент шаҳрида жойлашган тижорат банклари учун	Вилоят ва қишлоқ туманларида жойлашган тижорат банклари учун	Чет эл капитали иштирокида очиладиган банклар учун	Хусусий банклар учун
01.01.1997 дан	650 000 ЭКЮ	330 000 ЭКЮ		
01.01.1998 дан	1 200 000 ЭКЮ	650 000 ЭКЮ		
01.01.1999 дан	2 млн. АҚШ доллари	1 млн. АҚШ доллари	5 млн. АҚШ доллари	0,3 млн. АҚШ доллари
01.01.2000 дан	2,5 млн. АҚШ доллари	1,25 млн. АҚШ доллари	5 млн. АҚШ доллари	0,3 млн. АҚШ доллари
Саналар	Хусусий банклар учун	Тижорат банклари учун		
01.07.2005 дан	1,5 млн. АҚШ доллари	3 млн. АҚШ доллари		
01.01.2006 дан	2 млн. АҚШ доллари	4 млн. АҚШ доллари		
01.01.2007 дан	2,5 млн. АҚШ доллари	5 млн. АҚШ доллари		
01.01.2010 дан	5 млн. евро эквивалентида	10 млн. евро эквивалентида		
01.01.2020 дан	100 млрд.сўм			
01.09.2023 дан	200 млрд.сўм			
01.04.2024 дан	350 млрд.сўм			
01.01.2025 дан	500 млрд.сўм			

Муаллиф ишланмаси.

Маълумотлардан кўринадики, мамлакатда банк тизими капиталлашувини ошириш, банкларнинг молиявий барқарорлигини кучайтириш мақсадида ҳамда инфляция таъсирини ҳисобга олган ҳолда босқичма-босқич равишда тижорат банкларининг минимал капиталига қўйиладиган талаблар ошириб бормоқда. Ҳозирги пайтда ушбу кўрсаткич 100 млрд сўмни ташкил қилса, 2023 йил 7 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунга киритилган ўзгартишларга асосан, пруденциал меъёрларни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, банкларнинг тўлов қобилияти, ликвидлиги ва рентабеллиги учун етарли маблағ билан таъминлаш мақсадида 2023 йил 1 сентябрдан бошлаб 2025 йил 1 январга қадар банкларнинг энг кам устав капиталини босқичма-босқич ошириш бўйича талаблар қуйидагича қилиб белгиланди:

- 100 млрд сўм — 2023 йил 1 сентябргача;
- 200 млрд сўм — 2023 йил 1 сентябрдан;
- 300 млрд сўм — 2024 йил 1 апрелдан;
- 500 млрд сўм — 2025 йил 1 январдан.

Мазкур меъёрнинг киритилиши банкларни капиталлаштириш даражаси ҳамда ресурс базасини ошириш, соҳага чет эл инвестицияларини жалб этиш учун қўшимча ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига қўшимча кредит бериш имкониятини яратади.

Юқорида тижорат банкларининг капитали етарлилиги, активларининг сифати, фойдалилиги ва ликвидлигига қараб, уларнинг молиявий аҳволи баҳоланиши таъкидланди. Тижорат банклари юқорида санаб ўтилган иқтисодий меъёрларнинг белгиланган миқдорига ҳар доим амал қилиб боришни таъминлашлари учун қуйидаги соҳаларда ишни самарали ташкил этишлари лозим:

- банк портфелини яхшилаш;
- банк операциялари билан боғлиқ рискларни камайтириш;
- банк баланси ликвидлигини таъминлаш;
- ўз капиталининг адекватлигини таъминлаш;
- зарарлар ўрнини коплаш захирасини вужудга келтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон Қарорига [2] кўра, мамлакатда 2017-2021 йилларда илғор банк амалиёти асосида банк-молия тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари комплексида қуйидаги

йўналишлар белгилаб берилди ва шу асосда ишлар олиб борилди:

- а) тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш;
- б) тижорат банкларининг ликвидлик даражасини сақлаб туриш;
- в) банк тизимини институционал ривожлантиришни давом эттириш, банк рискларини бошқариш ва баҳолаш тизимини такомиллаштириш.

1-жадвалда тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳолашга бевосита ҳамда билвосита таъсир кўрсатувчи асосий қонунчилик ҳужжатлар келтирилиб, ушбу норматив ҳужжатлар шартли равишда амал қилиш даврига кўра шкалада ажратиб берилди. Ушбу норматив ҳужжатларга кўра, банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича чора-тадбирлар доирасида турли меъёрлар бўйича ўзгартиришлар олиб борилган.

Ҳозирги пайтда амалда бўлган норматив-ҳуқуқий асосларга кўра, банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолашда қўлланиладиган асосий кўрсаткичлар меъёри 2-жадвалда келтирилди.

2-жадвал.

**Банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш учун
белгиланган асосий кўрсаткичлар меъёри***

Т/р	Иқтисодий норматив	Чегара кўрсаткичи
1.	Банк устав капиталининг минимал миқдори	100 млрд сўм
2.	<i>Регулятив капиталнинг монандлик коэффиценти K1</i> ($K1 = PK / TAUC$)	$\geq 13\%$
3.	<i>I даражали капиталнинг монандлик коэффиценти K2</i> ($K2 = I$ даражали капитал/ТАУС)	$\geq 10\%$
4.	<i>Капиталнинг консервация буфери</i>	Рискни ҳисобга олган ҳолда активларнинг 3,0 фоизи миқдоридаги қўшимча захира
5.	<i>I даражали асосий капиталнинг монандлик коэффиценти K3</i> ($K3=I$ даражали асосий капитал/ТАУС)	$\geq 8\%$
6.	<i>Лeverаж коэффиценти K4</i> ($K4 = I$ даражали капитал / (Умумий активлар + Балансдан ташқари воситалар+ Ҳосилавий (дереватив) воситалар – (номоддий активлар+ бирлашмаган хўжалик юритувчи субъектлар капиталига барча инвестициялар суммаси, шу жумладан бундай хўжалик юритувчи субъектлар капиталини ташкил қилувчи қарз мажбуриятлари+бошқа банкларнинг капиталига қилинган инвестициялар))	$\geq 6\%$
7.	<i>Лаҳзали ликвидлилик коэффиценти</i> (банк кассасидаги нақд пул ва бошқа тўлов ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуматининг ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари ҳамда банкнинг	$\geq 25\%$

	Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидаги ҳисобварақларидаги маблағлари суммасини талаб қилиб олингунча мажбуриятлар суммасига нисбати)	
8.	Кредитларнинг депозитлардаги улуши (банклар ажратилган кредитлар/ жалб қилинган депозитлар)	≤80%
9.	Ликвидликни қоплаш меъёри коэффиценти (ЛҚМК=юқори ликвидли активлар/кейинги 30 кун ичидаги жами соф чиким)	≥100%
10.	Соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (СБММК=барқарор молиялаштиришнинг мавжуд суммаси/барқарор молиялаштиришнинг зарур суммаси)	≥100%

* Амалдаги қонунчилик норматив ҳужжатлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

Тижорат банки молиявий барқарорлигини баҳолаш таъкидлаб келтирилганидек, мураккаб жараён бўлиб, турли методикаларга эга ҳамда кўплаб кўрсаткичларни ўз ичига олади. Юқоридаги кўрсаткичлардан ташқари банк активларининг бир қисми бўйича риск даражалари, контрагентларнинг рейтинг баҳолари асосида риск даражалари, юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ажратилган кредитларнинг риск даражалари, жисмоний шахсларга ажратилган (ипотека кредитларидан ташқари) кредитларнинг риск даражалари, аҳолига ажратилган ипотека кредитларининг риск даражалари, юридик шахс ва яқка тартибдаги тадбиркорларга ҳамда жисмоний шахсларга (ипотека кредитларидан ташқари) ажратилган кредитларнинг риск даражалари, банкларнинг рентабеллик коэффицентлари каби қатор кўрсаткичлар бўйича талаблар белгиланган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар динамикасини Марказий банкнинг даврий равишда молиявий барқарорлик шарҳларидан кузатиб бориш мумкин.

Таъкидлаш ўринлики, ушбу жадвалдаги банк капиталига нисбатан консервация буфери ҳамда соф барқарор молиялаштириш меъёри коэффиценти (Net Stable Funding Ratio, NSFR) кўрсаткичлари Базел III стандартларига асосан жорий қилинган бўлиб, қонунчиликдаги кўплаб ўзгаришлар банк тизими барқарорлик кўрсаткичларининг халқаро стандартларга мослашувини таъминлашга хизмат қилганини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон Фармонида мувофиқ [3], банк сектори молиявий барқарорлигини оширишнинг стратегик мақсадларига эришиш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган:

1) кредитлашнинг ўсиш суръатлари мўътадиллигини таъминлаш ва

кредит портфели сифатини яхшилаш;

2) банк сектори назоратини такомиллаштириш ва банкларда рискларни бошқаришнинг замонавий тизимини татбиқ этиш;

3) банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторидаги давлат улуши мавжуд корхоналарни ўзаро мувофиқ равишда ислоҳ қилишни таъминлаш, банклар томонидан давлат корхоналари ва ташкилотлари фаолиятини трансформация қилишда тижорат асосида фаол иштирок этиш, реал сектор ва молия секторидаги ўзгаришлар уйғун тарзда кечишини таъминлаш;

4) банкларнинг капиталига қўйиладиган минимал талабларни, шу жумладан Ўзбекистон Республикасининг халқаро иқтисодий ташкилотларга қўшилиши ва республика банк тизимининг халқаро молия тизимига интеграциялашувини ҳисобга олган ҳолда ошириш;

5) энг яхши халқаро тажриба асосида депозитларни ҳимоялаш тизимини изчиллик билан ривожлантириш.

Шу кўринишда мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида тижорат банкларининг молиявий барқарорлигини баҳоловчи методика ва моделларни тартибга солувчи қонунчиликда муҳим ўзгаришлар киритилди. Бироқ бу йўналишда такомиллаштирилишини кутаётган қатор масалалар бор. Булардан асосийси шуки, норматив ҳужжатларда аниқ қилиб белгилаб қўйилган тижорат банки молиявий барқарорлигини баҳоловчи чегарани белгилайдиган ягона методика ва баҳолаш моделининг шакллантирилмаганидир.

Турли даврларда тадқиқотчилар тижорат банки молиявий барқарорлигини белгиловчи турли ёндашувларни таклиф қилганлар. Ушбу тушунчанинг асосий белгилари сифатида банкнинг барча молиявий ва номолиявий кўрсаткичлар ўзгариши асосида шаклланган жорий молиявий ҳолати ҳамда унинг ноаниқ макроиқтисодий муҳитда белгиланган стратегия асосида фаолият кўрсата олиш қобилияти тушунилади.

Кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш методикаси иқтисодиётнинг турли субъектлари, яъни мониторинг учун регулятор томонидан, кредит ташкилотининг мижозлари томонидан, шунингдек, банклараро кредитларни беришда контрагент-банклар томонидан, рейтинг агентликлари томонидан, тадқиқотчилар томонидан турли мақсадларда ишлаб чиқилади ва фойдаланилади. Ушбу моделлардан регулятор томонидан фойдаланиладиган модел энг кўп сонли омилларни ўз ичига олади (жорий ҳолат, истиқбол кўрсаткичлари, номолиявий маълумотлар ва рискларни баҳолаш) ва рискларни комплекс равишда

баҳолашга хизмат қилади. Таъкидлаш ўринлики, энг кўп қўлланиладиган моделлардан бири бу CAMELS моделидир. Ушбу модел банк тўғрисида етарлича комплекс баҳолашни амалга ошириш учун қатор афзалликларга эга, лекин истиқбол кўрсаткичларни бермайди. Рейтинг агентликлари кўпинча ушбу моделдан банк фаолият кўрсатаётган муҳитдаги ўзгаришлардан келиб чиққан ҳолда унинг прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ҳамда банкнинг давлат, бошқа банклар ёки алоқадор шахслар томонидан қўллаб-қувватланиш имкониятларини таҳлил қилишда молиявий барқарорликни баҳолашда асос сифатида фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизими амалиётида кредит ташкилотларининг молиявий барқарорлигини баҳолашда ишлатиладиган асосий моделлар норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб, амалга оширилади. Ушбу ҳужжатларнинг бир қисми бевосита баҳолаш моделини белгиласа, бир қисми баҳолаш моделига билвосита таъсир қилади.

Хулоса

Ушбу қонунчилик ҳужжатларига ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиришларнинг киритилиши мамлакатда банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш моделларини шакллантириш ва такомиллаштиришга ёндашувлар куйидагиларга, яъни:

- банклар фаолиятига талабларнинг кучайтирилиши моделларнинг мураккаблашуви, маълумотларнинг сифат ва сон таҳлилини ҳисобга олган ҳолда янада комплекс ёндашувнинг ривожланишига олиб келди;

- Базель қўмитаси тавсияларини банк тизими амалиётига босқичма-босқич жорий қилиниши фойдаланилаётган моделларнинг халқаро талабларга яқинлаштирилиши, банк мажбурий нормативларига ёндашувнинг ривожланиши, молиявий барқарорликни баҳолаш моделларида банк капитали етарлилиги ва ликвидлиликка асосий эътиборни қаратишга олиб келди;

- банкларнинг қонунчилик асосида тизимли аҳамиятга молик банклар ва бошқа банклар гуруҳларига бўлиниши молиявий барқарорликни баҳолашда турли ёндашувларни юзага келтиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2019 йил 5 ноябрдаги “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-580-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир). – <https://lex.uz/docs/4581969>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги

“Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3270-сон Қарори. – <https://lex.uz/docs/3346214>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 – 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон Фармони. – <https://lex.uz/docs/4811025>

4. Laeven, L., & Majnoni, G. (2003). Loan loss provisioning and economic slowdowns: Too much, too late? *Journal of Financial Intermediation*, 12(2), 178–197. – [https://doi.org/10.1016/S1042-9573\(03\)00016-0](https://doi.org/10.1016/S1042-9573(03)00016-0).

5. Суровнева К. Инструментарий оценки устойчивости российских банков. Диссертация ... кандидата экономических наук. – Санкт Петербург, 2018.

6. Питерская Л.Ю., Голубь А.В., Методы оценки финансовой устойчивости и надежности коммерческого банка: российский и зарубежный опыт. – <https://cyberleninka.ru>

7. Пухов В. Методологические подходы к определению финансовой устойчивости коммерческого банка. – <https://cyberleninka.ru>

8. Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. Иқтис. фанлари доктори ... дисс. – Ташкент, 2018. ТДИУ.

9. Норқобилов С., Дадабоева Ҳ., Жўраев Ў. Халқаро амалиётда банк назорати: дарслик . – Т.: IQTISOD–MOLIYA, 2007.

10. Шарипова Н. Банк тизимининг ривожланиш тенденциялари асосида банкларнинг молиявий барқарорлигини баҳолаш. // *Scientific Journal of “International Finance & Accounting”* Issue 3, June 2023. ISSN: 2181-1016.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТУЗИЛМАЛАРИНИ СУБСИДИЯЛАШНИНГ ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ



Хатамов Адхам Собирович

мустақил изланувчиси

ЎзРҚХВ озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги

соҳасида стратегик ривожланиш

ва тадқиқотлар халқаро маркази

E-mail: xatamov35@gmail.com

ORCID: 0009-0006-2646-4315

Аннотация

Мазкур мақолада қишлоқ хўжалигини кредитлаш ва субсидиялаш ривожланган ҳамда ривожланаётган давлатлар тажрибалари ўрганилган. Ривожланган давлатларда қишлоқ хўжалиги тўлиқ давлат томонидан субсидиялар ажратилиши кузатилса, айрим давлатларда субсидиялаш билан бир қаторда паст фоизли ёки фоизсиз кредит бериш билан қўллаб-қувватланади. Шу билан бирга, қишлоқ хўжалиги фаолиятини молиялаштиришда банк кредитларини ва давлат бюджетидан субсидия ажратиш жараёнлари таҳлил қилинган ҳамда тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат маҳсулотлари, молиялаштириш, субсидия, банк кредити, фоиз ставкаси, кредит rischi, ишлаб чиқариш технологияси, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан субсидиялаш.

ЗАРУБЕЖНЫЙ ОПЫТ СУБСИДИРОВАНИЯ СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫХ СТРУКТУР

ХАТАМОВ АДХАМ СОБИРОВИЧ

независимый исследователь

Международного центра стратегических

разработок и исследований в

области продовольствия

и сельского хозяйства МСХРУз

E-mail: xatamov35@gmail.com

ORCID: 0009-0006-2646-4315

Аннотация

В статье рассматривается опыт развитых и развивающихся стран по

кредитованию и субсидированию сельского хозяйства. В развитых странах сельское хозяйство полностью субсидируется государством, а в некоторых странах оно поддерживается субсидированием, а также низкопроцентными или беспроцентными кредитами. В статье проанализирован процесс выделения банковских кредитов и субсидий из государственного бюджета на финансирование сельскохозяйственной деятельности и сформулированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: сельское хозяйство, продукты питания, финансирование, субсидия, банковский кредит, процентная ставка, кредитный риск, технология производства, субсидирование за счет средств государственного бюджета.

OVERSEAS EXPERIENCE OF SUBSIDIZING AGRICULTURAL STRUCTURES

KHATAMOV ADKHAM SOBIROVICH

*Independent researcher of the International
Center for Strategic Development and Research
in the field of food and agriculture of MARUz
E-mail: xatamov35@gmail.com
ORCID: 0009-0006-2646-4315*

Abstract

This article examines the experiences of developed and developing countries in crediting and subsidizing agriculture. In developed countries, agriculture is fully subsidized by the state, while in some countries, it is supported by subsidizing and providing low-interest or interest-free loans. At the same time, the processes of allocating bank loans and subsidies from the state budget in the financing of agricultural activities were analyzed and relevant conclusions were formed.

Keywords: agriculture, food products, financing, subsidy, bank loan, interest rate, credit risk, production technology, subsidization of funds from the state budget.

Кириш

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишни чуқурлаштиришнинг устувор вазибалари мамлакат ҳаёти ва иқтисодиётида аграр соҳанинг тутган ўрни, республиканинг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлигидан келиб чиқади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти ҳисоб-китобларига кўра, дунё аҳолиси «... ўсишининг ҳозирги суръати 2050 йилга келиб 9,7 миллиард кишига кўтарилишини прогноз қилинмоқда. Агар аҳоли сонининг ҳозирги ўсиши бир хил суръатда давом этса, унинг калорияга бўлган эҳтиёжи 70 фоизга ошади. Ривожланаётган мамлакатларда аҳоли ва ҳайвонлар озукаси билан боғлиқ экинларга талаб қарийб икки баравар ошади»[2]. Муттасил ўсиб боровчи бундай талабни қондиришнинг бирдан-бир йўли қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш ва яратилган маҳсулотларнинг барчасини қайта ишлаш технологиялари комбинацияси ёки био-қайта ишлаш концепцияси орқали амалга ошириш занжирини узилмаслиги учун уларни ўз вақтида молиявий таъминлаш энг катта муаммолардан биридир.

Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг энг кўп бошқариладиган тармоқларидан бири ҳисобланади. Катта йирик қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари, деҳқонларнинг мулк ҳуқуқи, уларнинг фаолиятини тартибга солиш усуллари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда сектор учун хизматлар бозори ишлаб чиқиш доимо ислоҳотга муҳтож бўлиб қолмоқда.

Шу сабабли давлатимиз томонидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва уни бозор муносабатлари талабларига мос равишда ривожлантириш борасида қуйидаги асосий вазифалар белгилаб олинган:

- қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шакллари кенг кўламда ривожлантириш, деҳқонлар ўзлари ишлаётган ернинг, етиштирилаётган маҳсулотнинг тўла ҳуқуқли хўжайинлари деб аниқ хис қилишларига имкон берадиган иқтисодий муносабатларни шакллантириш;

- пахтадан ва бошқа экинлардан бўшатиб олинаётган ер майдонларини фермер (деҳқон) хўжаликлари ташкил этишга бериш, шахсий томорқа ерларини кенгайтириш, қишлоқ меҳнаткашларига ер майдонларини мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш йўлини изчил олиб бориш;

- қайта ишловчи корхоналарни қишлоқ хўжалиги хом-ашёси етиштириладиган жойга мумкин қадар яқинроқ қуриш, қишлоқда ихчам саноат корхоналари ва цехлар бунёд этиш, меҳнатнинг классик шакллари, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатадиган фирмалар тармоғини кенг ривожлантириш[1].

Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ошиб бориши

барқарорлик дегани эмас. Бу энг аввало, молиявий ҳолатнинг барқарор бўлиши билан боғлиқдир. Чунки молиявий барқарорлик, биринчидан, деҳқон ижтимоий ҳаётининг яхшиланишини, иккинчидан, ерга, асосий воситаларга маблағ йўналтирилишини (инвестиция қилиниши) таъминлайди. Тупрок унумдорлигини сақлаш ва ошириш, ёхуд ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, сарф-харажатни камайтириш ва пировардида барқарор ривожлантиришни таъминлаш имконияти яратишга олиб келади.

Республикамиздаги қишлоқ хўжалиги ривожининг кўлами ва ҳозирги кундаги даражаси, унинг истиқболдаги тараққиёти учун ҳали фойдаланилмаган катта имкониятлар мавжудлигини кўрсатади. Бутун иқтисодий ўзгаришлар халқ фаровонлиги, аграр ислохотларни чуқурлаштириш ва унинг натижалари шу потенциал имкониятлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ.

Дунё ҳукуматлари томонидан бугунги кунда аграр соҳа тармоқларини кўллаб-қувватлашга қаратилган бир қатор сиёсий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалиётга тадбиқ қилинмоқда. «Унда қишлоқ хўжалигида фаолият олиб бораётган иқтисодий субъектларнинг даромадларини рағбатлантириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотишда нарх сиёсатини ишлаб чиқиш, ишлаб чиқарувчиларнинг маълум бир харажатларини қоплаш мақсадида субсидиялар ажратиш, уларга солиқ имтиёзлари, имтиёзли шартлар асосида ишлаб чиқариш кредитлари ажратиш, айрим турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун протекционизм сиёсатини қўллаш каби чора-тадбирлар шулар жумласидандир. АҚШ, Канада, Бразилия, Россия, Хитой ва Европа Иттифоқининг айрим мамлакатларида шу усулда қишлоқ хўжалигини кўллаб-қувватлаш ва унинг рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурларга устуворлик қаратилиши натижасида ҳозирги кунда улар дунё бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг йирик экспортчилари ҳисобланишади. Шунингдек, бозор иқтисодиёти шаклланаётган ва ривожланаётган мамлакатларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 60 фоиз аҳоли банд бўлса, ривожланган мамлакатларда ушбу кўрсаткич бор йўғи 10 фоизни ташкил этади»[16]. Қишлоқ хўжалигини субсидиялаш тажрибаларини ўрганишда давлатларни ривожланган ва ривожланаётган турларга ажратган ҳолда таҳлил этиш мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар шарҳи

Мамлакатимиз иқтисодчиларидан проф. А. В. Вахабовнинг хулосасига кўра, қишлоқ хўжалигида «... етиштирилган маҳсулотларини қайта ишлашга

ихтисослашган кичик бизнес субъектларига берилган инвестицион кредитларнинг фоиз ставкаларини давлат маблағлари ҳисобидан бонификация қилишни жорий қилиш лозим. Бунинг натижасида кичик бизнес субъектларининг инвестицион кредитларни қайтариш имконияти ошади, инвестицион кредитлар бераётган банкларнинг фаолиятидаги кредит risksи даражаси пасаяди» [3].

А. Боймуратов республикамиздаги «... тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига тижорат банклари томонидан бериладиган кредитлар фоиз ставкасининг камида 25 фоизини давлат бюджетининг маблағлари ҳисобидан субсидиялашни жорий қилиш лозим»[4], деган фикрга келган. Ушбу фикр жуда ҳам ўринли бўлиб, қишлоқ хўжалиги корхоналари етиштирган маҳсулотни ўзи режалаштирган нархларда сотаолмаслиги оқибатида кредит тўловларини тўлашда муаммоларга дуч келмоқда.

Таҳлил ва натижалар

Дунёда қишлоқ хўжалиги ривожланган ҳамда иқтисодий жиҳатдан ривожланган АҚШ «... қишлоқ хўжалигининг самарадорлиги бўйича дунёда биринчи ўринда туради, бу соҳада мамлакат ишчи кучининг атиги 2 фоизи ишлайди. Америка Қўшма Штатлардаги қишлоқ хўжалиги кўплаб инновацион ечимлардан фойдаланиб, фермерларга арзон нархда кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариш имконини беради. Масалан, генетик модификацияланган уруғлардан фойдаланиш ва тўғридан-тўғри экиш фермерларнинг техника, ёқилғи ва пестицидлардан фойдаланиш харажатларини камайтиради» [5].

Шунингдек, АҚШ табиий-иқлимий шароит жиҳатидан «... қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун жуда қулай шарт-шароитга эга бўлган мамлакатлар қаторига киради. Бундай устунлик ҳисобига АҚШ фермерлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш Европа Иттифоқи (ЕИ) мамлакатлари фермерларига нисбатан 1,6-1,7 марта кам харажат ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, ушбу кўрсаткич Россия фермерларига нисбатан 2,5 марта, Японияга нисбатан эса 3,0 марта арзон ҳисобланади. АҚШ қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва унинг рақобатбардошлигини оширишда жаҳон бўйича табиий-иқлим шарт-шароитлар жиҳатдан бундай устунликка эга бўлишига қарамай, аграр соҳага йўналтирилаётган давлат харажатлари ҳажми бўйича дунёда етакчи ўринни эгаллайди. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари томонидан амалга

оширилган ҳисоб-китоб натижаларига кўра, 2001-2021 йилларда АҚШ қишлоқ хўжалигига йўналтирилган йиллик марказий ҳукумат харажатлари ҳажми ўрта ҳисобда 24,4 млрд. АҚШ доллардан зиёдни ташкил этмоқда» [5].

Яна бир муҳим жиҳат шундаки, «АҚШ аграр сектори муаммолари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар ўтказиш борасида жаҳонда етакчи мамлакатлар қаторига кириб, ушбу соҳада амалга оширилаётган барча илмий тадқиқотлар давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади. Шунингдек, давлат фермер хўжаликларини қишлоқ хўжалигига оид инновацион ишланмалар тўғрисида хабардор қилиш мажбуриятини ҳам ўз зиммасига олган. Инновацион ишланмалар ва лойиҳаларни амалиётга татбиқ этиш истагида бўлган фермер хўжаликлари учун имтиёзли кредитлаш дастурлари мавжуд. АҚШда давлатнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга сарфлаётган харажатлари ҳажми фермер хўжаликларининг хусусий сармояларидан 6,0 марта кўп бўлиб, ўрта ҳисобда ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг 40,0 фоизига тенг ҳисобланади» [5].

Қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлиги даражасини оширишнинг жаҳон амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, мамлакатларнинг халқаро савдо ташкилотига аъзо бўлиши уларнинг аграр соҳа тармоқларининг барқарорлиги, ички бозордаги мувозанатини таъминлаш билан бир қаторда, импорт ўрнини босувчи ва шу билан бирга экспорт ҳажмини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Жумладан, ЕИ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш давлат субсидия механизмига асосланган. «ЕИга аъзо мамлакатлар фермерлари томонидан етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг ўрта ҳисобда 50 фоизи давлат субсидияси асосида қопланади»[5].


Шунингдек, ушбу мамлакатлар гуруҳида маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртача нархдан юқорироқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсати амал қилади. Амалга оширилган ислоҳотлар ўз самарасини бериб, ЕИга аъзо бўлган мамлакатларнинг озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши билан бир қаторда, ички истеъмол бозорида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан тўлиқ ўзини-ўзи тўйинтира олиш имкониятига эга бўлди.

Тараққий этган мамлакатларда аграр соҳанинг самарадорлиги ва унинг рақобатбардошлигини ошириш қишлоқ хўжалигида кооперациялашувнинг юқори даражаси (маҳсулотларни қайта ишлаш, сақлаш, етказиб бериш, сотиш, фермерларга моддий-техник ва молиявий хизматлар кўрсатиш) ва

агросаноат интеграцияси ҳисобига амалга оширилади. Шунингдек, ушбу гуруҳ мамлакатларида қишлоқ хўжалигининг ҳосилдорлиги, ишлаб чиқариш муносабатларининг самарадорлиги, аграр соҳанинг рақобатбардошлигини ошириш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни инновацион ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида фаолият юритаётган иқтисодий субъектларнинг ривожланиш имкониятларини кенгайтириш ва қишлоқ жойларнинг барқарор ривожланишини таъминлашда агрокластерлашга муҳим эътибор қаратилади.

1-диаграмма.

Қишлоқ хўжалигига йўналтирилган ҳукумт харажатлари бўйича ТОП-10 та мамлакат* (млрд. АҚШ долл)



*БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/IG/visualize>

Агрокластерларни шакллантириш ва уларни ривожлантириш орқали тараққий этган мамлакатлар «... халқаро рақобат муносабатларининг кучайиши шароитида қишлоқ хўжалиги, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлиги соҳасида ҳимоявий чораларни ҳам амалга оширадилар»[6]. Жумладан, тараққий этган мамлакатларда ташкил этилган йирик интеграцион, кўп тармоқли агросаноат бирлашмалари илғор инновацион технологияларга асосланган ҳолда жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ярмидан зиёд қисмини ишлаб чиқаради. Бу турдаги агрохўжалик юритувчи субъектларнинг меҳнат унумдорлиги «... бошқаларга нисбатан 1,5-2,0 баробар юқори ҳисобланиб, бир-бирликдаги ер майдонида қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш учун талаб этиладиган ресурслар ҳажми 2,0 марта кам бўлиб, улар томонидан ишлаб чиқарилаётган (етиштирилаётган) маҳсулотларнинг


таннархи сезиларли даражада арзон ҳисобланади» [7].

Европа Иттифоқи мамлакатлари агрокластерлаштириш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали қишлоқ хўжалигида, хусусан, чорвачилик билан шуғулланувчи фермер хўжаликлари ўртасида кооперациялашувни ривожлантиришган. Масалан, «Францияда бу турдаги кооперациялар 70 фоиз чўчка гўштини етиштирса, ушбу кўрсаткич Нидерландияда – 26,0 фоиз, Германияда эса 25 фоизни ташкил этади. Швецияда ҳам бу турдаги кооперацияларда кўплаб фермер хўжаликлари ўзаро бирлашган бўлиб, мамлакат ҳудудида жами 18 та минтақавий кооперациялар ташкил этилган деб баҳоланади. Шунингдек, фермерлар ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш ва уларни ривожланишини қўллаб-қувватлаш мақсадида “Миллий фермерлар кооперативлари бирлашмаси” ташкилоти тузилган»[8].

Таҳлиллар кўрсатишича, ЕИ мамлакатларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сотиш учун белгиланган нарх сиёсати ва маҳсулотларни экспорт қилишни давлат томонидан субсидиялаш каби чора-тадбирларга устуворлик қаратилган. Ғарбий Европа мамлакатларида эса агробизнес вакилларига фермер хўжалиги жойлашган ҳудуддаги табиий-иқлимий шароитдан келиб чиққан ҳолда субсидиялар ажратилади.

2-диаграмма.

**Аграр соҳага ажратилган субсидияларнинг
ЯИМдаги улуши, фоизда***



*БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган. <http://www.fao.org/faostat/ru/#data/IG/visualize>

Бунда фермер хўжалиги жойлашган ҳудудда қишлоқ хўжалиги

маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун табиий-иқлимий шароитлар қанчалик ноқулай бўлса, шу даражада кўпроқ давлат томонидан субсидия ажратилиши таъминланган. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти экспертлари томонидан амалга оширилган ҳисоб-китоблар натижаларига кўра, 2001-2019 йилларда АҚШда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга ажратилган давлат субсидияларининг ЯИМдаги улуши 39,2 фоизга тенг бўлган ҳолда, жаҳонда етакчи ўринни эгаллайди. Шунингдек, ушбу кўрсаткич ЕИ мамлакатлари бўйича 25,9 фоизга тенг бўлиб, Норвегия 32,5 фоиз ва Буюк Британия 27,2 фоизни ташкил қилиб, ЕИ бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори баҳоланади.

Исроилда ернинг 20 фоиздан камроғи қишлоқ хўжалиги талабларига мос келади, аммо фермерлар аҳолининг озиқ-овқатга бўлган эҳтиёжининг 95 фоизини таъминлайди. Бу ерда суғориш сувининг кескин танқислигини ҳисобга олиб, экинларни томчилатиб суғориш технологияси ишлаб чиқилган. Шу билан бирга, Исроил ҳукумати «... мамлакат қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлайди, фермерларни сотиб олиш ва янги технологияларни жорий қилиш харажатларининг 40 фоизигача субсидия тақдим қилади. Ақлли деҳқончилик ёндашувининг асосий таркибий қисмлари дастурий таъминот, суғориш тизимлари, инновацион йиғим-терим ускуналари бўлиб, улар субсидия тизими туфайли арзонроқ тушади» [9]. Давлат, хусусий ва илмий секторлар ўртасидаги яқин ҳамкорлик туфайли, агросаноат мажмуасига янги технологияларни жорий этишнинг юқори суръатлари сақланиб қолинган. Исроил қишлоқ хўжалигининг ютуғи шундаки, табиий потенциалнинг пастлиги янги технологияларни жорий этишнинг юқори интенсивлиги ва самарадорлиги билан қопланади. Қишлоқ хўжалигида анъанавий ёндошувлар деярли қўлланилмайди, инновацияларнинг юқори даражаси минимал ресурс харажатлари билан соҳанинг максимал маҳсулдорлигига эришишга ёрдам беради.

Жанубий Корея Республикасида давлат томонидан тартибга солиш иқтисодиёт ва ҳаётнинг барча соҳаларига инновациялар ва замонавий технологияларни жорий этишга ҳар томонлама ёрдам беришга қаратилган. Қишлоқ хўжалиги юқори технологиялар соҳасидир. Мамлакатда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантириш тажрибаси ноёбдир ва ундан ривожланаётган мамлакатларда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда ҳамда инновацион аграр тизимни шакллантиришда фойдаланиш мумкин. «2018 йилда Корея Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги бутун мамлакат бўйлаб “ақлли” фермер хўжаликларини ривожлантиришга маблағ

ажратиш ва уларнинг умумий майдонини 4,01 гектардан, 7 минг гектарга оширди» [17]. Бу ўзининг кутилган самарасини бериб келмоқда.

1-жадвал.

**Давлат томонидан қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашнинг
устувор йўналишлари***

Мамлакат	Давлат томонидан амалга оширилаётган қишлоқ хўжалиги рақобатбардошлигини оширишга қаратилган дастурлар
Европа Иттифоқи мамлакатлари (ўрта ҳисобда)	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 298 АҚШ долл. ажратилади; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун сарфланган харажатларнинг 50 фоизи давлат субсидияси ҳисобидан қопланади; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари чакана нархларини давлат томонидан белгилаш; - қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини давлат томонидан субсидиялаш; - маҳаллий фермерлар учун ўз маҳсулотларини жаҳон бозоридаги ўртача нархдан пастроқ нархда сотиш имконини берувчи компенсацион тўловлар ва тенглаштирилган солиқ сиёсатини амалга оширилиши. Бу турдаги дастурлар Европа Иттифоқи мамлакатларини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз-ўзини таъминлай олиш имкониятини (масалан, буғдой – 177 фоиз, шакар – 95 фоиз, сут ва сут маҳсулотлари – 120 фоиз, мол гўшти – 109 фоиз) сезиларли даражада оширди.
Финляндия	<ul style="list-style-type: none"> - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 71 фоизни ташкил этади.
Франция	<ul style="list-style-type: none"> - ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари нархи кафолатланган даражадан арзонлашганда, фермерлар учун маҳсулот етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш учун сарфлаган харажатларига мос равишда компенсацион тўловлар амалга оширилади; - хориж мамлакатларидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишга қарши протекционизм сиёсати қўлланилади, жумладан, юқори белгиланган харид нархлари, божхона тўловлари каби чоралар шулар жумласидандир.
Швеция	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг 73 фоизи давлат бюджетидан субсидияланади; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 59 фоизни ташкил этади
Япония	<ul style="list-style-type: none"> - ишлаб чиқарилган (етиштирилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий қийматининг 90 фоизи давлат бюджетидан субсидияланади; - мамлакат ҳудудига гуруч импорт қилиш қатъий таъқиқланган; - фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 75 фоизни ташкил этади.
Исроил	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 473 АҚШ долл. ажратилади.
АҚШ	<ul style="list-style-type: none"> - қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 324 АҚШ долл. ажратилади; - қишлоқ хўжалиги ривожлантиришга 2018-2019 йилларда ўрта ҳисобда 59,5 млрд. долл. ажратилган;

	- фермерлар фойдасида давлат субсидияларининг улуши 30 фоизни ташкил этади.
Канада	- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 180 АҚШ долл. ажратилади; - сут ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш харажатларининг 90 фоизи давлат бюджети томонидан дотацияланади; - аграр соҳани ривожлантиришга давлат харажатларининг ЯИМдаги улуши 26 фоизга тенг.
Россия	- қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган ҳар 1 гектар майдон учун ўртача 110 АҚШ долл. ажратилади; - фермерлар учун ажратилган кредитлар фоизининг маълум бир қисми давлат субсидияси асосида қопланади; - қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун техник воситалар, асбоб-ускуналар ишлаб чиқарувчилар учун харажатларининг 25-30 фоизи давлат субсидияси ҳисобига қопланади.

*Интернет сайтлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
<http://www.fao.org/faostat/ru/#data> — <http://m.government.ru/docs/33993/>

Тайванда сўнгги «5-10 йил ичида инновацияларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш учун давлат 100 миллион АҚШ долларгача маблағ ажратди, шу жумладан тадқиқот марказларини яратиш, дастурий таъминот ва мобил иловаларни ишлаб чиқиш ҳамда фермерлар учун катта ўқув дастури ишлаб чиқилди. Иложи бориша кўпроқ воситачиларни бозордан чиқариш, фермерлар, маҳсулотни қайта ишлаш корхоналари ва чакана савдо тармоқларининг даромадлилигини ошириш учун давлат Интернет-порталларни яратишни йўлга қўйди. Фермерлар уларда ўз саҳифаларини сақлаб туриши ва шу тариқа ишлаб чиқарган маҳсулотларини бозорда илгари суриши мумкин» [18]. Порталда янги органик маҳсулот сотиб олишга қизиққан шаҳарлардаги хусусий харидорларга ва улгуржи харидорларга, процессорларга кириш имконияти мавжуд.

Аргентинада давлат даражасида экинларнинг ҳолатини кузатиш, тупроқларнинг ҳолатини назорат қилиш, маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш тизими жорий этилмоқда. «Сунъий йўлдош маълумотлари доимий равишда сотиб олинади, умумий Интернет портали орқали аналитик маълумотлар об-ҳаво станциялари, корхоналар, илмий-тадқиқот марказлари, лабораториялардан олинади ва улар фермерларга маълумотларни олиш учун хизмат вазифасини ўтайди»[19].

Японияда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги маълумотларига кўра, мамлакатда «... фермерлар сони 56 фоизга камайиб, 1,82 миллион кишини ташкил этди, уларнинг ўртача ёши ўша даврга нисбатан 59 ёшдан 67 ёшгача ўсди, бунга сабаб қишлоқ болалари шаҳарларда, иш ҳақи кўпроқ бўлган

жойда ишлашни афзал кўришади. Ушбу муаммони ҳал қилиш учун Япония қишлоқ хўжалиги вазирлиги 2014 йилда “ақлли” қишлоқ хўжалиги сиёсатини қабул қилди, бу фермер хўжаликларининг маҳсулдорлигини ошириш учун робототехника ва ахборот технологияларини ривожлантиришга қаратилган. Масалан, Кубота дала ишларининг бир қисмини автоматлаштириш учун қарийб 11 миллион иенга тенг автоном тракторлар ва пестицид пуркайдиган дронлар ишлаб чиқарилди ва Seven-Eleven ўзининг биринчи автоматлаштирилган фермасини очди. Японияда “ақлли” қишлоқ хўжалигининг бозори 14 фоизга ўсиб, 14,7 млрд иенгача ва келгуси беш йил ичида 33,5 млрд иенгача деярли икки барабар кўпайиши кутилмоқда»[21].

Мутахассисларнинг фикрига кўра, Россияда «... қишлоқ хўжалигидаги меҳнат унумдорлиги бугунги кунда, масалан, Германия унумдорлигидан уч барабар орқада қолмоқда ва ҳосилдорлик Германия ва АҚШдаги иш ҳақидан 2,5-3 барабар паст. Россияда қишлоқ хўжалигида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг асосий жиҳатлари сифатида қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш ва йўқотишларни пасайиштириш бўлиб ҳисобланади»[13].

Ҳозирги кунда инсон фаолиятининг деярли барча соҳаларида рақамли технологиялардан фойдаланиш глобал миқёсда тез суръатлар билан ўсмоқда. Қишлоқ хўжалиги бундан мустасно эмас, шу жумладан Ўзбекистон Республикасида ҳам сўнгги йилларда рақамли иқтисодиётни ривожлантириш соҳасида Президентимизнинг бир қатор фармон ва қарорлари қабул қилинган. Соҳа мутахассислари рақамли трансформациялар туфайли қишлоқ хўжалигининг умумий маҳсулдорлиги 2030 йилга келиб қарийб 60%га ошиши керак, шунда озиқ-овқат етишмовчилигига дуч келинмайди. Рақамли агротехнологиялар соҳасидаги ушбу тенденциялар ва янгиликлар билан боғлиқ ҳолда, Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги шароитида “Ақлли қишлоқ хўжалиги” ни амалга ошириш концепциясининг лойиҳаси умумий кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар порталида эълон қилинди. Ушбу концепциянинг асосий мақсади қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини ошириш, чорвачилик маҳсулдорлигини кўтариш, экинлар ва ерларни зараркундалар ва турли ҳашаротлардан ҳимоя қилиш, ташқи экинларни турли хил экинлар ҳосилдорлигига таъсир этишини бартараф этиш, шунингдек, замонавий қишлоқ хўжалиги усулларини жорий этиш ва ишлаб чиқариш маъданиятини оширишдан иборат.

Хулоса

Хулоса ўрнида қайд этиш мумкики, агросаноат мажмуи бутун дунёда иқтисодиётининг муҳим тармоғи ҳисобланади. Соҳада олиб борилаётган ислохотлар ўзининг бир қатор ижобий натижаларини бериб озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Аграр соҳада фермер хўжаликлари учун рақобатбардошликни таъминлаш ва ўзгаришларга мослашиш учун молиялаштириш жуда муҳимдир. Фермер хўжаликлари молиявий маблағларга эга бўлиши ва уни топишни яхшироқ тушуниши даромадларни ошишига ва барқарор деҳқончилик амалиётини қўллашга ёрдам беради.

Амалга оширилган тадқиқот натижасида деҳқон ва фермер хўжаликлари ишлаб чиқарган маҳсулотлари нархи тушиб кетганда давлат бюджетидан субсидия бериш орқали харажатларни қоплаш, қишлоқ хўжалиги корхоналари олган хорижий валютадаги кредитларининг миллий валюта курси ўсиши туфайли юзага келган зарарларини субсидиялаш зарурлиги исботланди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4567334>

2. Feroz Khan, Yousaf Ali «Moving towards a sustainable circular bio-economy in the agriculture sector of a developing country» Ecological Economics Volume 196, June, 2022.

<https://www.sciencedirect.com/science/article/abs/pii/S0921800922000647>

3. Vahobov A.V. Qishloq aholisi turmush darajasini oshirishda bank tizimining o'rnini. Qishloq taraqqiyoti va aholi turmush darajasini oshirishda bank-moliya tizimining o'rnini. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. – Toshkent: Moliya, 2009. – B. 22.

4. Боймуратов А.Ж. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўллари. И.ф.н. ... дис. автореферати. – БМА, 2008. – 22 б.

5. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотлари. <http://www.fao.org>

6. Насруллаева Т.Д. Стратегические приоритеты развития кластеров в АПК региона / Т.Д.Насруллаева // Вопросы структуризации экономики. –

2010. – № 1. – С. 174-177.

7. Грей К. Роль государства в аграрном секторе США // Экономика сельского хозяйства России. – 1997. – № 4. – С. 31-32.

8. Милосердов В.В. Многоукладная экономика АПК: состояние и перспективы // АПК: экономика, управление. – 2012. – № 2. – С. 10-21.

9. Об изменениях в порядке предоставления субсидий производителям сельскохозяйственной техники. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://m.government.ru/docs/33993/>

10 Об изменениях в порядке предоставления субсидий производителям сельскохозяйственной техники. Режим доступа: <http://m.government.ru/docs/33993/>

11. Юнусова П.С. Создание региональных научно-инновационных и производственных кластеров для модернизации аграрного сектора экономики. //Материалы IX Международной научно-практической конференции «Региональные проблемы преобразования экономики: интеграционные процессы и социально-экономическая политика региона» (Махачкала, 5 декабря 2018 г.). Махачкала, ИСЭИ ДНЦ РАН. – 2018.

12. Юсупова П.С., Ахмедова Ж.А. Зарубежный опыт достижения конкурентоспособности сельскохозяйственной продукции. //Региональные проблемы преобразования экономики, № 2, 2019. – С. 21-27

13. Абдуллаева И.М. “Ақлли” кишлок хўжалиги – хориж тажрибаси ва инновацион технологиялар.//Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron jurnali. № 5, sentyabr-oktyabr, 2020 yil. <http://iqtisodiyot.tsue.uz>.

14. Абдиев М.Ж. Основные направления агропродовольственной политики Киргизской Республики в условиях интеграции в Евразийский экономический союз // Общество и экономика. – 2017. – № 3, 4. – С. 136.

15. Приходько Т. Управление сельским хозяйством во Франции // АПК: экономика управления. – 1996. – № 2. – С. 27.

Интернет сайтлари

16. <http://www.agroprod mash-expo.ru>

17. <https://www.crunchbase.com/organization/the-korea-agriculture-technology-promotion-agency>

18. <https://www.fbs.com/companies/agriculture/taiwan/co> маълумотлари маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари..

19. <https://www.ifad.org/en/web/operations/w/country/argentina> маълумотлари маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари..

20. <https://www.gsma.com/mobilefordevelopment/wp-content/uploads/2016/05/mAgri-VAS-Toolkit-2016.pdf>

21 <https://www.maff.go.jp/e/policies/agri/index.html> маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоблари.

22. <https://www.cropin.com/iot-in-agriculture>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ РИСКНИ БОШҚАРИШ



с Тугалов Бобур Қаршибой ўғли

магистрант

Тошкент молия институти

E-mail: boburtugalov@mail.ru

ORCID: 0009-0002-2494-7728

Аннотация

Ўзбекистон тижорат банклари активларининг таркибида кредитлар энг юқори салмоқни эгаллаганлиги сабабли банкларнинг ликвидлиги ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бевосита кредит портфелини сифатига боғлиқ. Ўз навбатида, банклар кредит портфелининг сифатини яхшилаш кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш заруриятини юзага келтиради.

Мақолада тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар таҳлил қилинган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, кредит, кредит портфели, кредит риски, захира, фоиз ставкаси, фоизли даромад, инфляция, асосий ставка, девальвация.

УПРАВЛЕНИЕ КРЕДИТНЫМИ РИСКАМИ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ

Тугалов Бобур Қаршибай оглы

магистрант

Ташкентский финансовый институт

E-mail: boburtugalov@mail.ru

ORCID: 0009-0002-2494-7728

Аннотация

Кредиты занимают самый большой удельный вес в структуре активов коммерческих банков Узбекистана, поэтому ликвидность и финансовая устойчивость банков непосредственно зависят от качества кредитного портфеля. В свою очередь, улучшение качества кредитного портфеля

обуславливает необходимость совершенствования практики управления кредитным риском.

В статье исследуются проблемы, связанные с совершенствованием практики управления кредитным риском, разработаны предложения, направленные на решение этих проблем.

Ключевые слова: коммерческий банк, кредит, кредитный портфель, кредитный риск, резерв, процентная ставка, процентный доход, инфляция, основная ставка, девальвация.

CREDIT RISK MANAGEMENT OF COMMERCIAL BANKS

Tugalov Bobur Karshiboy ugli

master's student

Tashkent Institute of Finance

E-mail: boburtugalov@mail.ru

ORCID: 0009-0002-2494-7728

Abstract

Loans occupy the largest share in the structure of assets of commercial banks in Uzbekistan, so the liquidity and financial stability of banks directly depend on the quality of the loan portfolio. In turn, improving the quality of the loan portfolio necessitates the improvement of credit risk management practices.

The article identifies topical problems associated with improving the practice of credit risk management and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Keywords: commercial bank, loan, loan portfolio, credit risk, reserve, interest rate, interest income, inflation, base rate, devaluation.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони билан тасдиқланган “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармонида кредит портфели ва рискларни бошқариш сифатини яхшилаш, кредитлаш ҳажмининг мўътадил ўсишига амал қилиш республика банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари сифатида белгиланган [1]. Бу эса, кредит рискни бошқариш амалиётини такомиллаштириш масаласини долзарб эканлигидан далолат беради.

Адабиётлар шарҳи

Н. Соколинскаянинг фикрича, рискларни диққат билан кузатиш, сифатли кредит йиғма жилдини шакллантириш, кредитлаш жараёнини бошқариш учун яхши маълумотлар базасига эга бўлиш кредитнинг сифат мазмунини таъминлашнинг асосий жиҳатлари ҳисобланади [2].

Ж. Синкининг хулосасига кўра, тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискнинг даражасини баҳолашда кредит олувчи миқдорнинг пул оқимини таҳлил қилиш муҳим роль ўйнайди. Унинг фикрича, пул оқими таҳлили қуйидаги долзарб ва ҳал қилувчи жиҳатларга, яъни:

- миқдорнинг соф фойдаси унинг узоқ муддатли қарзларининг жорий қисмини тўлаш учун етарлигига;
- компания оладиган пул маблағлари миқдорига;
- компаниянинг ўз операцияларини молиялаштиришига;
- компаниянинг жорий ҳолатига таъсир кўрсатувчи раҳбариятнинг хатти-ҳаракатлари ёки ташқи таъсирларга қратилиши лозим [3].

И. Юдиннинг хулосасига кўра, ривожланаётган давлатларда тижорат банклари активларининг даромадлиги бевосита кредит rischi даражасига боғлиқ бўлиб, миллий валютанинг қадрсизланиши натижасида хорижий валютада кредит олган миқдорларни кредитни қайтара олмай қолишлари кредит rischi даражасини оширишига олиб келади [4].

В.Усоскиннинг фикрича, банкнинг кредитлардан оладиган даромадлари бевосита рискларни бошқариш билан боғлиқ бўлиб, уларнинг кредит портфели рискларнинг барча асосий турларига: ликвидлилик rischi, фоиз rischi, кредит riskига мойилдир [5].

А. Миан ва А. Сафининг хулосасига кўра, уй хўжалиқларининг ўз рискларини назорат қилиш имкониятлари фирмаларни қараганда сезиларли даражада чеклангандир. Бу эса, уй хўжалиқларига берилган кредитларнинг ўз вақтида қайтмаслик эҳтимолини оширади [6].

Ф.Холмаматовнинг фикрига кўра, тижорат банклари кредит портфелининг сифатини ошириш учун кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш методикасини такомиллаштириш мақсадида кредитларнинг сифатини реал баҳолаш ва уларга захира ташкил этиш бўйича қуйидаги мезонлар таклиф этилган: субстандарт кредитлар бўйича 1 фоиздан 10 фоизгача; қониқарсиз кредитлар бўйича 11 фоиздан 25 фоизгача; шубҳали кредитлар бўйича 26 фоиздан 50 фоизгача; умидсиз кредитлар бўйича 100 фоизгача [7].

Ш. Абдуллаевнинг хулосасига кўра, кредит портфелини


ресурсларнинг манбалари бўйича деверсификациялаш натижаларига кўра, баъзи тижорат банкларининг кредит портфелида марказлашган кредитлар салмоғининг юқорилигини ҳисобга олиш лозим ва шу кредитлар бўйича банкларга енгилликлар бериш, баъзи ҳолларда улардан олинган даромадни солиқдан озод қилиш каби чораларни кўриш мақсадга мувофиқ бўлар эди [8].

Таҳлил ва натижалар

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит риси даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан бири бўлиб, муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги улуши ҳисобланади.

1-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг умумий ҳажмида муаммоли кредитларнинг улуши, %да*



*Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий статистик маълумотлари асосида тузилган. www.cbu.uz

Диаграмма маълумотларидан кўринадик, республикада тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши 2019-2022 йилларда нисбатан юқори бўлган. Ушбу кўрсаткич, айниқса, 2021 йилда жуда юқори бўлган.

Қайд этиш жоизки, республикада тижорат банкларининг муаммоли кредитлари ҳажмида давлат банкларининг муаммоли кредитлари юқори поғонани эгаллайди. Бу эса, давлат дастурлари доирасида берилган, лекин қайтмаган кредитлар тижорат банкларига қайтариб берилмаганлиги билан изоҳланади.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари бўйича муаммоли кредитларнинг жами кредитлардаги

улуши 5,2 фоизни ташкил қилгани ҳолда, Халқ банкида ушбу кўрсаткич 19,7 фоизни ташкил этди [9].

Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкининг экспертлари томонидан таклиф қилинган методикага кўра, агар муаммоли кредитларнинг кредит портфелидаги улуши 3,0 фоиздан ошмаса, у ҳолда, кредитлар бўйича муддати ўтган қарздорликнинг даражаси мўътадил ҳисобланади [9].

Кредитлар тижорат банклари активларининг таркибида юқори эканлиги сабабли, кредит портфелининг сифатини ёмонлашиши уларнинг ликвидлилигига ва молиявий барқарорлигига нисбатан кучли таъсирни юзага келтиради.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит rischi даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири бўлиб, кредит портфелининг диверсификация даражаси ҳисобланади.

1-жадвал.

АТ “Асакабанк” кредит портфелининг тармоқ таркиби, %да*

Тармоқ	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Саноат	71,9	62,8	68,2	70,6	67,2
Қишлоқ хўжалиги	5,3	6,8	5,5	4,3	4,0
Транспорт ва коммуникация	0,6	1,2	1,9	1,8	1,8
Қурилиш	7,1	1,2	1,2	1,3	1,0
Савдо ва умумий овқатланиш	3,2	3,9	4,4	4,9	4,6
Моддий-техника таъминоти	0,5	0,0	0,0	0,0	0,0
Уй-жой коммунал хўжалиги	0,3	0,5	0,4	0,4	0,3
Бошқа тармоқлар ва соҳалар (шу жумладан жисмоний шахслар)	11,1	23,6	18,4	16,7	21,1
Жами	100	100	100	100	100

*Жадвал муаллиф томонидан АТ Асакабанкнинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2022 йилларда Асакабанк томонидан берилган кредитларнинг мутлақ асосий қисмини саноат корхоналарига берилган кредитлар ташкил этган (60 фоиздан юқори). Бу эса, Асакабанкда кредит портфелининг диверсификация мезонига риоя қилинмаганлигини кўрсатади.

Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рисқи даражасини тавсифловчи муҳим кўрсаткичлардан яна бири бўлиб, кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларнинг банкнинг брутто активларига нисбатан даражаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг «Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида»ги йўриқномасига (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 14 июлда 2696-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) асосан таснифланган кредитларнинг беш тоифаси бўйича ҳам захира ажратмалари шакллантириладиган бўлди:

- стандарт кредитлар – 1 %;
- субстандарт кредитлар – 10 %;
- қониқарсиз кредитлар – 25 %;
- шубҳали кредитлар – 50 %;
- умидсиз кредитлар – 100 % [11].

2-жадвал.

АТ “Туронбанк”да кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва даражаси*

	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори, млрд сўм	1,1	6,3	12,1	22,3	83,1
Кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг брутто активларга нисбатан даражаси (%)	0,1	0,2	0,2	0,3	0,8

* Муаллиф томонидан АТ “Туронбанк”нинг йиллик ҳисоботлари маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, Туронбанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва банкнинг брутто активларига нисбатан даражаси 2017-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бу эса, кредит рисқини бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

-республикамиз тижорат банкларининг кредит портфелида муаммоли кредитларнинг улуши 2019-2022 йилларда нисбатан юқори бўлганлиги кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллашмаганлигидан далолат беради;

-кредитлар тижорат банклари активларининг таркибида юқори эканлиги сабабли, кредит портфелининг сифатини ёмонлашиши уларнинг ликвидлилигига ва молиявий барқарорлигига нисбатан кучли таъсирни юзага келтиради;

-2018-2022 йилларда Асакабанк томонидан берилган кредитларнинг мутлақ асосий қисмини саноат корхоналарига берилган кредитлар ташкил этганлиги (60 фоиздан юқори) Асакабанкда кредит портфелининг диверсификация мезонига риоя қилинмаганлигини кўрсатади;

-Туронбанкда кредитлардан кўриладиган зарарларни қоплашга мўлжалланган захира ажратмаларининг миқдори ва банкнинг брутто активларига нисбатан даражасини 2017-2021 йилларда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Фикримизча, республикамиз тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискинни бошқариш амалиётини такомиллаштириш учун қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Тижорат банклари фаолиятидаги кредит рискиннинг даражасига таъсир қилувчи молиявий рискларнинг (инфляция рисқи, дефляция рисқи, девальвация рисқи) таъсир даражаларини аниқроқ баҳолаш имконини берадиган баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш керак.

2. Тижорат банкларининг халқаро кредитлари бўйича кредит рискинни баҳолашда Базель кўмитасининг кредит рискинни баҳолаш бўйича стандартлашган ёндашувидан фойдаланиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони// Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 13.05.2020 й., 06/20/5992/0581-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.10.2021 й., 06/21/6325/0972-сон; 30.12.2021 й., 06/21/42/1224-сон, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон; 10.06.2022 й., 06/22/152/0507-сон; 27.04.2023 й., 06/23/62/0232-сон; 07.07.2023 й., 06/23/108/0460-сон.

2. Соколинская Н.Э. Проблемы менеджмента кредитного портфеля в современных условиях//Банковское дело. – Москва, 1999. – №9. – С. 18-19.
3. Синки Дж. Финансовый менеджмент в коммерческом банке и в индустрии финансовых услуг. Пер. с англ. – М.:Альпина Паблишер, 2017. – С. 485 - 486.
4. Юдина И.Н. Банковская система в развивающихся экономиках: опыт становления, развития и кризисов: монография. – М.: ИНФРА-М, 2013. – С. 230-231.
5. Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: управление и операции. – М.:ЛЕНАНД, 2019. – С. 218.
6. Mian A., Rao K., Sufi A. Household Balance Sheets, Consumption, and the Economic Slump//Quarterly Journal of Economics. – 2013. – 128(4). – PP. 1687 - 1726.
7. Холмаматов Ф.К. Тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш. И.ф.б.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2019. – Б. 25.
8. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банкларннинг кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 43 б.
9. Исаков Ж.Я. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда кредит самарадорлигини ошириш. И.ф.д. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2016. – 28 б.

БАНК ТРАНСФОРМАЦИЯСИ ПАРАДИГМАСИ

Баймуратова Мадина Турсунбой кизи



*Тошкент молия институти
докторанти (PhD)*

Email: madinnn23@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-2414-2324>

Аннотация

Мақолада банк трансформацияси шароитида тизимли тармоқ хизматларини кўрсатишга қўйилаётган талаблар кўп каналли эканлиги, самарадорлик, шаффофлик, аниқлик инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантираётгани қайд этилган. Шунингдек ушбу тамойил жаҳоннинг ривожланган мамлакатларидаги банклар томонидан миқдорга йўналтирилган моделдан фойдаланишда ўз ифодасини топаётгани, бу эса корпоратив миқдор манфаатларини кўзлаб барча бизнес жараёнларни яратиш ва ташкил этишни назарда тутди. Банк фаолиятини трансформациясига оид тадқиқотлар асосида молия институтларининг, хусусан, банкнинг бутун жамиятдаги таркибий ўзгаришлар шароитида ривожланиш қонуниятлари ва ўзига хос хусусиятлари аниқланди.

Калит сўзлар: банк, тижорат банки, банк иши, банк фаолияти концепцияси, банк яхлитлиги, банк трансформацияси, устувор банк хизматлари, банк хизматлари драйверлари, банк хизматларини рақамлаштириш, ташкилий йўналтирилган модель, миқдорга йўналтирилган модель, референтли модель, комплекс бизнес модел, глобал муҳит.

ПАРАДИГМА ТРАНСФОРМАЦИИ БАНКОВ

Баймуратова Мадина Турсунбай кизи

докторант (PhD)

Ташкентского финансового института

Email: madinnn23@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-2414-2324>

Аннотация

В статье анализируются проблемы оказания системных сетевых услуг в условиях трансформации банка, исследуются вопросы их многоканальности, оперативности, прозрачности и точности, стимулирующие внедрению инновационных технологий. Отмечается, что данный принцип предусматривает использование банками развитых стран мира клиентоцентричной модели, которая подразумевает создание и организацию всех бизнес-процессов в интересах корпоративного клиента. На основе проведенного исследования в области банковской трансформации выявлены закономерности и специфика развития финансовых институтов, в частности, банка в условиях структурного сдвига общества в целом.

Ключевые слова: банк, коммерческий банк, банковская деятельность, концепции деятельности банков, целостность банка, трансформация банка, базовые банковские услуги, драйверы банковских услуг, цифровизации банковских услуг, организационноцентричная модель, клиентоцентричная модель, референтная модель, комплексная бизнес-модель, глобальная среда.

BANK TRANSFORMATION PARADIGM

Baimuratova Madina Tursunbai kizi

doctoral student (PhD)

Tashkent Financial Institute

Email:madinnn23@gmail.com

<https://orcid.org/0000-0002-2414-2324>

Abstract

The article analyzes the problems of providing systemic network services in the context of bank transformation, examines the issues of their multi-channel nature, efficiency, transparency and accuracy, stimulating the introduction of innovative technologies. It is noted that this principle provides for the use by banks of developed countries of the world of a client-centric model, which implies the creation and organization of all business processes in the interests of the corporate client. Based on the research conducted in the field of banking transformation, the patterns and specifics of the development of financial institutions, in particular the bank, in the context of a structural shift in society as a whole were identified.

Keywords: bank, commercial bank, banking, banking concepts, bank

integrity, bank transformation, banking services, basic banking services, banking service drivers, digitalization of banking services, organization-centric model, client-centric model, reference model, integrated business model, global environment.

Кириш

Молия-кредит институтлари, хусусан, банклар фаолиятидаги туб ўзгаришлар, мижозлар эҳтиёжи ўзига хос мураккабликларни юзага келтирмоқда. Мазкур зиддият ва унинг таҳлили инновацион парадигмалар механизмидан фойдаланиш векторлари тизимини яратиш ва ундан фойдаланиш заруриятини яратди.

Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 йилларда банк тизимини ислоҳ қилиш бўйича “Йўл харитаси” га мувофиқ, тижорат банклари ўзгартирилиб, улардаги давлат улуши сотилмоқда. Банк хизматлари сифати ва тезлигини ошириш учун янги рақамли маҳсулотларни жорий этиш муҳим, устувор йўналиш ҳисобланмоқда [1].

Замонавий дунёда рақамли – Интернет технологияларидан, масалан, 2025 йилга бориб дунё иқтисодиёт субъектларининг 60 фоизи бир вақтнинг ўзида беш ёки ундан ортиқ рақамли технологиялардан фойдаланиши тахмин қилинмоқда. Бундай вазиятда рақамли тармоқлар бизнес учун, шу жумладан банк учун ҳам тўғридан-тўғри қиймат манбаига айланмоқда. Шу нуқтаи назардан банкларнинг универсал фаолияти хизматлар доирасини кенгайтиришни тақозо этади ва тижорат банкларининг воситачилик операциялари билан боғлиқ бўлган факторинг, форфейтинг, лизинг, траст ва бошқа шу каби банк операцияларининг жорий этилишига омил бўлади.

Бугунги кунда универсал хизматлар кўрсатишнинг янги концепцияси доирасида банк тузилмалари ўзига хос воситачи бўлиб, молиявий операциялар билан чекланиб қолмасдан, мижозга керак бўлган хизматларнинг бутун спектрини таклиф қилиши талаб этилмоқда.

Шу боис банк секторини тизимли-функционал таҳлил қилиш, улар трансформациясидаги сифат ўзгаришларини комплекс кузатиш амалиётини халқаро стандартлар талаби асосида миллий хусусиятлардан келиб чиққан ҳолда унинг рақобатбардошлигини ошириш, халқаро бозордаги ўрнини мустаҳкамлаш моделини яратиш масаласи ниҳоятда долзарбдир.

Адабиётлар шарҳи

Банк трансформацияси узлуксиз жараён бўлиб, уларнинг шаклланиши

ва ривожланиши давр давомида кечади, аммо сўнгги йилларда рақамли технологиялар таъсирида банк бизнесида туб мақсадли ўзгаришлар жараёни кузатилмоқда.

Қатор хорижий муаллифларнинг илмий ишланмаларида банк хизматлари трансформацияси муаммосининг маълум томонлари алоҳида кўриб чиқилган [2]. Масалан, С.В. Кривошапова таъкидлаганидек, “кредит ташкилотларида тўловлар тезлиги ҳам ҳисоб-китоб ва касса хизматлари соҳасидаги муҳим муаммолардан бири сифатида қаралган” [3].

Бугунги кунга келиб, замонавий банкнинг роли аста-секин ўзгармоқда, хусусан, унинг функциялари камроқ эксклюзив бўлиб қолди. Масалан, Т.А. Василева ўз тадқиқотида банклар энди ноёб маълумотларнинг ягона эгаси эмаслигини, молия инжиниринги ва молия воситаларининг ривожланиши туфайли битимлар банк аралашувисиз тузилаётганлигига мисол сифатида нобанк молиявий воситачилар томонидан таклиф қилинадиган “тўлиқ шартномалар”ни келтириб ўтган [4]. XXI асрнинг бошларида пайдо бўлган воситачиликни йўқотишнинг дезинтермедиация назарияси ҳам банк функцияларининг ўзгаришига тааллуқли булган.

Мамлакатимизда банк хизматлари трансформацияси муаммосини муайян жиҳатлари қатор муаллифлар томонидан кўриб чиқилган [5], хусусан, Ф. Мирзаев [6] банк рақобатини шакллантиришнинг концептуал асосларини ўрганган, Б.Бердияров [7] тижорат банкларининг фаол операциялари рентабеллигини таҳлил қилган, А.Эрдонаев [8] тижорат банклари трансформацияси хусусиятларини қисман аниқлаган.

Ушбу мақсадли тадқиқотлар инновацион банк фаолияти методологиясига шубҳасиз ҳисса бўлиб қўшилган, аммо уларда банк бизнеси трансформацияси яхлит тизимли тадқиқ этилмаган. Молия-кредит институтлари, шу жумладан банклар трансформациясининг назарий-методологик асослари ва амалий жиҳатларини бир бутунликда қамраб олувчи тадқиқотлар салмоғининг етарли эмаслиги ҳам мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Таҳлил ва натижалар

Банк фаолияти концепциялари ривожланган мамлакатларда юзага келган бўлиб, технологик тараққиёт ва уларнинг фаолиятининг асоси сифатида миқдорнинг эҳтиёжларини қондиришга асосланганлиги кузатилади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсидаги етакчи молия-кредит институтлари, хусусан тижорат банклари томонидан янги шакллантирган стандартларга

мослашиш чора-тадбирлари фаол амалга оширилмоқда. Шу нуқтаи назардан банк тузилмавий бўлинмалари сони, тегишли фаолият турлари ва улар ўртасидаги алоқалар сони бўйича ҳам мураккаб тизим бўлиб қолмоқда.

Молиявий барқарорлик, шу жумладан банк секторининг барқарорлиги амалга ошириладиган ислохотларнинг муваффақиятини таъминловчи, бизнес ва аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлашнинг драйвери ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан молия-кредит тизимини ислоҳ қилишнинг устувор инструментарийси тижорат банкларини хусусийлаштириш ҳисобланади (1- чизма).

1-чизма.

***Давлат улуши мавжуд банклар трансформациясининг устувор йўналишлари**



* Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2020-2025 - йилларга мўлжалланган банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон Фармони асосида тузилган //https://lex.uz/docs/4811037.

Бугунги кунда давлат улуши мавжуд банклар трансформацияси жараёни куйидаги, яъни:

а) корпоратив бошқарувни такомиллаштириш:

- банклар кузатув кенгашлари таркибини банк соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган янги аъзоларни киритиш орқали янгилаш, тижорат банкларининг ташкилий органлари ўртасида ўзаро ваколат ва мажбуриятларини ҳуқуқий-норматив даражада аниқ белгилаб қўйиш;

- кузатув кенгашлари ҳузурида ихтисослаштирилган қўмиталар ташкил этиш орқали самарали функционал назорат(комплаенс)ни йўлга қўйиш;

- халқаро амалиёт асносида банк бошқарувининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш, шу жумладан банк фаолиятининг сифатини баҳолашга хизмат қилувчи “асосий фаолият параметрлари”ни белгилаш ва жорий этиш;

- молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини тўлиқ жорий этиш, миноритар акциядорлар, мижозлар ва бошқа манфаатдор шахсларга банк маълумотлар базаси тегишли даражада ошкор этилишини таъминлаш.

б) банк хизматлари сифатини ошириш ва турларини кенгайтириш:

- бизнес жараёнларини оптималлаштириш ва халқаро менежмент сифати стандартларини жорий этиш;

- рискларни бошқариш тизимини такомиллаштириш негизида кредитлар ажратиш тартибини соддалаштириш;

- мижозларга (молиявий консалтинг, инвестицион банкинг, факторинг, лойиҳаларни молиялаштириш, лизинг ва бошқа) тизимли банк хизматларини тақдим этиш.

в) замонавий рақамли технологияларни жорий этиш:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан контактсиз тўловлар сони ва қамровини ошириш;

- автоматлаштирилган скоринг тизими, рақамли идентификация ва кредит конвейеридан кенг фойдаланиш;

- банк маълумотлари ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини таъминлаш;

- банк секторига янги технологияларни жорий этиш (маркетплейс, рақамли банкинг ва бошқа).

г) инсон ресурсларини ривожлантириш:

- ходимларни корпоратив бошқариш стратегиясини такомиллаштириш;


- банк ходимларини узлуксиз тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш;

- ходимларнинг фаолиятини баҳолаш (KPI, бонус) асосида меҳнатга лойиқ даражадаги ҳақ тўлаш тизимларига ўтиш каби устувор йўналишларда амалга оширилмоқда [9].

Ривожланган мамлакатлар банклари Банк 3.0 ва Банк 4.0 концепцияси, халқаро стандартларга мос келиши ва жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш учун бизнес-жараёни модели ўзгартирилишини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи назардан алоҳида қайд этиш лозимки, таклиф этилаётган банк бизнес модели трансформацияси молия-кредит муассасасининг қиймат занжирини қайта қўриб чиқиш заруратини юзага келтиради (2- чизма).

2-чизма.

Ташкилий-марказлашган ва мижозга йўналтирилган банк бизнес моделларининг солиштирма таҳлили



*Муаллиф томонидан бизнес жараёнларини моделлаштириш концепциясининг синтези асосида тузилган.

2-чизмада банк бизнес жараёнларини қуришнинг анъанавий ва янги моделларининг солиштирма таҳлили келтирилган. Ташкилий ва мижозга йўналтирилганликни таққослаш нуқтаи назаридан шунини таъкидлаш лозимки, мижозга йўналтирилган бошқарув модели ҳозирги кунда нафақат молиявий сектор институтлари, балки тижорат субъектлари томонидан ҳам кенг қўлланилмоқда. Шунга асосланиб, таъкидлаш лозимки, биз мижозга

йўналтирилган ушбу концепциянинг асосий қоидаларини кўриб чиқишимиз мақсадга мувофиқдир.

Банклар анъанавий тарзда ўз хизматлари сифатини ошириш, янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали мижозларни жалб қилишга эътибор қаратаётган бўлса, иккинчидан, навбатдаги вазифа сифатида хизматлар дистрибуцияси, уларни кўрсатиш, тарқатиш, янги мижозларни жалб этишга йўналтирилиши муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳозирда жадал кечаётган глобал шароитда кўплаб банклар ўз стратегияларида мижозларга йўналтирилган бизнес моделига ўтишни биринчи ўринга қўймоқда, яъни мижозни доимий равишда барча фаолиятнинг марказига қўядиган моделни раво кўришмоқда [10]. Ушбу стратегияга асосланган бошқарув қарори рақобат даражасини ошириш, мижозлар эҳтиёжларини қондиришга қаратилган бошқа омилларни ҳам камраб олади.

Ҳозирги вақтга келиб, молиявий хизматлар истеъмолчилари рақобатчиларнинг афзалликларини анча яхши билишади ва уларнинг эҳтиёжлари жуда юқори эканлигини тасавур этишади. Биринчи омилга келсак, бу ўринда, ҳатто иқтисодчи Габлер томонидан ушбу йўналишда янги концепция яратилган бўлиб, унда “homo oeconomicus”, яъни унга кўрсатилаётган хизматлар сифатига максимал талабларни қўядиган “ўта оқилона хулқ-атворга эга” шахс назарда тутилган [11].

Банкларда бу мақсадли фаолият турли даражада намоён бўлишини кузатиш мумкин. Бугунги кунда cashierless (кассирсиз) банкни [12] ривожлантириш анъанаси дунёнинг аксарият мамлакатларида кенг тарқалмоқда. Бу, биринчи навбатда, фойдаланувчилар масофавий хизматларни афзал кўришлари ёки хизматларнинг барча спектрини мустақил равишда бошқариш мумкин бўлган рақамли банкларни танлашлари билан боғлиқликда кечишини келтириб ўтиш лозим.

Агар банклар амалий тажрибадан ўтган, содда сценарийга асосланган анъанавий бошқарув тамойиллари ҳамда оммавий ахборот восита (телевидение, радио, газета ва журнал)ларда ўз аксини топган рекламалар таъсирида бўлган бўлса, эндиликда эса, улар аллақачон оффлайн фаолияти дарҳол онлайн тарзида акс эттириладиган дунёда фаолият юритмоқда. Шу сабабли, ушбу икки жабҳада ўз мижозларининг содиқлик даражасини барқарор равишда сақлаб туриши мақсадга мувофиқдир.

Шуни келтириб ўтиш лозимки, бу жараёнда тақдим этилаётган анъанавий хизматлар даражаси нақд пулдан фойдаланиш даражасига

мутаносибдир. Бу ҳолатдан кўриниб турибдики, пировардида бу анъана муомаладаги нақд пул миқдорини камайтиришга йўналтирилган. Шунга кўра, банклар ўз операцияларини виртуал майдонга ўтказишлари, хусусан, бевосита мулоқот офисларини қисқартириши ва виртуал офисларни яратиши билан шуғулланмоқда. Шунингдек янги хизмат кўрсатиш соҳаларини кучайтириши ўз навбатида нақд пулга сотиб олинган товар (кўрсатилган хизмат, бажарилган иш)лар учун тўловлар мақбул бўлган бошқа усуллар билан алмаштирилмоқда.

Албатта, бу шароитда нақд пулсиз хизматларнинг функционалиги биров бошқача тарзда кечиши кузатилади. Бу ўринда таъкидлаш лозимки, ўз-ўзига хизмат кўрсатиш зоналарида мижоз қуйидаги, яъни:

- банк муомаласи бўйича онлайн видеомаслаҳат олиш;
- банк тўлов картаси ёки сертификатини олиш;
- мижоз ҳисобварақлари бўйича операцияларни банк веб-сайти орқали (Microsoft Internet Explorer, Mozilla FireFox каби стандарт Интернет-браузерлар ёрдамида) амалга ошириш;
- миллий валютада нақд пул олиш каби хизматлардан фойдаланиши мумкин.

Шундай қилиб, муайян банк, масалан, супермаркетлар ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга оширадиган бошқа субъектлар билан ўзаро ҳамкорлик стратегияларини ишлаб чиқиши ва рақамли иқтисодиётнинг инновацион жараёнларини таъминлаш учун тегишли технологияларни ишлаб чиқиши ҳамда қўллаши талаб этилади. Бундан ташқари улар ўз мижозларининг талабларини қондиришлари борасида янги ғояларни излашлари ва амалга оширишлари ҳам зарурлиги кузатилмоқда.

Янги технологиялар банк харажатларини камайтириши мумкин, шунингдек молиявий технология компаниялари билан бозорда рақобатлашишга кўмак беради. Бироқ янги технологияларни жорий қилишда банклар янги, яъни: эски бошқарув ва операцион моделлардан фойдаланган ҳолда янги концепция доирасида ишлай олмаслик муаммосига дуч келишмоқда. Шундай қилиб, мавжуд банк моделлари (шу жумладан бизнес жараёни моделлари, бошқарув тизимлари ва операцион моделлар) кенг кўламли рақамли трансформация учун мос эмас деган хулосага келиш мумкин [13].

Баъзи муаллифлар [14] рақамлаштириш асосий анъана деб ҳисоблашмоқда ҳамда банк 3.0 га ўтишга устуворлик беришмоқда. Шу билан бирга, уларнинг таъкидлашларича, бу ҳолда биз онлайн режимга ўтиш

стратегияси ҳақида эмас, балки бутун бизнесни ўзгартириш ҳақида мулоҳаза қилишимиз тўғри бўлади.

Рақамли трансформация деганда ривожланиш стратегиясини, бошқарув тизимини, ташкилий тузилмани ва корпоратив маданиятни мутлоқ тўлиқ ўзгартириш, шунингдек фаолиятни амалга оширишнинг янги турлари ва усуллари қўллаш, мавжуд бизнес жараёнларини қайта форматлаш тушунилади. Шу сабабли рақамли трансформация бизнесга инновацион технологияларни жорий этишни назарда тутган автоматлаштиришдан анча кенгрокдир.

Голландиянинг ING банк гуруҳининг трансформация тажрибасига бағишланган мақолада [15], трансформациялар А дан Б га ўтиш Д йўналиши бўйича ривожланиш истиқболлари билан С га эришиш орқали давом этади, деган фикр келтирилади.

Бундай ҳолатда, банклар глобал ташқи муҳит таъсирида трансформацияларни амалга оширишда комплекс, тизимли ёндашувдан фойдаланишлари керак деган фикрга қўшилиш мумкин. Ушбу мақсадлар учун менежмент ва консалтингда маълумотнома ва мос ёзувларга асосланган моделлар кенг қўлланилади [16].

Шу нуқтаи назардан банк фаолиятига ёки унинг алоҳида бўлинмасининг фаолиятига, бизнес жараёнларига, бошқарув тизимига оид схемалар, амалиётлар, қарорлар ва норматив ҳужжатлар тавсифларининг тизимли тўплами сифатида қараш мумкин. Шундай қилиб, типик модель банк (банклар) тажрибасини жамлаш ва тизимлаштиришни назарда тутган маълумотлар базаси ҳисобланади [18].

Бундан ташқари, соҳа ва тармоққа мансублигидан қатъий назар, ташкилотдаги зарур жараёнлар мажмуи сифатида етакчи консалтинг ва тижорат ташкилотларининг эксперт хулосаси асосида яратилган «эталон модель» тушунчаси ҳам мавжуд. Бу иқтисодий фаолиятнинг турли соҳаларида бизнесни бошқаришнинг илғор халқаро тажрибасини тизимли умумлаштириш ҳисобланади.

Банкларда замонавий рақамли технологияларни жорий этиш соҳасида кечаётган трансформация жараёнида қуйидаги, яъни:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловларга асосланган хизматлар сони ва қамровини кенгайтириш;
- скоринг тизими, масофавий идентификация ва кредит конвейерларидан кенг фойдаланиш;
- банк ахборот базаси ва тизимларининг ахборот хавфсизлигини

мустаҳкамлаш;


- банк секторига моҳиятан янги тушунча ва технологияларни кенг жорий этиш (молиявий технология, рақамли банкинг ва бошқалар) чоратадбирларни амалга ошириш режалаштирилган.

Юқорида келтириб ўтилган саъй-ҳаракатлар мамлакатимизда рақамли иқтисодий қарор топтириш, миллий иқтисодийнинг барқарор ўсишини таъминлаш, банк хизматларини рақамлаштириш, иқтисодий ривожланган давлатлар қатори жаҳон иқтисодий ва эркин бозорга интеграциялашувни жадаллаштиришга қаратилган.

2019-2023 йиллар учун йил бошидаги банклар сонининг динамикаси 4-диаграммада келтирилган.

4-диаграмма.

Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган банклар сонининг 2019-2023 йиллардаги динамикаси*



*Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари асосида ишлаб чиқилди.
// <https://cbu.uz/ru/statistics/>

Бугунги кунда Ўзбекистондаги тижорат банклари мижозларга хизмат кўрсатишни соддалаштириш йўлида ўз бизнесларини фаол равишда ўзгартириб, мижозлар банки ёки мобил иловалар каби масофавий хизмат кўрсатиш каналларига эътибор қаратмоқда.

Ўзбекистонда фаолият юритаётган тижорат банклари давлат акциялари пакетини тегишли тажриба ва малакага эга бўлган стратегик инвесторларга сотиш орқали банк секторидаги давлат улушини минималлаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўрмоқда. Шу билан бирга мамлакатимизда замонавий банк стандартларини жорий этиш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш, рақамли технологиялар соҳасида замонавий ечимларни жорий этиш, мижозларга хизмат кўрсатиш каналларини оптималлаштиришни ўз ичига олган комплекс трансформация дастури амалга оширилмоқда.

Ҳозирда банкларнинг корпоратив мижозлари ўз тўловларининг 85 фоизини масофадан туриб амалга оширмоқдалар (бу кўрсаткич, 2017 йилдагига нисбатан 7 баробарга ортганлигини алоҳида келтириб ўтиш ўринлидир). Саккизта банк рақамли идентификация механизмидан (Face ID) фойдаланишни йўлга қўйган бўлса, қолганларида эса, тест жараёни якунига етмоқда.


Халқаро молия корпорацияси (International Finance Corporation- IFC), Европа тикланиш ва тараққиёт банки (European Bank for Reconstruction and Development – EBRD), Осиё тараққиёт банки (Asian Development Bank –ADB) каби халқаро молия институтлари, шунингдек, KPMG, PwC, McKinsey, Finextra каби консалтинг компаниялари мамлакатимиз банклари трансформацияси жараёнларида фаол иштирок этишмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, иқтисодиёт субъектлари трансформацияси методологияси ҳақида мулоҳаза билдирилганда, шуни таъкидлаш мумкинки, ташқи муҳитдаги ўзгаришларнинг таркибий тузилиши таъсирига дуч келган ҳолда, ҳозирги вақтда ташкилотда мавжуд муаммоларни аниқлашга ёрдам берадиган профессионал маслаҳатчига мурожаат қилинади, у бизнес эгаси билан эришмоқчи бўлган вазиятни аниқлаштиради, сўнгра иқтисодий тузилмани оптималлаштириш режасини тузади.

Ушбу моделни ташкил этувчи омиллар орасида қуйидаги, яъни: ҳақиқийлик, очиқлик, ўз-ўзини билишни ривожлантириш, шахсий ўзига хос қиймат, ноаниқликка тоқат қилиш, ўз масъулиятини англаш, бошқа одамлар билан муносабатлари чуқурлиги, реал мақсадларни қўйиш каби омилларни аниқлаштириш мумкин. Ушбу жараённи соддалаштириш учун маслаҳатчи субъект фаолияти бўйича мос ёзувлар моделидан фойдаланади (6-чизма).

6-чизма.

Эталон моделлар ёрдамида глобал муҳит таъсирида банк концепциясини ўзгартириш*



*Муаллиф томонидан умуман бизнес жараёнларини моделлаштириш концепциясининг синтези асосида тузилган..

6-чизмада банкнинг маълум бир муайян мамлакатда кўпчилик банклари мавжуд бўлган Банк 2.0 концепциясидан Банк 3.0 концепциясига ўтиши мос ёзувлар моделига асосланишини кўрсатмоқда. Бунда глобал беқарор муҳит банкнинг локал ташқи муҳити орқали таъсир қилишини кўриш мумкин.

Бироқ, банкни амалий бошқариш контекстида банкларга таъсир қилиш механизмини тасдиқлаш, таклиф этилаётган методологияга кўра, банк трансформациясини амалга оширишда (хусусан, ўзгаришларни бошқаришда), масалан, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш учун, биринчи навбатда, жорий комплекс бизнес модели тузилиши, кейин эса, амалиётга жорий этилиши, сўнгра бир моделни бошқасига алмаштириш режаси ишлаб чиқиши талаб этилади [18].

Ўз навбатида, мураккаб бизнес моделларини ишлаб чиқишда банкларга стандарт интеграциялашган бизнес моделдан фойдаланиш тавсия этилади. Бизнинг фикримизча, ушбу концепция “банкнинг барқарор ва узоқ муддатли ривожланиши” методологияси сифатида ўзини оқлайди, бироқ, банкнинг глобал муҳит таъсирида кечаётган трансформацияси шароитида бугунги кунда ўзига хос методологияни шакллантириш ва қўллаш, пировардида бошқа мос модел ишлаб чиқишини талаб этади.

Хулоса ва таклифлар

Глобал беқарор муҳит таъсирида кечаётган банк трансформацияси

жараёнига тегишли назарий тадқиқотлар қуйидаги хулосаларни шакллантириш имконини берди:

биринчидан, саноат жамиятидан рақамли жамиятга ўтиш шароитида банк трансформацияси қонуниятлари ва ўзига хос жиҳатлари аниқланди, моҳиятан банкнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги янги роли белгиланди, унинг молиявий воситачи сифатида молия институтидаги ўрни технология компаниялари рақобатининг кучайиши силсиласида етакчиликка таҳдид нуқтаи назаридан таҳлил қилинди, банк фаолиятининг функциялари ўзига хослиги нуқтаи назаридан келиб чиқиб, умумлаштирилди;

иккинчидан, фикримизча, замонавий банк – бу муайян фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга, ўхшаш функцияларни бажарадиган ёки бир хил истеъмол сегментига эга бўлган ўз миқдорлари билан фаол мулоқот ва ҳамкорликни амалга оширувчи технологик компания эканлиги таъкидланди;

учинчидан, таҳлил натижаларига кўра, глобал беқарор муҳит тавфсифланди, хусусан, банк бошқарувига нисбатан, ташқи муҳит омиллари мажмуи сифатида, улар иқтисодиёт субъектларига ижобий ва салбий таъсири аниқлаштирилди, бу жараёнда қатор имкониятлар юзага келиши баробарида, бевосита риск омиллари билан кечиши таъкидланди;

тўртинчидан, банк фаолиятининг концептуал асослари ва уларга хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи-олимлари томонидан берилган ёндашувлар таҳлили амалга оширилиб, уларнинг муаллифлик хусусиятлари аниқланди.

Хулоса тарзида шуни таъкидлаш лозимки, банк трансформацияси парадигмасига давлат назорат органлари, иқтисодиётни рақамлаштириш даражаси, банклардаги корпоратив маданият ва банк фаолиятини босқичма-босқич ривожлантириш бўйича аниқ стратегиянинг мавжудлиги кучли таъсир кўрсатади. Истиқболда молиявий институтларнинг, хусусан, банклар фаолияти муваффақияти бевосита рақамлаштириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида, 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сон. [//https://lex.uz/docs/4811037](https://lex.uz/docs/4811037).

2. Грибанов Ю. И. Цифровая трансформация социально-экономических систем на основе развития института сервисной интеграции:

дис. ... д-ра экон. наук. СПб., 2019. -355 с.;

3. Демина Е.И., Гребенюк Т.Г., Телегин А.В. Проблемы банковского обслуживания юридических и физических лиц. // Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований. - 2016. - № 7-3. - С. 450-453.

4. Кривошапова С.В., Латвин Е.А. Актуальные проблемы и перспективы развития расчетно-кассовых операций клиентов кредитными организациями РФ. //Электронный научно-практический журнал «Современные научные исследования и инновации»// <https://web.snauka.ru/issues/2014/11/41074>.

5. Васильева, Т.А. Концепция банк. 3.0: Глобальные тенденции и последствия // Open Journal Systems. [Электронный ресурс]. - URL: <http://fkd.org.ua/article/view/107714/105099>.

6. Азларова, А., & Рахматуллаева, М. (2022). Трансформация банковского сектора – неотъемлемая часть процесса становления цифровой экономики в Республике Узбекистан. Наука и научный потенциал: основа устойчивого инновационного развития общества, 1(1), 34–37.// <https://doi.org/10.47689/inlibrary-sspbsids-2022>

7. Мирзаев Ф.И. Концептуальные основы формирования банковской конкуренции в Узбекистане: Автореферат дис. на соис. уч. степ. доктора экономических наук. -Т., 2011. -38 с.

8. Бердияров Б.Т. Доходность активных операций коммерческих банков: Автореферат дис. на соис. уч. степ. кандидата экономических наук. - Т., 2002. -20 с.

9. Эрдонаев А. Теоретические основы трансформации коммерческих банков. // «Рынок, деньги и кредит» ежемесячный экономический научно-практический журнал, 4/2023. С.-3-11.

10. 2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги “2020 - 2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида” ПФ-5992-сон Фармонининг 1-иловаси. // <https://lex.uz/docs/4811037>.

11. Внимание к клиенту – основа работы: в Сбербанке рассказали о принципах клиентоцентричности - РИАМО (riamo.ru). // <https://riamo.ru/article/288179>.

12. Gabler, W. Homo economicus [Электронный ресурс]. – URL: <http://wirtschaftslexikon.gabler.de/Definition/homo-oeconomicus.html>.

13. Трансформация банковских услуг в условиях глобальной неустойчивой среды. // <https://minfin.com.ua/2021/04/01/62394387/>

14. Пустовалова Ф.А., Федоскина Е.П. Диджитализация как основная тенденция банка 3.0 // Направления развития банковского сектора в новых экономических условиях: сб. работ студентов, магистрантов и аспирантов / под ред. Н.Э. Соколинской, В.Е. Косарева. М.: Русайнс, 2017. С-75 (С. 174-181).

15. Цифровая трансформация бизнеса: как и зачем меняться в digital-eru// <https://vc.ru/flood/42092-cifrovaya-transformaciya-biznesa-kak-izachem-menyatsya-v-digital-eru>

16. Опыт трансформации банковской группы ING. // <http://ibcm.biz/>.

17. Исаев, Р.А. Референтные (типовые) модели банковской деятельности. // <https://www.src-master.ru/article/25518.html>

18. Ляндау, Ю.В., Пономарев, М.А. Концепции моделирования бизнес-процессов // Вестник ИжГТУ. – 2013. - № 2(58). С. 85 (– С. 84-87).

19. Исаев, Р.А. Бизнес-модель коммерческого банка. // https://www.cfin.ru/management/practice/bank_bmodel.Shtml.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ АКТИВЛАРИ ЛИКВИДЛИЛИГИНИ ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович



*иқтисодиёт фанлари доктори
банк иши кафедраси доценти
Тошкент молия институти
Email:boburbekizbosarov@gmail.com
ORCID.org/0000-0002-0763-073X*

Аннотация:

Ушбу мақолада банк активлари ликвидлилигини таъминлашда марказий банкнинг ўрни, тижорат банклари капиталининг ҳолати уларнинг ликвидлигига таъсири тадқиқ этилган. Активлар ликвидлиги, депозитлар ва банкларга маблағлар таъсири эконометрик усуллар орқали таҳлил қилинган. Мақолада банк активлари ликвидлигига тижорат банклари маблағлари, марказий банк томонидан ўрнатилган меъёрий кўрсаткичлар, марказий банкнинг монетар сиёсат инструментлари таъсири эконометрик моделлардан фойдаланган ҳолда тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: тижорат банклари, банк активлари, активлар ликвидлиги, тижорат банки ликвидлиги, тўловга қобилиятлилик, молиявий барқарорлик, депозит, мажбурият, ликвидлилик rischi, мажбурий захира, қайта молиялаш.

ВОПРОСЫ ПОВЫШЕНИЯ ЛИКВИДНОСТИ АКТИВОВ КОММЕРЧЕСКИХ БАНКОВ В УЗБЕКИСТАНЕ

Избосаров Бобуржон Бахриддинович

*докт. экон. наук
доцент кафедры банковского дела
Ташкентский финансовый институт
Email:boburbekizbosarov@gmail.com
ORCID.org/0000-0002-0763-073X*

Аннотация

В статье рассматривается роль центрального банка в обеспечении ликвидности банковских активов, влияние капитала коммерческих банков на их ликвидность. С использованием эконометрических методов исследовалось влияние на банки ликвидности активов, депозитов и денежных средств. В статье с использованием эконометрических моделей рассматривается влияние капитала коммерческих банков, банковских регуляторов и инструментов денежно-кредитной политики Центрального банка на ликвидность банковских активов.

Ключевые слова: коммерческие банки, активы банка, ликвидность активов, ликвидность коммерческого банка, платежеспособность, финансовая устойчивость, депозит, обязательство, риск ликвидности, резервные требования, рефинансирование.

WAYS TO INCREASE THE LIQUIDITY OF COMMERCIAL BANKS' ASSETS IN UZBEKISTAN

Izbosarov Boburjon Bakhriddinovich

doc. econ. sciences

Associate Professor of the

Department of Banking

Tashkent Institute of Financel

Email:boburbekizbosarov@gmail.com

ORCID.org/0000-0002-0763-073X

Abstract

The article examines the role of the central bank in ensuring the liquidity of banking assets, the influence of the capital of commercial banks on their liquidity. Using econometric methods, the impact on banks of liquidity of assets, deposits and cash was studied. Using econometric models, the article examines the impact of the capital of commercial banks, banking regulators and monetary policy instruments of the Central Bank on the liquidity of banking assets.

Key words: commercial banks, bank assets, asset liquidity, commercial bank liquidity, solvency, financial stability, deposit, liability, liquidity risk, reserve requirements, refinancing.

Кириш

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида бозор иқтисодиётига хос бўлган

икки поғонали банк тизими шакллантирилди, айти пайтда ушбу тизим мунтазам равишда такомиллаштирилмоқда. Бозор иқтисодиётида доимо “рақобат” деган бозор унсури фаолият кўрсатади. Иқтисодий рақобат йўлида банкларнинг муҳим вазифаларидан бири – ўз мижозлари ва контрагентлари олдидаги мажбуриятларини бажара олиш қобилиятидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 8 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармониға мувофиқ, тижорат банклари активларининг сифатини ошириш ва уларнинг ликвидлилигини таъминлаш, банкларнинг капиталлашув даражаси, молиявий барқарорлигини ошириш устувор йўналишлар сифатида белгилаб берилди [1]. Сўнгги йилларда аҳолининг банкларға бўлган ишончини янада мустаҳкамлаш, банк активлари ликвидлилиги, тўловға қобилиятлилиги ва барқарорлигини таъминлаш борасида улкан ишлар амалға оширилиб келинмоқда.

Банк активлари ликвидлилиги – тижорат банклари активларининг қанчалик даражада тез пул маблағиға айланиши ва шу орқали банкнинг барча пул мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ ва узлуксиз бажарилишини таъминлаш, унинг ишончилиги ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ маблағларнинг етарлилигини белгилайди.

Банк активлари ликвидлилиги тижорат банкларининг депозиторлари, кредиторлари ва акциядорлари олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажарилишини, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш, кредит бериш ва инвестицион фаолиятини ривожлантириш қобилиятидир.

Шунингдек, (Basel Committee on Banking Supervision. (2021) банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитасининг Базель-3 талабларига асосан, банк активлари ликвидлилигига, жумладан, тижорат банклари ликвидлилигига алоҳида эътибор қаратилган [4]. Халқаро Базель қўмитасининг тавсияларига асосан тижорат банклари ликвидлилигини баҳолашда янги меъерий кўрсаткичлар жорий қилинди. Жумладан, жорий ликвидлилик ва левераж кўрсаткичидан ташқари тижорат банклари учун – ликвидлиликни қоплаш меъерий коэффиценти ва соф барқарорлаштириш меъерий коэффиценти жорий қилинди. Марказий банк тижорат банклари томонидан ушбу меъерларни бажарилишини таъминлаш орқали банкларнинг ликвидлилиги ҳамда банк активларининг ликвидлилигини ўрнатилган меъер даражасида назорат қилиш имкони мавжуд бўлади.

Банк активлари ликвидлиги барқарор бўлиши банк мижозларининг банкка бўлган ишончини ортишига ва шу орқали банк тизимида молиявий маблағларнинг оқимини кенгайтишига олиб келади. Банк активлари ликвидлиги нобарқарор бўлган ҳолатда мижозларнинг банкларга бўлган ишончи камайиб, улар ўз маблағларини банклардан олиб чиқиб кетишига сабаб бўлади. Бу эса, иқтисодиётда банкдан ташқари айланмаларни ошишига олиб келади.

Шу сабабли ҳам банк активлари ликвидлигига таъсир қилувчи омилларни ўрганиб чиқиш лозим. Ҳар бир омилнинг банк активлари ликвидлигига таъсири қандай даражада эканлиги, қайси омилларни ўзгартириш орқали энг яхши натижаларга эришиш мумкинлиги бўйича аниқ таҳлилларни амалга ошириш керак бўлади.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда банк активлари ликвидлигига иқтисодчилар томонидан деярли бир хил таъриф берилади. Жумладан, банк активлари ликвидлиги (Yensu Joseph, Hadrat Yusuf, 2021) банк активларининг тез пулга айланиш даражасидир [2]. Бунга, пул бозори орқали банклар ўртасида маблағларни қайта тақсимлаш орқали эришилади. Маълумки, банк активлари ликвидлиги асосан активлар сифатига узвий боғлиқ бўлади. Банк активлари ликвидлигини бошқаришга ички ва ташқи омиллар таъсир қилади.

Ички омиллар қуйидагилардан иборат:

банк активларининг сифати;

депозитлар сифати;

ташқи манбаларга қарамлик даражаси;

актив ва мажбуриятларнинг муддатлар бўйича мувофиқлиги;

банкнинг имиджи;

банк менежменти сифати.

Тижорат банкининг ҳолати, юқорида қайд этилганидек, нафақат ички, балки бир қатор ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг асосийлари қуйидагилардан иборат:

мамлакатдаги умумий иқтисодий ва сиёсий вазият;

қимматли қоғозлар бозори ва банклараро бозорнинг ривожланиш даражаси;

марказий банкнинг қайта молиялаштириш тизимини ташкил қилинганлик даражаси;

марказий банк назорат функцияларининг самарадорлиги.

Банк бошқаруви (Marozova, 2015) тўғрисида изланишлар олиб борилган бўлиб, банк активлари ликвидлилиги банкнинг вакил банклардан ва Федерал захира тизимидан нақд пулларни жалб қила олиш қобилияти бўлиб, бу жараёнга потенциал ликвид активларни, федерал маблағларни сотиб олиш, янги депозит сертификатларини, акцияларини, евродолларни ва қарз мажбуриятларини муомалага киритиш қобилияти киради деб таъриф берган [8].

Банк бошқаруви ва банк томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматлар (Farag, Harland, va Nixon, (2013) тўғрисида изланишларда эса банк активлари ликвидлилигига қулай баҳода, талаб қилинган миқдорда ва керакли вақтда ликвид активларни топа олиш қобилияти деб таъриф берилган [5].

Россия банк активлари ликвидлилик муаммолари (Vodova, 2013) тўғрисида ҳам изланишлар олиб борилган бўлиб, ликвидлилик муаммоларининг келиб чиқиши, унга таъсир қилувчи омиллар ҳамда ликвидлилик муаммосидан чиқиш йўллари ўрганилган, банк ликвидлилиги тўғрисида ўз вақтида ва энг кам харажат билан банкнинг ўз мажбуриятларини ва мижозларнинг кредит бўйича талабларини бажариш қобилияти дея таъриф берилган [9].

Россия банклари ликвидлилигини қандай қилиб тиклаш (Прокофьева, 2019) бўйича ҳам изланишлар олиб борилган бўлиб, ўз тадқиқотида банк ликвидлилигига таъсир қилувчи омилларни ички ва ташқи ўлароқ иккига ўрганган, ҳамда банк ликвидлилиги тушунчасига янада кенгроқ ёндашган ҳолда банкнинг қарз, молиявий ва балансдан ташқари мажбуриятларини бажара олиш қобилияти деб таъриф берган [6].

Тижорат банкларида молиявий бошқарув (Nair, Anand, 2020) тўғрисида ҳам изланишлар олиб борилган бўлиб, унда банкларнинг ликвидлилиги, кутилмаган ўзгаришлар банкка ликвидлилик муаммосини келтириб чиқариши, банк мажбуриятлари таркибида депозитларнинг тутган аҳамияти билан бирга мижозларнинг кредитларга бўлган талабларини қондириш ҳам ўрганилган, ҳамда банк ликвидлилиги асосан депозитлар ва кредитларга бўлган талабни қондиришга, лаёқатли бўлиши учун керак деб изоҳлаган [10].

Россиялик иқтисодчи олимлардан (Абдуллазанова, Калачева 2020) банк активлари ликвидлилигига асосий эътибор қаратган ҳолда амалда банк ликвидлилик талабини доимо мавжуд активлари ҳисобига эмас, балки банклараро кредит ресурслари бозоридан ресурс жалб этган ҳолда ҳам

бажариши мумкинлиги тўғрисида айтади ва банк ликвидлилиги умумлашган кўрсаткичлардан бири бўлиб, банк фаолияти ишончилигини кўрсатади ҳамда агар мижозлар олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида ва ҳеч қандай йўқотишларсиз бажара олса, банк ликвид ҳисобланади дея таъриф беради [7].

Банк бошқаруви доирасида банк активлари ликвидлилигини бошқариш (Bakhriddin Berdiyarov (2021) бўйича ёзилган мақолада ҳам банк активлари ликвидлилигини бошқаришнинг мавжуд стратегиялари ёритиб берилган [3]. Ушбу мақолада ликвидлиликни бошқариш активларни бошқариш, фақат пасивларни бошқариш ҳамда бир вақтнинг ўзида иккала, яъни активларни ва пасивларни бошқаришга асосланганлиги кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, ҳар бир назорат усуллари ўзининг афзалликлари ва камчиликларига эга эканлигини инобатга олиб, ҳар бир банк кўрсатаётган операциялари характеридан келиб чиққан ҳолда қўлланиши тўғрисида фикр билдирилган.

Банк активлари ликвидлилигини бошқариш (Nure, 2019) бўйича ёзилган мақолада ҳам банк тизими фаолиятида ликвидлилик муаммолари юзага келганда, ликвидлиликни бошқаришнинг бир қатор усуллари ишлаб чиқилганлиги тўғрисида таъкидлаб ўтилган [11]. Унга кўра ҳам ликвидлиликни бошқариш активларни, пасивларни ёки ҳар иккала инструментни бир вақтнинг ўзида бошқаришга асосланиши ёритилганини кўришимиз мумкин. Шунингдек, активларни бошқариш орқали ликвидлиликни бошқариш усули нисбатан қадимийроқ усул эканлиги, бу усулга мувофиқ банк активларни тез сотиладиган қимматли қоғозларга жойлаштиришни назарда тутишини, агар, ликвид маблағларга талаб юзага келадиган бўлса банк нақд пулларга бўлган талабни қондиргунча ўз активларини сотишини таъкидлаб ўтган.

Банк ликвидлилиги бўйича рискларнинг ортишига таъсир қилувчи бир қанча омиллар мавжудки, бу омиллар банк ликвидлилигига алоҳида аҳамият беришни ва банк ликвидлилиги бўйича рискни доимий равишда кузатиб боришни талаб қилади. Шу сабабли банклар ўз даромадидан кечиб бўлса ҳам, ликвидлиликни сақлаб туришга мажбур.

Ўз навбатида, ресурслар банкларнинг даромадлигини ошириш мақсадига йўналтирилса, унда бу банкнинг ликвидлилигига таъсир кўрсатади. Демак, банкларнинг ликвидлилиги ва даромадлиги ўзаро тескари мутаносибликда намоён бўлади.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида таъкидланганидек, банк активлари ликвидлилиги асосан

активларнинг сифати ва риск даражасига узвий боғлиқ бўлади. Банк активлари ликвидлиги – бу банк томонидан жорий ва келажақдаги мажбурият ва тўловларини ҳамда кредит бўйича мижозларнинг талабларини ўз вақтида бажариш мақсадида керакли вақтда ва миқдорда, зарар кўрмасдан активларни тезда пул маблағига айлантира олиш қобилиятидир.

Банк активлари ликвидлигини, бу орқали эса банк тизими ликвидлигини таъминлашда марказий банклар муҳим роль ўйнайди. Улар ўзларининг монетар сиёсат инструментлари орқали банкларнинг ликвидлигига таъсир қилади, тижорат банклари учун ликвидлик меъёрларини белгилайди ва уни бажарилиши устидан мониторинг ўрнатади.

Энди, Ўзбекистон банк тизими асосий кўрсаткичларини таҳлилин ва ушбу кўрсаткичларни банк активлари ликвидлигига таъсирини яъни, тижорат банклари активлар сифати, ўз маблағлари ва депозитларнинг тижорат банклари ликвидлигига таъсирини ўрганиб чиқамиз.

Биз тадқиқ қилаётган 6 та тижорат банкининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қиламиз ва бу кўрсаткичларнинг банк активлари ликвидлигига таъсирини кўриб чиқамиз. Ушбу 6 та тижорат банкларининг жами активлари банк тизимининг 60%дан юқори активларини ташкил этмоқда. Бу банкларнинг асосий кўрсаткичлари бўйича олинган натижалар республика банк тизими ҳолати бўйича хулоса қилишга асос бўлади деб ҳисоблаймиз. Демак, ушбу банкларнинг активлар сифати, депозитлари ва ўз маблағлари ўзгариши тижорат банклари ликвидли активларининг улушини ўзгаришига канчалик таъсир кўрсатиши банк тизими бўйича ушбу кўрсаткичларнинг таъсири бўйича хулоса қилишга асос бўлади.

Даромад келтирувчи активларнинг жами балансидаги улуши (X1), даромад келтирмайдиган активларнинг жами балансидаги улуши (X2), депозитларнинг жами балансидаги улуши (X3), ўз маблағларининг жами балансидаги улушининг (X4) ўзгариши ликвидли активларнинг жами балансидаги улушнинг (Y) ўзгаришига боғлиқлигини кўриб чиқиш мақсадида корреляцион-регрессион таҳлилни амалга оширамиз.

<i>Регрессион таҳлил</i>	
Кўплик R	0,983773
R-квадрат	0,967809
Меъёрлашган R-квадрат	0,967178
Стандарт хатолик	0,040235
Кузатувлар	209

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, кузатувлар сони 209 тани ташкил этгани ҳолда, $R^2 = 0.9678$ га тенг бўлди. Бу эса юқори аниқликдаги аппроксимация эканлигини кўрсатади ҳамда ушбу модел жараёни тўлиқ ифода этганлигини англатади.

Дисперсион таҳлил					
	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Аҳамиятлиги F</i>
Регрессия	4	9,928456	2,482114	1533,28316	6,1373E-151
Қолдиқ	204	0,33024	0,001619		
Жами	208	10,2587			

Дисперсион таҳлилда биз эътибор берадиган жиҳат бу *F* (Фишер коэффициенти) тести ҳисобланади. Таҳлил маънога эга бўлиши ва ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқлик мавжудлигини кўрсатувчи коэффициент ҳисобланади. Ушбу коэффициент 0,05 кўрсаткичдан кам бўлса, таҳлил маънога эга булади. Бизнинг таҳлилда, ушбу коэффициент 0,05 дан анча камлигини кўришимиз мумкин.

	<i>Кoeffициентлар</i>	<i>Стандарт хатолик</i>	<i>t-статистика</i>	<i>“R” Аҳамияти</i>	<i>Қуйи 95%</i>	<i>Юқори 95%</i>	<i>Қуйи 95,0%</i>	<i>Юқори 95,0%</i>
Ҳ-ўзгарувчи	1,022343	0,021319	47,9556	4,91E-113	0,98031	1,064376	0,98030995	1,064375769
0,6264	-0,97697	0,019105	-51,136	2,73E-118	1,014639	-0,939301	1,01463868	-0,9393005
0,073999	-0,97175	0,044484	-21,845	2,581E-55	1,059456	-0,88404	1,05945634	0,88404007
0,314294	-0,0051	0,021441	-0,2377	0,8123137	0,047371	0,037176	0,04737113	0,037176119
0,101861	-0,45917	0,104332	-4,401	1,736E-05	0,664875	-0,253461	0,66487502	0,25346149

Жадвалда эътибор бериш лозим бўлган кўрсаткич бу «*R*-аҳамияти» ҳисобланади. Ушбу кўрсаткич 0,05 бирликдан кам бўлса, таҳлил қилинаётган мустақил ўзгарувчилар ва боғлиқ ўзгарувчиларнинг таъсирини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Таҳлилда фақатгина «*X3*» мустақил

ўзгарувчининг «Y» боғлиқ ўзгарувчига таъсири мавжуд эмас ёки жуда паст ҳисобланади.

Бундан келиб чиққан ҳолда, регрессия натижалари орқали биз ўз моделimizни тузиб чиқамиз. Бунда:

$$Y=1,022-0,98X1-0,97X2-0,46X4$$

Бу моделдан кўриниб турибдики, боғлиқ ўзгарувчи ва мустақил ўзгарувчилар ўртасида тескари боғланиш мавжуд. Демак:

даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги улушининг 1 бирликка ўзгариши, ликвидли активларнинг жами активлардаги улушининг 0,98 бирликка ўзгаришига олиб келади;

даромад келтирмайдиган активларнинг жами активлардаги улушининг 1 бирликка ўзгариши, ликвидли активларнинг жами активлардаги улушининг 0,97 бирликка ўзгаришига олиб келади;

жами капиталнинг жами пасивлардаги улушининг 1 бирликка ўзгариши, ликвидли активларнинг жами активлардаги улушининг 0,46 бирликка ўзгаришига олиб келади.

Энди, Ўзбекистон банк тизимининг асосий кўрсаткичларини таҳлил қиламиз ва бу кўрсаткичларнинг тижорат банклари ликвидлигига таъсирини кўриб чиқамиз.

1-жадвал.

**Тижорат банкларининг таққослама кўрсаткичлари
тўғрисида маълумот***

Кўрсаткичлар	01.01.18 й	01.01.19 й	01.01.20 й	01.01.21 й	01.01.22 й
Активларнинг мажбуриятларга нисбати, %	114,2%	114%	123%	119%	119%
Активлар, млрд.сўм	166 632	214 420	272 726,6	366 121,1	444 922,4
Мажбуриятлар, млрд сўм	145 956	187 741	221 696,0	307 769,8	374 004,8
Кредит қўйилмаларининг депозитларга нисбати, %	207,7%	188,5%	232,5%	141,4%	209%
Кредитлар, млрд сўм	110 572	133 751	211 581	276 974,8	326 385,5
Депозитлар, млрд сўм	59 579	70 001	91 009	114 746,9	156 189,8

*www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Жадвалдан кўриниб турибдики, тижорат банклари депозитлари кредит қўйилмалари билан бир хил мутаносибликда ўсган. Жумладан, ўтган 2021 йилда тижорат банклари кредит қўйилмалари 1,2 мартага ўсган бўлса, унинг манбаси сифатида қараладиган тижорат банклари депозитлари 1,4 мартага ўсган. Банк депозитларининг ўсиши банкларда кредитларни молиялаштириш манбаларини кенгайтиб бориши сифатида қараш мумкин.

Биз таҳлил қилаётган даврда банк тизими мажбуриятларининг, жумладан, жалб қилинган кредит ва лизинглар, жами депозитлари ва депозитлари таркиби ўрганиб чиқилди. Таҳлил даври мобайнида тижорат банклари активлари 2,7 бараварга ўсган бўлса, депозитлари 2,6 мартага ўсган. Бу эса тижорат банклари активларини ўсишининг манбаи бўлиб банк депозитлари эмас, балки ҳалқаро молиявий институтлардан ва маҳаллий фондлардан жалб қилинган мақсадли маблағлар хизмат қилган.

Тижорат банклари ликвидлигига таъсир қилувчи кўрсаткичлардан – юқори ликвидли активлар ва банкнинг жами капиталнинг тижорат банклари активлардаги улушини ўрганиб чиқамиз.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари*

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	01.01.18й	01.01.19й	01.01.20й	01.01.21й	01.01.22й
Жами активлар	166 632	214 420	272 726,6	366 121,1	444 922,4
Юқори ликвидли активлар	37 775,5	20 202	30 873,8	50 475,7	75 992,2
Жами капитал	20 676	26 679	51 030,6	58 351,3	70 917,6
Ликвид активлар/жами активлар, %	22,7%	9,4%	11,3%	13,8%	17,1%
Жами капитал/жами активлар, %	12,4%	12,4%	18,7%	15,9%	15,9%

*www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Жадвалдан кўриниб турибдики, банкнинг капитали ва ликвидли активлари маблағи қолдиғи бўйича ўсиш тенденциясига эга бўлса-да, жами активлардаги улуши бўйича тижорат банклари капитали ўсиш сураъатлари юқори бўлганлигини кўришимиз мумкин. Таҳлил даври мобайнида, банклари ликвидли активларининг жами активлардаги улуши 5,6%га (22,7%дан

17,1%гача) камайган бўлса, жами капиталнинг жами активлардаги улуши 3,5%га (12,4%дан 15,9%гача) ошганлигини кўришимиз мумкин.


Шунингдек, банк капитали етарлилик кўрсаткичларини баҳолаш мақсадида тижорат банклари активларини рисклилиқ даражаси бўйича таснифлаганда, даромад келтирмайдиган муаммоли активлар 150% микдорида таснифланади. Марказий банкнинг ушбу талаблари натижасида тижорат банклари ўз активлари таркибида даромад келтирмайдиган активларни камайтиришга рағбатлантирилади ва бу орқали ўз ликвидлилигини оширишга ҳаракат қилади.

Бундан ташқари Марказий банк қайта молиялаш ставкаси орқали банк тизими ликвидлилигига таъсир ўтказиши мумкин бўлади. Жумладан, қайта молиялаш ставкасининг оширилиши тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредитларнинг қимматлашишига ва тижорат банклари кредит ва лизинг операциялари микдорининг камайишига олиб келади.

Сўнгги йилларда Ҳалқаро Базель кўмитаси тавсияларига асосан Марказий банк томонидан тижорат банкларига ўрнатилган ликвидлилик нормативлари талабларининг ошиши кузатилмоқда. Тижорат банклари ўз даромадлигини камайтирган ҳолда, Марказий банк талабларини бажариб келмоқда. Қуйида биз тадқиқ қилаётган тижорат банкларининг рентабеллик кўрсаткичларини ўрганиб чиқамиз.

1-диаграмма.

Банк тизимининг рентабеллик кўрсаткичлари*



*www.cbu.uz - Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

Юқоридаги расмдан кўришиб турибдики, ўтган давр мобайнида Марказий банк томонидан ликвидлилик талаблари оширилгани сабабли

активлар ва капитал рентабеллиги пасайиши кузатилган. Ҳозирда Марказий банкнинг давлат қимматли қоғозлари билан очик бозор операцияларини амалга ошириши тижорат банклари ликвидли активларини даромадлилигини ҳам таъминлайди. Бу эса, тижорат банкларини ўз ликвидлилигини ва даромадлилигини таъминлаш учун давлат қимматли қоғозларни сотиб олишга рағбатлантиради.

Хулоса

Банк активлари ликвидлилиги, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакат банк тизимининг барча пул мажбуриятларини ўз вақтида, тўлиқ ва узлуксиз бажарилишини таъминлаш, унинг ишончлилиги ва иқтисодий ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқ маблағларнинг етарлилигини белгилайди.

Банк активлари ликвидлилигини оширишда ва уни таъминланишида Марказий банк муҳим роль уйнайди. Марказий банк монетар сиёсат инструментлари орқали банк активлари ликвидлилигига бевосита таъсир ўтказса, тижорат банклари учун ўрнатилган иқтисодий нормативларни бажарилишини таъминлаш орқали банк активлари ликвидлилигини назорат қилиб боради. Банк тизими иштирокчилари бўлган ҳар бир тижорат банки Марказий банк томонидан белгиланган иқтисодий норматив кўрсаткичларини бажариш орқали банк активлари ликвидлилигини таъминлашда ўз ҳиссасини қўшиб боради.

Юқоридаги таҳлиллар ва маълумотлар асосида банк активлари ликвидлилигини ошириш йўналишлари деб қуйидагиларни ҳисоблаймиз:

1. Марказий банк қайта молиялаш ставкаси орқали банк активлари ликвидлилигини бошқариш. Бунда Марказий банк банк активлари ликвидлилиги муаммоси юзага келганда, қайта молиялаш ставкасини кутариб қўйиши ва шу орқали тижорат банклари кредитларининг ва пул массаси ўсиш суръатини мўътадиллаштиришга ҳаракат қилиши лозим. Банк активлари ликвидли активлари профицити кузатилса, қайта молиялаш ставкасини тушириш орқали, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни кредит олишга рағбатлантириш орқали пул массаси ва банк тизими ликвидлилигига таъсир кўрсатади.

2. Қайта молиялаш ставкасини юқори бўлиб туриши миллий валютанинг жамғариш воситасида сифатида фойдаланишига олиб келади. Бу эса, тижорат банклари томонидан аҳолининг қўлидаги бўш маблағларни банк депозитларига ва шу орқали ушбу маблағларни банк айланмасига жалб

килиши мумкин. Бунда ушбу бўш турган маблағларни тижорат банкларининг узоқ муддатли депозитларига жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Бу банк тизими ликвидлилигини оширишга хизмат қилади.

3. Очiq бозор операциялари орқали Марказий банк банк активлари ликвидлилигига таъсир кўрсатади. Бунда Марказий банк тижорат банкларига давлат қимматли қоғозларни сотиш ҳисобига тижорат банклари активларини ҳам даромадли ҳам ликвидли бўлишини таъминлайди. Бу орқали тижорат банклари ўз активлари таркибида ликвидли активларни етарли миқдорда ушлаб туришга рағбатлантирилади. Жумладан, тижорат банкларининг «НОСТРО» ҳисобварағидаги маблағларни давлат қимматли қоғозларини сотиб олишга йўналтириши мумкин. Бу эса, тижорат банклари рентабеллигини ҳам ошишига хизмат қилади.

4. Марказий банк тижорат банкларига ўрнатилган иқтисодий норматив кўрсаткичларини бажарилишини таъминлаш орқали тижорат банклари активлари ликвидлилигини ва шу орқали банк тизими ликвидлилигини назорат қилиб боради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида»ри Фармони. – <https://lex.uz/docs/4811025>

2. Yensu Joseph, Hadrat M. Yusif, Emmanuel Tetteh, George Asumadu, Daniel A. Atuilik. Main Determinants of Banks' Stability: Evidence from Commercial Banks in Ghana. *Journal of Finance and Economics*. 2021. Vol. 9. no. 2. P. 42-52.

3. Bakhriddin Berdiyarov (2021). Uzbekistan in Banking Practice: Opportunities to Use Foreign Experience to Ensure Liquidity and Solvency of Commercial Banks // ICFNDS 2021: The 5th International Conference on Future Networks & Distributed Systems. December 2021, pp 378–392 <https://doi.org/10.1145/3508072.3508141>.

4. Basel Committee on Banking Supervision. (2021). Basel III: International framework for liquidity risk measurement, standards and monitoring. Switzerland: Bank for International Settlements

5. Farag, M., Harland, D. & Nixon, D. (2013). Bank capital and liquidity. *Bank of England Quarterly Bulletin*, 53(3), 201-215.

6. Прокофьева Е.Н. Ликвидность банковского сектора России в условиях нестабильности: тенденции формирования и последствия для экономики // Вестник Северо-Осетинского государственного университета им. К. Л. Хетагурова. – 2019. № 2. – С. 130-136.

7. Абдуллазанова К.З., Калачева Е.А. Анализ состояния ликвидности банковского сектора России // Научные исследования XXI века. – 2020. № 1(3). – С. 112-118.

8. Marozova, G. (2015). Liquidity and bank performance. The International Business & Economics Research Journal, 14(3), 453:462

9. Vodová, P. (2013). Liquid assets in banking: What matters in the Visegrad countries? E+ M Ekonomie a Management, (3), 113.

10. Nair, A.R. and Anand, B. (2020). Monetary policy and financial stability: Should central bank lean against the wind? Central Bank Review.

11. Nure, G. (2019). High Liquidity or Low Liquidity Is Better to Achieve High Profitability? Evidence from Banks in Central and Southern Europa. International Finance and Banking, 6(2), p.1.

12. Абдуллаева Ш. (2003) Банк иши: ўқув-қўлланма. – Тошкент: Молия. – 312 б.

БАНК ПАССИВИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ИМКОНИЯТЛАРИ



Одилов Бобуржон Фуқатович

мустақил изланувчиси

Тошкент молия институти

E-mail: boburjon1295@gmail.com

ORCID:0009-0006-8371-6996

Аннотация

Тижорат банклари пассивларининг барқарорлиги рақобатбардошликни таъминлашнинг зарурий шarti ҳисобланади ва бунда асосий эътибор депозитнинг етарлиликка, регулятив капиталнинг пассив ҳажмидаги барқарорлигини таъминлашга ва фоизли даромад билан фоизли харажат ўртасидаги мутаносибликнинг мавжудлигига қаратилади.

Мақолада мамлакат тижорат банклари пассивларининг барқарорлигини таъминлаш билан боғлиқ долзарб муаммолар тадқиқ этилган ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: тижорат банки, пассив, депозит, регулятив капитал, банклараро кредит, қимматли қоғоз, фоизли маржа, фоизли даромад, фоизли харажат.

ВОЗМОЖНОСТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ СТАБИЛЬНОСТИ ПАССИВОВ БАНКОВ

Одилов Бобуржон Фуқатович

самостоятельный исследователь

Ташкентский финансовый институт

E-mail: boburjon1295@gmail.com

ORCID:0009-0006-8371-6996

Аннотация

Устойчивость пассивов коммерческих банков является необходимым условием обеспечения конкурентоспособности, при этом основное внимание уделяется достаточности депозита, обеспечению устойчивости регулятивного капитала в пассиве, а также балансу между процентными доходами и расходами.

В статье исследованы проблемы, связанные с обеспечением устойчивости пассивов коммерческих банков страны, разработаны предложения, направленные на их решение.

Ключевые слова: коммерческий банк, обязательство, депозит, нормативный капитал, межбанковский кредит, ценные бумаги, процентная маржа, процентные доходы,

STABILITY OPPORTUNITIES LIABILITIES OF BANKS

Odilov Boburzhon Fukatovich

independent researcher

Tashkent Institute of Finance

E-mail: boburjon1295@gmail.com

ORCID:0009-0006-8371-6996

Abstract

The sustainability of commercial banks' liabilities is a prerequisite for competitiveness, with the main focus being on deposit adequacy, ensuring the sustainability of regulatory capital in liabilities, and the balance between interest income and expenses.

The article examines current problems associated with ensuring the sustainability of the liabilities of commercial banks in the country, and develops proposals aimed at solving them.

Keywords: commercial bank, liability, deposit, regulatory capital, interbank loan, securities, interest margin, interest income, interest expenses.

Кириш

Пассивлар тижорат банкларининг ресурс базаси ҳисобланади. Тижорат банклари пассивларини шакллантиришда жамғарма капитали, қимматли қоғозларни жойлаштиришдан олинган даромад, эҳтимолий зарарни қоплаш учун мўлжалланган захира фонди, аҳолининг жалб қилинган маблағлари, банклараро бозордан олинган кредитлар асосий манбалар сифатида иштирок этади.

Тижорат банкининг пассивлари кредитлаш бозорида, инвестиция лойиҳаларида иштирок этиш, шунингдек, валюта ва фонд бозорларида

ишлаш орқали фойда келтирадиган операцияларни амалга ошириш учун маблағлар манбаи ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган стратегиясида банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, банк хизматини модернизация қилиш, банкларнинг самарали инфратузилмасини яратиш, кредитлаш ҳажмларининг мўътадил ўсишига амал қилиш, молиявий рискларни баҳолаш учун технологик ечимларни татбиқ этиш, давлат улуши мавжуд тижорат банкларини комплекс трансформация қилиш мамлакат банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланган [1]. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш заруриятини юзага келтиради.

Адабиётлар шарҳи

Тижорат банки пасивлари барқарорлигини таъминлаш масалалари бир қатор хорижий ва мамлакат олимлари томонидан тадқиқ этилган. Мавжуд тадқиқотларда тижорат банклари пасивлари билан боғлиқ бир қатор долзарб масалалар кўтарилган. Россиялик тадқиқотчи М. Бобрикнинг фикрига кўра, тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини баҳолаш услубиёти ўзаро боғлиқ учта баҳолаш моделидан ташкил топган: тижорат банкининг молия таркибини таҳлил қилиш ва баҳолашни кўзда тутувчи молиявий ресурслар ва капитал ўртасидаги алоқадорлик модели; тижорат банкининг молиявий ресурсларидан фойдаланиш сифатини таҳлил қилиш ва баҳолашга асосланган молиявий ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги модели; олдиндан белгиланган даврий оралиқда молиявий барқарорликнинг чегарасини аниқлаш модели [2].

И.Ларионованинг қайд қилишича, тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлашда эҳтимолий ёки кутилаётган пул оқимлари муҳим ўрин тутуди ва уларнинг асосини аниқ ижро этиш муддатига эга бўлмаган шартномалар бўйича пул маблағлари ҳаракати, ҳозирча тузилмаган, аммо тузилиш эҳтимоли юқори бўлган шартномалар бўйича кутилаётган пул маблағлари ҳаракати ва прогноз қилинмайдиган ҳодисалар ва режалаштирилмаган операциялар билан боғлиқ бўлган пул оқимлари ташкил этади. [3].

Банклар молиявий ресурсларни шакллантириш мақсадида акция, облигация, депозит ва жамғарма сертификатларни муомалага чиқаришини қайд қилган Е. Мешкованинг хулосасига кўра, банкларнинг қимматли

қоғозларни муомалага чиқариш орқали ресурсларни шакллантириш билан боғлиқ операцияларини иккита гуруҳга ажратиш мақсадга мувофиқ. Биринчи гуруҳга, тижорат банклари устав ва қўшимча капитални шакллантириш мақсадида акция ва субординар қимматли қоғозларни муомалага чиқариш бўйича операциялари, иккинчи гуруҳга эса қисқа ва узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун облигация ва ипотека қимматли қоғозлари, депозит ва жамғарма сертификатлари билан боғлиқ операциялари киради. Акция ва сертификатларнинг бозор баҳоси банкларнинг ушбу бозордаги фаолиятини баҳоловчи иқтисодий кўрсаткич ҳисобланади [4].

Ўзбекистонлик олим Б. Бердияровнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғини барқарорлигини таъминлаш, соф фойданинг ўсиш суръати билан жами активларнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш орқали активлар рентабеллигининг барқарор даражасини таъминлаш зарур [5]. Олимнинг ушбу хулосаси республикамиз тижорат банклари пасивларининг умумий ҳажмида капиталнинг салмоғини барқарор эмаслиги, банкларда активларнинг рентабеллигини паст даражада эканлиги каби муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Тадқиқотчи А. Омоновнинг хулосасига кўра, тижорат банклари капитал базасининг барқарорлигини ошириш учун девальвация захирасини тижорат банкларининг биринчи даражали капитални тарқибидан чиқариб, уни иккинчи даражали капитал тарқибига киритиш керак [6].

Фикримизча, олимнинг ушбу хулосаси девальвация захирасини тижорат банклари учун барқарор молиялаштириш манбаи эмаслиги билан асосланади.

Республикамиз тижорат банкларига трансакцион депозит ҳисобрақамидаги маблағлардан тўғридан-тўғри, яъни муддатли депозит шартномаси тузмасдан туриб, ресурс сифатида фойдаланиш амалиётининг мавжудлиги тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлашга бўлган рағбатга путур етказди, деган фикрни Ш.Рузметов қайд қилиб, банкларнинг ликвидлилигига нисбатан жиддий салбий таъсирни юзага келтиради дейди. Чунки трансакцион депозитлар тижорат банкларининг беқарорлик даражаси жуда юқори бўлган пасиви ҳисобланади [7].

О.Саттаров Ўзбекистон банкларининг депозит базасининг барқарорлигини таъминлаш учун жалб қилинадиган депозитларнинг фоиз ставкаларини қайта молиялаш ставкаси ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларга боғлиқ ҳолда ўрнатиш тизимини ишлаб чиқиш, депозит

операцияларига нисбатан норматив талабларни такомиллаштириш, аҳоли омонатларини жалб қилиш таркиби ва шартларин оптималлаштириш бўйича талабларни, банкларнинг барқарорлигига таъсир қилувчи эҳтимолий рискларнинг юзага келишини минималлаштириш мақсадида, такомиллаштириш, тижорат банкларининг ликвидлилигига қўйиладиган меъёр ва талабларни ҳисоблаш методикасини такомиллаштириш кераклигини қайд этади. [7].

Таҳлил ва натижалар

Тараққий этган мамлакатларнинг банк амалиётида тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш борасида катта ва бой ижобий тажриба тўпланган. Ушбу тажрибани ўрганиш Ўзбекистон банк амалиёти учун муҳим амалий аҳамиятга эга.

1-жадвал.

Bank of America нинг пасивлари, регулятив капитали ва унинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи*, %да


Кўрсаткичлар	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Пасивлар, млрд доллар	2354	2434	2819	3169	3051
Регулятив капитал, млрд долл.	265	264	272	270	273
Регулятив капиталнинг пасивлар ҳажмидаги салмоғи, %	11,3	10,8	9,6	8,5	8,9

*Жадвал Bank of America банкининг маълумотлари (<http://www.bankofamerica.com>) асосида муаллиф томонидан тузилган

Жадвал маълумотларидан кўринадикки, 2018-2021 йилларда Bank of America банки пасивларининг миқдори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Ушбу ўсиш тенденцияси депозитлар миқдорининг мазкур даврда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Bank of America регулятив капиталининг ўсиш суръати 2018-2021 йилларда барқарор бўлмаган. Аммо, таҳлил қилинган давр мобайнида регулятив капиталнинг миқдори 260 млрд доллардан пастга тушмаган. Шунингдек Bank of America пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,4 фоизли пунктга пасайган. Бироқ, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 0,4 фоизли пунктга ошган.

1-диаграмма.

Deutsche Bankда депозитлар ва қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи, %да



*Deutsche Bank.(www.db.com) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Диаграмма маълумотларидан кўринадикки, Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган. Мажбуриятларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғи 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич 2020-2022 йилларда пасайиш тенденциясига эга бўлган.

Германия банкларида депозит сертификатлари ва облигациялар билан амалга ошириладиган эмиссион операциялар яхши ривожланган.

Республикамиз тижорат банклари пасивларининг барқарорлик даражасига баҳо бериш учун пасивларнинг таркиби ва динамикасини таҳлил қилиш орқали уларнинг етарлилиги ва барқарорлигига баҳо берамиз.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мажбуриятларининг таркиби, жамига нисбатан %да*

Пассивлар таркиби	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.	2022 й.
Депозитлар	37,3	41,1	37,3	41,8	45,4
Марказий банкнинг вакиллик ҳисобварағи	0,27	0,8	0,4	0,2	0,2
Бошқа банкларнинг маблағлари-резидент	3,4	4,5	4,2	3,6	3,9

Бошқа банкларнинг маблағлари-норезидент	0,3	0,4	1,0	1,2	4,8
Олинган кредитлар ва лизинг	55,6	47,5	49,3	46,5	39,1
Чиқарилган қимматли қоғозлар	0,01	1,3	3,1	2,84	2,3
Субординар қарзлар	0,0	1,8	1,3	1,1	1,4
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар	1,2	1,1	1,2	1,1	1,1
Бошқа мажбуриятлар	2,0	1,7	2,2	1,8	1,8
Жами мажбуриятлар	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

2-жадвал маълумотлардан кўринадики, 2018-2022 йилларда республикада тижорат банклари мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар ва халқаро лизинг эгаллаган. Бу эса, биринчидан, банкларнинг актив операцияларини молиялаштиришда депозитлардан асосий ички манба сифатида фойдаланилаётганлиги билан, иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган инвестицияларни молиялаштиришда халқаро кредитлар ва халқаро лизингдан кенг кўламда фойдаланилаётганлиги билан изоҳланади.

2-жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг мажбуриятлар ҳажмидаги салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич таҳлил қилинган давр мобайнида паст даражада қолган. Бу эса, банк пасивларининг барқарорлигини таъминлаш нуктаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Қуйидаги жадвал маълумотлари орқали республикада тижорат банклари регулятив капиталнинг таркибига баҳо берамиз.

3-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари регулятив капиталнинг таркиби, жамига нисбатан %да*

Регулятив капиталнинг таркиби	2018й.	2019й.	2020й.	2021й.	2022й.
Устав капитали	73,7	82,1	76,5	77,2	75,2
Қўшимча капитал	0,3	0,3	0,7	1,0	1,3
Захира капитали	11,0	7,5	8,9	11,9	9,2
Тақсимланмаган фойда	14,9	10,1	13,8	9,9	14,3
Регулятив капитал-жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

* Жадвал муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг статистик маълумотлари асосида тузилган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитални таркибида энг юқори салмоқни устав капитални эгаллаган. Бу эса, бир томондан, устав капитални банклар фаолиятини молиялаштиришнинг барқарор манбаи эканлиги билан изоҳланса, иккинчи томондан, капиталнинг бошқа элементларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операцияларни ривожланмаганлиги билан изоҳланади. Республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитални таркибида 2018-2022 йилларда энг кичик салмоқни қўшимча капитал эгаллаган. Бу эса, банк акцияларининг бозор баҳосини паст эканлиги билан изоҳланади. Шунингдек 2019-2021 йилларда тижорат банкларининг регулятив капитални таркибида захира капиталининг салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган, аммо, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. 2018-2022 йилларда мамлакат тижорат банкларининг регулятив капитални таркибида тақсимланмаган фойданинг салмоғи беқарор бўлган.

Хулоса таклифлар

Тадқиқот жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантирдик:

*тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади;

*2018-2021 йилларда Bank of America банки пасивларининг миқдорини ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги депозитлар миқдорининг мазкур даврда ўсиш тенденциясига эга бўлганлиги билан изоҳланади;

*Bank of America регулятив капиталининг ўсиш суръати 2018-2021 йилларда барқарор бўлмаган бўлса-да, регулятив капиталнинг миқдори мазкур даврда 260 млрд доллардан пастга тушмаган;

*Bank of America пасивларининг умумий ҳажмида регулятив капиталнинг салмоғи 2022 йилда 2018 йилга нисбатан 2,4 фоизли пунктга пасайган. Бироқ, 2022 йилда 2021 йилга нисбатан 0,4 фоизли пунктга ошган;

*Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмида депозитларнинг салмоғи 2020-2022 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, 2022 йилда 2018 йилга нисбатан сезиларли даражада ошган;

*Deutsche Bank мажбуриятларининг умумий ҳажмида қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг салмоғи 2018-2020 йилларда ошиш тенденциясига эга бўлган;

*2018-2022 йилларда республикамиз тижорат банклари

мажбуриятларининг умумий ҳажмида энг юқори салмоқни депозитлар ва хориждан жалб қилинган халқаро кредитлар эгаллаганлиги, биринчидан, банкларнинг актив операцияларини молиялаштиришда депозитлардан асосий ички манба сифатида фойдаланилаётганлиги билан, иккинчидан, мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган инвестицияларни молиялаштиришда халқаро кредитлар ва халқаро лизингдан кенг кўламда фойдаланилаётганлиги билан изоҳланади;

*тижорат банклари регулятив капиталининг таркибини таҳлили кўрсатдики, биринчидан, 2018-2022 йилларда республикаимиз тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида энг юқори салмоқни устав капитали эгаллаган; 2018-2022 йилларда республикаимиз тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида эгш кичик салмоқни кўшимча капитал эгаллаган; учинчидан, 2019-2021 йилларда тижорат банкларининг регулятив капиталини таркибида захира капиталининг салмоғи ошиш тенденциясига эга бўлган, аммо, ушбу кўрсаткич 2022 йилда 2021 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Фикримизча, республикаимиз тижорат банклари пасивларининг барқарорлигини таъминлаш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш лозим:

1. Барқарор пасивларнинг брутто пасивлар ҳажмидаги салмоғини муддатли депозитлар ва биринчи даражали капитал ҳисобидан ошириш йўли билан пасивларнинг барқарорлик даражасини ошириш учун, биринчидан, банкларнинг талаб қилиб олинган депозитлардан тўғридан-тўғри ресурс сифатида фойдаланиш амалиётига чек қўйиш йўли билан уларнинг соф фоизли спрэд коэффициентининг реал ҳолатига баҳо бериш ва унинг меъёрий даражасига эришиш чораларини кўриш лозим; иккинчидан, республикаимиз тижорат банкларининг нокумулятив имтиёзли акцияларини чиқариш ва инвесторларнинг ушбу акциялардан оладиган даромадларини солиқдан озод қилиш лозим.

Бунинг натижасида, биринчидан, мазкур акцияларнинг инвестицион жозибадорлиги яхшиланади; иккинчидан, тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурслари миқдори ошади; учинчидан, тижорат банкларининг биринчи даражали капитали ҳажми сезиларли даражада кенгаяди.

2. Тижорат банкларининг эмиссион операцияларини ривожлантириш орқали қимматли қоғозларни сотишдан олинган пул маблағларининг брутто пасивлар ҳажмидаги салмоғини ошириш учун, биринчидан, тижорат банклари томонидан муомалага чиқариладиган қимматли қоғозлар – депозит

сертификатлари, жамғарма сертификатлари ва облигацияларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш учун уларга қилинган инвестицияларнинг қийматини инфляция ва девальвация таъсирида пасайган қисмини компенсация қилиш тартибини жорий қилиш лозим (тадқиқот жараёнида маълум бўлдики, республикамизда миллий валютада ёзилган қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг қиймати инфляция ва девальвация таъсирида сезиларли даражада пасаймоқда); иккинчидан, банкларнинг нокумулятив имтиёзли акцияларини муомалага чиқариш ва инвесторларнинг нокумулятив имтиёзли акциялардан оладиган даромадларини фойда солиғидан озод қилиш керак.

3. Тижорат банкларида харажатлар таркибини оптималлаштириш йўли билан фоизли даромадларнинг ялпи даромад ҳажмидаги салмоғини ошириш учун, биринчидан, банкларнинг даромад базаси барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичларнинг (соф фоизли спрэд, соф фоизли маржа, соф фойданинг даражаси, депозитларнинг етарлилиги) халқаро банк амалиётида умумэтироф этилган меъерий даражаларини таъминлаш лозим; иккинчидан, банкларнинг даромад базаси барқарорлигига таъсир этувчи асосий омилларнинг таъсир даражасини баҳолаш аниқлигини ошириш ва уларнинг мавжуд салбий таъсирига барҳам бериш чораларини ишлаб чиқиш керак; учинчидан, тижорат банклари ресурс базасининг диверсификация даражасини ошириш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони//ҚҲММБ:06/205992/0581-сон. 13.05.2020 й.

2. Бобрик М.А. О повышении роли кредита и банков в инновационном развитии экономики России // Финансы и кредит. – 2011. – № 4. – С. 69..

3. Ларионова И.В. Управление ликвидностью в коммерческом банке на основе денежных потоков. Банковский менеджмент. 5-е изд. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 170.

4. Мешкова Е.И. Оценка деятельности и финансовой устойчивости коммерческого банка. Банковский менеджмент: учебник. Под ред. проф. О.И. Лаврушина. – М.: КНОРУС, 2016. – С. 141-148.

5. Бердияров Б.Т. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари. И.ф.д. ... дисс.

автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 29.

6. Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. И.ф.д. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2008. – 32 б.

7. Рузметов Ш.Б. Ўзбекистон тижорат банклари депозит базасини мустаҳкамлаш йўллари. И.ф.н. ... дисс. автореферати. – Тошкент, 2009. – 18 б.

8. Саттаров О.Б. Актуальные вопросы обеспечения устойчивости банковской системы Республики Узбекистан//Банковское дело. – 2016. – №9. – С. 25.

ХОРИЖИЙ КОМПАНИЯЛАР КЎРСАТАЁТГАН ЭЛЕКТРОН ХИЗМАТЛАРНИ СОЛИҚҚА ТОРТИШ АМАЛИЁТИ



Уразалиев Камолиддин Тажикулович

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)*

Тошкент молия институти

E-mail: urazaliyev1979@gmail.com

ORCID:0009-0001-1889-2786

Анотация

Мақолада Ўзбекистонда хорижий компаниялар томонидан жисмоний шахсларга кўрсатилаётган электрон тижорат хизматларини таркиби ва уларни солиққа тортиш масалалари, ҳуқуқий асослари ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилган. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқнинг бугунги кундаги аҳамияти, шунингдек бу борада мавжуд муаммолар таҳлил қилиниб, ечимлар юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилган.

Калит сўзлар: электрон тижорат, интернет, электрон тижоратни солиққа тортиш, қўшилган қиймат солиғи, солиқ тизими, икки томонлама солиққа тортиш.

ПРАКТИКА НАЛОГООБЛОЖЕНИЯ ЭЛЕКТРОННЫХ УСЛУГ ИНОСТРАННЫХ КОМПАНИЙ

Уразалиев Камолиддин Тажикулович

доктор философии (PhD)

по экономическим наукам

Ташкентский финансовый институт

E-mail: urazaliyev1979@gmail.com

ORCID:0009-0001-1889-2786

Аннотация

В статье рассмотрен состав услуг электронной коммерции, оказываемых физическим лицам иностранными компаниями в Узбекистане, исследованы вопросы их налогообложения, правовые основы. Анализируется роль и место налога в формировании доходов

государственного бюджета. Рассматриваются существующие проблемы, даются предложения и рекомендации по их решению.

Ключевые слова: электронная коммерция, интернет, налогообложение электронной коммерции, налог на добавленную стоимость, налоговая система, двойное налогообложение.

PRACTICE OF TAXATION OF ELECTRONIC SERVICES OF FOREIGN COMPANIES

Urazaliev Kamoliddin Tazhikulovich

Doctor of Philosophy (PhD)

in Economic Sciences

Tashkent Institute of Finance

E-mail: urazaliyev1979@gmail.com

ORCID:0009-0001-1889-2786

Abstract

The article examines the composition of e-commerce services provided to individuals by foreign companies in Uzbekistan, and examines the issues of their taxation and legal framework. The role and place of tax in the formation of state budget revenues is analyzed. Existing problems are considered, proposals and recommendations for their solution are given.

Keywords: e-commerce, internet, taxation of e-commerce, value added tax, tax system, double taxation.

Кириш

Интернет ўз хусусиятларига кўра кўплаб афзалликлари ва устунликлари билан бирга, қатор муаммо ҳамда камчиликларни ҳам юзага келтиради, хусусан, ҳозирги кунда электрон тижорат давлатлар учун давлат бюджетида солиқ тўловлари бўйича йўқотишларга олиб келаётган муаммолардан бирига айланиб бораётганлигини қайд этиш ўринлидир.

Шу боис жаҳон мамлакатлари олдида миллий солиқ тизимини ҳозирги ахборот иқтисодиёти талабларига мослаштириш юзасидан тегишли чоралар кўриш талаб этилмоқда. Ушбу жараён юзасидан солиқ қонунчилиги электрон тижорат билан шуғулланувчи субъект шароитлари ва имкониятларини ҳисобга олган ҳолда солиққа тортиш жараёнини ташкил этишга қаратилган бўлиши керак.

Ўзбекистонда 2020 йилга қадар электрон тижоратни солиққа тортиш

тартиби солиқ тўловларини ҳисоблаш ва ундиришнинг умумий тамойиллари асосида амалга ошириб келинган, ушбу фаолиятни ўзига хос хусусиятлари инобатга олинмаган эди. Солиққа тортишда бундай ёндашув бир томондан катта молиявий ресурсларни солиққа тортишдан чиқарилишига, иккинчи томондан солиқ базасини асосий кўрсаткичларини бир неча марта камайтиришга шароит яратиб берган.

Мамлакатимизда 2020 йил 1- январдан кучга кирган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида электрон тижорат фаолиятини амалга оширувчи субъектларни солиққа тортишда алоҳида ёндашувлар ишлаб чиқилди, соҳанинг хусусиятлари инобатга олинди. Электрон тижорат субъектлари қонуний фаолиятини рағбатлантириш мақсадида фойда ва айланмадан олинадиган солиқлар бўйича белгиланган ставка икки баробарга пасайтирилди. Шунингдек Ўзбекистонда электрон шаклдаги хизматларни реализация қилишни амалга оширувчи чет эл юридик шахсларни қўшилган қиймат солиғига тортиш тартиб-таомили белгиланди. Бунда қайси ҳолатда чет эл юридик шахслари солиқ тўловчи ёки солиқ агенти сифатида эътироф этилиши, уларни ҳисобга қўйиш ва рўйхатдан чиқариш тартиби, солиқ объекти ва базаси, ҳисоботни топшириш ва тўловларни амалга ошириш муддатлари каби муҳим солиқ элементлари батафсил келтирилди.

Ҳозирги кунда қабул қилинган янги таҳрирдаги Солиқ кодексида электрон тижорат иборалари киритилган бўлиб, 14 турдаги электрон хизматлар таркиби келтирилди ва айнан ташқи электрон тижорат субъектларига нисбатан қўлланиши белгиланди.

Адабиётлар шарҳи

Электрон хизматлар ва уларни солиққа тортиш масалалари маълум даражада маҳаллий ва хорижий мутахассисларнинг илмий тадқиқотларида акс этган. Электрон тижорат хизматларини солиққа тортишнинг назарий ва амалий жиҳатлари қатор хорижий мутахассислар, хусусан, А. Кренсел, Р. Дернберг, К. Фриденлар томонидан тадқиқ қилинган. Р. Дернберг (2018) томонидан олиб борилган тадқиқотларда электрон тижоратни солиққа тортиш борасида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган халқаро меъёрларнинг назарий ва амалий жиҳатлари ўрганилган. Америкалик иқтисодчи А. Кренсел (2004) электрон тижорат хизматларини солиққа тортишда унинг хусусиятларини инобатга олишни таклиф этади, иқтисодчи олим Ж. Кенеди (2019) эса рақамли хизматларни солиққа тортишда мавжуд муаммоларни келтириб, ушбу хизматларни кўрсатаётган трансмилий корпорацияларни

солиққа тортиш юзасидан ўз тавсияларини берган.

Россиялик иқтисодчилардан А.В. Кондрашин (2018), А.В. Ем (2019), А.В. Корень(2011)ларнинг илмий ишларида электрон тижорат хизматларини кўшилган қиймат солиғига тортиш борасида Россия ва бошқа бир қатор давлатлар мисолида ёритиб берилган ҳамда амалиётда мавжуд муаммолари атрофлича тадқиқ қилинган.

Миллий иқтисодчи олимлар Ш.А. Тошматов (2012), З. Абдуллаев(2018)лар томонидан солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш борасида олиб борилган илмий тадқиқотларда электрон тижорат хизматларини солиққа тортишга ҳам таалуқли бўлган масалаларнинг маълум бир жиҳатлари ўрганилган бўлса, К. Уразалиев (2019) ўз илмий тадқиқотларида электрон тижорат ва уни солиққа тортиш масалаларини ўрганиб, ушбу фаолиятни солиққа тортишда алоҳида ёндашув ишлаб чиқиши зарурлигини қайд этган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қайд қилиш мумкинки, айнан Ўзбекистонда электрон тижорат хизматларини кўшилган қиймат солиғига тортиш масалалари яхлит тарзда атрофлича ўрганилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Амалдаги солиқ қонунчилигига кўра, электрон шаклдаги хизматлар деганда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда жаҳон интернет ахборот тармоғидан автоматик усулда фойдаланиш орқали кўрсатилган хизматлар тушунилади.

Ўзбекистонда чет эл юридик шахслари томонидан интернет тармоғи орқали кўрсатиладиган электрон шаклдаги хизматлар таркибига дастурий таъминот ва маълумотлар базаларидан фойдаланиш имкониятинини бериш; электрон китоб ва нашрлар, ахборот, таълимга оид материаллар, график тасвирлардан, матнли (матнсиз) мусиқа ва аудиовизуал асарлардан фойдаланиш ҳуқуқини бериш; рекламага оид хизматлар кўрсатиш; интернет тармоғида товар ва хизматларни реализация қилиш тўғрисида таклифлар жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш; ахборот технологиялари ва тизимларидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган техник, ташкилий, ахборот олиш имкониятларини бериш; фойдаланувчиларнинг электрон ресурсларини сақлаб туриш, улардан интернет тармоғидан бошқа мижозларнинг фойдаланишини таъминлаш; дастурнинг масофадан ва онлайн режимида ишлашини автоматик тарзда сақлаб туриш ва бошқариш; ахборотни сақлаш ва унга ишлов бериш; домен номлар бериш, хостинг

хизматларини кўрсатиш; ахборот тизимида ахборотни жойлаштириш учун реал вақт режимида ҳисоблаш қувватини тақдим этиш; потенциал харидорлар тўғрисидаги ахборотни қидириш ва буюртмачига тақдим этиш; ахборотни етказиб бериш, маълумотларни қидириш, сўровларга кўра уларни саралаш ва ажратиш, тақдим этиш; интернет тармоғидаги қидирув тизимларидан фойдаланиш имконини бериш; интернет тармоғидаги сайтларда статистикани юритиш каби хизматлар киритилди.

Ўзбекистонда чет эл юридик шахслар томонидан кўрсатилаётган электрон шаклдаги хизматлар учун қўшилган қиймат солиғи ставкаси бугунги кунда бошқа хизматлар каби 12 фоиз даражада белгиланган.

Агар хорижий компания Ўзбекистон ҳудудида жисмоний шахсларга юқорида қайд этилган электрон шаклдаги хизматларни кўрсатадиган бўлса ва унинг ўзи воситачиларсиз хизматларни олувчи бўлган жисмоний шахслар билан ҳисоб-китобларни амалга оширса, электрон шаклда хизматлар кўрсатиш бошланган кундан эътиборан ўттиз календарь кундан кечиктирмай солиқ органида ҳисобга қўйилиши лозим.

Жисмоний шахсларга электрон шаклдаги хизматларни реализация қилиш бўйича айланма солиқ солиш объекти бўлиб, солиқ базаси мазкур хизматларнинг уларни реализация қилишнинг ҳақиқий нархларидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилган солиқ суммаси ҳисобга олинган ҳолдаги қиймати сифатида аниқланади. Солиқ базаси ҳар бир чорак бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўлов келиб тушган вақтдан келиб чиққан ҳолда аниқланади. Солиқ базасини аниқлаш чоғида электрон шаклда кўрсатиладиган хизматларнинг чет эл валютасида ифодаланган қиймати Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кўрсатилган хизматлар тўлови келиб тушган ойнинг охириг кунида белгиланган курси бўйича миллий валютада қайта ҳисобланади.

Электрон шаклдаги хизматлар кўрсатувчи чет эл юридик шахслар солиқ органига солиқ ҳисоботини солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали, белгиланган шакл бўйича электрон кўринишда тақдим этиши белгиланган. Чет эл юридик шахслар кўрсатилган хизматлари бўйича солиқ ҳисоботларни, ўтган чоракдан кейинги ойнинг йигирманчи кундан кечиктирмай тақдим этиши ҳамда солиқ тўловини ушбу ҳисоботни тақдим этиш муддатидан кечиктирмай амалга ошириши лозим.

Мамлакатимизда ушбу тармоқда фаолият кўрсатувчи солиқ тўловчиларга солиқ маъмурчилигини янада соддалаштириш ва қулайлик яратиш мақсадида жисмоний шахсларга электрон хизматлар кўрсатувчи

хорижий юридик шахсларга қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида ихтиёрий равишда on-line шаклда рўйхатдан ўтиш имконияти яратилган. Бунинг учун махсус хизмат – интернет-компанияларнинг ҚҚС-офиси <http://tax.uz> сайти яратилган. Ушбу платформада чет эллик юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасида қўшилган қиймат солиғи тўловчиси сифатида рўйхатдан ўтиш учун ариза топшириш ва онлайн шахсий ҳисобдан фойдаланиш, ҳисоботларни тақдим этиш ва солиқларни тўлаш, шунингдек саволларга жавоб олиш имконияти берилган.

Шахсий ҳисобига кириш учун чет эллик юридик шахс рўйхатдан ўтишга ариза топшириши керак. Буни онлайн тарзда “Ариза бериш” бўлимида амалга ошириши мумкин. Бунинг учун компаниянинг номи, унинг манзили, электрон почтаси, рўйхатга олинган мамлакати, кўрсатилаётган хизматлар тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилиши шарт бўлган шаклни тўлдиради. Аризага тегишли хорижий юридик шахслар реестридан кўчирма ёки хорижий ташкилотнинг ҳуқуқий мақомини тасдиқловчи бошқа ҳужжат илова қилиниши керак. Агар барча керакли маълумотлар тақдим этилса, 15 кун ичида компаниянинг шахсий ҳисобига кириш фаоллашади ва рўйхатдан ўтиш пайтида кўрсатилган электрон почта орқали билдиришнома юборилади. Ушбу рўйхатдан ўтиш қоидалари тўғридан-тўғри Ўзбекистон Республикасидаги доимий муассасалари орқали хизмат кўрсатадиган хорижий компанияларга нисбатан татбиқ этилмайди. Бундай компаниялар Ўзбекистонда юридик шахслар учун белгиланган тартибда қўшилган қиймат солиғи тўловчилари сифатида рўйхатдан ўтишлари шарт.

Юқорида таъкидлаганимиздек, мамлакатимиз солиқ қонунчилигида электрон хизмат кўрсатадиган хорижий компаниялар учун белгиланган қўшилган қиймат солиғини тўлаш тартиби аниқлаштирилганлиги ва солиқ тўловчиларга қулай солиқ маъмурчилиги (ш.ж. рўйхатдан ўтиш) яратилганлиги натижасида Ўзбекистонда электрон хизматлар кўрсатаётган чет эллик юридик шахсларни солиққа тортишда маълум бир ижобий натижаларни кузатиш мумкин.

Ўзбекистонда 2 йилда доимий ваколатхонасига эга бўлмаган жисмоний шахсларга электрон хизмат кўрсатувчи 28 та хорижий компания солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтган. Booking.com B.V, Netflix International B.V, Apple, Facebook, Yandex, Huawei бошқалар шулар жумласидан. 2020 йил натижаларига кўра Facebook 5 млрд 981 млн сўм, Google 3 млрд 453 млн сўм, Apple 1 млрд 934 млн сўм, Netflix 190 млн сўм, Booking.com 181 млн сўм ва Яндекс 136 млн сўм ҚҚС тўлаган бўлса, 2021 йил сентябр охи

холатига Facebook 7,6 млрд сўм, Google Commerce Limited 4,6 млрд сўм, Apple 2,2 млрд сўм, Netflix 331 млн сўм ва Yandex 256 млн сўм ҚҚС тўлаган.

Хулоса

Электрон тижоратнинг афзаликларини қайд этган ҳолда, анъанавий иқтисодий муносабатлар ўзгариши натижасида солиқ қонунчилигида қатор муаммолар, хусусан, амалга оширилган келишувларни назорат қилиш мураккаблашмоқда, электрон тижорат бозори субъектлари бўлган солиқ тўловчилар томонидан қонунчиликдаги бўшлиқлардан фойдаланган ҳолда ўз мажбуриятларини бажармаслик ёки суистеъмол қилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Мазкур муаммо IT-компаниялар томонидан фуқароларга кўрсатилаётган электрон хизматларни қўшилган қиймат солиғига тортишда ҳам мавжуд.

Электрон тижоратни солиққа тортиш жараёнида солиқ маъмурчилиги муаммоларининг юзага келиш сабабларидан бири сифатида икки томонлама ёки кўп томонлама давлатлараро солиқ органлари ўртасида ўзаро мувофиқлаштириш тизимининг йўлга қўйилмаганлигидир. Электрон тижорат соҳасида солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришда солиқ хизматларининг халқаро ҳамкорлик йўналишларини ривожлантириш зарур.

Мамлакатимизда электрон тижоратни янада жадал ривожлантириш, ушбу тармоқда “яширин иқтисодиёт”ни кўламини камайтириш, электрон тижорат субъектларини ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиши ва фаолият кўрсатишини таъминлаш мақсадида тармоқнинг ҳозирги ривожланиш ҳолатидан келиб чиққан ҳолда дастлабки босқичда электрон хизмат кўрсатадиган хорижий компаниялар учун белгиланган қўшилган қиймат солиғи ставкасини 12 фоиздан 10 фоизгача камайтириш мақсадга мувофиқ. Бунинг натижасида электрон тижоратни амалга оширувчи субъектлар – хорижий компаниялар ўз фаолиятини давлат рўйхатидан ўтказилган ҳолда қонуний асосда фаолият кўрсатишига рағбат бўлади ҳамда яқин келажакда мазкур тижорат тармоғини янада жадал ривожланишига омил бўлади ва бюджет даромадларини шакллантиришда сезиларни даромадлар кўпайишига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Asen E. What European OECD Countries Are Doing about Digital Services Taxes. /March 25, 2021, Germany / The Taxfoundation/ –

<https://taxfoundation.org/digital-tax-europe-2020/>

2. Doernberg R.L. International Taxation in a Nutshell (Nutshells) 11th Edition Paperback - West Academic Publishing; 11th edition (August 30, 2018), 658 p.

3. Kennedy J. (2019) Digital Services Taxes: A Bad Idea Whose Time Should Never Come. /May 13, 2019./ The Information Technology and Innovation Foundation (ITIF), USA/ – <https://itif.org/publications/2019/05/13/digital-services-taxes-bad-idea-whose-time-should-never-come>

4. Krensel A. (2004) VAT Taxation of E-Commerce. Dissertation in partial fulfillment of the requirements for the degree of Masters of Law at the University of Cape Town, South Africa . 2004.-p.57. – <https://citeseerx.ist.psu.edu/viewdoc/download?doi=10.1.1.102.8607&rep=rep1&type=pdf>

5. Simon K. DIGITAL 2021: GLOBAL OVERVIEW REPORT/ – <https://datareportal.com/reports/digital-2021-global-overview-report>

6. Абдуллаев З. Проблемы налогообложения в условиях развития электронной коммерции // <https://finance.uz/index.php/ru/fuz-menu-technology-ru/2856-problemy-nalogooblozheniya-v-usloviyakh-razvitiya-elektronnoj-kommertsii>

7. Ем А.В. Правовое регулирование взимания НДС при международной торговле услугами в электронной форме: автореферат ... канд.юр. наук. – Москва.: МГУ, 2019. – 30 с.

8. Корень А. Налогообложение субъектов электронной коммерции: проблемы и перспективы: монография. – Владивосток: Изд-во ВГУЭС, 2011.

9. Кондрашин А. В., Кондрашин В. А. Проблемы налогообложения электронной коммерции на современном этапе // Молодой ученый. – 2018. - №27. – С. 85-87. – URL <https://moluch.ru/archive/213/51957/>

10. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини соликка тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. –160 б.

11. Уразалиев К. Электрон тижорат ва уни соликка тортиш масалалари. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси ва автореферати. – Тошкент: ТМИ, 2019.

12. Ўзбекистон Республикаси солиқ кодекси (янги таҳрири). 2020. – <https://lex.uz/docs/4674902>

13. Давлат солиқ қўмитасининг сайти маълумотлари. – <https://soliq.uz/>

RAQAMLI IQTISODIYOTDA XALQARO SOLIQQA TORTISH

Artikov Ne’matulla Abdusalamovich



iqtisodiyot fanlari bo'yicha falsafa doktori (RhD)
solliqlar va solliqqa tortish
kafedrasi dotsenti
Toshkent moliya instituti
E-mail: negart@rambler.ru
ORCID: 0000-0002-7652-341X

Annotatsiya

Raqmlashtirish iqtisodiyotga jadallik bilan kirib kelayotgan bir vaqtda xalqaro soliqqa tortishni tadqiq qilish o'ta dolzarb masala. Mamlakatlar o'rtasda o'zaro tovar aylanishining tobora ortib borishi va ishlab chiqarishning kuchayishi sharoitida soliqqa tortishning xalqaro tamoyillarini o'rganish yanada muhim ahamiyat kasb etadi. Maqolada xalqaro soliqqa tortish tamoyillari va maqsadlari o'rtasidagi munosabatlardan kelib chiqadigan muammolar tadqiq etilgan.

Kalit so'zlar: xalqaro soliqqa tortish maqsadlari, xalqaro soliqqa tortish tamoyillari, soliq huquqi, raqamli iqtisodiyot, raqamli xizmatlarni soliqqa tortish, kelishuv, ikki tomonlama soliqqa tortish.

МЕЖДУНАРОДНОЕ НАЛОГООБЛОЖЕНИЕ В ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

Артиков Нематулла Абдусаламович

доктор философии (RhD) по
экономическим наукам
доцент кафедры налогов
и налогообложения
Ташкентский финансовый
институт
E-mail: negart@rambler.ru
ORCID: 0000-0002-7652-341X

В период, когда цифровизация стремительно входит в экономику, международные принципы налогообложения приобретают еще большее значение. Увеличение товарооборота между странами и повышение

мобильности производства требуют исследования вопросов международного налогообложения в условиях цифровизации. В статье исследуются проблемы, возникающие из соотношения принципов и целей международного налогообложения.

Ключевые слова: международное налогообложение, цели международного налогообложения, принципы международного налогообложения, налоговое право, цифровая экономика, налогообложение цифровых услуг, соглашение, двойное налогообложение.

INTERNATIONAL TAXATION IN THE DIGITAL ECONOMY

Artikov Nematulla Abdusalamovich

*Doctor of Philosophy (RhD)
economic sciences*

*Associate Professor of the
Department of Taxes
and taxation*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: negart@rambler.ru

ORCID: 0000-0002-7652-341X

Abstract

At a time when digitalization is rapidly entering the economy, international tax principles become even more important. Increasing trade turnover between countries and increasing mobility of production require research into international taxation issues in the context of digitalization. The article examines the problems arising from the relationship between the principles and goals of international taxation.

Keywords: international taxation, objectives of international taxation, principles of international taxation, tax law, digital economy, taxation of digital services, treaty, double taxation.

Kirish

Globalashuv jarayoni kengayib borishi ta'sirida ishlab chiqarish jarayonlari jadallashib bormoqda, davlatlar o'rtasidagi moliyaviy-iqtisidiy munosabatlar kengaymoqda, buning natijasida qonunchilikning soliq munosabatlarini tartiblashdagi ahamiyati o'z dolzarbligini ko'rsatmoqda. Shuningdek xalqaro miqyosda amal qiladigan soliq huquqi bilan bog'liq muammolar ham yuzaga chiqib boshladi.

Barcha davlatlar o'z manfaatlariga mos keladigan soliq tizimini yaratish huquqiga ega bo'lganliklari natijasida, ular turli tamoyillarga asoslangan soliq rejimlarini amaliyotda qo'llab kelishadi. Jismoniy shaxslar bir nechta davlatlar bilan iqtisodiy va huquqiy munosabatlarga ega bo'lsa, bu holat turli davlatlar soliq organlarining o'zaro nizosiga olib kelish ehtimoli yuqori darajada bo'lishi mumkin. Hatto bir xil soliqqa tortish tamoyiliga asoslangan soliqqa tortishni amalga oshiradigan mamlakatlar ba'zan tushunchalarni turlicha talqin qilish oqibatida soliq to'lovchining turli soliq vaziyatlariga olib kelishi mumkin.

Adabiyotlar sharhi

Bugungi kunda raqamli iqtisodiyot sharoitida soliqqa tortish muammolari xoriji va mamlakat olimlari tomonidan keng o'rganilmoqda. Shu bilan birga bu sohaning ko'lami tadqiqotlarni yanada kengroq olib borishni taqozo etadi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 2020 yil 28 apreldagi PQ-4699-son Qarorida belgilaganidek, “2023-yilga kelib raqamli iqtisodiyotning mamlakat yalpi ichki mahsulotidagi ulushini 2 baravarga ko'paytirishni nazarda tutgan holda, shu jumladan, ishlab chiqarishni boshqarishda axborot tizimlari kompleksini joriy qilish, moliyaviy-xo'jalik faoliyatda hisobot yuritishda dasturiy mahsulotlardan keng foydalanish, shuningdek, texnologik jarayonlarni avtomatlashtirish orqali uni jadal shakllantirish” [1] bugungi kunda muvafaqiyatli amalga oshirilmoqda. Mazkur Qaror bevosita raqamli iqtisodiyotda xalqaro soliqqa tortish masalasi bilan ham bog'liqdir.

Raqamli iqtisodiyotda xalqaro soliqqa tortish bilan bog'liq muammolar bir talay mamlakat va xorijiy olimlar tomonidan tadqiq etilgan. Rossiyalik olim K.A. Ponomarevaning fikricha, “Iqtisodiyotning barcha tarmoqlaridagi korxonalar raqamlashtirish jarayonlarida tobora ko'proq ishtirok etayotganligi sababli korxonalar qanday soliqqa tortilishi kerakligi va bu soliq yurisdiksiyalar o'rtasida qanday taqsimlanishi asosiy muammoga aylanadi. Davlatlar muammoning, shubhasiz, umumiy yechimini izlashlari kerak: global xalqaro soliq qoidalaridagi har qanday fundamental o'zgarishlar soliq kelishmovchiliklari va nizolarni uchun konsensusga asoslanishi kerak” [2].

I. I. Kucherov bu masalaga kuyidagacha qaraydi: "... raqamli soliq deb ataladigan soliqni o'rnatish zarurligi bilan bog'liq muammo o'z yechimini qutmoqda. Bunda biz elektron shaklda xizmatlar ko'rsatishdan olingan daromadlar bilan bog'liq to'lash majburiyati bo'lgan maxsus fiskal yig'imni nazarda tutamiz. Hozirgi vaqtda dunyo mamlakatlarida bu masala bo'yicha yagona yondashuvlar

mavjudligi haqida gapirish joiz emas” [3].

N.O. Starkovaning fikricha, hozirgi vaqtda Rossiyaning “... elektron tijorat soliq qonunchiligi umumiy tamoyillarga asoslanadi va ushbu turdagi faoliyatning o'ziga xos xususiyatlarini hisobga olmaydi. Ushbu sohada soliqlarni undirishda umumiy yondashuvlardan foydalanish muqarrar ravishda mablag'larni soliqqa tortishdan olib qo'yishga olib keladi, soliq solinadigan baza ko'rsatkichlarini pasaytirib ko'rsatishga yaratadi va byudjet taqchilligiga olib keladi [4]. Iimiy manbalardan ko'rinib turibdiki, boshqa mamkaratlarda ham raqamli iqtisodiyot sharoutida soliqqa tortish muammolari dolzarb bo'lib, o'z yechimni kutmoqda.

Tahlil va natijalar

Raqamli iqtisodiyot sharoitida davlatlar o'zlarining soliqqa tortish vakolatlari doirasini universallik va hududiylik tamoyillariga asoslanib shakllantiradi. Davlatlarning daromad va boylik elementlarini soliqqa tortishda foydalanadigan bosh tamoyillari asosan resurs va yashash tamoyili ko'rinishida bo'ladi. Soliqqa tortishda qo'llaniladigan tamoyillar tovar va xizmatlar ishlab chiqarilgan mamlakat va borishi belgilangan mamlakat tamoyillariga ko'ra aniqlanadi.

Davlatlar o'rtasida yuzaga keladigan ikki tomonlama soliqqa tortish muammosi, ushbu tamoyillarning turlicha talqin qilinishi yoki daromad ta'riflaridagi farqliliklar tufayli yuzaga kelishi mumkin. Garchi bu davlatlar bir xil soliqqa tortish tamoyillarini qo'llab kelayotgan bo'lsalar ham, mamlakatlarning turli soliqqa tortish tamoyillariga asoslanganligi bu muammoni keltirib chiqarishi ehtimoli mavjud. Ikki tomonlama soliqqa tortishning oldini olish maqsadida, ayniqsa, transmilliy kompaniyalarni soliqqa tortishda chegirma va ozod qilish usullari qo'llaniladi. Xalqaro soliqqa tortishning maqsadi milliy farovonlikni maksimal darajada oshirish, soliq adolati va soliq yukini teng taqsimlash, xolislik va ishlab chiqarishda samaradorlikni ta'minlashdan iborat. Ba'zan soliqqa tortish borasidagi xalqaro amaliyotda betaraflikdan ham foydalaniladi. Xalqaro soliqqa tortish ma'nosidagi betaraflik tushunchasi kapital eksporti betarafliigi va kapital importining betarafliigi sifatida ikkiga bo'lib tahlil qilinadi.

Xalqaro soliqqa tortish tamoyillari va maqsadlari bir-biriga mos kelishi yoki, aksincha, qarama qarshi bo'lib qolishi mumkin. Zamonaviy talqinlarda “globallashuv” tushunchasi tovarlar va xizmatlar, ishlab chiqarish vositalari, moliyaviy tizimlar, raqobat, kompaniyalar, texnologiya va sanoat bozorlarining ortib borayotgan xalqarolashuvi sifatida ta'riflanadi. Globallashuv jarayonida moliyaviy fondlar erkin harakatlanishi tabiiy holat hisoblanadi va ochiq bozor operatsiyalariga urg'u beriladi. Bu jarayonda ishlab chiqarish omillarining, ayniqsa

kapital va texnologiyalarning xalqaro harakatchanligi alohida ajralib turadi.

Globallashuv jarayoni bilan birgalikda ishlab chiqarish harakatchanligining oshishi ularning soliq stavkalariga nisbatan sezgirligini ham oshiradi. Bu holat ishlab chiqarish hosilalariga soliq solishni va shunga mos ravishda soliqqa tortish maqsadlariga erishishni ham qiyinlashtirmoqda.

An'anaviy qarashlarga ko'ra, ideal soliq tizimi sodda, neytral va adolatli bo'lishi kerak. Xalqaro soliqqa tortish kontekstida bu tamoyillar qatorida tenglik tamoyili xalqlarning bir-biri bilan va soliq to'lovchilar o'rtasidagi tengligini, xolislik tamoyili kapital eksporti va importining betarafligini, soddalik tamoyili esa soliq qonunchiligini tushunarli va qo'llanilishi mumkin ekanligini ko'rsatadi. Globallashuv jarayoni bilan birga har bir davlatning milliy soliq tizimlari ham o'zgara boradi.

Ishlab chiqarish omillarining harakatchanligi oshishi bilan soliqqa tortishning qoidalari ham xalqaro ahamiyatga ega bo'ldi. Bu masalada xalqaro soliqqa tortish qoidalari asosan uch guruhga bo'linadi. Bu qoidalar:

- norezidentlarga nisbatan milliy qoidalar;
- odatda rezidentlarning chet eldagi daromadlari bilan bog'liq milliy qoidalar;
- yakunlovchi qo'shimcha qoidalar (butunlay milliy bo'lmagan va xalqaro shartnomalarga asoslanadi).

Umuman olganda, davlatlar o'rtasidagi savdo munosabatlarining darajasi soliq huquqidan kelib chiqadigan munosabatlarning mazmunini ham tashkil qiladi. Tijorat munosabatlarining kuchayishi bilan soliq qonunchiligidan kelib chiqadigan muammolar ham yetakchi o'ringa chiqq boradi. Shunday qilib, raqamli iqtisodiyot sharoitida soliqqa tortishning xalqaro tamoyillari masalasi ham katta ahamiyatga ega bo'ladi.

“Xalqaro soliqqa tortish” tushunchasini esa transchegaraviy operatsiyalarni soliqqa tortish sifatida yanada kengroq tarzda ta'riflash ham mumkin. Bugungi kunda xalqaro soliqqa tortish OECD va Birlashgan Millatlar Tashkiloti kabi tashkilotlar tomonidan ishlab chiqilgan turli xil milliy soliq siyosatiga tegishli ko'rsatmalari, ikki tomonlama soliq shartnomalari, namunaviy soliq shartnomalari kabi bir qancha qo'llanmalarining jamlanmasidan iborat.

Iqtisodiyoti rivojlangan mamlakatlarning soliq tizimlari va soliqqa tortish bilan bog'liq asosiy tamoyillari 20 asr boshlarida, dunyo iqtisodiyotining hozirgiga nisbatan mustaqil va yopiq bo'lgan davrda shakllandi. Birinchi jahon urushigacha bo'lgan davrda rivojlangan mamlakatlarda keng tarqalgan daromad solig'i boshqa davlatlarda qo'llanilmagani va ko'plab kompaniyalarning operatsiyalari

cheklanganligi bilan ajralib turadi. Bu davrda xalqaro savdo va investitsiyalar cheklangan va bir biriga zid bo'lgan qoidalarni o'z ichiga olganini kuzatish mumkin. Hozirgi globallashuv sharoitida transchegaraviy savdo va investitsiyalar ortib borayotganligi sababli ushbu operatsiyalar oqibatida kelib chiqadigan ikki tomonlama soliqqa tortilishning oldini olish maqsadida mamlakatlar o'zaro soliq shartnomalarini tuzayotgani kuzatilmoqda.

Raqamli iqtisodiyot sharoitida xalqaro soliqqa tortish va xalqaro huquq o'rtasidagi munosabatlarga nazar tashlaydigan bo'lsak, xalqaro soliqqa tortish "xalqaro huquq" tushunchasining kichik tarkibiy qismi sifatida qabul qilinganligi ko'rinadi. Bu fikr ayniqsa ikki tomonlama soliqqa tortish bo'yicha shartnomalar bilan ko'proq bog'liqlik kasb etmoqda. Biroq bu xalqaro soliq huquqi doirasini to'liq belgilab bermaydi. Xalqaro soliq rejimi – bu xalqaro kapital va savdo oqimlari bilan bog'liq tranzaksiya xarajatlarini kamaytirish, soliq organlari va transmilliy kompaniyalar, jo'natuvchi va qabul qiluvchi davlat o'rtasidagi soliq nizolarini hal qilish, shuningdek transmilliy kompaniyalar va milliy davlatlar o'rtasida yuzaga keladigan maqbul bo'lmagan xatti-harakatlarni ishlab chiqilgan qoidalar orqali kamaytirish uchun foydalaniladigan tizim sifatida namoyon bo'lmoqda.

Xalqaro huquqda umume'tirof etilgan nuqtai nazar shundan iboratki, unga ko'ra mamlakatlar o'zlarining soliqqa tortish darajasini belgilashda erkin hisoblanadilar, biroq bu fikr boshqa mamlakatlar yurisdiksiyasi doirasida soliqqa tortish bilan bog'liq sanksiyalarni qo'llash imkoniyati to'g'risidagi nizomni o'z ichiga olmaydi. Boshqacha qilib aytadigan bo'lsak, mamlakatlarning soliq vakolatlari boshqa davlatga oid bo'lgan soliqqa tortish ob'ekti bo'yicha belgilanadigan soliqlarga nisbatan qo'llanilishi mumkin emas. Shu sababli mamlakatlarning soliq qonunchiligi, soliqqa tortiladigan shaxs bilan soliq solinadigan sub'ektga tegishli mamlakatlar o'rtasidagi munosabatlar bilan chegaralanadi.

Xulosa

Xulosa o'rnida qayd qilish mumkinki, raqamli iqtisodiyot sharoitida shakllanadigan daromadni soliqqa tortishda, davlatlarning soliqqa tortish vakolatlari doirasi va chegarasini aniqlash muhim ahamiyatga ega, deb o'ylaymiz.

Soliq solish vakolatlaridan foydalanadigan davlatlar o'zlarining daromad solig'i tizimlarini turli tamoyillarga ko'ra asoslashlari mumkin va bu tamoyillardan qaysi biri tanlanishi mamlakatlar manfaatlariga qarab farq qilishi tabiiy bir holat hisoblanadi.

Yuqorida aytib o'tilganlardan kelib chiqib, quyidagilarni, yani:

raqamli iqtisodiyot sharoitida jismoniy shaxslar bir nechta davlatlar bilan iqtisodiy va huquqiy munosabatlarga ega bo'lsa, bu farq turli davlatlar soliq organlari o'rtasida nizo chiqishiga olib kelishining oldini olish choralari ko'rish zarur;

bir xil soliqqa tortish tamoyiliga asoslangan soliqqa tortishni amalga oshiradigan mamlakatlar o'rtasida tushunchalarni turlicha talqin qilinishi natijasida bir xil soliq to'lovchining turli xil soliq rejimlariga va yurisdiksiyalariga duch kelishlariga sabab bo'luvchi holatlarni chuqur tahlil qilish talab etiladi;

O'zbekiston va hamkor davlatlar o'rtasidagi ikki tomonlama shartnomalarga o'zgartirishlar kiritish;

davlatning fiskal manfaatlariga rioya etilishini ta'minlash zarur .

Davlatlarning soliqqa tortish vakolatlari doirasini ma'lum tamoyillariga asoslanib, to'g'ri shakllantirishi va xalqaro soliqqa tortish borasida kamroq muammolarga duch kelishiga erishiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to'g'risida”gi 2020 yil 28 apreldagi PQ-4699-son Qarori. – <https://lex.uz/docs/4800657>

2. Пономарева К.А. Налогообложение цифровых услуг в контексте международных налоговых соглашений. Актуальные проблемы российского права. 2022;17(8):20-31.–<https://doi.org/10.17803/1994-1471.2022.141.8.020-03>

3. Кучеров И. И. Актуальные вопросы налогово-правового регулирования сферы цифровой экономики. – <https://cyberleninka.ru/article/n/aktualnye-voprosy-nalogovo-pravovogo-regulirovaniya-sfery-tsifrovoy-ekonomiki>

4. Старкова Н.О. Особенности налогового регулирования электронной коммерции в РФ // Вестник НГИЭИ. 2017. № 9.

5. Devereux M. P., Vella J. Debate: Implications of Digitalization for International Corporate Tax Reform // Intertax. – 20 18. – Vol. 46, Iss. 6/7. – P. 550-559.

6. Смирнова Е.Е. Оценка эффективности деятельности налоговых органов в условиях цифровой экономики // Экономика. Налоги. Право. 2018. № 2.

SOME ISSUES OF IMPROVING THE METHODOLOGY FOR INCREASING TAX COLLECTION



Berdiyeva Uguloy Abdurakhmanovna

*Doctor of Philosophy (PhD) in Economics,
Associate Professor of the Department “Taxes and taxation”*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: ugiloy555@gmail.com

ORCID: 0000000184693200

Abstract

This article examines some issues of improving the methodology for increasing tax collection in the context of democratization and renewal of society in Uzbekistan, modernization and reform of the country's economy. Also analyzed are the budget revenues of the Republic of Uzbekistan by types of taxes, in particular direct and indirect taxes, resource fees and property taxes, other taxes and payments, state duties and penalties, the level of tax burden in some countries of the world. Based on the analyzes, scientific conclusions, recommendations and proposals have been developed.

Keywords: tax burden, tax system, tax policy, local taxes, property tax, land tax, state budget, local budget, tax trend, tax progression.

SOLIQLAR YIG’ILUVCHANLIGINI OSHIRISH METODOLOGIYASINI TAKOMILLASHTIRISHNING AYRIM MASALALARI

Berdiyeva Uguloy Abdurakhmanovna

iqtisodiyot fanlari nomzodi

solliqlar va soliqqa tortish kafedrasi dotsenti

Toshkent moliya instituti

E-mail: ugiloy555@gmail.com

ORCID: 0000000184693200

Annotatsiya

Maqolada O‘zbekistonda jamiyatni demokratlashtirish va yangilash, mamlakat iqtisodiyotini modernizatsiya va isloh qilish sharoitida soliqlarning yig‘iluvchanligini oshirish metodologiyasining ayrim masalalari tahlil qinagan. Shuningdek, soliqlar turlari, xususan, bevosita va bilvosita soliqlar, resurs

to‘lovlari va mol-mulk solig‘i, boshqa soliqlar va to‘lovlar, davlat bojlari va penyalari, ayrim mamlakatlardagi soliq yuki darajasi bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi byudjet daromadlari tahlil qilingan. Tahlillar asosida ilmiy xulosalar, tavsiya va takliflar ishlab chiqilgan.

Kalit so'zlar: soliq yuki, soliq tizimi, soliq siyosati, mahalliy soliqlar, mulk solig‘i, yer solig‘i, davlat byudjeti, mahalliy byudjet, soliq tendentsiyasi, soliq progressiyasi.

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ МЕТОДОЛОГИИ ПОВЫШЕНИЯ СБОРА НАЛОГОВ

Бердиева Угулой Абдурахмановна

канд. экон. наук доцент кафедры налогов и налогообложения

Ташкентский финансовый институт

E-mail: ugiloy555@gmail.com

ORCID: 0000000184693200

Аннотация

В статье исследуются некоторые вопросы совершенствования методологии повышения сбора налогов в условиях демократизации и обновление общества, модернизации и реформирования экономики страны. Проанализированы доходы бюджета Республики Узбекистан по видам налогов, в частности, прямые и косвенные налоги, плата за ресурсы и налог на имущество, другие налоги и платежи, государственные пошлины и пени, уровень налоговой нагрузки в некоторых странах мира. На основе анализов разработаны научные выводы, рекомендации и предложения.

Ключевые слова: налоговая нагрузка, налоговая система, налоговая политика, местные налоги, налог на имущество, земельный налог, государственный бюджет, местный бюджет, налоговая тенденция, налоговая прогрессия.

Introduction

Democratization and renewal of society in Uzbekistan, modernization and reform of the country's economy require a comprehensive reorganization of the activities of various sectors. Because the fields, having acquired their own characteristics, form an integrated system in interdependence. The reforms implemented in Uzbekistan are aimed at establishing a socially oriented market economy and should provide economic stability and free conditions based on

democratic principles for the activities of citizens and economic entities.

In particular, deepening of economic reforms is a process that goes hand-in-hand with the strengthening of the foundations of the multi-system economy, the development of the private sector, and the implementation of an effective tax system that provides state revenues. Ensuring the efficiency of the tax system is of particular importance.

Revenues and expenditures of the State Budget from year to year in our country application of effective mechanisms in the formation of the state budget tax Reforms to increase incomes and use them wisely is being done. President Sh. Mirziyoyev said “... a new tax the main idea of the concept is to reduce the tax burden, simple and sustainable the tax system. This is our economy increase competitiveness, all-round convenience for entrepreneurs and investors creating an environment that can be achieved” [1]. For these purposes it should be noted that local taxes also play a role in achieving this.

Today, the instability of tax legislation, its excessive instructions, orders and other normative documents have a negative impact on the effective functioning of this system. It is also a requirement of today to improve the tax legislation and prepare and implement a single document in this area. Important and effective work is being done by our state in this regard.

According to the purpose of the 28th principle of the Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 29, 2022 No. PF-60 “On the new Uzbekistan development strategy for 2022-2026”, tax burden on business entities until 2026 it is planned to reduce from 27.5% to 25% of GDP [2].

Meeting the needs of the community and local in each country the role of local taxes in stimulating development is taken into account. The revenues of local self-government bodies are included in their budgets from their own sources, i.e. local taxes, in proportion to the costs must provide. In this case, local tax revenues tax, of course, in creating an effective mechanism for the budget in the formation the tax burden on taxpayers must be taken into account, otherwise the tax taxpayer dissatisfaction has a negative impact on the efficiency of the tax system possible. To study the international experience taking into account the mentioned aspects and adaptation to our national practice local tax types in our country serves to increase revenues.

Revive of the literature on the subject

The tax burden represents a set of indicators of the country’s tax system. A certain percentage of the income of individual businesses or other taxpayers is paid

to the state in the form of taxes or fees [3].

Importance of local taxes, their peculiarities and their Many scholars have studied the role of budgeting it should be noted that in particular, Lars P. Feld, Friedrich Schneider in his view, state and local taxation are local at the local government level sometimes provides for voluntariness in determining tax rates and bases and funding for public services at the state and levels holds the share of all taxes and levies paid in the country in GDP represents the tax burden [4].

These definitions represent the gross tax burden on the national economy. The economic literature emphasizes that the tax burden can be determined not only at the national level, but also for industries, regions or individual taxpayers [5].

Scientists and experts have the same approach to determining the tax burden at the macro level. There is no consensus on its definition at the micro level, including at the level of business entities. This is because the source to which taxes are attributed is interpreted differently by the authors. That is, a number of economists determine the tax burden relative to profit or income [6].

The controversy over the micro-level assessment of the tax burden is that most scholars take into account the amount of taxes actually paid. The tax burden on business entities cannot be fully assessed by the amount of taxes actually paid during the reporting period [7].

Salvatore Bimonte, Arsenio Stabile development, regulation, various payments and that it is the responsibility of local municipalities to collect property taxes emphasizes. If these tasks are not well implemented and in a systematic way if not, between fiscal policy and urban policy an imbalance may occur [8].

Tax burden is the ratio of the sum of all taxes and fees paid by business entities or citizens to the state, local budgets and various funds in a strictly defined manner to the workload, income or other object of taxation [9].

Analyze optimal taxation in the context of an endogenous growth model where growth is endogenous as a result of constant returns to cumulable factors. Because of their focus on the accumulation of human capital as opposed to innovative activity as the engine of growth, their policy prescriptions are quite different from ours. By contrast, what we find is that while physical capital accumulation should not be distorted in the long run, both labour and innovative activity should be taxed in the sense that their after-tax returns are less than their marginal products. This is because there is an endowment of time for labour and innovation in each period, beyond the initial capital endowment [10].

In the current literature, taxes are considered as mandatory, non-equivalent payments to the state budget and extra-budgetary funds from individuals and legal

entities in accordance with the current regulatory documents [11].

They can be interpreted with some additions to the principle of inequality in taxes. In the scientific literature, the tax system is interpreted differently, when viewed in a narrow sense, “The sum of taxes and other payments collected in the prescribed manner constitutes the tax system” [12].

A number of other scholars have expressed certain opinions about tax principles. In particular, the Russian economist N. Turgenev recognized such specific principles as equal distribution of taxes - accuracy of taxes - convenient time of tax collection - low cost of tax collection - existence of a general rule in tax collection [13].

Discussion and results

According to current tax theory and practice, giving priority to the fiscal function of taxes in order to fill the budget cannot form the basis of tax strategy. In order to achieve adequate formation of budget revenues, the introduction of new taxes and the establishment of increased standards of taxation are denied.

An excessive increase in the tax burden leads to a reduction of the tax base, which prevents the creation of new business structures and exposes existing structures to mass bankruptcy.

For this reason, it is necessary to determine the generalized tax burden at the most favorable level of taxation. In this situation, taxes should not threaten business and investment activities, as well as the standard of living of the population, and should provide the necessary (sufficient) budget revenues.

In our opinion, taking this into account, it is appropriate to distinguish the function of applying entrepreneurship from the set of tax functions. In order to ensure the activity of business entities, it is necessary to have a reasonable tax burden. The general direction of taxation in foreign countries has been to reduce the tax burden on profits.

As the tax burden increases, the net income of citizens decreases. Every citizen will have to work harder to earn their previous income before the increase in taxes. Usually, subjects start looking for additional jobs elsewhere instead of improving their productivity in their main workplace.

In addition, there has been a change in the rates of VAT, income tax and excise duties of the main taxes that form the budget income. The minimum rates of personal income taxes have been increased. As a result of all of them, the tax burden for each taxpayer actually increased.

Economists-scientists and specialists have researched and analyzed certain

shortcomings in the process of formation of the tax system of our country. In particular, the following should be highlighted:


- the priority of the fiscal approach in tax policy was carried out by setting high tax rates in the presence of a large number of benefits;
- the tax system has effectively failed to fulfill its important function of stimulating production, as private savings and investment have declined due to the 30.0% tax on corporate income. Usually, if the share of taxes exceeds 40.0-50.0% of income, then investment activity stops completely and production decreases;
- inequality in the distribution of the tax burden among taxpayers, the main tax burden fell on the income of enterprises, while natural raw material resources, property and income of individuals were taxed at a relatively low level, and they had an insignificant share in the total budget income;
- a significant amount of all tax revenues was redistributed through the state budget due to the lack of rational distribution of state and local tax types, attaching taxes to budgets of different levels.

It should be noted that the current high rates of income taxation have been inefficient due to the availability of large tax credits. In the practice of applying privileges, it is also allowed to transfer the privilege given to one taxpayer to another as an additional burden. According to some authors, the exemption of agricultural enterprises from value added tax leads to an increase in the tax burden on enterprises that process their products.

Decree of the President of the Republic of Uzbekistan PF-5177 dated September 2, 2017 “On priority measures to liberalize foreign exchange policy” [17] aimed at creating equal conditions for the implementation of its activities. Research shows, that high inflation rate in Uzbekistan (Diagram1).

Diagram 1.

Inflation rate in Uzbekistan and real GDP growth rate dynamics, in percent*




*The diagram is compiled by the author on the basis of data from the official website of the State Statistics Committee of the Republic of Uzbekistan – www.stat.uz

Tax incentives can be divided into two groups: effective incentives and non-effective incentives. In Uzbekistan, the second group of benefits is numerous. Since the benefits they provide are not significant, they cannot change the economic activity of taxpayers.

Diagram 2.

Special attention should be paid to the following when tax benefits are used selectively*




*The diagram is compiled by U.A. Radjabov, J.I. Butaev – “Issues of improving theoretical and practical aspects of the tax system in the innovation economy” Monograph Tashkent 2021. 96 pages.

At this point, it should be said that tax credits are a factor that eases the tax burden and are focused on incentives. These are in the form of reduction of the tax base and tax rate, tax exemption, conversion of tax into credit, granting of tax holidays. The tax legislation of Uzbekistan also provides for a number of benefits. Exemptions are applied selectively rather than targeted, benefiting a certain group of taxpayers. For example, in 2005-2006, newly established farms in the process of agricultural farming were exempted from land tax for a period of 5 years. This helps them stand on their own feet.

One of the ways to reduce the corporate tax burden is to use tax credits. A tax credit is an incentive for the government if it provides relief for the payer. The ability to incentivize benefits is often inherent in proper taxes. The effect of benefits on the taxpayer is a primary effect, while the effect on the national economy is a cumulative or secondary effect.

Diagram 3.

Information on budget revenues in the Republic of Uzbekistan by types of taxes as of March 31, 2022-2023 (in billion soums)



*The diagram is compiled by the author based on the official website – www.soliq.uz

As we can see in the picture above, the income from direct taxes to the state budget is 44.1%, from indirect taxes 31.0%, from resource payments and property tax 17.1%, state duty and fines 2, It is 7 percent, and other taxes and fees are 5.0 percent.

Privileges used in the collection of tax from the income of individuals in Uzbekistan are full exemption from tax. This benefit applies to some civil servants. In order to benefit from this privilege, it is enough to have a certain profession and work in a government office. Benefits here are public and related to employee performance not. The beneficiaries of the profit tax are joint ventures, newly opened enterprises, and enterprises included in the state investment program. Tax relief for joint ventures serves to attract foreign capital and is given in connection with the main production activities. However, in practice, joint ventures enjoy benefits even when engaged in trade activities. In Uzbekistan, tax credits apply to the main types of taxes, such as income (profit) tax, value added tax, property tax, land tax and other tax and tax-free payments.

Social benefits are more likely to be used where there is a large population in need of protection, but this requires a strong economic capacity to compensate for the losses they cause. These benefits are more applicable where the state has assumed large obligations.


It is clear from the data in the figure that the high tax burden falls on the countries of Denmark and Sweden, at 48.3 and 46.7 percent, respectively. The

theoretically interpreted normative level of this tax burden is much higher than 30%, but in these countries the living standards of the population are high and most importantly the mechanism of tax collection and its operation is much better than in countries with much lower tax burden. Economic growth will also be high.

At a time when the tax burden in the Republic of Uzbekistan is 23.5%, the above figures are quite different. This testifies to the effective implementation of tax policy in our country. We can analyze the tax burden over the years from the figure below.

Diagram 4.

The level of tax burden in some countries of the world (As a percentage of GDP)*



*The diagram is compiled by the author based on the official website – <https://taxfoundation.org/state-tax-burden-2019/>

As we can see from the analytical indicators in the above Figure data, if we assume that the total budget revenues in tax areas in 2020 will be 100%, in 2021 this indicator rates will increase by 23 % compared to 2020. This will play a major role in further developing production and ensuring economic growth in the country.

As shown in the figure above, the full reduction of tax revenues in the prescribed manner in the budget - this will lead to an improvement in the economic life of the country. Funds directed to the socio-economic spheres, which are part of the expenditure classification of the state budget, are also made through tax revenues. Financing of existing sectors is one of the priorities of the state. As a result of prudent tax policy pursued in the country, significant macroeconomic and microeconomic development will be achieved (Figure 4).


Macro-level refers to the tax system of the whole country, in other words, it means the state’s intervention in the economy, its tax pressure. In this case, the tax burden is distributed to enterprises, industries and sectors. The macro-tax burden is

insignificant for each of the legal entities and individuals. Because they pay taxes and fees to the budget and extra-budgetary funds from their own income. The tax burden on the general population is calculated as the ratio of all taxes collected by the population to GDP. World experience shows that the tax burden on the population is divided into micro and macro levels. In our study, we also found it necessary to dwell on the tax burden on the population of our country.

The impact of the tax burden and tax policy on the macroeconomic situation is very high, and the change in the country’s gross domestic product and national income is directly related to the effectiveness of tax policy. The impact of the tax burden on the macroeconomic situation can be assessed by issues such as the impact of taxes on aggregate demand and aggregate supply, investment climate, consumption, economic stability.

Diagram 5.

Information on budget revenues in the Republic of Uzbekistan by types of taxes as of March 31, 2022-2023 (in billion soums)*



*The diagram is compiled by the author based on the official website – www.soliq.uz

In Europe and the United States, land and property taxes are usually an object market each year is set in the range of 0.5-1% of the value. East Asia such as China and the Philippines property tax rates in countries are about 1-2%, In South Korea, the annual property tax is 0.15 times the value of real estate. It is set in the range of 0.5%. Many in sub-Saharan Africa different tax rates relative to different values of assets in countries For example, in Kenya, the land tax is set at 10% to 30% possible. In other African countries, the rates are much lower

possible. For example, eligible users in Rwanda pays taxes on land and buildings at 0.1% of the value of the assets [14].

Taxes are an important source of funding for any state and play an important role in budgeting and regulating the economy. In all countries of the world, taxes are the basis of state budget revenues.

The tax burden and the country’s fiscal policy are important factors in achieving macroeconomic stability. The country’s tax burden and tax policy play a special role in achieving economic growth, macroeconomic stability and improving the investment climate, and the need to improve these issues is a key requirement of today’s economy.

Table 1.

**Property tax revenues in European countries
Indicators (billion euros)***

<i>Nu.</i>	<i>Country</i>	<i>2012</i>	<i>2013</i>	<i>2014</i>	<i>2015</i>	<i>2016</i>	<i>2017</i>	<i>2018</i>	<i>2019</i>
1.	Austria	1,8	2,3	2,0	2,0	2,0	1,9	2,1	2,2
2.	Belgium	12,6	13,8	14,3	14,4	14,9	15,4	15,8	16,3
3.	Estonia	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1	0,1
4.	Finland	2,4	2,6	2,7	3,0	3,1	3,5	3,3	3,5
5.	France	81,4	84,1	86,7	92,1	95,0	100,8	97,4	97,7
6.	Germany	24,6	26,1	28,2	31,1	33,4	33,6	35,5	37,6
7.	Greece	5,2	5,7	5,1	5,4	5,5	5,6	5,6	5,9
8.	Ireland	3,1	3,6	4,2	3,9	3,8	3,9	4,3	4,4
9.	Italy	43,6	43,9	46,9	46,3	46,9	44,2	44,9	43,8
10.	Latvia	0,2	0,2	0,2	0,2	0,3	0,3	0,3	0,3

*The diagram is compiled by the author based on the Organization for Economic Cooperation and Development (OECD – Organization for Economic Cooperation and Development) official website site information – www.stats.oecd.org

As part of the study of international practice, the property tax rates of 10 European countries were analyzed (Table 1). Europe compared to other countries in terms of property tax rates. We can see that the highest figure belongs to France (97.7 billion. EUR). In Italy and Germany, property tax revenues are similar 43.8 and 37.6 billion, respectively euro. This is the case in other countries in the table It should be noted that the figure is significantly lower. To conclude possibly property tax revenues in developed countries much higher than in most developing countries. This is directly related to the development of the private sector in the economy, the living standards of the population and high levels of profitability.

Conclusion

We have formulated the following conclusions and suggestions, based on hundreds of split jobs over the years of production in Uzbekistan, based on developed jobs, assemblies and direct production:

1. It is not enough to think of the tax burden as a function of the tax rate and the tax base, because it is also a function of the taxpayer's residual income. Therefore, it is not enough to determine the tax collection coefficient to determine the burden. The tax burden should be determined at the micro level, because there will be no taxes applied at the macro- and mego-level. It is necessary to analyze this burden in comparison with the tax object, but in addition to the tax paid by the taxpayer, the income remaining at his disposal should also be considered. The financial resource left after tax also determines the limit of the tax burden. This limit serves as a criterion for how much resources can support extended reproduction.

2. It is necessary to apply the tax burden to households, because they are the main subject of the economy. First, the amount of collected taxes is compared with the gross income of the household, and secondly, the income per household is compared with the cost of living. When determining the tax burden on the house, it is necessary to include a part of indirect taxes. The tax burden creates tax pressure, but is not limited to it, as it also includes the terms and conditions of tax payment and its costs. Economic incentives are inversely proportional to tax pressure.

3. Improvement of taxes means their optimization, the criterion of which is the compatibility of the interests of the taxpayer and the tax collector, the compatibility of the fiscal and incentive functions of taxes. To do this, it is required to redistribute the tax burden, give relief from the profit and personal income tax, and transfer the fiscal losses it creates to other taxes.

The above proposals and recommendations will serve to increase state budget revenues and ensure stability in Uzbekistan. The above-mentioned scientific and theoretical proposals and recommendations will serve to improve the mechanisms of tax collection, timely and complete payment of taxes to the state budget and further increase budget revenues.

Reference

1. President of the Republic of Uzbekistan Shavkat Mirziyoyev Appeal to the Assembly. 28.12.2018.

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan dated January 29, 2022 No. PF-60 “On the new uzbekistan development strategy for 2022-2026”

3. Malikov T.S. Tax burden. What is it? – T.: Financier newspaper. 2015 and №6. Page 4.

4. Lars P.Feld, Friedrich Schneider. State and Local Taxation//International Encyclopedia of the Social & Behavioral Sciences (Second Edition), 2015. Pages 338-342;

5. Malikov T.S. Should the weight of the tax burden be drastically reduced? Tax Academy. – T.: 2006. Page 4.
6. Toshmuradov T. Tax Explanatory Dictionary. – T.: Labor, 2003. – P.116.
7. Kirova E.A. Methodology for determining the tax burden on business entities//Finance. – M.: 1998. – №. 9. – P. 30-32.
8. Salvatore Bimonte, Arsenio Stabile. Local taxation and urban development. Testing for the side-effects of the Italian property tax.//Ecological Economics, Volume 120, December 2015, Pages 100-107;
9. Isroilov B. Calculation and analysis of taxes: problems and their solutions – T.: Uzbekistan, 2006. – P.272.
10. Till Gross, Paul Klein. Optimal tax policy and endogenous growth through innovation. Journal of Public Economics. – Volume 209, March 2022. <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0047272722000470>
11. Chernik D.G. Fundamentals of the tax system, - M .: UNITI, 2000; Pushkareva V. The history of financial thought and the policy of taxes. – M.: INFRA.M, 1996.
12. T.S. Malikov. Current issues of taxes and taxation. - “Academy”, 163 p.
13. N.Turgenev. Experience in the theory of taxes//At the origins of financial law. -M.: Status, 1998, p.129.
14. Center for International Development (IGC – International Growth Center) official website – www.theigc.org

ИНВЕСТИЦИЯВИЙ ЖОЗИБАДОРЛИК ХУСУСИДАГИ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАР ТАЛҚИНИ



Ниязметов Мансур Рузматович

*«International School of Finance,
Technology and Sciences»
МЧЖ институти ректори
E-mail: director@isft.uz*



Маматов Баходир Сафаралиевич

*Иқтисодиёт фанлари доктори
«International School of Finance,
Technology and Sciences» институти доценти
E-mail: bahadir_mamatov@mail.ru*

Аннотация

Мақолада инвестицияларнинг роли ва инвестициявий жозибадорлик тушунчасининг илмий-назарий асослари, хусусан, инвестициявий жозибадорликнинг мазмуни, моҳияти, ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган. Инвестициявий жозибадорлик, инвестициявий фаоллик ва инвестициявий муҳит тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги таснифланган ҳамда инвестициявий жозибадорликни белгиловчи омиллар аниқланган.

Калит сўзлар: инвестиция, инвестиция фаолияти, инвестициявий фаоллик, сармоя, капитал қўйилмалар, моддий ва номоддий бойликлар, жозибадорлик, инвестициявий муҳит, инвестициявий риск, инвестициявий салоҳият, инвестицияларни жалб этиш.

ИНТЕРПРЕТАЦИЯ НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИХ ВЗГЛЯДОВ ИНВЕСТИЦИОННОЙ ПРИВЛЕКАТЕЛЬНОСТИ

Ниязметов Мансур Рузматович

*ректор институти ООО «International
School of Finance, Technology and Sciences»
E-mail: director@isft.uz*

Маматов Бахадыр Сафаралиевич

*доктор экономических наук
доцент института «International
School of Finance Technology
and Science» LLC,
E-mail: bahadir_mamatov@mail.ru*

Аннотация

В статье рассматривается роль инвестиций и научно-теоретические основы понятия инвестиционной привлекательности, в частности, раскрывается содержание, сущность, специфика инвестиционной привлекательности, формулируются научные выводы. Были классифицированы взаимосвязи понятий инвестиционной привлекательности, инвестиционной активности и инвестиционной среды, а также выявлены факторы, определяющие инвестиционную привлекательность.

Ключевые слова: инвестиции, инвестиционная деятельность, инвестиционная активность, капитал, капитальные вложения, материальные и нематериальные активы, привлекательность, инвестиционная среда, инвестиционный риск, инвестиционный потенциал, привлечение инвестиций.

**INTERPRETATION OF SCIENTIFIC AND THEORETICAL VIEWS
ON INVESTMENT ATTRACTIVENESS**

Niyazmetov Mansur Ruzmatovich

*Rector of the Institute «International
School of Finance,
Technology and Sciences» LLC
E-mail: director@isft.uz*

Mamatov Bahadir Safaralievich

*Doctor of Economics,
Associate Professor of the «International
School of Finance Technology
and Science LLC.
E-mail: bahadir_mamatov@mail.ru*

Annotation

The article examines the role of investment and the scientific and theoretical foundations of the concept of investment attractiveness, in particular, reveals the content, essence, specifics of investment attractiveness, and formulates scientific conclusions. The interrelations of the concepts of investment attractiveness, investment activity and the investment environment were classified, and the factors determining investment attractiveness were identified.

Keywords: investments, investment activity, investment activity, capital, capital investments, tangible and intangible assets, attractiveness, investment environment, investment risk, investment potential, investment attraction.

Кириш

Жаҳонда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, хорижий инвесторлар учун молиявий имтиёзларни жорий қилиш ва махсус иқтисодий зоналарни ташкил этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва халқаро инвестициялардан самарали фойдаланишга қаратилган илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)нинг Савдо ва ривожланиш бўйича конференциясининг (UNCTAD) янги маърузасида қайд этилишича, «2022 йилда халқаро бизнес ва халқаро инвестициялар учун глобал муҳит кескин ўзгарди. Украинадаги уруш – пандемиянинг давом этаётган таъсирини янада кучайтириб, дунёнинг кўплаб мамлакатларида озиқ-овқат, ёқилғи ва молиявий инқирозни келтириб чиқармоқда. Натижада, инвестициявий муҳитнинг ноаниқлиги 2022 йилда глобал тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимида салбий таъсир кўрсатмоқда. 2022 йилнинг биринчи чорагида инвестиция лойиҳалари сони 21 фоизга, халқаро лойиҳавий молиялаштиришга оид битимлар сони 4 фоизга камайди» [3]. Бундай тенденция халқаро инвестициялар учун рақобатлашиш борасида мамлакатда бизнес муҳитининг янада яхшиланишини ва инвестициявий жозибadorлигининг оширилишини тақозо этади.

Инвестициявий жозибadorлик ва уни янада ошириш масаласи мамлакатимизда инвестициявий фаолликни таъминлаш, хорижий инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш, янги иш ўринларини яратиш, интенсив тараққиётни таъминлаш ва меҳнат унумдорлигини ошириш, асосий капитални янгилаш ҳамда ишлаб чиқаришга замонавий техника-техника технологияларни ўзлаштиришда ҳал

килувчи рол ўйнайди. Шу муносабат билан «мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибadorлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 млрд долл., жумладан 70 млрд долл. хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш» [2] масаласи 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида муҳим устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

Шундай экан, икки мустақил сўздан иборат бўлган бу иборанинг мазмун-моҳияти нимани англатиши, унинг негизда нима(лар) ётиши, уни тилга олганимизда кўз ўнгимизда нима(лар) гавдаланши, моҳиятан «инвестициявий жозибadorлик» ўзи нима эканлиги, бу ибора нималарни қамраб олиши зарур ва уни идрок этиш (тушуниш) жараёнида нималарга эътибор бериш каби масалалар уз ечимини топиши лозим.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётларда инвестициявий жозибadorлик ва уна янада яхшилаш масаласи бир қатор хорижлик ва маҳаллий иқтисодчи-олимлар томонидан тадқиқ этилган. Жумладан, инвестицияларнинг назарий асослари, инвестиция муҳити ва унинг жозибadorлиги, хорижий сармояларни жалб қилишнинг илмий-назарий асослари, минтақанинг инвестициявий жозибadorлиги, ҳудудларнинг инвестицияларни жалб этувчанлигини ошириш омиллари, ҳудудларда инвестициявий фаолликни таъминлаш масалалари иқтисодчи-олимлар Э. Долан, Дж. Кейнс, Кэмпбелл Р. Макконнелл, Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус, Й. Шумпетер, Л. Агаева, В. Анисимова, Г. Литвинцева, М. Насрутдинов, Л. Юзович томонидан тадқиқ қилинган.

Маҳаллий иқтисодчи-олимлардан А. Вахабов, Т. Маликов, Д. Ғозибеков, Х. Имомов, Ш. Мустафақулов ларнинг илмий ишларида инвестиция фаолияти таҳлили ва молиялаштириш амалиёти, инвестиция муҳити ва унинг жозибadorлигини ошириш омиллари, хорижий инвестицияларни кенг кўламда жалб қилиш, ҳудудларда инвестиция жараёнларини фаоллаштириш масалалари бевосита ва билвосита тадқиқ қилинган.

Ушбу мавзу доирасида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари ва олиб борилган илмий-назарий изланишларда, айнан, инвестициявий жозибadorлик тушунчасининг асл мазмун-моҳияти комплекс ва тизимли тарзда тўлиқ ўрганилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Биринчидан, «инвестициявий жозибадорлик» тушунчаси анча мураккаб маънога эга бўлиб, биринчиси назария ва амалиётда халқаро атама сифатида дунёнинг барча халқлари тилида унинг ўзаги ўргармасдан бир хил ва бир маънода қўлланилади. Фақат у ёки бу тарзда унга қўшиб айтиладиган қўшимчалар ўзгариши мумкин, холос. Иккинчиси, яъни «жозибадорлик» тушунчаси ўзбек тилида нисбатан камроқ ишлатиладиган сўздир. Шу нуқтаи назардан ушбу сўз бирикмасининг замирида, негизида нималар ётганлиги ва моҳиятан у нималарни билдириши мумкинлигини англаш мураккабдир.

Иккинчидан, Ўзбек тилининг изоҳли луғатида «инвестиция (нем. *investition*, лот. *investire* – кийинтирмақ, сарпо бермоқ) – мамлакат ичкарасида ёки чет элда фойда кўриш мақсадида бирор корхонага, иқтисодиётнинг муайян тармоғига капитал қўйиш, киритиш ва шундай капиталнинг ўзи» [4] сифатида ифодаланган. Ўзбекистон миллий энциклопедиясида инвестиция – (лот. *investio* – ўраш) – иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида ўз мамлакатиде ёки чет элларда турли тармоқларга, ижтимоий-иқтисодий дастурларга, инновация, тадбиркорлик лойиҳаларига узоқ муддатли капитал киритиш (қўйиш). Пулнинг вақт (замон)га боғлиқ қиймати назариясига кўра, инвестиция келажакда наф олиш мақсадида маблағлар қўйишдир. Инвестиция капитални муайян муддатга боғлашни ёки банд қилишни билдиради. Бундан асосий мақсад капитал қийматини сақлаб қолиш ёки бўлмаса капитал қийматини вақтда ўстириб боришдир. Иқтисодий мазмуни жиҳатдан инвестиция турли фаолиятларга сафарбар этилган моддий, номоддий бойликлар ва уларга бўлган ҳуқуқларни акс эттиради» [5].

Амалдаги қонунчиликда «инвестициялар – инвестор томонидан фойда олиш мақсадида ижтимоий соҳа, тадбиркорлик, илмий ва бошқа фаолият турлари объектларига таваккалчиликлар асосида киритиладиган моддий ва номоддий бойликлар ҳамда уларга бўлган ҳуқуқлар, шу жумладан интеллектуал мулк объектларига бўлган ҳуқуқлар, шунингдек реинвестициялар» [5] сифатида таърифланган.

Ўз замонасининг буюк иқтисодчилари томонидан: «инвестициялар – келгусида (эхтимол номуайян) қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтда муайян қийматликдан воз кечиш» [6]; «инвестиция – бу моддий захираларнинг кўпайиши, ишлаб чиқариш воситаларининг жамғарилиши ва ишлаб чиқаришга йўналтирилган харажатлар» [7]; «инвестициялар – қўйилманинг келгусида ўсишини таъминлаш мақсадида бугунги

истеъмолдан воз кечиш» [8]; «инвестиция – ишлаб чиқариш даври давомида пайдо бўлган капитал қўйилма қийматининг жорий ўсиши. Бу ўша даврдаги фойданинг истеъмол учун ишлатилмаган қисми» [9] сифатида эътироф этилган.

Бундан кўринадики, инвестициялар қиймат категорияси нуктаи назаридан келгусида номуайян қийматлик олиш мақсадида ҳозирги вақтдаги муайян қийматликдан воз кечиш, бугунги истеъмолдан воз кечиш ҳисобига жамғариш, уни кўпайтириш, капитал харажатларни англатади. Инвестициялашнинг асосини жамғармалар ташкил этиши қайд этилган. Шунингдек, инвестицияларнинг мазмунига макро ва микро даражада ёндашилган бўлиб, инвестициялар фойда олиш ёки бошқа самараларга эришиш мақсадида моддий ва номоддий объектларга жойлаштириладиган барча турдаги бойликлар, шу жумладан, мулкый ҳуқуқлар, шунингдек асосий фондларни барпо этиш ва модернизация қилишга йўналтирилган капитал қўйилмаларни ифода этади. Қолаверса, инвестициялар даромад олиш ва бошқа ижобий самарадорликка эришиш мақсадида тадбиркорлик объектларига ва бошқа фаолият турларига қўйиладиган пул маблағлари, қимматли қоғозлар, технологиялар, машина-ускуналар, мулкый ҳуқуқлар, интеллектуал бойликлардан иборатлиги қайд этилган. Шунингдек, капитал қийматини сақлаш ва уни кўпайтириш, капиталнинг ҳаракатланиш жараёнига жалб этилишига инвестициялар сифатида қаралмоқда. Демак, фойда олиш мақсадида капитални ҳаракатлантириш (жойлаштириш, киритиш)нинг ўзи инвестициянинг моҳиятини ифодалайди. Чунки, барча шакл ва кўринишдаги бойликларнинг фойда олиш мақсадида тадбиркорлик ҳамда фаолиятнинг бошқа турлари объектларига қўйилишининг ўзи инвестицияларнинг моҳиятини очиб беради.

Учинчидан, она тилимизда қўлланилиб келинаётган «жозибаторлик» сўзи, фақат сўзларнинг ўзига эътибор бериладиган бўлса, араб ва форс тилидаги сўзлар бирикмасидан ташкил топган бўлиб, у «ўзига мафтун этишлик», «ўзига жалб этишлик» маъно-мазмунларини англатади. Хусусан, бунда: 1) «жозиб – ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, ўзига жалб этувчи; 2) жозиб – ёқимлилиқ, дилбарлик, малоҳат; 3) жозибатор – жозибига эга, мафтун этувчи, ўзига тортувчи, мафтун қилувчи, жозибали; 4) жозибаторлик – ўзига мафтун этишлиқ, ўзига жалб этишлиқ» [10] каби сўзларнинг ҳам қандай маъно-мазмун англатиши мумкинлигига эътибор бермоқ зарур. Турли иқтисодий адабиётларда инвестициявий жозибаторлик «инвестициялар самарадорлигининг таъминланиши ифодаси», «мавжуд хатарлар ва

инвестиция салоҳияти билан шаклланган ҳудудий иқтисодийнинг ҳолати», «инвестиция қўйилмаларининг мақсадга мувофиқлиги, самарадорлиги ва риск даражасига таъсир қилувчи омиллар мажмуи», «қулай ва барқарор ҳуқуқий режим, хорижий инвесторларга мулкни миллийлаштириш хавфидан кафолатлар берилиши ва унинг ҳуқуқларини камситмайдиган режим яратилиши», «сармоянинг кириб келишини белгиловчи ва инвестиция фаоллиги билан баҳоланадиган объектив иқтисодий, ижтимоий ва табиий воситалар, имкониятлар ва чекловларнинг йиғиндиси» тарзида ифодаланган.

Бундан кўринадики, инвестициявий жозибаторлик корхонанинг молиявий ҳолатини тавсифловчи умумлаштирилган атама ҳамда инвестициялар самарадорлиги ва рентабеллигининг таъминланиши сифатида талқин қилинган. Улар инвестициявий жозибаторликка инвестициялаш объектининг даромадлиги нуқтаи-назаридан қарашган. Бу эса инвестициявий жозибаторликка мулкдан самарали фойдаланиш усули сифатида ёндашилганлигини кўрсатади ва корхона миқёсидаги мазмуни ва моҳиятини ифода этади. Ушбу иқтисодий тушунчани маълум бир корхонага инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлигини белгиловчи кўрсаткич сифатида тушунадилар. Бироқ, инвестициявий жозибаторлик, нафақат, корхона, балки тармоқ, алоҳида ҳудуд миқёсида ҳам амал қилади. Шунингдек, инвестициявий жозибаторлик ҳудуд инвестиция муҳитининг ажралмас қисми бўлиб, унга таъсир этувчи барча омиллар ва кўрсаткичлар мажмуи бўлиб, инвестициявий салоҳият ва инвестиция risks (хавф-хатар) даражаси инвестициявий жозибаторликни белгилаб беради. Фикримизча, ушбу атама моҳиятини аниқлашга бўлган ёндашувларда қуйидагиларга ҳам алоҳида эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир:

1. Мол-мулклардан самарали фойдаланиш усули сифатидаги инвестициявий жозибаторлик.
2. Компания молиявий ҳолатини тавсифловчи умумлаштирилган атама сифатидаги инвестициявий жозибаторлик.
3. Ҳудудларга инвестиция киритиш (қўйиш, жойлаштириш) шарт-шароитлари нуқтаи-назаридан инвестициявий жозибаторлик.
4. Ҳудудларнинг иқтисодий салоҳияти ва риск даражаси нуқтаи-назаридан инвестициявий жозибаторлик.
5. Тармоқларга инвестиция киритишнинг самарадорлиги ва барча омилларнинг таъсир этиш даражаси нуқтаи-назаридан инвестициявий жозибаторлик.


Тўртинчидан, «инвестициявий жозибаторлик»нинг мазмун-моҳиятини

тўғри ва ўз ўрнида (чунки бу тушунчаларнинг ўз ва кўчма маъноларда ҳам ишлатилишини эътибордан четда қолдирмаслик зарур) англаш (тушуниш)да «инвестициявий» ва «жозибадорлик» тушунчаларини бир-биридан ажратилган ҳолда ёки механик тарзда қўшиш йўли билан талқин қилишга йўл қўймаслик зарур. Зеро, бунда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган ҳолат мантиқ, мантиқий боғлиқлик ва ягона моҳиятни ифодалашдир.

Бешинчидан, «инвестициявий жозибадорлик» тушунчасининг мазмун-моҳияти кўриб чиқиладиган пайтда «инвестициявий салоҳият» ва «инвестициявий муҳит» тушунчаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Сабаби, мазкур атамалар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, инвестициявий салоҳият инвестиция фаолиятининг ресурс имкониятларини аниқлаб беради ва ушбу ресурслардан фойдаланиш, ўз навбатида, таҳлил қилинаётган объектнинг инвестициявий жозибадорлигига боғлиқ бўлади ва албатта, шарт-шароитлар ва турли омилларни инвестициявий муҳит ҳолатини белгилаб беради. Уларнинг ўзаро боғлиқлигини қуйидаги расм орқали тасвирлаймиз:

1-чизма.

“Инвестициявий жозибадорлик”, “инвестициявий фаоллик” ва “инвестициявий муҳит” тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги*



*Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Олтинчидан, инвестициявий жозибадорлик бу субъектив тушунча

бўлиб, инвесторнинг тури ва унинг мақсадларига боғлиқ бўлади. Инвестициявий муҳит эса нари борса объектив тушунча бўлиб, инвестицияларнинг барча иштирокчиларига таъсир қилувчи тенденцияларни акс эттиради. Бунда шуниси характерлики, инвестициявий салоҳият қанчалик юқори бўлса ва инвестиция фаолияти risks қанчалик паст бўлса, инвестициявий жозибadorлик ҳам шунча юқори бўлади ҳамда бунинг оқибатида инвестициявий фаоллик ҳам ошиб боради.

Фикримизча, инвестициявий жозибadorликни таъминловчи ва уни оширишга хизмат қилувчи асосий омил, айнан, инвестициявий салоҳият ҳисобланади. Бунда мавжуд хом ашё ресурслари, демографик салоҳият, ишлаб чиқариш қувватлари, фан-техника тараққиёти ва инновациялар, ишлаб чиқариш, бозор ва ижтимоий инфратузилмалар, банк ва нобанк тизими, аҳолининг истеъмол талаби ва туризм салоҳияти кабилар ҳудудларнинг инвестициявий жозибadorлигини аниқлаш ва оширишда муҳим аҳамия касб этади (2- чизма).

2- чизма.

Инвестициявий жозибadorликни белгиловчи омиллар



*Муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Бир вақтнинг ўзида инвестициялаш билан боғлиқ риск турлари ва улар таъсир даражасининг аниқланиши инвестициялашнинг мақсадга мувофиқлиги ва самарадорлигини таъминлаш орқали инвестициявий жозибаторликни намоён этади.

Хулоса

Барқарор қонунчилик асослари, жумладан, инвесторлар учун инвестициялаш шарт-шароитларини яхшилайдиган, улар ҳуқуқларининг давлат томонидан кафолатланиши, турли солиқ ва божхона имтиёзларининг берилиши, мол-мулкларнинг сақланиши ва маблағлардан фойдаланишни кўзда тутувчи кафолатлар, барча турдаги инвестицияларнинг давлат томонидан ҳимоя қилиниши инвестициявий жозибаторликни таъминлаш ва оширишда ҳал қилувчи рол ўйнайди.

Шундай қилиб, инвестициявий жозибаторлик инвестицияларни ўзига жалб этишликни англатади ва бунда инвестициявий салоҳият, инвестициялаш rischi даражаси ҳамда барқарор қонунчилик асослари ҳолати орқали намоён бўлади. Бироқ, инвестициявий жозибаторликни оширишнинг муҳим омилларидан бири бу – инвестициявий стратегиядир. Мазкур стратегия корхонада барқарор юқори фойда даражасини, буюртмалар портфелининг ўсишини, ликвидлилик ва муқобил риск даражасининг сақланишини таъминлашга қаратилган инвестиция ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг узок муддатли бош дастуридир. Хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш ва ички инвестиция ресурсларини рағбатлантиришни назарда тутувчи хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб қилишнинг ҳудудий стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Бунда инвестициявий стратегиянинг амалга оширилиш даври ва мақсадлари, асосий вазибалари ва устувор йўналишларини белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индекслардаги, жумладан, Иқтисодий эркинлик индекси ва Глобал инновация индексидаги ўрнини яхшилаш инвестициявий жозибаторликни оширишнинг асосий омили ҳисобланади. Глобал инновацион индексдаги асосий кўрсаткичлардан бири технопарклар фаолияти ҳисобланади-ки, улар илм-фан, таълим ва ишлаб чиқаришни илмий муассасалар, лойиҳа конструкторлик бюрolari, ўқув юртлари, ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш) корхоналари бирлашмаси кўринишида ҳудудий уюштириш шакли сифатида юқори малака ва тажрибага эга бўлган мутахассисларнинг бир жойга тўпланиши натижасида илмий-техника ва технология ишланмаларини

яратиш ва уларни қўллашни жадаллаштиришни назарда тутати.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида. ЎРҚ-598-сон 25.12.2019. (lex.uz).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони. 26-мақсад (lex.uz).
3. Доклад о мировых инвестициях 2022. Конференция Организации Объединенных Наций по Торговле и развитию ЮНКТАД. Международные налоговые реформы и устойчивые инвестиции. – Женева, 2022 год. https://unctad.org/system/files/official-document/wir2022_overview_ru.pdf.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80 000 дан ортиқ сўз ва сўз бирикмаси. Таҳрир ҳайъати Т.Мирзаев (раҳбар) ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, 2008. – Б. 206.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. «И» ҳарфи. – Т.: ЎМЭ давлат илмий нашриёти. 2002. 4-том. – Б. 160.
6. Шарп У., Александр Г., Бейли Дж. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 2001. – С. 979.
7. Макконнелл, Кэмпбелл Р. Экономикс (принципы, проблемы и политика). Пер. с англ. / К.Р. Макконнелл, С.Л. Брю. Под общ. ред. А.А. Пороховский. – М.: Республика, 1992. – С. 388.
8. Пол А. Самуэльсон, Вильям Д. Нордхаус. Экономика: Пер. с англ. – М.: БИНОМ, Лаборатория Базовых Знаний, 1997. – С. 783.
9. Кейнс Дж.М. Общая теория занятости, процента и денег: пер. с англ. – М.: Гетос АРВ, 1999. – С. 352.
10. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 80 000 дан ортиқ сўз ва сўзлар бирикмаси. А. Мадвалиев таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 1-жилд, 2017. – 99 б.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШ МЕХАНИЗМИ

Наврўзов Икром Абдуллаевич



катта ўқитувчи

баҳолаш иши ва инвестициялар кафедраси

Тошкент молия институти

E-mail: inavruzov81@gmail.com

ORCID: 0009-0009-5613-559X

Аннотация

Мақолада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳияти, мамлакат иқтисодиёти ривожланишида хорижий инвестицияларнинг ўрни ва аҳамияти, уларни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масалалари ўрганилган, мавжуд муаммолар таҳлил қилинган, уларнинг ечимлари берилган, бу борада хулоса, таклиф ва тавсиялар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестицион жозибadorлик, инвестицион риск, инвестиция салоҳияти, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, инвестицион муҳит, инвестиция сиёсати, иқтисодий хавфсизлик.

МЕХАНИЗМ ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

Наврўзов Икром Абдуллаевич

старший преподаватель

кафедра оценочного дела и инвестиций

Ташкентский финансовый институт

E-mail: inavruzov81@gmail.com

ORCID: 0009-0009-5613-559X

Аннотация

В статье рассмотрены экономическая природа и содержание прямых иностранных инвестиций, роль и значение прямых иностранных инвестиций в развитии экономики страны, исследовано совершенствование механизмов государственного регулирования прямых иностранных инвестиций, изучены существующие проблемы, сформулированы выводы, предложения и рекомендации.

Ключевые слова: инвестиционная привлекательность,

инвестиционный риск, инвестиционный потенциал, прямые иностранные инвестиции, инвестиционная среда, инвестиционная политика, экономическая безопасность.

ATTRACTION MECHANISM FOREIGN INVESTMENT

Navruzov Ikrom Abdullaevich

*Senior Lecturer at
Tashkent Institute of Finance
E-mail: inavruzov81@gmail.com
ORCID: 0009-0009-5613-559X*

Abstract

The article examines the economic nature and content of foreign direct investment, the role and importance of foreign direct investment in the development of the country's economy, studies the improvement of the mechanisms of state regulation of foreign direct investment, studies existing problems, and formulates conclusions, proposals and recommendations.

Keywords: investment attractiveness, investment risk, investment potential, foreign direct investment, investment environment, investment policy, economic security.

Кириш

Жаҳонда глобаллашув ва халқаро иқтисодий интеграциялашувнинг кучайиши натижасида мамлакатлар ўртасида халқаро капитал ҳаракати тезлашиб бормоқда. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар мамлакат иқтисодиётига ривожлантиришда энг асосий омиллардан ҳисобланади. Манбаларнинг маълумотларига қараганда «Жаҳонда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 2022 йилда 12 фоизга камайиб 1,3 триллион АҚШ долларини ташкил этди» [11].

Мамлакатимиз иқтисодиётининг инвестицион жозибadorлигини ошириш, мавжуд инвестицион салоҳиятдан самарали фойдаланиш тизимини такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги «Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4300-сонли Қарорида қатор чора-тадбирларга алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу борада республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаолияти самарадорлигини ошириш, хорижий инвесторларни

мамлакатимиз имкониятлари ва салоҳияти тўғрисида хабардор қилиш билан боғлиқ вазифаларга устуворлик берилган [2].

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда миллий иқтисодиётга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш йўллари шакллантиришда инвестиция салоҳияти, инвестицион риск даражаси, инвестицияларни жалб этишнинг ҳудудий рақобат афзалликларида устуворликка эришишда давлат ва бозор механизмлари мувофиқлигини таъминлашга йўналтирилган тадқиқотларни амалга ошириш долзарб аҳамият касб этишидан далолат беради.

Олиб борилган тадқиқотларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этишнинг турли воситаларидан фойдаланиш масалалари кенг ёритиб берилган. Жумладан, инвестицияларни жалб этишнинг венчурли, концессия ҳамда франчайзинг усуллари алоҳида эътибор қаратилган. Аммо тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш масалалари илмий тадқиқотларда кам ўрганилган.

Адабиётлар шарҳи

Р. Вернон Халқаро товар ишлаб чиқариш назариясида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва халқаро савдо ўртасидаги муносабат, товарнинг ҳаёт цикли каби муаммоларга эътиборни қаратади [3]. Ушбу назарияда муаллиф халқаро савдо, ишлаб чиқариш ва бутун тармоқларнинг кўчиш сабаблари каби халқаро иқтисодий муносабатлар элементларини маркетинг назарияси (товарнинг ҳаёт цикли эгри чизиғи) билан бирлаштиради. Трансмиллий компаниялар ва суёт рақобат назарияси доирасида эса канадалик иқтисодчи Стивен Хаймер ўз тадқиқотларида трансмиллий компаниялар (ТМК) рақобатдошлиги ва уларнинг халқаро фаолиятини таҳлил қилган [4]. Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва миллатларнинг рақобат устунликлари назариясида М. Портер тўғридан-тўғри хорижий инвестиция қабул қилувчи мамлакатлар рақобатдошлигини таҳлил қилиб тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва рақобатдошлик ўртасидаги боғланишни ўрганган [5].

Шунингдек бу борадаги мавжуд муаммоларнинг ўзига хос илмий ва амалий жиҳатлари республикамизнинг бир қанча иқтисодчи олимлари, жумладан, А. Вахобов, Н. Обломуродов, А. Бекмурадов, А. Азизов, А. Сотволдиев ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Б.А. Вахобов тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни “...
“Moliyaviy texnologiyalar” ilmiy elektron jurnali **3-son** **2023-yil** **253**

инвесторга иқтисодий фаолият устидан таъсирчан назорат этиш, фирманинг камида 10 фоизи улушига ёки акциядорлар капиталига эгалик қилишга имкон берадиган инвестициялардир” деб таърифлайди [6].

Н.Н. Обломуродов илмий тадқиқот изланишларида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштиришнинг макроиқтисодий омиллари ўрганилган бўлиб, инвестицияларни жалб этиш тизимини такомиллаштиришда инвестицион жозибадорлик ва инвестицион фаолликнинг ўрни юқори даражада ўрин эгаллаши қайд этилади [7].

А.Ш. Бекмуродовнинг фикрича, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар инвесторга корхонани назорат қилиш ҳуқуқини берувчи капитални тўғридан-тўғри экспорт қилишга имкон беради ва корхона асосий бош компаниянинг хорижий шўба корхонасига айланади [8].

А.Б. Сотволдиев тўғридан-тўғри инвестициялар ҳудудларни барқарор ривожлантиришда муҳим омил бўлиб, у кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш асосини ташкил этган ҳолда, ҳудудда етарли инвестицияларнинг сарфланиши, ишлаб чиқаришнинг жадал ривожланиши учун шарт-шароит яратади, деган фикрни олға суради [10].

Ўзбекистон Республикасининг «Инвестиция ва инвестиция фаолияти тўғрисида»ги Қонунига кўра, тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари – чет эллик инвесторнинг ҳукумат кафолатларисиз, риск шароитида ўз маблағлари ёки қарз маблағлари ҳисобидан киритилган инвестициядир» [1] деб таъриф берилган.

Таҳлил ва натижалар

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг иқтисодий моҳиятини ўзида мужассам этувчи назарий қараш ва амалий ёндошувларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида хорижий инвестицияларни таърифловчи қуйидаги белгиларига тўхталиб ўтиш мумкин: реципиент мамлакатдаги корхонага сармоя киритиш билан инвесторнинг барқарор таъсир қилиш имкониятига эга бўлиши тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг биринчи муҳим белгисидир; тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иқтисодиётнинг реал секторини ривожлантиришга йўналтирилади, бу эса ишлаб чиқариш хусусиятини белгиловчи унинг иккинчи муҳим белгиси; корхонани бошқаришда иштирок этиш ва унинг фаолиятини бошқариш имкониятига эга бўлиши; инвестициянинг юқори қийматлилиги ва риск даражасининг юқорилилиги; инвестициянинг чет эл бозорларини эгаллашга йўналтирилганлиги; инвестициянинг чет эл ресурсларини ўзлаштиришга

йўналтирилганлиги ва инвестициянинг узок муддатлигидир.

Мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг потенциал ижобий таъсири қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- мамлакат иқтисодий ўсишига ёрдам беради, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар кўпроқ самарали бўлади;

- бирламчи инвестиция фаолиятидан олинган даромадларни инвестиция қабул қилувчи мамлакатга қайта инвестиция қилиш;

- янги корхоналар ташкил этилади, бу эса маҳаллий аҳолидан янги ишчи кучини жалб қилишга олиб келади;

- маҳаллий аҳолининг билим даражасини оширади, малакали кадрлар тайёрлашда имконлар яратади ва бошқарув қобилиятини ривожлантиради;

- ишлаб чиқаришни ташкил этишда энг янги технологиялар, техникалар ва илғор тажрибалардан фойдаланиш имкониятини беради;

- миллий бозорда рақобатни рағбатлантиради ҳамда товарлар ва хизматлар нархини пасайтиришга хизмат қилади;

- рецепиент мамлакат иқтисодиётининг тармоқ ва ҳудудий тузилмасига ижобий таъсир кўрсатади;

- солиқлар ва хорижий компаниялардан экология учун тўловлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳисобига қўшимча бюджет даромадлари жалб қилинади.

Аксарият ҳолларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг мамлакат иқтисодиётига сифат ва миқдор жиҳатидан ижобий таъсири инвестиция қабул қилувчи мамлакатда қанчалик даражада қулай инвестиция муҳитининг яратилганлиги ва давлат томонидан тартибга солишнинг таъсирчан чора-тадбирлари билан белгиланади.

Замонавий шароитда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш сиёсатининг турли давлатларда турличалиги ва миллий ўзига хос хусусиятларига қарамай, унинг асосий мақсади керакли ҳажмдаги инвестицияларни жалб қилиш, улардан сифатли ва самарали фойдаланишдадир. Сўнгги йиллардаги асосий ўзгаришлар бу ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни расмий тартибга солишдан иборат иборат бўлган. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш сиёсатини либераллаштириш хориж капитали учун илгари кириш имкони бўлмаган соҳа ва ҳудудларни очиш, тартибларни соддалаштириш, имтиёзларни кенгайтириш, солиқларни камайтириш ва хорижий инвесторлар учун шаффофликни ошириш бўлиб ҳисобланади.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бўйича давлат сиёсати чора-тадбирлари жуда хилма-хил бўлиб, мамлакатга тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантиришнинг энг муҳим воситаларининг қисқача тавсифи 1-жадвалда берилган.

1-жадвал.

Миллий иқтисодиётга хорижий инвестициялар оқимини рағбатлантиришнинг бевосита чора-тадбирлари*

Тўғридан-тўғри инвестициялар оқимини рағбатлантириш чора-тадбирлари	Чора-тадбирлар тавсифи	Чора-тадбирлар шакли
Махсус иқтисодий зоналар ташкил қилиш	Иқтисодий зоналарда қулай техник ва саноат инфратузилмаси ва имтиёзли режим ташкил қилиш (солиқ, божхона)	Ташкилий
Солиқлар асосида тартибга солиш	Давлат устуворликлари билан боғлиқ фаолият учун имтиёзлар, солиқдан таътиллар (экспорт, илм-фан ютуқлари)	Фискал
Инвесторлар учун маълумотлар базасини яратиш	Инвестиция лойиҳалари тақдимотларини ўтказиш, тўпламларни тақдим этиш, инвестиция қабул қилувчи мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволи тўғрисидаги ҳисоботлар ва бошқалар.	Ташкилий
Тўғридан-тўғри хорижий инвесторлар иштирокида молиялаштирилу вчи лойиҳалар	Лизинг орқали молиялаштириш, йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун банк консорциумларини ташкил этиш, ички капитал бозорида акциялар ва облигациялар чиқариш, венчур капитал, ташқи кредитлар ва бошқалар орқали молиялаштириш.	Молиявий
Инвестиция лойиҳаларида давлат иштироки	Субсидиялаш, кредитлаш, имтиёзли шартларда давлат суғуртаси, бюджетдан маблағлар ажратиш.	Молиявий

*Муаллиф ишланмаси.

Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни давлат томонидан бошқариш механизмларининг умумий жиҳатларини аниқлаб олишда АҚШ, Япония, Хитой, шунингдек Марказий ва Жануби-Шарқий Европа, Лотин Америкаси мамлакатларининг услубий ва амалий кўрсатмалари мамлакатимиз амалиётида бундай механизмларни ишлаб чиқишда қўл келади

Бу механизмлар асосида шаффоф институтционал ва меъёрий муҳитни ривожлантириш зарур; саноатнинг базавий тармоқларини, ҳудудий ишлаб чиқариш кластерларини ривожлантириш ва миллий молия-инвестиция институтларини яратиш; истиқболли миллий манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда жаҳон иқтисодий муносабатлари тизимига интеграциялашув таъминланиши керак.

Чет эл инвестициялари оқимини бошқариш бўйича жаҳон тажрибасини таҳлил қилиш асосида муаллифнинг фикрича, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш механизмини шакллантириш ва амалга оширишда стратегик йўналишдаги аниқлик, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солиш сиёсатидаги ўзгаришлар даражаси ва танловни назорат қилиш, мослашувчанлик, мувозанатли тузилмани сақлаш, башорат қилиш, хавфсизлик масалаларига риоя қилиш лозим.

Хулоса

Олиб борилган илмий тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, иқтисодиётни фаол ривожлантиришда тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш муҳим омиллардан биридир. Шунингдек эркин иқтисодий ҳудудлар орқали миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириб бориш хорижий инвестициялар билан ишлаш борасида асосий воситалардан бирига айланиб бормоқда.

Хорижий инвестициялар Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, экспорт ҳажмини оширишга имкон яратаётганлигига амин бўлиш мумкин. Ривожланган мамлакатлар орасида чет эл инвестицияларини ўз миллий иқтисодиётига жалб этишнинг рақобат шакли йилдан-йилга кучайиб бормоқда. Шу боис чет эллик инвесторларга яратилган қулайлик қайси давлатда устун даражада бўлса, яъни фойда олиш эҳтимоли каттароқ бўлса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни давлат томонидан тартибга солиш механизмлари такомиллаштирилса, табиийки, уларнинг айнан ўша давлат иқтисодиётига сармоя киритишга қизиқиши ортади.

Ўзбекистон амалиётида хорижий инвестицияларни давлат томонидан тартибга солишнинг самарали механизмларини қўллаш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Ўзбекистон иқтисодиётини эволюцион йўлда ривожлантиришга

асосланган тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар стратегиясини шакллантириш (инновацион ютуқлар);

- бир вақтнинг ўзида самарали институционал асосни шакллантириш, ишбилармонлик муҳитини ривожлантириш ҳамда хорижий инвесторлар учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган аниқ имтиёзлар ва кафолатлар тизимини ишлаб чиқиш билан бир вақтда имтиёзли тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар режимини миллий режимга босқичма-босқич алмаштириш стратегиясини ишлаб чиқиш;

- иқтисодиётга маънавий эскирган ёки сифатсиз технологияларни импорт қилишни таъқиқлаш, хорижий трансмиллий корпорациялар томонидан илмий ва тадқиқот ишларини яратишни рағбатлантириш;

- тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни тартибга солишда маъмурий тўсиқларни қисқартириш, масалан, лицензиялаш тартиб-таомилининг шаффофлигини ошириш, янги чора-тадбирларни кўришдан олдин хорижий тадбиркорлар билан давлат маслаҳатлашувлари тизимини ишлаб чиқиш;

- ривожланишни ҳисобга олган ҳолда, ҳудудларнинг ресурс салоҳиятидан фойдаланишга эътибор қаратиш орқали тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақавий сиёсатни такомиллаштириш. Инфратузилма ва институционал комплексни шакллантириш, минтақавий инвестицияларни ривожлантириш дастурларини яратиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича минтақавий рақобат ва маркетинг стратегиясини тизимлаштириш, ривожланишдаги процессуал ва институционал чекловларни бартараф этиш, эркин иқтисодий зоналар концепцияларини илғор жаҳон амалиётини мослаштириш;

- билим талаб қиладиган тўғридан-тўғри инвестициялар ролини ошириш, энг истикболли йўналишларга янги технологияларнинг кириб келишини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар орқали рағбатлантириш, тўғридан-тўғри инвестициялардан фойдаланган ҳолда юқори технологиялар асосида саноатни модернизация қилиш давлат дастурини ишлаб чиқиш, солиқ имтиёзларини самарали қўллаш, маҳаллий ҳамда хорижий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш ва бошқалар.

Ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси, босиб ўтган йўли, иқтисодий ривожланишни таъминлаш йўлида мамлакатнинг инвестицион муҳитни соғломлаштириш борасида қабул қилган қонунлари, ишлаб чиққан қарорларини ўрганиш, инвестициялари кенгроқ жалб этиш бўйича ишлаб

чиққан усул ва услубларининг керакли жихатларини Ўзбекистон шароитига татбиқ этиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Зеро, тўпланган тажрибаларни мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда татбиқ этилиши, рискларни пасайтиришга, мавҳумликни олди олинишига, юқори самарадорликнинг таъмин этилишига имкон беради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида”ги 2019 йил 25 декабрдаги ЎРҚ-598-сон Қонуни. – <https://lex.uz/docs/4664142>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш механизмларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 29 апрелдаги ПҚ-4300-сонли Қарори. – <https://lex.uz/docs/4312752>
3. Vernon R. International investment and international trade in the product cycle // Quarterly Journal of Economics. 016. № 80. P. 190-207.
4. Stephen Hymer. The Multinational Firm and Multinational Corporate Capital. – https://www.researchgate.net/publication/267547912_
5. Портер М. Международная конкуренция. – М.: Альпина Паблишер, 2019. – 947 с.
6. А.Б. Вахобов. Хорижий инвестициялар: ўқув қўлланма.– Тошкент: Молия, 2010.
7. Обломуродов Н.Н. Тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг назарий асослари ва устувор йўналишлари: монография. – Т.: Фан ва технология, 2009. – 108 б.
8. А.Ш. Бекмуродов ва бошқ. Хорижий инвестициялар: ўқув қўлланма. – Тошкент: ТДИУ, 2011. – 196 б.
9. А.С. Азизов. Тўғридан тўғри хорижий инвестициялар жалб қилишда молиявий-иқтисодий ва мамлакат хатарларини камайтириш. Иқт. фан. бўйча фалс. докт. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: 2021. – 11 б.
10. Б. Сотволдиев Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида тўғридан-тўғри инвестициялар кўламини ошириш йўллари (Андижон вилояти мисолида). Иқт. фан. бўйича фалс. докт. (PhD) дисс. автореферати. – Тошкент: 2019. – 10 б.
11. <https://unctad.org/system/files/official>

GLOBAL INDEKSLAR – XORIJIY INVESTITSIYALARNI JALB QILISHNING MUHIM OMILI

Hoshimov Jahongir Ravshanbek o‘g‘li



*iqtisodiyot fanlari bo‘yicha
falsafa doktori (PhD)*

*baholash ishi va investitsiyalar
kafedrasi mustaqil izlanuvchisi*

Toshkent moliya instituti

E-mail: hoshimovjahongir47@gmail.com

ORCID:org/0009-0001-9604-4395

Annotatsiya

Maqolada iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalarni jalb qilish, uning xalqaro indekslardagi ishtiroki to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar dinamikasi bilan bevosita bog‘liqligi ko‘rib chiqilgan. Global raqobatbardoshlik indeksi, Biznes yuritish, To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar ishonch indeksi, Investitsiya muhiti indeksi va Global innovatsiyalar indeksi ma‘lumotlari tahlil qilindi. Shuningdek mamlakatimizning jahon indekslaridagi faol ishtirokini ta‘minlashga qaratilgan taklif va tavsiyalar ishlab chiqildi.

Kalit so‘zlar: investitsiya, xorijiy investitsiya, to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiya, yalpi ichki mahsulot, investitsiya muhiti, global iqtisodiy indeks, global raqobatbardoshlik indeks, doing business va global innovatsiyalar indeksi.

МИРОВОЙ ИНДЕКС – ВАЖНЫЙ ФАКТОР ПРИВЛЕЧЕНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

Хашимов Жахангир Равшанбек оглы

доктор философии (PhD) по

экономическим наукам

независимый исследователь кафедры

оценочного дела и инвестиций

Ташкентский финансовый институт

E-mail: hoshimovjahongir47@gmail.com

ORCID:org/0009-0001-9604-4395

Аннотация

В статье исследуется прямая зависимость динамики прямых иностранных инвестиций от их объемов и от существующих международных экономических индексов. Были проанализированы данные Глобального индекса конкурентоспособности, Ведения бизнеса, Индекса уверенности в прямых иностранных инвестициях, Индекса инвестиционного климата и Глобального инновационного индекса. Также были разработаны предложения и рекомендации, направленные на обеспечение активного участия нашей страны в мировых индексах.

Ключевые слова: инвестиции, иностранные инвестиции, прямые иностранные инвестиции, валовой внутренний продукт, инвестиционный климат, глобальный экономический индекс, глобальный индекс конкурентоспособности, индекс ведения бизнеса и глобальный индекс инноваций.

THE WORLD INDEX IS AN IMPORTANT FACTOR IN ATTRACTION OF FOREIGN INVESTMENTS

Khoshimov Jakhongir Ravshanbek ugli

Doctor of Philosophy in Economics (PhD)

Department of "Evaluation work and investments"

independent researcher

Tashkent Institute of Finance

E-mail: hoshimovjakhongir47@gmail.com

ORCID:org/0009-0001-9604-4395

Abstract

The article examines the direct relationship between attracting foreign investment to the economy and its participation in international indices, as well as the dynamics of foreign direct investment. Global Competitiveness Index, Doing Business, Foreign Direct Investment Confidence Index, Investment Climate Index and Global Innovation Index were analyzed. Proposals and recommendations aimed at ensuring the active participation of our country in world indices were also developed.

Keywords: investment, foreign investment, foreign direct investment, gross domestic product, investment climate, Global Economic Index, Global Competitiveness Index, Doing Business and Global Innovation Index.

Kirish

Prezidentimiz Sh. Mirziyoyev tomonidan olib borilayotgan ijtimoiy-iqtisodiy siyosatda yuqori iqtisodiy o‘shishni ta’minlash bilan bog‘liq bo‘lgan omillarga juda katta e’tibor berilmoqda. Ushbu omillar qatorida investitsion muhitni kuchaytirish birinchi navbatdagi masalalardan hisoblanadi. Hozirda amalga oshirilayotgan juda ko‘p ishlar iqtisodiyotimizda investitsion muhitni yaxshilashga qaratilgan. Bu borada O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti ta’kidlaganidek, “Iqtisodiyot tizimini liberallashtirish, qulay investitsiya muhitini yaratish amalga oshirilayotgan o‘zgarishlarning eng muhim yo‘nalishlaridir” [1].

Global iqtisodiy tizim va mamlakatlar iqtisodiyoti uchun Xalqaro iqtisodiy reytinglar muhim ahamiyat kasb etadi. Xalqaro iqtisodiy reytinglarda mamlakatlar iqtisodiyoti baholanadi va buning natijasida shu mamlakatlar iqtisodiy siyosatini va iqtisodiyotining joriy holatini tahlil qilish mumkin. Xalqaro iqtisodiy reytinglar xalqaro tan olingan tashkilotlar tomonidan iqtisodiyotning turli tomonlarini tahlil qilingan holda tuziladi. Bundan har bir tashkilot o‘z yo‘nalishi bo‘yicha va har xil sohalarni ko‘rib chiqilgan holda tuziladi. Aholi turmush darajasini oshirish, davlat organlarining xalq manfaatlari uchun xizmat qilishida davlat siyosatidagi ustuvorligini ta’minlash hamda mamlakatga kirib kelayotgan investitsiyalar oqimini jadallashtirish va investor mulkini davlat tomonidan himoya qilish kabi mamlakatda turli sohalarda amalga oshirilayotgan tub o‘zgarishlarni dunyo hamjamiyatiga namoyon etish maqsadida turli sohalar bo‘yicha xalqaro reyting va indekslar muhim ahamiyat kasb etadi.

Xorijda amalga oshirilgan ayrim tadqiqotlarning ko‘rsatishicha, mamlakatning turli xil xalqaro reytinglardagi ma’lum bir o‘rinlarning egallashi investorlarning investitsiyalarni kiritish bo‘yicha qarorlariga bilvosita ta’sir ko‘rsatar ekan. Hozirgi kunda jahonda 160 dan ortiq xalqaro reytinglar mavjud bo‘lib, ulardan 50 ga yaqini ishonchli hisoblanib, ta’sir doirasi yuqori sanaladi. Xalqaro reytinglar bu faqatgina tashqi baho bo‘libgina qolmay, butun mamlakat yoki ma’lum bir hududni ommalashtirish va ustunliklarini ko‘rsatishning samarali usullaridandir.

Investitsion jozibadorlikni oshirish kun tartibiga eng muhim vazifalardan biri etib belgilanishining asosiy maqsadi xorijiy va mahalliy investorlarni iqtisodiyotdagi biznes jarayonlariga jalb etishdir. Biz uchun eng muhim masala shuki, birinchi navbatda xorijiy investorlarning biror bir mamlakatga investitsiyalarni kiritish bo‘yicha qaror qabul qilish mexanizmlarini tushunib olish lozim deb hisoblaymiz.

Adabiyotlar sharhi

Xorijiy iqtisodchi olimlardan Jiyun Cao hamda Arijit Mukherjee o‘zlarining ilmiy tadqiqotlarida so‘nggi yillarda to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar xalqaro savdoda ustunlikka ega bo‘layotganini ko‘rsatib berishgan. Shuningdek kasaba uyushmalarining mavjudligi sababli mehnat bozori kamchiliklarini to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar uchun rag‘batlantirishi mumkinligini va mamlakat investitsion jozibadorligini oshirishga xizmat qilishini ilmiy asoslab berishgan [2].

S.V. Zenchenko, M.A. Shemyotkin [3] o‘z tadqiqotida investorlarning xohishiga ko‘proq ta‘sir ko‘rsatuvchi bir qator omillarni ajratib ko‘rsatishadi. Xususan, mamlakat/hududning investitsion salohiyatini baholash uchun eng muhim omillardan quyidagilarni keltirishadi: resurs – xom ashyo (tabiiy resurslar asosiy turlarining o‘rtacha o‘lchangan ta‘minoti); ishlab chiqarish (hududdagi xo‘jaliklar faoliyatining umumiy natijasi); iste‘mol (hudud aholisining xarid qilish qobiliyati); infratuzilma (hududning iqtisodiy-geografik holati va uning infratuzilmaviy ta‘minlanganligi); intellektual daraja (aholining ma‘lumot darajasi); institutsional (bozor iqtisodiyotiga asoslangan yetakchi institutlarning rivojlanganlik darajasi); innovatsion daraja (hududda ilmiy-texnika taraqqiyoti yutuqlarini tatbiq etish darajasi). Shuni ta‘kidlash kerakki, investitsion salohiyat hududlarni tasniflash mezonlaridan biri hisoblanadi.

Mahalliy iqtisodchi olimlardan biri A.Sh. Bekmurodov [4] xorijiy investitsiyalarning xususiyatlari, ularning iqtisodiyotdagi roli hamda investitsiya muhiti haqida to‘xtalib: “Jahondagi aksariyat mamlakatlar to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etish uchun ma‘lum darajada raqobat kurashini amalga oshirib, buning uchun qulay va raqobatbardosh investitsiya muhitini shakllantiradi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar nafaqat ichki moliya resurslari cheklanganligi sharoitida har bir mamlakat uchun muhim qo‘shimcha kapital manbai, balki mamlakat iqtisodiyoti raqobatbardoshligini ta‘minlash uchun zarur innovatsiyalar, yangi texnika va texnologiyalar, bilimlar, o‘quv va kompetensiyalarning ham ishonchli manbai hisoblanadi” deya ta‘kidlagan.

Ya‘na bir iqtisodchi olimlardan A.Vahabov, Sh.Xajibakiyev, N. Mo‘minovlar [5] investitsiya muhiti to‘g‘risida quyidagilarni ta‘kidlab o‘tadilar: “Investitsiya muhiti – bu xorijiy kapital qo‘yilmalarining qaltislik darajasini va ulardan mamlakatda samarali foydalanish imkoniyatlarini oldindan belgilaydigan iqtisodiy, siyosiy, yuridik va ijtimoiy omillar yig‘indisidir. “Investitsiya muhiti” kompleks, ko‘pqirrali tushuncha bo‘lib, milliy qonunchilik, iqtisodiy shart-sharoitlar (inqiroz, o‘shish, stagnatsiya), bojxona rejimi, valyuta siyosati, iqtisodiy

o‘shish sur‘atlari, inflyatsiya sur‘atlari, valyuta kursining barqarorligi, tashqi qarzdorlik darajasi kabi ko‘rsatkichlarga ega”. Shuningdek, mamlakatdagi investitsiya jarayonlariga ta‘sir ko‘rsatuvchi iqtisodiy, siyosiy, me‘yoriy-huquqiy, ijtimoiy va boshqa shart-sharoitlar majmui investitsiya muhitini anglatadi.


Tahlil va natijalar

Davlatning investitsion muhit jozibadorligiga baho berishda Global raqobatbardoshlik indeksi; Doing Business indeksi; Davlatlarning iqtisodiy mustaqilligi reytingi bugungi kunda eng keng tarqalgan hisoblanadi.

Global raqobatbardoshlik indeksining tarkibi institutlarning sifati, infrastruktura, makroiqtisodiy barqarorlik, sog‘liqni saqlash va boshlang‘ich ta‘lim, oliy ta‘lim va qayta tayyorlash, tovar va xizmatlar bozorlarining samaradorligi, mehnat bozorining samaradorligi, moliya bozorlarining rivojlanganligi, texnologik taraqqiyot darajasi, ichki bozor ko‘lami, kompaniyalarning raqobatbardoshligi, innovatsion salohiyat bilan bog‘liq ko‘rsatkichlardan iboratdir.

1-diagramma.

Global raqobatbardoshlik indeksining eng yuqori reytingiga ega yetakchi davlatlar, 2021-2022 yillar*



*The Global Competitiveness Index Report, 2021-2022 ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tayyorlangan.


Diagrammadan ko‘rinib turibdiki, so‘nggi ikki yilda 11 ta eng yuqori reytingga ega bo‘lgan davlatlar ichida Daniyadan keyin Shveysariya ikkinchi

o'rinda, uchinchi o'rinni esa Singapur band etib kelmoqda. Aniq statistik ma'lumotlarga qaraydigan bo'lsak, ikki yildan buyon Daniya ushbu reytingni boshqarib kelmoqda. Hindiston esa 2022 yil bo'yicha olti pog'onaga ya'ni 43 o'rindan 37 o'ringa ko'tarilib, Osiyo davlatlari orasida eng yuqori o'sishga erishgan. O'zbekiston ham Global raqobatbardoshlik indeksiga qo'shilganda edi, mamlakatimizga xorijiy investorlarning investitsiya kiritish hajmi ya'na-da ham oshgan bo'lar edi.

Hozirgi kunda O'zbekiston ayrim global indekslarda faol ishtirok etmoqda. Jumladan, Jahon banki tomonidan yuritiladigan Doing business reytingida O'zbekiston 2013 yilda 190 davlat ichida 146 o'rinda turgan edi. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining “Ishbilarmonlik muhitini yanada tubdan yaxshilash va tadbirkorlikka yanada keng erkinlik berish chora-tadbirlari to'g'risida”gi Farmoni doirasida amalga oshirilgan chora-tadbirlar natijasida mamlakatimiz 2020 yilga kelib 69 o'ringa ko'tarilishga muvaffaq bo'ldi, ya'ni 8 yil ichida 77 pog'onaga ko'tarilishga erishildi (2-diagramma).

2-diagramma.

Yalpi ichki mahsulot va to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiya hajmlarining o'zgarish tendensiyasi (mlrd dollar)*



*Doing Business ma'lumotlari va O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki ma'lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.


Diagramma ma'lumotlarini tahlil qilish asosida quyidagi bir necha muhim xulosalarni chiqarish mumkin: 2013-2022 yillar davomida mamlakatimizda YaIM hajmining umumiy summasida omillarning ta'siri ostida o'sish tendensiyasi kuzatilgan; xuddi shu davrda to'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar o'sib borishi qat'iylik (barqarorlik) xarakteriga ega emas. Ushbu ko'rsatkich tahlil qilingan

yillar davomida «ko‘tarilish-pasayish-ko‘tarilish-pasayish-ko‘tarilish» tarzida o‘zgarib borgan. Buning o‘ziga xos sabablari, bir tomondan, xorijiy investitsiyalar YaIMning eng muhim va o‘zgaruvchan komponenti bo‘lib, ularni taxmin qilish juda qiyin. Xorijiy investitsiyalar to‘satdan o‘sib ketishi yoki, aksincha, tushib ketishi ham mumkin (masalan, AQSHda buyuk depressiya davrida investitsiyalar 100 foizga tushib ketgan). Ikkinchi tomonidan, bunday manzaraning amaliyotda kuzatilishi bu yerda unga tegishli bo‘lgan talaygina muammolarning mavjudligini ham ko‘rsatadi.

To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning ishonch indeksini quyidagi 3-diagramma ma‘lumotlari asosida ko‘rib chiqamiz.

3-diagramma.

**To‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarning ishonch indeksi
(FDI Confidence Index), 2022 yil**



*UNCTAD 2020 yil ma‘lumotlari asosida muallif tomonidan tuzilgan.


2022 yilda AQSH to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar (FDI Confidence Index) ishonch indeksida 2,19 ballga ega bo‘lib, dunyodagi eng yuqori ko‘rsatkich qayd etildi. Natijada ushu indeksda yuqori natija qayd etishi orqali AQSHda 2022 yilda jalb qilingan to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalar oqimi 5,25 trlln AQSH dollarga yetdi. To‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar bo‘yicha ishonch indeksining qiymati noldan uchgacha bo‘lgan shkala bo‘yicha hisoblanadi, nol – to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalar bozoriga ishonchning pastligi va uch shkala esa bozordagi

eng yuqori ishonchlikni bildiradi.

2021-2022 yillarda Investitsion muhitini namoyon etadigan indeksda yuqori natijalarga ega bo'lgan davlatlarni tahlil qilib chiqamiz (4-diagramma).

4-diagramma.

Investitsion indeksda yuqori natijalarga ega bo'lgan davlatlar, 2021-2022 yillar*



*Statistik ma'lumotlar asosida muallif tomonidan tayyorlandi.

AQSH investitsion muhitini namoyon etadigan indeksda ketma-ket ikki yil davomida investitsiya jozibadorligi bo'yicha birinchi o'rinni egalladi. AQShdan keyin Kanada investitsiya kiritish bo'yicha 2022 yilda eng jozibador mamlakatlar qatorida ikkinchi o'ringa ko'tarildi. Yaponiya esa uchinchi o'rinni egalladi, Germaniya ikki pog'onaga pastlab, to'rtinchi o'ringa tushdi, bunga Yevropaning Rossiyaga sanksiyasidan kelib chiqadigan iqtisodiy va energetika muammolari sabab bo'ldi. Buyuk Britaniya ikki yildan buyon reytingda beshinchi o'rinni saqlab qolib, investorlar uchun eng jozibador mamlakat hisoblandi. Xitoy, Hindiston, Birlashgan Arab Amirliklari, Qatar, Tayland va Saudiya Arabistoni Investitsion muhitni namoyon etadigan indeksda birinchi marta rivojlanayotgan bozorlarning eksklyuziv reytingiga ega bo'lib, kuchli yigirmatalikdan joy oldi. Shuningdek, Belgiya davlati esa 2022 yil 25 o'rinni egalladi.

Osiyo mamalakatlarining Global Innovatsiyalar bo'yicha reytingini tahlil qilib chiqamiz (1-jadval).

1-jadval.

**Osiyo mamalakatlarining Global Innovatsiyalar
bo'yicha reytingi, 2014-2022 yillar***

Mamalakat	2014 y.	2015 y.	2016 y.	2017 y.	2018 y.	2019 y.	2020 y.	2021 y.	2022 y.
Singapur	1	1	1	1	1	1	1	2	2
Gonkong	2	2	3	4	5	4	3	5	5
Isroil	3	5	5	6	2	2	4	6	6
Janubiy Koreya	4	3	2	2	3	3	2	1	1
Yaponiya	5	4	4	3	4	6	6	4	4
Xitoy	6	6	6	6	6	5	5	3	3
Malayziya	7	7	7	8	7	7	7	8	8
BAA	8	9	8	7	8	8	8	7	7
Saudiya Arabistoni	9	8	9	13	16	19	17	16	12
Qatar	10	10	10	10	11	18	18	17	14
Tayland	11	12	11	11	9	10	10	9	10
Mo'g'uliston	12	15	12	12	12	13	13	13	17
Bahrayn	13	13	13	17	21	21	21	21	18
Iordaniya	14	18	24	26	24	26	23	24	21
Armaniston	15	14	15	15	18	17	14	18	23
Quvayt	16	20	18	14	15	15	22	19	16
Vetnam	17	11	14	9	10	9	9	10	11
Gruziya	18	17	16	18	14	11	15	15	19
Ummon	19	16	20	22	20	23	26	20	22
Hindiston	20	21	17	16	13	12	11	11	9
Livan	21	19	19	25	28	27	27	28	
Qozog'iston	22	22	22	23	23	22	20	22	25
Indoneziya	23	27	27	27	26	25	25	27	20
Butan	24	31	29	-	-	-	-	-	-
Bruney	25	-	-	19	19	20	19	25	28
Filippin	26	23	21	20	22	14	12	12	15
Ozarbayjon	27	26	25	24	25	24	24	23	29
Shri-Lanka	28	24	28	28	27	28	31	29	26
Kambodja	29	25	30	31	30	30	34	33	31
Qirg'iziston	30	29	31	30	29	29	28	30	30
Eron	31	28	23	21	17	16	16	14	13
O'zbekiston	32	32	-	-	-	-	29	26	24
Bangladesh	33	33	33	34	34	34	36	35	32
Pokiston	34	34	34	33	33	32	32	31	27
Nepal	35	35	32	32	32	33	30	34	34
Tojikiston	36	30	26	29	31	31	33	32	33
Laos	-	-	-	-	-	-	35	36	35
Birma	37	37	-	-	-	-	37	37	36
Yaman	38	36	35	35	35	35	38	38	37

*<https://www.oecd.org/investment/statistics.htm>

Innovatsiyalar indeksi bo'yicha 39 ta mamlakatlarning reytingi keltirib o'tilgan. Eng yuqori ko'rsatkich bu Singapur va Janubiy Koreya davlatlari hisoblanadi. Yillar davomida ushbu davlatlar faqat bir yoki ikkinchi o'rinlarni egallagan. Keyingi o'rinlar esa Isroil, Gonkong, Yaponiya va Xitoy davlatlariga to'g'ri keladi. Eng past ko'rsatkich Bangladesh, Pokiston, Nepal, Tojikiston va Yaman mamlakatlarida kuzatilgan. Butan, Laos va Birma davlatlari esa 2014-2019 yillarda reytingda umuman o'rin olmagan. Osiyo davlatlari ichida O'zbekiston 2014-2015 yillarda 32 o'rinni egallagan, 2016-2019 yillarda esa reytingga umman kirmagan. 2020 yilda innovatsiyalar indeksida 29 o'rindan joy olgan, 2022 yilga kelib 24 o'rin qayd etilgan.

Jahon iqtisodiy forumi tomonidan qabul qilingan mamlakatlarning global raqobatbardoshligi konsepsiyasiga ko'ra, xalqaro bozorlarda o'z eksportchilarini qo'llab-quvvatlashning birmuncha samarali davlat institutlari va vositalarini tashkil etgan davlatlar samarali hisoblanadi. Bu fikr 2017 yil sentyabrda O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoev tomonidan boshlab berilgan mamlakatda ma'muriy islohotlar konsepsiyasining hayotiyliigi va o'z vaqtidaligini aniq aks ettiradi.

Yirik xorijiy investorlar iqtisodiyot holatini baholashda asosan Global raqobatbardoshlik indeksi (GCI, Global Competitiveness Index), Xorijiy investitsiyalarni jalb etish indeksi (Investing across borders), To'g'ridan-to'g'ri xorijiy investitsiyalar uchun tartibga soluvchi cheklovlar indeksi (FDI Regulatory Restrictiveness Index), Investitsion ishonch indeksi (FDI Confidence Index), Sanoatning raqobatbardoshlik indeksi (Competitive Industrial Performance Index), Global innovatsion indeks (Global Innovation Index) singari indekslarga tayangan holda strategik qarorlar qabul qiladi.

Tadqiqotlarning ko'rsatishicha, turli reyting va indekslarda eng past o'rinlarni egallagan mamlakatlarga reytinglarda umuman kiritilmagan mamlakatlardan ko'ra ko'proq investitsiyalar kiritiladi. Buning sababi reytingda past o'rinlarni egallagan mamlakatlarda risklarning yuqoriligiga qaramasdan ularni potensial investorlar uchun baholash imkoni paydo bo'ladi. Biror bir reytingda qayd etilmagan mamlakatlar esa investorlarning nazarida o'ta riskli mamlakat bo'lib gavdalanadi. Natijada investorning investitsiya kiritish bo'yicha qarori salbiy bo'ladi.

Xulosa

Har bir davlat iqtisodiyotga jalb qilinadigan xorijiy investitsiyalar hajmini

oshirish hamda mamlakatning investitsiya muhitini jozibadorligini kengaytirish bevosita xalqaro global iqtisodiy va innovatsion indekslardagi ishtiroki bilan uzviy bog‘liqdir. Shunday ekan, har bir davlat albatta iqtisodiyot uchun muhim bo‘lgan global indeks va reytinglardagi indikatorlar bo‘yicha mamlakatdagi mavjud holat ko‘rsatkichlarini aniqlab, salbiy ko‘rsatkichlarni yaxshilashga qaratilgan chora-tadbirlar rejasini ishlab chiqish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Bugungi kunda O‘zbekistonda ham investitsion muhit jozibadorligini oshirish hamda global reyting va indekslarda mamlakatning o‘rnini yaxshilash bo‘yicha huquqiy asos yaratilmoqda.

O‘zbekistonning xalqaro reytinglarda munosib ishtiroki uchun sharoitlar yaratish to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni sezilarlicha oshirish bilan bir qatorda, O‘zbekiston atrofida qulay investitsiya muhitini faol shakllantirish, xalqaro hamjamiyatda mamlakat imijini kuchaytirish va mustahkamlashga ko‘maklashadi.

Mamlakatimizni global indekslarda o‘rnini yaxshilash bo‘yicha bugungi kunda quyidagi taklif va tavsiyalarni berish maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz:

-MDH mamlakatlarining xalqaro indekslarda ishtiroki modellarini to‘plash, muhokama qilish va umumlashtirish hamda tajriba benchmarkingiga qaratilgan kompyuterlashgan kraudsorsing platformasini ishlab chiqish va qo‘llash lozim;

-muntazam past baholanib kelinayotgan soha va tarmoqlardagi mavjud tizimli xatoliklarni aniqlash va xatlovdan o‘tkazish kerak;

-xalqaro reytinglarda mazkur indikatorlar bo‘yicha eng yuqori ball to‘plagan hamda katta sur‘atlar bilan o‘shirishga erishayotgan mamlakatlarda amalga oshirilgan islohotlarni o‘rganish zarur;

-xalqaro tajriba asosida past ko‘rsatkichli indikatorlar bo‘yicha tegishli soha va tarmoqlar ko‘rsatkichlarini keskin oshirishni kafolatlovchi strategiyalar hamda strategiyalarning tarkibiy dastur va loyihalarini ishlab chiqish lozim;

-ustuvor xalqaro reyting va indekslarning tarkibiy indikatorlari va subindikatorlari bo‘yicha soha va tarmoqlar kesimida ishlab chiqilgan loyihalar hamda ularning amalga oshirilishi borasidagi ma’lumotlarni har chorakda taqdim etib borish kerak;

-O‘zbekiston Respublikasi uchun ustuvor bo‘lgan xalqaro reyting va indekslarda mamlakatning o‘rnini yaxshilash maqsadlariga xizmat qilishini ta’minlash, mazkur yo‘nalishdagi ishlarning samaradorligiga to‘siq bo‘layotgan muammolarni bartaraf etish lozim;

-ustuvor xalqaro reyting va indekslarda mamlakatning o‘rnini yaxshilash bo‘yicha davlat organlarining malakali hamda tajribali mutaxassislarini va xorijiy

ekspertlarni tashkil etiladigan malaka oshirish kurslariga jalb etish zarur;

-investitsiya muhitini yaxshilash va to‘g‘ridan-to‘g‘ri xorijiy investitsiyalarni jalb etishni rag‘batlantirish masalalariga taalluqli yangi qonun, farmon va qarorlar ishlab chiqishda “global indekslar talablariga muvofiqlik zarurati” prinsipini joriy etish zarur.

Xulosa qilib aytadigan bo‘lsak, yuqoridagi bildirilgan taklif va tavsiyalarni mamlakatimiz iqtisodiyotiga tadbqiq etsak xorijiy investitsiyalarni jalb qilish hajmi ya‘nada ortgan bo‘lar edi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev 2017 yil 19 sentyabr kuni Birlashgan Millatlar Tashkiloti Bosh Assambleyasining 72-sessiyasidagi nutqi. <https://yuz.uz/news/ozbekiston-va-bmttarixiy-sessiya-hamdatarixiy-nutq>

2. Jiyun Cao, Arijit Mukherjee Foreign direct investment, unionised labour markets and welfare International Review of Economics & Finance Volume 58, November 2018, Pages 330-339 <https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S105905601730878X>

3. Зенченко С.В., Шемёткина М.А. (2007) Инвестиционный потенциал региона. Сборн. научн. трудов Сев. кав. ГТУ. Серия «Экономика». №6. 153 с.

4. Bekmurodov A.Sh. (2018) O‘zbekiston iqtisodiyotining innovatsion yuksalish modelini izlab... . – Toshkent: XXI ASR. – 215 b.

5. Vahobov A.V., Xajibakiyev Sh.X., Mo‘minov N.G. (2010) Xorijiy investitsiyalar. – Toshkent: Moliya. – 346 b.

ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАРНИ СУҒУРТАЛАШНИНГ НАЗАРИЙ- ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ



Хошимов Собир Муртазаевич

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)
баҳолаш иши ва инвестициялар
кафедраси доценти
Тошкент молия институти
E-mail: xoshimov.1976@mail.ru
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Аннотация

Мақолада иқтисодиётни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган хорижий инвестицияларни суғурталашнинг моҳияти, характерли белгилари ва ҳуқуқий асослари таҳлил қилинган. Шунингдек, суғурта соҳасидаги қонунчилик нормаларига оид масалалар ўрганилган.

Калит сўзлар: хорижий инвестициялар, инвестиция рисклари, инвестицияларни суғурталаш, реципиент, суғурта мукофотлари, эконометрик моделлаштириш.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ПРАВОВЫЕ ОСНОВЫ СТРАХОВАНИЯ ИНОСТРАННЫХ ИНВЕСТИЦИЙ

Хошимов Сабир Муртазаевич

*доктор философии (RhD) по
экономическим наукам
доцент кафедры оценочного
дела и инвестиций
Ташкентский финансовый институт
E-mail: xoshimov.1976@mail.ru
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Аннотация

В статье анализируется сущность страхования иностранных инвестиций, имеющая важное значение для роста экономики, его характерные особенности и их правовые основы. Также исследованы вопросы, связанные с правовыми нормами в сфере страхования.

Ключевые слова: иностранные инвестиции, инвестиционные риски, инвестиционное страхование, реципиент, страховые премии, эконометрическое моделирование.

THEORETICAL AND LEGAL BASIS FOR FOREIGN INVESTMENT INSURANCE

Khoshimov Sabir Murtazaevich

*Doctor of Philosophy (RhD) in Economics
Associate Professor of the Department
of Appraisal and Investments,
Tashkent Institute of Finance
Email: xoshimov.1976@mail.ru
ORCID:0000-0002-2845-0201*

Abstract

The article analyzes the essence of foreign investment insurance, which is important for the development of the economy, the characteristic features and legal framework for foreign investment insurance. Issues related to legal norms in the field of insurance were also studied.

Keywords: foreign investment, investment risks, investment insurance, recipient, insurance premiums, econometric modeling.

Кириш

Иқтисодиётга жалб қилинаётган инвестицияларни кўпайтиришда, хорижий инвесторларнинг бойликларини кафолатли ҳимоялашда, ҳудудлар инвестиция муҳити жозибадорлигини оширишда суғуртадан кенг фойдаланишга қаратилган таъсирчан тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Швейцариянинг қайта суғурталаш бўйича Swiss Re компаниясининг ҳисоботида келтирилишича, «2022 йилда дунёда табиий офатлар ва техноген ҳалокатлар рўй бериши оқибатида жаҳон иқтисодиётига 275 млрд АҚШ доллари миқдорида зарар етказилган бўлиб, унинг 125 млрд АҚШ доллари ёки 45 фоизи суғурталовчилар томонидан қопланган» [13]. Суғурта фаолиятини трансформация қилиш, ҳалқаро иқтисодий интеграциялашувнинг замонавий босқичида мамлакатлар ўртасида капитал оқимининг тобора кучайиши хорижий инвесторларнинг мулкӣ ва бошқа манфаатларини самарали ҳимоялаш тизимини янада такомиллаштириш

зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда хорижий инвестицияларни суғурталаш соҳасида олиб борилаётган илмий изланишларда инвесторларга кафолатлар ва суғурта хизматларини тақдим қилувчи махсус давлат органи (ёки органилари тизими) фаолиятини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни ўзаро ҳимоя қилиш ва рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқори қийматли хорижий инвестициялар иштирокидаги лойиҳаларни суғурталашда давлат-хусусий шериклик шаклида суғурта пулини (Insurance Pool) ташкил этиш, хорижий инвестицияларни суғурталашда инновацион суғурта турларини жорий қилиш, икки томонлама ҳамда кўп томонлама давлатлараро келишувлар кўламини кенгайтириш, инвестиция низоларини ҳал қилиш механизмларини ривожлантириш каби йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига жалб этилаётган хорижий инвестицияларни суғурталашнинг ўзига хос назарий-ҳуқуқий асослари яратилган. Суғурта фуқаролар ва корхоналарнинг мулкӣ ва шахсий номулкӣ манфаатларини ҳимоя этувчи самарали восита сифатида инсоният тараққиётининг барча босқичларида мавжуд бўлган. Инвестицияларни суғурталаш фаолиятининг назарий асосларини тадқиқ этиш ва такомиллаштириш илмий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга. Сўнгги йилларда тадқиқотчилар томонидан суғурта фаолиятининг умумий йўналишлари доирасида муайян илмий изланишлар амалга оширилиб келинмоқда, лекин бугунги кунда инвестицияларни, хусусан, хорижий инвестицияларни суғурта воситасида ҳимоялашнинг назарий асослари ҳамда бу борадаги олимлар ва мутахассисларнинг фикрлари ва қарашлари кам ўрганилганлигини эътироф этиш зарур.

Адабиётлар шарҳи

Илмий ва иқтисодий адабиётларда суғуртанинг иқтисодий моҳиятини ёритишда турлича ёндошувлар мавжуд эканлигини учратиш мумкин. 2021 йилнинг 23 ноябрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 3-моддасида шундай дейилади: «Суғурта – муайян воқеа (ҳодиса) юз берганда етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш, товонлар ва бошқа тўловлар тўлаш учун мақсадли пул жамғармаларини ташкил этиш ҳамда улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган, жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга доир муносабатлар» [1]. “Суғурта” тушунчасига берилган бу таъриф иқтисодий ва юридик жиҳатдан аҳамиятли эканлигини таъкидлаш

ўринлидир. Суғурта ва суғурта фаолиятига оид назарий қарашлар ҳақида фикр юритганда, шубҳасиз, иқтисодий тараққий этган хорижий мамлакатлар олимлари, МДХ ва, шу жумладан, Ўзбекистонлик тадқиқотчиларнинг илмий ишларини таҳлил этишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Хорижий мамлакатлар олимларининг, жумладан Felipe Berdou, Shauhin Talesh, Joseph E. Stiglitzларнинг суғурта ва суғурта фаолиятига оид назарий қарашлари бошқалардан бироз фарқ қилади. Масалан, Felipe Berdou ўз изланишларида суғурта муносабатлари XVI асрнинг охирида Буюк Британияда пайдо бўлганлигига эътибор қаратади [2]. Унинг фикрича, суғурта фаолиятининг вужудга келишига Лондонда 1666 йил рўй берган ёнғин ва Буюк Британиянинг жаҳон денгиз савдосидаги мавқеи сабаб бўлган. Суғуртанинг мақсади молиявий йўқотишлардан ҳимоялаш ҳисобланади. Суғурта фаолияти назарияси хусусида тўхталиб, Shauhin Talesh суғуртанинг анъанавий ва устун концепцияси ихтиёрий шартнома келишувига асосланган бўлиб, унга кўра бизнес тузилмалари ўзларининг рискларини суғурталовчига ўтказди, деб ҳисоблайди [3]. Бизнинг назаримизда, Shauhin Taleshнинг ушбу қарашлари суғуртанинг моҳиятини кенг маънода ёрита олмаган. Яъни суғурта ҳимояси, давлатга қаршли ташкилотлар ва кўп сонли аҳолини ҳам қамраб олади.

Россиялик олимлар Б.Ю. Сербиновский, Н.В. Бендина, Д.П. Фролов, Е.В. Коломин, И.Л. Кирилук, А.П. Свиридов, И.П. Хоминич, С.Н. Тихомиров, ва Ўзбекистонлик тадқиқотчилар Х.М. Шеннаев, Т.М. Баймуратов, Қ.М. Қўлдошев, С.А. Умаров, И.Х. Абдурахманов, Ш.Б. Имамов, М.А. Мирсадиков ва Б.Р. Шамсуддиновлар томонидан ҳам ўз илмий тадқиқотларида суғурта назариясига оид фикрлар билдирган.

Суғуртанинг назарий жиҳатларини ўрганишда суғурта фаолияти ва давлат ўртасидаги муносабатлар муҳим аҳамиятга эга бўлиб, бу борада Е.В. Коломин шундай ёзади: “Агар давлат суғурта ҳимояси билан тўлиқ таъминламаса, бундай ҳолатда у суғурта фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаши шарт” [4].

Суғурта соҳасини тадқиқ қилишда илмий тизимли ёндашувни қўллаш тармоқ архитектурасига, суғурта жараёнларига синчиклаб қараш ҳамда номувофиқлик ва истиқболни аниқлаш имкониятини яратишлиги И.П. Хоминич ва С.Н. Тихомиров қарашларида ўз аксини топган [5].

Суғурта фаолияти риск билан боғланган экан, риск мавжуд бўлмаган жойда суғурта ҳам бўлмайди. И.Л. Кирилук ва А.П. Свиридовларнинг фикрича, суғурта рискларни бошқаришнинг элементи ҳисобланади [6].

Суғурта ва суғурта фаолиятига оид кўплаб олимларнинг илмий-назарий қарашларини қиёсий таҳлил этишда Х.М. Шеннаевнинг суғурта назарияси соҳасидаги тадқиқотларини алоҳида эътироф этиш жоиз. Чунки олим иқтисодий ривожланган мамлакатларнинг асрлар давомида шаклланган суғурта фаолияти билан боғлиқ назарий қарашлар ва ёндашувларнинг қиёсий таҳлилин аналга оширган ҳамда ривожланган давлатлар олимлари ва мутахассисларининг суғурта фаолиятининг назарий масалаларига доир тадқиқот ишлари, асосан, математик аппаратга бой бўлган эмпирик таҳлил, математик ва эконометрик моделлаштириш усуллари асосида амалга оширилганлигидан далолат беришлилигини таъкидлаб ўтади. Х.М. Шеннаев томонидан “суғурта” тушунчасига қуйидагича таъриф берилган: “Олдиндан кўриб бўлмайдиган воқеа-ҳодисалар содир бўлиши натижасида юридик ва жисмоний шахсларга етказилган зарарларни улар томонидан тўланган суғурта мукофотларидан шакллантирилган пул жамғармаси ҳисобидан қоплаш билан боғлиқ муносабатларга суғурта дейилади. Суғурта фаолияти деганда эса, суғурталовчиларнинг суғурта, қайта суғурта ва ўзаро суғуртани амалга ошириш, шунингдек, суғурта брокерларининг суғурта ва қайта суғурта билан боғлиқ хизматлар кўрсатиш бўйича фаолияти тушунилади” [7].

Бироқ юқорида қайд этилган тадқиқотчиларнинг илмий ишларини таҳлил қилиш натижалари инвестицияларни, хусусан хорижий инвестицияларни суғурталашнинг назарий-ҳуқуқий асосларининг етарли даражада ўрганилмаганлигини кўрсатди. Ўзбекистонда хорижий инвестицияларни суғурталашни такомиллаштириш муаммосининг долзарблиги ва мазкур муаммонинг иқтисодий адабиётларда етарли даражада ўрганилмаганлиги ва илмий тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги ушбу муаммони тадқиқот мавзуси сифатида танланишига асос бўлди.

Таҳлил ва натижалар

Хорижий инвестицияларни суғурталаш – Ўзбекистон суғурта бозорида етарлича ривожланмаган ёш йўналишлардан биридир. Яъни инвестиция фаолиятини турли рисклардан ҳимоя қилиш бўйича алоҳида суғурта маҳсулотлари (қурилиш-монтаж рискларини суғурталаш, молиявий ва тадбиркорлик рискларини суғурталаш ва бошқалар) мавжуд бўлса-да, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг барча босқичларида юзага келиши мумкин бўлган рисклардан тўлиқ ҳимоя қилиш механизми ривожланмаган. Ушбу соҳанинг мамлакат олимлари томонидан илмий-назарий ва ҳуқуқий асослари етарлича ўрганилмаганлиги ва илмий

тадқиқотларнинг олиб борилмаганлиги асосий сабаблардан бири сифати кўрсатиш мумкин.

Айнан хорижий инвестицияларни суғурталаш масалаларининг айрим жиҳатлари россиялик иқтисодчи олимлар К. Турбина, А. Загрядский, Л. Бородавко, Д. Волжанинларнинг илмий ишларида кенг ёритилган [8]. Миллий иқтисодиётни ривожлантиришда хорижий инвестицияларнинг ўрни муҳим экан, хорижий инвестицияларни жалб қилишда мамлакатда яратилган қулай инвестиция муҳити асосий омил сифатида майдонга чиқади ва инвестиция муҳитини жозибадорлигини белгилловчи унсурлардан бири айнан инвестицияларни суғурталаш тизимининг қай даражада амал қилиши билан белгиланади. Ҳар қандай тадқиқотнинг асосий назарий жиҳатларини ўрганишда, унинг объектининг иқтисодий моҳиятини аниқлашни талаб қилади. Инвестицияларни суғурталашнинг иқтисодий моҳиятига аниқлик киритишда дастлаб унинг бошқа тушунчалардан фарқ қиладиган ўзига хос хусусиятларини очиш лозим. Шундай хусусиятлардан бири “инвестиция” ва “суғурта” категорияларининг ўзаро боғлиқликдаги ҳаракатидир. “Инвестицияларни суғурталаш” тушунчаси бу умумий суғурталаш доирасида ҳосил бўлган йўналиш бўлиб, суғурта фондлари назарияси қамровида амалга оширилади. Инвестиция фаолияти эса, инвестиция лойиҳалари доирасида амалга оширилиб, лойиҳа рисклари лойиҳаларни амалга ошириш босқичларида аниқланади.

Инвестицияларни суғурталашнинг иқтисодий моҳияти тўғрисида россиялик олимларнинг турли қарашларини таҳлил қилиш асосида улар орасидан уч турдаги ёндошувни ажратиш олиш мумкин. Биринчи ёндошувда инвестицияларни суғурталаш деганда, хорижий инвестицияларни таъсир қилиши мумкин бўлган сиёсий рисклардан ҳимоялашни таъминлашга қаратилган суғурталаш тури сифатида тушуниш мумкин. Бундай ёндошув илмий тадқиқотчилар К.Е. Турбина ва О.В. Малковалар [9] илмий ишларида учрайди.

Иккинчи ёндошув С.А. Филинга тегишли бўлиб, олим “инвестицияларни суғурталаш – бу қўйилмаларни таъсир қилиши мумкин бўлган инвестиция ва спекулятив рисклардан суғурта воситасида ҳимоялаш” [10] – деб тушунади.

Учинчи ёндошувда эса инвестицияларни суғурталаш – барча инвестиция турларини содир бўлиши мумкин бўлган турли рисклардан ҳимоялаш воситаси сифатида кўрилади. Бундай қараш Н.А. Кричевский ва Д.А. Волжанин илмий ишларида ўз аксини топган. Умуман олганда айрим

тадқиқотчилар инвестицияларни суғурталашнинг иқтисодий моҳиятини очишда, аввало, унинг объекти ва предмети аниқлаб олиш зарурлигини қайд қилишади. Масалан, Д.А. Волжанин инвестицияларни суғурталаш объекти сифатида: “жисмоний ва юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, учинчи шахслар олдидаги жавобгарлик, мулк ва мулкрий манфаатлар, соғлиқ, ҳаётни сақлаш билан боғлиқ қонуний манфаатлар” ни санаб ўтади [8]. Ушбу ёндошувга кўра, инвестицияларни суғурталаш доирасида барча жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳар қандай мулкрий қизиқишларини суғурталаниши мумкинлиги тушунилади.

Л.С. Бородавко инвестицияларни “... суғурталаш объектини аниқлашда фақат жисмоний ва юридик шахсларнинг мулкрий манфаатларига эмас, балки инвестиция фаолияти субъектларининг мулкрий манфаатларига эътибор қаратиш лозимлиги” ни таъкидлайди [12]. Бунда инвестиция субъектларига урғу берилишидан мақсад, ушбу суғурталаш турида суғурталанувчига аниқлик киритилиб, шахслар сони чегараланади. Бир сўз билан айтганда, инвестицияларни суғурталаш объекти сифатида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ инвестиция фаолияти субъектлари мулкрий манфаатлари тушунилади.

Ўз навбатида, инвестицияларни суғурталаш предмети аниқлик киритадиган бўлсак, юқоридаги фикр ва ёндошувлардан кўриниб турибдики, инвестицияларни суғурталаш предмети инвестиция фаолиятининг ўзидир. Н.А. Кричевскийнинг фикрича, инвестицияларни суғурталаш предмети “...инвестиция фаолияти ва унинг барча кўринишлари”дан иборат [11]. Л.С. Бородавко эса, инвестицияларни суғурталаш предмети инвестиция фаолиятини амалга ошириш жараёнига жалб этилган моддий ва номоддий бойликлардан иборат эканлигини таъкидлаб, инвестицияларни суғурталаш “... инвестиция лойиҳалари рискларини амалга оширишда, суғурталанувчиларнинг тўлаган суғурта мукофотлари ва бошқа маблағлари ҳисобига ташкил этилган суғурта фондларидан инвестиция фаолияти субъектлари мулкрий манфаатларини ҳимоялаш муносабатлари” [12] деган таърифни беради.

Россиялик олим А.С. Загрядский ўз тадқиқотларида миллий иқтисодиётга хорижий инвестицияларни жалб қилишда суғуртанинг ролига катта аҳамият бериб, асосан хорижий инвестицияларни сиёсий рисклардан суғурталаш масалаларини тадқиқ қилган. Олимнинг фикрича: «Инвестицияларни суғурталаш – бу олдиндан аниқлаб бўлмайдиган бозор

конъюктураси ўзгариши ва бошқа инвестиция фаолиятини амалга ошириш шароитларини ёмонлаштиришга олиб келадиган ноқулай омиллар таъсирида инвестицион қўйилмаларни йўқотишдан ҳимоялашга қаратилган суғурта туридир» [8].

Бу борада муаллифнинг ўз қарашлари қуйидагича ифодаланди: хорижий инвестицияларни суғурталаш – суғурталанувчиларнинг тўлаган суғурта мукофотлари ва бошқа маблағлари ҳисобига ташкил этилган суғурта фондларидан инвестиция фаолиятини амалга оширишда инвестиция фаолияти субъектлари мулкӣ манфаатлари ва учинчи шахслар олдидаги жавобгарлигини ҳимоялаш муносабатлари тушунилади.

Ўзбекистонда суғурта муносабатларининг ҳуқуқӣ асослари яратилган бўлиб, сўнги йилларда янада такомиллаштирилиб бормоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида суғурта соҳасида давлат монополиясининг бекор қилиниши, нодавлат суғурта компанияларининг юзага келиши, тижорат банклари кредит рискинни суғурталашнинг ортиши, инвестицияларнинг, хусусан, хорижий инвестицияларни суғурта ҳимоясини таъминлашга оид чораларнинг кўрилиши, давлат капитали иштирокида йирик суғурта компанияларининг тузилиши суғурта фаолиятини ташкил этиш ва амалга оширишнинг ҳуқуқӣ асосларини шаклланиши билан тавсифланади.

Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг моҳиятини ўзида мужассам этувчи назарӣ қараш ва амалӣ ёндошувларни қиёсий таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосалар шаклланди: хорижий инвестицияларни суғурталашнинг умумӣ суғурталаш доирасида инвестиция ва суғурта категорияларини биргаликдаги ҳаракатини ўз ичига олган суғурта фондлари назарияси қамровида амалга оширилиши унинг биринчи муҳим белгисидир; суғурта бозорида хорижий инвестицияларни суғурталашга оид суғурта маҳсулоти мавжуд эмас, шунинг учун ҳам хорижий инвестицияларни суғурталаш инвестиция фаолияти субъектларининг учинчи шахс олдидаги жавобгарлиги, мулкӣ ҳамда шахсий суғурта турларини ўз ичига олувчи комбинациялашган суғурта тури эканлиги унинг иккинчи характерли белгисидир. Хорижий инвестицияларни суғурталашнинг мазмун-моҳиятини, ўзига хос хусусиятларини аниқлашга ўз ҳиссасини қўшиши лозим бўлган унинг муҳим характерли белгиларини 1-чизма орқали изоҳлаш мумкин.

Хорижий инвестицияларни суғурталаш белгилари



Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Ўзбекистон суғурта бозорини илғор ривожланган давлатлар тажрибаси асосида ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2021 йилнинг 23 ноябрида Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида” ги Қонуни янги таҳрирда қўшимча боблар киритиш билан янгидан қабул қилинди. Албатта, ушбу янги қонун 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг бугунги замон талабларига жавоб бермай қолганлигини исботи бўлди. Янги қонун 10 та бобдан иборат бўлиб, ўз ичига 72 та моддани қамраб олади ва асосий киритилган янги ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни айтиб ўтиш мумкин: ушбу қонуннинг 3-моддасида “суғурта” тушунчасига янгидан таъриф келтирилди ва суғуртага оид бошқа асосий тушунчаларга таъриф берилди; қонуннинг 5-моддасида “трансчегаравий суғурта” ва “қайта суғурта” тушунчаларининг мазмун-моҳияти очиқ берилди; суғурталовчининг қайта суғуртага доир суғурта фаолияти қонуннинг 8-моддасида ўз аксини топди; суғурталовчиларнинг биргаликдаги суғурта фаолияти қонуннинг 9-моддасига киритилди; қонуннинг 10-моддасида суғурта (қайта суғурта) шерикчилигига аниқлик киритилди; суғурта объектлари ва субъектлари тўғрисидаги маълумотлар қонуннинг 11 ва 12 моддаларида акс эттирилди; суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг уюшмаларини ва бошқа бирлашмаларини ташкил этиш масалалари қонуннинг 28-моддасидан жой олди; суғурта шартномаси ва қоидаларига аниқлик киритиш мақсадида қонунга алоҳида боб (3-боб) киритилди.

Булардан ташқари суғурта фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахслар «суғурта» атамасини ўз фирма номига киритиши шартлиги, суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш, суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) томонидан пруденциал нормативларга риоя этилиши, суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўловга қобилиятлилигини баҳолаш масалалари ҳам ушбу қонунда ўз аксини топган.

Хулоса

Бугунги кунда республикамизда хорижий инвесторлар учун яратилган шарт-шароитлар, мавжуд инвестиция муҳити, хорижий инвестицияларни кафолатли ҳимоялаш механизмлари мамлакатнинг саноат, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳаларини ривожлантириш учун ташқи капиталдан етарлича фойдаланиш имконини бермайди. Шундан келиб чиқиб, миллий инвестиция дастурларини муваффақиятли амалга оширишда самарали давлат инвестиция сиёсатини ишлаб чиқишни, худудий инвестиция

муҳити жозибадорлигини оширишни ва хорижий инвестицияларни суғурта воситасида кафолатли ҳимоя қилишнинг мукамал механизмларини яратишни тақозо қилмоқда. Бундан ташқари хорижий инвестицияларни суғурталашга оид назарий қарашлар ва ёндашувларни қиёсий таҳлил қилиш натижалари мамлакатда хорижий инвестицияларни суғурталашнинг илмий-назарий ва ҳуқуқий асосларига оид илмий ишлар етарли даражада амалга оширилмаганлигини кўрсатмоқда, хорижий инвестицияларни суғурталаш бўйича илмий хулосалар ва амалий натижалардан келиб чиқиб, бу борада ягона ёндошувни шакллантириш мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 23 ноябрдаги ЎРҚ-730-сон “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. <https://lex.uz/docs/5739117>
2. Felipe Verdou. Target Insurance, G06Q40/02; G06Q40/08; (IPC1-7): G06F17/60. 2004. <https://www.freepatentsonline.com/20040010426.pdf>.
3. Shauhin A. Talesh. A New Institutional Theory of Insurance. UC Irvine Law Review, Vol.5, No.3, 2015, pp.617-650, UC Irvine School of Law Research Paper No. 2015-77. https://papers.ssrn.com/sol3/papers.cfm?abstract_id=2651508.
4. Коломин Е.В. Новый шаг к консолидации научных сил. // Финансы. №2, 2003. – С. 47.
5. Хоминич И.П. и Тихомиров С.Н. Методология формирования национальной страховой системы в контексте системного анализа. // Финансы. №3, 2008. – С. 44.
6. Кирилюк И.Л., Свиридов А.П. Рынок страхования в России: текущее состояние и перспективы. // Вопросы теоретической экономики. №2. 2019. – URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/rynok-strahovaniya-v-rossii-tekushee-sostoyanie-i-perspektivy>
7. Шеннаев Х.М. Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини ривожлантириш йўналишлари. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) ... диссертация. – Т.: 2021. – 33 б.
8. Турбина К.Е. Инвестиционный процесс и страхование инвестиций от политических рисков. – М.: Анкил, 1995. – С. 80;
9. Загрядский А.С. Роль страхования иностранных инвестиций в улучшении условий капиталовложений в национальную экономику. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – М.: 2004. – С. 22;
10. Бородавко Л.С. Развитие страхования реальных инвестиций при реализации инвестиционных проектов. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Иркутск, 2012. – С. 23;

11. Волжанин Д.А. Развитие страхования как инструмента управления инвестиционными рисками. Дис. ... канд. экон. наук. – М., 2005. – С. 142.
12. Турбина К.Е. Инвестиционный процесс и страхование инвестиций от политических рисков. – М.: Анкил, 1995. – С. 80;
13. Малкова О.В. Страхование в системе международных экономических отношений: учебное пособие. – Ростов-на-Дону. 2007. – С. 192.
14. Филин С.А. Страхование инвестиционных рисков: Учебное пособие. - М.: ООО Фирма «Благовест-В», 2005.,
15. Кричевский Н.А. Страхование инвестиций. – М. 2006. – С. 334;
Волжанин Д.А. Развитие страхования как инструмента управления инвестиционными рисками. Дис. ... канд. экон. наук. – М., 2005. – С. 142.
16. Бородавко Л.С. К вопросу об экономической сущности страхования инвестиций. // Известия ИГЭЯ. 2012. №1. – С. 43.
17. <https://www.swissre.com/institute/research/sigma-research/sigma-2023-01.html>

THE ROLE OF ECONOMIC INDICES IN ASSESSING THE INVESTMENT CLIMATE IN UZBEKISTAN



Alikulov Mekhmonali Salokhiddin ugli

*Doctor of philosophy in economics (PhD)
Associate professor of
the Department of Valuation and investments
Toshkent institute of Finance
E-mail: mehmonali1992@gmail.com
ORCID: 0000-0001-5981-885X*

Annotation: *The article studied the attractiveness of the investment environment in Uzbekistan and the opinions of the world's leading scientists on its assessment, studied the factors that determine the investment attractiveness of the regions, studied the Doing Business Index and Economic Freedom Index, which assess the attractiveness of the investment environment, and compared with several other countries and developed conclusions and proposals.*

Keywords: *Investment environment, investment attractiveness, Doing business, economic freedom indices, infrastructure.*

РОЛЬ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ В ОЦЕНКЕ ИНВЕСТИЦИОННОГО КЛИМАТА В УЗБЕКИСТАНЕ

Аликулов Мехмонали Салохиддин угли

*доктор философии по экономическим наукам (PhD),
доцент кафедры “Оценочное дело и инвестиции”
Ташкентского финансового института
E-mail: mehmonali1992@gmail.com,
ORCID: 0000-0001-5981-885X*

Аннотация: *В статье изучалась привлекательность инвестиционной среды в Узбекистане и мнения ведущих мировых ученых по ее оценке, изучались факторы, определяющие инвестиционную привлекательность регионов, изучались индекс Doing Business и Индекс экономической свободы, которые оценивают привлекательность инвестиционной среды, и сравнивались с рядом других стран и разработали выводы и предложения.*

Ключевые слова: *Инвестиционный климат, инвестиционная привлекательность, ведение бизнеса, Индекс экономической свободы, инфраструктура.*

Introduction. One of the important conditions for ensuring the economic stability of the Republic of Uzbekistan is the formation of a favorable investment climate and increasing attractiveness. In conducting our scientific research to

ensure the comprehensive development of the country and increase the attractiveness of the investment environment, we aimed, first of all, to research the potential of the country and its territories, evaluate them, classify the factors that affect them, reveal the aspects that have acquired reciprocity through economic and mathematical methods. The formation and increase in attractiveness of a favorable investment environment have a very positive effect on the further liberalization of sectors of the economy, improving the competitive environment between them, strengthening economic stability, expanding foreign economic ties, increasing the issue of Labor, and ensuring their employment. As President Shavkat Mirziyoyev noted, "Without investment, the economy will not develop. When we create an environment and infrastructure for investors, there will be a workplace, the product will increase, and the tax will fall. It is necessary to stimulate the development of the activities of enterprises, turning their own funds again" (President. uz, 2020). Also, according to the "strategy of action on the five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021", approved by Presidential Decree on February 7, 2017, the third priority is called further development and liberalization of the economy, which indicates the tasks "improving the investment environment, attracting foreign, above all, foreign direct investment in sectors and territories of the country's economy"(decree, 2017). It is in order to attract more investors and generate more income from this it is much more necessary to form a free, stable, favorable investment climate in the country and increase its investment attractiveness.

Literature review. In the process of analyzing the literature on the topic, we witnessed the attractiveness of the investment climate in Uzbekistan and the scientific research carried out by several leading economic scientists and experts on its assessment, which consists of those below. Of these, the increase in investment attractiveness by Volik Olga Andreevna, Solntseva Oksana Glebovna, Tsunaeva Yulia Olegovna contributes to the effective functioning, development and growth of the company in the conditions of modern competition(Volik Olga Andreevna, Solntseva Oksana Glebovna, Tsunaeva Yulia Olegovna, 2018).

The approach proposed by F.S. Tumusov is also noteworthy. He defines "investment potential" as a collection of investment resources, which is a part of the accumulated investment, which is manifested in the form of investment demand in the investment market, which has the opportunity to turn into real investment demand, which ensures the satisfaction of the material, financial and intellectual needs of investment reproduction(Tumusov F.S., 1999).

Interprets Views that define investment attractiveness as the sum of socio-political, natural-economic, and psychological descriptions are common. Such a

methodology in terms of investment attractiveness used by” Euromoney " consists of nine different indicators (Euromoney, 2020). These are economic efficiency, political risk, borrowing, debt recovery (non-fulfillment or extension of obligations on payment), solvency, bank loans, the possibility of obtaining SSU capital, and opportunities for the emergence of force majeure situations. The importance of these indicators is determined by an expert or by calculation-analysis. They are calculated on a 10-point scale and are then measured according to one indicator or another and their contribution to the final assessment.

From all indicators that determine investment attractiveness by Smaglyukova distinguish indicators that are more in line with the requirements of complex assessment. In his opinion, these indicators are included in the composition of factors of investment attractiveness, reflecting all aspects of the investment process. The sum of the formed indicators covers the external and internal factors of the economic system and the activity of the regions as objects of investment. (Smaglyukova T.M., 2014).

G.Marchenko, O.Investment attractiveness has been interpreted by Machulskayas through a Multiple-factor regression model. Considering the investment attractiveness of the territory as a general indicator, it is noted that it is determined by two descriptions, namely investment potential and investment risk. In their opinion, the total potential of the territory includes resources – raw materials, production, consumption, infrastructure, innovation, labor, institutional and financial indicators. The general risk of the territory is determined by taking into account political, economic, social, criminal, environmental, financial, and legislative risks(Marchenko G., Machulskaya O.,2005).

As important conditions for determining investment attractiveness, the following can be cited: the natural conditions of the regions, the formed business environment, socio-economic and administrative-managerial principles, the readiness of the population to manage business entities, risk perception, and the competence of labor resources and the presence of various institutional systems and their development(Sherzod Mustafakulov, 2017).

The main priority of the approach under consideration is the following: objectivity; the importance of factors determining investment potential and investment risk; a universally accepted system of monitoring and assessment in world practice; the ability of foreign investors to use the final results and the level of knowledge.

Nevertheless, this methodology also has a number of disadvantages: the lack of connection between investment attractiveness and investment activity; the subjectivity of expert opinions, and the lack of clarity of the methodology for

assessing investment potential and risks in bringing it to an integral indicator.

Most of the methodologies considered have a narrow field of application, in which networks are often not taken into account. Therefore, investors are forced to make decisions about it based on a subjective perception, due to the fact that they do not have analytical support for assessing investment attractiveness.

Analysis and results discussion. When conducting scientific research on ensuring the comprehensive development of the country and increasing the attractiveness of the investment environment, the most important thing is to research the potential of the country and its territories, evaluate them, classify the factors affecting them, reveal the aspects that have acquired interdependence through economic-mathematical and econometric methods, as noted, are considered from the tasks of this.




Figure 1. Investments in fixed capital by sources of financing¹⁰

¹⁰ Prepared by the author based on the data of the Statistical Agency.

In January 2023, investments in fixed capital totaling 226,6 trillion soums were appropriated and amounted to 111.8% compared to the corresponding period of 2022. In the structure of investments in fixed capital, 62,0% or 140,5 trillion soums were financed from the funds invested, while 38,0% or 86.1 trillion soums were financed from the funds of the enterprise organization and the population.

Also, at the expense of centralized sources of financing, investments in fixed capital amounted to 29,6 trillion soums, while at the expense of decentralized sources of financing, investments in 197,0 trillion soums were appropriated.

In January 2023, investments in equity financed by enterprises and organizations amounted to 62,8 trillion soums or 27,7% of total fixed capital investments -10.3 % of total fixed capital investments or 23,3 trillion soums were appropriated from the population's funds. The volume of investments received from foreign direct investment amounted to 43,6 trillion soums, and its share in total investments increased by 4,5 points compared with the corresponding period of 2022-19.2 percent.

Also, at the expense of commercial bank loans and other debt funds, 19,1 trillion soums (8.4% of total investments in fixed capital, increased by 0,9 points compared with the corresponding period of 2022 year Foreign loans under the guarantee of the Republic of Uzbekistan increased by 12,5 trillion soums 5.5 and 0.5 points unsecured, and other foreign investment and loans decreased by 48,3 trillion soums 21.3 and 3.1 points. Rehabilitation and Development Fund 0,7 trillion soums decreased by 0.3 and 0.2 points), Republican budget 15,1 trillion soums decreased by 6.7 and 1.3 points), Water Supply and sewage systems development fund 1,2 trillion soums decreased by 0.6 and 0.4 points).

To do this, it is important to develop scientific and methodological and theoretical and practical proposals, recommendations on the analysis of experiments that have been used in developed countries and brought high results, the methods and methods that led to success, the implementation of factors on the scale of Uzbekistan and its territories.

The investment attractiveness of countries depends on several factors, namely political, economic, social, cultural, organizational legal, and geographical factors. From these factors, investors decide whether to invest in the country or not. In assessing the attractiveness of the state's investment environment, one of the most common methods today is the Doing Business Index(Doing Business Report, 2020), and the index of Economic Freedom (Index of Economic Freedom Report, 2023). The Doing Business Report, published annually by the World Bank, publishes a ranking of 190 countries for doing business (10 indicators in total) by more than 6,700 experts from different countries. As such, the Heritage Foundation

Research Center in collaboration with The Wall Street Journal published its Economic Freedom Index-2023 report. The "Economic Freedom Index-2023" report was reviewed from a database dating from July 1, 2022, to July 1, 2023.

In a 2021 report, the Republic of Uzbekistan ranked 108th among 186 countries with a score of 58.3 (an improvement of +1.1 points according to the latest report), rising to 6 positions, while ranking 44 positions (from 152nd to 108th) in the last four years, The most important indicators of efficiency (CPI) established by the decree of the president of the Republic of Uzbekistan “on improving the position of the Republic of Uzbekistan in internationalization and indices and the introduction of a new mechanism for systematic work with them in state bodies and organizations” are achieved (Table 1).

Table 1.

Changes in indicators in the structure of the index of Economic Freedom in the Republic of Uzbekistan¹¹

Komponent	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023
Property Rights	48.0↑	48.7	49.8↑	59.1↑	57.8↓	31.6↓	30.9↓
Judicial Effectiveness	27.5↑	24.2	25.2↑	28.2↑	30.5↑	23.8↓	24.9↑
Govt Integrity	41.9	35.3	34.3↓	34.2↓	50.8↑	13.1↓	13.0↓
Tax Burden	90.7↑	91.0	91.3↑	91.6↑	92.4↑	90.8↓	92.8↑
Gov't Spending	66.2↓	65.5	67.4↑	74.7↑	79.9↑	78.1↓	74.9↓
Fiscal Health	99.8	99.7	98.7↓	98.9↑	98.3↓	96.6↓	85.3↓
Business Freedom	64.8↓	66.9	72.5↑	72.6↑	73.5↑	59.1↓	58.9↓
Labor Freedom	50.4↓	52.0	58.7↑	59.9↑	61.2↑	48.0↓	48.1↑
Monetary Freedom	61.1↓	61.9	58.9↓	59.9↑	60.3↑	61.6↑	63.4↑
Trade Freedom	66.8↑	62.5	62.6↑	67.6↑	55.4↓	75.6↑	76.0↑
Investment Freedom	0.0	0.0	10.0↑	20.0↑	20.0	50.0↑	60.0↑
Financial Freedom	10.0	10.0	10.0	20.0↑	20.0	40.0↑	50.0↑

As a result of the reforms carried out in our country, according to the last report of the index, it recorded positive changes in 7 of the 12 indicators, thus decreasing in 5 indicators. Uzbekistan was ranked 23rd out of 40 countries in the Asia-Pacific region.

The top 3 of the world rankings are Singapore (83.9 points), Switzerland

¹¹ https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/2023_IndexOfEconomicFreedom_FINAL.pdf

(83.8 points) Ireland Australia (82.0 points), while the lowest places are Cuba (24.3 points), Venezuela (25.8 points) and North Korea (2.9 points).



Figure 2. The role of the Republic of Uzbekistan in the index of Economic Freedom until 2018-2023¹²

In the last six years, Uzbekistan has risen to 43 places higher than in general terms in this ranking, according to the 2023 report, it has gained 109 places. The methodology of this report is one of the main factors, including the change of a number of indicators and the calculation of indicators in determining points, as well as the change of sources in international data(Figure 1).

At the same time, according to a report published by The Heritage Foundation, the 2023 index has adopted other open sources of information for subfactors measuring ownership rights, judicial efficiency, government integrity, business freedom, and labor market freedom due to the World Bank suspending its annual” Doing Business “Report. In particular, the index now includes information from Freedom House and other sources in its assessments.

It is also noted that the volatility of state policy in response to the COVID-19 pandemic has led to significant fluctuations in economic conditions in many countries around the world, including the level of economic freedom, noting that it is currently unknown whether these changes are permanent or temporary.

It is worth noting that as a result of the above-mentioned changes, a decrease was recorded in 119 of the 179 countries in the points Section (65.4%).

¹² https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/2023_IndexOfEconomicFreedom_FINAL.pdf




Figure 3. The role of the CIS countries in the index of Economic Freedom by 2017-2022¹³

As a result of the amendments to the index methodology, a decrease in the value of points was recorded in the ranking of all CIS countries, and only three countries (Tajikistan, Turkmenistan, and Uzbekistan) improved their positions (Figure 3).

**Table 2
Change of indicators in the composition of the index of Economic Freedom¹⁴**

Country Name	2022 year		2023 year		Change	
	Place	Score	Place	Score	Place	Score
Azerbaijan	75	61,6	75	61,4	0	-0,2
Belarus	135	53	145	51,0	-10	-2,0
Kazakhstan	117	64,4	71	62,1	46	-2,4
Kyrgyz Republic	116	55,8	115	55,8	1	0
Moldova	78	61,3	96	58,5	-18	-2,8
Russia	113	56,1	125	53,8	-12	-2,3
Tajikistan	147	49,7	146	50,6	1	0,9
Turkmenistan	165	46,2	161	46,5	4	0,3
Uzbekistan	117	55,7	109	56,5	8	0,8

¹³ https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/2023_IndexOfEconomicFreedom_FINAL.pdf

¹⁴ https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/2023_IndexOfEconomicFreedom_FINAL.pdf

The regions of Uzbekistan are characterized by their color. Therefore, in order for a potential investor to make an investment decision, objective information about the investment potential of each area should be available. The creation of a system for assessing the investment attractiveness of territories is a prerequisite for the development of the state and territories.

The transformation of the country's economy from a centralized management system to a decentralized system led to an increased role of administrative-territorial bodies in the regulation of economic processes. The presence of discrepancies in the socio-economic development of each territory presupposes the need to form a balanced territorial investment policy.

As you know, the exact methodology for assessing the investment attractiveness of a country is not determined by any international, therefore, in recent times, various methods for calculating indicators regarding investment attractiveness are used. According to some economists, investment attractiveness is determined by the level of income from investing. This approach covers a very narrow area of application, since in order to obtain accurate and correct results, investments must be made in the event that the level of risk (risk) is the same, which is practically impossible in practice.

To assess investment attractiveness, it will be necessary to focus on two important aspects. The first is the investment attractiveness of investing in a particular object. In this case, the economic status of industries, industries, and clusters that exist in a specific territorial system is analyzed. When carrying out economic analysis, the base indicators of determining the effectiveness of investment projects and programs (net discounted income, repayment period, profit norm, internal profitability norm) are evaluated.

The second is the investment attractiveness of the territorial economic system. To do this, it is assumed to analyze the following circumstances: the existing legal-regulatory framework, the political situation, investment exclusion, socio-economic conditions, the level of protection of the interests of investors, the level of taxation, and strategic and administrative resources.

As noted above, investment attractiveness is an economic category, manifested by its influence on investment activity through objective and subjective data.

In our view, investment risk is assessed and determined due to a comprehensive, in-depth analysis of the investment environment. The investment environment and risk levels are inversely proportional to each other. The more favorable the investment environment, the lower the investor's entrepreneurial risk, and this activates the penetration of investors. On the contrary, if the investment

environment is unfavorable, the risk level will be high. This leads to an increase in investment-receiving party spending. The state of the investment environment is important not only for the investor but also for the investment recipient.

Not all indicators reflected in this rating can be called perfect, of course. They were left without a reflection on the following important factors: Macroeconomic Policy, quality of infrastructures, workforce qualifications, fluctuating exchange rates, investor opinion, risk of corruption, and factors related to its level.

The ranking published by the World Bank includes state-created administrative dishes for opening and running a business, which also does not take into account the main factors relevant to the country's economic potential (market size, labor cost, etc., as well as the risks that a potential investor may face.

According to the research carried out and the survey conducted, the conditions created for opening and maintaining a business in Singapore and achieving a high result were influenced by the stability of the state political system, effective economic policy, the availability of high investment opportunities, and the development of infrastructure. The Global Competitiveness Index is estimated from 0 to 100 points in the areas given below in 141 countries, with an average of. These are quality of institutions, infrastructure, macroeconomic stability, health and Primary Education, Higher Education and retraining, efficiency of goods and services markets, labor market efficiency, development of financial markets, level of technological progress, scale of the domestic market, competitiveness of companies, indicators related to innovative potential.

As part of the study of the above-mentioned experiments, it became clear that the implementation of the experiences of the states of China and Singapore in increasing the attractiveness of the investment environment in attracting foreign investments in Uzbekistan, the use of which will serve to ensure that in the future the country will develop at a higher pace, the source of In particular, the implementation of measures to ensure that Uzbekistan, like these countries, actively participates in surveys conducted by international organizations, participates in ALL Ratings that show the investment attractiveness of world countries, in particular, in the “Global Innovation Index” and the “business environment index”, will have a positive effect on the decisions of investors to invest in the future. The reason is, that a foreign investor needs reliable information about the investment environment of that country before investing in any state. Of course, one of the most reliable sources is the International, which are indices maintained by economic organizations. From these indices, investors can gain the information they need and trust.

According to experts of the World Bank, the main reforms in improving the business environment in Uzbekistan are as follows:

- ✓ strengthening the protection of minority investors by expanding the rights and role of shareholders in the most important corporate decisions, clarifying ownership and management structures, as well as increasing corporate transparency;

- ✓ simplification of taxation by combining social infrastructure development taxes with income tax;

- ✓ international by introducing a risk-based customs control mechanism, as well as easing requirements for import documents;

Conclusions and suggestions. Today, the main disadvantages inherent in many of the existing methodologies for assessing the state of the territories to increase their investment attractiveness are as follows:

- scientific justification of forecasting methodological circumstances and their investment attractiveness in the analysis of territories;

- insufficient justification of the principles of sorting dozens of indicators for evaluation;

- the complexity of the criteria for substantiating the applied methodologies.

These include the fact that evaluation is not conducted regularly. Thus, the need arises to develop a systematic approach to assessing the investment attractiveness of territories in terms of network specialization and to continue research in this direction.

Therefore, the above-named indexes have a positive value in the manifestation of the investment climate of Uzbekistan to foreign investors. Also, the next factor that made it possible to increase the attractiveness of the investment environment of the states of China and Singapore is the implementation of the “annual statistical map” on the attractiveness of the investment environment of each region (regions, Tashkent City and the Republic of Karakalpakstan) by the State Statistical Committee, taking into account the socio-economic potential of the regions of Uzbekistan on From this map it is considered acceptable that the following indicators take place:

Reference:

1. www.president.uz Official page of The President of the Republic of Uzbekistan.

2. Decree of the President of the Republic of Uzbekistan No. 4947 of February 7, 2017 “on the strategy of Action for the further development of the Republic of Uzbekistan” // “People's word”. February 8, 2017.

3. Волик Ольга Андреевна, Солнцева Оксана Глебовна, Цунаде Юлия

Олеговна, (2018) Волик Ольга Андреевна, Солнцева Оксана Глебовна, Цунаева Юлия Олеговна. Повышение инвестиционной привлекательности торговых предприятий.// Вестник университета №6, 2018. – ст.6;

4. Т.М.Смаглюкова (1999) “Общие подходы к формированию региональной инвестиционной политики” // Современные проблемы науки. – 2014. – № 1.

5. Ф.С. Тумусов(1999) “Инвестиционный потенциал региона: теория, проблемы, практика. – М., “Экономика”, 1999. 272-б.

6. <http://www.euromoney.com>

7. Марченко Г., Мачульская О. (2005) Инструмент новой региональной политики. На плоскости рейтинга риск-потенциал явно проявились полюса и точки роста. <http://raexpert.ru/ratings/regions/2005/part4/>

8. Sherzod Mustafakulov, (2017) Sherzod Mustafakulov. Investment Attractiveness of Regions: Methodic Aspects of the Definition and Classification of Impacting Factors.// European Scientific Journal, edition Vol.13, №.10, April 2017. – P. 17;

9. Alikulov Mekhmonali Salahiddin ugli. (2022). Distinctive Features of Development and Management of Renewable Energy Resources Projects. Texas Journal of Engineering and Technology, 15, 25–30. Retrieved from <https://zienjournals.com/index.php/tjet/article/view/2952>

10. <https://core.ac.uk/download/pdf/236407742.pdf>

11. Doing Business report Doing Business ranking “Doing business report” 2020 йил

12. https://www.heritage.org/index/pdf/2023/book/2023_IndexOfEconomicFreedom_FINAL.pdf

Statistics agency <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/investments>

ХУСУСИЙ КАПИТАЛ АУДИТИДА ТАҲЛИЛИЙ АМАЛЛАРНИ ҚЎЛЛАШ ЙЎНАЛИШЛАРИ



Шеримбетов Иномжон Халилуллаевич

аудит кафедраси катта ўқитувчиси

Тошкент молия институти

E-mail: inom23@gmail.com

ORCID:0000-0001-6704-6853

Аннотация

Мақолада аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллашнинг долзарб масалалари кўриб чиқилган. Хусусан, тадбиркорлик субъектида аудиторлик текширув босқичларида таҳлилий амалларни қўллашнинг хусусиятлари, аудитор томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар ҳамда қўлланилган таҳлилий амаллар натижаларидан фойдаланиш тартибини аудитнинг халқаро стандартлари талаблари асосида такомиллаштириш масалалари ёритилган. Шунингдек, мақолада амалий маълумотлар асосида, таҳлилий амалларни қўллаган ҳолда тадбиркорлик субъектининг хусусий капитали ва бошқа кўрсаткичларининг ўзаро алоқадорлиги ўрганилган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: аудит, аудит босқичлари, таҳлилий амаллар, аудитни режалаштириш, моҳияти бўйича амаллар, фаолият узлуксизлиги, хусусий капитал, таҳлил усуллари, омилли таҳлил.

НАПРАВЛЕНИЯ ПРИМЕНЕНИЕ АНАЛИТИЧЕСКИХ ПРОЦЕДУР ПРИ АУДИТЕ СОБСТВЕННОГО КАПИТАЛА

Шеримбетов Инамджан Халилуллаевич

старший преподаватель кафедры аудита

Ташкентский финансовый институт

E-mail: inom23@gmail.com

ORCID:0000-0001-6704-6853

Аннотация

В статье рассмотрены актуальные вопросы применения аналитических процедур в аудите. В частности, рассмотрены особенности применения аналитических процедур на этапах аудиторской проверки в хозяйствующем субъекте, действия, совершаемые аудитором, порядок использования результатов применяемых аналитических процедур, а также вопросы совершенствования их на основе международных стандартов аудита. Также в

статье на основе практических данных с использованием аналитических процедур изучена взаимосвязь собственного капитала с другими показателями субъекта и сформированы соответствующие выводы.

Ключевые слова: аудит, этапы аудита, аналитические процедуры, планирование аудита, процедуры по существу, непрерывность деятельности, собственный капитал, методы анализа, факторный анализ.

DIRECTIONS OF APPLICATION OF ANALYTICAL PROCEDURES IN THE AUDIT OF EQUITY CAPITAL

Sherimbetov Inomjon Khalilullayevich

Senior teacher of "Audit" department

Tashkent institute of Finance

E-mail: inom23@gmail.com

ORCID:0000-0001-6704-6853

Abstract

The article deals with topical issues of analytical procedures application in audit. In particular, it considers the features of analytical procedures application at the stages of audit in an economic entity, actions performed by the auditor, the order of using the results of applied analytical procedures, as well as the issues of their improvement on the basis of international auditing standards. Also in the article on the basis of practical data using analytical procedures the interrelation of equity capital with other indicators of the subject is studied and the relevant conclusions are presented.

Keywords: audit, audit stages, analytical procedures, audit planning, substantive procedures, going concern, equity capital, methods of analysis, factor analysis.

Кириш

Аудиторлик хизматлари бозорида рақобат йилдан-йилга ошиб бормоқда, шу боисдан аудиторлик ташкилоти раҳбаридан аудит хизматларининг нархларни кузатиб бориши ҳамда аудиторлик текшируви учун сарфларни назорат қилиши ва мақбул даражагача келтириши талаб этилади. Мазкур ҳолатда текширув ўтказиш учун меҳнат сарфи даражаси муҳим аҳамият касб этади. Меҳнат сарфи даражасини мақбуллаштириш ва аудиторлик далилларини тўплашда таҳлилий амаллар асосий усуллардан

бири ҳисобланади. Таҳлилий амаллар батафсил тестлашдан кўра аудиторни зарур ҳажмдаги ахборот билан кам харажат эвазига таъминлайди.

Шунингдек, юқорида қайд этганимиз каби аудитнинг асосий мақсадларидан бири тадбиркорлик субъектининг фаолият узлуксизлигини, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш учун захираларни аниқлаш, молиявий ҳолатни яхшилаш учун чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳисобланади. Бунга эса, албатта, тадбиркорлик субъекти фаолиятини чуқур комплекс таҳлил қилиш орқали эришилади.

Таъкидлаш лозимки, таҳлилий амаллар аудиторлик далилларини олишнинг амали муҳим бўлиб, аудитор томонидан қўлланиладиган мураккаб инструмент ҳисобланади. Бизнинг фикримизча, таҳлилий амаллар аудитор томонидан тўпланган молиявий ва номолиявий ахборотлар ўртасидаги эҳтимолий ва кутилаётган алоқадорликлар асосида молиявий ахборотларни баҳолашни ўз ичига олади. Мазкур жараёнда ахборотларни қиёслашдан тортиб, уларнинг ўзаро боғлиқлигидан келиб чиқиб, мураккаб моделлар қўлланилиши мумкин. Ушбу ҳолатларни эътиборга олсак ҳамда аудиторлик текшируви чекланганлиги, хизмат ҳақи буюртмачи билан шартнома асосида олдиндан белгиланганлиги сабабли аудитор имкон қадар энг самарали амалларни белгилашга ҳаракат қилади.

Адабиётлар шарҳи

Аудиторлик текширувларида таҳлилий амалларни қўллаш юзасидан бир қатор чет эл ва маҳаллий олимлар ўзларининг илмий ишларида кўриб чиқишган.

Таҳлилий амаллар молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар ўртасидаги объектив ўзаро алоқаларни ўрганиш асосида молиявий ахборотга баҳо беришни англатади. Таҳлилий амаллар фаолиятга тааллуқли бўлган бошқа маълумотларга зид келадиган ёки кутилган натижалардан сезиларли даражада фарқ қиладиган аниқланган оғишлар ва ўзаро алоқадорларни ўрганишни ҳам камраб олади [1].

Хусусан, маҳаллий олимларимиздан А.Авлоқулов аудиторлик текширувининг асосий мақсади «... холис аудиторлик хулосасини шакллантиришдир. Аудиторлик хулосасини шакллантириш синчковлик билан олиб борилган текширув натижаларига боғлиқ. Мазкур жараёнда таҳлилий амалларни кенг қўллаш мақсадга мувофиқдир. Айнан таҳлилий амаллар аудиторлик далилларининг энг кенг тарқалган ва ишончли усули ҳисобланади»[2], деб таъкидлайди.

И. Чориев «Аудиторлик фаолиятининг сифатини оширишда, унинг

меҳнат ҳамда вақт сиғимини қисқартиришда таҳлилий амаллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Таҳлилий амалларни қўллаш орқали молиявий ҳисоботлардаги “риск зона”ларини аниқлаш асосида аниқланмаслик rischi минималлашади, аудиторлик текширувининг сифати ошади ҳамда харажат сиғими қисқаради»[3], деган хулосага келган.

Чет эллик олимлар, Э.А. Аренс ва Дж.К. Лоббекларнинг фикрича, таҳлилий амаллар «... молиявий ҳамда номолиявий маълумотлар орасидаги эҳтимолий муносабатларни ўрганиш асосида молиявий ахборотни баҳолаш, жумладан молиявий ҳисобот маълумотларини аудитор томонидан аниқланган кутиладиган кўрсаткичлар билан таққослашни англатади»[4].

Р. Хейес Р. Дассен ва бошқалар «Таҳлилий амаллар счётлар қолдиқлари ва муайян кўрсаткичларни тўғрилигини асослаш мақсадида қиёслаш ва боғлиқликда ўрганишни назарда тутаяди. Бундай амаллар аудитор учун вазиятга бир бутун ҳолда қарашга ва келтирилган ахборотлар молиявий мазмунга эгами деган саволга жавоб топишга ёрдам беради» [5], деб қайд этишган.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, хусусий капитал аудитида таҳлилий амалларни аудиторлик текшируви жараёнида қўллаш бўйича олимларда турлича ёндашувлар мавжуд. Бироқ аудиторлик текшируви босқичларида таҳлилий амалларни қўллаш яхлит ҳолда ўрганилмаган, шу нуқтаи назардан ушбу мавзу бўйича тадқиқотлар олиб бориш бугунги куннинг долзарб масаласи ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар

“Таҳлилий амаллар” номли 520-сон аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ, аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллаш талаб этилади. Бизнинг фикримизча, таҳлилий амаллар аудиторлик текширувини кам харажат асосида, натижадорлигини таъминлашга имкон яратади. Таҳлилий амаллардан аксарият ҳолларда аудиторлик текширувининг ишончилигини ошириш мақсадида қуйидаги ҳолатларда, яъни:

- маълумотлар ўртасидаги объектив ўзаро алоқаларни таҳлил қилиш ҳамда аудиторнинг ташкилот ва унинг фаолияти тўғрисидаги фикрини шакллантиришда;
- ҳақиқатдаги кўрсаткичларни қиёслаш имконини берадиган қийматларни прогноз қилишда;
- текширувга тааллуқли бўлган бошқа маълумотларга зид келадиган ёки кутилган натижалардан сезиларли даражада фарқ қиладиган аниқланган оғишлар ва ўзаро алоқаларни ўрганишда фойдаланилади.

Таҳлилий амаллар моҳияти бўйича текширув амаллари таркибига кириши мумкин. Таъкидлаш жоизки, таҳлилий амаллардан фойдаланиш ташкилот ички назорат тизимининг самарали ва ташқи манбалардан олинган ахборотлар ишончли бўлган ҳолларда мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Таҳлилий амалларни қўллашдан мақсад ўринли ва ишончли аудиторлик далилларини олиш, молиявий ҳисоботлар аудиторнинг тадбиркорлик субъекти ҳақидаги тасаввурларига мослиги даражаси хусусида умумий хулосани чиқариш ҳисобланади. Аудиторлик текширувида таҳлилий амаллардан фойдаланиш йўналишлари 1-чизмада келтирилган.

1-чизма.

Таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари*




*Муаллиф ишланмаси.

Аудиторлик текширувида қўлланиладиган таҳлилий амаллар иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлаши, яъни уни қўллашда сарфлардан кўра натижадорлик юқори бўлиши лозим. Таҳлилий амаллардан аудиторлик текширувининг барча босқичларида фойдаланилади, бироқ ҳар бир босқичда унинг ўзига ҳос хусусияти мавжуд (2-чизма).

2- чизма.

Аудит босқичларида таҳлилий амалларни қўллашнинг хусусиятлари*



*Муаллиф ишланмаси.

Демак, аудиторлик текшируви босқичларида аудитор олдида қўйган мақсадидан келиб чиққан ҳолда таҳлилий амаллардан фойдаланиши мумкин. Бизнинг фикримизча, аудитнинг дастлабки босқичи бўлган режалаштириш босқичида таҳлилий амалларни қўллашдан асосий мақсад қуйидагиларда намоён бўлади:

- тадбиркорлик субъекти бизнес жараёнларини тушуниш;
- ҳисобот даврида молиявий ҳисобот кўрсаткичларидаги ўзгаришларни баҳолаш. Агар аудиторлик текшируви биринчи марта ўтказилмаётган бўлса, жорий йил ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари ўтган йил аудит қилинган ахборотлар билан таққосланади;
- текширилиши кутилаётган бўлим бўйича молиявий ҳисоботда юзага келиши мумкин бўлган рисклар даражасини аниқлаш;
- батафсил тестлаш амалини қўллаш кўламини камайтириш. Режалаштириш босқичида таҳлилий амалларни қўллашда ноодатий оғишишлар кузатилмаса, молиявий ҳисоботда муҳим бузиб кўрсатишлар аҳамиятсиз ҳисобланади. Мазкур ҳолатда текширилаётган бўлим бўйича счётлар қолдиқлари ва айланмаларини ўрганиш юзасидан қўллайдиган батафсил тестлаш амалини камайтириш мумкин;
- муҳимлик даражасини баҳолаш мезонларини аниқлаш;
- рискларни баҳолаш ва кутилаётган текширув тўплами ҳажмини режалаштириш;
- моҳияти бўйича амаллар дастурини тузиш.


Аудиторлик далилларини тўплаш босқичида таҳлилий амаллардан фойдаланишдан асосий мақсад унинг натижалари асосида аудит қилинаётган бўлим бўйича қўшимча далилларни тўплаш ҳисобланади. Шунингдек, ушбу босқичда таҳлилий амаллар, асосан, молиявий ҳисобот элементлари,

активлар, мажбуриятлар, хусусий капитал, даромад ва харажатлар тўғрисида тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан билдирилган тасдиқларга доир далиллар тўплашда қўлланилади. Мазкур ҳолатда барча муҳим оғишишларни батафсил текшириш талаб этилади.

Агар аудитор аниқланган оғишиш бўйича тушунтиришларни етарли эмас деб қарор қабул қилса, молиявий ҳисоботни бузиб кўрсатилган деб таснифлаши ҳамда қўшимча тестлашни амалга ошириши керак. Аудиторнинг мазкур босқичда бажарадиган ҳаракатлари 3-чизмада келтирилган.

3-чизма.

Таҳлилий амалларни қўллашда аудиторнинг ҳаракати*



*Муаллиф ишланмаси.

Бизнинг фикримизча, мазкур босқичда аудитор ноодатий оғишишларнинг минимал ва максимал чегарасини норматив-ҳужжатлар,

ички тартиб-қоидалар, муҳимлик даражаси ёки профессионал мулоҳазасидан келиб чиққан ҳолда аниқлаб олиши лозим. Ушбу ҳолат аудиторга кўшимча тестлаш ўтказиши лозим ёки лозим эмаслиги тўғрисида қарор қабул қилишга ёрдам беради. Демак, аниқланган ноодатий оғишишлар молиявий ҳисоботга ва у билан боғлиқ ахборотларга муҳим таъсир қилса, аудитор бухгалтерия ҳисоби хизмати ходимларидан ушбу ҳолат бўйича тушунтиришлар ҳамда ҳужжатларни талаб қилиб олиши лозим.

Аудиторлик текширувининг якуний босқичида таҳлилий амалларни қўллаш орқали тадбиркорлик субъектининг молиявий ҳолати ва фаолият узлуксизлиги ҳамда аниқланган оғишишларнинг муҳимлиги баҳоланади. Бундан шундай хулосага келишимиз мумкинки, аудиторлик текширувининг мақсади фақат молиявий ҳисоботнинг ва у билан боғлиқ ахборотларнинг ишончилиги тўғрисида хулоса билдиришгина эмас, тадбиркорлик субъекти фаолият узлуксизлиги, яъни фараз қилинган келажакда фаолиятини давом эттира олишини ҳам баҳолаш ҳисобланади. Чунки молиявий ҳисобот айнан шу фараз, фаолиятнинг узлуксизлиги асосида тайёрланади. «Молиявий ҳисоботни тақдим этиш» номли 1-сон Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти тадбиркорлик субъекти раҳбарияти тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилиятини баҳолашни талаб қилади. Бунда аудиторнинг вазифаси тадбиркорлик субъекти раҳбарияти томонидан молиявий ҳисоботларни тайёрлашда тадбиркорлик субъекти фаолиятининг узлуксизлиги ҳақидаги фараздан фойдаланишнинг мақбуллиги хусусида етарлича тегишли аудиторлик далилларини олиш ва тадбиркорлик субъектининг ўз фаолиятини узлуксиз давом эттириш қобилияти хусусида муҳим ноаниқлик мавжудлиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқишдан иборат бўлади.

Таъкидлаш лозимки, таҳлилий амалларни қўллашда тадбиркорлик субъектининг молиявий ва номолиявий ахборотлари, ҳисобот маълумотлари, тармоқ кўрсаткичлари, макроиқтисодий кўрсаткичлар кабилар ахборот манбалари бўлиб ҳисобланади.

Бир қарашда ушбу таҳлил усулларини қўллашда тадбиркорлик субъектининг молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили билан аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни бир хил экан, деган фикрга келинади. Бизнинг фикримизча, мазкур ҳолатда таҳлил усулларидан фойдаланиш мақсадига эътибор беришимиз зарур бўлади. Хусусан, аудиторлик текширувида таҳлилий амалларни қўллашда аудиторлик далилларини тўплаш ҳамда ишончли аудит хулосасини шакллантириш ҳисобланади. Молиявий хўжалик фаолияти таҳлилида эса, бошқарув қарорларини қабул

қилиш ҳамда қўшимча резервларни аниқлашга эътибор қаратилади.

Таҳлилий амалларни қўллашда қуйидаги таҳлил усулларидан фойдаланиш мумкин(4-расм):

- горизонтал таҳлил;
- вертикал таҳлил;
- коэффициентлар усули;
- омилли таҳлил;
- тренд таҳлили.

4-чизма.

Аудиторлик текширувида қўлланиладиган таҳлил усуллари*




*Муаллиф ишланмаси.

Қуйида хусусий капитал аудитида таҳлилий амалларни қўллашга доир амалий мисолларни кўриб чиқамиз. Бунда “Ўздонмахсулот” акциядорлик компанияси таркибига кирувчи бир қатор жамиятларнинг молиявий ҳисобот кўрсаткичлари таҳлили бўйича маълумотлар келтирилган. Демак, аудитор хусусий капитал аудитида 8300-“Устав кпитали”, 8400-“Қўшилган капитал”, 8500-“Резерв капитали”, 8600-“Сотиб олинган хусусий акциялар”, 8700-“Тақсимланмаган фойда(қопланмаган зарар)”ни ҳисобга олувчи счётлар йил бошига ва йил охирига қолдиқлари ҳамда мажбуриятларни ҳисобга олувчи счётлар қолдиқлари маълумот манбалари бўлиб хизмат қилади. Қуйидаги 1-диаграммада хусусий капитал таркибий тузилиши таҳлили амалга оширилган.

1-диаграмма.

**«Дунё-М» АЖ хусусий капиталининг таркибий
тузилиши таҳлили, %да***




*Муаллиф ишланмаси.

«Дунё-М» АЖ хусусий капиталининг таркибида энг катта улушни тақсимланмаган фойда эгаллаган бўлиб, унинг миқдори ўртача 52,2 фоизни ташкил этган. Мазкур ҳолатни, албатта, жамият учун ижобий ҳолат деб баҳоласак бўлади. Хусусий капитал таркибида эгаллаган улушига кўра кейинги ўринни устав капитали, резерв капитали, қўшилган капитал ташкил этган. Маълумотлардан кўриниб турибдики, «Дунё-М» АЖ хусусий капиталда ноодатий оғишишлар кузатилмаган, кўрсаткичларнинг ўсиши ёки камайишининг маромийлиги кузатилган.

Худди юқоридаги каби «Ғалла-Алтег» АЖ хусусий капиталининг таркибий тузилиши таҳлил қилинди.

2-диаграмма.

**«Ғалла-Алтег» АЖ хусусий капиталининг таркибий
тузилиши таҳлили, %да**




*oreniinfo.uz корпоратив ахборот ягона портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Таҳлил маълумотларидан кўриниб турибдики, 2018 йил якунида хусусий капитал таркибида катта улушни резерв капитали эгаллаган, унинг миқдори 48,6 %ни ташкил этган, бироқ кейинги ҳисобот йиллар якунида унинг улуши камайган. Бунга асосий сабаб, тақсимланмаган фойда миқдорининг ўсиши ҳисобига, унинг хусусий капиталдаги улуши ошган.

«Дунё-М» АЖ, «Ғалла-Алтег» АЖларда тақсимланмаган фойданинг ўсиши жамият иш фаолиятининг самарадорлигидан далолат беради.

3-диаграмма.

**«Дунё-М» АЖ ҳамда «Ғалла-Алтег» АЖ хусусий капиталининг жами
пассивдаги улуши таҳлили, %да**



*oreniinfo.uz корпоратив ахборот ягона портали маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, «Ғалла-Алтег» АЖ хусусий

капиталининг пассивида тутган улушининг ўсганлигини кўришимиз мумкин. Буни ижобий ҳолат деб баҳоласак бўлади. Чунки жамият ўз маблағлари ҳисобидан активларини молиялаштириш кўрсаткичлари ўсганлигини кўриш мумкин. «ДунёМ» АЖда биз ўрганаётган даврда 2021 йил якунига қадар хусусий капиталнинг жами пассивдаги улуши ошиб борган. Бироқ 2022 йил якунида хусусий капиталнинг жами пассивдаги улуши 20,7 фоизни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бу мутлақ миқдорда ўтган ҳисобот даврига нисбатан 20,7 фоизга камайган. Юқоридаги диаграммада жамият хусусий капиталининг ўсганлигини кузатишимиз мумкин. Бироқ, 2022 йил 31 декабрь ҳолатига жамиятнинг жорий мажбуриятлари ўсганлиги муносабати билан хусусий капиталнинг улуши жами пассивда камайган. Мазкур ҳолат аудиторнинг эътиборини жалб этиши лозим. Чунки ноодатий оғишиш юзага келган, бунда аудитор қўшимча аудит амаллари асосида далиллар тўплаши лозим.

Шунингдек, аудиторлик текширувида омилли таҳлилдан ҳам фойдаланилади. Қуйида хусусий капитал рентабеллигининг омилли таҳлилини кўриб чиқамиз (1-жадвал).

1-жадвал.

**«Дунё-М» АЖ хусусий капитал рентабеллиги
омилли таҳлили***

Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	Фарқи (+,-)
	Минг сўмда		
Тушум	303 216 133	472 189 955	168 973 822
Соф фойда	15 994 222	21 174 694	5 180 472
Активлар ҳисобот даври бошига	322 638 590	264 217 897	- 58 420 693
Активлар ҳисобот даври охирига	264 217 897	482 998 531	218 780 634
Хусусий капитал ҳисобот даври бошига	105 650 140	109 277 893	3 627 753
Хусусий капитал ҳисобот даври охирига	109 277 893	99 953 404	-9 324 489
Хусусий капитал рентабеллигининг омилли таҳлили			
Хусусий капитал рентабеллиги %	14,88	20,24	5,36
Сотиш рентабеллиги %	5,27	4,48	-0,79
Активларнинг айланиш коэффициенти, бирлик.	1,03	1,26	0,23
Хусусий капитал мультипликатори, бирлик.	2,73	3,57	0,84
Омиллар таъсири			
Сотиш рентабеллиги %		-2,23	
Активларни айланиш коэффициенти, бирлик.		2,82	
Хусусий капитал мультипликатори, бирлик.		4,77	
Омилларнинг умумий таъсири		5,36	

*openinfo.uz корпоратив ахборот ягона портали маълумотлари асосида муаллиф

томонидан тайёрланди.

Жадвал маълумотларига таянадиган бўлсак, хусусий капитал рентабеллигига учта омил таъсири кўриб чиқилган. Хусусан, сотиш рентабеллиги, активларнинг айланиш коэффиценти ҳамда хусусий капитал мультипликатори. Хусусий капитал рентабеллиги 2022 йил якунида 5,36 %га ўсган. Хусусий капитал рентабеллиги ўсишида асосий улушни хусусий капитал мультипликатор коэффиценти таъсири 4,77 ни ташкил этган. Бунинг маъноси шундаки, жамият активлари унинг хусусий капиталидан 4,77 марта кўплигидан далолат беради. Бу кўрсаткич юқори чиқишининг яна бир маъноси шундаки, жамият капитални жалб қилиш қобилиятига таъсир кўрсатиши мумкин. Инвестор ва кредиторлар учун бу юқори риск сифатида намоён бўлиши ва молиялаштиришга камроқ эътибор қаратишлари мумкин.

Шунингдек, хусусий капитал рентабеллиги ўсишига қисман улушни активларнинг айланиш коэффиценти 2,82 ни ташкил этган. Сотиш рентабеллиги хусусий капитал рентабеллигига ўсишига салбий таъсир этган. Умуман олганда хусусий капитал рентабеллигининг ўсишини ижобий баҳоласак бўлади.

Хулоса

1. Аудиторлик текширувида таҳлилий амаллар аудиторларнинг иш самарадорлигининг ошишига ҳамда иш сифатини лозим даражада таъминлашга хизмат қилади. Аудиторлар аудит жараёнида қўлланиладиган амалларни профессионал мулоҳазасидан келиб чиққан ҳолда мустақил равишда белгилайди. Бунда асосий эътибор қўлланилаётган амаллар текширилаётган аудит объекти бўйича етарли ва ишончли далил тўплашга имкон беришга қаратилади. Хулоса қилиб айтганда, танланган таҳлилий амаллар тури ва у таъминлай оладиган аниқлик ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд. Умуман олганда, қўлланиладиган таҳлилий амаллар қанчалик аниқ бўлса, ушбу амаллар олинган ахборотларнинг ишончилиги шунчалик юқори бўлади.

2. Рискка асосланган аудит ёндашувида таҳлилий амаллар муҳим роль ўйнайди. Тўғри ёндашув асосида ишлаб чиқилган ва бажарилган таҳлилий амаллар аудиторга бошқа батафсил аудит амалларини қисқартириш ёки алмаштириш орқали аудит мақсадларига янада самарали эришиш имконини беради.

3. Таҳлилий амалларнинг самарадорлиги аудиторнинг тадбиркорлик субъекти бизнес-муҳитини тушунишига ва профессионал мулоҳазалар асосида фойдаланишига боғлиқ. Шунинг учун таҳлилий амаллар аудит гуруҳининг юқори малакага эга аъзолари томонидан бажарилиши ёки кўриб

чиқилиши керак.

4. Ўрнатилган тартибда ишлаб чиқилган ва бажарилган таҳлилий амалларнинг натижалари асосида чиқарилган хулосалар молиявий ҳисоботнинг айрим таркибий қисмлари ёки элементлари аудити жараёнида чиқарилган хулосаларни тасдиқлаш имконини беради. Бу аудиторга аудиторлик фикри учун асос қилиб олиш мумкин бўлган тегишли хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

5. Аудитида таҳлилий амалларни қўллаш орқали хусусий капитал миқдори тўғрисидаги ахборотлар ишончли шаклланганлиги тўғрисида маълумот тақдим этиш имконини беради ҳамда тадбиркорлик субъекти фаолиятига етарлилиги баҳоланади. Мазкур маълумотлар асосида акциядорлар умумий йиғилишида жамият фаолиятини ривожлантиришга оид қарорлар қабул қилиши мумкин.

6. Хусусий капитал рентабеллигига таъсир этувчи омилларни баҳолашда сотиш рентабеллиги, активларнинг айланиш коэффициенти, хусусий капитал мультипликатори кўрсаткичлари таҳлил қилинади. Сотиш рентабеллиги соф фойдани маҳсулот сотишдан олинган тушумга нисбати, активларнинг айланиш коэффициенти соф фойдани активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига нисбати, хусусий капитал мультипликатори активларнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматини хусусий капиталнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига нисбати сифатида аниқланади. Мазкур ҳолатда хусусий капитал мультипликаторининг ўсиши жамиятнинг активларига бўлган инвестиция унинг акциядорларининг инвестицияларига нисбатан ўсиб бораётганидан далolat беради. Умумий хулоса сифатида хусусий капиталнинг рентабеллиги сотиш рентабеллиги ҳамда активларнинг айланиш коэффициентининг ўсиши ҳисобига ошса, мақсадга мувофиқ бўлади деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар

1. The International Standard of Audit (ISA) 520 “Analytical procedures”. www.iasplus.com
2. Авлокулов А.З. Аудитнинг халқаро стандартлари асосида таҳлилий амалларни қўллашни такомиллаштириш // Иқтисодиёт ва таълим. 2020 № 6. – Б. 234.
3. Чориев И.Х. Молиявий ҳисоботлардаги хатоликларни аниқлашда таҳлилий амаллардан фойдаланишнинг услубий жиҳатлари / Scientific Journal of “International Finance & Accounting” Issue 1, February 2023. ISSN: 2181-1016.

4. Аренс Э.А., Лоббек Дж.К. Аудит / пер. с англ. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 235 с.

5. Rick Hayes, Roger Dassen, Arnold Schilder, Philip Wallage, «PRINCIPLES OF AUDITING» Second edition published by Pearson Education Limited 2005. – P. 318.

БЮДЖЕТ ТАШКИЛОТЛАРИДА МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР ҲИСОБИНИНГ НАЗАРИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Калонов Шохижахон Нормахмад ўгли

*Олий таълимни ривожлантириш
тадқиқотлари маркази*

E-mail: shoxjoxonkolonov19942702@gmail.com

ORCID: 0009-0007-6636-7293

Аннотация

Мазкур мақолада бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобининг айрим назарий жиҳатлари ўрганилган ҳамда молиявий манбалари атрофлича таснифланган. Жумладан, молиявий натижаларга нисбатан хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимлар ҳамда мутахассислар томонидан берилган таърифлар қиёсий таҳлил қилинган, бюджет ташкилотлари молиявий маблағларининг манбалари ва молиявий натижаларнинг элементлари назарий жиҳатдан ўрганилиб бюджет ташкилотларида молиявий натижаларни илмий аҳамиятини ошириш юзасидан тегишли тавсия ва хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: бюджет ташкилотлари, молиявий натижалар, молиявий натижалар ҳисоби, халқаро молиявий ҳисобот, бюджет маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ УЧЕТА ФИНАНСОВЫХ РЕЗУЛЬТАТОВ В БЮДЖЕТНЫХ ОРГАНИЗАЦИЯХ

Калонов Шохижахон Нормахмад оглы

*Центр исследований развития
высшего образования*

E-mail: shoxjoxonkolonov19942702@gmail.com

ORCID: 0009-0007-6636-7293

Аннотация

В статье изучены некоторые теоретические аспекты учета финансовых результатов в бюджетных организациях и подробно классифицированы источники финансирования. В частности, проанализирована определения к финансовым результатам сформированные зарубежными и отечественными экономистами и специалистами, теоретически изучены источники

финансовых ресурсов бюджетных организаций и элементы финансовых результатов, а также сформулированы соответствующие рекомендации и выводы относительно повышения научной значимости финансовых результатов в бюджетных организациях.

Ключевые слова: бюджетные организации, финансовые результаты, учет финансовых результатов, международная финансовая отчетность, бюджетные средства, внебюджетные фонды.

THEORETICAL ASPECTS OF ACCOUNTING OF FINANCIAL RESULTS IN BUDGET ORGANIZATIONS

Kalonov Shokhizhakhan Normahmad ogly

Center for Higher Education

Development Research

mail: shoxjoxonkolonov19942702@gmail.com

ORCID: 0009-0007-6636-7293

Abstract

In this article, some theoretical aspects of accounting of financial results in budgetary organizations are studied and financial sources are classified in detail. In particular, the definitions given by foreign and local economists and specialists regarding financial results were comparatively analyzed, the sources of financial resources of budget organizations and the elements of financial results were theoretically studied, and appropriate recommendations and conclusions were formed regarding increasing the scientific significance of financial results in budget organizations.

Keywords: budgetary organizations, financial results, accounting of financial results, international financial reporting, budgetary funds, extra-budgetary funds.

Кириш

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фаолияти фойда олишга қаратилади. Бюджет ташкилотлари ҳам бундан мустасно эмас, бироқ барча бюджет ташкилотлари фаолияти ҳам фойда олишга қаратилмайди. Шунга қарамадан, барча бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисоби ва натижаларини юритиш муҳим ҳисобланади.

Дастлаб шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда тижорат ташкилотлари сингари бюджет ташкилотлари олдида ҳам иқтисодий

самарага эришиш муҳим масалалардан ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтириш, иқтисодий тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш” [1] каби устувор вазифа белгиланган. Ушбу вазифанинг самарали ижросини таъминлашда айти пайтда мамлакатимиз олий таълим муассасаларида қуёш панелларининг ўрнатилиши ва бу борада қутилаётган иқтисодий натижаларни алоҳида таъкидлаш лозим.

Ушбу мақолада бюджет ташкилотлари фаолиятини амалга оширишда молиявий натижалар юритишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини, шунингдек, амалиётдаги ҳолатини назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қиламиз.

Дастлаб “бюджет ташкилоти”, “молиявий натижалар”, “бюджет ташкилотлари даромад ва харажатлари” каби иқтисодий терминларнинг моҳиятини ушбу йўналишда илмий тадқиқот ишларини амалга оширган иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг илмий асарлари ва тадқиқотларида келтирилган фикрлар ва ёндошувларни қиёсий ўрганиш асосида тегишли ишланмаларни шакллантиришга ҳаракат қиламиз.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий адабиётлар ва онлайн иқтисодий манбаларда бюджет ташкилоти – давлат ёки тегишли муниципал таркибий тузилмалар томонидан мазкур субъектларнинг қонунларида назарда тутилган ваколатларни амалга оширишни таъминлаш учун ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш учун ташкил этилган нотижорат ташкилотидир, – дея таърифланади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига, шунингдек, бюджет ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий натижалар бўйича амалда бўлган меъёрий ҳужжатларда “бюджет ташкилоти” термини моҳиятига иқтисодий жиҳатдан берилган таърифни топишнинг имкони бўлмади.

Молиявий натижалар хусусида сўз юритганда, бу ҳақда иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг фикр-мулоҳазаларига эътибор қаратиш муҳим ҳисобланади, чунки уларнинг бу ҳақдаги таърифлари кўпчилик ҳолатда бир-бирдан айрим жиҳатлари билан фарқ қилади. Шу боисдан мақоламизда хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг молиявий натижалар хусусидаги илмий ёндошувлари ва назарий қарашларини атрофлича қиёсий ўрганамиз

хамда тегишли хулосаларни шакллантираамиз.

Буюк Британиялик Ж. Хиксинг фикрича, молиявий натижа “... ҳисобот даврида капиталнинг ўсишидир. Зарар шунга мувофиқ капиталнинг камайишидир” [2]. Австралиялик Й. Шумпетер “Молиявий натижа фирма тушуми ва харажати ўртасидаги тафовут”дир дея молиявий натижаларнинг иқтисодий мазмунини очишга ҳаракат қилган [3]. АҚШнинг таниқли иқтисодчиси И. Фишер “Молиявий натижа даромадлилик ўзгариши ҳисобига ҳисобот давридаги активларни баҳолаш мобайнидаги ўсишдир” деган иқтисодий таърифни илгани суради [4]. Германиялик В. Ригер “Молиявий натижа – бу бутун фаолият мобайнида жамланган маблағлар билан корхона таъсис этилган вақтдаги маблағлар ўртасидаги тафовутдир” [5] деб, унинг мазмунини очиб беришга ҳаракат қилган.

Юқорида ривожланган мамлакатлар иқтисодчи олимларининг молиявий натижаларнинг иқтисодий мазмунига берган таърифларига жиддий эътибор берадиган бўлсак, улар томонидан берилган таърифлар қатор мунозарали ҳолатлардан ҳоли эмаслигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин. Хусусан, молиявий натижалар қандай қийматда акс эттирилиши, қайси муддатларга тайёрланиши, айримларида корxonанинг айнан қандай маблағларининг ўсиши мавҳумлиги ва бошқа шу кабилар шулар жумласидандир.

Тадқиқот объектини россиялик иқтисодчи олимлар томонидан молиявий натижаларнинг иқтисодий мазмунига берилган таърифларига қаратамиз.

Иқтисодчи олимлар А.Я. Соколов, М.Л. Пятовларнинг фикрларига кўра, молиявий натижа “... хўжалик юритувчи субъектнинг даромад ва харажатлари ўртасидаги фарқ ёки соф активларнинг ўсишидир” [6]. Бизнинг назаримизда, олимларнинг молиявий натижаларга берилган таърифда айрим мулоҳазали ҳолат мавжуд бўлиб, унда муаллифлар фойда ёки зарар хусусидаги фикрларни, шунингдек, молиявий натижалар маълум даврга тайёрланишини таъкидлашмаган. Чунки молиявий натижаларнинг асосий мақсади хўжалик субъектининг маълум даврдаги молиявий фаолиятининг натижаси бўлиб, ушбу молиявий натижа фойда ёки зарар сифатида тегишли ҳисоботларда ўз аксини топади.

Г.Р. Вагазова ва Е.С. Лукьянованинг таъкидлашича, молиявий натижа “... корхоналар ишлаб чиқариши, молиявий ва инвестицион фаолиятининг самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлардир” [7]. Бир жиҳатдан ушбу таъриф молиявий натижанинг иқтисодий мазмунини маълум даражада очиб берган бўлса-да, унда асосий урғу фақат инвестицияларга берилган. Бундан

ташқари, молиявий натижаларнинг даврийлиги ҳам муаллифларнинг эътиборидан четда қолган.

Е.П. Козлова ва бошқалар томонидан тайёрланган ўқув адабиётида молиявий натижаларга “... корхона фаолиятининг молиявий натижаларини ифодаловчи пировард кўрсаткич баланс (ялпи) фойда ёки зарар ҳисобланади” [8] мазмундаги иқтисодий таъриф берилган, Таъкидлаш жоизки, ушбу таъриф ҳам қатор мулоҳазали ҳолатлардан ҳоли эмас.

Ўзбекистонлик иқтисодчилардан И.С. Мусахонзода “Молиявий натижалар – маълум даврга фаолият натижасида олинган даромад ва харажатларни солиштириш ҳамда хусусий капитал ўзгариш миқдорини ифодаловчи қийматнинг пул эквивалентидаги абсолют натижасидир” [9] мазмунда анчагина аниқ ва соддароқ таърифни беришга муваффақ бўлган, бироқ ушбу таърифда ҳам даромад ва харажатни солиштириш натижаси фойда ёки зарар бўлиши мумкинлиги ҳақидаги иқтисодий категориялар эътибордан четда қолган.

Таҳлил ва натижалар

Бюджет ташкилотларида молиявий ҳисоботнинг асосий мақсади бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ундан фойдаланишдир, чунки кейинги йилларда бюджет ташкилотлари нафақат давлат бюджети маблағлари ҳисобидан, балки тижорат асосида ҳам катта миқдорда молиявий маблағларни жалб қилмоқда. Масалан, Ўзбекистондаги айрим давлат олий таълим муассасалари молиявий маблағларининг 95-98 фоизи талабалар билан тузилган контракт маблағлари ҳисобидан жалб этилмоқда. Бу, албатта, мазкур олий таълим муассасаларининг молиявий ҳолати, фаолияти ва пул оқими тўғрисида тўлиқ, тўғри ва холис маълумотларни тақдим этиш имкониятини берадиган молиявий ҳисоботларни шаффоф ва тўлиқ юритишни талаб этади. Бундан ташқари, олий таълим муассасалари хориж ҳамкорлари билан қўшма таълим ва иккидипломли ўқитиш жараёнларини йўлга қўймоқда, Айнан шу жараёнлар ҳам молиявий ҳисоботларни халқаро молиявий ҳисобот стандартларига (кейинги ўринларда – МҲХМ) мувофиқ равишда тақдим этиш заруратига дуч келмоқдалар. МҲХМдан фойдаланиш молиявий ҳисоботнинг шаффофлигини таъминлайди, олий таълим муассасасининг молиявий ҳолати ва фаолиятининг тўғрилигини кўрсатади.


Бюджет ташкилотлари молиявий натижалари хусусида сўз юритганда, даставвал уларнинг маблағлари манбаларини кўриб чиқишимиз муҳим ҳисобланади.

Қуйидаги чизмада бюджет ташкилотлари молиявий манбалари ва

уларни гуруҳланиши келтирилган.

1-чизма.

Бюджет ташкилотлари молиявий маблағлари манбалари ва уларнинг гуруҳланиши*



*Муаллиф ишланмаси.

Чизма маълумотларидан кўриниб турибдики, бюджет ташкилотининг молиявий маблағларининг манбалари иккита йирик гуруҳдан ташкил топган бўлиб, уларнинг асосийси ташкилотга давлат бюджетдан ажратилган маблағлари ҳисобланади. Бюджетдан ажратилган маблағлар ҳам ўз навбатида тасдиқланган бюджет маблағлари ва қўшимча бюджет маблағларидан ташкил топади.

Чизмада бюджетдан ажратилган маблағлар ҳам йирик иккита гуруҳдан ташкил топган бўлиб, ўз навбатида, бюджетдан ташқари маблағлар ва қўшимча бюджетдан маблағлар бир неча манбаларга бўлиниб, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг манбалари бюджетдан ажратилаётган маблағларнинг манбаларидан бир неча баробар кўпроқдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида молиявий натижалар ҳисоботи бухгалтерия ҳисобининг “ҳисоблаш” тамойили асосида юритилади. Шу боис ҳам айрим ҳолатларда бюджет ташкилотлари даромад ва харажатлари амалий жиҳатдан дастлабки ҳисоблаш тамойили асосида акс эттирилган натижаларга мос келмаслиги мумкин.

Хўжалик юритувчи субъектлар, шу жумладан, тижорат фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилган бюджет ташкилотлари бухгалтерия ҳисобини даромад ва харажатларни ҳисоблаш методи асосида амалга оширади. Бухгалтерия ҳисобида ҳисоблаш методининг касса методидан фарқи шундаки, ушбу методда барча даромад ва харажатлар операциялар содир бўлган куннинг ўзида бухгалтерия ҳисобида акс эттирилади. Масалан, олий таълим муассасаси журнал ва газеталарга йиллик обуна суммаси ҳисобот йилининг бошида тегишли “Жорий йил учун обуна учун ҳисобланган


харажатлар суммаси” ҳисобварағида акс эттирилади ва бир йўла ушбу сумма муассасанинг харажатлар ҳисобидан чиқим қилинади. Ушбу сумма тегишли нашриёт ва таҳририятлар билан тузилган шартнома асосида белгиланган муддатда муассасанинг ҳисобварағидан ўтказиб берилади. Айрим сабабларга кўра маълум журналлар йил давомида олинмаганда ёки нархлари ўзгарганда харажатлар суммаси камайиши ёки ортиши мумкин.

Демак, молиявий натижалар ҳисоботи хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек, бюджет ташкилотларининг маълум молиявий ҳисобот даврида қандай фаолият юритганлигини белгиловчи ҳужжат бўлиб, унинг натижаси фойда ёки зарар кўринишда акс эттирилади.

Молиявий натижалар ҳисоботида асосан тўртта элемент муҳим ўрин эгаллаб, улар қуйидаги чизмада келтирилган.

2-чизма.

Молиявий натижалар ҳисоботининг элементлари*



* Муаллиф ишланмаси.

Чизмада келтирилган даромад – бу ўсиш, харажат – бу иқтисодий фойданинг камайиши. Ташқаридан активларни олиш ёки тасарруф этиш, шунингдек, бюджет олдидаги мажбуриятларни қайтариш ёки бюджет маблағларини олиш, учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлар ташкилотнинг капиталида маълум ўзгаришларга олиб келади.

Бухгалтерия ҳисоби учун даромад қуйидаги шартлар бажарилганда, яъни:

-ташкилот шартномаларнинг аниқ шартларидан келиб чиқадиган ушбу даромадларни олиш ҳуқуқига эга бўлганда;

-даромад миқдори аниқланиши мумкин бўлганда;

-аниқ бир иқтисодий факт натижасида фойдани ошириш имконияти мавжуд бўлганда;

-маҳсулот-товар ёки кўрсатилган хизматларга эгалик ҳуқуқи ташкилот-сотувчидан харидорга ўтганда;

-муайян даромад олиш билан боғлиқ харажатлар аниқ белгиланиши мумкин бўлганда, даромад тан олинади.

Бухгалтерия ҳисоби учун харажатлар қуйидаги шартлар бажарилганда, яъни:

-амалдаги қонун ҳужжатлари асосан харажат жорий талабларга мувофиқ тузилган аниқ шартномага мувофиқ амалга оширилган ва юридик кучга эга бўлганда;

-харажат миқдори аниқланиши мумкин бўлганда;

-аниқ бир иқтисодий факт натижасида ташкилотнинг иқтисодий фойдасининг пасайиши юз бериши мумкин бўлган ҳолларда тан олинади.

Ташкилот томонидан қилинган ҳар қандай харажатлар ҳеч бўлмаганда санаб ўтилган шартлардан бирига мос келса, ташкилотнинг дебиторлик қарзлари бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс этирилади.

Умумий даромад ва умумий харажатлар ўртасидаги фарқ молиявий фойда ёки зарар кўрсаткичи билан белгиланади ва ташкилот фаолиятининг маълум ҳисобот давридаги натижаси ҳисобланади.

Хўжалик юритувчи субъектлар, шунингдек бюджет ташкилотлари молиявий натижаларининг ҳисоботлари профессор А. Авлоқулов томонидан чуқур тадқиқ этилган. Олим молиявий натижалар ҳисоботи фойдаланувчилар учун муҳим манба эканлигини эътироф этган ҳолда, молиявий натижалар кўрсаткичлари учта асосий, яъни статик, динамик ва органик назариялардан иборат эканлигини таъкидлайди [10].

Статик назариянинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектларнинг мулк қиймати ва молиявий мустақиллик коэффициентини аниқлашга хизмат қилади. Динамик назария эса рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашда қулланилади. Органик назария эса статик ва динамик назариялар ўртасида вужудга келиши мумкин бўлган мулоҳазали ва зиддиятли ҳолатларни бартараф этишда қулланилади.

Хулоса

Бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобининг талқинини қиёсий ўрганиш натижасида қуйидаги асосий хулосалар шакллантирилди:

-бюджет ташкилотларда иқтисодий жараёнларни макро ва микро даражада самарали бошқаришда кўп жиҳатдан молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади, хусусан, бюджет ташкилотлари нафақат давлат бюджети маблағлари билан кифояланиши, балки ўзлари ҳам қўшимча молиявий манбаларни излаб топиши лозим;

-молиявий ҳисоб натижаларининг иқтисодий мазмунига хориж ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан берилган таърифлар ягона

ёндошувга эга эмас, бунинг асосий сабаби молиявий ҳисоб натижаларга берилган таърифлар турли макон ва замонда берилганлигидир;

-хўжалик юритувчи субъектларда, шу жумладан, бюджет ташкилотларида молиявий натижанинг иқтисодий талқини, яъни капиталнинг ўзгариши ёки пул маблағларининг ўзгариши сифатида қаралиши мумкин;

-молиявий натижалар ҳисоботида хўжалик юритувчи субъектларнинг маълум молиявий даврдаги даромад ва харажатлари ҳамда фойда ёки зарарининг натижалари акс эттирилади;

-молиявий натижалар ҳисоботида хўжалик юритувчи субъектларнинг даромад ва харажатлари уч гуруҳга бўлинади. Улар – операцион; операцион бўлмаган ва молиявий ёки фоизли даромад ва харажатлардир.

Умуман олганда, бюджет ташкилотларида молиявий натижалар ҳисобининг айрим назарий жиҳатларини қиёсий ўрганиш асосида тегишли тавсиялар ва хулосаларни ишлаб чиқилиши мамлакатимизда фаолият юритаётган бюджет ташкилотларини, хусусан олий таълим муассасаларини халқаро даражада ҳамкорлик муносабатларини ва хорижий инвестицияларни жалб имкониятларини юқори пағонага кўтаришга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони. // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.

2. Хикс Д.Р Стоимость и капитал. – М.: Прогресс, 1993. – 487 с.

3. Шумпетер Й. Теория экономического развития (исследование предпринимательской прибыли, капитала, кредита, процента и цикла конъюнктуры). – М.: Прогресс, 1982. – 455 с.

4. Fisher I. The nature of capital and income. New York: Macmillan, 1930.

29. Walton P., Haller A., Raffourner B. International Accounting. London: Thomson, 2003. 430 p.

5. Соколов Я.В., Соколов В.Я. История бухгалтерского учета. – М.: Магистр, 2011. –287 с.

6. Соколов Я.В., Пятов М.Л. Бухгалтерский учет. – М.: 2000 – №21 – С. 56-59.

7. Вагазова Г. Р., Лукьянова Е. С. Сущность финансовых результатов деятельности предприятия // Молодой ученый. – 2015. – №11.3. – С. 13-15

8. Козлова Е.П. Бухгалтерский учет / Е.П. Козлова, Н.В. Парашутин, Т.Н. Бабченко, и др. – М.: Финансы и статистика, 2015. – 464 с.

9. Мусахонзода И.С. Корхоналар молиявий натижаларини бошқариш

тизимини такомиллаштириш. и.ф.фал. фан. док. (PhD) дисс. авт. – Т.: 2020. – 28 б.

10. Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. Иқтисод фан. док. дисс. авторефер. – Тошкент: ТМИ, 2019. – 72 б.

11. Хажимуратов Н.Ш. Молиявий ҳисобот аудити: назария, методология ва амалиёт. Монография. – Тошкент: Impress media, 2021. – 236 б.

12. Бычкова С.М. Аудиторская деятельность. теория и практика. – СПб.: Лан, 2000. – 320 с.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИДА БАҲОЛАНГАН ҚИЙМАТЛАР ТЎҒРИЛИГИНИ АНИҚЛАШ

Очилов Фарходжон Шавкатжон ўғли



*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)*

аудит кафедраси доценти

Тошкент молия институти

E-mail: ochilovfarhod094@gmail.com

ORCID: 0000-0003-2945-5968

Аннотация

Аудиторлик текширувида молиявий ҳисобот ахборотларини ўрганиш ва таҳлил қилишда баҳоланган қийматларнинг тўғрилигини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. Мазкур мақолада молиявий ҳисобот ва аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ баҳоланган қийматларнинг молиявий ҳисоботларни тузиш ва тайёрлашга таъсири тадқиқ қилинган. Шунингдек баҳоланган қийматларни тўғри ва ҳаққонийлигини тасдиқлаш мақсадида далилларни тўплаш, ички назорат ва бухгалтерия ҳисоби тизимини баҳолаш, таҳлилий амалларни қўллаш йўналишлари ёритиб берилган.

Калит сўзлар: баҳоланган қиймат, баҳоланган мажбуриятлар, таҳлилий амаллар, аудиторлик далиллар, профессионал скептизм, реструктуризация, гудвилл, молиявий актив, молиявий мажбурият, ҳаққоний қиймат, кафолат бўйича мажбуриятлар, модификацияланган аудиторлик хулосаси.

ОПРЕДЕЛЕНИЕ ПРАВИЛЬНОСТИ ОЦЕНОЧНЫХ ЗНАЧЕНИЙ ПРИ АУДИТОРСКИХ ПРОВЕРКАХ

Очилов Фархаджан Шавкатджан оглы

доктор философии (Rhd)

по экономическим наукам

доцент кафедры аудита

Ташкентский финансовый институт

Email: ochilovfarhod094@gmail.com

ORCID: 0000-0003-2945-5968

Аннотация

Важно в ходе аудита определить правильность оценочных значений при

анализе данных финансовой отчетности. В данной статье рассматривается влияние на подготовку и составление финансовой отчетности оценочных значений в соответствии с международными стандартами финансовой отчетности и аудита. Также для подтверждения правильности и объективности оценочных значений определены направления сбора доказательств, оценки системы внутреннего контроля и бухгалтерского учета, применения аналитических процедур.

Ключевые слова: оценочное значение, оценочное обязательство, аналитическая процедура, аудиторское доказательство, профессиональный скептицизм, реструктуризация, гудвилл, финансовый актив, финансовое обязательство, объективная стоимость, гарантийное обязательство, модифицированное аудиторское заключение.

DIRECTIONS FOR DETERMINING THE CORRECTNESS OF ACCOUNTING ESTIMATES IN AUDITS

Ochilov Farxodjon Shavkatjon ugli

*Doctor of Philosophy (RhD)
in Economic Sciences
Associate professor of the
Department of Audit
Tashkent Institute of Finance
Email: ochilovfarhod094@gmail.com
ORCID: 0000-0003-2945-5968*

Abstract

The audit of estimated values is of great importance in the study and analysis of financial reporting information during the audit. This article examines the impact of values assessed in accordance with international standards of financial reporting and auditing on the preparation and preparation of financial statements. Also, directions for collecting evidence, evaluating the internal control and accounting system, and applying analytical procedures in order to confirm the correctness and truthfulness of the estimated values are explained.

Keywords: accounting estimates, provisions, analytical procedures, audit evidence, professional skepticism, restructuring, goodwill, financial asset, financial liability, fair value, warranty liabilities, modified audit report.

Кириш

Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини тасдиқлаш аудиторлик текширувларини

Ўтказиш орқали амалга оширилади. Молиявий ҳисоботларнинг ишончлилиги манфаатдор томонларнинг оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишида муҳим аҳамият касб этади. Бироқ фойдаланувчиларга тақдим этиладиган молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигига жиддий таъсир этувчи жиҳатлар мавжуд. Мазкур жиҳатлар тоифасига хўжалик юриутувчи субъектлар раҳбарияти томонидан активлар ва мажбуриятларни бухгалтерия ҳисобида юритишда баҳоланган қийматлардан фойдаланишини киритиш мумкин.

Баҳоланган қийматлар ҳаққоний қийматдан фарқли ўлароқ, хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан мустақил равишда белгиланган қиймат ҳисобланади. Ушбу қийматнинг қай даражада тўғри белгиланганлиги аудиторлик текширувларида аниқланиши зарур. Зеро баҳоланган қийматларнинг нотўғри белгиланиши молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатиш ҳолатлари ва ажратиб бўлмайдиган рискнинг ошишига ҳамда ишончсиз аудиторлик хулосаларининг тузилишига олиб келиши мумкин. Шу боисдан мазкур мақолада аудиторлик текширувларида активлар ва мажбуриятлар бўйича баҳоланган қийматларнинг тўғри белгиланишини текшириш йўналишларига эътибор қаратилади.

Адабиётлар шарҳи

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва иқтисодчи олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларда аудиторлик текширувларида баҳоланган қийматларнинг тўғрилигини аниқлаш масалалари ёритилган.

“Баҳоланган қийматлар аудити ва унга доир ахборотларни очиб бериш” номли 540-сон АХСга биноан, баҳоланган қиймат “ ... ҳисоб-китоб усули аниқ бўлмаганда молиявий ҳисобот элементининг пул кўринишида ҳаққоний қийматга яқинроқ бўлган қийматдир” [1].

А.И. Кочергина, Г.А. Юдина, М.И. Юдиналарнинг таъкидлашича, аудиторлик текширувларида “ ... баҳоланган қийматлар бўйича фарқли жиҳатлар аниқланса, мазкур ҳолатларнинг молиявий ҳисоботнинг ишончлилигига таъсири баҳоланиши керак. Агарда баҳоланган қийматлар бўйича фарқли жиҳатлар муҳим деб топилса, у ҳолда модификацияланган аудиторлик хулосаси тузилиши керак” [2].

Ф.Ш. Очиловнинг тадқиқотларида аудитнинг мазкур объекти хусусида куйидаги фикрлар билдирилган: “баҳоланган мажбурият миқдори хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг мавжуд фактлари, шунга ўхшаш мажбуриятларни бажариш тажрибаси, шунингдек, агар, лозим бўлса, экспертларнинг фикрлари асосида белгиланади. Хўжалик юритувчи субъект бундай баҳоланишнинг асослилигини тасдиқловчи ҳужжатли далилларни

тақдим этади” [3].

И.Н. Мавлинанинг таъкидлашича, бухгалтерия ҳисобида “ ... баҳоланган қийматларнинг тўғрилигини текшириш аудит технологияси ривожланишининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки баҳоланган қийматларни текширишда молиявий ҳисоботнинг бошқа элементларига қараганда далил тўплаш мураккаб ҳисобланади” [4].

Хорватиялик иқтисодчи олимлар “баҳоланган қийматни белгилаш мураккаб ҳисобланади. Чунки мазкур қиймат бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларида белгиланган қийматлардан фарқ қилиб, компания раҳбарияти томонидан мустақил белгилашни талаб этади”, деган хулосага келишган [5].

АҚШлик иқтисодчи олим М.Минутти-Мезанинг фикрича, аудиторлик текширувларида “... ҳисоб сиёсатида баҳоланган қийматни белгилаш бўйича усуларнинг мавжудлигига эътибор қаратиш зарур. Агарда компания томонидан тузилган ҳисоботларда баҳоланган қийматлар асоссиз раившда белгиланган бўлса, аудиторлик rischi ортиб кетиши мумкин” [6].

Бироқ юқорида билдирилган фикрларда баҳоланган қийматларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи омиллар, аудиторлик текширувларида уларнинг тўғрилигини аниқлаш ва уларнинг фаолият узлуксизлигига таъсири етарли даражада ўрганилмаган.

Таҳлил ва натижалар

Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларида баҳоланган қийматни аудитор томонидан текшириш “Баҳоланган қийматлар аудити ва унга доир ахборотларни очиб бериш” номли 540-сон аудитнинг халқаро стандартига мувофиқ амалга оширилади. Хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий ҳисоботларини тузишдаги мураккаб жиҳатларни ҳисобга олган ҳолда, аудиторлар баҳоланган қиймат билан боғлиқ молиявий ҳисобот ахборотларининг муҳим бузиб кўрсатилиши riskига нисбатан янада самаралироқ амалларни, шунингдек одатда қўлланилмайдиган кўшимча таҳлилий амалларни бажаришлари талаб этилади. Молиявий ҳисоботларни текшириш жараёнида баҳоланган қийматни аниқлаш ҳамда текшириш чоғида хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва бухгалтерларнинг профессионал мулоҳазаларини кучайтириш, шунингдек аудиторларнинг профессионал скептицизмдан фойдаланиш даражасини оширишни талаб қилади.

Аудиторлик текшируви жараёнида баҳоланган қийматлар тўғрилигини аниқлашда қуйидагиларни амалга ошириш лозим:

- молиявий ҳисоботлардаги мавжуд тафовутларни аниқлаш ҳамда

уларнинг муҳим бузиб кўрсатишлар riskига таъсирини баҳолаш;

- баҳоланган қийматлар бўйича муҳим бузиб кўрсатишлар riskига нисбатан аудиторлик ташкилотининг ёки аудиторнинг жавобгарлик даражасини аниқ ва ҳаққоний белгилаш;

- молиявий ҳисоботларда қўлланилган баҳоланган қийматларни аудиторлик ҳисоботида ошкор қилиш;

- молиявий ҳисоботларда қўлланилган баҳоланган қийматларнинг аудиторлик хулосасига таъсирини баҳолаш;

- хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботларни тузишдаги ноқонуний хатти-ҳаракатларини аниқлаш ҳамда баҳолаш.

Юқорида зикр этиб ўтилган молиявий ҳисоботлардаги мавжуд тафовутларни аниқлаш ҳамда уларнинг муҳим бузиб кўрсатишлар riskига таъсирини баҳолаш “Муҳим бузиб кўрсатишлар riskларини тадбиркорлик субъектини ва унинг муҳитини билиш асосида аниқлаш ва баҳолаш” номли 315-сон аудитнинг халқаро стандартига асосан амалга оширилади.

Баҳоланган қийматлар молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асосга ва бухгалтерия ҳисоби объектига қараб турлича белгиланган бўлиши мумкин. Баҳоланган қийматларнинг тўғрилигини аниқлашнинг мақсади мазкур қийматларнинг белгиланишига доир ҳисобот даврида юз берган операциялар ва ҳодисалар натижаларининг таъсирини баҳолаш ҳисобланади. Баҳоланган қийматлар ҳисобот санасида муайян турдаги актив ёки мажбуриятнинг бозор нархи асосида жорий операция ёки молиявий ҳисоботлар моддасининг қийматида ифодаланади. Масалан, молиявий ҳисоботларни тақдим этиш учун қўлланиладиган асос ҳаққоний қийматни аниқлашни талаб қилиши мумкин [1].

Молиявий ҳисоботларда баҳоланган қийматлар бўйича мавжуд тафовутларни аниқлаш ҳамда уларнинг муҳим бузиб кўрсатишлар riskига таъсирини баҳолашда аудиторлар хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг аввалдан қўлланиб келинган услублар, тахминлар ва маълумотлардан фойдаланишни давом этаётганлигини текшириши лозим. Агар улар ҳақиқатда молиявий ҳисоботларни тузишда янги усуллардан фойдаланишни назарда тутган бўлса, мазкур усуллар баҳоланган қийматни белгилаш талабига мос келиши ёки келмаслигини ҳам ўрганишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳаққоний қиймат бўйича баҳолашни талаб қилувчи молиявий ҳисобот моддаларининг барчаси ҳам баҳолашнинг ноаниқлигини назарда тутавермайди. Масалан, бундай ҳолатлар айирбошлаш операцияларни амалга

ошириш нархлари тўғрисида ишончли маълумотларни эркин олиш имконини берадиган фаол ва очик бозор мавжуд бўлган ҳолларда молиявий ҳисоботларнинг айрим моддаларида кузатилади. Бунда нархларнинг эълон қилинган котировкалари мавжудлиги, одатда, ҳаққоний қиймат бўйича сифатли аудиторлик далили ҳисобланади. Шунга қарамай, баҳолашнинг ноаниқлиги ҳатто баҳолашни аниқлаш усули ва маълумотлар аниқ белгиланган ҳолда ҳам мавжуд бўлиши мумкин [1].

Бухгалтерия ҳисобида баҳоланган қийматни белгилаш тамойиллари 1-чизмада ўз аксини топган.

1-чизма.

Баҳоланган қийматнинг тамойиллари*



*Муаллиф ишланмаси.

Масалан, агарда фаол ва очик бозорда котировка қилинадиган қимматли қоғозларга эгалик улуши бозор ҳажмига нисбатан аҳамиятли ҳисобланса ёки уларни сотиш бўйича чекловлар ўрнатилган бўлса, уларни листингдаги бозор нархи бўйича баҳолаш тузатиш киритишни талаб этиши мумкин.

Бундан ташқари, ушбу даврда мавжуд бўлган иқтисодий шароитлар муайян бозордаги беқарорлик баҳолашнинг аниқлигига таъсир кўрсатиши мумкин.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, муҳим бузиб кўрсатишлар рискинни баҳолашда аудитор молиявий ҳисоботларда илгари мавжуд бўлган юқори аҳамиятга эгали рискларнинг жорий даврда муҳимлигини текшириши мумкин. Ўзгарувчан иқтисодий шароитда мазкур ҳолатни аудиторлик текширувида тўлиқ текшириш мумкин эмас.

Бозор конъюктурасидаги ўзгариш хўжалик юритувчи субъектларнинг

кейинги ривожланишида ноаниқлик келтириб чиқаради. Шу боисдан аудиторлар мазкур жиҳатга алоҳида эътибор қаратиши зарур.


Ноаниқлик юқори бўлганида баҳоланган қийматнинг ҳаққонийлиги даражаси жуда паст бўлади. Ноаниқлик даражаси хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият узлуксизлигига шубҳа туғдирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий инқироз ва ноаниқлик ҳолатлари баҳолашнинг мураккаблигига кўп жиҳатдан жиддий таъсир қилиши мумкин. Масалан, қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳисоб-китобларнинг ўзгаришига олиб келади. Уларга тузилган шартномалар шартларидаги ўзгаришлар, шунингдек, ўзгариши мумкин бўлган маълумотларнинг мавжудлиги ҳолатлари активлар ва мажбуриятларни баҳолашда бошқа моделдан фойдаланишга олиб келади. Бундан ташқари, хўжалик юритувчи субъектни қўллаб-қувватлаш мақсадида мураккаб молиялаштириш шартномалари тузилган бўлиши мумкин ва янги шартларга кўпроқ мос келадиган бухгалтерия ҳисобининг янги моделлари ишлаб чиқилган бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси баҳоланган қийматларни текшириш жараёнининг мураккаблигига жиддий таъсир қилади.

Баҳоланган қийматга аҳамиятли таъсир қилувчи кўрсаткичлар 2-чизмада келтирилган.

2-чизма.

Баҳоланган қийматга таъсир қилувчи кўрсаткичлар*










*Муаллиф ишланмаси

Агар қарзлар бўйича тўловни олиш эҳтимоли илгари сезиларли тафовут учун потенциал риск омили сифатида кўриб чиқилмаган бўлса ҳам, бу бугунги шароитда қарздорлар қарзларини ўз вақтида тўлайди дегани эмас. Шу сабабли, аудиторлар мазкур ҳолатда муҳим бузиб кўрсатишлар рискинни қайта кўриб чиқишлари керак. Ноаниқлик, албатта, субъективликни ва шу боисдан хўжалик юритувчи субъект бухгалтерларининг баҳоланган қийматларни аниқлашда профессионал мулоҳазаларини талаб қилади. Таъкидлаш жоизки, субъективлик ноаниқликка мутаносиб равишда ортади. Ноаниқлик мавжуд бўлганда раҳбарият томонидан активларни ноқонуний ўзлаштириш rischi ҳам мавжуд бўлади.

Ҳаққоний қийматдан фарқ қиладиган баҳоланган қийматнинг аниқлигини талаб этадиган вазиятларга қўшимча мисоллар қуйидагиларни ўз ичига олади (3-чизма).

3-чизма.

Баҳоланган қийматга таъсир қилувчи кўрсаткичлар*

	Шубҳали дебиторлик қарзлари бўйича резерв
	Товар-моддий захираларнинг қадрсизланиши
	Кафолат бўйича мажбуриятлари
	Амортизацияни ҳисоблаш усули ёки активнинг фойдали хизмат муддати
	Инвестицияларнинг қопланувчанлигига нисбатан ноаниқлик мавжуд бўлган ҳолларда уларнинг баланс қийматини камайтирувчи резерв
	Узоқ муддатли шартномалар натижалари
	Даъво ишларининг судда ҳал этилиши ва суд қарорлари чиқарилиши натижасида юзага келадиган харажатлар

*Муаллиф ишланмаси.

Баъзи ҳолатда молиявий ҳисоботда баҳоланган қиймат ўзгартирилиши мумкин. Активлар ва мажбуриятларни паст ёки юқори қийматда баҳолаш, нотўғри тахминларни атайлаб танлаш шулар жумласига киради. Хўжалик

юритувчи субъект бухгалтерлари томонидан активларнинг қадрсизланишини тан олмаслик келажакдаги кутилаётган пул оқимларини ошириши мумкин. Шу боисдан, аудиторлар, айниқса, ушбу ҳисоб-китоблар учун дастлабки маълумотлар билан боғлиқ бўлган барча ҳолатларда, айниқса, қоидабузарликлар қўламини аниқлашда эҳтиёт бўлишлари керак.

Хулоса

1. Бухгалтерия ҳисобининг муҳим функцияларидан бири фойдаланувчиларни ишончли ахборот билан таъминлаш ҳисобланади. Бироқ хўжалик юритувчи субъектлар томонидан активлар ва мажбуриятлар қийматини аниқ ва ишончли тарзда баҳолаш имконияти мавжуд бўлмаганида, баҳоланган қийматларни қўллаш талаб этилади. Мазкур қийматни аниқлаш тартиби хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳисоб сиёсатида белгилаб берилиши лозим.

2. Аудитнинг халқаро стандартлари текширув жараёнида далил тўплаш учун муаяйн талабларни қўяди. Айниқса, молиявий ҳисобот элементлари тўғри баҳоланганлигини текширишда илғор ёндашувлар талаб этилади. Шу боисдан текширув жараёнида молиявий ҳисобот элементларига нисбатан қўлланилган баҳоланган қийматларни текширишда муаяйн методологиянинг мавжудлиги ва унинг ишончилигига баҳо бериш талаб этилади.

3. Далил тўплаш жараёнида баҳоланган қийматнинг ишончли ва асосли белгиланганлиги ҳолатларининг аниқланиши модификацияланмаган аудиторлик хулосасини тузишга замин яратади. Бироқ активлар ва мажбуриятлар бўйича баҳоланган қийматни аниқлашда жиддий тафовутлар мавжуд бўлса, муҳим бузиб кўрсатишлар rischi ортиб кетиши натижада модификацияланган аудиторлик хулосасидан бирининг тузилишига олиб келиши мумкин. Модификацияланган аудиторлик хулосалари аксарият ҳолатларда молиявий ҳисоботдан манфаатдор томонларнинг оқилона иқтисодий қарорлар қабул қилишига тўсқинлик қилади.

4. Бозор конъюнктурасидаги ўзгаришлар, инфляциянинг юқори даражаси ва ноаниқлик шароитда баҳоланган қийматлар бўйича фирибгарлик rischi ортиб кетиши мумкин, чунки мазкур ҳолатларда хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизими самарали ишламаслиги мумкин. Агар аудитор баҳоланган қийматлар бўйича фирибгарлик rischi раҳбариятнинг қасдан қилинган хатти-ҳаракати натижасида ортиб кетганлигини аниқласа, бундай ҳолатда аудитор томонидан аудитнинг халқаро стандартларида назарда тутилган бошқа таҳлилий амалларни қўллаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. ISA 540 (Revised), Auditing accounting estimates and related disclosures. Handbooks, Standards, and Pronouncements 978-1-60815-377-0. Oct 3, 2018.
2. Кочергина А.И., Юдина Г.А., Юдина М.И. Особенности аудита оценочных значений. //Аудит и финансовый анализ, №1, 2018. – С. 141-152.
3. Очилов Ф.Ш. Мажбуриятлар ҳисоби ва аудитини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2021. – 56 б.
4. Мавлина И.Н. Доказать и... подтвердить! аудит оценочных значений в бухгалтерском учете. // Российское предпринимательство, 2007, № 8(2). – С. 114-119.
5. Ivana Mamic Sacera, Sanja Sever Malis, Ivana Pavic. The Impact Of Accounting Estimates On Financial Position And Business Performance – Case Of Non-Current Intangible And Tangible Assets. //Procedia Economics and Finance. №39, 2016. – P. 399-411.
6. Miguel Minutti-Meza. The art of conversation: the expanded audit report. // Accounting and Business Research. Volume 51, No. 5. – P. 548–581.

ЗАМОНАВИЙ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА ИЧКИ АУДИТНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Хамидова Зарифа Урол кизи

*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори(PhD)
бюджет ҳисоби ва газначилик иши
кафедраси доценти
Тошкент молия институти
E-mail: zari_khamidova@mail.ru
ORCID: 0000 0002 9785 4170*

Аннотация

Рақамли иқтисодиёт шароитида бюджет ижросига оид ахборотларнинг очиқлигини таъминлаш ва ҳисобдорликни ошириш орқали бюджет маълумотларининг мақсадли ва самарали қўлланилишига эришиш, ҳисоб жараёнининг ишончилигини оширишда ички аудит ва молиявий назорат хизматининг роли ортиб бормоқда. Ушбу мақолада давлат секторида ички аудит жараёнида масофавий назоратни жорий этиш ва такомиллаштириш, марказий маълумотлар базаларини шакллантириш учун IT-аудит тизимини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини самарали ташкил этиш йўналишлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: электрон камерал текширув, IT-аудит, ички аудит, идентификация, инфратузилма, назорат, молиявий назорат, марказий маълумотлар базаси, самарадорлик, ҳамкорлик.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ВНУТРЕННЕГО АУДИТА НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Хамидова Зарифа Урол кизи

*доктор философии (PhD) по
экономическим наукам
доцент кафедры и бюджетного учета
и казначейского дела
Ташкентский финансовый институт
E-mail: zari_khamidova@mail.ru
ORCID: 0000 0002 9785 4170*

Аннотация

В условиях цифровой экономики возрастает роль службы внутреннего аудита и финансового контроля в повышении надежности учетного процесса, достижении целевого и эффективного использования бюджетной информации путем обеспечения открытости информации об исполнении бюджета и повышения подотчетности. В статье проанализированы направления эффективной организации службы внутреннего аудита в бюджетных организациях, а также пути внедрения и совершенствования дистанционного контроля в процессе внутреннего аудита в государственном секторе, внедрения системы ИТ-аудита для формирования центральных баз данных.

Ключевые слова: камеральная проверка, ИТ-аудит, внутренний аудит, идентификация, инфраструктура, контроль, финансовый контроль, центральная база данных, эффективность, сотрудничество.

IMPROVING INTERNAL AUDIT BASED ON MODERN INFORMATION TECHNOLOGIES

Khamidova Zarifa Urol qizi

Doctor of Philosophy (PhD) economic sciences

*Associate Professor of the Department
and Budget Accounting and treasury*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: zari_khamidova@mail.ru

ORCID: 0000 0002 9785 4170

Abstract

In the digital economy, the role of the internal audit and financial control service is increasing in increasing the reliability of the accounting process, achieving the targeted and effective use of budget information by ensuring openness of information on budget execution and increasing accountability. This article describes the directions for the effective organization of the internal audit service in budgetary organizations by introducing and improving remote control in the process of internal audit in the public sector, introducing an IT audit system for the formation of central databases.

Keywords: electronic surveillance, IT audit, internal audit, identification, infrastructure, control, financial control, central database, efficiency, cooperation.

Кириш

Бугунги кунда замонавий техника ва технологияларсиз жамиятни тасаввур қилиб бўлмайди. Ҳар бир соҳанинг ўзига хос йўналишларидан келиб чиқиб, замонавий кўринишда методологик асосларини янгилаб туриш

зарур. Ривожланиб бораётган давлатлар тажрибасидан кўришимиз мумкинки, замонавий технологиялар, IT дастурлар ва электрон қурилмалар фаолият кўрсатаётган барча соҳаларда асосий ўринни эгаллайди. Шу жумладан, аудит соҳасида ҳам замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, фаолиятни ташкил этиш соҳа ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади.

Худудий ички аудит ва молиявий назорат хизматлари фаолиятида ҳал қилинадиган масалалар кенгайганлиги автоматлаштирилган ахборот тизимига талабни вужудга келтирди. Автоматлаштирилган ахборот тизимини ҳисоботларни таҳлил қилиш ва ҳужжатлаштириш ҳамда мавжуд ресурсларни тўғри тақсимлашда ички аудит хизмати вақтини тежайди. Бунда тўпланган электрон маълумотлар базаси ички аудит хизматига қўшимча қулайликларни келтиради.

Ички аудит, биринчи навбатда, ички назорат тизимининг самарадорлигини, раҳбарият ҳамда маъмурий ва бошқарув ходимлари вазифаларини бажариш сифатини мустақил баҳолашдир. Шу боис ички аудитнинг асосий тамойилларидан бири мустақилликдир. Ҳуқуқлар, мажбуриятлар ва жавобгарликларнинг аниқ рўйхати фақатгина ташкилотнинг умумий йиғилишида ҳисобдорлик билан белгиланади. Ички аудит фаолияти ташкилотнинг бошқаруви, иш юритиши ва бухгалтерия ҳисоби билан бевосита алоқада бўлиши керак. Ушбу ходимлар ички аудит жараёнида иштирок этишлари, натижаларини ўз фаолиятларида қўллашлари, маслаҳатлардан фойдаланишлари лозим. Ходимларнинг фаол иштирокисиз ички аудит самарадорлиги минимал бўлади [9].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 августда «Таълим ва тиббиёт муассасаларини молиялаштириш механизмининг ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ПҚ-3231-сон Қарорига мувофиқ, масофавий назоратни кенг кўламда қўллаш, замонавий ахборот технологиялари ва маълумотлар базаси воситасида текшириш объектлари ва мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда IT-аудит тизимини жорий этиш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Ички аудитда масофавий назоратни жорий этиш ва такомиллаштириш, марказий маълумотлар базаларини шакллантириш учун IT-аудит тизимини жорий этиш орқали бюджет ташкилотларида ички аудит хизматини самарали ташкил этилиши ва ички аудиторларни иш жараёнларини жадаллаштириш ва осонлаштириш мумкин [1].

Бундан келиб чиқадикки, давлат секторида ички аудит хизмати ходимлари ишларини енгиллаштириш ва иш унумдорлигини ошириш учун

замонавий ахборот технологияларининг аҳамияти юқори. Давлат секториди ички аудит хизмати фаолиятида ИТ дастурлар, масофавий назорат ва электрон назорат тизимларидан кенг фойдаланиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Адабиётлар шарҳи

Бюджет ташкилотларида молиявий назорат ва ички аудит соҳасида юртимизда бир қанча олимлар илмий изланишлар олиб боришган. Аммо замонавий ахборот технологияларидан фойдаланиб, ички аудитни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда дастурий ишланмалар ва ИТ-аудит соҳаси бўйича мамлакатимизда илмий изланишлар кам олиб борилган. Чунки бу соҳа мамлакатимиз учун ҳали ўрганилмаган ва ташкил қилиниши зарур бўлган янги тизим ҳисобланади. ИТ-аудит тизими бўйича Россия Федерацияси, АҚШ ва Европа мамлакатларида бир қанча замонавий инновацион тизимлар ишлаб чиқилган ва бир нечта дастурлар яратилган. Хориж тажрибаси ўрганилганда В.С. Плёнкин, В.Н. Емелин, М.Н. Веретенникова, О.Л. Слотова, Д.А. Игоревичлар каби тадқиқотчи олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилган. Олимлар ўз илмий қарашларида ички аудит хизматини замонавий технологиялар орқали ташкил қилишнинг моҳияти, зарурияти ва аҳамиятини тадқиқ этишган. Шунингдек бу жараёнда натижалар ва ташкилотларга бу тизимнинг таъсири даражаси ўрганилган ҳамда хулосалар чиқарилган.

Соҳа мутахассиси А. Игоревич ўзининг илмий қарашларида таъкидлашча, ички аудит яхши ташкил этилган методология ва стандартларни талаб қилади. Шунга яраша 1996 йилда “Ахборот тизимларини бошқариш ва тузиш жамғармаси” (ISACF) томонидан "ControlObjectives for information and related Technology" (COBIT) деб номланган метадология яратилган. Ушбу методологияни тўртинчи наشري ҳозирда амалда қўлланилмоқда (4.1.-версия). Шунингдек очик ҳужжатлардан иборат – ИТ соҳасидаги аудит бўйича 40 га яқин халқаро стандартлар мавжуд [2].

Ички аудитга бўлган эҳтиёж, одатда раҳбарият ёки инвесторларнинг корхонада ёки алоҳида бўлинмада ИТ ҳолати тўғрисида объектив тасаввурга эга бўлиш истагидан келиб чиқади. Гап шундаки, замонавий бошқарув технологияларидан фойдаланувчи корхона бутунлай унинг ИР- га боғлиқдир.

Таҳлил ва натижалар

Ислохотларнинг ижобий самараси ўлароқ давлат молиясини бошқариш

тизимини янги босқичга олиб чиқиш ва бюджет интизомини янада мустахкамлаш, солиқ бюджет тизимининг шаффофлигини ошириш мақсадида Давлат молиясини бошқариш ахборот тизими (ДМБАТ) ва бюджет ташкилотлари автоматлаштирилган ахборот тизими (УзАСБО)дан фойдаланиш йўлга қўйилди. Натижада солиқ тўловларини ягона ғазна ҳисобварағида ҳисобга олиш, бюджет тизими бюджетлари даромад қисмининг ижросини таъинлаш, бюджет ташкилотларининг харажатлар сметасини электрон шаклини юритиш, бюджет ташкилотларининг шартномалари ва ҳисобварақ фактураларини электрон шаклда қабул қилиш ва қайта ишлаш, уларнинг электрон тўлов топшириқномаларини қабул қилиш ва тўлаш каби давлат бюджети ижросига оид масалалар амалга ошириб келинмоқда.

Юқоридагилар билан боғлиқ ҳолда, ахборот технологияларининг жамиятдаги ўрни ва улардан фойдаланиш нархини пасайтириш усулларини излаш бугунги кундаги ахборот тизимларига оид муаммонинг бир ечими сифатида кўрилади. Ушбу муаммонинг ечимларидан яна бири IT инфратузилмаси орқали аудитни ташкил этишдир. IT инфратузилмаси орқали аудит ўтказиш давомида инвентаризация қилиш бутун ахборот тизимининг таркибий қисмларини тадқиқ ва таҳлил қилиш бўйича тадбирлар мажмуи ҳисобланади. Текширув давомида инфратузилма компаниянинг талабларига мувофиқлиги, шунингдек модернизация қилиш зарурати ва имконияти баҳоланади [3].

Марказий маълумотлар базалари қуйидаги вазифаларни таъминлаш мақсадида шакллантирилади ва юритилади:

- ички аудит хизматлари, манфатдор вазирлик ва идораларга ахборот тизимлари инфратузилмаси билан интеграциялашган хизматларни кўрсатиш, шу жумладан, электрон шаклда;
- мақсадларини аниқлаш йўли билан кам самарали тафтишларни қисқартириш, текшириш жараёнини автоматлаштириш ва муддатларини қисқартириш;
- IT-аудит хизмати кўрсатишда ва идоралараро электрон ҳамкорлик қилишда аниқланган хато ва камчиликлар тафсифини, ягона электрон реестрлар ва маълумотлар базалари тўғрисидаги ахборотни сақлаш;
- узатиладиган ахборотни қисқартириш ҳисобига самарали идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш;
- IT-аудит хизмати кўрсатишда ички аудит ва ички назорат хизмати, манфатдор вазирлик ва идоралар фойдаланувчиларини идентификациялаш;
- ваколатли органларнинг ахборот тизимларини Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги ички аудит бошқармаси марказидаги IT-аудит тизимининг ягона инфратузилмасига интеграциялаш.

Марказий маълумотлар базаси ягона идентификаторларидан фойдаланиб, ваколатли органлар томонидан шакллантирилади ва долзарб ҳисобланади. Берилаётганда бир марта генерацияланадиган, ноёб ва ўзгартирилиши мумкин бўлмаган рақамлар ИТ-аудит тизимидан фойдаланувчиларининг ягона идентификаторлари ҳисобланади.

ИТ-аудит тизими фойдаланувчисининг ташкилот ИНН ва шахсий идентификатор рақами – ШИР (кейинги ўринларда ИНН-ШИР деб аталади) фойдаланувчи манфатдор ташкилот хизматчисининг ягона идентификатори ҳисобланади. Солиқ тўловчининг идентификатор рақами (кейинги ўринларда СТИР деб аталади) юридик шахснинг ягона идентификатори ҳисобланади. ИТ-аудит тизими ички аудит хизматининг марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва долзарблигини ошириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш маркази ваколатли орган ҳисобланади.

Бугунги кунда вазирлик ва идораларда ташкил қилиниб, фаолият кўрсатиб келаётган ички аудит хизматлари бошқармаларининг назорат объектлари ва марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ҳамда ИТ-аудит хизмат кўрсатиш, шунингдек идоралараро электрон ҳамкорлик учун зарур бўлган ахборот манфатдор ташкилот фойдаланувчилари ягона идентификаторлари асосида шакллантириладиган тегишли ваколатли органларнинг ахборот ресурсларида сақланади.

Компютер билан ишлаш тажрибасига эга бўлмастик техник мутахассисларга шартларни нотўғри шакллантиришга ва натижаларни нотўғри талқин қилишга олиб келиши мумкин. Аудиторларга тизимни қўллаб, баҳолашни асослаш учун компьютерлар билан ишлаш тизимларидан фойдаланишнинг амалий кўникмалари зарур [4].

Марказий маълумотлар базасини юритиш, юқорида қайд қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш маркази томонидан амалга оширилади. Ахборот технологиялари ва коммуникаторларини ривожлантириш вазирлиги ҳамкорлигида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Ахборот-ҳисоблаш маркази қуйидагиларни, яъни:

- марказий маълумотлар базаси дастурий-аппарат комплексининг ишлашини, техник кузатувини янада такомиллаштирилишини;
- белгиланган тартибда марказий маълумотлар базасидаги ахборотнинг сақланишини ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилишини;
- ваколатли органлар билан келишган ҳолда марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва муҳим жадваллари тасдиқланишини;
- марказий маълумотлар базаларида сақланадиган ахборот ваколатли

органлар томонидан ўз вақтида унинг аниқлиги, тўғрилиги ва муҳимлиги устидан назорат қилинишини;

- марказий маълумотлар базаларидаги маълумотларнинг тўлиқлигини текширилишини;


- ваколатли органлар ахборот тизимларининг марказий маълумотлар базалари билан интеграциялашувига қўйиладиган техник талаблар тасдиқланишини;

- марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлган ахборотнинг такрорланишини истисно этиш мақсадида ваколатли органларнинг янгидан ташкил қилинаётган ахборот ресурсларидаги маълумотларнинг таҳлили амалга оширилишини таъминлайди.

Юқори сифатли асосий IT-аудити билан инфратузилманинг урта таркибий қисми таҳлил қилинади.

1-чизма.

Терминал серверининг текшируви параметрларини таҳлил қилиш кетма-кетлиги*



*Муаллиф томонидан тузилган.

Ташкилот шахсий компьютерларининг аудити қуйидаги соҳаларда олиб борилади:

- компьютернинг ўрнатилган дастурий таъминот тизимининг созламалари;

- компьютерда захира нусхаларининг мавжудлиги,

- ўрнатилган дастурларнинг ўрнатиш файлларининг мавжудлиги [5].

Ички аудит функцияси бошқарувни операциялар, ҳисобот ва

мувофиқлик бўйича ички назоратни такомиллаштиришга ёрдам беради. Кўпгина изланишларда молиявий ҳисоботларнинг ички аудити ва ички назорати ўртасидаги муносабати ўрганиб чиқилса-да, операциялар ва мувофиқликни назорат қилиш тўлиқ очиб берилмаган [6].

IT-аудит дастурий таъминотининг ички аудит ва ички назорат хизматини, манфатдор вазирлик ва идоралар фойдаланувчилари марказий маълумотлар базаларини шакллантириш босқичма-босқич амалга оширилади (1-чизма).

1-чизма.

IT-аудит тизимини босқичма-босқич амалга ошириш*



*Муаллиф томонидан тузилган.

Бу тизимни яратиш IT-аудитнинг ички аудит ва ички назорат хизмати марказий маълумотлар базаларини шакллантириш ва юритиш жадвалини тасдиқлашдан бошланади ва кетма-кет такомиллашиб боради. Марказий маълумотлар базасини яратиш ва уни ваколатли органларнинг ахборот тизимлари ва ресурслари билан интеграциялашувини амалга ошириш учун ваколатли органларни аниқлаб олиш ва улар билан ўзаро ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини белгилаб олиш зарур.

Бизга маълумки, давлат секторида ички аудит ва молиявий назорат хизмати марказлашган тартибда ташкил этилган бўлиб, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги ички аудит бошқармаси марказидаги IT-аудит тизимининг ягона инфратузилмасига интеграцияланади. Бу электрон тизимни яратиш ҳозирги ҳолат учун бирмунча мураккаб бўлиб, бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш заруратини келтириб чиқаради. Белгиланган кетма-кет босқичлардан такомиллашиб, ягона тизимни мустаҳкам базасини яратиш ва давлат ташкилотларини марказлашган ички аудит хизмати фаолиятини истиқболли электрон тизимини яратиш мумкин.

Марказий маълумотлар базаларида мавжуд бўлмаган ахборотнинг сақланишини таъминловчи давлат ахборот ресурсларини яратишда тегишли равишда ички аудит ва ички назорат хизмати, манфатдор вазирлик ва идоралар фойдаланувчиларини ягона идентификаторларидан фойдаланилади. Бу фойдаланувчилар ахборотларни йиғиш, маълум ахборотларни тасдиқлаш, аниқлигини текшириш ва уларни солиштириш учун тегишли органларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланади.

Бунинг учун тегишли органларни танлаб олиши ва уларни дастурга киритиши лозим. Тегишли органларнинг ахборот ресурсларидан фойдаланиш, ахборотларни таққослаш ёки ахборотлар алмашиш учун ички аудит ходимларининг тегишли органлар билан ўзаро ҳамкорлиги таъминланиши лозим.

Ўзаро ҳамкорлик асосан бюджет ташкилотлари, вазирлик, қўмита ва идоралар, шу жумладан, давлат молиявий назорат бошқармаси, тижорат банклари, тизим ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар доирасида олиб борилади. IT-аудитни амалга оширишда тегишли органларнинг ҳамкорлигини йўлга қўйиш ва ўзаро ахборот алмашинувини қуйидаги чизма орқали кўришимиз мумкин.

Ички назорат хизмати марказий маълумотлар базаларини ўзаро ҳамкорлик асосида шакллантириш*



*Муаллиф томонидан тузилган.

Бу ҳамкорлик давомида Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ички аудит хизмати фаолиятини иш юритиши, тузилмаси, вазифалари, мақсадларини ўз вақтида ва холис бажарилишини кузатиб боради ҳамда хулоса ва ҳисоботларни қабул қилади.

Ички аудит хизмати ва давлат молиявий назорат органлари назорат тадбирлари ўтказиш режаси, ўтказилган назорат тадбирлари натижалари ягона интеграциялашган ахборот тизимида мажбурий тартибда киритилади.

Ягона интеграцион ахборот тизимида ички аудит хизмати ва давлат молиявий назорат органлари томонидан киритилган маълумотлар асосида ягона қонун бузилишлари классификатори шакллантирилади.

Ўтказилган назорат тадбирлари натижалари назорат тадбирлари тугагандан сўнг уч иш куни ичида ягона интеграциялашган ахборот тизимга киритилиши керак. Назорат тадбирлари натижаларидаги давлат сирини билан боғлиқ маълумотлар ягона интеграциялашган ахборот тизимига киритилмайди. Ягона интеграциялашган ахборот тизимини юритилиши ваколатли орган томонидан амалга оширилади.

Ушбу масалалар бугунги кунда республикада фаолият юритиб келаётган “Давлат аудити” дастури томонидан тартибга солинади. Бу дастурий комплекс Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 27 августдаги “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6300-сон Фармонида асосан Ҳисоб

палатасида ишга туширилди. “Давлат аудити” дастурий комплекси асосан бюджет ташкилотларида назорат тадбирларини тартибга солиш ва назорат тадбирларида инсон омилини иштирокини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кунда барча давлат молиявий назорати текширувлари ва ички аудит тадбирлари рўйхатга олинади [2].

Шунингдек Ҳисоб палатасида ташкил этилган бу дастур давлат молиявий назорати текширувлари, Ҳисоб палатаси томонидан ўтказиладиган ташқи аудит жараёнларини ва ички аудит тадбири тўғрисида маълумотларни акс эттиради, аммо айнан ички аудит тадбирлари ўтказилиши, услубиёти, кетма кетлиги, тавсия ва маслаҳатлари ва баҳолаш тизими билан боғлиқ жараёнларни кенг ёритиб бермайди. Бундан келиб чиқадикки, айнан давлат секторида ички аудит хизмати учун IT-аудит дастурлари яратилиши ички аудит тадбирлари сифатини яхшилайти ва фаолиятни такомиллаштириш учун асосий йўналиш ҳисобланади.

IT-аудитни яратиш жараёнида барча асосий жиҳатларни ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу жумладан, халқаро амалиётда мавжуд бўлган баҳолаш тадбирларини амалга ошириш, режалаштириш, таҳлилий тартибни ташкил қилиш, мониторинг ўтказиш тартиби, тавсия ва маслаҳатларни бериш босқичи, чора-тадбирларни бажарилиши мониторинги ва ҳисобот ёзиш асосий иш жараёнини ҳисобга олиш ўринлидир. Умуман олганда, IT-аудит дастури методологиясини пухта ишлаб чиқиш талаб қилинади.

IT-аудитга аудит методологияси бўйича қуйидаги қўлланмалар киритилади:

- аудит объектлари;
- аудит жараёнлари;
- потенциал қоидабузарликлар;
- оддий оперatsиялар;
- аудиторлар билан аудиторлик текширувлари рўйхати;
- иш ҳужжатлари намуналари;
- мумкин бўлган қоидабузарликлар ва уларнинг тавсифи (қоидалар базаси).

Аудит методологияси бўйича маълумотномаларда аудит таҳлиллари ва ҳуқуқбузарликлар, аудит объектлари ва аудит таҳлиллари ўртасидаги алоқани ўрнатиш мумкин.

Аудитор қўлланиладиган методология ва ички стандартларга мувофиқ каталогларнинг бўйсунтиш схемасини мустақил равишда белгилаши мумкин. IT-аудитнинг афзаллиги шундаки, ҳар бир каталогнинг элементлари бир-

бирига боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, тегишли таҳлилий амаллар битта усул бошқа усул учун зарур бўлган маълумотни тақдим этишни англатади (дебитор ва кредитор қарздорликнинг юзага келиш сабабларини ўрганиш учун сиз аввал қарздорликлар билан боғлиқ муомалаларни тўғри ҳисобга олинганини текширишингиз мумкин). Оддий оперatsiялар, шунингдек бир-бири билан боғлиқ бўлиши мумкин, масалан, мол-мулкни сотиш бўйича битим солиқларни ҳисоблашни талаб қилади.

Шундай қилиб, IT-аудитда олдиндан белгиланган аудит методологияси мавжуд, аммо давлат сектори ички аудити бўйича мутахассислар томонидан кўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши зарур. Аудит ишининг турли хил объектлари бир-бири билан боғлиқлиги методологик жиҳатдан ҳақиқатдир. Бу керакли тавсилотлар билан турли хил ҳисоботларни яратишга имкон беради.

Хулоса

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, самарали ички аудитни ташкил этиш ва амалга ошириш учун замонавий меъёрий-ҳуқуқий базани яратиш бюджет ташкилотларининг иқтисодий фаолиятини хавфсизлигини, самарадорлигини ва қонунийлигини таъминлайди.

Аудит текширувини ўтказиш вақтида вазифа бюджет ташкилотининг иш фаолиятини баҳолашга берилмайди. Амалга оширилаётган ишлар йўналишлари мақсадга мувофиқ текширилади. Текширув натижаларига кўра, ички аудит томонидан давлат маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича хулоса ва тавсиялар берилиши керак.

Давлат секторидида ички аудит тадбирлари замонавий технологиялар ва IT дастурлар асосида ташкил этилиши керак. Бунинг учун ички аудит тадбирларини самарали ташкил этадиган ва юқори малакага эга бўлган кадрлар, замонавий технологиялар асосида иш олиб боровчи малакали ички аудиторларни тайёрлаш тизими такомиллаштирилиши зарур.

Шундай қилиб, аудит асосан хатолар, бузилишлар, қонунлар ва қоидалардан четга чиқиш, суистеъмоллик белгилари ва самарадорлик текшируви бўлиб, аниқ натижаларни ҳисобга олган ҳолда маблағ сарфланганлигини назоратига қаратилган. Бу назоратни IT-аудит дастурлар орқали амалга ошириш аудит жараёнида вақтни тежаш ва иш жараёнини жадаллаштиришга хизмат қилади.

Давлат секторидида ички аудитни замонавий технологиялар асосида ташкил этиш ички аудиторлар иш жараёнидан унумли фойдаланишга, ички аудит назоратларини сифатини оширишга, инсон иштирокини камайтиришга

ва юқори натижага эришишга, вақтни тежашга, назорат амалларидан самарли фойдаланишга ҳамда ички аудит тадбирларини самарали ташкил этилишини такомиллаштиришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Таълим ва тиббёт муассасаларини молиялаштириш механизмини ҳамда давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2017 йил. 21 августдаги ПҚ-3231- сон Қарори. www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат молиявий назорати тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 27 августдаги ПФ-6300-сон Фармони. www.lex.uz

3. Ostonokulov A., Ramazonov A. Directions for improving accounting in budget organizations during the digital economy // International Finance and Accounting: Vol. 2021: Iss. 2, Article 23. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2021/iss2/23>

4. Домась Андрей Игоревич, аспирант системный администратор ЗАО «Е-порт»Брянский государственный университет им. ак. И.Г. Петровского ИТ-аудит, <http://www.allbest.ru/>

5. Плёнкин В.С. Автоматизация проведения внутреннего аудита ИТ-инфраструктуры предприятия // Молодой ученый. – 2019. – №19. – С. 15-17. – URL <https://moluch.ru/archive/257/58929/>

6. Емелин В. Н., Веретенникова М. Н. Проблемы практики аудита в условиях автоматизированной обработки данных // Молодой ученый. – 2014. – №1. – С. 361-364. – URL <https://moluch.ru/archive/60/8725/>

7. Article: Chang, Y.T, Chen H, Cheng R.K., “The impact of internal audit attributes on the effectiveness of internal control over operations and compliance” 2018. www.scopus.com/results/results.uri

8. О. Машарипов, З. Хамидова, Г. Турсункулова, О. Азизов. Organizational aspects of internal control system in budget organizations and relationship with internal audit service BIO Web Conf. Volume 65, 2023, EBWFF 2023 - International Scientific Conference Ecological and Biological Well-Being of Flora and Fauna (Part 2) Published online: 04 September 2023 DOI: 10.1051/bioconf/20236508010,

9. Article: www.scopus.com/results/results.uri

10. www.nauka-rastudent.ru/26/3225/

11. <http://docplayer.ru/30392152-Programmy-dlya-auditorov.html>

ЖОРИЙ АКТИВЛАРНИНГ СТРАТЕГИК БОШҚАРУВ ҲИСОБИДАГИ АҲАМИЯТИ

Норматова Гулмира Хайруллаевна



мустақил изланувчи

Тошкент молия институти

E-mail: n-gulmira-x@mail.ru

ORCID: 0009-0008-2748-0696

Аннотация

Мақолада жорий активларнинг иқтисодий талқини, таркибий қисмлари ва унинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш асослари, хорижий ва республикамиз иқтисодчи олимларининг бу борада олиб борган тадқиқот ишлари ўрганилган. Шунингдек хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг “жорий актив” ва “захира” тушунчалари моҳиятини белгилаш бўйича қарашлари умумлаштирилган. Мақолада ҳўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисоби вазифалари кўламини белгилаб олиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: жорий активлар, товар-моддий захиралари, хом ашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар, дебиторлар, жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисоби.

ЗНАЧЕНИЕ ТЕКУЩИХ АКТИВОВ В СТРАТЕГИЧЕСКОМ УПРАВЛЕНЧЕСКОМ УЧЕТЕ

Норматова Гулмира Хайруллаевна

самостоятельный соискатель

Ташкентский финансовый институт

E-mail: n-gulmira-x@mail.ru

ORCID: 0009-0008-2748-0696

Аннотация

В статье рассматривается экономическая природа текущих активов, их составляющие части и основы организации стратегического управленческого учета, а также проанализированы результаты исследования, проведенные зарубежными и отечественными экономистами. Обобщены различные подходы зарубежных и отечественных ученых по определению

экономической сущности «текущие активы» и «запасы». В статье даны рекомендации по реализации задач стратегического управленческого учета текущих активов в хозяйствующих субъектах.

Ключевые слова: текущие активы, товарно-материальные запасы, сырье и материалы, незавершенное производство, денежные средства, краткосрочные инвестиции, дебиторы, стратегический управленческий учет текущих активов.

SIGNIFICANCE OF CURRENT ASSETS IN STRATEGIC MANAGEMENT ACCOUNTING

Normatova Gulmira Xayrullaevna

*Independent researcher of
Tashkent Institute of Finance
E-mail: n-gulmira-x@mail.ru
ORCID: 0009-0008-2748-0696*

Abstract

The article considers economic definition of current assets, their components and bases of organization of strategic management accounting, and also analyses results of the study conducted by foreign and domestic economists. Various approaches of foreign and domestic scientists to determine the economic essence of "current assets" and "inventories" have been generalized. The article gives recommendations on definition of tasks of strategic management accounting of current assets in economic entities.

Keywords: current assets, inventory, raw materials, work-in-progress, cash, short term investment, debtors, strategic management accounting of current assets.

Кириш

Хўжалик юритувчи субъектлар самарали фаолият олиб боришлари учун, уларнинг мулк шакли ёки фаолият туридан қатъий назар, жорий активлар муҳим ўрин тутди. Жорий активларнинг миқдори, уларнинг таркибий тузилиши ва ўзгариб бориш динамикасига қараб хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлиги, тўловга қобилиятлик даражаси, ликвидлилиги каби муҳим кўрсаткичлар орқали фаолияти самарадорлиги баҳоланади, истикболдаги динамикаси таҳлил қилинади. Шу сабабли жорий активларнинг бухгалтерия ҳисоби, унинг таҳлили ва аудити масалалари доирасидаги илмий тадқиқотлар ҳамиша ҳам долзарб бўлиб келган ва айни пайтда бу талаб янада ошиб бормоқда.

Адабиётлар шарҳи

Шу мавзу доирасида олиб борилган илмий тадқиқотлар кўрсатадики, ҳозиргача жорий активларнинг бухгалтерия ҳисоби, таҳлили ва аудити билан бирга, уларнинг назарий ва ташкилий ечимини кутиб турган қатор муаммолар мавжуд. Энг муҳимларидан бири – жорий активлар тушунчасининг иқтисодий талқини ва унинг таркибий қисмлари моҳиятига ёндошув масалалари.

Шунинг учун, бизнинг фикримизча, тадқиқотни хўжалик юритувчи субъектларнинг жорий активлари бухгалтерия ҳисобининг моҳиятига аниқлик киритиб олишдан бошлаш муҳим.

Жаҳон амалиётида, шунингдек иқтисодчи олимлар қарашларида ҳам жорий активларнинг умумэтироф этилган қуйидаги талқини кўп учрайди: “Жорий активлар (англ. current assets) – битта ишлаб чиқариш циклида ёки бир йил давомида пул маблағларига айланадиган активлардир. Узоқ муддатли активлардан фарқли ўлароқ, жорий активлар узоқ муддат давомида фойдаланиш учун мўлжалланмаган. Жорий активлар балансинг иккинчи бўлимида акс этирилади” [8].

Шу масала борасида иқтисодчи олим Саоуд Ж. Машкоур Аламру қуйидагиларни таъкидлаган: «Жорий активлар бизнеснинг нормал жараёнида бир йил ичида нақд пулга айланиши кутилаётган барча активларнинг қийматини ифодалайди. Жорий активларга товар-моддий захиралар, дебиторлик қарзлари, сотиладиган қимматли қоғозлар, пул маблағлари, олдиндан тўланган харажатлар ва осонлик билан пулга айланиши мумкин бўлган бошқа ликвид активлар киради» [1].

Шу мавзу доирасида илмий тадқиқотлар олиб борган иқтисодчи олим У.А. Нурманов “Жорий активлар – хўжалик субъектининг доимий ҳаракатдаги мобил активлари бўлиб, бир ишлаб чиқариш (меъёрий операцион) цикли давомида ўз қиймати ва шаклини яратилаётган маҳсулотларга тўлиқ ўтказувчи бойликлар ҳисобланиб, улар таркибига товар-моддий захиралари, келгуси давр харажатлари, кечиктирилган харажатлар, пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар, дебиторлар ва бошқа жорий активлар киритилади” [4] дея таъриф берган.

Шунингдек, яна бир мамлакатимиз олимларидан Д.Мавлянова эса ўз тадқиқотида “жорий активлар деганда ишлаб чиқариш ва муомала фондларини шакллантириш учун пул кўринишида аванслаштирилдиган, доимо бир функционал шаклдан бошқа шакл кўринишига ўтадиган қиймат тушунилади”, деб таърифлаган [5].

Соҳага доир бошқа адабиётларда жорий активларнинг кенг тарқалган қуйидаги формуласи келтирилган: «жорий активлар = пул маблағлари + пул

эквивалентлари + захира + олинадиган счетлар + сотишга қобилиятли қимматли қоғозлар + олдиндан тўланган харажатлар + бошқа ликвидли активлар (Current assets = Cash + Cash Equivalents + Inventory + Accounts Receivable + Market Securities + Prepaid Expenses + Other Liquid Assets)» [6]

Жаҳон иқтисодиёти рақамли шаклга ўтиш шароитида бухгалтерия ҳисобида «рақамли активлар» тушунчаси ҳам юзага келмоқда. АҚШлик иқтисодчи олим Неил Амато ўзининг энг нуфузли журналларидан бири ҳисобланмиш «Accountancy» журналидаги мақоласида рақамли активлар профессионал ташкилотлар томонидан киритилаётганлигини таъкидлаб, унинг ҳисоби ва аудит ўтказиш методологиясини кўрсатиб берган [7].

Таҳлил ва натижалар

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, амалиётчи иқтисодчилар, шунингдек назариячи олимлар бошқарув ҳисобининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, методи ҳамда тамойилларини тизимли асосда келтира олганлар ва илмий жиҳатдан асослашга эришган. Лекин энг муҳим саналадиган бошқарув ҳисобининг учта тури, яъни оператив, тактик ҳамда стратегик бошқарув ҳисоби турлари ўртасидаги фарқни аниқ кўрсатиб бера олмаганлар. Шунингдек ана шу бошқарув ҳисоби турларининг объектлари, субъектлари ҳамда ҳисоб турини амалга ошириш воситаларида ҳам чалкашликларга йўл қўйилган. Фикримизча, ушбу иқтисодчи олимларнинг бошқарув ҳисобининг мақсади, вазифалари, функциялари, предмети, методи ҳамда тамойиллари бўйича фикр-мулоҳазаларига қўшилган ҳолда, бошқарув ҳисобининг учта тури, яъни оператив, тактик ҳамда стратегик бошқарув ҳисоби турларини қуйидаги тартибда тизим сифатида ифодалашни таклиф этамиз (1-жадвал).

1-жадвал.

Бошқарув ҳисоби тизимида ҳисоб турлари*

Даражаси	Объекти	Субъекти	Воситалари
Оператив	Масъулият марказлари	Масъулият марказлари раҳбарлари	Стандарт-костинг, директ-костинг, JIT, тўлиқ таннарх каби усуллар
Тактик	Хўжалик юритувчи субъект	Фаолият ва бўлимлар бўйича масъул раҳбарлар	Дастурлаш, бюджетлаштириш, ABC-костинг, директ-костинг, CVP таҳлил, ФҚТ
Стратегик	Худудий ва ташқи бозорда бир хил фаолият билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар	Юқори раҳбарият	SWOT-таҳлил, GAP-таҳлил, сценарийли таҳлил, стратегик дастурлар, стратегик бюджетлаштириш ва ш.к.

*Муаллиф ишланмаси.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, стратегик бошқарув ҳисоби – бу хўжалик юритувчи субъектнинг юқори раҳбарларини рақобатбардошликни оширишга таъсир қиладиган ташқи омиллар ҳамда ички имкониятларни баҳолаш ва улардан самарали тарзда фойдаланиш бўйича узоқ муддатларга мўлжалланган қарорлар қабул қилишларига асос бўладиган релевант маълумотлар билан таъминлаш тизимидир.

Бошқарув ҳисобининг тактик даражаси – хўжалик юритувчи субъектнинг ўрта бўғин раҳбарларини бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун зарур бўлган маълумотлар билан тезкор тарзда таъминлайди. Стратегик бошқарув ҳисобига нисбатан бошқарув ҳисобининг бу ҳисоб тури вақт оралиғи жуда қисқа, одатда бир ҳисобот йили, маълумотларнинг аниқлик даражаси юқори, маълумотлар кенглиги жуда қисқа ва аниқ йўналтирилган бўлади. Ахборотларни шакллантириш, тўплаш таҳлил қилиш ҳамда тақдим этишда бошқарув ҳисобининг ушбу турида режалаштириш, дастурлаш, бюджетлаштириш, АВС-костинг, директ-костинг, СVP таҳлил, функционал-қиймат таҳлили усулларидан фойдаланилади. Таклиф этилаётган жадвал маълумотларидан яққол кўриниб турибдики, бу ҳисоб турининг объекти – хўжалик юритувчи субъектдир.

Масъулият (харажат, даромад, фойда ва инвестиция) марказлари объекти саналадиган оператив бошқарув ҳисоби хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини ифодаловчи иқтисодий кўрсаткичлари бўйича ҳақиқий параметрларининг режалаштирилган миқдоридан сезиларли оғиш вужудга келаётганда бу ҳолатга раҳбарларнинг зудлик билан эътиборини қаратиш учун уларга тескари маълумотлар алоқасини ўрнатиб бериш вазифасини бажаради.

Оператив ҳисоб раҳбарлар учун тезкор ва қисқа муддатларга мўлжалланган релевант маълумотлар етказиб бериш учун хизмат қилади. Қисқа муддатларда ҳар қандай ихтиёрий олинган хўжалик юритувчи субъектнинг фаолият кўрсаткичлари аниқ белгиланган бўлади, аммо ресурслар ниҳоятда чекланган бўлади, шунга мувофиқ тарзда улардан самарали фойдаланиш талаб этилади. Ана шундай вазиятларда хўжалик юритувчи субъектнинг барқарорлиги чекланган муқобиллар доирасидаги энг яхши ҳаракатлар вариантини танлаш ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланиш имконини беради.

Эътироф этиш керакки, бошқарув ҳисобининг оператив, тактик ва стратегик турлари бир-бири билан узвий боғланган, шунинг учун амалда улар воситасида шаклланаётган маълумотлар ўртасига аниқ бир чегара тортиб бўлмайди. Шунингдек, бир вақтнинг ўзида бошқарув ҳисобининг

стратегик ва оператив даражалари ўртасидаги фарқлар очик-ойдин намоён ҳам бўлади. Бу ҳолат бошқарув ҳисоби тизимининг назарий асосларини ишлаб чиқишда ўзининг аниқ ифодасини топади.

Юқорида қайд қилинган ёндошувлар ва яна кўплаб олимларнинг шу масала борасидаги қарашларини умумлаштириш натижасида хулоса қилиш мумкинки, шу пайтгача мавжуд «жорий активлар» тушунчасининг таърифи халқаро стандартлар талабларига жавоб бермайди.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ва молиявий ҳисоботнинг тасдиқланган шаклларида жорий активлар таркибини халқаро стандартлар талабларига мувофиқлаштириш зарурияти мавжуд. Амалиётда бухгалтерлар жорий активлар моддаларини баҳолаш, ҳисобга олишда ва ҳисоботларда акс эттиришда стандартлар талабига уйғун бўлган услубий тавсиялар етишмаслигини ҳис этмоқдалар.

Хусусан, 1-сон БҲМСда жорий (оборот) активлар сифатида тан олишда куйидагиларни мезон сифатида қарайди:

1. Жорий активлар – хўжалик субъекти операцион фаолиятининг бир қисми ҳисобланиб, субъектнинг нормал операцион цикли доирасида унинг олиниши ва истеъмол қилиниши кутилади.

2. Асосан қайта сотиш мақсадида тутиб турилади ёки қисқа муддатда ёки ҳисобот санасидан 12 ой давомида фойдаланиши кутилади.

Ушбу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, энг аввало қайд қилиш керакки, жорий активларни операцион фаолиятнинг қисми деб қараш тўғри эмас. Тўғри, у операцион фаолиятда иштирок этади, лекин у операцион фаолиятни комплекс, яъни тўлиқ ўзида жамламайди ва шунга мувофиқ, унинг моҳиятини тўлиқ тарзда ифода этмайди. Шунга кўра, 1-сон БҲМСда ушбу жиҳатларни ўзгартириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

21-сон БҲМСга мувофиқ, сётлар режасида жорий активларнинг бухгалтерия ҳисоби учун куйидаги бўлимлар бириктирилган: «1. Товар-моддий бойликлар. 2. Келгуси давр сарфлари ва муддати узайтирилган сарфлар-жорий қисми. 3. Олинадиган сётлар. 4. Пул маблағлари, қисқа муддатли инвестициялар ва бошқа жорий активлар».

Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, жорий активларнинг ана шу юқорида қайд қилинган бўлимларининг ҳар бири талқини борасида ҳам бир хил ёндошув мавжуд эмас.

Хусусан, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг захираларнинг таркибий қисмларини белгилаш бўйича қарашлари куйидаги жадвалда умумлаштирилган (2-жадвал):

2-жадвал.

Иқтисодчи олимларнинг захиралар таркибий қисмларига ёндашувлари*

Захираларнинг таркибий қисмлари	Китаев А.В.	Кери-мов В.Э	Эргашева Ш.	Лыгчева Н.А.	Богаченко В.М.	Кули-кова Л.И. ва бошқалар	Alixander D.	БХМС
Хомашё ва материаллар (raw materials)	+	+	+	+	+	+	+	+
Ярим тайёр маҳсулотлар			+	+				
Ёрдамчи материаллар		+		+				
Бутловчи буюмлар			+	+				
Ёқилғи			+					
Эҳтиёт қисмлари	+	+	+					
Тугалланмаган ишлаб чиқариш (work-in-progress)							+	+
Сотиб олинган маҳсулотлар	+							
Тайёр маҳсулотлар (finished goods)	+		+		+	+	+	+
Товарлар			+		+	+		+
Ўз ишлаб чиқариш ярим тайёр маҳсулотлари	+							
Қурилиш материаллари	+							
Хўжалик инвентарлари ва буюмлари	+	+	+	+	+			
Қайтарилган чиқиндилар ва фойдали қолдиқлар	+	+		+				
Идиш ва идишбоп материаллари		+	+					
Бошқа материаллар						+		
Қадоқлаш материаллари (Packing materials)								
Техник хизмат кўрсатиш материаллари (MRO materials)								

*21-сон БХМС маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўришиб турибдики, россиялик иқтисодчи олимлар, хусусан, А.В. Китаев ва В.Э. Керимовлар «Моддий-ишлаб чиқариш захиралари» атамасидан фойдаланишган. Шунингдек ана шу олимлар «Моддий-ишлаб чиқариш захиралари» бўлимида Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларида ҳисобга олинмаган Тугалланмаган ишлаб чиқариш (work-in-progress), “Ярим тайёр маҳсулотлар” ҳамда “Бутловчи қисмлар”ни ҳисобга олишни назарда тутишмаган. Республикамиз иқтисодчи олимларидан Ш. Эргашева товар-моддий захиралар таркибини асосан 21-сон БХМСга мувофиқ ҳолда баён этган.

Хорижлик адабиётларда захиралар халқаро стандартларда эътироф этилган тўртта категорияга: хомашё ва материаллар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар ҳамда товарларга ажратилган (2-жадвал).

Юқоридаги фикр-мулоҳазалар ҳамда 2-жадвал маълумотлари таҳлиллари натижасидан кўришиб турибдики, жорий активларнинг битта муҳим элементи (бўлими) бўлган захиралар таркибини белгилашда ҳам ягона ёндашув мавжуд эмас.

Хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини самарали тарзда ташкил қилиш ва юритиш учун, фикримизча, унинг таркибий қисми бўлган захиралар таркибини бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари қоидаларга мувофиқлаштириш керак бўлади. Шунингдек, жорий активларнинг бошқа қисмларини ҳам бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари талаблари даражасида ташкил қилиш, уларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш учун муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Хулоса

Юқорида қайд қилинганлар асосида хўжалик юритувчи субъектларда жорий активларнинг стратегик бошқарув ҳисобини ташкил қилиш учун фикримизча, унинг олдидаги вазифалар кўламини тўғри шакллантириш керак бўлади. Жорий активлар борасида стратегик бошқарув ҳисоби бухгалтерия ҳисобининг бошқа турларидан фарқли ўлароқ, яъни уларда бажармайдиган қуйидаги муҳим вазифаларни бажаришга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик ва унга мувофиқ тарзда тактик мақсадларини белгилаш ҳамда уларни амалга ошириш учун хизмат қилади;

- хўжалик юритувчи субъектнинг стратегик ва тактик мақсадларига эришиш учун ички ҳамда ташқи муҳит омилларини (бухгалтерия ҳисобининг бошқа турларидаги каби фақат ички омилларни эмас) комплекс ҳисобга

олади;

- хўжалик юритувчи субъектнинг келажагини таъминлаш учун зарур маълумотлар базасини шаллантиради, раҳбариятни жорий активлар билан боғлиқ бўлган стратегик бошқарув қарорларини қабул қилишлари учун зарур бўлган маълумотлар билан узлуксиз ҳамда тезкор тарзда таъминлайди;

- хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти учун “олдиндан кўриш, ҳисобга олиш ва йўналтириш” воситаси бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Saoud Jayed Mashkour. Accounting in english (pp.51) Publisher: Printed by : Dar Al-Dhiya for printing and Designs - 2 Ed, – Najaf – February 2019, https://www.researchgate.net/publication/331287344_CHAPTER_4_CURRENT_ASSETS

2. Pardayev A.X., Pardayeva Z.A. Boshgaruv hisobi: darslik / - T.: Iqtisod-Moliya, 2019. – 556 b.

3. Друри К. (2003) Управленческий учет для бизнес-решений: учебник / Пер. с англ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА. – 665 с.

4. Нурманов У.А. Жорий активлар таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари доктори (DSc) ... диссертация автореферати. – Тошкент.: ТМИ, 2022.

5. Мавлянова Д.М. Жорий активлар ҳисоби, таҳлили ва аудитининг услубий жиҳатларини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... автореферати. Тошкент.: ТМИ, 2020.

6. <https://byjus.com/commerce/what-are-current-assets/>

7. Neil Amato. Digital assets: Auditing, accounting, and what’s next December 3, 2021, <https://www.journalofaccountancy.com/podcast/cpa-news-digital-assets-auditing-accounting.html>

8. <https://ru.wikipedia.org/wiki/>

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЧКИ НАЗОРАТ ФУНКЦИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ



Тошпулатов Фаррух Бахтиёрович

*мустақил изланувчи
Тошкент “Кимё” халқаро
университети
E-mail: Farrux@mail.ru
ORCID:0009-0001-1846-1097*

Аннотация

Мақолада мамлакатимизнинг инновацион иқтисодиётга ўтиш шароитида корпоратив бошқарув тизимида ички назоратни ташкил этиш, унинг самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий хусусиятларини такомиллаштиришнинг объектив зарурияти илмий-назарий жиҳатдан ёритилган.

Ички назоратнинг корхона иқтисодий барқарорлигини, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги ўрни ва ривожланишдаги штироки таҳлил қилинган. “ички назорат” тушунчасига муаллифлик таърифи берилган. Шунингдек ички назоратнинг ташкилий-функционал жиҳатларини такомиллаштириш бўйича илмий-назарий таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: назорат, ички назорат, корпоратив бошқарув, мониторинг, ташкилий рисклар, концептуал асос, бошқарув модели, ички хўжалик назорати, бошқарув функцияси, назорат муҳити, корпоратив муҳит, рискларни баҳолаш, назорат амаллари, ахборот ва коммуникация.

ОРГАНИЗАЦИЯ ФУНКЦИИ КОНТРОЛЯ В СИСТЕМЕ КОРПОРАТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ

Тошпулатов Фаррух Бахтиёрович

*независимый исследователь
Ташкентский международный
университет "Кимё"
E-mail: Farrux@mail.ru
ORCID:0009-0001-1846-1097*

Аннотация

В статье подвергается анализу организация внутреннего контроля в системе корпоративного управления, а также объективная необходимость совершенствования организационно-экономических характеристик повышения его эффективности в условиях перехода к инновационной

экономике.

В статье анализируется роль внутреннего контроля в укреплении экономической устойчивости предприятия, повышении эффективности производства, дано авторское определение понятию «внутренний контроль». Разработаны научно-теоретические предложения по совершенствованию организационных и функциональных аспектов внутреннего контроля.

Ключевые слова: контроль, внутренний контроль, корпоративное управление, мониторинг, организационные риски, концептуальная основа, модель управления, внутренний экономический контроль, функция управления, контрольная среда, корпоративная среда, оценка рисков, контрольные действия, информация и коммуникация.

ORGANIZATION OF THE CONTROL FUNCTION IN THE CORPORATE GOVERNANCE SYSTEM

Toshpulatov Farrukh Bakhtiyorovich

independent researcher

Tashkent International

Kimyo University

E-mail: Farrux@mail.ru.

ORCID:0009-0001-1846-1097

Abstract

The article analyzes the organization of internal control in the corporate governance system, as well as the objective need to improve organizational and economic characteristics to increase its effectiveness in the context of the transition to an innovative economy.

The article analyzes the role of internal control in strengthening the economic sustainability of an enterprise, increasing production efficiency, and gives the author's definition of the concept of “internal control”. Scientific and theoretical proposals have been developed to improve the organizational and functional aspects of internal control.

Keywords: control, internal control, corporate governance, monitoring, organizational risks, conceptual framework, management model, internal economic control, management function, control environment, corporate environment, risk assessment, control actions, information and communication.

Кириш

Иқтисодий беқарорлик ва бизнесни юритишнинг янги шакллари пайдо бўлиши назорат функциясининг корпоратив бошқарув тизимидаги мавқеига

таъсири кучаяди. Ички назорат олдида қўйилган мақсадга эришишни таъминлаш учун у корпоратив бошқарув тизими фаолиятининг ўзгарувчан шароитларига мослаштирилиши керак. Бинобарин, “назорат бошқарув функцияларидан бири ҳисобланади. Шу боис ички назорат тизимининг ташкил қилиниши ва унинг амалга оширилиши хўжалик юритувчи субъектнинг самарали бошқаришида раҳбарга кўмаклашувчи восита ҳисобланади” [1].

Ички назоратнинг доимий равишида ривожлантириш ва такомиллаштириш зарурати жаҳон тенденциялари билан тасдиқланади. Сўнгги йилларда корпоратив бошқарувда назоратни ташкил этишнинг тубдан янги усуллари кенг тарқалди. Бунга Япониянинг *канбан* тизими энг ёрқин мисол бўла олади. Тизим узлуксиз ишлаб чиқариш сифатини юқори даражада доимий назорат қилади. Янги тадқиқотлар қонунчилик ва услубий даражада ҳам олиб борилмоқда. Бу эса юқори самарадорликка эришишда муҳим омил саналади. Шундай экан бугунги иқтисодий шароитда корпоратив бошқарув тизимида ички назорат функциясини янада такомиллаштириб бориш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий ривожлаган мамлакатларда ички назорат тизими доимий равишда такомиллаштирилмоқда. Унинг асосий босқичлари 1-чизмада акс эттирилган.

1-чизма.

COSO ички назорат концепциясини ривожланиши [2]



Деярли барча концепция ички назоратни жараён ёки жараёнлар тўплами сифатида белгилайди, ички назоратни амалга ошириш ўзаро боғлиқ элементлар тизимининг ҳаракатидир.

Замонавий илм-фан “назорат” тушунчасини аниқлашга турли хил ёндашувларни таклиф этади. Т. Серебрякова ушбу тоифани аниқлашга

қуйидаги концептуал ёндашувни қайд этади:

- рискка йўналтирилган фаолият (рискология);
- назорат бошқарув рискларини минималлаштириш усули;
- бошқарув модели: назорат – бу бошқарув функцияси (босқичи);
- тизимли ёндашув: назорат – бу тескари алоқа (фикр-мулоҳаза) усули;
- хукукий ёндашув: назорат – бу фаолиятни мувофиқлигини текшириш”

[3].

О.М. Серчугина назоратни қуйидаги жиҳатларда кўриб чиқадиган илмий тадқиқотларни умумлаштиради:

-ташкилот бошқарув органларининг ижро этувчи ва маъмурий фаолиятининг функцияси, усули ёки шакли;

-бошқарув органлари томонидан қўлланиладиган йўллар, шакллар ва усуллар мажмуи;

-бошқарув жараёнининг якуний босқичи;

-бошқариладиган объект ҳолати ва бошқарув тизими томонидан қабул қилинган бошқарув қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги тескари алоқа (фикр-мулоҳаза) шакли;

-белгиланган параметрлардан оғишларни аниқлаш учун бошқариладиган объектнинг ишлашини кузатиш ва текшириш тизими [4].

Бир қатор муаллифлар [5] ички назорат тизими қуйидаги, яъни:

- бошқарувнинг ички назоратга бўлган муносабати;

- корхона фаолиятининг ички шароити, унинг ҳажми, кўлами ва фаолият тури;

- корxonанинг сони ва ҳудудий жиҳатдан ҳар хил жойлашганлиги, унинг шуба корхоналарига эга бўлиши;

- корхона мақсади ва вазифаларининг стратегик ўрнатилганлиги;

- фаолиятнинг механизациялашганлиги ва компьютерлашганлиги даражаси;

- ресурс билан таъминланганлиги;

- ходимлар таркибининг билим даражаси каби омиллар таъсири остида бўлишини эътироф этади.

Ички назорат қуйидагича, яъни:

- йиллик ҳисоботни тасдиқлаш мақсадида йиғилган аксиядорлар йиғилишида сайланган тафтиш комиссияси шаклида;

- бевосита раҳбарга буйсунувчи ички аудит бўлими шаклида

- назорат гуруҳи шаклида

- инвентаризация бўлими шаклида;

- ички аудит текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилоти билан

шартнома асосида ташкил этилиши мумкин.

Илмий адабиётларда «назорат» тушунчасининг бир нечта талқини ва ёндашувлар мавжуд. Ички хўжалик назоратини умумий тарзда таърифлашнинг мураккаблиги унинг шакл ва кўламларининг турлитуманлиги билан белгиланади. Н.Ф. Каримов «назорат» тушунчасига қуйидагича ёндашади: «...назорат деганда, турли фан соҳаларида, авваламбор, бухгалтерия ҳисоби, молия, бошқарув, иқтисодий таҳлил, информатикада ифодаланган назарий билимлар ва амалий тажрибанинг уйғунлигини тушуниш мақсадга мувофиқдир» [6]. Б. Хошимов берган таърифга кўра, «Назорат корхона, унинг таркибий қисмлари фаолиятидаги камчилик ҳамда хатоларни юзага чиқариб, ўз вақтида уларни тўғрилаш ва келажакда йўл қўймаслик мақсадига хизмат қилади» [7]. Яна бир таъриф: «назорат - бу корхона молиявий-хўжалик фаолиятидаги белгиланган параметрлардан оғишларни аниқлаш, салбий ҳолатларни бартараф этиш ва олдини олиш учун бошқарувнинг тегишии субъектлари томонидан амалга ошириладиган корхона ишлаб чиқариш ва молиявий-хўжалик фаолиятини кузатиш ва назорат қилиш жараёнидир» [1].

Юқоридаги фикрларни танқидий таҳлил қилган ҳолда биз қуйидаги таърифни ишлаб чиқдик, «Ички назорат – корпоратив бошқарувнинг ажралмас қисми сифатида бухгалтерия ҳисобини юритишда, молиявий, статистик ва бошқа ҳисоботларни тузишда хўжалик операцияларини амалга оширишнинг қонунийлиги, акс эттириладиган маълумотларнинг ишончлилиги, активлар ва бухгалтерия ёзувларининг сақланишини таъминлаш ҳамда бошқа қонун бузилишларини олдини олиш мақсадида ташкил этилган ва амалга ошириладиган ташкилий чора-тадбирлар ҳамда доимий амалга ошириладиган назорат амалларидан иборат».

Таҳлил ва натижалар

Ички назоратнинг энг кенг тарқалган, яъни COSO – Тредвей комиссиясининг ҳомий ташкилотлари қўмитаси томонидан ишлаб чиқилган ички назорат модели ва COBIT – ISACA ахборот тизимлари аудити ва назорати ассоциацияси томонидан яратилган “ахборот технологияларидан фойдаланишни назорат қилиш мақсадлари” стандартлари ички назоратнинг фундаментал асослари ҳисобланади.

Ички назорат тизимининг асосий элементлари бешта таркибий қисмдан иборат:

1) назорат муҳити ташкилот ходимлари ишлайдиган атмосфера, корпоратив маданият, корпоратив стандартлар, бошқарув услуги, қоидалар

ва иш тавсифларини ўз ичига олади. “Назорат муҳити ички назорат амалга ошириладиган шароитларни, текшириладиган хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти ва (ёки) мулкдорларининг ички назорат тизимига нисбатан муносабатини, ундан хабардорлигини ва ички назорат тизимини ўрнатишга йўналтирилган амалий ҳаракатларини тавсифлайди” [8]. Корпоратив муҳит ички назорат тизимининг асосидир, чунки расмий ва норасмий қоидаларсиз ташкилот ишлай олмайди. Бинобарин, раҳбар “... хўжалик юритувчи субъектда самарали ички назорат тизимини ташкил қилиш, назорат муҳитини яратиш ва барча тегишли ходимларни хўжалик юритувчи субъект олдида турган мавжуд рисклар тўғрисида хабардор қилишга масъул ҳисобланади” [1].

Ички назорат тизимини умумий ўрганиш натижалари бўйича аудитор ўзининг иш фаолиятида ички назорат тизимига таяниши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилса, у 315-сон “Субъектни ва унинг муҳитини билишлик, мавжуд бузилишлар riskини баҳолаш” номли халқаро аудит стандартига мувофиқ [9], назорат муҳитининг ишончилигини дастлабки баҳолашни амалга ошириши лозим.

Назорат муҳитининг алоҳида блоки коррупцияга қарши корпоратив стандартлар: ахлоқ қоидалари ва корпоратив хатти-ҳаракатлардан иборат. Ушбу блок хўжалик юритувчи субъектнинг муваффақиятли ишлаши учун жуда муҳимдир, чунки адолатсиз ҳаракатларнинг олдини олиш соҳасида олдиндан белгиланган қоидаларсиз ташкилотнинг бошқа барча соҳалари риск остида бўлади. Масалан, активларни ўғирлаш орқали фирибгарлик ташкилотнинг самарали ишлашига тўсқинлик қилади, шунингдек уни обрўсига хавф солади;

2) рискларни баҳолаш. Бу ташкилот томонидан белгиланган мақсадларга эришишга таъсир қилиши мумкин бўлган рискларни аниқлаш жараёнини англатади. Ушбу босқичда одатда турли, яъни иқтисод-молия, бухгалтерия, ҳуқуқий, таъминот, маркетинг каби бўлимларнинг ўзаро таъсири амалга оширилади. Масалан, “Бухгалтерия ҳисоби счётлари қолдиғи ёки хўжалик операциялари тоифаларининг даражасида қуйидаги омиллар рискларини баҳолаш учун муҳим аҳамият касб этади: бузиб кўрсатилиши мумкин бўлган бухгалтерия ҳисоби (молиявий ҳисобот) счётлари; хўжалик операциялари далилларининг мураккаблиги; счётлар қолдиғини аниқлаш учун зарур бўлган субъектив фикр юритишнинг роли; активларнинг йўқотишларга ва уларнинг ноқонуний ўзлаштирилишига мойиллиги; айниқса ҳисобот даврининг сўнгида ёки унинг яқунланиши арафасида ноанъанавий ва мураккаб хўжалик операцияларини тугатиш; оддий таомиллар орқали ишлов

берилмайдиган операциялар” [1].

Тадбиркорлик рисклари ҳар бир хўжалик юритувчи субъектга хосдир, улар бизнеснинг ажралмас қисмидир. Шу билан бирга, кенг маънода “риск” тушунчаси нафақат фойданинг пасайиши, балки даромаднинг ошиши ёки хўжалик юритувчи субъект учун ижобий бўлган бошқа ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Бошқача айтганда, бирон бир ҳодисанинг бошланиши натижасида режалаштирилган натижалардан ошиб кетиш эҳтимоли бор, бу фаолиятга ижобий таъсир қилади. Масалан, молиявий менежментда молиявий операция rischi деганда рентабелликнинг ўртача қийматдан ҳар қандай йўналишда оғиши тушунилади, яъни рискнинг бошланиши натижасида инвестор қўшимча фойда ва зарар кўриши мумкин;

3) назорат амаллари. Молиявий ҳисоботнинг қонунчиликка мувофиқ, ўз вақтида тайёрланиши, самарадорлиги, натижадорлиги ва ишончилигини таъминлаш мақсадида ташкилотда амалга ошириладиган тадбирларни ўз ичига олади. Масалан, материалларни тарқатиш бўйича операцияларни санкциялаш, бу уларнинг ортиқча сарфланишига йўл қўймайди;

4) ахборот ва коммуникация. Ушбу элемент компания ходимлари ўртасида ахборот алмашинувини таъминлайди. Ахборот ва коммуникациянинг иккита асосий функциясини ажратиш кўрсатиш мумкин: ташкилот ходимларига ўз вазифаларини етказиш (масалан, оммавий алоқа ёки семинар, ишга жойлашиш бўйича кўрсатма) ва иш жараёнида ахборот оқимини таъминлаш;

5) мониторинг. ИНТ иши сифатини баҳолаш. COSO концепциясига кўра, сифат (ички назорат тизими қандай ишлаб чиқилган, унинг конфигурацияси камчиликларни аниқлашга имкон берадими ёки йўқми) ва ИНТ самарадорлигини баҳолаш амалга оширилади (ички назорат тизими белгиланган қоидаларга қанчалик мос келади).

COBIT концепцияси ташкилотнинг манфаатдор томонлари учун қийматни максимал даражада ошириш, бизнесни ўзгартириш учун ресурсларни оптималлаштириш, фаолият riskини баҳолаш ва юмшатиш учун ахборот технологияларни самарали қўллашга қаратилган. ISACA томонидан берилган таърифга кўра, ички назорат – бу хўжалик юритувчи субъектнинг бизнес мақсадларига эришиш ва кутилмаган ҳодисаларнинг олдини олиш ёки аниқлаш ва тузатишга етарлича ишончни таъминлаш учун ишлаб чиқилган сиёсат, тамойиллар, амалиётлар ва ташкилий тузилмалар тўпламидир.

COBIT бошқарув тизимини амалга ошириш ва сақлаш учун зарур бўлган таркибий қисмларни таъкидлайди:

- жараёнлар – муайян мақсадларга эришишга қаратилган амалиёт ва тадбирларнинг тузилган тўплами;
- ташкилий тузилмалар – ташкилотда қарор қабул қилишнинг асосий субъектлари;
- сиёсат ва муолажалар – субъектларнинг кутилган хатти-ҳаракатларини бирлаштирадиган кўрсатмалар ва стандартлар;
- ахборот оқимлари – самарали бошқарувни амалга ошириш учун зарур бўлган маълумотларни англатади;
- маданият ва ҳуққ-атвор – субъектларнинг ҳаракатлари ва фикрлаши;
- кўникмалар – тўғри қарорлар қабул қилиш ва вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган ваколатлар.

Инфратузилма – ИТни бошқариш учун ишлатиладиган технологиялар ва иловалар.

Шундай қилиб, СОБИТ концепциясида таъкидланган компонентлар COSO модели билан таққосланиши мумкин.

Концепцияларни таҳлил қилиш асосида хулоса қилиш мумкинки, ички назорат – бу юқори раҳбарият томонидан белгиланган мақсад ва вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида амалга ошириладиган жараён. Ички назорат қуйидаги ижро функцияларни бажаради:

- раҳбариятни бошқарув қарорларини қабул қилиш учун рисклар тўғрисида тўлиқ ва ишончли маълумот билан таъминлаш;
- хўжалик юритувчи субъект томонидан ўз фаолиятини амалга ошириш учун пойдевор яратиш (сиёсат, фаолият стандартлари, ташкилий тузилма);
- рискларни олдини олиш ва салбий оқибатларни бартараф этиш учун бизнес жараёнларини қўллаб-қувватлаш.

Шу билан бирга, назорат функцияси ижро этувчи орган сифатида ички назорат билан чекланиб қолмаслиги керак: иқтисодий муҳитнинг ўзгарувчанлиги шароитида у хўжалик субъектининг барқарор инновацион ривожланишини таъминлаши лозим. Шунинг учун самарадорликни ошириш ва натижадорликни таъминлаш, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ва қонун ҳужжатларига риоя қилишга қаратилган стратегик элементларни ўз ичига олади.

Шундай қилиб, ички аудит ташкилотнинг алоҳида таркибий бўлинмаси бўлиб, унинг асосий мақсади хўжалик юритувчи субъектнинг нуфузини сақлаш ва оширишдир. Жараённи самарали қуришда ички аудит ташкилот раҳбариятига мавжуд камчиликларни аниқлаш ва бартараф этиш ва хўжалик юритувчи субъектнинг ишини такомиллаштиришга ёрдам берадиган восита бўлиб хизмат қилиши керак.

Ички аудит томонидан баҳолаш ўтказилган объектларнинг батафсил тавсифи 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал.

**Ички аудит томонидан амалга ошириладиган
баҳолаш объектлари***

Объект	Компонентлар
Корпоратив бошқарув	қарор қабул қилиш жараёни
	назоратни амалга ошириш
	ахборотнинг ўзаро таъсири
	ахлоқий меъёрлар ва кадриятлар билан боғлиқ мақсадларга эришиш
	фаолият натижаларини бошқариш
Рискларни бошқариш	фаолиятни мувофиқлаштириш
	ташкилотнинг мақсадларига мувофиқлиги
	рискларни аниқлаш ва баҳолаш қобилияти
	рискларга жавобан жавоб чораларини кўриш
	аниқланган рисклар тўғрисида маълумот алмашиш
Ички назорат	фирибгарлик rischi
	корхона мақсадларига эришиш нуқтаи назаридан назоратнинг етарлилиги
	фаолиятнинг самарадорлиги нуқтаи назаридан назоратнинг етарлилиги
	активларнинг рисксизлиги нуқтаи назаридан назоратнинг етарлилиги
	ҳисобот маълумотларининг ишончлилиги ва яхлитлиги нуқтаи назаридан назоратнинг етарлилиги
	қонун ҳужжатлари ва бошқа актларга мувофиқлиги нуқтаи назаридан назоратнинг етарлилиги

* Муаллиф томонидан тузилган.

Ташкилотда ички аудитнинг роли ички аудиторлар институти томонидан ишлаб чиқилган ички аудитнинг халқаро профессионал стандартлари билан тавсифланади, қоидалар қуйидагича умумлаштирилиши мумкин:

- корпоратив бошқарув жараёнларини такомиллаштириш, шу жумладан қарорлар қабул қилиш, назорат қилиш, ахборот алмашиш бўйича тавсияларни баҳолаш ва ишлаб чиқиш;

- рискларни бошқариш жараёнларининг самарадорлигини, шу жумладан ташкилотнинг ўз миссияларининг мақсадларига мувофиқлигини, ташкилот рискларини самарали аниқлаш ва баҳолаш, тегишли чораларни ишлаб чиқиш, рискларни бошқариш учун жавобгар шахсларни тўплаш ва хабардор қилиш қобилиятини баҳолаш;

- баҳолаш ва такомиллаштиришга кўмаклашиш орқали самарали ИНТ баҳолаш ва сақлашга ёрдам бериш.

Мавжуд стандартлар ва тушунчалар назорат функциясини шакллантириш учун фақат асос яратади. Ички назорат ва ички аудитнинг асосий мақсадлари ва таркибий қисмлари берилган, шу билан бирга хўжалик

юритувчи субъектларда назоратни ўрнатиш, амалга ошириш ва сақлаш бўйича батафсил тавсиялар мавжуд эмас. Ушбу тизимнинг ўз олдига қўйилган мақсадларни бажариш қобилиятини таъминлаш ҳар бир ташкилотнинг алоҳида жавобгарлик соҳасидир, шунинг учун ички назорат тизимини ташкил этиш ва такомиллаштириш усуллари ҳар бир корхонада фарқ қилади.

Бошқарув функциясини шакллантириш кўплаб таркибий бўлинмалар ва фаолият соҳаларига эга бўлган йирик корпоратив тузилмаларда мураккаблашади. Юридик жиҳатдан мустақамланган “компаниялар гуруҳи” атамаси мавжуд эмас: ушбу атаманинг алоҳида аналоглари “солиқ тўловчиларнинг консолидациялашган гуруҳи” Ўзбекистон Республикаси солиқ кодексининг 61-моддасида мавжуд.

Шу билан бирга, ушбу белги кўпинча амалда, хусусан, бренд номлари, компаниялар гуруҳида учрайди. Бундай гуруҳлар кўплаб ташкилотларни бирлаштиради ва ушбу ташкилотларнинг молиявий ҳолати, молиявий натижалари ва пул оқимларини кўриб чиқадиган консолидацияланган молиявий ҳисоботларни нашр этади.

“Шўба хўжалик жамиятларига сармояларни ҳисобга олиш ва консолидациялашган молиявий ҳисоботлар” [10] номли БҲМС “гуруҳ” деганда бош жамият ва унга қарашли барча шўба жамиятлар назарда тутилган бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартига ҳавола беради.

Ушбу мақола “компаниялар гуруҳи” сифатида умумий миссия ва стратегия доирасида фаолият юритадиган якуний бенефициарларнинг умумий назорати остида бўлган юридик шахсларнинг бирлашишини белгилайди. Ушбу шарт ички назорат тизимини қуриш нуқтаи назаридан бошқарув фалсафаси, хўжалик юритувчи субъектнинг манфаатдор томонларининг rischi ажралмас элементлар эканлиги ва шу сабабли умумий миссия ва стратегиянинг йўқлиги назорат функциясининг яхлитлиги тўғрисида хулоса чиқаришга имкон бермаслиги билан изоҳланади.

Компаниялар гуруҳини тузишнинг асосий мақсади биргаликдаги фаолиятнинг синергетик таъсирига эришишдир ва ушбу таъсирни максимал даражада ошириш учун битта гуруҳ компаниялари умуман гуруҳ манфаати учун ҳаракат қилишлари шарт. Гуруҳ таркибидаги корхоналар фаолиятини мувофиқлаштириш ички назорат тизимига қуйидаги талабларни назарда тутлади:

- ягона корпоратив маданиятни шакллантириш, юқори раҳбариятни бошқариш фалсафасини шўба жамиятларга тарқатиш;
- маҳаллий стандартлар, сиёсат ва кўрсатмаларни бирлаштириш.

Гуруҳ учун унинг таркибига кирадиган барча ташкилотлар томонидан бажарилиши керак бўлган ягона меъёрий ҳужжатлар мавжуд;

- маҳаллий бошқарув даражасида қарор қабул қилишда рискни гуруҳ даражасида ҳисобга олиш. Шу билан бирга, амалиётда кенг тарқалган баъзи рисклар умуман гуруҳ учун қўлланилмаслиги мумкин;

- алоҳида корхона маълумотларига эмас, балки консолидациялашган маълумотларга асосланган ресурсларни тақсимлаш. Ушбу ёндашув манфаатдор томонлар учун компаниялар гуруҳи ягона корхона сифатида кўриб чиқилиши билан боғлиқ, масалан, гуруҳ таркибидаги ташкилотлар мустақил равишда фаолият юритадиган ўхшаш молиявий кўрсаткичларга эга компанияларга қараганда кўпроқ имтиёзли ставка бўйича кредит олишлари мумкин.

Компаниялар гуруҳидаги назорат функциясининг навбатдаги хусусияти баъзи функцияларни марказлаштиришдир, бу умуман гуруҳ даражасида назорат самарадорлигини баҳолашнинг натижасидир. Бошқарув компанияси даражасида бизнеснинг айрим жиҳатларини назорат қилиш харажатларнинг пасайишига олиб келади ва бутун гуруҳ ҳақида умумий маълумотни шакллантиришга ёрдам беради, аммо бу усул алоҳида корхона фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини етарли даражада билмаслик каби камчиликларга ҳам эга.

Кўпгина компаниялар гуруҳларида бутун гуруҳ даражасида ишлайдиган ва гуруҳнинг ички назорати самарадорлигини таъминлаш учун масъул бўлган марказлаштирилган ички назорат бўлимлари мавжуд. Марказлаштириш натижасида фаолиятнинг барча соҳаларида баҳолашни амалга ошириш учун етарли ресурслар йўқлиги сабабли ички назоратни баҳолаш тартиб-таомиллари танлаб амалга оширилади. Амалда, аксарият ташкилотлар ташқи аудит назариясидан келиб чиққан ҳолда таваккалчиликка йўналтирилган ёндашувни қўллайдилар. Ушбу ёндашув бизга фаолиятнинг энг муҳим ва риск остида бўлган соҳаларига эътибор қаратиш имконини беради, аммо шу билан бирга намунага киритилмаган соҳаларда ички назоратнинг камчиликларини кўрсатмаслик рискининг ошиши муқаррар. Натижада, баъзи бизнес жараёнларида ёки бўлинмаларда бузилишлар йиллар давомида аниқланмаган ва тузатилмаган бўлиб қолиши мумкин.

Хулоса

Назоратнинг турли даражалари ўртасида мажбуриятларни тақсимлаш муҳим вазифадир, чунки бир томондан назорат функцияларини маҳаллий даражага топшириш вазифаларни батафсил кўриб чиқишга ёрдам беради ва

юқори бошқарув органларининг юкини камайтиради, бошқа томондан, юқори раҳбариятнинг фаолиятнинг айрим жиҳатларига жалб қилинишини камайтиради.

Корхоналар гуруҳидаги назорат функциясининг навбатдаги хусусияти ахборот ва коммуникация каби ИНТ элементининг аҳамиятини оширишдир. Гуруҳ таркибидаги юридик шахсларнинг, шунингдек бошқарувнинг турли даражаларидаги ходимларнинг ўзаро таъсири ишончли алоқани таъминлайдиган платформани талаб қилади. Алоқа ва ахборот алмашиш каналларини шакллантириш юзага келадиган рискларга ўз вақтида жавоб бериш, аниқланган рискларга жавоб бериш ва ички назоратни баҳолаш натижаларини юқори раҳбариятга этказиш учун зарурдир. Шунингдек, ИНТ нинг ушбу таркибий қисмининг аҳамияти рискларни баҳолаш, ҳисобот бериш ва фаолиятни режалаштириш учун гуруҳнинг барча компаниялари тўғрисидаги маълумотларни бирлаштириш зарурати билан боғлиқ.

Компаниялар гуруҳлари кўпинча бозорда катта иштирокчилардир ва шунинг учун кўп сонли шахслар манфаатдор томонлар рўйхатига киритилган.

Ушбу корпоратив тузилмаларнинг катта таъсири манфаатдор томонлар билан доимий алоқада бўлишни талаб қилади. Бу ҳолда ички назоратнинг роли манфаатдор томонлар ва уларнинг манфаатларини ўз вақтида ва аниқ аниқлашни таъминлаш, уларнинг компания фаолиятига таъсирини баҳолаш ва тегишли рискларни таҳлил қилиш, аниқланган рискларга жавобан муолажаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишдир. Ушбу мажбуриятлар кичик хўжалик юритувчи субъектларда ички назоратга ҳам хосдир, аммо турли хил фаолият турлари ва мавжуд минтақаларга эга бўлган кўплаб компанияларнинг мавжудлиги бу жараёни мураккаблаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Илхамов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражани ... дисс. автореферати. – Т.: ТМИ, 2018. – Б.15. (70 б.).

2. Richtermeyer, S. Meet the New ICIF: Revisions to COSO’s Internal Control Integrated Framework / S. Richtermeyer. – URL:

<https://slideplayer.com/amp/10179498/>

3. Серебрякова Т.Ю. Концептуальные модели сквозного внутреннего контроля: автореф. дис... д-ра экон. наук: 08.00.12. Йошкар-Ола, 2010. 48 с. (п. 4).

4. Серчугина О.М. Организация системы внутреннего контроля на

основе закона Сарбейнса-Оксли: автореф. дис. ...канд. экон. наук: 08.00.12. СПб., 2014. 19 с (5 с.).

5. Ахмеджанов К.Б., Илхамов Ш.И., Аҳмаджонов А.К. Амалий ички аудит: ўқув қўлланма. – Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2021. – 202 б.

6. Каримов Н.Ф. Тижорат банкларида ички аудит: монография. – Т.: Фан, 2006. – 131 б.

7. Хошимов Б.А. Бухгалтерия ҳисоби назарияси: дарслик. – Т.: Янги аср авлоди, 2004 – 27 б.

8. Правило (стандарт) аудиторской деятельности "Изучение и оценка систем бухгалтерского учета и внутреннего контроля в ходе аудита". пункт 4.1. Одобрено Комиссией по аудиторской деятельности при Президенте РФ протоколом № 6 от 25.12.96.

9. Сборник международных стандартов аудита, выражения уверенности и этики (стандарт №315). – Алматы, 2007. – С. 452.

10. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти 8-сон БҲМС. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 28 декабрда 580-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

METHODOLOGY FOR EFFICIENCY OF WATER MANAGEMENT



Akhmedov Sayfullo Normatovich

*PhD of Technical Sciences,
Deputy Chairman of the Federation
of Trade Unions of the
Republic of Uzbekistan*

Abstract

In the paper has been analyzed methodology for efficiency of water management. Creation of an information array based on official statistics of Uzbekistan, including spatial and dynamic characteristics of water consumption, as well as indicators of economic growth of the economy as a whole and agricultural production. Performing statistical cluster analysis in order to identify homogeneous groups of regions of the Republic of Uzbekistan in terms of water consumption and economic growth in the economy and the agricultural sector.

Carrying out a quantitative "causal" analysis in order to identify and assess the direction of the relationship between indicators of the dynamics of water consumption in agriculture and indicators of economic growth, assess the specifics of these relationships for individual regions and regional clusters.

Keywords: water, management, socio-economic efficiency of water consumption, agriculture, water management system, analyzing, monitoring.

МЕТОДОЛОГИЯ ЭФФЕКТИВНОГО УПРАВЛЕНИЯ ВОДНЫМИ РЕСУРСАМИ

Ахмедов Сайфулло Норматович

*кандидат технических наук
заместитель председателя Федерации профсоюзов
Республики Узбекистан*

Аннотация

В статье проанализирована методология повышения эффективности управления водными ресурсами. Исследуются вопросы создания информационного массива на основе официальной статистики Узбекистана, включающего территориальные и динамические характеристики водопотребления, а также показателей экономического роста экономики и сельскохозяйственного производства.

Проведен статистический кластерный анализ с целью выявления однородных групп регионов Республики Узбекистан по показателям водопотребления, экономического роста и развития аграрного сектора. Осуществлен количественный «причинный» анализ с целью выявления и оценки направления связи показателей динамики водопотребления в сельском хозяйстве с показателями экономического роста, оценки специфики этих связей для отдельных регионов и региональных кластеров.

Ключевые слова: вода, управление, социально-экономическая эффективность водопотребления, сельское хозяйство, водохозяйственная система, анализ, мониторинг.

SUV RESURSLARINI SAMARALI BOSHQARISH METODOLOGIYASI

Ahmedov Sayfullo Normatovich

texnika fanlari nomzodi

O‘zbekiston Respublikasi kasaba uyushmalari

Federatsiya raisining o‘rinbosari

Annotatsiya

Maqolada suv resurslarini boshqarish samaradorligini oshirish metodologiyasi tahlil qilingan. O‘zbekistonning rasmiy statistik ma’lumotlari, jumladan, suv iste’molining hududiy-dinamik ma’lumotlari, shuningdek, iqtisodiy o‘shish va qishloq xo‘jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish ko‘rsatkichlari asosida axborot majmuasini yaratish masalalari o‘rganilgan.

Suv iste’moli, iqtisodiy o‘shish va qishloq xo‘jaligini rivojlantirish bo‘yicha O‘zbekiston Respublikasi hududlarining bir xil guruhlarini aniqlash maqsadida statistik klaster tahlili o‘tkazildi. Qishloq xo‘jaligida suv iste’moli dinamikasi va iqtisodiy o‘shish ko‘rsatkichlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni aniqlash hamda alohida hududlar va hududiy klasterlar bo‘yicha ushbu bog‘lanishlarning o‘ziga xos xususiyatlarini baholash maqsadida miqdoriy “sabab-oqibat” tahlili o‘tkazildi.

Kalit so‘zlar: suv, boshqaruv, suv iste’molining ijtimoiy-iqtisodiy samaradorligi, qishloq xo‘jaligi, suv xo‘jaligi tizimi, tahlil, monitoring.

Introduction

Efficiency in water management aims to increase the productivity of the available water by reducing its misuse and wastage. Efficiency in water management aims to align water demand and water supply through a multi-pronged approach at different levels considering social, economic, technical,

institutional, and environmental factors. Tools in this sub-section give indications on how to improve water efficiency from the supply and demand perspectives as well as discusses the potential for water reuse and recycling [1].

The competition for existing freshwater supplies will require a paradigmatic shift from maximizing productivity per unit of land area to maximizing productivity per unit of water consumed. This shift will, in turn, demand broad systems approaches that physically and biologically optimize irrigation relative to water delivery and application schemes, rainfall, critical growth stages, soil fertility, location, and weather. Water can be conserved at a watershed or regional level for other uses only if evaporation, transpiration, or both are reduced and unrecoverable losses to unusable sinks are minimized (e.g., salty groundwater or oceans). Agricultural advances will include implementation of crop location strategies, conversion to crops with higher economic value or productivity per unit of water consumed, and adoption of alternate drought-tolerant crops. Emerging computerized GPS-based precision irrigation technologies for self-propelled sprinklers and microirrigation systems will enable growers to apply water and agrochemicals more precisely and site specifically to match soil and plant status and needs as provided by wireless sensor networks. Agriculturalists will need to exercise flexibility in managing the rate, frequency, and duration of water supplies to successfully allocate limited water and other inputs to crops. The most effective means to conserve water appears to be through carefully managed deficit irrigation strategies that are supported by advanced irrigation system and flexible, state-of-the-art water delivery systems. Nonagricultural water users will need to exercise patience as tools reflecting the paradigmatic shift are actualized. Both groups will need to cooperate and compromise as they practice more conservative approaches to freshwater consumption [15].

Literature review


The task of developing and analyzing indicators of water consumption in agriculture, systemically related to the corresponding indicators of water consumption in other sectors and sectors of the economy, V.V. Kundius [4], N. Zharnitskaya [5], I. Abdullaev [6], P. Gober [8], V.I. Danilov-Danilyan [10], as well as indicators of socio-economic efficiency, was set at the 24th session of the FAO “Water Resources Management for Agriculture and Food security” (Rome, 29.09 – 03.10.2014), where it was noted: “Agriculture, whose needs in total water consumption are estimated at 70%, is increasingly claiming its own share of water resources for food production and ensuring food security. At the same time, the rationality of water use for agricultural purposes is under increasing scrutiny” [2].

The presented review of literature sources, on the one hand, demonstrates the insufficient representation in them of an important area of quantitative research that requires development both in methodological and informational terms. Namely: the formation on the basis of open data sources of tools for modeling and analyzing the "response" of macroeconomic indicators at the level of the country and regions to changes in the volume of water consumption in agriculture [7].

This direction is very relevant for the Republic of Uzbekistan and the regions in connection with the above Concept for the Development of the Water Resources of the Republic of Uzbekistan for 2020-2030, the task of constantly monitoring the achievement of the main target indicators for improving the efficiency of the use of water resources.

On the other hand, the presented review of the works makes it possible to take into account their individual aspects in the formation of the purpose and objectives of this study.

Fig 1.



The Strategic Committee plays a key role in this process. From these results, one should undertake periodic review of action plans in relation to the objectives, as well as SWOT analysis, because the internal and external conditions change, requiring a reassessment of the action plans. This allows the evaluation of the efficiency of human resources, physical and technological resources, as well as the effectiveness of actions, comparing the baseline configuration with the final plan. The HAGAPLAN is a Consultancy Company and it is in consortium with

SANEAR, which is developing a work to reduce losses in Guarulhos. So is underway to apply the methodology described above. In the complex context of the water of the great metropolis that surrounds the city of São Paulo, Guarulhos is one of six autonomous systems. However, although it has complete independence in relation to the distribution of water, the city's main supplier Sabesp - Basic Sanitation Company of the State of São Paulo, which supplies the region through the Metropolitan Aqueduct System. Since the last two decades of the twentieth century the supply of drinking water produced by us for the MRSP has been limited, and the prospect of population growth, mainly concentrated in layers of middle and low income located in peripheral regions, the municipality is seeking to increase its autonomy in terms of water production, mainly through the implementation of systems independent producers, rooted in the exploration of deep wells with low flow and small watersheds in the region. Despite significant investments that have been made since 2001, distributor system, even if no progress on increasing efficiency, and to pursue the full implementation of the supply sectors designed in previous studies and in other structures that may contribute to the effective control of drinking water distributed. An increase in efficiency translates into an obviously reducing the amount of water distributed and therefore a greater protection of resources, without compromising the quality of services provided by SAAE its users [14].

Analysis of results

In accordance with the Law of the Republic of Uzbekistan “On official statistics” (2021), state statistical bodies must “provide statistical data to public authorities and administrations”; at the same time, they carry out “integration with information systems of state and economic administration bodies, as well as local executive authorities in order to conduct statistical observations, generate and analyze official statistical data” [11].


The presented indicators make it possible to form a hypothetical directed graph of information links (Fig. 1), which includes direct (solid arrows) and indirect (dashed arrows) mutual influence of indicators characterizing water consumption in the economy as a whole and agriculture and the corresponding indicators of economic growth. The objectives of this study included a statistical assessment of the directions and strength of the connection of the graph elements based on the generated data array for the regions of Uzbekistan, as well as an assessment of the response of the economic growth of the regions due to the growth of agricultural production (, due to changes in the volume of water consumption in $\Delta_1(t)$ agriculture ($\Delta_2(t)$)[9].

The presented graph also indicates the two-way orientation of the cause-and-effect relationships of the indicators under consideration (this is reflected in the figure with the help of two-way arrows). With this in mind, the problem of estimating the priority direction of the causal relationship between the indicators under consideration was solved to include them in the model, the resulting values of which are the response indicators (and) of $\Delta_1(t)$ economic $\Delta_1(t)$ growth and the growth of agricultural production to the dynamics of water consumption in agriculture (in Fig. 1 indicated by unidirectional arrows).

The formed information base of the study made it possible to perform a cluster analysis by years delimiting the study period (2015 and 2022), as well as by years of the “post-COVID” period (2020 and 2021). Hierarchical cluster analysis was performed by Ward's method (Ward 's method) using the "Euclidean" distance estimation metric (Euclidian distance) between population units.

Fig.1.

Graph of links (hypothetical) of indicators of official statistics characterizing the efficiency of water consumption in agriculture of the regions of the Republic of Uzbekistan*



* Author's development.

As follows from the data in Table 1, there has been a change in the cluster composition over the years under consideration. To study the depth of time lags taken into account when analyzing the direction and strength of causal relationships between indicators, it is necessary to assess how significant the divergence of the cluster composition of regions is in certain intervals, and then take the lag for estimating the relationships of indicators over the time interval with the largest change in the cluster composition.

Table 1 presents two-input contingency tables containing the results of the distribution of regions in two clusters in the compared years (2023 and 2015 and 2022 and 2021).

Table 1.

Assessing the contingency of the results of clustering the regions of the Republic of Uzbekistan in terms of the efficiency of water consumption in agriculture: (a) 2015 – 2023

2015 \ 2022	Cluster 1	Cluster 2	Total
Cluster 1	6	1	7
Cluster 2	3	3	6
Total	9	4	13

(b) 2021 – 2023

2021 \ 2022	Cluster 1	Cluster 2	Total
Cluster 1	5	2	7
Cluster 2	4	2	6
Total	9	4	13

Evaluate the similarity between two cluster partitions, the Fowlkes - Mallows index can be used. index) [12].

The assessment of this index (FM) was carried out according to the method described in the Internet resource “Quality Assessment in the Clustering Problem” [13]. The following values were used:

TP is the number of elements belonging to the same cluster in both years (in the first case: 2015 and 2022);

FP is the number of elements belonging to the same cluster in the base year (2015) but to different clusters in the compared year (2022);

FN is the number of elements belonging to the same cluster in the compared year (2022) but to different clusters in the base year (2015).

FM index is calculated using the formula:

$$FM = \sqrt{\frac{TP}{TP+FP} * \frac{TP}{TP+FN}}$$

According to Table 2 (a), the value of the FM index was 0.43, and according to the data of the same table, but point (b), it was 0.35.

A higher index value means greater similarity between the clustering of regions in the indicated years.

It can be concluded that in the last years of the “post-COVID” period, an

increase in “territorial stratification”, i.e. in this study, the differentiation of regions in terms of the efficiency of water consumption in agriculture was significantly more intense than in the previous eight-year period.

Conclusions and recommendations

The methodology developed by Jimenez-Bello et al. (2010a) in which intake operation is scheduled in such a way that energy use is minimised has been improved by allowing each intake to operate only within the scheduled time. In this way, crop water requirements can be satisfied more efficiently and intakes are not restricted to operating in fixed time periods.

Major water-saving improvements from irrigation in the future will be realized largely through the management and innovative design of integrated water delivery and field irrigation systems for both agrarian and urban settings. Rural and urban irrigators will have to improve productivity per unit of water consumed. However, doing so will require major systematic cultural, managerial, engineering and institutional changes. This must be supported by system-wide enhancement of water delivery systems, advanced site-specific irrigation technologies that include self-propelled sprinklers and microirrigation systems, and other supporting monitoring, modeling and control technologies. Decision support tools will be needed to assist growers and managers in optimizing the allocation of limited water among crops, selection of crops by regions, and adoption of appropriate alternative crops in drought years.

Bibliography

1. <https://iwrmaactionhub.org/learn/iwrm-tools/efficiency-water-management#:~:text=Efficiently%20managing%20water%20resources%20requirements,education%20programs%20on%20water%20conservation>)
2. Water Resources Management for Agriculture and Food Security. Decision of the 24th Session of the FAO Committee on Agriculture, “Water Resources Management for Agriculture and Food Security” (Rome, 29.09 – 03.10.2014), <https://www.fao.org/3/mk967r/mk967r.pdf>.
3. WB: Agriculture in Uzbekistan is one of the most inefficient in terms of water consumption in the world (2022), <https://kun.uz/en/news/2022/05/28/wb-agriculture-in-uzbekistan-is-one-of-the-most-inefficient-in-terms-of-water-consumption-in-the-world>
4. Kundius V. V. Efficiency of the use of water and land resources in Russian agriculture. 2010. №3. pp. 123 - 126. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/effektivnost-ispolzovaniya-vodnyh-i-zemelnyh->

resursov-v-selskom-hozyaystve-rossii (Date of access: 06/07/2023).

5. Zharnitskaya N. F. Current state and assessment of the efficiency of water resources use in agriculture // Izvestiya VUZ EFiUP. 2012. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/sovremennoe-sostoyanie-i-otsenka-effektivnosti-ispolzovaniya-vodnyh-resursov-v-selskom-hozyaystve> (date of access: 06/07/2023).

6. Abdullaev I., Yakubov M. Agricultural Water Use and Trade in Uzbekistan: Situation and Potential Impacts of Market Liberalization (2009)., https://www.researchgate.net/publication/237397716_Agricultural_Water_Use_and_Trade_in_Uzbekistan_Situation_and_Potential_Impacts_of_Market_Liberalization

7. A Comprehensive Assessment of Water Management in Agriculture Edited by David Molden. IWMI. https://www.iwmi.cgiar.org/assessment/files_new/synthesis/Summary_SynthesiBook.pdf

8. Gober P., Wents E., Lant T., Tschudi M., WaterSim: A Simulation Model for Urban Water Planning in Phoenix, Arizona, USA (2011).

9. “Integrated Water Resources Management in Central Asia: Problems in the Management of Large Transboundary Rivers” by members of the Global Water Partnership network (2014), GWP, https://www.gwp.org/globalassets/global/gwp-cacena_images/publications/iwrm-ca-ttp.pdf

10. Danilov-Danilyan V.I., Khranovich I.L. Water resources management. Coordination of water use strategies. – M.: Scientific world, 2010. – 232 p.

11. Law of the Republic of Uzbekistan "On official statistics". Adopted by the Legislative Chamber on May 7, 2021. Approved Senate June 26, 2021 / <https://lex.uz/ru/docs/5569612>

12. Fowlkes-Mallows Index Between Clusterings, https://search.r-project.org/CRAN/refmans/clevr/html/fowlkes_mallows.html

13. Quality Estimation in the Clustering Problem. <https://neerc.ifmo.ru/wiki/index.php?title=>

14. https://www.researchgate.net/figure/Methodology-for-the-improvement-the-efficiency-in-water-resources-uses-Souza-et-al_fig1_275540090

<https://agupubs.onlinelibrary.wiley.com/doi/full/10.1029/2007WR006200>.

СУҒУРТА КОМПАНИЯЛАРИ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛАРИ

Исламов Шухратжон Туйчибаевич



*корпоратив молия ва қимматли
қозғозлар кафедрасининг катта ўқитувчиси
Тошкент молия институти
E-mail: islamov_shukhrat@bk.ru (98-366-09-21)
ORCID: 0009-0000-6328-1127*

Аннотация

Мақолада суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг имлий асослари ва долзарблиги асосланган. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини аниқлаш, унинг иқтисодий мазмуни ва аҳамиятига доир иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари қисқача баён этилган. Ўзбекистон суғурта бозорининг кейинги йиллардаги ривожланиш динамикаси ва тенденциялари таҳлил қилинган. Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таъминлашга доир илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: суғурта, умумий суғурта, ҳаётни суғурта қилиш, суғурта мукофоти, мажбурият, қайта суғурталаш, маржа, норматив, низом капитали, тўлов қобилияти.

ПУТИ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ФИНАНСОВОЙ УСТОЙЧИВОСТИ СТРАХОВЫХ КОМПАНИЙ

Исламов Шухратджан Туйчибаевич

*старший преподаватель кафедры
корпоративных финансов и ценных бумаг
Ташкентский финансовый институт
E-mail: islamov_shukhrat@bk.ru (98-366-09-21)
ORCID: 0009-0000-6328-1127*

Аннотация

В статье акцентируется внимание на актуальность обеспечения финансовой устойчивости страховых компаний. Кратко описаны научные исследования экономистов, связанных с проблемами финансовой устойчивости страховых компаний, подвергается анализу ее экономическое содержание и значение, исследованы динамика и тенденции развития страхового рынка Узбекистана, а также разработаны предложения и практические рекомендации по обеспечению финансовой устойчивости страховых компаний.

Ключевые слова: страхование, общее страхование, страхование жизни, страховая премия, обязательства, перестрахование, маржа, норматив, уставный фонд, капитал, платежеспособность.

WAYS TO ENVIRONMENT FINANCIAL STABILITY OF INSURANCE COMPANIES

Islamov Shukhratjon Tuychibaevich

*Senior lecturer of the department
corporate finance and securities
Tashkent Institute of Finance*

E-mail: islamov_shukhrat@bk.ru (98-366-09-21)

ORCID: 0009-0000-6328-1127

Abstract

The article focuses on the relevance of ensuring the financial stability of insurance companies. The scientific research of economists related to the problems of financial stability of insurance companies is briefly described, its economic content and significance is analyzed, the dynamics and development trends of the insurance market of Uzbekistan are studied, and proposals and practical recommendations are developed to ensure the financial stability of insurance companies.

Key words: insurance, general insurance, life insurance, insurance premium, liabilities, reinsurance, margin, standard, authorized capital, capital, solvency.

Кириш

Суғурта компаниялари томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатиладиган суғурта хизматлари сонини кўпайтириш, аҳолининг суғурта хизматларидан фойдаланиш орқали молиявий саводхонлигини янада ошириш, суғурта компаниялари томонидан суғурта мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ таъминланиши бевосита суғурта компанияларининг

молиявий барқарорлигига боғлиқ ҳисобланади. Кейинги йилларда Ўзбекистонда суғурта тармоғини ривожлантириш борасида кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилиб келинмоқда. Хусусан 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегиясида “аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, бюджет маблағларидан самарали фойдаланиш, тиббий хизматларни марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш” каби устувор вазифалар белгиланган [1].

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини таҳлил қилиш, суғурта компаниялари фаолиятини ривожлантириш борасидаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш юзасидан салмоқли ишлар амалга оширилган бўлса-да, айнан молиявий барқарорликни баҳоловчи аниқ меъзонларни ишлаб чиқиш, мазкур кўрсаткичларни суғурта компаниялари фаолиятига кенг тадбиқ этиш, халқаро амалиётда суғурта компаниялари рейтингини аниқлашда фойдаланиладиган асосий молиявий коэффицентлардан фойдаланиш борасида бир қанча камчиликлар мавжуд. Шунга мувофиқ, иқтисодиётнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этувчи суғурта компаниялари молиявий бақарорлигини ошириш орқали аҳоли ва юридик шахсларни мазкур бозорнинг фаол иштирокчисига айлантириш борасида илмий ва амалий ишларни амалга ошириш лозим.

Адабиётлар шарҳи

Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш орқали кўшимча капитал жалб қилиш имкониятларини ошириш, суғурта компанияларини капитал бозоридаги иштирокини янада такомиллаштириш ва молиявий барқарорлик коэффицентларини аниқлашнинг методологик асосларини ёритишга доир хорижий ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан тадқиқотлар амалга ошириб келинмоқда.

Компанияларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш нафақат компаниянинг ички корпоратив бошқарув тизими балки давлатнинг макроиқтисодий тартибга солиш инструментлар самарадорлигига боғлиқ ҳисобланади. Чунки бевосита юқори турувчи вазирлик ва ташкилотлар томонидан қабул қилинадиган норматив-меъёрий ҳужжатларни амалиётга самарали тадбиқ этилиши компанияларнинг истиқболли молиявий ҳолатини белгилашда муҳим ўрин тутди [2]. Молиявий барқарорлик яшил инновацияларнинг ўсиши ва тарқалишида муҳим рол ўйнайди ва янада барқарор ҳамда экологик тоза иқтисодиётни яратишга ёрдам беради [3].

Молиявий барқарорлик молиялаштириш учун кўшимча имкониятларни яратиш, капитал қийматини оптималлаштириш, иқтисодий ўсиш ва инвестициялар учун шароит яратиш орқали экологик инновациялар учун қулай муҳитни таъминлаши мумкин [4]. Молиявий барқарорлик нафақат компанияларнинг инвестицион имкониятларини ошириш, балки умумий иқтисодий ривожланишга ҳам бевосита таъсир кўрсатади. Молиявий бозорлар барқарор бўлганда, иқтисодиёт юқори даражадаги ўсиш ва инвестициялар кўламини ошириш орқали инновацияларни амалиётга тадбиқ қилиш имкониятини яратади [5].

Компанияларнинг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлаш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, аниқ бир кўрсаткичларни ўзи молиявий барқарорлик ҳолати бўйича тўлиқ тасаввурни шакллантириш имконини бермайди. Шунинг учун, иқтисодий тизимни ривожланиши билан бир қаторда замонавий молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили ҳам мос равишда такомиллашиб боради. Молиявий барқарорликни баҳолашнинг аниқ механизми мавжуд эмас, чунки ушбу кўрсаткичларнинг ўзгаришига аксарият ҳолатларда давлатнинг пул-кредит сиёсати бевосита таъсир кўрсатади. Айниқса, сўнгги йилларда юз бераётган жаҳон иқтисодий-молиявий инқирозларнинг кузатилаётганлиги ана шу кўрсаткичларни ҳар томонлама тадқиқ этиб боришни тақозо этмоқда [6]. Ж.Г. Шиназининг фикрича, молиявий тизим, агар иқтисодий ресурслар, молиявий рисклар, уларни баҳолаш ва бошқаришни самарали тақсимлаш амалга оширилсагина барқарор ҳисобланади. Ушбу таъриф орқали муаллиф молиявий барқарорликка эришишнинг муҳим жиҳати ҳисобланган, яъни айнан рискларни баҳолаш ва уларни бошқаришга эътибор қаратади [7]. Мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан акциядорлик жамиятлари молиявий барқарорлик кўрсаткичларини аниқлашга доир қатор тадқиқотлар амалга оширилган бўлиб, профессор А.У. Бурхановнинг фикрига кўра, молиявий барқарорлик фойда олиш ва қарзларни тўлаш, корхона ўз фаолиятини молиялаш имконияти ва ресурслар айланиш тезлигининг бир маромда ривожланиб боришига асосланган корхоналар фаолиятининг комплекс кўрсаткичидир [8]. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини тавсифлашда тўловга лаёқатлилиқ кўрсаткичидан ташқари, риск шароитида суғурта компаниясининг ташқи иқтисодий муҳитдаги ўзгаришларга мослаша олиш имкониятлари ҳам баҳоланиши лозим, деб ўйлаймиз. Чунки молиявий барқарорликни таъминлашнинг асосий шартларидан бири ҳам, риск мавжуд бўлган ҳолатда молиявий ресурсларни оптимал жойлаштириш ҳисобланади [9].

Таҳлил ва натижалар

Кейинги йилларда суғурта компаниялари фаолиятида ихтиёрий суғурта турлари бўйича ўсиш суръатлари кузатилмоқда, бу эса суғуртанинг реал ривожланиши ва суғурта компаниялари хизматларига бўлган ишонч даражасининг ортганидан далолат беради. Таҳлил натижаларидан кўринадик, 2023 йил 1 январ ҳолатига суғурта компаниялари сони 42 тани ташкил этган бўлса, шундан 8 та ташкилот ҳаётни суғурталаш фаолияти билан шуғулланади. Устав капитални ошириш бўйича кўрилган чоратadbирлар натижасида 2022 йил давомида суғурта ташкилотларининг умумий устав капитали 18,5 %га ўсди ва 1 884,11 млрд сўмни ташкил этди. 2022 йил якунига келиб, суғурталовчиларнинг инвестицион портфели 26,8 %га ошиб, 4,75 трлн сўмни ташкил этган (1-жадвал).

1-жадвал.

Ўзбекистон суғурта бозори ривожланишининг асосий кўрсаткичлари*

Йиллар	Суғурта компаниялари сони	Суғурта мукофотлари (млрд сўм)	Суғурта қопламалари (млрд сўм)	Жами устав капитали (млрд сўм)
2010	34	175,5	27,6	200,1
2015	30	515,5	111,2	420,7
2016	26	692,6	130,5	443,1
2017	27	927,4	269,9	321,6
2018	30	1635,2	460,8	543,1
2019	36	2313,9	813,5	755,2
2020	40	2212,1	732	1439,1
2021	42	3733,5	1235	1439,1
2022	41	6231,6	2103	1884,11

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Суғурта компаниялари томонидан амалга оширилган инвестицион фаолиятнинг асосий қисми тижорат банкларининг депозитлари улушига тўғри келиб таҳлил қилинаётган даврда уларнинг миқдори 31,2 %га ошиб 2,90 трлн сўмни ташкил этган. Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда суғурта компаниялари институционал инвестор сифатида Тошкент РФБ қимматли қоғозлар савдо улушида юқори ўринлардан бирини эгаллаб келмоқда. Суғурта компаниялари томонидан қимматли қоғозларга йўналтирилган инвестициялар 2022 йил якуни бўйича 17,5 %га ўсиб, 1297,92 млрд сўмни ёки суғурта ташкилотлари инвестицияларининг 27,1 %ини ташкил этган. Жадвал маълумотларидан кўринадик, 2022 йил давомида

суғурталовчилар томонидан йиғилган умумий суғурта мукофотлари 67,0 %га ўсиб, 6,23 трлн сўмни ташкил этди. Шу билан бирга, таҳлил қилинаётган даврда ҳаётни суғурталаш бўйича тўловлар 112,6 % га ошиб, 1 524,68 млрд сўмни ташкил этган. Хусусан, ихтиёрий суғурта турлари бўйича тўловлар 76,89 % га ўсиб, суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган барча суғурта мукофотларининг 5,71 трлн сўмини ёки 91,68 % ини (2021 йилда 86,54 %) ташкил этди. Шу билан бирга, 2022 йил мобайнида мажбурий суғурта хизматлари бўйича тўловлар 3,18 % га ошиб, 518,04 млрд сўмни ташкил этган.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда суғурта компаниялари томонидан қўшимча молиявий захираларнинг йиғилиши ва инвестицион фаолиятини диверсификациялаш борасида амалга оширилган ислохотлар натижасида уларнинг молиявий барқарорлик даражаси ҳам босқичма-босқич яхшиланиб бормоқда. Бироқ амалга оширилган таҳлил маълумотларидан аниқландики, айрим суғурта компаниялари томонидан молиявий барқарорлик даражалари бўйича белгиланган миқдорлар даражаси паст фоизларда сақланиб қолмоқда. Маълумки, суғурта компаниялари молиявий барқарорлик даражасини баҳолашда уларнинг тўловга қобилияти кўрсаткичлари муҳим ўрин тутди. Суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) тўлов қобилияти - суғурталовчиларнинг (қайта суғурталовчиларнинг) ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ бажара олиш қобилиятидир. Тўлов қобилиятининг асоси бўлиб шакллантирилган устав капитали, етарли суғурта захиралари, шунингдек қайта суғурта қилиш тизимининг мавжудлиги ҳисобланади. Халқаро ва миллий рейтинг тизимларига асосан, тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи 1 дан кам бўлмаслиги шарт.

Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдорини тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдорига бўлган нисбатига тенг бўлиб, қуйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$ТҚМЕН = ТҚМҲМ / ТҚМНМ$$

Бу ерда, ТҚМЕН – тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги нормативи; ТҚМҲМ – тўлов қобилияти маржасининг ҳақиқий миқдори; ТҚМНМ – тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори.

Умумий суғурта соҳасида ёки фақат қайта суғурта фаолиятини амалга оширадиган суғурталовчилар учун тўлов қобилияти маржасининг норматив миқдори бўлиб, қуйидаги учта миқдорнинг энг каттаси ҳисобланади:

суғурта фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ,

суғурталовчи учун белгиланган устав капиталининг энг кам миқдори;

“мукофотлар усули” бўйича ҳисобланган миқдор;

“тўловлар усули” бўйича ҳисобланган миқдор.

Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган айрим суғурта компанияларининг тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги коэффиценти бўйича маълумотлар 2-жавдалда келтирилган.

2-жадвал.

Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги коэффиценти*

т/р	Суғурта компания номи	Тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги коэффиценти		Ўзгариши, %
		30.09.2022	30.09.2021	
Умумий суғурта соҳаси				
Умумий суғурта соҳаси учун жами:		1,3071	1,7616	-25,8%
1.	«O‘zbekinvest» ЭИСК	3,2860	6,3730	-48,4%
2.	«Universal sug‘urta»	1,8039	1,3490	+33,7%
3.	«Trust-insurance»	1,7458	0,9585	+82,1%
4.	«Temiryo‘l su g‘urta»	1,5561	2,6984	-42,3%
5.	«Euroasia insurance»	1,4366	1,7877	-19,6%
6.	«O‘zagrosug‘urta»	1,3865	1,6347	-15,2%
Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси				
Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун жами:		1,0146	1,1788	-13,9%
1.	«Euroasia life insurance»	1,0412	1,0164	+2,4%
2.	«Kafolat hayot insurance»	1,0006	0,9634	+3,9%
3.	«Apex life insurance»	1,0003	1,0038	-0,4%
4.	«Agros hayot»	0,9293	1,5950	-41,7%
5.	«O‘zbekinvest hayot sug‘urta kompaniyasi»	0,9197	1,1137	-17,4%
6.	«Farovon sug‘urta»	0,8422	1,0295	-18,2%

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Таҳлил жараёнига умумий суғурта соҳасидаги тўлов қобилияти маржасининг етарлилиги коэффиценти бўйича етакчи компаниялари ҳамда ҳаётни суғурта қилиш соҳасидаги паст даражага эга бўлган компаниялар жалб қилинган. Жадвал маълумотларидан кўринадики, ҳар икки суғурта соҳаси бўйича умумий коэффицент ижобий, яъни 1 дан катта бўлса-да, бироқ умумий суғурта соҳаси бўйича -25,8 %га ва ҳаётни суғурта қилиш соҳаси бўйича эса -13,9 %га камайганлигини кўриш мумкин.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини баҳолашда фойдаланиладиган асосий коэффицентларидан бири активлар рентабеллиги

(ROA-Return of Assets) va хусусий капитал рентабеллиги (ROE-Return on equity) ҳисобланади. Активлар рентабеллиги коэффиценти молиявий менежерларнинг иш сифатини баҳолаш, компаниянинг барча активларидан фойдаланиш самарадорлиги ва, шу билан бир қаторда, компания мулкдан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатувчи молиявий коэффицент бўлиб, пул бирликлари ҳисобига компаниянинг ҳар бирлик активи қанча соф фойда олиб келишини кўрсатувчи молиявий коэффицент ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, компания мулкига инвестиция қилинган ҳар бир пул бирлигидан қанча фойда тушишини ифодаловчи кўрсаткичдир. Ўзбекистон Республикасида фаолият юритаётган айрим суғурта компанияларининг активлар ва хусусий капитал рентабеллиги коэффицентлари бўйича маълумотлар 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал.

**Суғурта компанияларининг ROE ва ROA коэффицентлари
бўйича маълумотлари***

т/р	Суғурта компания номи	ROE		ROA	
		30.09.22	30.09.21	30.09.22	30.09.21
Умумий суғурта соҳаси					
Умумий суғурта соҳаси учун жами:		7,40%	4,05%	2,59%	1,62%
1.	«My-insurance»	35,65%	3,40%	8,70%	0,27%
2.	«Apex insurance»	33,62%	5,28%	4,74%	0,91%
3.	«DD general insurance»	30,21%	1,25%	13,81%	0,56%
4.	«SQB insurance sug'urta»	22,04%	7,69%	6,81%	6,31%
5.	«Xalq sug'urta»	21,95%	16,18%	7,72%	5,05%
6.	«Temiryo'l sug'urta»	19,81%	25,28%	8,54%	9,29%
7.	«Gross sug'urta kompaniyasi»	19,45%	5,60%	3,99%	0,71%
8.	«Global insurance group»	17,61%	5,08%	6,59%	1,89%
Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси					
Ҳаётни суғурта қилиш соҳаси учун жами:		2,5%	1,9%	0,9%	0,7%
1.	«New life sug'urta mpaniyasi»	10,9%	0,2%	3,1%	0,1%
2.	«Alfa life insurance»	5,4%	4,2%	3,0%	2,2%
3.	«Euroasia life insurance»	3,4%	5,6%	1,2%	2,2%
4.	«Farovon sug'urta»	2,7%	6,0%	1,3%	4,0%
5.	«O'zbekinvest hayot sug'urta»	0,5%	2,5%	0,1%	0,4%
6.	«Apex life insurance»	-0,3%	1,0%	-0,2%	0,3%
7.	«Kafolat hayot insurance»	-0,8%	-3,3%	-0,6%	-2,1%
8.	«Agros hayot»	-2,9%	1,3%	-1,6%	0,3%

*Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлигининг расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

Бошқача айтганда, ROE (Return on equity) компания соф фойдасини

хусусий капиталига нисбатини ифодалайди ва фоизлар орқали баҳоланади. ROE инвесторларга компания ўз капиталидан қанчалик самарали фойдаланаётганини баҳолаш имконини беради. ROA (Return of Assets) компания соф фойдасини унинг активларига нисбатини акс эттиради ҳамда фоизларда ифодланади, инвесторларга компания активларидан қанчалик самарали фойдаланишини баҳолаш имконини беради. 3-жадвал маълумотларида умумий суғурта соҳасидаги энг юқори рентабелликка эга бўлган компаниялар келтирилган бўлса, ҳаётни суғурта қилиш соҳаси эса энг паст даражада коэффицентларга эга бўлган компаниялар келтирилган. Ушбу жадвал маълумотларидан кўринадикки, умумий суғурта соҳасида ҳар икки коэффицентда ҳам таҳлил қилинаётган даврда ижобий ўсиш кузатилган бўлиб дастлабки учта суғурта компанияларининг таҳлил давридаги соф фойдасини деярли уч баробарга ошганлигини умумий коэффицентни юқори бўлишини таъминлаган. Ҳаётни суғурта қилиш соҳасида ҳам ҳар иккала коэффицент бўйича ижобий тенденция кузатилган бўлсада, «Areh life insurance», «Kafolat hayot insurance» ва «Agros hayot» каби суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини ижобий баҳолаш қийин. Мазкур компаниялар томонидан компанияни истиқболли ривожлантиришга доир стратегияларни қайта кўриб чиқиш ва инвестицион имкониятларини ошириш борасида қарорлар қабул қилиш зарур.

Хулоса

Миллий амалиётда низом капиталида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари фаолият самардорлигини баҳолашга доир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат ишлаб чиқилган бўлса-да, ушбу Низом қоидалари тижорат банклари ва суғурта компанияларига нисбатан татбиқ этилмайди. Бизнингча, суғурта компаниялари фаолият самардорлиги ва молиявий барқарорлигини баҳолашда халқаро стандартлар ва халқаро рейтинг агентликлари ҳисоблаш методикасига асосланган Низом ишлаб чиқилиши ва амалиётга тадбиқ этилиши лозим. Бунинг натижасида эса, суғурта компаниялари ўртасида рақобат муҳитини ривожлантириш билан бирга инвестицион жозибадорлигини янада ошириш имконияти вужудга келади.

Халқаро амалиёт тажрибаларидан аниқландикки, АҚШ ва Буюк Британия компанияларида ROE ўртача қиймати 10-12%ни ташкил қилади. Капитал рентабеллигини баҳолашнинг асосий мезони - бу инвестор бошқа лойиҳаларга сармоя киритиши мумкин бўлган муқобил даромад миқдори билан солиштириш асосида олинган натижа ёки хулоса ҳисобланади. Коэффицент қанчалик юқори бўлса, инвестициялар миқдори мос равишда

иктисодий самарадорлиги юқори бўлади. Агар капитал рентабеллиги нолдан паст бўлса, келгусида компанияга инвестициялар киритиш орқали бирон натижага эришиш мавхум бўлиб қолади. Қоида тарикасида коэффициент қиймати бошқа компаниялар акцияларига, облигацияларга ва “ўта оғир” ҳолатларда банкка қўйилган муқобил инвестициялар билан таққосланади.

Суғурта компаниялари молиявий барқарорлигини аниқлашда юқоридаги коэффициентлардан ташқари турли моделлар ва алгоритмлардан фойдаланилмаётганлиги бугунги кундаги асосий муаммолардан бири саналади. Таъкидлаш лозимки, акциядорлик жамиятларида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолашда бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилаётган бўлсада, бироқ мазкур услубиятдан акциядорлик жамиятларида фойдаланилмаётганлиги хорижий инвесторларни жалб қилишдаги асосий камчилик сифатида қараш мумкин. Чунки халқаро инвесторларни капиталдан фойдаланишдаги самарадорлик кўрсаткичларининг жорий ҳолатидан ташқари, уни истикболда келтириши мумкин бўлган фойдалалилик даражаси муҳим ҳисобланиб, шу сабабли ҳам инвестицион жозибадорлик ортиши натижасида, капитал самарадорлиги ошади ҳамда капиталлашув жараёнларининг тезлашади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси” ПФ-60-сон Фармони. – <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Xiuping Hua, Jianda Bi, Haoqian Shi, The appropriate level of financial inclusion: The perspective of financial stability, *China Economic Quarterly International*, Volume 3, Issue 3, 2023, – P. 167-178, ISSN 2666-9331. – <https://doi.org/10.1016/j.ceqi.2023.08.001>(<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2666933123000291>)
3. Santos-Arteaga, F. J., Tavana, M., Torrecillas, C., & Di Caprio, D. (2020). Innovation dynamics and financial stability: a European Union perspective. *Technological and Economic Development of Economy*, 26(6), 1366-1398. – <https://doi.org/10.3846/tede.2020.13521>
4. Xin Long Xu, Tao Shen, Xi Zhang, Hsing Hung Chen, The role of innovation investment and executive incentive on financial sustainability in tech-capital-labor intensive energy company: Moderate effect, *Energy Reports*, Volume 6, 2020, – P. 2667-2675, ISSN 2352-4847. – <https://doi.org/10.1016/j.egyr.2020.09.011>(<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2352484720313226>)

5. Sultan Alzakri, Does financial stability inspire environmental innovation? Empirical insights from China, Journal of Cleaner Production, Volume 416, 2023, 137896, ISSN 0959-6526. – <https://doi.org/10.1016/j.jclepro.2023.137896>. (<https://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0959652623020541>)
6. Charles Freedman Clyde Goodlet. Financial Stability: What It Is and Why It Matters. No. 256, November 2007. C.D. Howe Institute Commentary: <https://www.researchgate.net/publication/23799588>.
7. Garry J. Schinasi Safeguarding financial stability: theory and practice/Garry J. Schinasi – Washington, D.C.: International Monetary Fund. 2005 – Pp. 94-97
8. Бурханов А.У. Корхоналар молиявий барқарорлиги: назария ва амалиёт Монография – Т.: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. –160 б.
9. Носиров Ж.Т. Суғурта компанияларининг молиявий барқарорлигини таъминлаш амалиётини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертацияси автореферати. – ТДИУ. 2021.
10. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги. – <https://imda.uz/oz/2022-yillik-korsatkichlar>
11. Hamdamov O. ANALYSIS OF THEORETICAL METHODS RELATED TO DETERMINATION OF COST OF CAPITAL IN FINANCIAL MANAGEMENT. International Finance and Accounting 2020. 3 (2020): 2.
12. Hamdamov O. IMPROVING FINANCIAL RISK MANAGEMENT METHODOLOGY //International Finance and Accounting. – 2020.– Т. №. 6. – С.

АКЦИЯЛАРНИ ОММАВИЙ ЖОЙЛАШТИРИШНИНГ ТАШКИЛИЙ-ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИ МАСАЛАЛАРИ

Боев Бекзоджон Жўракул ўғли



*иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)
корпоратив молия ва қимматли қозғолар
кафедраси доценти
Тошкент молия институти
E-mail: bekzodbek_92@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-0069-8739*

Аннотация

Мақолада акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этишнинг ташкилий-иқтисодий асослари, механизмлари ва асосий элементлари атрофлича тадқиқ этилган. Шу билан бир қаторда, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш бўйича татқиқот олиб борган хорижий ва маҳаллий олимларнинг фикр мулоҳазаларини ва хорижий давлатлар амалиётини ўрганган ҳолда мамлакатимизда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини такомиллаштириш бўйича хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молия бозори, фонд бозори, капитал, инвестиция, IPO, SPO, акциядорлик жамиятлари, потенциал инвестор, Due Diligence, эмитент, эмиссия.

ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ МЕХАНИЗМА ПУБЛИЧНОГО РАЗМЕЩЕНИЯ АКЦИЙ

Боев Бекзоджан Журакул оглы

*доктор философии (PhD) по экономическим наукам
доцент кафедры корпоративных
финансов и ценных бумаг
Ташкентский финансовый институт
E-mail: bekzodbek_92@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-0069-8739*

Аннотация

В статье исследованы организационно-экономические основы, механизмы и основные элементы организации практики публичного размещения акций акционерными обществами. Кроме того по итогам изучения теоретических работ зарубежных и отечественных ученых, проводивших исследования практики публичного размещения акций и практики зарубежных стран, были разработаны предложения по совершенствованию практики публичного размещения акций в нашей стране.

Ключевые слова: финансовый рынок, фондовый рынок, капитал, инвестиции, IPO, SPO, акционерные общества, потенциальный инвестор, Due Diligence, эмитент, эмиссия.

ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC ISSUES OF THE MECHANISM OF PUBLIC PLACEMENT OF SHARES

Boyev Bekzodjan Djurakul ugli

*Doctor of Philosophy (PhD) economic sciences,
Associate Professor of the Department of
Corporate finance and securities.
Tashkent Institute of Finance
E-mail: bekzodbek_92@inbox.ru
ORCID: 0000-0003-0069-8739*

Abstract

This article explores the organizational and economic foundations, mechanisms and main elements of organizing the practice of public offering of shares by joint-stock companies. In addition, based on the results of studying the opinions of foreign and domestic scientists who conducted research on the practice of public offering of shares and the practice of foreign countries, conclusions and proposals were developed to improve the practice of public offering of shares in our country.

Keywords: financial market, stock market, capital, investments, IPO, SPO, joint-stock companies, potential investor, Due Diligence, issuer, issue

Кириш

Мамлакатимизда сўнги йилларда акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини ривожлантириш бўйича қатор ислохотлар амалга оширилмоқда. Чунки акцияларни оммавий жойлаштириш бизнес учун арзон капитал жалб қилиш орқали юқори самарадорликка хизмат қилса, инвесторлар ва аҳоли учун даромад манбаларини диверсификациялаш ҳамда оширишга хизмат

килади. Бу борада “Кварц”, “Қўқонмеханика” заводи, “Жиззах пластмасса”, “Uzauto Motors” акциядорлик жамиятлари томонидан ушбу амалиётни ташкил этиш жараёнларида маълум бир ижобий ёки салбий тажрибалар олинди. Лекин акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётлари орқали эришиш мумкин бўлган имкониятлардан етарлича фойдаланилмоқда, дея олмаймиз. Чунки мамлакатимизда акцияларни оммавий жойлаштириш масаласи бўйича қатор ислохотлар амалга оширилаётганлигига қарамасдан, акциядорлик жамиятлари томонидан ушбу амалиётни ташкил этиш орқали капитал жалб қилиш масаласи эътибордан четда қолмоқда.

Вазифалар белгиланганлигига қарамасдан, «Шаҳрисабз вино-ароқ», «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, «Алоқабанк» АТБ, «Asia Alliance Bank» АТБ, «Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси» сингари акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти ташкил этилмасдан қолганлигида кўришимиз мумкин.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2023 йил 24 март куни ўтказилган давлат мулкани хусусийлаштириш ишларининг ижроси ва бу борада жорий йилги режалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган йиғилишда: “40 та йирик корхона ва банклардаги давлат улуши “халқчил IPO” орқали сотилади. Жумладан, илк бор Навоий ва Олмалиқ кон-металлургия комбинатлари, Metallургия комбинатлари, “Ўзтелеком”, Миллий банк, Саноатқурилишбанк каби йирик корхоналарнинг ўртача 2 фоиз акциялари аҳолига таклиф этилади. Бунда аҳолига акцияларни тўғридан-тўғри сотиб олиш имконияти яратилади. Акциялари сотилган корхоналар беш йил давомида соф фойдасининг камида 30 фоизини дивиденд тўлашга йўналтиради”. Бу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-102-сон Қарорининг иловасида ўз аксини топди [1].

Акциядорлик жамиятлари томонидан, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, акцияларни оммавий жойлаштириш долзарб бўлиб, унинг амалиётини ташкил этиш, ўзига хос тамойилларига ва механизмларига риоя қилиш кутилаётган натижаларни кафолатлайди. Шу боисдан бу борада алоҳида тадқиқотлар олиб борилиши зарур.

Адабиётлар шарҳи

Акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётини самарали ташкил этиш орқали капитал жалб қилиш масаласи доирсида қатор хорижий ва маҳаллий олимларимиз тадқиқотлар олиб боришган.

Хитойлик иқтисодчи олимлар Thomas Chemmanur, Gang Hu, Jiekun

Huanglar institutsional investorlarning IPO amaliyotlaridagi ishtirok etishining muhim jihatlariidan biri anderrayterlik faoliyati ekanligiga ehtiBOR qaratgan holda “institutsional investorlar IPO amaliyotlarida anderrayterlik faoliyati orqali IPO utkazgan kompaniyalar haqida muhim ma'lumotlariga ega buladi, shuningdek, uz ishtiroklari uchun katta miqdorda xizmat haqi oladilar” [2], deya ta'kidlab utgan.

Xorijlik iqtisodchi olimlardan Ufuk Gukbilmez, Tomas Brian institutsional investorlarning kupchiligi “... IPOning aukcion savdolarida vaqti-vaqti bilan ishtirok etadi. Ushbu turdagi institutsional investorlar, odatda, anderrayterlar tomonidan tavsiya etilgan investorlardan iborat buladi. Ular aksiyalarning oz qisimga taklif bildiradi va kamdan-kam holdarda aksiyalarni sotib olishadi. Institutsional investorlar orasida IPO aukcion savdolarida doimiy ishtirokchilar sifatida qatnashuvchilari sони ozchilikni tashkil etadi, lekin ular konservativ takliflarga ega bulishadi va bозор haqida yaxshi ma'lumotga ega bulgan ishtirokchilar sifatida kuriladi” [3], deya ta'kidlab utgan.

O.Yu. Ermolovskaya, T.A. Sherbenalarning fikriga kura, aksiyalarni birламчи ommaвий жойлаштириш “... kompaniyalar uchun kushimcha moilyalashтириш manbasini vazifasini bajaradi. Natijada kompaniya aksiyadorlar urtasida risklarni taqsimlash orqali arzonroq narxda mablaglarni jalb qilish imkoniyatiga ega buladi” [4].

Markaziy Osiё мамлакатлари orasida davlat korxonalari orqali xorijий investitsiyalarni jalb qilish tojikistonlik olim R.B. Berdiyev tomonidan urganilgan bulib, fond bозорлари rivojlanmaganligini davlat ulushi mavjud korxonalariga xorijий investorlarni jalb qilishda asosий tushinlik qiluvchi faktor sifatida kuraди [5].

Maхаллий iqtisodchi olimlarimizdan S. Elmirzaev “aksiyalarni ommaвий жойлаштириш nisbatan yuqori xarajatlarni, kup vaqtni talab qilсаda, katta miqdordagi kapitalni jalb qilish imkonini beradi. Shuningdek, aksiyalarni ommaвий жойлаштириш amaliyotini tashkil qilish uchun talab qilingan jarayonlar va ularning amalga oshirishi kompaniyaning shaffofligini oshiradi va uning moilyaviy holatini obyektiv baholash imkonini beradi” [6], deya ta'kidlab utgan.

K. Chinkulov “IPO orqali investorlarning keng guрухи korporatsiya haqida teгишли axborotga ega buladilar, natijada korporatsiyaning moilyalashтиришning manbalari kupaydi va qarз kapitaliga yunalтирилган xarajatlar qisqaradi. IPO ning ommaвий emissiya hamda mamuriy

харажатларни қоплаши билан бирга, корпорацияга йирик миқдордаги акциядорлик капитали жалб этилишини таъминлаши ҳам унинг афзалликларидан ҳисобланади” [7], дея таъкидлаган.

А. Аликулов ўзининг “Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш” мавзусидаги тадқиқот ишида IPO жараёнларида қимматли қоғозларнинг нархларини энг оптимал ва аниқ талаблар асосида шакллантириш, потенциал инвесторларни танлаб олиш жараёнини осонлаштириш имкониятини яратадиган, дунё амалиётида кенг фойдаланиладиган “Book building” усули қолган қатъий нарх усули ва аукцион усулига қараганда яхшироқ эканлигини таъкидлаб ўтган [8].

А. Каримов ўзининг “Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш” мавзусида олиб борган тадқиқот ишида республикамизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятларида давлатнинг улуши юқори эканлигидан келиб чиққан ҳолда, иқтисодиётни янада ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш жараёнида давлат улуши мавжуд бўлган акциядорлик жамиятларини акцияларини фонд бозорида хусусий инвесторларга SPO орқали сотиш самарали ҳисобланишини таъкидлаб ўтган [9].

Таҳлил ва натижалар

Ривожланган давлатлар амалиётида акцияларни оммавий жойлаштириш амалиёти икки хил йўналишда амалга оширилади. Биринчи йўналиш биржа орқали, иккинчи йўналиш эса биржадан ташқари. Follow-on, PPO, PBO оммавий жойлаштириш турлари биржа орқали ҳамда DPO ва PO оммавий жойлаштириш турлари биржадан ташқари амалга оширилади. Follow-on – бу компаниянинг акцияларини иккиламчи жойлаштириш жараёнидир. PPO – компания қимматли қоғозларини (акция, облигация, депозитор векселлар) оммавий жойлаштириш ҳисобланади. PBO (Piggyback Offering) – акциядорлар келишган ҳолда бир вақтда акцияларни оммавий жойлаштириш жараёнидир. DPO (Direct Public Offering) – фонд бозорини четлаб ўтган ҳолда инвесторларга тўғридан-тўғри компания қимматли қоғозларини таклиф этишдир. PO (Private Offering) – маълум тоифадаги инвесторлар учун акцияларни ёпиқ тарзда оммавий жойлаштиришдир. Биз тадқиқотимизда асосий эътибор қаратаётган IPO ва SPO амалиётлари биржа орқали амалга ошириладиган оммавий жойлаштириш тури ҳисобланади.

Бугунги кунда мамлакатимизда юқорида таъкидлаб ўтилган оммавий жойлаштириш турларидан фақат IPO ва SPO усулларидан фойдаланилиб келинмоқда. IPO ва SPO амалиётларининг муваффақиятли амалга

оширилиши корпоратив молиявий стратегиянинг тўғри ишлаб чиқилганлиги ва унга амал қилинишига бевосита боғлиқ. IPO бўйича корпоратив стратегия бевосита узоқ муддатли тайёргарлик режасини белгилаб олишни талаб этади. Узоқ муддатли тайёргарликдан асосий мақсад инвестицион жозибадорликни ошириб боришдир. Бунинг учун эса юқори рентабелликка эришиш асосида мунтазам дивидендларга ўтиш, ички ҳужжатларни жозибадорлик нуктаи назаридан такомиллаштириш (дивидендга йўналтириладиган соф фойда миқдорини, дивиденд тўлаш шаклини, устав капиталида улушга эгалик қилишнинг юқори чегарасини аниқ белгилаш кабилар) талаб этилади. Шу билан бирга IPO тушган маблағлар йўналтириладиган лойиҳаларнинг истиқболли эканлигини асослаш орқали рентабеллик янада ошириш ҳисобига акциялар даромадлилиги ўсиши прогнозларига ишонтира олиш ҳам муҳим. Миллий амалиётда мазкур жиҳатга етарлича эътибор қаратилмоқда, дея олмаймиз

Фонд бозорида акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) амалиётларини ташкил этиш орқали катта миқдорда капитал жалб қилиш, акциялар нархининг ошишига эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, ўзининг халқаро имижини шакллантириш каби ижобий жиҳатларга эришиши мумкин. Шу билан бир қаторда, бу жараённи самарали ташкил этилишида молиявий маслаҳатчи ва андеррайтер сифатида танланган институционал инвесторларнинг ҳам аҳамияти юқорилигини эътироф этиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шу сабабли халқаро амалиётда IPO ва SPO амалиётларини ташкил этиш босқичлари, уларда институционал инвесторлар иштироқи, IPO ва SPO операцияларини амалга ошириш усуллари, шунингдек, йирик халқаро IPO ва SPO операцияларини ўрганиш ва таҳлил қилиш муҳим аҳамият касб этади.

1-chizma.

IPO амалиётига тайёргарлик кўриш ва ўтказиш босқичлари*



*Муаллиф ишланмаси.

Чизмадан кўринадики, IPO жараёни тўрт босқичли бўлиб, ушбу амалиётни ташкил этиш узоқ вақтни (бир неча йилларни) ва юқори миқдордаги молиявий харажатларни талаб қилади.

Компаниянинг ички тайёргарлигидан ва барча зарурий жараёнлардан ўтишидан ташқари, IPOнинг амалга ошиш вақти иқтисодиётнинг жорий ҳолати билан боғлиқлигини ҳам алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки бозордаги нобарқарор ҳолат капитални жойлаштириш бўйича риск даражасини кескин ошириши ва кутилаётган капиталлашув даражасига эришиш имкониятини пасайтириши мумкин. Компания ўз ички имкониятларини таҳлил қилган ҳолда IPO ва SPO операцияларини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилгандан кейин тайёргарлик жараёнини бошлайди.

Биринчи босқичда ташкилотчилар ва IPO иштирокчилари гуруҳи тузилади ҳамда улар томонидан компания молиявий стратегияси белгиланади ва мос равишда бизнес-режа ишлаб чиқилади. Шунингдек компания тайёргарлик даражаси молиявий томондан баҳоланади. Бу жараёнда халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботлар тайёрланади.

Иккинчи босқичда хорижий ҳамкорлар, маслаҳатчилар ва потенциал инвесторлар томонидан компаниянинг молиявий ҳолатини текшириш (инг. «due diligence») жараёнига жиддий эътибор қаратилади. «Due Diligence» – бу инвестицияланиши кутилаётган корпоратив тузилмалар тўғрисида аниқ маълумотларга эга бўлиш жараёни ҳисобланади.

Бу жараён инвестиция рискларини баҳолаш, инвестиция объектини мустақил баҳолаш, молиявий ҳолати ва бозордаги ўрнини комплекс текширишни ўз ичига қамраб олади. Бу жараённи ташкил этишдан асосий мақсад – эҳтимолий тадбиркорлик рисклари, шу жумладан солиқ, иқтисодий, ҳуқуқий ва маркетинг рискларини ўрганиш, уларни мақбул даражагача оптималлаштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шунингдек, қимматли қоғозларни жойлаштириш бўйича PR-агентлар, инвесторлар билан ишлашга жиддий ёндашилиб, потенциал инвесторлар олдида бориб роад шоулар ўтказилади. Роад шоулар ўтказиш учун потенциал инвесторларни танлашда инвестор фаолияти ташкил этилган давлатда солиққа тортиш даражасини ҳам ҳисобга олиш лозим. Чунки дивидендларга нисбатан солиқ юки юқори бўлган давлатларда инвесторларнинг акциялар сотиб олиш орқали даромад кўришга нисбатан ёндашиш даражаси бир мунча паст бўлади.

“Due Diligence” жараёни ташкилотчилар томонидан корхона ходимларини кенг жалб қилган ҳолда ташкил этилади. Бунинг учун ахборот хонаси ташкил этилади, у ерда барча зарур бўладиган ҳужжатлар тўпланади.

Халқаро амалиётни тадқиқ этган ҳолда айтишимиз мумкинки, «Due Diligence» жараёнида қуйидаги йўналишлар таҳлил қилинади (1-жадвал).

1-жадвал.

“Due Diligence” ўтказиш жараёнида таҳлил қилинадиган йўналишлар тўғрисида маълумот [10]

т/р	Ўрганиладиган йўналишлар	Эътибор бериладиган жиҳатлар
1.	Корпоратив бошқарув	Таъсис ҳужжатларини таҳлил қилиш, корпоратив таомиллар бажарилганлигини текшириш, корхона улушлари/акциялари билан содир этилган барча битимларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш ва ҳ.к.
2.	Юридик йўналиш	Корхона амалга оширилаётган фаолият бўйича лицензияга эгаллигини текшириш, мулкӣ ҳуқуқларни (эгаллик, ижара ҳуқуқи, интеллектуал фаолият натижаларига ҳуқуқ ва ҳ.к.) экспертизадан ўтказиш, шартнома муносабатларини, шу жумладан кредит ва қарз муносабатларини таҳлил қилиш, корхона бўйича даъво ва суд даъволарини текшириш ва таҳлил қилиш.
3.	Кадрларга доир иш юритиш	Кадрларга оид асосий ҳужжатларни текшириш, меҳнат шартномаларини, шу жумладан бош директор билан тузилган меҳнат шартномасини ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш, ходимларнинг шахсий йиғмажилдлари ва меҳнат дафтарчалари юритилишини текшириш ва ҳ.к.
4.	Бухгалтерия ҳисоби	Корхонада бухгалтерия ҳисоби, ички назорат ҳолатини умумий баҳолаш, бухгалтерия ҳисоботларини (бухгалтерия баланси ва молиявий натижа тўғрисида ҳисобот) модда-модда таҳлил қилиш, йирик етказиб берувчилар ва харидорларнинг кредиторлик ва дебиторлик қарзларини (юзага келиши, ўзгариши, даъво муддати ўтганлиги) таҳлил қилиш, асосий воситалар ва бошқа мулк таркиби.
5.	Солиқ ҳисоби	Солиқ юки таркиби, солиқ солинадиган база тўғри аниқланиши ва имтиёزلардан тўғри фойдаланишни таҳлил қилиш, солиқлар бўйича потенциал солиқ таваккалчиликларини ўрганиш, солиққа доир ҳуқуқий муносабатларнинг хусусиятларини таҳлил қилиш (таъминот чоралари, жарималар, солиқлар бўйича қарзларни реструктуризация қилиш ва солиқ кредитлари бериш), солиқ текширувлари ва солиқ низолари тарихи.
6.	Молиявий таҳлил	Рентабелликни (умуман, корхона бўйича ва ҳар бир таркибий тузилма бўйича алоҳида) таҳлил қилиш, корхонанинг тўлов қобилияти ва ликвидлигини таҳлил қилиш, кредит ва қарз муносабатларининг иқтисодий шароитларини таҳлил қилиш ва ҳ.к.

Жадвалдан кўришимиз мумкинки, «Due Diligence» жараёни юристлар, бухгалтерлар, аудиторлар, кадрлар ҳисоби бўйича мутахассислар, молиявий

таҳлилчилар ва солиқ маслаҳатчилари ўзаро ҳамжиҳатликда ишлашларини тақозо этади. Ушбу жараёни амалга ошириш якунларида «Due Diligence» таомили ўтказилганлиги тўғрисида тайёрланган ҳисоботи қуйидагиларни ўз ичига олади: корпоратив тузилма тўғрисида умумий маълумотлар, фаолият йўналишининг ҳар бир бўлаги бўйича таҳлил, рисклар тавсифи, юзага келиши мумкин бўлган рискларни камайтириш бўйича хулосалар ва тавсиялар. Таъкидлашимиз жоизки, бу ҳужжатлар жамият менежменти учун ички ҳужжат ҳисобланади. Потенциал инвесторлар учун эса инвестицион меморандум асосий ҳужжат ҳисобланиб, у инвесторлар корхона акцияларига инвестиция киритиш бўйича онгли равишда қарор қабул қилишлари учун зарур ахборотни ўз ичига олган бўлади.

Бундан ташқари ушбу босқичда қимматли қоғозлар бўйича олди-сотди битимлари рўйхатга олинган фонд биржаси ва очиқ бозорга чиқиш вақти аниқлаб олинади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган босқичлар орасида нархлаш босқичига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим. Бунда молия бозорини ўрганиш, талаб ва таклиф нисбатини инобатга олиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Дунё тажрибасида IPO амалиётларида акцияларга нарх белгилашнинг 3 усули қўлланилади. Булар белгиланган нарх (fixed-price) усули (очиқ таклиф (open offer) усули деб ҳам аталади), аукцион (auction) усули ҳамда бук-билдинг (book-building) усули. Бу усуллар моҳиятга кўра маълумот олиш имконияти, акцияларни жойлаштириш, нархлар ва бошқа жиҳатлар билан бир-биридан фарқланади. Шу билан бир қаторда, уларнинг барчаси ўзига яраша афзаллик ва камчиликларга эга ҳисобланади. Масалан, бук-билдинг (book-building) усули механизмларининг қулайлиги билан афзал кўрилса, институционал келишув, институционал инвесторлар рақобати йўқлиги каби жиҳатларни унинг камчиликлари сифатида эътироф этишимиз мумкин. Бошқа усулларнинг ҳам ижобий жиҳатлари билан бир қаторда салбий жиҳатлари бор.

Белгиланган нарх (fixed-price) усулида эмитент томонидан инвесторларнинг талаблари бўйича батафсил маълумотлар олинмасдан аввал нархлар ва кўрсатмалар белгиланади ҳамда акциялар савдоси илгари эълон қилинган кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилади. Ушбу усул акцияларни жойлаштиришда хилма-хилликни таъминлаши мумкин (кўплаб мамлакатлардаги сингари улкан харидларга нисбатан кичик харидларга устунлик бериш орқали), бироқ ушбу усулни қўллаш компания учун салбий натижага ҳам хизмат қилиши мумкин.

Бук-билдинг (book-building) усулида инвесторлар учун барча муҳим

маълумотларни тўплаш ва буюртмалар портфелини шакллантириш учун тегишли роад шоулар ташкил этилади. Буюртмалар портфели андеррайтер учун кўрсатмалар ва маълумотлар манбаи бўлиб, у инвесторларнинг талаблари тўғрисида маълумот олишга ёрдам беради. Шунингдек, буюртмалар портфели акциялар сонини мавжуд талабга мослаштириш имкониятини ҳам тақдим этади. Белгиланган нарх (fixed-price) усули ва бук-билдинг (book-building) усули ўртасидаги асосий фарқ шундаки, бук-билдинг (book-building) усулида инвесторлар нархлар ва акцияларни жойлаштиришга таъсир қилиши мумкин.

Акцияларни дастлабки оммавий жойлаштиришда аукцион (auction) усули турли хил кўринишларда фойдаланилади. Хусусан, баъзи аукционларда (uniformed auction) инвесторлар бозор клиринг нархи асосида акцияларни сотиб олишлари мумкин, лекин баъзида акциялар бозор клиринг нархидан пастроқ нархга ҳам сотилиши мумкин бўлади.

Шу билан бир қаторда, акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётининг бир қанча кучли жиҳатлари, кучсиз жиҳатлари, акциядорлик жамиятлари учун яратиши мумкин бўлган имкониятлари ва юзага келиши мумкин бўлган рискларни қуйидаги SWOT таҳлилида кўришимиз мумкин (2-chizma).

2-chizma.



*Муаллиф ишланмаси.

Чизмадан кўринадикки, акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш амалиётини ташкил этиш корпоратив тузилмалар учун йирик миқдорда капитал жалб қилиш, акциялар капитали орқали корхонанинг

ликвидлилигини ошириш, компаниянинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, мулкни мақбул нархда жойлаштириш, компаниянинг музокара кучини ошириш, корхонанинг узоқ муддатли ривожланиш мақсадларини амалга ошириш ва бозорда юқори рақобатбардошликка эришиш сингари имкониятларни тақдим этади. Юқорида таъкидланган ижобий жиҳатлар билан бир қаторда IPO амалиётининг корпоратив тузилмалар учун юзага келтириши мумкин бўлган бир қанча салбий жиҳатлари ҳам мавжуд. Ахборотни оммавий равишда ошкор қилиш, эмиссия харажатларининг юқорилиги, IPO орқали акцияларни чиқариш жараёнининг мураккаблиги, акцияларнинг паст баҳоланиши, компаниянинг бошқа йирик компаниялар томонидан қўшиб олинishi шулар жумласидандир.

Хулоса

Умуман олганда IPO ва SPO амалиётларини ташкил этиш ва ўтказишда юқорида таъкидлаб ўтилган жиҳатларга эътибор қаратиш кўзланган мақсадга эришишда, яъни акцияларни оммавий жойлаштириш амалиётларининг муваффақиятли ташкил этилишида ҳамда аҳолини акциядорга айлантириш орқали даромадларини оширишда, арзон капитал жалб қилишда, хусусийлаштиришнинг самарали кечишида, иқтисодий молиялаштиришда кредит бозорига рақобатчи институт сифатида фонд бозори ривожланишида муҳим аҳамият касб этади, деб ҳисоблаймиз.

Акцияларни оммавий жойлаштириш мавзуси бўйича тадқиқот олиб борган хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларимизни фикр-мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда, шунингдек хорижий давлатлар амалиётини ўрганган ҳолда аниқ айтишимиз мумкинки, акцияларни оммавий жойлаштириш компаниянинг ликвидлилиги ошишига, катта миқдордаги капитал жалб қилишга ҳамда компаниянинг дунё миқёсидаги имижини ошишига имкон беради.

Оммавий жойлаштириш амалиётларини муваффақиятли бўлиши жиддий тайёргарликдан ўтишни талаб қилиниши боис узоқ муддатли корпоратив стратегия асосида иш олиб борилиши, акциядорлик жамиятларининг тайёргарлик даражаси IPO тестидан ўтказилиши лозим.

Акциядорлик жамиятлари томонидан акцияларни оммавий жойлаштириш (IPO, SPO) орқали катта миқдорда капитал жалб қилиш, акциялар нархининг ошишига эришиш, инвестицион жозибадорликни ошириш, ўзининг халқаро имижини шакллантириш каби жиҳатларга эришиши мумкин.

IPO ва SPO амалиётларидан кейинги босқич, яъни амалиёт ўтказилгач

инвесторлар билан муносабатлар манфаатли бўлиш шартлиги боис, акциядорлик жамиятлари ички хужжатларида, хусусан уставда дивидендга йўналтириладиган соф фойда кўрсаткичи жозибали тарзда белгиланиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартиришнинг кўшимча чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-102-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6417192>
2. Thomas Chemmanur, Gang Hu, Jiekun Huang. The Role of Institutional Investors in Initial Public Offerings. // The Review of Financial Studies, November 2010. – P.46.
3. Ufuk Güçbilmez, Tomás Ó Briain. Bidding styles of institutional investors in IPO auctions. // Journal of Financial Markets, 2 June 2020, 100579. – P. 21.
4. Ermolovskaya Yu., Shcherbina T. A. Features of carrying out IPO of the company in Russia. // II International Scientific Conference GCPMED 2019 “Global Challenges and Prospects of the Modern Economic Development”, 2019. – P. 6.
5. Бердиев Р.Б. Роль приватизации в привлечении иностранных инвестиций (на материалах Республики Таджикистан). Дис. Таджикский государственный аграрный университет, 2006. – С. 135.
6. Элмирзаев С. Замонавий корпоратив бошқарув: дарслик / -Т.: Иқтисод-молия, 2019. – 416 б.
7. Чинқулов Қ. Республикамизда илк IPO ҳамда SPO: ютуқлар ва муаммолар. // Халқаро молия ва ҳисоб илмий электрон журнали. № 5, октябрь, 2019 йил. – Б.12.
8. Аликулов А. Ўзбекистонда фонд бозори орқали капитал оқимини ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация автореферати. – Т.: 2021. – 13-б.
9. Каримов А.И. Аҳолининг бўш пул маблағларини жалб қилиш орқали қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... диссертация автореферати: Т.: 2021. – 18-б.
10. Қурбонов Ж. ва бошқалар. Халқаро IPO амалиётлари таҳлили: ташкилий хусусиятлари ва институционал инвесторлар иштироки. // Иқтисод ва молия илмий журнали. №1(137) 2021. – Б.57.

KEY DEVELOPMENT FACTORS OF THE SECURITIES MARKET IN THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN



Olimjon Davronovich Alimov

*Researcher of the Department of
Corporate Finance and Securities
Tashkent Institute of Finance
E-mail: alim.d.alimov@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6133-2349*

Abstract

This article presents the key development factors of the securities market in the Republic of Uzbekistan. Both macroeconomic and institutional factors have been identified. The article provides an empirical model of key factors' influence on securities market development in the Republic of Uzbekistan. Panel data for 30 emerging countries of the World Bank and the International Monetary Fund were used. The results show that gross domestic savings and GDP per capita are significant and have a positive impact on the development of the securities market.

Key words: securities market, corporate securities, economic growth, macroeconomic factors, institutional factors, market capitalization, GDP per capita, inflation rate, foreign direct investment, interest rate

КЛЮЧЕВЫЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ РЫНКА ЦЕННЫХ БУМАГ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

Алимов Олимжон Давронович

*свободный соискатель кафедры
корпоративных финансов и ценных бумаг
Ташкентский финансовый институт
E-mail: alim.d.alimov@gmail.com
ORCID: 0000-0001-6133-2349*

Аннотация

В данной статье представлены основные ключевые факторы развития рынка ценных бумаг Республики Узбекистан. При этом эти факторы определены как макроэкономические, так и институциональные. Приведена эмпирическая модель влияния ключевых факторов на развитие рынка ценных бумаг Республики Узбекистан. Использованы панельные данные по 30 развивающимся странам из источников Всемирного банка и Международного валютного фонда. Результаты показывают, что валовые внутренние сбережения и ВВП на душу населения являются значительными и оказывают положительное влияние на развитие рынка ценных бумаг.

Ключевые слова: рынок ценных бумаг, корпоративные ценные бумаги, экономический рост, макроэкономические факторы,

институциональные факторы, рыночная капитализация, ВВП на душу населения, уровень инфляции, прямые иностранные инвестиции, процентная ставка.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИ

Алимов Олимжон Давронович

корпоратив молия ва қимматли қоғозлар
кафедрасининг мустақил изланувчиси

Тошкент молия институти

E-mail: alim.d.alimov@gmail.com

ORCID: 0000-0001-6133-2349

Аннотация

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозори ривожланишининг асосий омиллари келтирилган. Шу билан бирга, макроиктисодий ва институционал омиллар аниқланган. Ўзбекистон Республикаси қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига асосий омиллар таъсирининг эмпирик модели келтирилган. 30 та ривожланаётган мамлакатлар учун Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди манбаларидаги панел маълумотлардан фойдаланилган. Натижалар шуни кўрсатадики, ялпи ички жамғармалар ва аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот муҳим аҳамиятга эга ва қимматли қоғозлар бозорининг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Калит сўзлар: қимматли қоғозлар бозори, корпоратив қимматли қоғозлар, иқтисодий ўсиш, макроиктисодий омиллар, институционал омиллар, бозор капиталлашуви, аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, инфляция даражаси, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, фоиз ставкаси

INTRODUCTION

The importance of the securities market lies in its ability to reduce the cost of mobilizing savings, promoting investment in the most productive technologies, and improving the allocation of capital, allowing investment projects to be implemented with long-term payback.

The securities market provides liquidity, on the one hand allowing investors to trade financial assets with the least risk, and on the other hand providing companies with optimal access to capital. The development of the securities market directly affects the improvement of corporate governance of companies, solving the problem of relationships between business owners and managers, coordinating mutual interests and motivating managers to strive to maximize the value of companies. Moreover, developed securities markets promote international risk sharing, allowing global investment portfolios to shift from safer low-yield

capital to riskier high-yield capital.

Many studies devoted to the analysis of the relationships between the securities market and various aspects of the economy identify key development factors.

The importance of the securities market lies in its ability to reduce the cost of mobilizing savings, promoting investment in the most productive technologies, and improving the allocation of capital, allowing investment projects to be implemented with long-term payback.

The securities market provides liquidity, on the one hand allowing investors to trade financial assets with the least risk, and on the other hand providing companies with optimal access to capital. The development of the securities market directly affects the improvement of corporate governance of companies, solving the problem of relationships between business owners and managers, coordinating mutual interests and motivating managers to strive to maximize the value of companies. Moreover, developed securities markets promote international risk sharing, allowing global investment portfolios to shift from safer low-yield capital to riskier high-yield capital [10].

Many studies devoted to the analysis of the relationships between the securities market and various aspects of the economy identify key development factors.

LITERATURE REVIEW

Based on a review of the available theoretical literature, the key factors in the development of the securities market can be divided into two groups: (1) macroeconomic factors and (2) institutional factors, which in turn are divided into components (Table 1).

Table 1.

Key factors of the securities market*

Macroeconomic factors	Institutional factors
• Economic growth	• Legal origin
• Development of the banking sector	• Legal protection
• Inflation rate	• Corporate governance
• Interest rate	• Financial market liberalization
• Exchange rate	• Stock market integration
• Private capital	• Trade transparency

*Compiled by the author.

There is general agreement in the theoretical literature that the level of real income and its growth have a positive impact on financial market development,

including the development of stock markets. Models that relate the level and rate of economic growth to the financial system suggest that the creation of financial intermediaries involves significant fixed costs. As the economy grows, the importance of these fixed costs decreases, allowing more people to participate in financial activities. Consequently, economic development allows more people to access financial services and products [9].

Banks perform better than stock markets in providing financial functions such as gathering information about companies, corporate governance, and sharing intertemporal risks to the economy [4].

The theoretical literature shows that higher inflation rates are associated with less liquid and smaller equity markets. This also shows that there is a non-linear relationship between inflation rates and financial market development [3].

A positive relationship between interest rates and stock prices may exist in small and illiquid stock markets and financial markets where credit flows are highly regulated [1].

Classical economic theory establishes a close relationship between stock market performance and exchange rate behavior. For example, Dornbusch and Fischer (1980) [6] show that stock market movements can be affected by exchange rate fluctuations.

There are two opposing views on the relationship between FDI and stock market development. Some studies argue that FDI is nothing more than a substitute for domestic stock market development [7], while others argue that foreign direct investment is a complement to stock markets [5].

As Pagano [12] argued, the presence of transparency and rules can influence the efficiency of stock markets. For example, mandatory disclosure of reliable information about firms can increase investor confidence and hence investor participation. Rules that increase investor confidence in brokers will also stimulate trading activity in the stock market. According to scientists, better legal protection of the interests of shareholders and creditors will contribute to the influx of investment and the availability of external financing for firms.

Several theoretical studies have documented that financial market liberalization has a positive impact on the development of the stock market. According to Henry [8], stock market liberalization is a decision by a country's government to allow foreigners to buy shares in that country's stock market. Based on the fundamental prediction of standard international asset pricing models, Henry argues that stock market liberalization allows risk to be shared between domestic and foreign investors. Consequently, the cost of equity capital of the liberalizing country will be reduced, which will contribute to the development of

the stock market.

RESEARCH METODOLOGY

The approach adopted in this study is to model the impact of macroeconomic and institutional factors on the development of the securities market of the Republic of Uzbekistan.

Macroeconomic factors include income levels, savings and investment, banking sector development, macroeconomic stability, and private capital flows. Institutional factors include political risk, quality of bureaucracy, rule of law, corruption, and democratic accountability. A statistical description of all variables is presented in Table 2.

Cross-sections and time series are extracted to accommodate unbalanced panel data for 30 developing countries for the period 2010–2020. from data from the World Bank and the International Monetary Fund. Missing data were imputed using the average of previous periods.

The variables are defined and calculated as follows:

1. STCAP: stock market capitalization as an indicator of development (% of GDP)
2. GDP: real GDP per capita, a measure of a country's economic growth (this variable is used in natural logarithm form)
3. DMIN: domestic investment (% of GDP)
4. DMSAV: Domestic Savings (% of GDP)
5. FDI: foreign direct investment, net inflow (% of GDP)
6. DMC: domestic credit to private sector (% of GDP)
7. INF: inflation per year (%)
8. Z-Score: financial stability of the bank (default)

Institutional quality includes six World Bank governance indicators, defined as follows:

1. Anti-Corruption Control (CNCR) measures perceptions of the extent to which government power is used for personal gain;
2. Government Effectiveness (GEF) refers to the perception of the effectiveness of government services and the level of their independence from political pressure, the effectiveness of policy development and implementation, and the reliability of government commitment to such policies;
3. Political stability and absence of violence/terrorism (PLS) reflects the perception of the likelihood of political instability and/or politically motivated violence, including terrorism;
4. Regulatory Quality (RQU) measures the perception of government

competence in designing, formulating and implementing sound policies and regulations that promote private sector development;

5. Rule of law (RUL) is defined as the perception of the extent to which agents comply with the rules of society, and in particular the quality of enforcement of contracts, property rights, police and courts;

6. Voice and Accountability (VOA) is a measure of the extent to which a country's citizens have the right to choose their government, as well as freedom of expression, freedom of association, and freedom of the media.

These indicators allow the country to be assessed in the range of approximately - 2.5 to 2.5.

Table 2.

Descriptive Data Statistics*

Variable	Mean	Median	Std. deviation	Min	Max
STCAP	54,1	41,3	49,0	3,06	345,
DMIN	26,4	25,5	7,35	9,55	48,9
DMSAV	28,9	27,6	14,7	-21,7	75,5
FRI	3,57	2,56	4,22	-3,99	29,7
INF	6,08	4,07	9,31	-25,1	61,1
CNCR	-0,170	-0,366	0,754	-1,39	2,17
GEF	0,156	0,0708	0,664	-1,19	2,32
PLS	-0,365	-0,449	0,838	-2,21	1,62
RQU	0,111	0,0773	0,709	-1,73	2,26
RUL	-0,0736	-0,213	0,669	-1,45	1,87
VOA	-0,422	-0,391	0,825	-2,12	1,15
L_GDP	9,02	9,13	0,979	6,66	11,4

*Author's calculations based on collected data from the World Bank and the International Monetary Fund

Empirical model

Based on the study of Yartey (2008) [14], the calculation uses the following equation to examine the key factors in the development of the securities market in developing countries:

$$STCAP_{it} = a_0 + a_1STCAP_{it-1} + a_2X_{it} + n_i + \varepsilon_{it} \quad (1)$$

This basic model is modified for testing using the example of Uzbekistan:

$$STCAP_{it} = b_0 + b_1STCAP_{it-1} + b_2X_{it} + b_3DU_{it} + n_i + \varepsilon_{it} \quad (2)$$

where *STCAP* is the dependent variable (securities market capitalization % of GDP); *X* – independent variables (macroeconomic and institutional); *DU_X* is a set of variables that is formed by interaction between a dummy variable (*D*) for Uzbekistan and the *X* variables; *D*=1, if *i* - Uzbekistan, otherwise *D*=0; *i* – countries; *t* – period; ε_{it} – white noise.

This study uses a two-stage system Generalized Method of Moments (GMM) to estimate the equations. Indeed, there is a serious estimation difficulty with the

fixed effects model in the context of a dynamic panel with a lagged dependent variable ($STCAP_{it-1}$). Since ($STCAP_{it-1}$) is a function of $STCAP$, it is correspondingly correlated with the standard errors.

Serial correlation creates a large sample bias associated with the coefficient estimate of the lagged dependent variable that cannot be mitigated by increasing N (Nickell, 1981) [11]. If the regressors are somewhat correlated with the lagged dependent variable, their coefficients may be seriously biased. Moreover, this is especially problematic in the case of data with a small-time dimension. Cross-sectional estimates will produce bias caused by the correlation between the lagged dependent variable and unobserved individual effects, since the current value of the dependent variable itself will depend on individual effects that may disappear in samples with a larger time dimension.

An alternative is to use any type of fixed effect method that eliminates time-independent effects due to some variation (e.g., first differences, within-group transformations, etc.). By taking first differences, the individual fixed effect is removed because it does not change over time.

However, in this case, the error term will have some lags and hence will be correlated with the lagged dependent variable, resulting in biased estimates.

The instruments include suitable lags of endogenous variables and strictly exogenous regressors. This estimation method easily generates multiple instruments because by period T all previous lags can be treated as instruments separately.

Blundell and Bond (1998) [2] show that first difference estimators have high bias and low precision even in studies with large numbers of participants (N). The system GMM estimator will likely demonstrate the best performance in terms of small samples, but only if the series are moderately to highly constant and the system GMM estimator will demonstrate the least bias and the highest precision (Soto, 2009) [13].

ANALISYS OF RESULTS

This section presents the results of macroeconomic factors in the development of the securities market of the Republic of Uzbekistan. Market development is measured by market capitalization as a percentage of GDP. Since market capitalization is measured at the end of the year and GDP is measured throughout the year, there is an inventory movement issue with this metric. To address this issue, we use the average of two consecutive year-end market capitalizations to estimate the average annual value.

In order to study the macroeconomic factors of development of the securities market of Uzbekistan, a dummy variable is created and then the relationship between the dummy variable and other variables such as economic growth, domestic investment, foreign direct investment, domestic credit, domestic savings and inflation is tested. The estimation is carried out on six models, each regression having one of six variables. Table 3 presents the results of the evaluation of the dynamic panel data.

Table 3.

Macroeconomic factors of the securities market development of the Republic of Uzbekistan*

Dependent Variable: Stock market capitalization (% of GDP)						
Variable	Model 1 (GDP_U)	Model 2 (DMIN_U)	Model 3 (DMSAV_U)	Model 4 (FRI_U)	Model 5 (INF_U)	Model 6 (DMC_U)
Lag of the dependent variable	0,540***	0,556***	0,540***	0,552***	0,532***	0,577***
Logarithm of GDP	-0,019	-0,016	-0,020	-0,008	-0,020	-0,009
Inflation	-0,007***	-0,007***	-0,007***	-0,008***	-0,007***	-0,007***
Gross fixed capital formation	-0,001	-0,001	-0,001	-0,003	-0,001	-0,001
Direct foreign investments	0,008	0,007	0,008	0,006	0,007	0,006
Gross Domestic Savings	0,009***	0,008***	0,009***	0,009***	0,010***	0,008***
Domestic credit to the private sector	0,005***	0,005***	0,005***	0,005***	0,005***	0,005***
Bank default rate Z-score	-0,005*	-0,005*	-0,005*	-0,004	-0,005*	-0,004
Macroeconomic indicators of the Republic of Uzbekistan	-0,037***	-0,015***	-0,024***	-0,091***	-0,027***	-0,018***
Constant	1,377***	1,30***	1,382***	1,242***	1,382***	1,189***
Observations	310	310	310	310	310	310
Number of tools	63	63	63	63	63	63
Number of groups	31	31	31	31	31	31
Autocorrelation 1st order	-3,678 [0,000]	-3,677 [0,000]	-3,671 [0,000]	-3,706 [0,000]	-3,624 [0,000]	-3,697 [0,000]
Autocorrelation 2nd order	-0,203 [0,839]	-0,262 [0,793]	-0,226 [0,821]	0,0218613 [0,9826]	-0,487083 [0,6262]	-0,221 [0,824]
Sargan test	-27,686 [0,598]	27,7886 [0,5983]	27,606 [0,599]	27,651 [0,598]	27,2108 [0,5987]	27,910 [0,598]

*Note: P values are in square brackets; ***, ** and * indicate significance at 1%, 5% and 10%, respectively.*

*Author's calculations based on collected data.

All macroeconomic factors have a significant negative impact on market development. Model 1 examines the impact of economic growth (GDP) on the development of the securities market. A significantly negative economic growth coefficient means that improving economic growth cannot contribute to market development.

Models 2 and 3 examine the role of domestic investment and savings in determining market development, and the results show that the impact is significant and negative. An absolutely identical trend is reflected in model 4, where the role of foreign investment in market development is negative.

Model 5 highlights the impact of inflation on market development, demonstrating its significant and negative relationship. Model 6 illustrates the impact of financial intermediation on market development. The high level of development of financial intermediation through lending has a significant and negative impact on the development of the securities market.

In fact, the demand for capital in the Republic of Uzbekistan is increasing, while the banking sector does not fully satisfy this need. Thus, the private sector of the Republic of Uzbekistan needs to finance investment projects and relies on raising funds from the securities market.

Table 4.

Institutional factors of the securities market development of the Republic of Uzbekistan*

Dependent Variable: Stock market capitalization (% of GDP)						
Variable	Model 1 (CNCR)	Model 2 (GEF_U)	Model 3 (PLS_U)	Model 4 (RQU_U)	Model 5 (RUL)	Model 6 (VOA)
Lag of the dependent variable	0,534***	0,542***	0,491***	0,525***	0,553***	0,534***
Logarithm of GDP	-0,050	-0,082*	0,004	-0,117***	-0,0584	-0,0234
Inflation	-0,007***	-0,005***	-0,008***	-0,004***	-0,006***	-0,007***
Gross fixed capital formation	-6,92037e-05	0,001	-0,002	-0,002	-0,0001	-0,002
Direct foreign investments	0,003	-0,001	0,009*	-0,003	0,003	0,007
Domestic credit to the private sector	0,004***	0,003***	0,006***	0,004***	0,004***	0,005***
Bank default rate Z-score	-0,005**	-0,006**	-0,004	-0,005*	-0,005*	-0,005*
Gross Domestic Savings	0,007***	0,006***	0,012***	0,009***	0,008***	0,010***
Institutional factors	0,123	0,280***	-0,085	0,255***	0,160**	0,010
Institutional factors of the Republic of Uzbekistan	0,499**	0,915	1,342	0,340***	0,487*	0,234
Constant	1,593***	2,101***	1,161**	2,378***	1,825***	1,420***
Observations	310	310	310	310	310	310
Number of tools	64	64	64	64	64	64
Number of groups	31	31	31	31	31	31
Autocorrelation 1st order	-3,712 [0,000]	-3,783 [0,000]	-3,777 [0,000]	-3,601 [0,000]	-3,704 [0,000]	-3,707 [0,000]
Autocorrelation 2nd order	-0,102 [0,918]	-0,299 [0,764]	-0,034 [0,972]	-0,325 [0,745]	-0,197 [0,843]	-0,178 [0,858]
Sargan test	28,239 [0,597]	27,881 [0,598]	27,150 [0,998]	28,835 [0,997]	28,385 [0,997]	27,263 [0,998]

Note: P values are in square brackets; ***, ** and * indicate significance at 1%, 5% and 10%, respectively.

* Author's calculations based on collected data.

Assessing the influence of institutional quality components on market development, the following conclusions can be drawn.

The study of the influence of institutional quality on the development of the securities market of Uzbekistan is carried out by introducing a dummy variable and

combining it with such variables as control of corruption, government effectiveness, political stability, regulatory quality, rule of law and voting rights and accountability. These combinations generate six new variables by sequentially estimating six models, each regression of which has one of these variables.

The estimated results presented in Table 4 show that Model 1 reveals an effect of corruption control on market development, which is positive and significant and confirms their close relationship. Strengthening control over corruption, accordingly, can improve the efficiency of the securities market in Uzbekistan.

In Model 2, government efficiency is positive, but not statistically significant, and in Model 3, political stability does not have a significant impact on market development, despite its positive value.

The quality of regulation has a positive effect on market development according to Model 4, and is crucial for market development, since it reduces political risks and stimulates demand for securities. Moreover, the effect of the rule of law was significant and positive at the 10% level (Model 5), while in Model 6, voice and accountability had no effect on market development.

CONCLUSION

Thus, we can conclude that the development of the securities market of the Republic of Uzbekistan partly depends on the influence of macroeconomic and institutional factors. In particular, significant macroeconomic indicators are gross domestic savings, GDP per capita, domestic credit to the private sector and foreign direct investment, which directly affect the increase in market capitalization, increased investor confidence and the entry of local companies into the securities market.

When assessing the influence of the components of institutional quality, it should be noted that the influence of government efficiency, regulatory quality and the rule of law are significant. Building the right policies and implementing reforms has a beneficial effect on the investment climate and reduces the risks of illegal influence and interference in private property.

For the development of modern infrastructure of the local securities market, the following is relevant:

1. Integration into international capital markets, by attracting large international investment banks with their software and custodial system;
2. Strengthening regulation of published corporate information of securities market participants to reflect current data on the market state of companies and the relationship with their value;

3. Permission for commercial banks to use financial instruments in the primary securities market, which will provide additional capital inflow.

These measures will qualitatively and quantitatively increase the trade turnover of the market, establish the necessary infrastructure and increase the attractiveness of the Uzbek market in the global financial arena.

BIBLIOGRAPHY

1. Asprem, M. (1989), “Stock prices, asset portfolios and macroeconomic variables in ten European countries”, *Journal of Banking and Finance*, Vol. 13 No. 4, pp. 589-612.

2. Blundell, R. and Bond, S. (1998) Initial Conditions and Moment Restrictions in Dynamic Panel Data Models. *Journal of Econometrics*, 87, 115-143.

3. Boyd, J.H., Levine, R. and Smith, B.D. (2001), “The impact of inflation on financial market performance”, *Journal of Monetary Economics*, Vol. 47, pp. 221-248.

4. Chakraborty, S. and Ray, R. (2004), *Bank-Based Versus Market-Based Financial Systems: A Growth-Theoretic Analysis*, Mimeo, University of Oregon.

5. Claessens, S., Demirgüç-Kunt, A. and Huizinga, H. (2001), “How does foreign entry affect domestic banking markets?”, *Journal of Banking & Finance*, Vol. 25 No. 5, pp. 891-911.

6. Dornbusch, R. and Fisher, S. (1980), “Exchange rates and the current account”, *American Economic Review*, Vol. 70, pp. 960-971.

7. Hausmann, R. and Fernández-Arias, E. (2000a), “Is FDI a safer form of financing?”, *Inter-American Development Bank Working Paper 416*, Washington, DC, April.

8. Henry, P.B. (2000a), “Stock market liberalization, economic reforms and emerging market equity prices”, *Journal of Finance*, Vol. 58 No. 2, pp. 529-563.

9. Hicks, J. (1969), *A Theory of Economic History*, Clarendon Press, Oxford.

10. Jensen, M.C. and Murphy, K.J. (1990), “Performance pay and top-management incentives”, *Journal of Political Economy*, Vol. 98 No. 2, pp. 225-264.

11. Nickell, S. (1981) Biases in Dynamic Models with Fixed Effects. *Econometrica*, 49, 1417-1426.

12. Pagano, M. (1993), “The floatation of companies on the stock market: a coordination failure”, *European Economic Review*, Vol. 37, pp. 1101-1125.

13. Soto, M. (2009). *System GMM estimation with a small sample*. Institut d’Anàlisi Econòmica, Barcelona, July.

14. Yartey, C.A. (2008) Well-Developed Financial Intermediary Sector Promotes Stock Market Development. Evidence from Africa. *Journal of Emerging Markets Finance*, 6, 269-289.

АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ТАСНИФЛАШИНING СТАТИСТИК МЕТОДЛАРИ МАСАЛАЛАРИ



Илёсова Дилбар Исмоил қизи

таянч докторант (PhD)

*Кадрлар малакасини ошириш
ва статистик тадқиқотлар институти*

E-mail: ilyosovadilbar64@gmail.com

ORCID:0009-0006-2824-0585

Аннотация

Мақолада аҳоли даромадлари табақаланишини статистик методлар асосида ўрганишни такомиллаштириш йўллари кўриб чиқилган. Аҳоли даромадларининг шаклланиш жараёнлари илмий тадқиқ этилган. Шунингдек аҳоли пул даромадлари ва харажатларини статистик усулларда таҳлил этилиб, илмий хулосалар чиқарилган.

Калит сўзлар: ишчи кучи, дисперсия, дисперсия коэффициенти, вариация коэффициенти, аҳоли даромадлари, меҳнат хақи, бюджет, индексация, ижтимоий тўловлар, модернизация, диверсификация.

ВОПРОСЫ СТАТИСТИЧЕСКИХ МЕТОДОВ КЛАСИФИКАЦИИ ДОХОДОВ НАСЕЛЕНИЯ

Илёсова Дилбар Исмаил кизи

докторант (PhD)

*Института переподготовки кадров и
статистических исследований*

E-mail: ilyosovadilbar64@gmail.com

ORCID:0009-0006-2824-0585

Аннотация

В статье рассматриваются пути совершенствования изучения распределения доходов населения на основе статистических методов, исследуются процессы формирования доходов населения, а также на основе использования статистических методов анализируются доходы и расходы населения, сформулированы научные выводы.

Ключевые слова: рабочая сила, дисперсия, коэффициенты дисперсии, доходы населения, трудовые права, бюджет, индексация, социальные выплаты, модернизация, диверсификация.

ISSUES OF STATISTICAL METHODS FOR CLASSIFICATION OF POPULATION INCOME

Ilyosova Dilbar Ismail kizi

*doctoral student (PhD)
Institute for Personnel Retraining and
statistical research
E-mail: ilyosovadilbar64@gmail.com
ORCID:0009-0006-2824-0585*

Abstract

The article discusses ways to improve the study of the distribution of income of the population on the basis of statistical methods, studies the processes of formation of income of the population, and also, based on the use of statistical methods, analyzes the income and expenses of the population, and formulates scientific conclusions.

Keywords: labor force, dispersion, dispersion coefficients, personal income, labor rights, budget, indexation, social payments, modernization, diversification.

Кириш

Жамият тараққиёти тарихига назар соладиган бўлсак, ҳамма даврларда аҳоли бир хил даромад олмаган. Ижтимоий келиб чиқиши, лавозими, интилувчанлигига қараб аҳолининг турли қатламлари турлича даромад олишган. Бу ҳолат бугунги кунда ҳам кузатилмоқда, лекин ҳозирги замон бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар табақалашувини имкон даражасида юмшатишга ҳаракат қилинади. Аҳоли даромадларини ҳаммага бир хил қилиш адолатсизликка сабаб бўлиши ҳеч кимга сир эмас.

Кишиларнинг имкониятлари, қобилиятлари турлича бўлганлиги сабабли уларнинг даромадлари турлича бўлиши ажабланарли ҳолат эмас. Яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдалана олган шахс ёки иқтисодий субъектларнинг рағбатлантирилиши ҳам шунга яраша бўлади. Тарихда аҳоли даромадларининг табақалашувига кескин чек кўйишга ҳам ҳаракатлар бўлган. Натижада бу ғоя хом хаёллиги, унинг ҳаётга тадбик этилиши ижобийдан кўра кўпроқ салбий оқибатларга олиб келиши маълум бўлди. Ушбу тизим натижасида кўпгина кишиларда боқимандалик ҳолати вужудга келган, янгиликка интилувчи, яратувчанлик қобилиятига эга бўлган шахсларнинг фаол бўлмаган шахслар билан бир хилда даромад топиши ва кейингиларга кўшимча рағбатлантириш ва имкониятларнинг такдим этилмаганлигиуларда норозилик ҳиссини кучайтирди ва оқибатда тизимнинг парчаланishiга сабаб бўлди.

Бозор иқтисодиёти шароитида инсонларнинг имконият ва қобилиятлари, ҳаракатларига қараб уларнинг рағбатлантирилишига кўпроқ эътибор берилади. Бунинг оқибатида аҳоли даромадлари ўртасида табақаланиш вужудга келади.

Алоҳида шахсларнинг даромадлари табақалашувига сабаб бўлувчи куйидаги бешта омил мавжуд:

- мерос омили, яъни ресурслар билан аввалдан таъминланганлик, шунингдек шахсга берилган табиий қобилият ва имконият;
- маълумоти ва олган тажрибаси даражасига боғлиқ бўлган, ҳаёти давомида йиғилиб келган интеллектуал капитал;
- инсоннинг ўз мақсадига эришиши учун сарфланадиган меҳнат қобилияти;
- ишчи кучи бозорида дискриминациянинг бор ёки йуқлиги;
- шахс томонидан қабул қилинган қарорларга таъсир этувчи омад.

Даромадларнинг табақалашувига шахсий омиллардан ташқари иқтисодиётнинг таркибий тузилишининг алоҳида белгилари ҳам салмоқли даражада таъсир этади. Буларга мисол қилиб иқтисодиёт соҳалари тузилиши, монополлашув даражаси, иқтисодиётнинг импорт учун очиклигини келтириш мумкин.

Хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтилиши натижасида жамиятнинг қатламларга бўлиниш жараёни содир бўлади, бу эса аҳоли табақаланишини статистик таҳлил қилишни тақоза этади. Даромадлардаги тенгсизликнинг улкан кўлам ёйиши мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликка хавф туғдириши мумкин. Шунинг учун жаҳондаги барча ривожланган мамлакатлар аҳолининг турли гуруҳлари даромадларидаги фарқни мунтазам равишда қисқартириб боришга мажбур бўлади.

Даромадлар даражасининг аҳоли жон бошига ёки банд бўлган бир кишига фарқланиши даромадларнинг табақаланиши дейилади. Уни миқдоран баҳолаш учун турли кўрсаткичлар қўлланилади ва улар мазкур жараённинг интенсивлигини ифода этади [1].

Адабиётлар шарҳи

XX асрнинг йирик тадбиркорларидан бўлган Г. Форд куйидаги фикрни келтириб ўтган: “Инсоният учун энг зарарли фикрлардан бири бу ҳамманинг тенглигини таъкидлашдир. Инсоният турлича бўлади, кўпроқ нарса яратган одам ўйига кўпроқ нарса олиб келиши лозим ва аксинча. Айнан шу нарса ҳалол меҳнатга боғлиқ қатъий ижтимоий адолат ҳисобланади”.

В.И. Рутгайзер аҳолининг пул даромадларини таҳлил қилиш ўз-ўзидан

уларнинг моддий неъматлар ва хизматлардан фойдаланиш даражаси, пул жамғармалари кўрсаткичлари билан ўзаро алоқасини назарда тутди ва буларга қиладиган харажатларини ҳам статистик ўрганишни талаб этади.

Бу таҳлилни мукаммаллаштириш вазифаси аҳоли ёки оиланинг турли мақсадлари учун қилган харажатларини асосли равишда илмий ўрганишни талаб этади [2]. Аҳолининг пул даромадлари – барча аҳолига тегишли пул ва натурал (маҳсулот шаклида) тушумлар ҳамда кўрсатилган бепул хизматлар суммаси; аҳолининг миллий даромаддаги ҳиссаси. Аҳолининг жами турдаги даромадлари манбаи – иш ҳақи, пенсия, стипендия, нафақалар, мукофот, фойда, дивиденд, заём ва лотерея ютуғи, банк тўлаган фоиз пули, кўчмас мулкдан келган рента тўлови ва ижара пули, суғурта қопламалари ва бошқалардан иборат.

В.Н.Салин, “Аҳоли турмуш даражаси”бу аҳолининг истеъмолини қондирилишининг моддий имкониятларини характерлайди. У ўз ичига ижтимоий ҳаётни турли ижтимоий жиҳатларини: меҳнат шароити, аҳоли даромади ва харажатлари даражаси ва тузилмаси, бўш вақтдан фойдаланиш, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат ва бошқаларнинг ривожланиш даражасини ўз ичига олади. Ижтимоий ҳаётни бу ижтимоий томонларини миқдорий тавсифлаш ижтимоий-иқтисодий индикаторлар ёрдамида амалга оширилади ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва ижтимоий ривожланишини статистик ўрганиш предмети ҳисобланади” деб таърифлайди [3].

Аҳоли турмуш даражасини баҳолаш муаммоларини таҳлил қилган маҳаллий олимлар аҳоли турмуш даражаси “ ... бу социалиқтисодий категория бўлиб, у кишиларнинг моддий ва маданий маиший эҳтиёжи қондирилиши ҳамда социал турмуш шароитининг яхшиланиб бориши каби тушунчаларни ўз ичига олади”, деб қайд қилишади [4].

Ё. Абдуллаев таъкидлаганидек, аҳоли даромадлари бу оила аъзолари томонидан муайян даврда олинган пул ва натурал кўринишдаги маблағлар қиймати йиғиндисини ифодалайди [5].

Қ.Х. Абдурахмонов аҳолининг турмуш даражасига қуйидагича таъриф берган: “Турмуш даражаси деганда, аҳолининг зарурий моддий ва номоддий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлиги, уларни истеъмол қилиш даражаси тушунилади” [6].

Таҳлил ва натижалар

Дастлабки маълумотлар бўйича, 2023-йилнинг январь-июнь ҳолатига кўра, аҳолининг умумий даромадлари 338,4 трлн сўмни ташкил этди. Аҳоли даромадлари бўйича реал ўсиш суръатларини ҳисоблашда нарх омиллари таъсирини чиқариб ташлаш мақсадида, инфляция кўрсаткичларининг асосий

турларидан бири – истеъмол нархлари индексидан (ИНИ) фойдаланилади. Истеъмол нархларининг ўзгариши сабабли ўтган йилнинг мос даврига нисбатан аҳоли умумий даромадларининг реал ўсиш суръати 106,5 % ни ташкил етди.


Аҳоли умумий даромадларини ҳисоблашда Статистика агентлиги ҳисоботлари маълумотларидан, шунингдек мунтазам равишда статистика органлари томонидан ўтказиб бориладиган яқка тартибдаги тадбиркорлар ва деҳқон хўжалиқларининг иқтисодий фаолияти бўйича ҳамда уй хўжалиқлари танланма кузатуви маълумотлари қўлланилади. Бундан ташқари Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Марказий Банк, Халқ Банки, Солиқ қўмитаси томонидан аҳолига ҳисобланган даромадлар, ижтимоий тўловлар ва солиқ тўловлари тўғрисидаги умумлашган маълумотлардан фойдаланилади.

2023-йилнинг январь-июнь ойларида аҳоли жон бошига умумий даромадлар ҳажмида Тошкент шаҳрида (22 110,2 минг сўм) ҳамда Навоий (14 127,4 минг сўм), Бухоро (10 596,1 минг сўм) ва Тошкент (9 779,6 минг сўм) вилоятларида ўртача республика даражасидан юқори кўрсаткичлар қайд етилганлиги кузатилди [11].

Аҳолининг умумий даромадлари таркиби 1 чизмада келтирилган.

1-чизма.

Аҳолининг умумий даромадлари таркиби*



*Давлат статистика агентлиги веб-сайти: <https://stat.uz/>.

Аҳолининг умумий даромадлари ҳажмини сезиларли даражада ўсиши асосан умумий даромадлар таркибида 29,2 % улуғи эга бўлган ёлланма ишчиларнинг даромадлари ва 32,7 % улуғи эга мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар ҳамда 28,5 % ни ташкил этувчи трансферлардан олинган даромадларнинг сезиларли ўзгариши ҳисобига юзага келган.

Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркиби 1-жадавалда

келтирилган.

1-жадвал.

Худудлар бўйича аҳолининг умумий даромади таркиби*

№	Вилоятлар	Меҳнат фаолиятидан олинган даромад	Шахсий истеъмол учун ўздан ишлаб ишлаб чиқарилган даромад ва мол-мулкдан олинган даромад	Трансфердан олинган даромад
1.	Қорақалпоғистон Републикаси	59,1	8,0	32,9
2.	Андижон	57,9	4,7	37,4
3.	Бухоро	67,9	4,8	27,3
4.	Жиззах	72,1	7,8	20,1
5.	Қашқадарё	63,6	6,6	29,8
6.	Навоий	79,1	7,0	13,9
7.	Наманган	59,9	8,5	31,6
8.	Самарқанд	55,9	9,3	34,8
9.	Сурхондарё	63,6	4,7	31,7
10.	Сирдарё	66,6	8,7	24,7
11.	Тошкент	74,6	9,4	16,0
12.	Фарғона	52,8	7,2	40,0
13.	Хоразм	59,6	6,9	33,5
14.	Тошкент ш.	57,5	20,0	22,5

 *Давлат статистика агентлиги веб-сайти: <https://stat.uz/>

Худудлар бўйича аҳоли умумий даромадлари таркибида меҳнат фаолиятидан олинган даромадлар (ёлланиб ишловчиларнинг иш ҳақи ва мустақил равишда банд бўлишдан олинган даромадлар)нинг энг юқори улуши Навоий (79,1 %), Тошкент (74,6 %) ва Жиззах (72,1 %) вилоятларида кузатилди. Аксинча, Фарғона, Самарқанд, Тошкент шаҳри, Андижон вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Наманган вилоятларида ўртача республика даражасидан паст кўрсаткични ташкил этди.

Хулоса

Жамият тараққиёти тарихига назар соладиган бўлсак, ҳамма даврларда аҳоли бир хил даромад олмаган. Ижтимоий келиб чиқиши, лавозими, интилувчанлигига қараб аҳолининг турли қатламлари турлича даромад олишган. Хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтилиши натижасида жамиятнинг қатламларга бўлиниш жараёни содир бўлади, бу эса аҳоли табақаланишини статистик таҳлил қилишни тақоза этади.

Жаҳон амалиётида аҳоли даромадлари тенгсизлигини аниқлашга бир қанча кўрсаткичлардан фойдаланилади. Аммо барча аҳоли даромадлари тенгсизлигини ўрганувчи услублар статистик услублар ҳисобланади. Бундай кўрсаткичлар сирасига аҳоли даромадлари табақаланишининг децил

коэффициенты, квинтилл коэффициенты, Лоренц эгри чизиғи, Жини коэффициенты, фонд коэффициенти кабилар киради. Хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига ўтилиши натижасида жамиятнинг қатламларга бўлиниш жараёни содир бўлади, бу эса аҳоли табақаланишини статистик таҳлил қилишни тақоза этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. <https://kun.uz/38234329>
2. Рутгайзер В.А. Оценка стоимости бизнеса: учебное пособие. – М.: Маросейка, 2008. – 432 с.
3. Салин В.Н. Статистика уровни жизни населения: учебное пособие. – М. КноРус, 2018. – 182 с.
4. Соатов Н.М. Статистика асослари: дарслик 743 б, 2003й.
5. Ақромов Э.А., Соатов Н.М. Статистика асослари. – Т.: Ўқитувчи, 1979. – 438 б.
6. Абдуллаев Ё.А. Макроиктисодий статистика. 100 савол ва жавоб. – Т: Мехнат, 1998. – 382 б.
7. Абдурахмонов Қ.Х. Мехнат иқтисодиёти (назария ва амалиёти). Олий ўқув юртлари учун. – Т.: Мехнат, 2016. – 610 б.
8. Давлат статистика агентлиги веб-сайти: <https://stat.uz/>.
9. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси: <https://lex.uz/>
10. Milliy barqaror rivojlanish maqsadlari bo'yicha maxsus sayt: <http://nsdg.stat.uz> .
11. Давлат статистика агентлиги веб-сайти: <https://stat.uz/>.

STATISTIKA TIZIMIDAGI RAQAMLI PLATFORMALAR

Mustafakulov O‘ktam Ungboyevich



Kadrlar malakasini oshirish va statistik tadqiqotlar instituti tayanch doktoranti (PhD)

E-mail: www.uktambek.uz@mail.ru

ORCID: 0000-0002-2302-211X

Annotatsiya

Maqolada statistik tizimdagi raqamli platformalarning hozirgi holati va ularning integratsiyalashuv imkoniyatlari tahlil qilingan hamda statistik tizimdagi raqamli platformalarning joriy holati o‘rganilgan, ularning ahamiyati va qo‘llanilishi, shuningdek hozirda ishlayotgan turli platformalar turlari, qabul qilish darajasi tadqiq etilgan.

Kalit so‘zlar: raqamli platforma, mobil ilovai, servis, IoT qurilmalari, statistik dasturiy ta’minot, interaktiv boshqaruv, ma’lumotlar tahlili, statistik tizim, raqamli platforma.

ЦИФРОВЫЕ ПЛАТФОРМЫ В СТАТИСТИКЕ

Мустафакулов Уктам Унгбаевич

базовый докторант (Ph.D)

*Институт повышения квалификации
и статистических исследований*

E-mail: www.uktambek.uz@mail.ru

ORCID: 0000-0002-2302-211X

Аннотация

В статье анализируется современное состояние цифровых платформ в статистической системе, возможности их интеграции, а также изучается современное состояние цифровых платформ, их значение, применение и типы платформ, которые реализованы и работают в настоящее время,

Ключевые слова: цифровая платформа, мобильное приложение, сервис, IoT-устройства, статистическое программное обеспечение, интерактивное управление, анализ данных, статистическая система,

цифровая платформа.

DIGITAL PLATFORMS IN THE STATISTICAL SYSTEM

Mustafakulov Uktam Ungbayevich

*Basic doctoral student (Ph.D) of the Institute for
Advancement qualification
and statistical research*

E-mail: www.uktambek.uz@mail.ru

ORCID: 0000-0002-2302-211X

Abstract

The article analyzes the current state of digital platforms in the statistical system, the possibilities of their integration, and also studies the current state of digital platforms, their significance, application and types of platforms that are implemented and currently operating.

Keywords: digital platform, mobile application, service, IoT devices, statistical software, interactive control, data analysis, statistical system, digital platform.

Kirish

Mamlakatda sodir bo‘layotgan ijtimoy-iqtisodiy hodisalarni statistik ko‘rsatkichlarda to‘liq va to‘g‘ri aks ettirilishi olib borilayotgan keng ko‘lamli islohotlar natijasini chuqur tahlil qilish, berilayotgan imtiyozlar, kiritilayotgan investitsiyalar samaradorligini to‘g‘ri baholash hamda ular asosida xolis qarorlarni qabul qilish, samarali rejalar va dasturlarini ishlab chiqish imkonini beradi. Mazkur holatni keng va shaffof yoritib berish, qulayliklar yaratishda statistika tizimida raqamli platformalarni joriy etish dolzarb masala ekanligini ko‘rsatadi.

Mamlakatimiz statistika tizimida raqamli platformalarni keng joriy qilish jaryonidagi dastlabki qadam O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2018 yil 19 fevraldagi PF-5349-son Farmoni hamda O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli O‘zbekiston – 2030” strategiyasini tasdiqlash va uni samarali amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2020 yil 5 oktabrdagi PF-6079-son Farmoni bilan boshlangan edi [1]. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2020 yil 28 apreldagi PQ-4699-son Qaroriga asosan yanada e‘tibor berildi va takomillashtirdi [2].

O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatning rivojlanish holatini reyting baholash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2021 yil 15 iyundagi 373-son Qarori statistika amaliyotiga raqamli platformalarni keng joriy qilishni yanada jadallashtirishda huquqiy asos bo‘lib xizmat qildi [3].

Adabiyotlar sharhi

Bugungi kunda iqtisodiyotda ma'lumotlarning eng yirik agregatorlari raqamli platformalar hisoblanadi. Ular platforma ishtirokchilari, afzalliklari, o'zaro aloqalari va ma'lumotlar almashinuvi haqida ma'lumotlar to'playdi. Qiymat va iste'mol xususiyatlariga ega bo'lgan ma'lumotlar turli xil raqamli texnologiyalardan foydalanish orqali olinadi.

V. Orlova, M. Frolov, D. Martinovlarning fikriga ko'ra, “Raqamli nplatformalar kichik va o'rta biznes uchun tovar va xizmatlar bozorlariga kirishdagi to'siqlarni kamaytirish imkoniyatini beradi, natijada iqtisodiyotning an'anaviy tarmoqlarida kichik ishtirokchilar soni ko'payadi. Kichik va o'rta korxonalar arzon narxlarda yirik iste'molchi bazasiga osongina ulanadi, bu esa bozordagi yirik o'yinchilarning hukmronligidan kichikroq kompaniyalarning imkoniyatlarini kengaytiradi” [14]. Jak Bugin ta'kidlaganidek, boshqa birovning platformasiga kirishni o'z ichiga olgan strategiyalar faol ishtirok etishni rag'batlantiradi, lekin minglab boshqalar ham xuddi shunday qilayotganda ular risk manbaiga aylanishi mumkin [4]. K.V. Pogorelovaning fikriga ko'ra, raqamli platforma - bu tovarlar va xizmatlarni yetkazib beruvchilar va iste'molchilar o'rtasidagi o'zaro munosabatlar uchun rasmiy va norasmiy qoidalar va algoritmlar to'plami [5]. Ko'rinib turibdiki raqamli nplatformalar o'z mohiyati bilan iqtisodiyot ravnaqiga katta hissa qo'shuvchi samarali agregator vasifasini bajaib keladi.

Tahlil va natijalar

Statistika tizimidagi raqamli platformalarni o'rgansih jarayoni umumiy platformalar turlari ichidan eng afzalini tanlab olib, tadqiq qilishni aks etadi. Statistik tizimdagi platformalarning joriy holati, ularning ahamiyati va qo'llanilishi iqtisodiyotning o'sishida yetkchi o'rinda turadi. Hozirda ishlayotgan turli platformalarni va ularni qabul qilish darajasi bugungi kun talablariga moslashib bormoqda.

Keng qamrovli tushunchaga ega bo'lish uchun ma'lumotlarni yig'ish, tahlil qilish va tarqatish kabi statistik tizimning turli sohalarida raqamli platformalardan foydalanish o'z samarasini beradi. Statistik tizimdagi raqamli platformalarning joriy holati haqida umumiy ma'lumot 1-jadvalda berilgan.

1-jadval.

Statistik tizimda raqamli platformalardan foydalanish [8]*

Statistik hudud	Raqamli platforma	Foydalanish, %da
Ma'lumotlar yig'ish	Mobil ilovalar	40%
	Veb-asoslangan so'rovlar	25%
	Sensorga asoslangan texnologiya	20%
Ma'lumotlarni tahlil qilish	Statistik dasturiy ta'minot	50%
	Ma'lumotlarni vizualizatsiya qilish vositalari	30%
	Mashinani o'rganish platformalari	20%
Ma'lumotlarni tarqatish	Onlayn ma'lumotlar bazalari	35%
	Interaktiv boshqaruv paneli	30%
	Ochiq ma'lumotlar platformalari	15%

Jadvalda keltirilgan foydalanish ma'lumoti raqamli platformani joriy etish tendentsiyalarini ko'rsatadi. Mobil ilovalar ma'lumotlarni to'plash uchun keng qo'llaniladi, bu foydalanish jarayonining 40%ini tashkil qiladi. Veb-so'rovlar va sensorga asoslangan texnologiyalar ham muhim rol o'ynaydi. Ular mos ravishda 25% va 20% ni tashkil qiladi. Ma'lumotlarni tahlil qilish nuqtai nazaridan, statistik dasturiy ta'minotdan foydalanish 50%gacha boradi. Ma'lumotlarni vizualizatsiya qilish vositalari va mashinani o'rganish platformalaridan foydalanish esa mos ravishda 30% va 20% ega.

Ma'lumotlarni tarqatish uchun onlayn ma'lumotlar bazasi foydalanish darajasi 35% bilan eng mashhur platformalardir. 30% va 15% ni tashkil etgan interaktiv boshqaruv paneli va ochiq ma'lumotlar platformalaridan ham foydalaniladi.

Yuqorida 1-jadvalda keltirilgan statistik ma'lumotlar statistik tizimdagi raqamli platformalarning hozirgi holati haqida tushuncha beradi. Ushbu platformalar samarali ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish va ma'lumotlarni keng miqyosda tarqatish imkoniyatlarini taklif etadi.


Raqamli platforma ma'lumotlarni to'plash, tahlil qilish va tarqatishni yaxshilash uchun texnologiyadan foydalangan holda an'anaviy statistik jarayonlarni o'zgartirishda hal qiluvchi rol o'ynaydi. Turli statistik sohalarida raqamli platformalardan foydalanilishini tahlil qilib chiqamiz.

Ma'lumotlar yig'ish sohasida statistik idoralar ma'lumotlar yig'ish jarayonlarini soddalashtirish va optimallashtirish uchun turli xil raqamli platformalarni o'zlashtirishadi. Raqamli platformalar orasida mobil ilovalar, veb-

so'rovlar va sensorga asoslangan texnologiyalar eng ko'p ishlatiladi. Mobil ilovalar foydalanish qulayligi va imkoniyati tufayli keng qo'llaniladi. Bu esa real vaqt rejimida, hatto chekka hududlarda ham ma'lumotlarni yig'ish imkonini beradi [2].

1-диаграмма.

Ma'lumotlarni yig'ishda platformalarning ulushi [9]



Statistik tizimda ma'lumotlarni yig'ish faoliyatining taxminan 40% mobil ilovalarga tayanadi. Veb-so'rovnomalar yana bir keng tarqalgan raqamli platforma bo'lib, ma'lumotlarni yig'ish faoliyatining 25 foizini tashkil qiladi.

Raqamli platformalar ma'lumotlarni tahlil qilish sohasida inqilob qildi va statistik agentliklarga keng ma'lumotlar to'plamlaridan qimmatli tushunchalarni olish imkoniyatini berdi. Ushbu vositalar statistiklarga ma'lumotlarni vizual tarzda jozibali va mazmunli tarzda taqdim etish imkonini yaratdi. Bu esa tushunish va izohlashni osonlashtiradi [13]. Mashinani o'rganish platformalari ma'lumotlarni tahlil qilish faoliyatining 20 %ni tashkil qiladi. Ushbu platformalarda katta ma'lumotlar to'plamidan namuna va prognozlarni olish uchun ilg'or algoritmlardan foydalaniladi. Raqamli platformalarni qabul qilish va ulardan foydalanish turli statistik sohalarda farq qiladi, mobil ilovalar, statistik dasturiy ta'minot va onlayn ma'lumotlar bazalari eng keng tarqalgan.

Yuqoridagi tahlillardan kelib chiqib, statistik tizimda tez-tez ishlatiladigan raqamli platformalarning asosiy turlarini ko'rib chiqamiz.

1. Mobil ilovalar.

Mobil ilovalar – bu smartfon va planshetlar kabi mobil qurilmalarda ishlashga mo'ljallangan dasturiy ta'minot. Ular ma'lumotlarni to'plash uchun qulay va ason platformani taklif qiladi, bu esa dala xodimlariga ma'lumotlarni to'g'ridan-to'g'ri ilovaga kiritish imkonini beradi va ma'lumotlarni qo'lda kiritish zaruratini yo'q qiladi. Mobil ilovalar ko'pincha oflayn imkoniyatlarni, markaziy ma'lumotlar bazalari bilan sinxronlashni va multimedia ma'lumotlarini, jumladan

fotosuratlar va GPS koordinatalarini to'plashni qamrab oladi.

2. Veb-so'rovlar.

Veb-asoslangan so'rovlar veb-brauzerlar orqali so'rov ma'lumotlarini loyihalash, tarqatish va to'plash imkonini beruvchi onlayn platformalardir. Respondentlar so'rovnomalarga veb-havola orqali kirishlari va o'z javoblarini kompyuter, smartfon yoki internetga ulangan boshqa qurilmalar yordamida taqdim etishi mumkin. Veb-so'rovlar keng qo'lamli, tarqatish qulayligi va ma'lumotlarni avtomatlashtirilgan tarzda yig'ish kabi afzalliklarni taqdim etadi, qog'ozga asoslangan so'rovlar bilan bog'liq ma'muriy harakatlar va xarajatlarni kamaytiradi [7].

3. Sensorga asoslangan texnologiya.

Sensorga asoslangan texnologiya ma'lumotlarni avtomatik ravishda yig'ish uchun turli sensorli qurilmalardan foydalanishni o'z ichiga oladi. Sensorlar harorat, havo sifati, energiya iste'moli, atrof-muhit, jismoniy yoki xatti-harakatlar ma'lumotlarini olishi mumkin [8]. Ushbu sensorlar ko'pincha Internet of Things (IoT) platformalariga integratsiyalangan bo'lib, real vaqt rejimida ma'lumotlarni yig'ish va uzatish imkonini beradi. Sensorga asoslangan texnologiya ma'lumotlarning aniqligini, dolzarbligini oshiradi va ma'lumotlarni qo'lda kiritishga bo'lgan ehtiyojini kamaytiradi.

4. Statistik dasturiy ta'minot.

Statistik dasturiy platformalar ma'lumotlarni qayta ishlash, modellashtirish va statistik tahlil qilish uchun ilg'or tahliliy imkoniyatlarni taqdim etadi [9]. Ushbu platformalar murakkab ma'lumotlarni tahlil qilish vazifalarini qo'llab-quvvatlash uchun keng qo'llamli statistik texnikalar, vizualizatsiya vositalari va dasturlash interfeyslarini taklif qiladi. Statistik dasturiy ta'minot statistik tizimga va tadqiqotchilarga ma'lumotlarni o'rganish, gipoteza sinovini o'tkazish, modellar yaratish va hisobotlar yoki vizualizatsiya yaratish imkonini beradi [10].

5. Ma'lumotlarni vizualizatsiya qilish vositalari.

Ma'lumotlarni vizualizatsiya qilish vositalari ma'lumotlarni grafik yoki vizual formatlarda taqdim etish uchun mo'ljallangan, bu foydalanuvchilarga murakkab ma'lumotlar to'plamlarini sharhlashni osonlashtiradi. Ushbu vositalar diagramma, grafika, xarita va interaktiv boshqaruv panellarini yaratishga imkon beradi, bu ma'lumotlarni o'rganish aloqa qilishni yaxshilaydi. Ma'lumotlarni vizualizatsiya qilish vositalari intuitiv statistik ma'lumotlarni tushunarli taqdim etish orqali ma'lumotlarga asoslangan qarorlar qabul qilishni osonlashtirishda hal qiluvchi rol o'ynaydi.

6. Mashinani o'rganish platformalari.

Mashinani o'rganish platformalari ma'lumotlarni avtomatik ravishda tahlil

qilish, bashorat qilish yoki tasniflash uchun algoritmlar va hisoblash modellaridan foydalanadi. Ushbu platformalar katta hajmdagi ma'lumotlarni boshqarishi mumkin va, ayniqsa, bashoratli modellashtirish, klasterlash va anomaliyalarni aniqlash kabi vazifalar uchun foydalidir. Ma'lumotlarni tahlil qilish imkoniyatlarini oshirish va qimmatli tushunchalarni olish uchun mashinani o'rganish platformalari statistik tizimlar bilan birlashtirilishi mumkin.

7. Onlayn ma'lumotlar bazalari.

Onlayn ma'lumotlar bazalari katta hajmdagi statistik ma'lumotlarni saqlash va boshqarish uchun xizmat qiladi. Ushbu ma'lumotlar bazalari ma'lumotlarni saqlash, tashkil qilish va olish uchun mo'ljallangan bo'lib, markazlashtirilgan platformani ta'minlaydi. Onlayn ma'lumotlar bazalari ko'pincha ma'lumotlarga kirish va boshqa tizimlar bilan integratsiya qilish uchun qidiruv funktsiyalarini, ma'lumotlarni filtrlashni va API'larni taklif qiladi. Ular ommaviy foydalanish uchun statistik ma'lumotlar to'plamini nashr etishni qo'llab-quvvatlab, ma'lumotlarni oson tarqatish imkonini beradi.

8. Interfaol boshqaruv paneli.

Interfaol boshqaruv paneli – bu foydalanuvchilarga interaktiv diagramma, grafika va xaritalar orqali ma'lumotlarni ko'rish va o'rganish imkonini beruvchi veb-platformalardir. Boshqaruv panellari foydalanuvchilarga ma'lumotlar bilan o'zaro aloqada bo'lishlari, filtrlarni qo'llashlari va ma'lumotlarning ma'lum kichik to'plamlarini chuqurlashtirishlari uchun dinamik interfeysni taqdim etadi.

9. Ochiq ma'lumotlar platformalari.

Ochiq ma'lumotlar platformasi statistik ma'lumotlarning mavjudligi va ommaga ochiqligini ta'minlaydi. Ushbu platforma ma'lumotlarni almashish uchun shaffof va ochiq yondashuvni ta'minlaydi, bu esa shaxs, tashkilot va ishlab chiquvchilarga statistik ma'lumotlar to'plamlariga kirish, ulardan foydalanish va qayta maqsadlarda foydalanish imkonini beradi [11].

Ushbu raqamli platforma statistik jarayonlarning samaradorligi, aniqligi va foydalanish imkoniyatini sezilarli darajada oshirishi mumkin bo'lgan alohida funktsiya va imkoniyatlarni taklif etadi. Tegishli platformalarni sinchkovlik bilan tanlash va ulardan foydalanish orqali statistik tizimlar ma'lumotlarning ish oqimlarini soddalashtirishi, ma'lumotlar sifatini yaxshilashi va ma'lumotlarga asoslangan qarorlarni qabul qilishni osonlashtirishi mumkin.

Xulosa

Zamonaviy dunyoda raqamli platformalar hayotimizning ajralmas qismiga aylandi. Raqamli texnologiyalarning faol joriy etilishi ko'p jihatdan iqtisodiyotning izchil o'sishini belgilab beradi. Raqamli platformalar O'zbekiston

milliy iqtisodiyoti o‘sishi uchun jiddiy resurs hisoblanadi. Ular davlat uchun ham, oddiy foydalanuvchilar uchun ham, biznes uchun ham ko‘plab imkoniyatlarni taqdim etadi.

Raqamli texnologiyalar korxonalarining ochiqligi va samaradorligini oshiradi, odamlarning turmush tarzini yaxshilaydi.

Raqamli platformalar sohasidagi texnologik tendentsiyalarni hisobga olmasdan turib, mamlakatlar iqtisodiyotini tahlil qilish mumkin emas.

Ushbu sohadagi bir qator mavjud muammolarni ta’kidlash kerak:

- raqamli platformali kompaniyalari faoliyatini xalqaro va milliy qonunchilik bilan tartibga solish mezonlarining yo‘qligi;

- xorijiy raqamli platformalar o‘z daromadlarini ko‘paytirish maqsadida narx belgilashning g‘arazli maqsadlarga xizmat qiluvchi mexanizmlaridan foydalanish;

- tranzaksiya xavfsizligini ta’minlashda muammolar mavjudligi;

-bozorda xorijiy raqamli platformalarning monopoliyasi;

- mahalliy raqamli platformalar uchun global platforma yetakchilari bilan raqobatlashish imkoniyatining yo‘qligi;

-o‘zbek kompaniyalarining jahon platformasi bozorlaridagi o‘ta zaif pozitsiyasi.

Hozirda O‘zbekiston raqamli platformalari xorijiy raqamli platformalar bilan raqobatlasha olmaydi, ularning jahon bozorlarida ta’siri darajasi juda past. O‘zbekiston iqtisodiyotining raqobatbardoshligini oshirish, shuningdek platformalar bozorlarida ustunlik qilish risklarini kamaytirish maqsadida mahalliy raqamli platformalarni qo‘llab-quvvatlashga qaratilgan tizimli chora-tadbirlar ishlab chiqilishi va amalga oshirilishini ta’minlash zarur.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2018 yil 19 fevraldagi “Axborot texnologiyalari va kommunikatsiyalari sohasini yanada rivojlantirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi PF-5349-son Farmoni. – <https://lex.uz/ru/docs/-3564970?ONDATE=24.07.2021>

2. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatni keng joriy etish chora-tadbirlari to‘g‘risida” 2020-yil 28-apreldagi PQ-4699-son Qarori. – <https://lex.uz/docs/4800657>

3. O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining “Raqamli iqtisodiyot va elektron hukumatning rivojlanish holatini reyting baholash tizimini yanada takomillashtirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi 2021 yil 15 iyundagi 373-son Qarori.

4. By Jacques Bughin, Tanguy Catlin, Miklós Dietz Open interactive popup The right digital-platform strategy//McKinsey global institute. 2019. URL:

<https://www.mckinsey.com/business-functions/mckinsey-digital/our-insights/theright-digital-platform-strategy>. (date of access: 30.07.2020).

5. Погорелова К. В. Цифровая платформа как фактор перехода к цифровой экономике // Интеллектуальные ресурсы – региональному развитию. – 2020. – № 1. – С. 254–259.

6. Gulyamov S.S. va boshqalar. Raqamli iqtisodiyotda blokcheyn texnologiyalari. – T.: Iqtisod-Moliya, 2019. – B. 132-137.

7. B.A. Begalov, M.Q. Abdullayev. Raqamli iqtisodiyot:darslk. – T.: Iqtisodiyot, 2023. – B. 21-27.

8. Asadullah A., Faik I., Kankanhalli A. Digital Platforms: A Review and Future Directions //PACIS. – 2018. – P. 248.

9. Ferrara E. et al. Web data extraction, applications and techniques: A survey //Knowledge-based systems. – 2014. – T. 70. – P. 301-323.

10. Hong H. et al. Understanding the determinants of online review helpfulness: A meta-analytic investigation //Decision Support Systems. – 2017. – T. 102. – P. 1-

11. Куликов, Л. М. Основы экономической теории : учебник для СПО / 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2018. – 361-371 с.

12. Лобачева, Е. Н. Основы экономической теории : учебник для СПО / 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт, 2017. – С. 509-516.

13. Казначевская Г.Б. Экономическая теория: учебник. – Ростов н/Д: Феникс, 2016. – С. 386-394.

14. <https://issek.hse.ru/news/799503676.html>

AHOLI BANDLIGI MASALALARI

Shakirova Nigora Axralovna



statistika va ekonometrika

kafedراسi dotsenti

Toshkent moliya instituti

E-mail: Shakirova7777@gmail.com

ORCID:0009-0006-5025-4764

Аннотация

Мақоллада tadbirkorlik sub'ektlarini moliyalashtirish asosida aholi bandligini samarali ta'minlash bo'yicha statistik tadqiqotlarning nazariy asoslari ko'rib chiqiladi. Statistik usullardan foydalangan holda bandlikka ta'sir etuvchi omillar o'rganilgan va bandlik doirasida to'g'ri qaror qabul qilish masalalari yoritilgan.

Kalit so'zlar: statistik tadqiqotlar, aholi bandligi, tadbirkorlik sub'ektlari, nazariy asoslar, ma'lumotlar tahlili, mehnat bozori, samarali bandlik, bandlik imkoniyatlari.

К ПРОБЛЕМЕ ЗАНЯТОСТИ НАСЕЛЕНИЯ

Шакирова Нигора Ахраловна

доцент кафедры

статистики и эконометрики

Ташкентский финансовый институт

E-mail: Shakirova7777@gmail.com

ORCID:0009-0006-5025-4764

Аннотация

В статье рассматриваются теоретические основы статистических исследований по эффективному обеспечению занятости населения на основе финансирования хозяйствующих субъектов. С использованием статистических методов исследуются факторы, влияющие на возможность трудоустройства и позволяющие в контексте занятости населения принимать осознанные решения.

Ключевые слова: статистические исследования, занятость населения, хозяйствующие субъекты, теоретические основы, анализ данных, занятость, рынок труда, возможность трудоустройства.

ON THE PROBLEM OF EMPLOYMENT

Shakirova Nigora Axralovna

*associate professor of the department
statistics and econometrics*

Tashkent Institute of Finance

E-mail: Shakirova7777@gmail.com

ORCID:0009-0006-5025-4764

Abstract

The article discusses the theoretical foundations of statistical research on the effective provision of employment of the population based on the financing of business entities. Using statistical methods, factors influencing employability are studied and allow informed decisions to be made in the context of employment.

Keywords: statistical research, population employment, business entities, theoretical foundations, data analysis, labor market, effective employment, employment opportunities.

Kirish

O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “2022 – 2026 yillarga mo‘ljallangan Yangi O‘zbekistonning taraqqiyot strategiyasi to‘g‘risida”gi 28 Yanvar 2022 yildagi PF-60-son Formonida qayd qilinishicha, “Fuqarolarning ijtimoiy himoyasini kuchaytirish va kambag‘allikni qisqartirish davlat siyosatining ustuvor yo‘nalishi sifatida belgilanib, aholini yangi ish o‘rinlari va kafolatli daromad manbai, malakali tibbiy va ta‘lim xizmatlari, munosib yashash sharoitlari bilan ta‘minlash sifat jihatidan yangi bosqichga ko‘tarildi” [1].

Aholini ish bilan ta‘minlash masalasi tadbirkorlik sub‘ektlari uchun ham, jamiyat uchun ham muhim ahamiyatga ega. Ishga joylashish imkoniyatlariga ta‘sir qiluvchi omillarni bilish mutasadi shaxs va korxonalariga ish istiqbollarini oshirish uchun samarali strategiyalarni shakllantirishda ko‘mak bo‘lishi mumkin. Statistika ma‘lumotlar bandlikni tahlil qilishda va dalillarga asoslangan qarorlarni qabul qilishda yordam berishi mumkin bo‘lgan tendentsiyalarni aniqlashda hal qiluvchi o‘rin egallaydi. Bandlik darajasi, ya‘ni mehnat jarayonlariga jalb qilish ishchi kuchining miqdori va ish o‘rinlari, shuningdek ishchilarning o‘z kasbi, mutaxassisligi, ish tajribasi, bilim va ko‘nikmalariga bog‘liq. To‘liq bandlik ishchi kuchini ish bilan deyarli to‘liq ta‘minlash demakdir. Ishsizlik - bu faol mehnatga layoqatli aholining bir qismi ish topa olmaydigan ijtimoiy-iqtisodiy vaziyatdir.

Adabiyotlar sharhi

Aholini ish bilan ta‘minlash bo‘yicha statistik tadqiqotlar o‘tkazishning

birinchi bosqichi tegishli ma'lumotlarni to'plashni o'z ichiga oladi. Milliy mehnat so'rovlari, sohaga oid bandlik hisobotlari va demografik ma'lumotlar bazalari kabi turli manbalar bandlik tendentsiyalari, ish turlari va ishchi kuchining xususiyatlari to'g'risida qimmatli ma'lumotlarni taqdim etadi.

Xorijiy tadqiqotchi V. I. Petrishev “Kichik biznes tizimi bandlikka ta'sir etuvchi ob'ektiv omillar bilan tavsiflanadi, bu esa kichik biznesni qay darajada rivojlantirish uchun zarur bo'lgan yangi ish o'rinlarini yaratishning muhim shakli ekanligini aniqlash imkonini beradi.” – deb fikr yuritgan [3].

O. N. Manannikovaning ta'kidlashicha «Aynan mehnat bozorini rivojlantirish bandlikni qo'llab-quvvatlashga, munosib ish haqi va xodimlarning mehnat unumdorligini yaxshilashga va iqtisodiyotning raqobatbardoshligini oshirishga shubhasiz yordam beradi» [4]. Zaytseva K.V. o'z tadqiqotida aralsh iqtisodiyoti sharoitida mehnat bandligini boshqarish masalalariga e'tibor qaratgan [2]

Respublikamiz tadqiqotchilari O. Amanov qishloq mehnat bozorini samarali rivojlantirish asosida aholini ish bilan bandligini oshirish yo'llarini [5], Z. Q. Shermatova Farg'ona viloyati mehnat resurslari shakllanishining hududiy jihatlarini o'rgangan [6]. Shuningdek mehnat resurslarini shakllantirish, mobilligini tartibga solish, ulardan samarali foydalanish masalalari N. Yuldashev, Z. Shakarov, E. Rustamov va boshqa olimlarning tadqiqotlarida o'z aksini topgan.

Tahlil va natijalar

Ma'lumotlar yig'ilgandan so'ng, tadqiqotchilar ma'lumotni samarali tahlil qilish uchun turli statistik usullardan foydalanadi. Ta'riflovchi statistika ishsizlik darajasi, ishchi kuchining ishtirok etish darajasi va aholi bandligi nisbati kabi bandlikning asosiy ko'rsatkichlarini umumlashtirishga yordam beradi. Inferentsial statistika, masalan, regressiya tahlili, ta'lim darajasi, iqtisodiy o'sish va ish bilan ta'minlash imkoniyatlari kabi turli xil o'zgaruvchilar o'rtasidagi munosabatlarni aniqlash uchun foydalaniladi.

Tadbirkorlik sub'ektlarida aholi bandligini ta'minlash bo'yicha statistik tadqiqotlarning nazariy asoslari turli tamoyillar, tushunchalar va metodologiyalarni o'z ichiga oladi. Ushbu nazariy asoslar tadbirkorlik sub'ektlari ichidagi bandlik tendentsiyalari, dinamikasi va muammolarini va ularning umumiy aholiga ta'sirini tushunish va tahlil qilishda hal qiluvchi ahamiyatga ega. Ba'zi asosiy nazariy asoslarga quyidagilar kiradi:

Mehnat iqtisodiyoti: iqtisodiyotning ushbu sohasi mehnat bozori, ishchi kuchi taklifi va ishchi kuchiga bo'lgan talabni o'rganishga qaratilgan. Unda korxonalar qanday qilib yollash to'g'risida qaror qabul qilishlari va jismoniy

shaxslar ishchi kuchida ishtirok etish to‘g‘risida qanday tanlov qilishlari ko‘rib chiqiladi. Mehnat iqtisodiyoti tadbirkorlik sub‘ektlarida bandlik darajasiga ta‘sir etuvchi omillar va ularning aholi uchun ahamiyati haqida tushuncha beradi.

Aholi iqtisodiyoti: aholi iqtisodiyoti aholi soni, yosh taqsimoti va ishchi kuchi tarkibi kabi demografik omillar hamda iqtisodiy natijalar o‘rtasidagi bog‘liqlikni o‘rganadi. Bu aholi soni va tarkibidagi o‘zgarishlar tadbirkorlik sub‘ektlarida ish o‘rinlari mavjudligi va talabiga qanday ta‘sir qilishini tushunishga yordam beradi.

Statistik xulosa: statistik tadqiqot tanlanmadan bosh to‘plam haqida xulosa chiqarish uchun ma‘lumotlarni to‘plash va tahlil qilishni o‘z ichiga oladi. Gipotezani sinash, ishonch oralig‘i va regressiya tahlili kabi usullar tadbirkorlik sub‘ektlarida bandlik holati va uning keng aholiga ta‘siri to‘g‘risida ishonchli xulosalar chiqarish uchun juda muhimdir.

Ishchi kuchi so‘rovlari: ushbu so‘rovlar bandlik va ishsizlik darajasi, ishchi kuchi tarkibi va mehnat bozorining boshqa ko‘rsatkichlari haqida ma‘lumot olish uchun juda muhimdir. Ishchi kuchini o‘rganish usullari va cheklovlarini tushunish tadbirkorlik sub‘ektlarida aholini ish bilan ta‘minlash bo‘yicha statistik tadqiqotlarning aniqligi va asosililigini ta‘minlash uchun juda muhimdir.

Biznes so‘rovlari: tadbirkorlik sub‘ektlari ko‘pincha ishchi kuchiga bo‘lgan ehtiyojini, bo‘sh ish o‘rinlari va ishga qabul qilish amaliyotini baholash uchun so‘rovlar o‘tkazadi. Bunday so‘rovlarning statistik tahlili turli tarmoqlar va sohalarda ishchi kuchiga bo‘lgan talab to‘g‘risida qimmatli tushunchalarni beradi.

Vaqt ketma-ketligini tahlil qilish: vaqt bo‘yicha bandlik ma‘lumotlarini tahlil qilish tadqiqotchilarga tadbirkorlik subyektlarida bandlik darajasining tendentsiyalari, mavsumiy o‘zgarishlari va siklik qonuniyatlarini aniqlash imkonini beradi. Vaqt ketma-ketligini tahlil qilish iqtisodiy tebranishlar va boshqa omillar bandlik imkoniyatlariga qanday ta‘sir qilishini tushunishga yordam beradi.

Ekonometrik modellar: ekonometrik modellar turli iqtisodiy o‘zgaruvchilar, shu jumladan xo‘jalik yurituvchi subyektlarda bandlik va uning determinantlari o‘rtasidagi bog‘liqlikni baholash uchun ishlatiladi. Ushbu modellar tadqiqotchilarga bandlik qarorlariga ta‘sir qiluvchi omillarni aniqlashga va turli stsenariylar bo‘yicha potentsial natijalarni bashorat qilishga yordam beradi.

Mehnat bozori institutlari: eng kam ish haqi to‘g‘risidagi qonunlar, jamoaviy bitimlar va bandlik to‘g‘risidagi Nizom kabi mehnat bozori institutlarining rolini tushunish tadbirkorlik sub‘ektlari ichida aholi bandligi

dinamikasini tushunishda juda muhimdir.

Inson kapitali nazariyasi: ushbu nazariya ta'lim, ko'nikma va o'qitishning individual mahsuldorlik va ish qobiliyatini oshirishda muhimligini ta'kidlaydi. Statistik tadqiqotlar ko'pincha tadbirkorlik sub'ektlarida bandlik tendentsiyalarini o'rganishda inson kapitali omillarini hisobga oladi.

Kasbiy tahlil: kasbiy ma'lumotlar ishlarni malaka darajasi va boshqa xususiyatlariga qarab tasniflash uchun ishlatiladi. Tadbirkorlik subyektlari ichida kasblarning taqsimlanishini tahlil qilish mahoratdagi bo'shliqlar va bandlikning o'sishi mumkin bo'lgan sohalarni aniqlashga yordam beradi.

Umuman olganda, ushbu nazariy asoslar tadbirkorlik subyektlarida aholi bandligini ta'minlash bo'yicha mustahkam statistik tadqiqotlar o'tkazish uchun asos yaratadi. Ushbu tushunchalar va metodologiyalardan foydalangan holda tadqiqotchilar mehnat bozori haqida qimmatli tushunchalarga ega bo'lishi, muammoni aniqlashi va ish bilan ta'minlash imkoniyatlari va iqtisodiy o'sishni rag'batlantirish uchun dalillarga asoslangan siyosatni taklif qilishi mumkin.

Xulosa

Xulosa qilib aytganda xulosa qilib aytganda Aholini ish bilan ta'minlash bo'yicha statistik tadqiqotlar sohasini yanada rivojlantirish uchun bir qator chora-tadbirlarni amalga oshirish lozim. Bunga vaqt o'tishi bilan bandlik tendentsiyalarini kuzatib borish, rivojlanayotgan texnologiyalar bilan bog'liq ish o'rinlarini yaratish va qayta ishlashga ta'sirini o'rganish, bandlikni rivojlantirishga qaratilgan turli xil davlat siyosatining samaradorligini tahlil qilish kerak.

Tadbirkorlik sub'yektlarini moliyalashtirish mexanizmini takomillashtirish orqali aholi bandligini ta'minlash bo'yicha quyidagi takliflar ishlab chiqildi:

mehnat resurslari balansini tuzish uslubiyati korxonalar va tashkilotlarda ishlovchi xodimlarning doimiy yashash manzilini hisobga olishning yig'ma statistik ko'rsatkichlarini shahar va tumanlar kesimida ishlab chiqish orqali takomillashtirish mumkin;

o'zini-o'zi band qilgan aholi toifasini milliy iqtisodiyotning rasmiy sektorida band bo'lganlar tarkibiga kiritish orqali mehnat resurslari balansining statistik baholash usulini ishlab chiqish;

milliy mehnat statistikasining agregat ko'rsatkichlari tizimini “xodimlarning toifalar va jinslar bo'yicha soni” hamda “aralash daromadlar” indikatorlarini qo'shish orqali kengaytirish;

respublikada aholi bandligining ekonometrik modelini tuzish asosida 2022-2026 yillar uchun ko'p variantli statistik prognoz ko'rsatkichlarini joriy etish.

Nazariy asoslarga tayanib, iqtisodiyotning ta'sirini o'rganish, ishchi kuchi

ishtirokidagi gender tengsizligini tahlil qilish yoki ish o‘rinlarini yaratishda tadbirkorlikning rolini o‘rganish kabi bandlikning o‘ziga xos jihatlari muhim ahamiyatga ega.

Tadbirkorlik sub’ektlarida aholi bandligini ta’minlash bo‘yicha statistik tadqiqotlar mehnat bozorini tushunish va asosli qarorlar qabul qilish uchun muhim vosita bo‘lib xizmat qiladi. Nazariy asoslarni har tomonlama o‘rganish va tegishli usullarni qo‘llash orqali tadqiqotchilar inklyuziv iqtisodiy o‘sishga yordam beradigan va aholini ish bilan ta’minlash imkoniyatlarini maksimal darajada oshiradigan siyosatni shakllantirishga katta hissa qo‘shishlari mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining “O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida”gi 2017 yil 7 fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni. O‘zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari to‘plami, 2017 y., 6- son.

2. Зайцева К.В. Управление трудовой занятостью в условиях смешанной экономики: монография. – Донецк: МЧП «ВИК», 2003. – С. 294.

3. Петрищев В. И. Обеспечение эффективной занятости населения путем развития малого предпринимательства. – <https://cyberleninka.ru>

4. Мананникова О. Н., Саяпин А. В., Булгаков Г. В. К вопросу о влиянии малого предпринимательства на рост занятости населения в современных условиях. <https://cyberleninka.ru>

5. Amanov O.A. Qishloq mehnat bozorini modernizatsiyalashning asosiy yo‘nalishlari. Monografiya. – Toshkent: Fan va texnologiya, 2014.

6. Shermatova Z. Q. Farg‘ona viloyati mehnat resurslari shaklanishining hududiy jihatlari // [Science and innovation](#). 2022. № 1.

NOQISHLOQ XO’JALIGI SEKTORIDA QISHLOQ YOSHLARI BANDLIGINI OSHIRISH YO’NALISHLARI



Xomitov Komiljon Zoitovich

*iqtisodiyot fanlari doktori
baholash ishi va investitsiyalar
kafedrasi professori
Toshkent moliya instituti
E-mail: metro8368@mail.ru
ORCID:0000-0001-8500-2192*

Annotatsiya

Maqolada zamonaviy va yuqori adekvatlikka ega ekonometrik modellarni va ularga tegishli amaliy dasturlar paketlarini qo'llash asosida O'zbekiston Respublikasi noqishloq xo'jaligi sektorida qishloq yoshlari uchun yangi ish o'rinlari yaratilishi va ularda ish bilan band bo'lishning qisqa muddatli istiqbollari aniqlangan. Uning asosida noqishloq xo'jaligi sektorida yaqin kelajakda qishloq yoshlarini ish bilan ta'minlashning zamonaviy turlari va vositalarini rivojlantirish, yangi ish o'rinlarini yaratishning muhim ijtimoiy-iqtisodiy ahamiyati ochib berilgan.

Kalit so'zlar: noqishloq xo'jaligi sektori, qishloq yoshlari, ish bilan ta'minlash, ishsizlik, bandlik, ekonometrik model, prognoz, mehnat resurslari, mehnat bozori, yangi ish o'rinlari.

ПОВЫШЕНИЕ ЗАНЯТОСТИ СЕЛЬСКОЙ МОЛОДЕЖИ В НЕСЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННОМ СЕКТОРЕ

Хомитов Комилжон Зоитович

*доктор экономических наук
профессор кафедры оценочного дела и инвестиций
Ташкентский финансовый институт
E-mail: metro8368@mail.ru
ORCID:0000-0001-8500-2192*

Аннотация

В статье исследуются краткосрочные перспективы создания новых рабочих мест и трудоустройство сельской молодежи в

несельскохозяйственном секторе Республики Узбекистан на основе использования современных эконометрических моделей и пакетов программ. Выявлено социально-экономическое значение развития современных видов и средств занятости сельской молодежи, проанализировано создание новых рабочих мест.

Ключевые слова: несельскохозяйственные отрасли, сельская молодежь, безработица, занятость, эконометрическая модель, прогноз, трудовые ресурсы, рынок труда, новые рабочие места.

INCREASING EMPLOYMENT OF RURAL YOUTH IN THE NON-AGRICULTURAL SECTOR

Khomitov Komilzhon Zoitovich

*Doctor of Economic Sciences
Professor of the Department
of Valuation and Investment
Tashkent Institute of Finance
E-mail: metro8368@mail.ru
ORCID:0000-0001-8500-2192*

Abstract

The article examines the short-term prospects for creating new jobs and employment of rural youth in the non-agricultural sector of the Republic of Uzbekistan based on the use of modern econometric models and software packages. The socio-economic significance of the development of modern types and means of employment for rural youth has been revealed, and the creation of new jobs has been analyzed.

Keywords: non-agricultural sectors, rural youth, unemployment, employment, econometric model, forecast, labor resources, labor market, new jobs.

Kirish

Yoshlar o'rtasida ishsizlik ko'rsatkichlarining yuqori darajada o'sib borayotganligi ko'pchilik mamlakatlarda ijtimoiy-iqtisodiy beqarorlikni keltirib chiqaruvchi omilga aylanib bormoqda.

Ma'lum bo'lishicha, 2020 yilning fevral oyidan beri yoshlar orasida ishsizlik birdaniga ortgani kuzatilgan. Bunda yigitlardan ko'ra qizlar ko'proq ishsiz qolgan. Pandemiya oqibatida yoshlar nafaqat ishsiz qolgan, balki ularning ta'lim

jarayoni va kasbiy tayyorgarligi izdan chiqqan, ayniqsa yangi ish boshlaydiganlar yoki bir ishdan boshqasiga o'tayotganlar uchun og'ir bo'lgan.

Xalqaro mehnat tashkiloti ma'lumotiga ko'ra, 2019-2020 yillarda yoshlar o'rtasidagi ishsizlik darajasi 13,6 foiz bo'lgan. Dunyoda qariyb 267 million yoshning ishi yo'q, ular ta'lim olmagan yoki kasbiy tayyorgarlikdan o'tmagan. 15-24 yosh oralig'ida bo'lgan va yollanib ishlaydiganlar ko'pincha kam haq olgan, norasmiy tarzda yoki migrant sifatida ishlagan [8].

Globalashuv jarayonining natijasi o'laroq mazkur holat O'zbekistonni ham chetlab o'tmadi. Bandlik va mehnat munosabatlari vazirligining ma'lumotlariga ko'ra, «Barcha davlatlarga pandemiya o'zining salbiy ta'sirini ko'rsatdi. O'zbekistonda ham pandemiyadan oldin ishsizlar soni o'rtacha 1 million 350 mingga yaqin edi, pandemiya boshlangach qator korxonalar faoliyati to'xtatildi va ishsizlar soni qariyb 2 mln.ga yaqinlashdi» [7]. Vaziyat, ayniqsa qishloq hududlarimizda yanada murakkablashdi. Mavjud ish o'rinlari mamlakat miqyosidagi qishloq yoshlari o'rtasidagi ishsizlik darajasini kamaytirishga o'z hissasini qo'shadi. Ana shunday vaziyatda mavjud zaxiralardan foydalangan holda qishloq hududlarining noqishloq xo'jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o'rinlarini yaratish va ularning ish bilan bandligini ta'minlash bo'yicha kechiktirib bo'lmaydigan vazifalarni amalga oshirish yanada dolzarbdir.

Ayni vaqtga kelib, ijtimoiy-iqtisodiy ehtiyojlar nuqtai nazaridan qaralganda qishloq joylaridagi holat o'zgarib, unda qayta ishlash sanoati, xizmat ko'rsatish sohasi va boshqa sektor asosiy iqtisodiyot sektoriga aylanib bormoqda. Qishloq xo'jaligi klasterlarini tashkil etish, qayta ishlash sanoatini rivojlantirish, xizmat ko'rsatish sohasi va boshqa sektorni kengaytirish masalalariga e'tiborni qaratish qishloq hududlarida noqishloq xo'jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o'rinlarini tashkil etish, yoshlar o'rtasida ishsizlikni kamaytirish imkoniyatini yaratadi [2].

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi “O'zbekiston – 2023 strategiyasi to'g'risida”gi PF-158 sonli Farmoni 1-ilovasida belgilangan maqsadlarga ko'ra 2030 yilgacha “Aholini daromadli mehnat bilan band qilish, ijtimoiy sug'urta tizimini takomillashtirish maqsadida - mehnatga layoqatli aholini, shu jumladan yoshlar va nogironligi bo'lgan shaxslarni barqaror va samarali bandligini ta'minlash orqali ishsizlik darajasini 7 foizgacha tushirish” [1] vazifasi qo'yilgan.

Ishsizlik darajasini tushirish avvalo ko'plab yangi ish o'rinlarini tashkil etish bilan amalga oshiriladi. Bu ish o'rinlarini aksariyati qishloq hududlarida tashkil etilishi va ularning salmoqli qismida yoshlar faoliyat ko'rsatishi maqsadga muvofiqdir.

Adabiyotlar sharhi

Tahlil qilinayotgan mavzu noqishloq xo'jaligi sektorida qishloq yoshlari uchun yangi ish o'rinlari yaratilishi va ularda ish bilan band bo'lish bilan bog'liq ekan, dastlab mehnat bozori, bandlik va ishsizlik bo'yicha turli iqtisodchi olimlar tomonidan berilgan ta'riflar va nazariy qarashlarni qiyosiy tahlil qilamiz.

Q.X. Abduraxmonovning “Mehnat iqtisodiyoti” darsligida ish bilan bandlikning ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati, turlari, tamoyillari, uning samaradorligi kabi jihatlari tadqiq etilgan. Shuningdek, mehnat bozori munosabatlari tizimiga maxsus organlarining qo'shilishi ular o'rtasida ziddiyatlar bo'lmasligini ta'minlash, turli-tuman iqtisodiy vositalar va usullar, huquqiy normalar yordamida ish bilan bandlik jarayonlari va siyosatini tashkil etish hamda tartibga solishni ta'minlash zarurati asoslab berilgan [3].

Shuningdek, professorlar Yu.G.Odegova va K.X.Abduraxmanovlar mehnat bozori shakllanishi va rivojlanishi, uning turlari va shakllari, ishlash mexanizmi, mehnat bozori modellari hamda ishsizlikni kamaytirish yo'llari va ish bilan bandlikni tartibga solish mexanizmlari tadqiq etilgan. Shuningdek, mavzuga doir jihati bo'yicha aholini ish bilan ta'minlash dasturi va ish bilan bandlik xizmati faoliyati samaradorligini baholash ko'rsatkichlari tasnifining ilmiy asoslarini tadqiq etishgan [4].

Ish bilan bandlik davlat siyosatining asosiy yo'nalishlari, maqsad va vazifalari, davlat ish bilan bandlik siyosatini baholash usullari va ko'rsatkichlari, ish bilan bandlikni ta'minlash va ish joylarini rag'batlantirish mexanizmi, aholini samarali ish bilan bandligiga ko'maklashish bo'yicha davlat tomonidan amalga oshiriladigan chora-tadbirlar S.Smirnov tomonidan tadqiq etilgan [5].

Qishloq mehnat bozorining shakllanishi va rivojlanishini modellashtirish borasidagi tadqiqot ishida Xolmo'minov Sh.R. qishloq mehnat bozorining ijtimoiy-iqtisodiy mohiyati va mazmuni, uning rivojlanish tamoyillari, mezonlari va ko'rsatkichlari ilmiy-nazariy jihatdan o'rganilib, mehnat bozorida ishchi kuchiga talab va taklifni tartibga solishning ekonometrik modellari, mehnat bozorida sotsiologik tadqiqotlar o'tkazish va ularni axborotlar bilan ta'minlash uslubiyati tadqiq etilgan hamda amaliy xulosa va tavsiyalar ishlab chiqilgan [6].

Tahlil va natijalar

Qishloq hududlarida ijobiy iqtisodiy rivojlanishning asosiy omillaridan biri sifatida yoshlar uchun yangi ish o'rinlarini tashkil etish miqdorini ortishida ko'rish mumkin (1-jadval).

1-jadval.

O‘zbekiston Respublikasi qishloq joylari bo‘yicha yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarini tashkil etishni o‘zgarishi [3], (dona)

τ/r	Hududlar nomi	2019 y.	2021 y.	2022 y.	2022 yilda 2019 yilga nisbatan, %da
1.	Qoraqalpog‘iston Respublikasi	5609	6125	6641	118,4
2.	Andijon viloyati	9744	10485	11225	115,2
3.	Buxoro viloyati	6999	7365	7720	110,3
4.	Jizzax viloyati	5799	6069	6338	109,3
5.	Qashqadaryo viloyati	7092	7692	8234	116,1
6.	Navoiy viloyati	5378	5691	5996	111,5
7.	Namangan viloyati	8083	8628	9223	114,1
8.	Samarqand viloyati	12995	14013	15412	118,6
9.	Surxondaryo viloyati	4950	5240	6004	121,3
10.	Sirdaryo viloyati	3560	3845	4151	116,6
11.	Toshkent viloyati	21857	23704	25551	116,9
12.	Farg‘ona viloyati	12401	13541	14682	118,4
13.	Xorazm viloyati	7393	7784	8176	110,6
	Respublika bo‘yicha	111860	120606	129353	115,6

2022 yilda qishloq joylarida yangi ish o‘rinlari tashkil etish va aholi bandligini ta‘minlash dasturining tasdiqlangan parametrlariga muvofiq, yoshlar uchun 119840 ta ish o‘rni tashkil etilishi ko‘zda tutilgan bo‘lib, haqiqatda esa 129353 ta ish o‘rni yaratildi yoki dastur ijrosi 7,9 foizga oshirib bilan bajarildi.

Respublikamiz qishloq joylari bo‘yicha yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarining deyarli yarmi kichik korxonalar, mikrofirmalar tashkil etish, yakka tartibdagi tadbirkorlikni, xizmat ko‘rsatish va servis sohasini hamda hunarmandchilikni yanada rivojlantirish, pudrat asosidagi qurilish, shu jumladan, uy-joylarni ta‘mirlash va rekonstruktsiya qilish ishlari ko‘lamini kengaytirish hisobidan yaratilmoqda.

Mamlakatimiz hududlarining noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarini yaratishga alohida e‘tibor qaratilib, ularning soni yil sayin ortib bormoqda. Xususan, 2021 yilda bu sohada jami 74197 ta yoshlar uchun yangi ish

o‘rinlarini yaratilgan bo‘lib, bu 2019 yilga nisbatan (65887 ta) 11,2 %ga ko‘p demakdir.

Tadqiqotlarimizdan ma‘lum bo‘ldiki, 2022 yilda mamlakatimiz qishloq hududlarida tashkil etilgan yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarining 43,3 foizi asosan kichik loyihalar (mahalliy loyihalar, o‘z mablag‘i hisobiga kredit olmasdan) hisobidan yaratilgan. Qishloq joylarida yaratilgan yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari kredit berish hamda turli jamg‘armalarning mablag‘lari hisobiga tashkil etiladigan ish o‘rinlari (25,5%), yirik loyihalar (13,4%), hunarmandchilikni rivojlantirish (7,8%), davlat byudjeti mablag‘lari va davlat-xususiy sherikchilik shartlari asosida ishga tushadigan ijtimoiy va boshqa ob‘ektlar (5,5%), faoliyat ko‘rsatmayotgan, samarasiz foydalanayotgan binolar va qurilishi tugallanmagan ob‘ektlar negizida (4,6%) yangi ish o‘rinlari tashkil etilgan.


Shuningdek, respublikamiz qishloq joylarida 2019 yilda kredit berish hamda turli jamg‘armalarning mablag‘lari hisobiga ish o‘rinlarini tashkil etish manbalari bo‘yicha jami yoshlar uchun tashkil etilgan yangi ish o‘rinlarining 36,7% – tijorat banklari mablag‘lari hisobidan, 36,6% – «Yoshlar-kelajagimiz» jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan, 14,2% – fermer, dehqon xo‘jaliklari va tomorqa er egalarini qo‘llab-quvvatlash jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan, 6,7% – Bandlikka ko‘maklashish davlat jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan, 5,8% – yangi ish o‘rinlari tashkil etishni rag‘batlantirish hududiy jamg‘armalari mablag‘lari hisobidan tashkil etilgan.

Umuman olganda, mamlakatimizda turli davlat va mahalliy dasturlarni investitsiyalari, kreditlar va jamg‘armalar, xususan, «Yoshlar-kelajagimiz» Respublika jamg‘armasi mablag‘lari hisobidan qayta ishlash sanoati, qurilish va xizmat ko‘rsatish kabi noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari tashkil etilgan. Mazkur manbalar hisobidan ushbu sektorda qishloq yoshlari uchun tashkil etilayotgan yangi ish o‘rinlarining ulushi 55,5 %ga teng bo‘lmoqda.

Qishloq joylardagi noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarini tashkil etishda asosiy iqtisodiy omillar etakchi o‘rinni egallaydi. Ular orasida kafolatlangan va ixtisoslashgan to‘g‘ridan-to‘g‘ri investitsiyalarni jalb qilish, mamlakat miqyosida qishloq joylarda noqishloq xo‘jaligi sektorini rivojlantirish yuzasidan: yoshlar uchun qayta ishlash sanoati korxonalarida yangi ish o‘rinlarini tashkil etishda ixtisoslashgan investitsiyalarni va xizmat ko‘rsatish sektorida yangi ish o‘rinlarini tashkil etishga kafolatlangan investitsiyalarni jalb etish kabi iqtisodiy vositalar muhim o‘rin egallaydi.

Noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarini tashkil etilishiga asosiy iqtisodiy, ijtimoiy-demografik va tashkiliy-huquqiy omillar bevosita ta‘sir etadi (1-chizma).

Noqishloq xo'jaligi sektorida qishloq yoshlari uchun yangi ish joylarini tashkil etishning asosiy omillari*



*Muallif tomonidan ishlab chiqilgan.

Shuningdek, noqishloq xo'jaligi korxonalarida yoshlar uchun yangi ish o'rinini tashkil etadigan xo'jalik sub'ektlariga kredit va soliq imtiyozlari berish hamda noqishloq xo'jaligi sektori korxonalarida mehnatga haq to'lashning

egiluvchan mexanizmlaridan foydalanish kabi omillar o‘rinli ta‘sir kuchiga ega. Makroiqtisodiy darajada: yoshlar uchun kichik biznes va xususiy tadbirkorlik ish o‘rinlari tashkil etishni iqtisodiy qo‘llab-quvvatlash hamda qurilish tarmog‘ida yoshlar uchun moddiy rag‘batlantiruvchi ish o‘rinlarini tashkil etish singari omillar o‘ta muhim hisoblanadi.

Qishloq yoshlari uchun noqishloq xo‘jaligi sektorida yangi ish o‘rinlari yaratishga ta‘sir etuvchi ijtimoiy-ekologik omillar mazkur jarayonda yuzaga keladigan ijtimoiy-ekologik va mehnat havfsizligi munosabatlarini yuqori bosqichga chiqaradi. Ular tarkibida ishsiz yoshlarni noqishloq xo‘jaligi uchun tayyorlash va qayta tayyorlash, yoshlarni yangi ish o‘rinlariga ishga joylashishiga ko‘maklashish hamda yangi ish o‘rinlarida mehnat qilishi uchun zaruriy sharoitlarni yaratish, mehnatga layoqatli yoshlarni yangi ish o‘rinlariga moslashishini oshirish va ular qo‘-nimsizligini kamaytirish, yoshlar uchun tashkil etilgan ish o‘rinlarida ekologik va mehnat havfsizliklarini ta‘minlash, noqishloq xo‘jaligida yangi ish o‘rinlari bilan band bo‘luvchilarni imtiyozli uy-joy bilan ta‘minlash kabi omillar samarali ta‘sir kuchiga ega.

Qishloq joylarda yoshlar uchun noqishloq xo‘jaligi sektorida yangi ish o‘rinlarini tashkil etishda asosiy tashkiliy-huquqiy omillar ishchi kuchiga bo‘lgan talab va taklif nisbatini aniqlash asosida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari tashkil etishning optimal parametrlarini belgilashga bevosita ta‘sir ko‘rsatadi. Ular tarkibidagi: qishloq joylarda yoshlar o‘rtasida norasmiy ish bilan bandlikni kamaytirishni tashkil etish, yoshlar uchun kvotalangan ish o‘rinlarini tashkil etish samarasini oshirish, qayta ishlash sanoati va xizmat ko‘rsatish sektoridagi yangi ish o‘rinlarida ishlaydigan yosh xodimlarning kasbiy darajasini oshirish markazlarini tashkil etish, noqishloq xo‘jaligi yangi ish o‘rinlarining ish beruvchilari bilan yoshlar o‘rtasidagi mehnat shartnomalarini takomillashtirish hamda noqishloq xo‘jaligida ortiqcha bo‘lgan yoshlar ishchi kuchini ichki va tashqi mehnat migratsiyalarini samarali tashkil etish kabi omillar muhim ta‘sir kuchiga ega.

Yuqori adekvatlikka ega ekonometrik modellarni va ularga tegishli amaliy dasturlar paketlarini qo‘llash asosida O‘zbekiston Respublikasi qishloq joylardagi noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari tashkil etilishi va ularda ish bilan band bo‘lishning qisqa muddatli prognozi aniqlandi (2-jadval).

2-jadval.

O‘zbekiston Respublikasi qishloq hududlarining noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari va ularda ishlovchilar prognozi*

№	Noqishloq xo‘jaligi tarmoqlari nomi	Ko‘rsatkichlar va ularni o‘lchov birliklari	2022 y. (hisobot yili)	Prognoz davri				2026 yilda 2022 yilga nisbatan miq-doriy o‘zgarishi, + ; -
				2023 y.	2024 y.	2025 y.	2026 y.	
1.	Noqishloq xo‘jaligi tarmoqlari bo‘yicha, jami	yangi ish o‘rinlari, dona	82084	94592	96729	99919	103949	+21865
		ishlovchilar, kishi	102118	109118	118562	124809	128197	+26079
	<i>shu jumladan:</i>							
1.1.	Qayta ishlash sanoati	yangi ish o‘rinlari, dona	17073	20034	21215	22603	24116	+7043
		ishlovchilar, kishi	20496	23093	26023	28263	29710	+9214
1.2.	Qurilish va qurilish materiallari tayyorlash sanoati	yangi ish o‘rinlari, dona	13322	16148	17006	17769	19023	+5701
		ishlovchilar, kishi	16944	18622	20628	22189	23469	+6525
1.3.	Energetika	yangi ish o‘rinlari, dona	1382	1553	1528	1530	1559	+177
		ishlovchilar, kishi	1715	1772	1893	1918	1924	+209
1.4.	Transport va aloqa	yangi ish o‘rinlari, dona	3768	4667	4772	5002	5301	+1533
		ishlovchilar, kishi	4962	5386	5988	6396	6540	+1578
1.5.	Savdo va umumiy ovqatlanish	yangi ish o‘rinlari, dona	19098	21677	22029	22505	22869	+3771
		ishlovchilar, kishi	23717	25002	26867	27880	28213	+4496
1.6.	Uy-joy kommunal xo‘jaligi	yangi ish o‘rinlari, dona	1877	2180	2217	2351	2495	+618
		ishlovchilar, kishi	2350	2529	2789	2961	3077	+727
1.7.	Maishiy xizmat ko‘rsatish	yangi ish o‘rinlari, dona	3134	3439	3327	3315	3326	+192
		ishlovchilar, kishi	3894	3943	4077	4139	4103	+209
1.8.	Sog‘liqni saqlash	yangi ish o‘rinlari, dona	5631	6274	6216	6338	6445	+814
		ishlovchilar, kishi	7029	7216	7623	7887	7951	+922
1.9.	Sport va ijtimoiy ta‘minot	yangi ish o‘rinlari, dona	1398	1624	1697	1755	1871	+473
		ishlovchilar, kishi	1742	1874	2084	2236	2308	+566
1.10.	Maorif va madaniyat	yangi ish o‘rinlari, dona	7659	8450	8310	8338	8420	+761
		ishlovchilar, kishi	9528	9741	10190	10359	10387	+859
1.11.	Moliya, kreditlash va sug‘urta	yangi ish o‘rinlari, dona	2153	2359	2295	2277	2287	+134
		ishlovchilar, kishi	2678	2716	2816	2856	2821	+143
1.12.	Boshqa tarmoqlar	yangi ish o‘rinlari, dona	5590	6187	6117	6136	6237	+647
		ishlovchilar, kishi	7062	7224	7584	7725	7694	+632
		ishlovchilar, kishi	7062	7224	7584	7725	7694	+632

*Muallif ishlanmasi.

Respublika qishloq hududlarining noqishloq xo'jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o'rinlarining tashkil etilishi bo'yicha yuqori o'sish sur'atlari asosan qayta ishlash sanoati (+9214 ta yoki 141,3%), qurilish va qurilish materiallari tayyorlash sanoati (+5701 ta yoki 142,8%), sport va ijtimoiy ta'minot (+473 yoki 133,8%), uy-joy kommunal xo'jaligi (+618 yoki 132,9%), transport va aloqa (+1533 yoki 140,7%)da kuzatilishi mumkin.

Mamlakatimiz hududlarida amalga oshirilayotgan investitsion siyosat qishloq joylarda yoshlar uchun noqishloq xo'jaligi ish o'rinlarining kengayib borishini yuzaga keltirishi lozim. Buning natijasida ushbu sektorda ish bilan band bo'lgan yoshlar soni ham muntazam o'sib boradi.

Shundan kelib chiqib, prognozlashtirilayotgan davrlar oralig'ida noqishloq xo'jaligi sektorida ish bilan bandlar, ya'ni ishlovchilar soni 125,5%ga o'sishi yoki 26079 kishiga ortishi kutilmoqda.

Qo'llangan yuqori adekvatlikka ega ekonometrik modellar va ularga tegishli amaliy dasturlar paketlari asosida O'zbekiston Respublikasining mehnat resurslari bilan ko'p va kam ta'minlangan tanlab olingan qishloq tumanlarida noqishloq xo'jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o'rinlari tashkil etilishi va ularda ish bilan band bo'lishning qisqa muddatli prognozi aniqlandi.

Xulosa

Umuman olganda muammoning dolzarbligidan kelib chiqib xulosa qilish mumkinki, respublikamiz noqishloq xo'jaligi sektorida yoshlar uchun hozirgi yangi ish o'rinlarini yaratish darajasi qoniqarli emas.

Fikrimizcha, yaqin kelajakda respublikamiz qishloq hududlaridagi qayta ishlash sanoati, qurilish va qurilish materiallari tayyorlash sanoati, xizmat ko'rsatish va boshqa noqishloq xo'jaligi sektoridagi yoshlar uchun yangi ish o'rinlarini tashkil etish asosida mehnatga layoqatli qishloq yoshlarining ish bilan bandligini oshirishning 2022-2025 yillar uchun prognoz parametrlariga erishish uchun quyidagi asosiy tadbirlarni amalga oshirish zarur:

-qishloq joylarida kafolatlangan investitsiyalarni jalb qilish asosida zamonaviy noqishloq xo'jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o'rinlarini yaratish;

-qishloq joylarda yoshlar uchun noqishloq xo'jaligi ish joylarini yaratishni mahalliy byudjet mablag'lari hisobiga subsidiyalash;

-qishloq hududlari xususiyatlariga ko'ra qayta ishlash sanoati, qurilish va qurilish materiallari tayyorlash sanoati, xizmat ko'rsatish va boshqa sektorda investitsion jozibadorlikni oshirish;

-qishloq xo'jaligi mahsulotlarini qayta ishlash va saqlash bo'yicha mavjud

ish o‘rinlarini rekonstruksiya qilish;

-qishloq hududlarida agroturizm industriyasini tashkiliy-iqtisodiy qo‘llab-quvvatlash;

-qishloq joylarda xizmat ko‘rsatish tarmog‘ida ko‘p mablag‘ talab qilmaydigan, ko‘proq yoshlar uchun mo‘ljallangan ish o‘rinlarini yaratish;

-noqishloq xo‘jaligi sektori yoshlarning ish o‘rinlarida samarali faoliyat ko‘rsatish uchun passajir transporti, sug‘urtalangan meditsina xizmatlari va boshqa ijtimoiy infratuzilma ob‘ektlarini kafolatlangan faoliyatlarini tashkil etish;

-noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlari tashkil etishni ko‘paytirishga yo‘naltirilgan yangi institutlarning paydo bo‘lishi (lizing, agentliklar, autsorsing) uchun tashkiliy-huquqiy jihatdan shart-sharoitlar yaratish.

Yuqorida qayd etilgan asosiy samarali chora-tadbirlarni sifatli ijrosini ta‘minlash negizida qayta ishlash sanoati, qurilish va qurilish materiallarini tayyorlash sanoati, transport, energetika, xizmat ko‘rsatish kabi boshqa noqishloq xo‘jaligi sektorida yoshlar uchun yangi ish o‘rinlarini tashkil etish va ularning faoliyatlarini uchun zaruriy iqtisodiy, texnikaviy, ijtimoiy, tashkiliy va huquqiy sharoitlarni yaratish asosida mehnatga layoqatli qishloq yoshlarining ish bilan bandligini oshirishga erishish mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2023 yil 11 sentyabrdagi “O‘zbekiston – 2023 strategiyasi to‘g‘risida”gi PF-158 sonli Farmoni. <https://lex.uz/ru/docs/-6600413>

2. Xolmo‘minov Sh.R., Xomitov K.Z., Arabov N.U., Bobanazarova J.X., Abduramanov X.X. Qishloq aholisini ish bilan ta‘minlashning samarali ijtimoiy-iqtisodiy mexanizmlari (monografiya). – Toshkent: Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi, 2019. – B 34. __

3. Abduraxmonov Q.X. Mehnat iqtisodiyoti (darslik). – T.: Mehnat, 2009. – 512 b.

4. Рынок труда: учебное пособие. Под общей редакцией д.э.н., проф. К.Х. Абдурахманова, д.э.н., проф. Ю.Г. Одегова – Т.: ТФ РЕА, 2009.

5. Смирнов С. Методы оценки государственной политики занятости // Вопросы статистики. – 1998. - № 4. – С. 29-34.

6. Xolmo‘minov Sh.R. Qishloq mehnat bozorining shakllanishi va rivojlanishini modellashtirish // Dis. i.f.d. – T.: 1998. – 60 b.

7. https://www.ilo.org/moscow/news/WCMS_739003/lang-ru/index.htm veb-sayti ma‘lumotlari.

8. <https://kun.uz/59355295> rasmiy kanali ma‘lumotlari.

СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ЖЕНСКОЙ ЗАНЯТОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ

Холиков Сулаймон Уткир угли



*базовый докторант Ташкентского
государственного аграрного
университета*

E-mail: sulaymonkholikov@gmail.com

ORCID: 0009-0003-7957-0507

Аннотация.

Женская занятость продолжает оставаться актуальной социально-экономической проблемой современного узбекского общества, что обусловлено различными факторами и причинами. Прежде всего, приход рыночной экономики и последующая перестройка общественных устоев привели к изменению положения женщин как на рынке труда, так и в обществе в целом. Целью данного исследования является изучение динамики женской безработицы с 2000-х годов по настоящее время. Кроме того, исследование призвано пролить свет на социально-экономические аспекты, определяющие уникальные характеристики данной проблемы в контексте современных реалий. Наконец, исследование направлено на определение перспективных направлений занятости женщин и стратегий смягчения негативных последствий их безработицы.

Ключевые слова: безработица, предрассудки, безработные женщины, диспропорция, истоки безработицы, рынок труда, менеджеры, показатели безработицы.

O'ZBEKISTONDA XOTIN-QIZLAR BANDLIGINING IJTIMOIY-IQTISODIY JIHATLARI

Xoliqov Sulaymon O'tkir o'g'li

tayanch doktorant

Toshkent davlat agrar universiteti

E-mail: sulaymonkholikov@gmail.com

ORCID: 0009-0003-7957-0507

Annotatsiya

Xotin-qizlarning bandligi turli omillar va sabablarga ko'ra, zamonaviy o'zbek jamiyatining dolzarb ijtimoiy-iqtisodiy muammosi bo'lib qolmoqda. Birinchidan, bozor iqtisodiyotining paydo bo'lishi va keyinchalik ijtimoiy munosabatlarni qayta qurilishi xotin-qizlarning mehnat bozorida ham, umuman jamiyatda ham mavqeining o'zgarishiga olib keldi. Ushbu tadqiqotning maqsadi 2000 yillarning boshidan hozirgi kungacha xotin-qizlarning ishsizlik dinamikasini o'rganishdir. Bundan tashqari, tadqiqot zamonaviy voqelik kontekstida ma'lum bir muammoning o'ziga xos xususiyatlarini belgilaydigan ijtimoiy-iqtisodiy jihatlariga oydinlik kiritishga qaratilgan. Va nihoyat, tadqiqot xotin-qizlarni ish bilan ta'minlashning istiqbolli yo'nalishlarini va ularning ishsizligining salbiy oqibatlarini yumshatish strategiyasini aniqlashga qaratilgan.

Kalit so'zlar: ishsizlik, xurofot, ishsiz ayollar, nomutanosiblik, ishsizlikning kelib chiqishi, mehnat bozori, menejerlar, ishsizlik ko'rsatkichlari.

ECONOMIC AND SOCIAL ASPECTS OF FEMALE UNEMPLOYMENT IN UZBEKISTAN

Xoliqov Sulaymon O'tkir ug'li

*Tashkent State Agrar University
foundation doctoral student*

E-mail: sulaymonkholikov@gmail.com

ORCID: 0009-0003-7957-0507

Abstract

Female unemployment continues to be an urgent socio-economic problem of modern Uzbek society, which is due to various factors and reasons. First of all, the arrival of a market economy and the subsequent restructuring of social foundations led to a change in the position of women both in the labor market and in society as a whole. The purpose of this study is to study the dynamics of female unemployment from the early 2007's to the present. In addition, the study aims to shed light on the socio-economic aspects that determine the unique characteristics of this problem in the context of modern realities. Finally, the study aims to identify promising areas of employment for women and strategies to mitigate the negative consequences of their unemployment.

Keywords: unemployment, prejudice, unemployed women, disproportions, sources of unemployment, variables contributing to unemployment, labor market, managers, unemployment rates.

Введение

В современном узбекском обществе происходят многочисленные социально-экономические преобразования, которые еще более усугубляют сохраняющееся неравенство между полами в социальной и трудовой сферах. На фоне этих изменений проблема безработицы становится серьезным социально-экономическим вызовом, привлекающим к себе пристальное внимание. Появление "женской безработицы" исследователи часто связывают с началом 2000-х годов, когда значительную часть официально зарегистрированных безработных составляли женщины. Более того, данные таких авторитетных источников, как Международная организация труда, Агентство статистики при Президенте Республики Узбекистан, подтверждают это наблюдение, демонстрируя явное и стабильное присутствие женщин в составе безработных на протяжении длительного периода. Это явление подчеркивает актуальность изучения сложной динамики гендерной безработицы в узбекском обществе.

Обзор литературы

В научной литературе пока нет единства в толковании понятия "рациональная занятость женщин", равно как и единого подхода к проблеме эффективности труда женщин, оптимальному пределу женской занятости в общественном производстве и ее взаимосвязи с уровнем рождаемости, рациональному соотношению женского и мужского труда в разрезе отраслей и профессий. А.Э. Котляр и С.Я. Турчанинова выдвигают четыре принципа рациональной занятости женщин:

- соответствие характера и условий труда специфическим психофизиологическим особенностям женщин;
- оптимальный режим труда, позволяющий разумно сочетать труд в общественном производстве с материнством и другими семейными обязанностями;
- наиболее целесообразные пропорции занятости женщин в сфере общественного и индивидуального труда;
- гармоничное сочетание занятости мужчин и женщин по территориальным единицам [1].

З.А. Янкова в рациональную занятость женщины включает «...не только сбалансированность между численностью работниц и наличием рабочих мест, но и дальнейшее улучшение условий женского труда, его характера, содержания. Рациональная занятость женщин предполагает оптимальный режим труда, не только отвечающий специфическим

психофизиологическим особенностям женского организма, но и позволяющий гармонически сочетать профессиональную и семейно-бытовую деятельность...». Другие авторы "смысл рациональной занятости женщин" видят "не только в достижении ими наивысшей производительности труда, но и в удовлетворенности женщин своей работой" [2].

По мнению Н. И. Татариновой: "Под эффективностью женского труда мы понимаем, такое его использование, при котором повышается эффективность общественного производства, увеличивается численность населения, достигается гармоничное развитие личности женщины и ее фактическое равенство с мужчиной" [3].

Н. И. Кунгурова вводит в оборот понятие "эффект женской занятости", разделяя его на эффект экономический, то есть эффект от выполнения женщиной производственной функции, и эффект социальный – приносимый семейно-бытовой функцией женщины. "... эффективность женской занятости зависит не только от экономического эффекта, но и социального, заключающегося в непрерывном и всестороннем развитии женщины и успешном выполнении ею функций по рождению и воспитанию новых поколений".

Вопросы, касающиеся механизма функционирования системы социальной защиты населения, изучали зарубежные ученые-экономисты С. Голиновская, М. Жуковский, Р. Паласиос, Г. Спенсер, М.Ж. Фишер. Этапы становления и развития системы социальной защиты населения в период пандемии в странах СНГ и отдельные вопросы формирования социальной защиты населения, теоретико-методологические основы, модели социальной защиты населения и особенности их реализации исследовали И. Андреева, Д.Ж. Бичкова, Е.Е. Гришина, Т.М. Малева, Е.А. Цацура.

Ученые-экономисты нашей страны А.В. Вахобов, Г.Х. Абдурахманов, Х.Р. Абулкасимов, П.З. Хашимов изучили теоретические и концептуальные основы экономики социальной сферы и систему социальной защиты. Некоторые вопросы финансирования социальной сферы, уровня жизни населения, механизмы, методики и поддержки населения были описаны в научных работах М.А. Хакимовой, М.Х. Ганиева, Б.В. Бахтиярова.

Анализ и результаты

Женщины составляют значительную часть безработных, что свидетельствует о влиянии кризиса на них в непропорционально большей степени. В определенной степени это обусловлено различными факторами, такими как гендерные стереотипы, ожидания общества, распределение

определенных ролей на рынке труда. Эти факторы привели к тому, что в период кризиса женщины столкнулись с большими трудностями при поиске работы.

Кроме того, пандемия 2020 года могла повлиять и на типы рабочих мест на рынке труда, что еще больше усложнило задачу трудоустройства женщин. Реструктуризация отраслей и переход к рыночной экономике привели к сокращению таких традиционно женских отраслей, как образование и здравоохранение. Это ограничило возможности трудоустройства женщин, что еще больше усугубило проблему женской безработицы [4].

В этот переходный период повышенный спрос на должности и профессии, в которых доминируют мужчины, как важнейший фактор, способствовал возникновению женской безработицы в узбекском обществе. В результате спрос на женскую рабочую силу значительно снизился. Смещение спроса на конкретные рабочие профессии также привело к изменению социального статуса женщин, в основном в сторону понижения, и усугубило их трудности с трудоустройством. В связи с этим многие женщины были вынуждены обращаться за помощью в поиске работы, регистрируясь в службах занятости.

Кроме того, переходный период в Узбекистане привел к различным изменениям в обществе, которые отразились на перспективах трудоустройства женщин. Сохранялись традиционные гендерные роли и стереотипы, ограничивающие доступ женщин в некоторые отрасли и возможности карьерного роста [5].

Женская безработица в Узбекистане подчеркивает необходимость целенаправленной политики и инициатив, направленных на решение специфических проблем на рынке труда. Необходимо содействовать гендерному равенству, бороться с гендерными стереотипами и создавать возможности для профессионального роста женщин [6]. Оказание в этот переходный период поддержки и предоставление ресурсов для развития навыков, профессионального обучения и предпринимательства способствуют расширению возможности женщин и позволит им преодолеть барьеры, препятствующие их трудоустройству. Признавая и устраняя проблемные обстоятельства, с которыми сталкиваются женщины на рынке труда, Узбекистан может работать над созданием более инклюзивных и справедливых условий труда для всех.

Таблица 1.

Показатели официальной безработицы среди женщин и мужчин (тысяч человек)*

Год	Уровень безработицы	
	женщины	мужчины
2016	317,5	406,5
2017	367,1	469,9
2018	722,2	646,4
2019	825,3	510,0
2020	899,2	661,9
2021	856,6	585,3
2022	459,8	872,9

*Разработка автора.

Важно отметить, что службы занятости в основном предлагали вакансии для "рабочих", занятых в промышленности и производстве, в то время как среди зарегистрированных безработных женщин были больше представлены специалисты в таких областях, как преподавание, уход за детьми, экономика, бухгалтерский учет, инженерное дело, здравоохранение.

Такая концентрация женщин в определенных отраслях наблюдается уже несколько лет, что зафиксировано на основе статистических данных, учитывающих распределение безработных женщин с опытом работы по различным видам экономической деятельности. Многие из безработных женщин ранее были заняты в образовании, здравоохранении, социальном обслуживании, социальном обеспечении, культуре, спорте, отдыхе и развлечениях, оптовой и розничной торговле, финансах и страховании, а также работали в гостиничной сфере и в системе общественного питания. В начале пандемии 2020 годов в отраслях произошли значительные структурные изменения, во многом обусловленные тем, что они финансировались преимущественно из государственного бюджета [7]. В результате были закрыты многочисленные заводы, производства и предприятия, что привело к тому, что должности стали неактуальными, а некоторые рабочие места и вовсе исчезли. В этот период получили распространение массовые увольнения и сокращения штатов.

Диаграмма 1.

**Численность занятых женщин по видам
экономической деятельности***



*Разработка автора.

В период пандемии в 2020 году произошло существенное сокращение возможностей трудоустройства для женщин на 20,6% по сравнению с 10,3% для мужчин. Это означает, что примерно каждая пятая женщина потеряла работу в официальном секторе занятости. Работодатели, по-видимому, отдавали предпочтение сохранению рабочих мест с преобладанием мужского труда, что привело к непропорциональному снижению занятости женщин. Эта тенденция отражает более широкое гендерное неравенство, по-прежнему существующее на многих рабочих местах, и проблемы, с которыми сталкиваются женщины при сохранении гарантии занятости в период экономического кризиса [8].

Кроме того, наметилась тревожная тенденция, когда женщинам намеренно отказывали в трудоустройстве даже в тех случаях, когда в указанных отраслях появлялись вакансии, соответствующие их образовательному цензу. Например, предприятия и организации при подаче заявки в службу занятости стали заранее указывать пол сотрудника, которого они ищут. В результате женщины, особенно с инженерно-техническим образованием, незаслуженно лишались работы и оставались за бортом рынка труда.

В результате несоответствия спроса и предложения на рабочую силу, несоответствия имеющихся вакансий профессиональным качествам женщин, ищущих работу, потерявшие работу зачастую длительное время не могли найти новую работу. Безработица для таких женщин приобретала застойный характер, а процесс поиска подходящей работы через службу занятости мог затянуться на годы. Это еще один существенный аспект рассматриваемой проблемы [9].

Кроме того, в меняющемся посткризисном обществе стали появляться новые вакансии, профессии и сферы занятости, для которых еще не хватало квалифицированных специалистов. Это ознаменовало появление структурной женской безработицы, которая характеризуется своей глубиной, фракционностью, а также изменениями в производстве, влияющими на спрос на различные виды труда. По мере изменения структуры рабочей силы перед женщинами, ищущими работу, возникали новые проблемы, связанные с необходимостью приобретения новых навыков и квалификации, чтобы оставаться конкурентоспособными на развивающемся рынке труда [10].

По мнению исследователей, изменения в социально-трудовой сфере, особенно в части профессионально-квалификационной структуры безработных и востребованности их квалификации на рынке труда, в большей степени негативно отразились на женщинах. Эти факторы оказали существенное влияние на уровень регистрируемой безработицы.

Кроме того, результаты другого социологического исследования показали, что за годы реформ у 17% респондентов произошло повышение социального статуса, а у 44% – снижение, т.е. почти в три раза. Лишь 12% респонденток сохранили прежний низкий социальный статус, 22% достигли среднего статуса и лишь 5% – высокого. Это свидетельствует о том, что значительное число женщин претерпевает изменения в сторону понижения социальной мобильности. Подобная картина изменений сохраняется и в современной действительности [11].

Диаграмма 2.



*Разработка автора на основе статистических данных. – <http://www.stat.uz/>

В течение определенного времени ситуация на рынке труда постепенно стабилизировалась, во многом благодаря проведению эффективной

государственной политики и различным взаимосвязанным факторам. Первоначально, в период перехода к рыночной системе, наблюдался значительный и повсеместный приток женщин в рабочую силу. Это произошло на этапе нестабильного рынка труда, в результате чего доля безработных женщин резко возросла и достигла своего пика. Однако с течением времени ситуация начала нормализовываться.

Одновременно происходило изменение менталитета и приоритетов некоторых групп женщин в отношении работы. Опросы, проведенные среди безработных в конце 2020 года, показали, что женщины из семей с высоким и даже средним достатком часто предпочитали не регистрироваться в качестве безработных из-за низкого размера пособий и трудностей, связанных с их получением. Другая часть женщин воздерживалась от регистрации, поскольку не надеялась найти работу через имеющиеся службы, учитывая высокую напряженность на рынке труда.

Поэтому, как уже отмечалось, существует группа безработных женщин, которые, несмотря на определенную степень финансовой защищенности (например, имея определенный доход или рассчитывая на поддержку супруга или родителей), подходят к процессу поиска работы более пассивно или вообще не собираются работать. Эти женщины предпочитают отдавать предпочтение выполнению семейных обязанностей, уходу за детьми и работе по дому. Однако зачастую они все равно испытывают финансовые трудности, которые вынуждают их активно искать работу, хотя и занимают более пассивную позицию на рынке труда [12].

Приведенные примеры иллюстрируют социальную мобильность женщин, под которой понимается их способность адаптироваться к изменяющимся условиям рынка труда и повышать свое социальное положение. При этом происходит изменение их профессионального статуса и положения в обществе.

Одна из причин изменения численности зарегистрированных безработных женщин заключается в том, что многие из них перешли на работу в неформальном секторе. К нему относятся мелкорозничная торговля, челночный бизнес и другие подобные виды деятельности.

С одной стороны, это свидетельствует о том, что женщины находят альтернативные источники дохода, занятость и неполную рабочую неделю, что может дать им ценный опыт и в перспективе привести к созданию собственного бизнеса. С другой стороны, это указывает на проблемы "официальной" занятости, в том числе на недостаточную заработную плату, которая вынуждает женщин искать дополнительную подработку. Такая

ситуация создает дополнительные трудности в обществе и на рынке труда. Опросы, проведенные в 2022 году, также показали, что около 5% безработных женщин готовы заниматься разнорабочей деятельностью, чтобы заработать деньги. Это тревожная статистика, поскольку она способствует росту преступности и возникновению других социальных проблем [13].

Рост как регистрируемой, так и нерегистрируемой безработицы среди женщин, обусловленный политическими и социально-экономическими изменениями в стране, во многом объясняется действиями работодателей. Женщины часто рассматриваются работодателями как приоритетные кандидаты на увольнение, поскольку они считают их менее выгодными работниками из-за возможных перерывов в работе, связанных с замужеством, беременностью, рождением ребенка и обязанностями по уходу за ним [14].

Выводы

На основании проведенного анализа можно сделать вывод, что женская безработица характеризуется фрикционными обстоятельствами. Это связано со значительными временными затратами на поиск новой работы, а также с тем, что на востребованные должности, как правило, приходят подготовленные специалисты с определенным уровнем образования, профессиональной специализацией и квалификацией.

Они столкнулись с множеством проблем, включая потерю и приобретение работы, и по-разному адаптировались к этим обстоятельствам. Большинство женщин потеряли основную работу и стали безработными, и лишь немногим удалось сохранить неполный рабочий день. Другая группа женщин попыталась найти альтернативную работу, и, хотя некоторым из них удалось найти вторую работу (постоянную или временную), зачастую она была менее квалифицированной. Были женщины, которые успешно адаптировались к изменившимся условиям общества и рынка труда, найдя подходящую работу или организовав собственный бизнес на основе предпринимательской деятельности. В то же время большинство безработных мужчин, в отличие от своих коллег женщин, демонстрировали удивительную способность адаптироваться к нестабильной ситуации, активно взаимодействуя с рынком труда и быстро открывая для себя новые возможности в различных отраслях.

На основе проведенных исследований и анализа адаптивного поведения женщин на свободном рынке труда были выделены отдельные типологические группы женщин.

Первая группа, составляющая 21% (или каждая пятая женщина),

характеризуется как адаптивная. Эти женщины успешно приспособились к существующим условиям, проявляя социальную активность и профессиональную гибкость. Они либо нашли подходящую работу, либо занялись предпринимательской деятельностью.

Вторая группа, составляющая 21%, классифицируется как безразличные. В этой группе преобладают домохозяйки, преимущественно молодые и пенсионеры, которые в целом минимально обеспокоены своим будущим на рынке труда.

Третья, самая многочисленная группа, составляющая 49,9% (или каждый второй респондент), относится к группе фрустрации. В эту группу входят работающие женщины в возрасте от 31 до 55 лет, в основном специалисты различных областей - инженеры, техники, служащие, творческая интеллигенция. Эти женщины испытывают чувство незащищенности на рынке труда и получают доходы на уровне прожиточного минимума. Безработица служит для этой группы значительным источником фрустрации.

Последнюю группу, составляющую 8,1%, составляют безработные женщины, потерявшие работу и испытывающие трудности с поиском новой работы.

Литература

1. Котляр А.Э., Турчанинова С.Я. Занятость женщин в производстве: статистико-социологический очерк. М.: «Статистика», 1975. -73с.
2. Янкова, Зоя Алексеевна. Городская семья [Текст] : научное издание / З. А. Янкова ; АН СССР, Ин-т социол. исслед. - М. : Наука, 1979. - 184 с.
3. Малева Т.М., Гришина Е.Е., Цацура Е.А. Социальная политика в долгосрочной перспективе: многомерная бедность и эффективная адресность. – М.: Дело РАНХиГС, 2019. –123 с.
4. Антропов В.В. Экономические модели социальной защиты населения в государствах ЕС. Автореферат дис. ... докт. экон. наук. – Москва, 2007. – С. 15.
5. Андреева Е.И., Бычков Д.Г., Феоктистова О.А. Анализ эффективности мер социальной поддержки, направленных на сокращение уровня бедности // Актуальные вопросы современной экономики. – 2019. – № 6. – С. 538-557.
6. Хусанов Б.Ш. Проблемы регулирования финансового механизма социального обеспечения населения. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – Т., 2011. – 25 с.

7. Ганиев М.Х. Ўзбекистонда камбагаллик муаммоси ва уни камайтириш йўллари. Монография. – Наманган, 2020. – 179 б.
8. Джуманова Р. Ф. Аҳоли турмуш даражаси: кўрсаткичлари ва уни ошириш йўллари.
9. Павлова И.В. Система социальной защиты в экономике России // Вестник ТГУ. 2012. №7.
10. Хакимова М.А. Реформирование и развития социального сектора Узбекистана в условиях перехода к рынку. Автореф. дис. ... докт. экон. наук. – Т., 2000. – 38 с.
11. Хасанов Р.Р. Шаклланаётган бозор муносабатлари тизимида даромадлар ва уларнинг табақаланиши. Икт. фан. доктори ... дис. автореферати. – Тошкент, 2005. – 40 б.
12. Мажидов Н.М. Ўзбекистон Республикасида ижтимоий суғурта тазимини ислоҳ қилиш (пенсия тизими мисолида). – Икт. фан. номзоди ... дис. автореферати. – Т., 2003. – 23 б.
13. Официальный веб-сайт Государственного комитета статистики Республики Узбекистан. –<http://www.stat.uz/>
14. Веб-сайт Международной организации труда (МОТ). – <https://www.ilo.org/>

МАМЛАКАТНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШДА АГРАР СОҲАНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ



Кўчқаров Файзулло Абдужабборович

*мустақил изланувчиси
Тошкент молия институтини
E-mail: Kochkarov_F@mail.ru
ORCID:0009-0004-6227-5103*

Аннотация

Мақолада аграр секторнинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги роли ва ўзига хос хусусиятлари тадқиқ қилинган ва илмий хулосалар шакллантирилган. Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг асосий кўрсаткичлари ва аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари ҳажмининг ўсиш суръатлари таҳлил қилинган. Тадқиқот натижалари асосида аграр соҳани ривожлантиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: аграр сектор, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат хавфсизлиги, агросаноат, кластер, ер-сувдан фойдаланиш, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалиги, чорвачилик, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари.

РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ АГРАРНОЙ СФЕРЫ В СОЦИАЛЬНО- ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ СТРАНЫ

Кучкарров Файзулла Абдужабборович

*самостоятельный соискатель
Ташкентский финансовый институт
E-mail: Kochkarov_F@mail.ru
ORCID:0009-0004-6227-5103*

Аннотация

В статье изучена роль и особенности аграрного сектора в социально-экономическом развитии страны и сформулированы соответствующие научные выводы. Проанализированы основные показатели сельского хозяйства Узбекистана и темпы роста объема сельского хозяйства, лесного хозяйства и рыболовства на душу населения. По результатам исследования были разработаны предложения и рекомендации, направленные на развитие аграрной сферы

Ключевые слова: аграрный сектор, сельское хозяйство, продовольственная безопасность, агропромышленный комплекс, кластер, земельно-водное хозяйство, фермерские хозяйства, подворья, животноводство, сельская местность, лес и рыболовство.

THE ROLE AND IMPORTANCE OF THE AGRICULTURAL SECTOR IN THE SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT OF THE COUNTRY

Kuchkarov Fayzullo Abdujabborovich

*Independent researcher
Tashkent Institute of Finance
E-mail: Kochkarov_F@mail.ru
ORCID:0009-0004-6227-5103*

Abstract

The article examines the role and features of the agricultural sector in the socio-economic development of the country and formulates scientific conclusions. The main indicators of agriculture in Uzbekistan and the growth rates of agriculture, forestry and fishing per capita are analyzed. Based on the results of the study, proposals and recommendations aimed at the development of the agricultural sector were developed

Keywords: agricultural sector, agriculture, food security, agro-industrial complex, clusters, land and water management, farms, farmsteads, animal husbandry, countryside, forest and fishing.

Кириш

Аграр соҳа жаҳон иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми, даромад, озиқ-овқат ва меҳнат манбаи ҳисобланади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, «2022 йилда дунё аҳолисининг 43,9 фоизи аграр соҳада банд бўлган. Қишлоқ хўжалиги тармоғи ялпи ички маҳсулотнинг 39,5 фоизи ва глобал экспортнинг 43 фоизини ташкил қилади. 2022 йил учун агросаноат сектори тўртта муҳим товар гуруҳи – озиқ-овқат, хомашё, тола ва ёқилғи етказиб берувчиси ҳисобланади. Прогнозларга кўра, тахминан 670 млрд киши ёки дунё аҳолисининг 8 фоизи 2030 йилга бориб очликдан азият чекади» [2]. Шу нуқтаи назардан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш, иқтисодиётимиз барқарор ўсишини таъминлаш, фаровон келажакни барпо этиш, мамлакатда камбағаллик даражасини камайтириш пировард натижада аграр соҳанинг қай даражадалигига кўпроқ боғлиқ бўлади. Шунинг учун аграр соҳани чуқур

ислоҳ қилиш, асосий йўналиш сифатида қишлоқ хўжалиги техника-технологиялари ва қишлоқ хўжалиги сиёсатини модернизация қилиш талаб этилади.

Ўзбекистонда аграр соҳа ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳоли бандлиги ва мамлакатнинг ялпи товар айланмаси, шунингдек, экспорт салоҳиятидаги улуши бўйича энг йирик тармоқ ҳисобланади. "Рақамли Ўзбекистон - 2030" стратегиясида «қишлоқ хўжалиги соҳасида экспорт ҳажмини йилига 10 млрд долларга етказиш ҳамда аграр соҳага жами 15 млрд доллар инвестицияларни жалб қилиш» [1] устувор вазифа сифатида белгилаб олинди.

Сўнгги йилларда биз қишлоқ хўжалигида жуда кўп ишларга киришдик. Жумладан, кластерлар, кооперациялар ташкил қилинди. Қишлоқ хўжалиги самардорлигини ошириш мақсадида сувни тежаш, ерларни ўзлаштириш бўйича кўп ташаббуслар амалга оширилмоқда. Бундан асосий мақсад аграр соҳада ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш, аграр тармоқда ишлаб чиқариш самардорлигини таъминлаш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини яхшилаш, қобилиятли ва тадбиркор меҳнаткашларни эркин ҳамда мустақил меҳнат қилишларининг иқтисодий ва ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва шу асосда ислоҳотларнинг самардорлигини таъминлаш йўли билан иқтисодиётни ривожлантиришга эришишдир. Зеро, иқтисодиётнинг аграр секторини ривожлантириш муаммоларини ҳал этиш Ўзбекистоннинг бозорга ўтишдаги бутун стратегиясини ҳал қилувчи бўғин ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг устувор йўналишларида белгиланган тадбирларда ҳам асосий эътибор, биринчи навбатда, аграр соҳа ривожига қаратилиши бежиз эмас.

Аграр соҳада бошланган туб иқтисодий ислоҳотлардан кўзланган мақсад тармоқда турли мулк ва хўжалик юритиш шакллари асосланган мулкчилик муносабатларини қарор топтириш, унинг асосида ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва ижтимоий йўналтирилган бозор муносабатларини таркиб топтиришдан иборатдир.

Адабиётлар шарҳи

Аграр соҳани ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатлари, хусусан, аграр секторни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий асослари аграр секторнинг ресурс салоҳияти хорижлик иқтисодчи-олимлар А.Н. Тарасов, С.Е. Щитов, А.Р. Петкова, А.Э. Стаценко, Е.М. Морозов, Л.Г. Максимова [3] илмий ишларида ўз ифодасини топган.

Аграр соҳани молиявий таъминлаш ва кредитлаш механизмнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи-олимлардан А. Вахабов [4], А. Боймуратов [5], Э. Шодмонов [6], Д. Хўжамкулов [7], Г. Махмудоваларнинг [8] илмий изланишларида тадқиқ қилинган.

Бироқ аграр соҳанинг мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги ўрни ҳозирги ислоҳотлар натижаси ва мақсадларидан келиб чиқиб, тадқиқ этиш ва соҳани ривожлантиришга қаратилган таклиф-тавсиялар ишлаб чиқиш долзарб масалалардандир.

Таҳлил ва натижалар

Мавжуд илмий манбаларда “аграр” тушунчаси (лот. agrarius – ерга, далага оид)– ер-сув, ерга эгалик ва ер-сувдан фойдаланишга оид муносабатларни англатади [9]. “Аграр соҳа” тушунчасини икки хил талқин қилиш мумкин. Сўзнинг тор маъносида бу қишлоқ хўжалиги, яъни қайта ишлаш тармоқлари учун озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги хомашёси ишлаб чиқаришдир. Кенг маънода аграр соҳа эволюцияси жараёнида мустақил саноат тармоқлари қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиқа бошлади, илгари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан бажарилган функцияларни ўз зиммасига олди: қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, қадоқлаш, сақлаш ва ташиш, минерал ўғитларни жорий этиш бўйича ишлар, мелиорация, қишлоқ хўжалиги сектори учун ишлаб чиқариш хизматларининг бутун тизимидир. Аграр соҳа билан чамбарчас боғлиқ бўлган иқтисодиёт тармоқларининг бутун занжири шаклланган ва ушбу тармоқларнинг умумийлиги агросаноат мажмуаси деб номланди. «Бугунги кунда республикада қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчилари – фермер хўжаликлари, деҳқон хўжаликлари ёки аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларидан иборат» [10].

Аграр соҳа – бу аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш ва бир қатор саноат тармоқлари учун хомашё олишга қаратилган иқтисодиётнинг муҳим тармоғи. Агросаноат мажмуасининг энг муҳим бўғини сифатида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан ишлаб чиқаришнинг мавсумий табиати, ердан меҳнат объекти ва воситаси сифатида фойдаланиш ва табиий шароитларга кучли боғлиқлиги билан ажралиб туради. Унинг таркибида қишлоқ хўжалиги ўсимликлари ишлаб чиқариш ва чорвачилик бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, улар томонидан тегишлича 56 ва 44 фоиз қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилади. Бунда ўсимликчилик дон,

дуккакли экинлар, ем-хашак, сабзавот экинлари ва цитрус мевалари, мойли экинлар, шунингдек узумчилик ва боғдорчилик сегментларини ўз ичига олади. Чорва сектори чорвачилик, қўйчилик, йилқичилик, қуёнчилик, паррандачилик ва бошқа шу кабиларни ўз ичига олади.

Аграр соҳа мамлакат иқтисодиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, жамиятнинг ҳаётий фаолиятини таъминлаш шартларини белгилайдиган асосий тармоқларидан биридир. Унинг ўрни ва аҳамияти нафақат инсонларнинг озиқ-овқат эҳтиёжларини қондиришда, балки аҳолининг бандлиги ва бутун миллий ишлаб чиқариш самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатишидадир.

Ўзбекистонда ЯИМ ишлаб чиқариш ҳажмида қишлоқ хўжалиги саноат ва хизматлардан кейин учинчи ўринда туради. Ўзбекистон учун қишлоқ хўжалиги секторини Давлат томонидан субсидияланса, унда тегишли тармоқлар яхши ривожланади. Шу боис қишлоқ хўжалиги турдош тармоқларни хомашё билан таъминлаш учун ҳам ривожлантирилиши керак.

Аграр соҳанинг мамлакат ёки минтақа иқтисодиётидаги ўрни унинг тузилиши ва ривожланиш даражасини кўрсатади. Қишлоқ хўжалиги секторининг роли кўрсаткичлари сифатида қишлоқ хўжалигида ялпи ички масҳулот таркибидаги ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги салмоқидан фойдаланилади. Фермер, деҳқон ва томорқа хўжаликларидан ҳамда қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотларда етиштирилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг жами қиймати ҳамда қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштиришнинг умумий ҳажми қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ифодалайди.

Аграр сектор барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади:

– биринчидан, аграр соҳа, шубҳасиз, мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди. Аграр соҳанинг ривожланиши туфайли давлат аҳолини етарли миқдорда озиқ-овқат билан таъминлаши мумкин, бу эса фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлашнинг асосий шартидир. Бир вақтнинг ўзида озиқ-овқат хавфсизлигининг мавжудлиги ижтимоий барқарорлик ва иқтисодий ривожланишга ёрдамлашади;

– иккинчидан, аграр соҳа қишлоқ аҳолиси учун муҳим даромад манбаи ҳамдир. Аграр соҳадаги бандлик миллионлаб қишлоқ одамларини иш ва муносиб турмуш даражаси билан таъминлайди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш учун тўловларнинг мавжудлиги, шунингдек ўз ер участкасидан фойдаланиш ва ўз эҳтиёжлари учун маҳсулот ишлаб чиқариш қобилияти қишлоқ аҳолисига барқарор даромад олиш ва уларнинг мавжудлигини таъминлаш имконини беради;

– учинчидан, аграр соҳа иқтисодиётнинг бошқа тармоқларини

ривожлантириш учун асос бўлиб хизмат қилади. У озиқ-овқат, ўғитлар ва доридармонлар ишлаб чиқариш учун зарур хомашё етказиб беради, шунингдек тўқимачилик ва кимё саноати учун муҳим хомашё манбаи ҳисобланади. Аграр соҳанинг тараққиёти саноатнинг ривожланишига ҳисса қўшади ва, ўз навбатида, янги иш ўринлари яратилишига, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспортнинг кўпайишига олиб келади.

Бугунги кунда эришилган ижобий ютуқлар олиб борилаётган изчил ислохотларнинг ҳаётий самарасини яққол ифодалаш билан бирга, қишлоқ хўжалигида мулк шаклларининг тез ва фаол ривожланишининг меваси ҳамдир. Ҳозирги пайтда ушбу хўжалик шакллари қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида ўзига хос ўринни эгалламоқда. 2018-2022 йил давомида қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони 42,7 минг гектарга камайган бир пайтда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1,8 баробарга ўсган. Бунда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам шунга монанд ўсиш суръатига эга бўлган. Мазкур йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати 3,6 фоизли бандга ошган ва бунда деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши асосий салмоқни ташкил этган. Аксинча, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш суръати 2,2 фоизли бандга пасайган.

1-жадвал.

**Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг
асосий кўрсаткичлари***

т/р	Кўрсаткичлар	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил
1.	Қишлоқ хўжалиги экинлари экин майдони, минг гектар	3396,0	3309,4	3396,1	3340,6	3353,3
2.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти, млрд сўм	187425,6	216283,1	250250,6	303415,5	345191,7
	шу жумладан:					
2.1.	деҳқончилик	98406,4	111904,8	123858,8	152130,4	177962,7
2.2.	чорвачилик	89019,2	104378,3	126391,8	151285,1	167229,0
3.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, ўтган йилга нисбатан фоизда	100,2	103,3	102,7	103,9	103,6
	шу жумладан:					
3.1.	деҳқончилик	95,8	104,8	103,2	104,3	103,8
3.2.	чорвачилик	105,7	101,6	102,1	103,5	103,3


*<https://www.google.com/search?q=qishloq+o%27rmon+va+baliq+xo%27jaligi>

2022 йилда Ўзбекистон Республикасининг аҳоли жон бошига қишлоқ,

ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулот (хизмат)лари ҳажми жорий нархларда 10225,6 минг сўмни, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,5 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари маҳсулот (хизмат)лари ҳажми жорий нархлардаги тармоқ умумий ҳажмини мамлакатнинг ҳисобот давридаги ўртача аҳолиси сонига бўлиш йўли билан аниқланади. Ўзбекистон Республикаси доимий аҳолисининг ўртача сони 2022 йилда 35648,1 минг кишини ташкил этган.

1-диаграмма.


Ўзбекистон Республикаси аҳоли жон бошига қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари ҳажмининг ўсиш суръатларини йиллар бўйича динамикаси (%да)*



*<https://www.google.com/search?q=qishloq+o%27rmon+va+baliq+xo%27jaligi>

2-диаграмма.

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги тармоғининг аҳоли жон бошига тўғри келиши динамикаси (минг сўмда)*




*<https://www.google.com/search?q=qishloq+o%27rmon+va+baliq+xo%27jaligi>

2016-2022 йилларда аграр соҳада, хусусан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида бандлар сони пасайиш тенденциясига эга бўлган. 2022 йилда

қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида бандлар сони 3438,7 минг нафарни ташкил қилиб, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 208 мингтага камдир. Бундай ҳолат, биринчидан, мамлакатимизда норасмий секторда банд бўлганлар салмоғининг юқорилиги билан изоҳланади. «2022 йил 1 июль ҳолатига кўра, Ўзбекистонда жами банд аҳолининг 41,3 фоизи норасмий секторда фаолият кўрсатган». Иккинчидан, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигида ўртача ойлик иш ҳақи миқдори 2016-2022 йилларда барқарор ўсиш суръатларига эга (3,2 баробарга) бўлса-да, иқтисодийнинг бошқа секторларига нисбатан анча пастлигича қолмоқда (3-диаграмма).

3-диаграмма.

**Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжаликларида банд бўлганлар сони
ва ўртача ойлик иш ҳақи***



*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлигининг статистик маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Масалан, «Ўзбекистонда январь-июнь ойларида ўртача ойлик иш ҳақи 4,3 млн сўмни ташкил этган. Энг кўп ойлик олувчилар – банк, молия ва суғурта соҳаси ходимлари. Уларнинг ўртача маоши 12,4 млн сўмни ташкил қилган» [3]. Шу нуқтаи назардан, аграр соҳада бир вақтнинг ўзида, биринчидан, норасмий бандликни камайтириш, иккинчидан, ушбу соҳада қишлоқ аҳолисининг реал даромадларини ошириш зарур бўлади. Бунинг учун, биринчи навбатда, пахта ва ғалладан бўшаган ер майдонларини тадбиркор, ташаббускор, деҳқончилик тажрибасига эга бўлганларга бериш зарур ва бу масала маҳаллий ҳокимликлар ва шунга масъул шахслар томонидан жиддий назорат қилиниши керак. Иккинчидан, аграр соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва шу орқали

интенсив ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхоналар ташкил қилиш зарур. Бунда ташкил этилаётган қўшма корхона устав фондининг (устав капиталининг) амалдаги миқдорини (камида ўн беш фоиз) янада камайтириш мақсадга мувофиқдир. Шу орқали аграр соҳада қўшма корхоналар сонини кўпайтириш аҳолини иш билан таъминлаш ва уларнинг реал даромадларини ошириш ҳисобига аҳоли фаровонлигини таъминлаш имконият яратилади.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасида шу нарса аниқландики, ўтган қисқа давр ичида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар билан боғлиқ тадбирларга кўра, қишлоқ хўжалигида ижобий ютуқларга эришилди.

Лекин қишлоқ хўжалиги корхоналари фаолиятининг таҳлил натижалари уларнинг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатувчи муайян салбий омиллар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан:

– бюджет томонидан молиявий кўмаклашиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, акциядорлик капиталидан фойдаланиш, банк кредитларини жалб этиш каби имкониятларнинг чекланганлиги;

– ишлаб чиқариш имкониятлари чекланган шароитда тармоқда рисклилиқнинг юқорилиги;

– асосий воситаларни лизинг асосида шакллантириш учун етарли маблағнинг мавжуд эмаслиги;

– қишлоқ бозор инфратузилмасининг ривожланиш даражасининг, жумладан, ахборот ва турли маслаҳат хизматларини кўрсатиш савиясининг пастлиги;

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларда тармоқ маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари, тайёрлов ва таъминот ташкилотлари ёки давлат хизмати ходимлари кабилар билан фаолият давомида юзага келадиган низоларни ҳал этишда ҳуқуқий билимларнинг етарли эмаслиги;

– самарали, лекин, йирик миқдорда молиявий маблағлар талаб қиладиган лойиҳаларни амалга ошириш имкониятларининг чекланганлиги;

– етиштириладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий катта қисмини ташкил этувчи ғалла ва пахта ҳосили хариди учун қатъий давлат баҳосининг белгилаб қўйилганлиги;

– қишлоқда аҳоли бандлигини ошириш масаласи жиддий долзарб муаммо сифатида юзага чиқаётганлиги;

– қишлоқ хўжалигида молиявий ва ишлаб чиқариш муносабатларини ҳуқуқий жиҳатдан такомиллаштиришнинг зарурлиги ва бошқалар ҳисобланади.

Хулоса

Хулоса тариқасида шуни таъкидлаш лозимки, аграр ислохотларнинг мақсади ва ижроси самарасига кўра, бугунги кунда фермерлик ҳаракати энг фаол ривожланиш палласида турибди ва тармоқ истиқболи мазкур хўжаликлар истиқболи билан узвий боғланиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигида бошланган мулкӣ ислохотлар бугунги кунга келиб ўз самарасини бермоқда. Бунинг натижасида фермер хўжаликларини том маънода қишлоқ хўжалигининг бош ва асосий хўжалик субъекти сифатида ривожлантиришга бирламчи урғу берилмоқда. Энг муҳими қишлоқ хўжалигида кластерларни ривожлантириш, яъни битта соҳага бирлашган ва бир-бири билан узвий алоқада бўлган корхоналар гуруҳи ёки битта географик ҳудудда жойлашган ва битта тармоқни ташкил қиладиган корхоналар гуруҳини самарали ташкил этиш қишлоқ хўжалиги тараққиётини таъминлашнинг бош омилидир.

Шу билан бирга аграр соҳани тубдан ислох қилиш ва уни бозор талабларига мослаштириш йўлида давлат харид нархларининг қарийб 3 баробар оширилиши пахтачилик ва ғаллачиликни даромад келтирадиган тармоққа айлантирди. Қолаверса, пахтачиликда кластер тизимига ўтилгани меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартирди. Ишни самарали ташкил этиш ва бошқариш имконияти юзага келди. Шунингдек, пахта майдонларида суғоришнинг тежамкор усуллари татбиқ этилди. Бу эса, биринчидан, ҳосилдорликни оширади, иккинчидан, кўплаб ер майдонларини қайта фойдаланишга киритиш имкониятини яратади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, яқин истиқболда қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланишни такомиллаштириш, сувдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда давлат харидлари тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигининг экспорт салоҳиятини ошириш ва қўшилган қийматга эга маҳсулотлар ҳажмини кўпайтириш, қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини шакллантириш, қишлоқ хўжалигида ахборот технологияларини кенг жорий қилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги статистикасини тўлиқ рақамлаштириш орқали маълумотлар ҳаққонийлигини таъминлаш, кадрлар масаласини ҳал этиш, илм-фанни ривожлантириш устувор йўналишлар сифатида кўрилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли ««Ўзбекистон-2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармони.
2. ФАО, МФСР, ЮНИСЕФ, ВПП и ВОЗ. 2022. Краткий обзор.. <https://doi.org/10.4060/cc0640ru>.

3. Механизм адаптации аграрного сектора к транзитивным кризисам и новым глобальным вызовам: монография / Тарасов А.Н., Щитов С.Е. и др. – Ростов н/Д: АзовПринт, 2020. – 84 с.
4. Вахабов А.В. Қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини оширишда банк тизимининг ўрни. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. – Тошкент: Молия, 2009. – Б. 15-23.
5. Боймуратов А.Д. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш йўналишлари. И.ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2008. – 19 б.
6. Шодмонов Э.Ш. Ўзбекистонда аграр ислохотларни чуқурлаштиришда банklar фаоллигини оширишнинг асосий йўналишлари. И.ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2005. – 124 б.
7. Хўжамқулов Д.Ю. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги корхоналарида инвестиция фаолиятини молиялаштириш. И.ф.н. ... дисс. автореф. – Тошкент: БМА, 2006. – 32 б.
8. Махмудова Г.Н. Аграр соҳани инвестициялаш самарадорлигини ошириш йўналишлари. И.ф.н. ... дисс. автореф. – Т.: БМА, 2005. – 20 б.
9. [O'zbek tilining izohli lug'ati - A.pdf \(ziyouz.com\)](#).
10. Қаҳҳоров О.С. Қишлоқ хўжалигида кластер тизимини ривожлантириш: тажрибалар, натижалар ва истиқболли йўналишлар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. — Бухоро: Sadriddin Salim Vuxoriy, 2019. – Б. 3. – 260 б.

АНАЛИЗ ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОГО ФОРМИРОВАНИЯ ЭКОНОМИКИ ЗНАНИЙ

Хасанхонова Нодира Исаметдиновна



доктор философии (PhD) по экономическим наукам

доцент кафедры экономики

Ташкентский финансовый институт

E-mail: nxasanxonova@gmail.com

ORCID: 0000-0002-4283-2601

Аннотация

В статье анализируется экономика знаний с точки зрения институционального формирования. Экономика знаний изучается как новый этап развития общества. Исследуются показатели благосостояния человека до вхождения экономики знаний в экономическую науку и в период ее реализации. Изучены пути решения проблем формирования экономики знаний.

Ключевые слова: экономика знаний, человеческий капитал, научные исследования, интеллектуальный капитал, инновационная экономика, постиндустриальная экономика, информационная экономика, глобальная сетевая экономика, экономическое благополучие, конкурентоспособность.

BILIMLAR IQTISODIYOTI INSTITUTSIONAL SHAKLLANISHINING TAHLILI

Xasanxonova Nodira Isametdinovna

iqtisodiyot fanlari bo'yicha

falsafa doktori (PhD)

iqtisodiyot kafedrasining dotsenti

Toshkent moliya instituti

e-mail: nxasanxonova@gmail.com

ORCID: 0000-0002-4283-2601

Anotatsiya

Maqolada bilimlar iqtisodiyoti institutsional shakllanishi nuqtai nazaridan tavsiflanadi. Bilimlar iqtisodiyoti jamiyat taraqqiyotining yangi bosqichi sifatida tadqiq etilgan. Bilimlar iqtisodiyoti iqtisodiy fanlar qatoriga kirib kelishiga qadar

va bilimlar iqtisodiyoti davridagi inson farovonligi ko'rsatkichlari tahlil qilingan. Bilimlar iqtisodiyotini shakllantirishdagi muammolarni hal qilish yo'llari o'rganib chiqilgan.

Kalit so'zlar: bilimlar iqtisodiyoti, inson kapitali, ilmiy-tadqiqot, intellektual kapital, innovatsion iqtisodiyot, postindustrial iqtisodiyot, axborot iqtisodiyoti, global tarmoq iqtisodiyoti, iqtisodiy farovonlik, raqobatbardoshlik

ANALYSIS OF THE INSTITUTIONAL FORMATION OF THE KNOWLEDGE ECONOMY

Khasankhonova Nodira Isametdinovna

*Doctor of Philosophy in Economics,
Acting Associate Professor
of the Department "Economy"
Tashkent Institute of Finance
e-mail: nxasanxonova@gmail.com
ORCID: 0000-0002-4283-2601*

Abstract

The article describes the knowledge economy in terms of institutional formation. The economy of knowledge is described as a new stage of the development of society. Indicators of human well-being before and during the period of knowledge economy are analyzed. Ways to solve problems in the formation of the knowledge economy have been studied.

Keywords: knowledge economy, human capital, scientific research, intellectual capital, innovation economy, post-industrial economy, information economy, global network economy, economic well-being, competitiveness

Введение

Современная экономика вступила на новую фазу, которая называется экономика знаний. Этот этап обуславливается тем, что во всех сферах используется инновационные технологии, результаты научно-технологического исследования, высокие маркетинговые и менеджерские подходы. Она характеризуется высоким уровнем образования, научных исследований и инноваций, а также использованием новых технологий и методов управления.

Так как осознание реальности социально-экономических и политических процессов в мире не помещали обществу проигнорировать вызовы экономики, продающее высокое образование, научные технологии и

инновационные товары. В последний период в мире растет понимание того, что необходимо существенное реформирование экономической системы, что связано с необходимостью рисков, появляющихся в результате экономических кризисов, а также угроз, связанных с загрязнением окружающей среды, изменением климата, и рядом других глобальных проблем. Поэтому в развитых странах происходит постепенный переход на экономику знаний.

Экономика знаний основывается на том, что знания являются ключевым фактором производства в развитии экономики. Они могут быть использованы для создания новых продуктов, услуг и технологий, которые могут улучшить качество жизни людей и повысить конкурентоспособность экономики. Экономика знаний требует высокого уровня образования и квалификации работников, а также инвестиций в научные исследования и разработки. Это позволяет создавать новые знания и технологии, способствующие экономическому росту.

Таким образом, экономика знаний является важным фактором экономического роста и повышения качества жизни людей. Она основывается на знаниях, инновациях и использовании новых технологий.

Обзор литературы

Следует отметить что, первые шаги по теоретическому анализу экономики знаний были заложены Ф. Махлупом, Ф. Хайеком, Й. Шумпетером. Данной проблематике посвящены работы таких зарубежных исследователей, как Д. Белл, Дж. Гэлбрейт, Г. Кан, М. Кастельс, Я. Корнай, И. Масуда, Ф. Махлуп, Д. Рисмен, Т. Сакайя, Р. Солоу, Дж. Стиглиц, Э. Тоффлер, Т. Стюарт, Т. Умесао, Д. Форэ, Д. Шнайдер и др.

В настоящее время существует множество доктрин и теорий развития экономики знаний. Мы можем разделить их на две группы. Ученые первой группы, в том числе Ф. Махлуп, Г. Беккер, Ф. Хайк, показали эволюционное развитие экономики знаний через теорию человеческого капитала. В том числе Ф. Махлуп подчеркивает, что «В результате повышения физических и умственных способностей человек начинает заниматься более эффективным и совершенным трудом. Такое совершенствование составляет человеческий капитал» [1]. Под этим они подразумевают, что пока экономика знаний возникла в результате интеллектуализации общества, ее основу будут составлять творческий труд и инновации, а проникновение инновационных технологий во все сферы общества, в том числе стремительное развитие нано, био- и когнитивные технологий, ускорят этот процесс.

Вторая группа ученых считает, что бурное развитие образования и инноваций привело к революционному развитию экономики знаний. В частности, Д. А. Шелестова утверждает, что экономика знаний была создана в результате интеграции глобальной сетевой экономики в информационную экономику [2].

По мнению американского ученого С. Бергера, «экономика знаний – это такая экономика, в которой интеллектуальный капитал, научный потенциал работников, научно-технические достижения и ноу-хау, являющиеся главным ресурсом стратегического развития предприятия, отражают полный процесс от производства товаров и услуг до поставки товаров и услуг потребителю [3].

Также есть мнение, что экономика знаний возникла в результате объединения четырёх экономик. В частности, по словам М.В. Ченцовой, экономика знаний объединяет следующие четыре экономики:

- постиндустриальная экономика. В экономике знаний преобладает сектор услуг, характерный для постиндустриальной экономики.
- информационная экономика. Так как информация играет ключевую роль в экономике знаний и не может работать без нее.
- инновационная экономика. Подобно тому, как инновационная экономика не лишена знаний, экономика знаний реализуется за счет использования инноваций для удовлетворения растущих потребностей общества.
- глобальная сетевая экономика. Сегодня экономика знаний не может выжить без глобального Интернета. Потому что он обеспечивает удаленные экономические отношения [4].

При анализе определений понятия «экономика знаний», можно подчеркнуть, что они отражают также и экономические отношения. В частности, Ю.В. Смагин описывает, что «экономика знаний – это современные экономические отношения, основанные на специалистах, которые могут нести новые технологии. Это создаст новые отношения в решении локальных и глобальных проблем, а также внедрении технологий завтрашнего дня в экономику» [5]. На этом этапе мы можем сказать, что экономику знаний можно рассматривать как экономические отношения, когда она отражает процесс продажи и покупки человеческого капитала.

Однако до настоящего времени не проводилось комплексные независимые исследования по углубленному изучению развития концептуальных основ экономики знаний. Это показало, насколько актуальна данная проблема сегодня, и стало основой научных исследований.

Анализ и результаты

Говоря об экономике XXI века, экономике знаний, мы подразумеваем экономику, основанную на инновациях, материализованных в виде новых, высокоэффективных наукоемких технологий, товаров и услуг, причем инновациях, затрагивающих не только производственную сферу, но и образование, здравоохранение, культуру. В нашем представлении, экономика знаний не оперирует лишь знаниями и не замещает ими реальное производство. Она представляет собой качественно новую систему их использования и внедрения в практическую жизнь. Причем переход к этой системе уже намечен, потому как она является реальной альтернативой и узко индустриальной, и сырьевой экономике.

Формирование экономики знаний – это процесс, который направлен на развитие и использование знаний и инноваций в различных сферах деятельности для достижения экономического роста и повышения качества жизни населения.

В развитых странах экономика знаний является одним из ключевых факторов экономического роста. Инвестиции в образование, науку и технологии являются приоритетными направлениями государственной политики.

Преимущества по переходу в экономику знаний потенциально огромны, он сопрягается с серьезными социальными проблемами. Проблемы при внедрении экономики знаний могут быть различными, в частности:

-недостаток квалифицированных кадров. В условиях экономики знаний требуются высококвалифицированные специалисты, которые могут использовать новые технологии и методы. Однако, найти таких специалистов может быть сложно, особенно в развивающихся странах.

-ограниченный доступ к информации и знаниям: В экономике знаний информация и знания играют ключевую роль. Однако, доступ к ним может быть ограничен, что затрудняет развитие инноваций и новых продуктов.

-неравномерное распределение доходов: Экономика знаний может привести к неравномерному распределению доходов между различными группами населения. Например, новые технологии могут создавать новые рабочие места, но также могут привести к сокращению рабочих мест в других отраслях.

-технологические изменения: Технологии постоянно меняются, что может создавать проблемы для компаний, которые не успевают адаптироваться к новым условиям.

-отсутствие инфраструктуры: Для развития экономики знаний необходима развитая инфраструктура, включая доступ к интернету, образовательные программы и другие ресурсы. Однако, в некоторых странах инфраструктура может быть недостаточно развита.

-недостаточное финансирование: Финансирование экономики знаний может быть проблемой, особенно в условиях ограниченности ресурсов. Компании и правительства должны находить способы финансирования инновационных проектов и программ.

-культурные и социальные изменения: Развитие экономики знаний может вызвать культурные и социальные изменения, такие как изменение образа жизни и ценностей. Это может привести к конфликтам и проблемам в обществе.

-конкуренция: Конкуренция в экономике знаний может быть очень жесткой, особенно если компании не успевают адаптировать свои продукты и услуги к изменяющимся условиям.

Одним из основных элементов экономики при решении этих проблем знаний является образование. В развитых странах существуют различные образовательные программы, начиная от дошкольного образования и заканчивая высшим образованием. Кроме того, многие университеты и научные институты активно занимаются исследованиями и разработками в различных областях знаний.

Еще одним важным элементом экономики знаний являются информационные технологии. В развитых странах широко используются компьютерные технологии, интернет и другие средства коммуникации для передачи знаний и информации. Это позволяет быстро и эффективно обмениваться знаниями между различными организациями и людьми.

Инвестиции в человеческий капитал также играют важную роль в экономике знаний. Развитые страны активно поддерживают образование и науку, создавая условия для развития творческого потенциала и профессионального роста своих граждан.

Инновации являются еще одним ключевым элементом экономики знаний. В развитых странах создаются новые продукты и услуги, которые позволяют улучшить качество жизни людей и повысить конкурентоспособность экономики в целом.

Развитие инфраструктуры также играет важную роль в экономике знаний. В развитых странах созданы условия для доступа к информационным ресурсам, технологиям и образовательным программам. Это позволяет людям получать необходимые знания и навыки для успешной карьеры и

личностного роста.

Управление знаниями является еще одним важным аспектом экономики знаний. Многие организации и компании активно используют системы управления знаниями для эффективного их использования и разработки новых идей.

Поддержка малого и среднего бизнеса также является важным элементом экономики знаний. Благодаря этому создаются условия для развития новых технологий и инноваций, что способствует экономическому росту.

Международное сотрудничество также играет важную роль в формировании экономики знаний. Участие в глобальных проектах и инициативах позволяет обмениваться знаниями и опытом между странами, что способствует глобальному развитию науки и технологий.

Человечество вступило в новый, инновационный этап своего развития. В современном мире основным ресурсом становятся знания, наука и образование занимают достойное место в экономике, основанной на создании продуктов и услуг. В последние годы в экономических кругах активно используется термин «основанный на знаниях». Он возник как новая категория интерпретации особенностей многих реалий современного мира, а также решение ряда существующих проблем.

К началу XXI в. объем знаний в мире увеличился более чем в 250 тысяч раз. В 1981 году Ричард Фуллер заявил, что удвоение человеческих знаний происходит каждые 12-13 месяцев, а к 2020 году специалисты IBM писали, что ожидается удвоение человеческих знаний примерно каждые 12 часов [6].

На развитие экономики знаний в развитых странах повлиял ряд факторов: человеческий капитал, инновации, интеллектуальный капитал и управление ими. Страну, которая смогла использовать эти факторы можно назвать лидером так как она добилась значительного прогресса в этой сфере.

Одной из таких стран являются США, где правительство активно поддерживает развитие науки, знания и техники. В этой стране много университетов и исследовательских центров, осуществляющие исследования в различных областях науки и техники.

Еще одной страной, активно развивающей экономику знаний, является Япония. Страна известна своими инновационными технологиями и высоким уровнем образования. Есть много компаний, которые активно используют исследования и разработки для создания новых продуктов и услуг.

Китай также является страной, добившейся значительного прогресса в развитии экономики знаний. Здесь активно инвестирует в науку и

образование, что позволяет создавать новые технологии и повышать качество жизни своих граждан.

Институты экономики знаний также коренным образом изменили показатели благосостояния человека. В частности, активное участие умного дома, блокчейна, роботов в различных направлениях, внедрение различных технологий во все сферы представляют собой наглядную демонстрацию экономики знаний (Таблица 1).

Таблица 1.

Показатели благосостояния человека до и после реализации экономики знаний *

Показатели благосостояния населения для стран до экономики знаний	Основы общественного благосостояния в экономике знаний
Рост ВВП	Повышение уровня интеллектуальной активности
Повышение производительности труда	Интеллектуальное трудовое преимущество
Увеличение средней продолжительности жизни	Высокий уровень образования
Рост реальных доходов населения	Заработок через систему блокчейн
Уровень и качество жизни населения	Улучшение качества жизни за счет развития роботов, дронов, 3D-принтеров, 5G
Конкурентоспособность экономики	Зеленая экономика считается экономикой будущего
Рост инвестиций в основной капитал и т.д.	Внедрение генной инженерии, нанотехнологий, солнечного электричества в качестве основного капитала

*Разработка автора.

Анализ данных таблицы показывает, что необходимо пересмотреть вопрос о благосостоянии человека в сторону экономики. Причина в том, что сегодня сформировался новый подход к благополучию человека, и решение связанных с ним проблем может осуществиться именно благодаря инновациям. На наш взгляд, добиться мирового признания государства можно путем активного внедрения в национальную экономику элементов экономики знаний.

Заклучение

Пути решения проблем по формированию экономики знаний по нашему взгляду это:

- создание благоприятных условий для развития экономики знаний, что включает в себя развитие инфраструктуры, создание образовательных программ и поддержку научных исследований;

- стимулирование инноваций: компании должны быть поощрены к созданию новых продуктов и услуг, которые используют новые технологии;

- развитие человеческого капитала: важно создавать условия для обучения и развития персонала, чтобы они могли использовать новые технологии и методы в своей работе;

- содействие сотрудничеству между компаниями: сотрудничество между компаниями может помочь им обмениваться знаниями и опытом, что способствует развитию экономики знаний;

- поддержка малого и среднего бизнеса: малый и средний бизнес могут играть важную роль в развитии экономики знаний, так как они могут быстрее адаптироваться к изменениям в технологиях и рынке;

- создание инновационных кластеров: кластеры могут способствовать сотрудничеству между компаниями и учеными, а также стимулировать инновации;

- развитие международного сотрудничества: международное сотрудничество может помочь странам развивать экономику знаний и обмениваться опытом.

ЛИТЕРАТУРА

1. Махлуп Ф. Производство и распространение знаний в США. – М.: Прогресс, 1966. – С. 23.

2. Шелестова Д.А. Институциональное развитие экономики знаний в современной России. Автореф. дис. ... канд. экон. наук. – В., 2003. – С. 14.

3. Suzanne Berger. A Preview of the MIT Production in the Innovation Economy Report. February 22, 2013. Massachusetts Institute of Technology.

4. Ченцова М.В. Концепция экономики - новое направление в формировании современной экономической парадигмы. // Вестник ФА. № 1. 2008. С. 121.

5. Смагин Ю.В. Экономика знаний и реальности. Метиор-Сити. Наука развития. № 4, 2016. С. 39. <https://neg.by/novosti/otkrytj/universitet-30/>

ХЎЖАЛИК СУБЪЕКТЛАРИДА АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ АМАЛИЙ ЖИҲАТЛАРИ



Исхакова Наргиза Патхиллаевна

Тошкент молия институти

мустақил изланувчиси

E-mail: snargiza0727@gmail.com

ORCID: 0009-0002-5651-1347

Аннотация. Мақолада моддий-техника ресурслари, шу жумладан асосий воситаларнинг ишончли маълумотлар базасини хужалик субъектларининг молиявий ҳисобида ақс эттиришнинг долзарб муаммолари тадқиқ этилган. Мазкур ахборот базаси хужалик субъектларининг инвестицион жозибаторлигини оширишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Ахборот тизимларида асосий воситаларни ҳисобга олиш, шунингдек назарий, услубий ва амалий масалаларни ҳал этишда рақамли технологиялардан кенг фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилиб, бухгалтерия ҳисоби стандартларини унификация қилишнинг амалий жиҳатлари очиқ берилган.

Калит сўзлар: асосий воситалар, миллий стандарт, рақамли трансформациялаш, бухгалтерия ҳисоби, хўжалик субъектлари, устав капитали.

ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ВЕДЕНИЯ УЧЕТА ОСНОВНЫХ СРЕДСТВ ХОЗЯЙСТВУЮЩИХ СУБЪЕКТОВ

Исхакова Наргиза Патхиллаевна

независимый исследователь

Ташкентский финансовый институт

E-mail: snargiza0727@gmail.com

ORCID: 0009-0002-5651-1347

Аннотация. В статье исследуются актуальные проблемы отражения в финансовом отчете хозяйствующих субъектов надежной базы данных материально-технических ресурсов и в том числе основных средств. Данная информационная база является одним из основных факторов повышения инвестиционной привлекательности субъектов хозяйствования. Уделяется особое внимание учету основных средств в информационных системах и широкому использованию цифровых технологий при решении

теоретических, методологических и практических задач, раскрываются практические аспекты унификации стандартов бухгалтерского учета.

Ключевые слова: основные средства, национальный стандарт, цифровая трансформация, бухгалтерский учет, хозяйствующий субъект, уставный капитал.

PRACTICAL ASPECTS OF ACCOUNTING FOR FIXED ASSETS OF BUSINESS ENTITIES

Iskhakova Nargiza Patkhillaevna

independent researcher

Tashkent Institute of Finance

E-mail: snargiza0727@gmail.com

ORCID: 0009-0002-5651-1347

Abstract. The article examines current problems of reflecting a reliable database of material and technical resources, including fixed assets, in the financial statements of business entities. This information base is one of the main factors in increasing the investment attractiveness of business entities. Particular attention is paid to accounting for fixed assets in information systems and the widespread use of digital technologies in solving theoretical, methodological and practical problems, and practical aspects of the unification of accounting standards are revealed.

Keywords: fixed assets, national standard, digital transformation, accounting, economic entities, authorized capital.

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти (5-сонли БҲМС) “Асосий воситалар”га асосан асосий воситаларнинг актив сифатида тан олиш мезонларини белгилаш ҳамда бухгалтерия ҳисобида акс эттириш пайтини аниқлаш муҳим ҳисобланади.

Авваламбор шуни таъкидлаш зарурки, бухгалтерия ҳисобида бирор бир усқунани, бинони, товар-моддий захирасини ёки ҳуқуқни актив сифатида тан олиш учун улар қуйидаги учта мезонга, яъни:

- а) активга нисбатан мулк ҳуқуқи мавжуд бўлса;
- б) корхонага келгусида актив билан боғлиқ иқтисодий наф келиб тушишига ишонч бўлса;
- в) актив қийматини аниқ баҳолаш мумкин бўлса кабиларга жавоб бериши лозим [1].

Ушбу мезонлар маъноси шуки, бухгалтерия ҳисобида актив сифатида баҳоланадиган ҳар бир объект корхона фаолияти учун иқтисодий наф келтириши керак, яъни ушбу объект корхона фаолиятида фойдаланиш, қайта ишлаш ёки сотиш учун мўлжалланган бўлиши лозим ҳамда ушбу объектни қийматини аниқлаш имкони мавжуд бўлиши лозим.

5-сонли БҲМСга кўра, асосий воситалар таркибига корхона томонидан узоқ муддат давомида хўжалик фаолиятини юритишда маҳсулот ишлаб чиқариш, ишларни бажариш ёки хизматлар кўрсатиш жараёнида ёхуд маъмурий ва ижтимоий-маданий вазифаларни амалга ошириш мақсадида фойдаланиш учун тутиб туриладиган моддий активлар киритилади. Қисқача айтганда, корхона томонидан қуйидаги иккита муддатнинг энг узоғидан бир йил ёки бир бизнес циклдан кўп муддатда моддий-ашёвий шаклини ўзгартирмасдан корхона фаолиятида фойдаланиш учун олинган ёки яратилган активлар асосий воситалар ҳисобланади. Бу таърифда қуйидаги, яъни:

- иккита муддатнинг энг узоғидан – бир йил ёки бир бизнес циклдан кўп муддат фойдаланишлик;
- моддий-ашёвий шаклини ўзгартирмаслик;
- корхона фаолиятида фойдаланишга мўлжалланганлиги;
- иккинчи томондан олинганлик ёки корхонада яратилганлик каби жиҳатларга эътибор қаратиш лозим.

Адабиётлар шарҳи

Хўжалик субъектларида асосий воситалар ҳисобини юритишнинг амалий жиҳатлари ҳамда хусусиятлари бир қатор хорижий иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Россиялик олима Воскресенская Л.С. тезлаштирилган амортизацияни хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаолиятини фаоллаштириш воситаси сифатида кўриб чиққан [4].

Мамлакат олимларидан З.Т. Маматов хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалаларини кўриб чиққан бўлса [5], А.З.Авлоқулов молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш бўйича жиддий тадқиқот олиб борган [2]. Шунингдек, С.У. Меҳмонов бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш масаласига оид фундаментал тадқиқотларни амалга оширган [3].

Таҳлил ва натижалар

Асосий воситаларнинг иккита муддатнинг энг узоғидан – бир йил ёки бир бизнес циклдан кўп муддат фойдаланишлик жиҳати моҳиятини тушуниш учун “бизнес цикл” тушунчасига аниқлик киритиш лозим. Бизнес цикл – бу хом ашёдан бошлаб тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришгача бўлган муддат ҳисобланади. Бизнес цикл ҳар бир корхона фаолиятидан келиб чиқиб ҳар хил бўлади, яъни бизнес цикл қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун тахминий 6 соат бўлса, кемасозлик, авиасозлик, қурилиш соҳаларида 1 йилдан ҳам узоқ муддат бўлиши мумкин. Хизмат кўрсатувчи корхоналарда бизнес цикл бир бирлик хизмат кўрсатиш жараёни бошидан то хизмат кўрсатиш жараёнининг тугашигача бўлган муддат ҳисобланади. Бундан келиб чиқиб, агарда бир бизнес цикл бир йилдан кам муддат бўлганда – бир йилдан кўп фойдаланиладиган активлар, бир бизнес цикл бир йилдан ортиқ

муддат бўлганда – бир бизнес циклдан кўп фойдаланиладиган активлар асосий воситалар сифатида тан олишга асос бўлади. Бунда шуни эсдан чиқармаслик лозимки, бир бизнес цикл муддатда фойдаланиладиган активлар бир бирлик маҳсулотни (хизматни ёки ишни) ишлаб чиқаришда ишлатилади. Буларга мисол сифатида барпо этиш харажатлари қурилиш-монтаж ишларининг таннархига киритиладиган вақтинчалик (нотитул) иншоотлар, мосламалар ва қурилмаларни киритиш мумкин.

Моддий-ашёвий шаклини ўзгартирмаслик жиҳати активнинг корхона фаолиятида восита сифатида ишлатилишида номоён бўлади. Масалан, корхона жойлашган бино, фаолиятида фойдаланиладиган ускуналар, автомобиллар бунга мисол бўла олади. Корхона фаолиятида ишлатилладиган ҳом ашё ва материаллар бир бизнес циклда ўзининг моддий-ашёвий шаклини ўзгантиради, яъни тайёр маҳсулот шаклига ўтади.


Навбатдаги муҳим жиҳат бу корхона фаолиятида активларнинг фойдаланишга мўлжалланганлиги жиҳатидир. Корхона фаолиятини аниқлаш нафақат асосий воситаларни тан олишдаги мезон ҳисобланади, балки корхонада бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ва юритишдаги муҳим мезон ҳисобланади. Одатда корхоналар бир ишлаб чиқариш (хизмат кўрсатиш ёки ишлар бажариш) фаолиятини амалга оширади. Бироқ айрим корхоналар бир вақтнинг ўзида бир нечта ишлаб чиқариш жараёнилари, шунингдек, қурилиш ёки техник хизмат кўрсатиш каби ишларни бажариш ҳамда хизмат кўрсатиш жараёнларини қамраб олиши мумкин. Бундан келиб чиқиб, корхона фаолиятини бир корxonанинг барча ишлаб чиқариш фаолияти, хизмат кўрсатиш ҳамда иш бажариш фаолиятини амалга ошириш ҳамда ушбу фаолиятларни амалга ошириш учун билвосита зарур фаолиятларни амалга ошириш сифатида эътироф этиш мумкин. Бунда корxonанинг асосий фаолиятини ёки фаолиятларини (солиқ тўлаш мақсадида эмас) амалга оширишда билвосита зарур фаолиятига корхона ишчиларига мўлжалланган дам олиш масканлари фаолиятини мисол сифатида келтириш мумкин.

Ва, ниҳоят, иккинчи томондан олинганлик ёки корхонада яратилганлик жиҳатлари корхонада асосий воситаларнинг юзага келиш асослари билан боғлиқ, яъни корхонада асосий воситалар сотиб олиниши, текинга олиниши, устав капиталини шакллантириш учун ҳисса сифатида киритилиши, бошқа активга алмаштирилиши, қарзни воз кечиш эвазига олиниши, корxonанинг ўзида яратилиши мумкинлиги ва ҳоказолар билан изоҳланади.

Асосий воситаларнинг ҳаракати уларнинг келиб тушиши, чиқиб кетиши ва корхона ичидаги ҳаракати билан боғлиқ бўлган хўжалик жараёнлари таъсири остида содир бўлади. Ушбу хўжалик жараёнлари тегишли ҳисоб ҳужжатларига асосан расмийлаштирилади (1-чизма).

1-чизма.

**Асосий воситалар ҳаракатининг бухгалтерия ҳисобида акс
эйтирилиши***



* Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Корхонага келиб тушган асосий воситани корхона раҳбари томонидан тайинланган комиссия қабул қилади. Комиссия қабул қилган ҳар бир объект учун алоҳида бир нусхада асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси (AB-1 шакл) тузилади ва уни корхона раҳбари тасдиқлайди. Бир нечта объект учун умумий далолатнома фақат ушбу объектларнинг ҳаммаси ягона типда бўлса ва уларнинг қиймати бир хил бўлса, шунингдек бир кунда битта жавобгар шахс томонидан қабул қилинганда тузиш мумкин. Далолатномада объектнинг номи, қурилган ёки заводдан чиқарилган вақти, дастлабки қиймати, берилган инвентар номери, фойдаланиш жойи ва бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Қабул қилинган объектни тавсифловчи

техник хужжатлар далолатномага илова қилинади. Асосий воситаларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилгандан сўнг корхона бухгалтериясига топширилади ва уларга асосан бухгалтерияда асосий воситаларнинг инвентар карточкаларида тегишли ёзувлар амалга оширилади. Ундан сўнг техник хужжатлар доимий сақлаш учун тегишли бўлимларга берилади.

Асосий воситаларнинг корхона ичидаги ҳаракати юк хатига асосан (АВ-2 шакл) расмийлаштирилади. Унда топширувчи ва қабул қилувчининг исми, шарифи, лавозими, асосий воситаларнинг бирини иккинчисига бериш сабаблари ва асоси, объектнинг қисқача тавсифи, техник ҳолати кўрсатилади. Юк хати икки нусхада тузилади ва топширувчи ҳамда қабул қилувчи имзо чекади. Юк хатининг бир нусхаси корхона бухгалтериясига топширилади, иккинчи нусхаси топширувчида қолади ва у асосий воситаларнинг инвентар руйхатидан чиқиши туғрисида белгини қўйиш учун асос бўлади.

Капитал қўйилмалар ҳисобидан қурилаётган объектларни битказиш ва асбоб ускуналар билан жиҳозлаш билан боғлиқ бўлган тугалланган ишларни қабул қилиш, таъмирланган, реконструкцияланган ва қайта модернизацияланган объектни қабул қилиш-топшириш далолатномасига асосан (АВ-3 шакли) расмийлаштирилади. Далолатномада объектнинг дастлабки қиймати ва содир бўлган техник ўзгаришлардан сўнги қиймати ва бошқа зарур техник кўрсаткичлар акс эттирилади. Ушбу ишларни корхонанинг ўзи амалга оширса, акт бир нусхада, агар бошқа ташкилот амалга оширса икки нусхада тузилади ва далолатномада объектни қабул қилувчи ва топширувчилар ўз имзолари билан тасдиқлайди.

Асосий воситаларнинг сони унчалик кўп бўлмаган корхоналарда объектлар бўйича ҳисоб асосий воситаларнинг инвентар дафтарида (№АВ-11 шакл) юритилиши мумкин. Дафтарга асосий воситалар уларнинг туркумлари бўйича ва фойдаланилаётган жойлари бўйича ёзилади.

Бухгалтерияда ижарага олинган асосий воситалар бўйича инвентар карточкалари очилмайди. Аналитик ҳисобни ташкил қилиш учун эса ижарага берувчи тамонидан берилган асосий воситаларнинг инвентар карточкасининг кўчирмасидан фойдаланилади.

Инвентар карточкалар тўлгазилгандан сўнг маҳсус руйхатда қайд этилади. Карточкалар руйхатда туркумдаги гуруҳлари бўйича жойлаштирилади.

Инвентар карточкалардан ташқари асосий воситаларнинг ҳаракатини ҳисобга олиш карточкаси ҳам юритилади. Унда корхона ва унинг бўлимлари бўйича асосий воситаларнинг ҳаракати микдори ва қиймати бўйича акс эттирилади.

Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби сўтлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома” номли 21-сонли БҲМСга асосан юртилади.

“Ўзбектелеком” АЖда асосий воситалар ҳисоби бухгалтерия ҳисоби счётлар режасидаги қуйидаги счётларда ҳисобга олинади:


- 0100 «Асосий воситалар» (актив счёт);
- 0200 «Асосий воситаларнинг эскириши» (контр-актив счёт);
- 9310 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқаримлардан қурилган фойда» (транзит счёт);
- 9431 «Асосий воситаларнинг сотилиши ва бошқа чиқимидан қўрилган зарар» (транзит счёт).

Барча турдаги асосий воситаларнинг корхонадан чиқиб кетиши асосий воситаларнинг тугатилиши тўғрисидаги далалотнома билан расмийлаштирилади. Фақатгина бундан юк ва енгил автомобиллар истисно. Улар автотранспорт воситаларини тугатиш ҳақидаги далалотномага биноан ҳисобдан чиқарилади (№ АВ-4а).

Кейинги чизмада асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби келтирилган (2-чизма).

2-чизма.

Асосий воситаларнинг синтетик ҳисоби*



*Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Асосий воситалар тугатилиши тўғрисидаги далалотномаларда уларни тугатишдан олинган материаллар эҳтиёт қисмлар ва бошқалар, шунингдек тугатиш учун қилинган ҳаражатлар, бошланғич ишлаб чиқариш қиймати, эскириш қиймати ва тугатиш натижаси кўрсатилади.

Хулоса

Рақамли трансформациялаш шароитида ахборот тизимларида асосий воситалар ҳисобини такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосаларга келинди:

- асосий воситалар хўжалик юритувчи субъектнинг моддий-техник базасини ташкил қилиб, ишлаб чиқариш жараёнида муҳим роль ўйнайди;
- асосий воситалардан фойдаланиш жараёнида уларнинг жисмоний ва маънавий эскириши уларни тугатишга ва бухгалтерия ҳамда солиқ ҳисобларида ҳисобдан чиқаришга олиб келади;
- асосий воситаларни тугатиш муносабати билан ҳисобдан чиқариш натижасида қабул қилинадиган бошқа асосий воситаларни таъмирлаш учун яроқли қисмлари ва бошқа рангли ва қимматбаҳо металлларини эҳтимолий фойдаланиш баҳосини белгилаш асосида кирим қилиш, бу бўйича ахборотларнинг аниқлиги ва молиявий ҳисоботларни ишончли ва шаффофлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий стандарти (5-сонли БХМС) «Асосий воситалар». Тошкент ш., 2003 йил 9 октябрь, 114-сон <https://www.lex.uz>
2. Авлоқулов А.З. Молиявий натижалар ҳисоби ва аудити методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини ... дис. автореферати. – Т.: 2019. – 71 б.
3. Меҳмонов С.У. Бюджет ташкилотларида бухгалтерия ҳисоби ва ички аудит методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини ... дис. автореферати. – Т.: 2018. – 74 б.
4. Воскресенская Л.С. Ускоренная амортизация как средство интенсификации инвестиционной деятельности субъектов хозяйствования / Л. С. Воскресенская // Проблемы бухгалтерского учета и отчетности в Республике Беларусь. – 2001. – № 8. – С. 17–22.
5. Маматов З.Т. Хўжалик юритувчи субъектларда молиявий ҳисобот аудитини ўтказишни такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини ... дисс. автореф. – Т.: 2005. – 40б.
6. Mirzayev D.A. Bank sektorini raqamlashtirish tushunchasi, mohiyati va bosqichlari //Innovatsion iqtisodiyotni shakllantirishda axborot kommunikatsiya texnologiyalarining tutgan o'rnini. – 2023. – Т. 1. – №. 1.

